



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадiiй,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

2  
1985

54-йил чиқиши

Бош редактор  
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ  
Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ  
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ  
Нинель ВЛАДИМИРОВА  
Жуманиёз ЖАББОРОВ  
ЗУЛФИЯ  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
/масъул секретарь/  
Тоҳир МАЛИК  
МИРМУҲСИН  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ  
Умарали НОРМАТОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Иброҳим РАҲИМ  
Туроб ТЎЛА  
Худойберди ТЎХТАБОЕВ  
/бош редактор уринбосари/  
УЙГУН  
Ўлмас УМАРБЕНОВ  
Ўнтам УСМОНОВ  
Раҳмат ФАЙЗИЙ  
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА  
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ  
Иброҳим ЮСУПОВ  
Нурали ҚОБУЛ  
Ҳамид ГУЛОМ

---

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

# Мундарижа

Ғафур Ғулом. Йигитларга . . . . .	3
<b>БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Шухрат. Мен уни ардоқлаб . . . . .	27
Шарофжон Орифий. Манзара . . . . .	30
<b>НАСР</b>	
Вильям Александров. Туғишгандан зиёда. Романдан боблар . . . . .	4
Мақсуд Қориев. Спитамен. Роман. Охири . . . . .	31
Нурали Қобул. Овчи. Қисса . . . . .	77
<b>МУШОИРА</b>	
Уткир Рашид. Янги кўшиқлар . . . . .	75
Ханифа Солиқова. Нон — ҳаёт . . . . .	76
Ғулом Абдуллаев. Майсазорда тунғиб ётар куз . . . . .	76
<b>ЖАҲОН КЛАССИК АДАБИЕТИДАН</b>	
Ғете. «Мағрибу машриқ девони»дан . . . . .	119
<b>ПУБЛИЦИСТ МИНБАРИ</b>	
Ҳамид Ғулом. Ҳаёт сарчашмаси — бебаҳо мулкимиз тилаги . . . . .	124
Ҳакимбой Ҳалимов. Тинчлик — халқимизнинг эзгу тилаги . . . . .	129
<b>РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН</b>	
Мавлон Икром. Табиат — сеҳрли олам . . . . .	131
<b>САНЪАТ</b>	
Нодир Норматов. Қалбдаги кўшиқлар . . . . .	134
<b>ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ — АДАБИЕТЛАР ДУСТЛИГИ</b>	
Галина Кобецкайте. Ягона оила туйғуси билан . . . . .	138
<b>БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ</b>	
<b>ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Суннатулла Анорбоев. Мен билган Ойбек . . . . .	142
Улжас Сулаймонов. Ойбек . . . . .	144
Бахтиёр Қурбонбоев. Ойбек Қорақалпоғистонда . . . . .	146
Уткир Ермухамедов. Тошкент Ойбекка . . . . .	150
<b>Навоийхонлик</b>	
Абдурашид Абдуғафуров. Шеъринг ҳикоят ва масалларда ҳам . . . . .	157
Эргашали Шодиев. Навоийнинг яна икки форсий қасидаси . . . . .	161
Иброҳим Ғафуров. Дунё кезувчиларнинг доноликлари . . . . .	163
<b>АДАБИЙ ТАНҚИД</b>	
Аҳмад Отабоев. Теран талқинлар . . . . .	169
<b>ТАҚРИЗЛАР</b>	
Бегали Қосимов. Туташ соҳиллар . . . . .	174
Отабек Эшонов, Маҳкам Маҳмудов, Ҳамдам Содиков. Қизил Бухоро . . . . .	176
<b>САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА</b>	
Саид Равшанов. Чордоқдан отилган ўқ . . . . .	173
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Йўлдош Солижонов. Пародиялар . . . . .	203
Ботир Норбоев. Ким қандай ёзар эди? . . . . .	204



Ғафур Ғулом

## Йигитларга

Йигитлар халқларнинг мақтови — кўрки,  
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,  
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,  
Элнинг гуркураши, файзи қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,  
Қалқон бор: қалъа бут, кўрғон саломат,  
Қизлар кулгусида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига  
Бир бутун замонни алишсанг арзир.  
Арзир, ўз йигитнинг қадами учун  
Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг  
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...  
Расо қоматингиз бизга асодир,  
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир ўлимни юртдан қочириб,  
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.  
Сиз ахир улуғ юрт иқболи учун  
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Лаънати галалар ердан суприлди  
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.  
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз,  
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда  
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон:  
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат  
Сизга таянади, сиздир посбон.

20.11.46



Вильям Александров

## ТУҒИШГАНДАН ЗИЁДА

РОМАНДАН БОБЛАР

Мен янги цех биноси деворларидан сим ётқизиладиган ариқчалар ўярдим. Қоронғу тушган эди. Бу ерда, цехнинг узоқ бурчагида, иккита запас лампа ёниб турарди. Лампалар катта бўлса-да, кенг цехни ёритишга кучи етмасди.

Мен жуда ҳолдан тойгандим, қўлимни зўрға қимирлатардим, аммо ҳали бир оз иш қолган ва уни ташлаб кетгим келмасди.

Янги танишим Миша Ҳабибулин ғиштга ўтирволиб, бурнини тортганча тинмай бидирларди:

— Ке, бўлди энди, сенга айтяпман, бас қил! «Айиқ» бари бир кўрмайди, эрта кўради, кетдик уйга, бўлди деяпман...

«Айиқ» — бошлиғимиз Бутигиннинг лақаби эди.

— Ҳозир, Миша, — эшитилар-эшитилмас минғирлайман мен, — о-озгина қолди, кўриб турибсан-ку!

— Болғани бер, мен ўяй, чарчадинг, ўрганмагансан...

— Кўявер, Миша, ўзим...

Охирги кучимни ишга солиб ариқчанинг қолган қисмини ўяман, жонсиз бармоқларим билан шундоққина пол ёнидан қиррали ғишт бўлақларини суғуриб оламан. Энгашишга тобим келмай асбобларни йиғиштираман. Мана, бўлди-е! Энди ҳам ғиди-биди деб кўрсин-чи! Деворнинг тепасидаш пастигача тўғри, чуқур ариқча кесиб ўтган. Балки унчалик ҳам тўғри эмасдир, лекин чуқурликка чуқур, ичига симни бемалол жойлаштириш мумкин.

Оёғимиз билан ғишт парчаларини суриб, ариқча тагини тозалаймиз. Нега бунақа қиляпмиз ўзи? Ким билсин, шунчаки, чиройли кўринсин учундир-да. Кейин аста цехнинг нариги томонига қараб юрамиз. Иккинчи секцияга ўтамиз. Бу ерда ёруғ лампалар порлаб турибди, калавалаш машиналари чинқиряпти. Уларнинг овози ўткир, чийилдоқ. Машина қанча кучли ва ингичка чийилласа, шунча яхши ишлаётган ҳисобланади. Улар шу қадар ингичка ипак толасини калавалайдик, мабодо узилиб кетса, дарров чигал тугунга айланади-қолади. Аммо тола жуда пишиқ бўлади. Толадан парашютлар учун гумбазлар тўқишади.

Биз ҳайвонот боғидаги каби симтўр билан ўралган бўлмага яқинлашиб, ғалати манзаранинг устидан чиқдик. Бизнинг «Айиқ» иккита курсига ўрнатиғлик оқ идиш ёнида туриб олиб, зўр бериб чўмич билан ниманидир кавлар эди. Қозон ёнида ишчилар навбатда турардилар. Коса ушлаган ишчи аёллар Бутигин қилаётган ғалати ишга мафтун боқишарди. «Айиқ» жомакор шалвираб турган оёқларини керганча овқатни кавларкан, чўмични кўтаришдан олдин навбатдагига ўғринча бир қараб оларди. Уша заҳоти чўмич қозондан шалошлаб кўтарилиб, тунука косага тушарди. Лекин бари бир унинг чўмични гоҳ тагига, гоҳ устига ботираётгани, яъни



бирова куюкрок, бировга суюкрок қуяётганини сезиш мумкин эди.  
— Қара, қара, қуйишини,— шивирлади Миша.— Қаллоб-ей, чиройли-ларга куюкрок, қариларга суюқ...

— Қанақа иш топиб олди у ўзи?

— Жамоат топшириғи. Ҳар кун кечқурун фирибгарлик қилади. Кейин қизлардан бирортасини уйига кузатади. Бир неча кун яхшилаб қуйиб беради-да, сўнг уйига кузатади.

— Э, қўйсанг-чи! Шунақа бадбашара кимга ҳам керак!

— Ҳа-ҳа! Бадбашара эмиш. Ҳозир эркаклар йўк, борининг ҳам қадри осмонда. Биласанми, у ҳозир қанақа қизни кузатади?

Миша танглайини тақиллатди. Биз бир четда турарканмиз, аталанинг иштаҳани қитиқловчи ҳидидан сўлагимиз оқади. Дармонсизликдан бош айланади. Ҳозиргача чарчоқ сезмовдим. Энди эса бирдан, овқат ҳидиданми, оёқларим латтадай бўшашиб кетди. Тездан панжара ёнига бориб, дастгоҳнинг пастки тахтасига ўтирдим ва қўлимни иягимга тирадим.

— Нима бўлди? Жуда ҳолдан тойдингми? Ма,— Миша чўнтагидан бир неча туршак чиқарди.

Мен ип ва нонушоқ ёпишган ўрикни оғзимга солиб сўра бошладим, шунда чиндан ҳам анча енгил тортаётгандай бўлдим.

Бирдан ойна ўрнига тўр тутилган бир табақали қўлбола эшик шарақлаб очилиб, «Айиқ» қозонни устахонага олиб кирди. У қозонни дастгоҳ устига қўйиши билан, ўз косасига овқатнинг қуюғини қандай солишини кўрмаслик учун бараварига тескари ўгирилдик. «Айиқ» овқат қуяркан, бирдан:

— Қани, косаларингни олиб келинглр!— деб қолди.

Дарров косаларимизни тутдик ва у оз-оздан атала қуйиб берди. Коса ярим ҳам бўлгани йўқ. Аммо аталамисан атала эди! Эҳтимол, ошхонадан беш улуш обу ёвғон олган тақдирда ҳам, ичидан бизникичалик туппа чиқмас эди. Бунинг эса ичи тўла хамир!

Биз атрофга аланглаб жимгина аталани тушира кетдик. Бутигин қозонни қопқоқлаб, эҳтиётлик билан тўрвага жойлади. Миша икковимиз унга миннатдорчилик ва ғараз аралаш туйғу билан қараб турардик.

— Бўпти, бугунга етади. Кетдим. Ариқчалар эртагача тайёр бўлсин, йўқса, бўйнингларни узиб оламан, тушунарлими?

— Тушуна-арли,— деди Миша бурнини тортиб.— Тайёрлаб қўйганмиз.

Бутигин ўзини эшитмаганликка олди. У кетини ликиллатганча жўнаркан, шартта тўхтаб менга ўгирилди.

— Ҳей, сен талон олдингми?

— Қанақа талон?

— Тушликка.

«Йўқ» дея бош чайқадим.

— Ма, иккита талон. Тағин овқатланишинг мумкин, ошхона ҳали очиқ.

— Майли.

— Ҳўп!— дея минғирлади Бутигин ва мўъжиза билан сақланиб қолган кўзи ҳақида нимадир дея гўлдиради.— Бари хумкалларни рўпара қилишади, ади-бади айтишавер...

У иккови қўли банд бўлгани учун эшикни оёғи билан очиб, цех бўйлаб юриб кетди. Анча вақтгача унинг солланаётган кети кўриниб турди, кейин машиналар орасида ғойиб бўлди.

— У-ув, «Айиқ!»...— деди Миша.

Биз кулиб юбордик. Косаларимизни тўрвага жойладик. Кетиш керак эди, кеч бўлди, лекин цехдан совуқ ва шилта кўчага чиққинг келмайди. Бирор иссиқ бурчакни топиб олиб мириқиб ухласанг... Аммо кетиш зарур, балки бувим хавотирланаётгандир, бунинг устига талонлар куяди.

— Кетдик ошхонага, Миша, тағин атала ичамиз.

— Нима деяпсан, нақ бўкиб қолаёздим-у, қоринни қара, кундузи ҳам икки улушнинг шўрини қуритганман,— у ўзини тетик кўрсатиб қорнига шапатади, лекин кўзларидан очлиги сезиларди. Бутигин берган уч-тўрт қошиқ атала қорнимизга юк бўлмаганди.

— Кетдик,— дедим мен,— юр. У ерда менинг танишим бўлиши керак, балки кўпроқ берар.

— Танишинг?— Миша жонланиб кетди ва шошиб бурнини тортди.— Қанақа таниш?

— Қўшним. Янги келган пайтимизда бизни бир хонага жойлаштиришган. Одеяднинг орқасида яшайди.

— Одеяд орқасида? Қанақасига?

— Шундай... Хонада ўн бир кишимиз.

— Бир хонада — ўн бир киши?!

— Ҳа. Ка-атта хона, илгари қанақадир идора бўлган экан. Ана ўша ерга бизни жойлаштиришди, тўртта, йўқ, бешта оила. Уртада устун бор. Устундан ҳар томонга арқон тортиб, одеяд, чойшаб осиб қўйишган. Ҳалиги қўшнимиз одеяднинг орқасида яшайди. Энди тушундингми?

— Тушунди-им,— деди Миша чўзиб.

Биз кириш йўлагига етиб келдик. Бу ер ёруғ, тепада иккита катта лампочка ёниб турар эди. Кўк форма кийган мўйловли қоровул бизни бошдан-оёқ пайпаслаб чиқди, тўрваларимизни текширди.

— Нега бунчалик?— сўрадим кўчага чиққач.

— Шойи излаяпти.

— Шойи?

— Ҳа. У, биласанми, қанақа қиммат. Кейин кам жой эгаллайди. Агар уч метрини сиқиб ўрасанг; мана бу-ундай бўлиб қолади. Бозорга олиб борсанг, уч юз сўмни қарсиллатиб олаверасан. Бу пулга олти кило нон беради!

— Олиб чиқишади ҳамми?

— Сен нима деб ўйловдинг! Айниқса, аёллар. Шундай боплаб яширишадики, топиб бўпсан.

— Ҳм-м... Агар қўлга тушса-чи?

— Беш йил.

— Шойи ўғирлашга бало борми, ҳайронман. Ҳозир ким ҳам оларди, кимга ҳам керак?

— Ҳе-ҳе, кимга керак! Илгари битта қўйга олти метргина шойи берган. Ҳозир бўлса йигирма беш-ўттиз метр беради. Уруш тугайди, кейин шойини сотса, роса бойиб кетади.

Ошхонага кирдик. У комбинат қаршисида жойлашган эди. Шундоқ кўчани кесиб ўтиш керак, холос. Кеч бўлиб қолгани учун одамлар кам, катта зал ғира-шира, овқат тарқатиладиган дарчалардан ним ёруғлик тушиб турибди. Бурчак-бурчакларда ўтирган кишилар, оч нафсларини тийиб, шошмасдан ёвғон ичишяпти.

Биз дарчадан мўраладик. Каттакон кастрюлка ва баклар орасида кўпчиган башара кўзга ташланди. У узун дастали чўмич билан қозон тагида қолган овқатни декчага қўйиб дарча томон таширди.

— Кўрдингми,— шивирлади Миша,— энг қуюғи, талонни узат.

— Шошма, балки танишимни топарман.

Аммо қўшнимиз ҳеч қаерда кўринмасди. Четки дарча ёнида оёқлари калта, бақувват қиз турарди. Кир оқ халат йўғон сонларини сиқиб қўйганди. Декча кўтарган йигит унинг ёнидан ўтаркан, билмай қолгандай қўлидаги декчани қизга теккизиб оларди. Шунда қиз шартта ўгирилиб чўмич билан йигитнинг кетига туширарди. Қаттиқ кулги кўтарилар ва йигит сакраганча бошқа дарча томон югурарди.

— Қани, ким бор, бу ёққа кел, таги ширин бўлади!

— Узат,— деб шипшиди Миша,— ҳозир яхшилаб қуяди.

— Ўлганда... Маруся холани чақирворинг,— дедим йигитга.

— У йўқ. Ҳозир ҳеч ким қолмади, салдан кейин ёпамиз. Нима керак эди?

— Ҳеч нима.

Унинг ёғ томиб турган пўрсилдоқ башарасига бир туширгим келди-ю, лекин индамай талон ва иккита косани тутқаздим:

— Мана, қуйинг.

У қуя бошлади. Ҳар бир косага икки чўмичдан овқат тушди. Биттанинг

ўрнига иккита. Қўшнимизнинг номи озми-кўпми самарасини берди. Нега бермасин, ахир у, эшитишимга қараганда, зал мудир экан. Тўғриси айтсам, бу қанақа лавозим эканлигини билмайман, лекин «мудир» сўзи жаранглаб эшитилади-да.

Косаларни авайлаб кўтарганча стол томон юрдик.

— Биласанми,— дедим Мишага,— негадир овқат егим келмаяпти. Шуни бувимга олиб борақолай?..

— Қандай олиб борасан? Кўтариб кетолмайсан-ку?

— Тўрвага солиб аста...

— Гапингни қараю!

— Суюқ овқатни ҳам тўрвада олиб юриб бўладими? Уч чақиримга ёмғирда лой кечиб...

— Узинг ўйлагин, Миша, мен бу ерда сал-пал тамадди қилдим, бувим бўлса туз тотгани йўқ, мени кутиб ўтирибди.

— Ғалати бола экансан, қуруқ сувни уч чақиримга тўрвада кўтариб юриш,— дея ғўлдиради у. Кейин косасини чайқатиб ниманидир чамалади ва бирдан жонланиб кетди:— Менга қара, яна битта коса келтир, тоза коса...

— Нима қилмоқчисан?

— Бўл, бўл, опке!

Мен алюмин коса келтирдим ва Миша ғалати ҳаракатлар қила бошлади: бир косадан иккинчисига, ундан учинчисига қўйди. Натижада иккита косада хира суюқлик қолди, учинчисига эса туппа йиғилди — тўрт улуш овқатдан арзимас туппа чиқди.

— Мана. Буни олиб кет,— деди Миша.— Манавини бир амаллаб элтса бўлади. Қолганини ҳозир тинчитамиз.

Миша овқатни косаси билан кўтариб катта-катта ҳўплай бошлади. Мен ҳам бир-икки ҳўплардим. Иссиқ суюқликдан аллақандай овқатнинг мазаси келар, юзида қачонлардир ёғ ҳам бўлганидан дарак берувчи оч жигарранг доғлар сузиб юради. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб таомга ўхшаб кетарди. Аслида эса ҳеч қанақа таомлиги йўқ, суюқликни ичиб бўлгач, қоринлар ноғорадай шишарди, холос.

— Уф... тўйдим,— ҳансиради Миша ва пешонасидаги терни артди. У терлаб кетган, юзи қип-қизил эди.

— Қанақасига тўйдинг?

— Ие, гапингни қараю! Тушда икки улуш, кечқурун «Айиқ» икки улуш берди, ҳозир тагин иккита... Қоринни кўр!..

— Қоринни кўр эмиш!— масхараладим мен.— Бир челақ сув ичгин, бундан ҳам каттароқ бўлади!

— Нима бўпти! «Айиқ» айтадики, бир челақ сув ичасан — юз грамм ёғ оласан.

— «Айиқ» — айиқ-да. У бундан баттарини ҳам гапираверади. Узи бўлса уйига сув эмас, овқатнинг қуюғини ташийди!

— Уйига ташимайди.

— Бўлмаса қаёққа?

— Бир жой бор. Майли, кетдик.

Кўчага чиқдик. Кўча қоронғу, лой. Мен ҳали уч чақирим юришим керак. Бизни шаҳарнинг ўзига жойлаштиришган, комбинат эса бошқа томонда — шаҳар билан Қорасой ўртасида. Миша комбинатга яқинроқда туради. У бизнинг кўчадан юради-да, чапга бўрилади, уйи комбинат бараклари ёнида. Дастлаб ишга жойлашиш учун келаётиб кўрувдим. Олдида катта чинор бор — ўшани эслаб қолганман.

Биз атала қўйилган косани тўрвага жойлаб йўлга тушдик. Шу пайт бирдан Москва дикторининг овози эшитилди.

— Шошма. Ке, тинглаймиз.

— «...Ғарбий фронтдаги аҳвол оғирлашди. Немис-фашистлар бизнинг қисмларимизга қарши жуда кўп танк, самолёт, моторлашган пиёда армиясини ташлади ва мудрофаамизни бир жойдан ёриб ўтди.

Қўшинларимиз душманга қаҳрамонона қаршилиқ кўрсатмоқдалар, аммо мазкур участкада чекинишга мажбур бўлди...»

Қолганини эшитмадик, Миша билан қоронғуда кетиб борарканмиз, оёқларимиз остида ёпишқоқ лой билчилларди. Биз анча вақт жимгина лой кечдик. Кейин Миша гап қотди:

— Можайск Москвага жуда ҳам яқинлиги тўғрими?

— Тўғри.

У ҳаяжонланиб бурнини тортди:

— Сен нима дейсан, немис Москвага кириш мумкинми?

— Билмадим, Миша. Менингча, йўқ... Бўлиши мумкин эмас.

— Ахир ораси яқин, жуда яқин, кеча харитага қарадим, етмиш беш, эллик километр қолган... Бу, биздан Қорасойгача, ундан ҳам яқин, а?

— Эҳтимол,— хўрсиндим мен.— Балки ундан ҳам яқиндир.

У анча вақт жим қолди ва бирдан мен ҳар доим ўйлаб юрадиган нарса ҳақида гапириб қолди.

— Биласанми,— деди у қандайдир бегона овоз билан,— агар аҳвол шунақа ёмон, немис Москвага жуда-жуда яқин бўлса, нима учун бу ерда ипак йигирамиз, девор ўямиз? Бундай иш кимга керак?! Нега ҳаммани йиғиб Москвага жўнатмайди?! Нега ҳаммага қурол берилмайди?!— у менинг нима дейишимни кутиб турди-да, сўнг сабри чидамай яна ўзи гапирди:— Йўқ, унча ёмон эмасдир. Сталиндан бошқа ҳеч билмайдиган нимадир бўлса керак. Балки, бугун-эрта иккинчи фронт очилиб, немис икки ёндан сиқилар. Черчилнинг гапини эшитдинг? Ёки бошқа нимадир бор. Янги қурол яратишганми ё бўлак сирми... Мана кўрасан, нимадир бор!..

— Худо қўлласин,— дедим мен, худо йўқлигини, уни поп ва руҳонийлар ўйлаб топганини билсам-да. Билардим-у, бироқ, баъзан уни ўйлаб топганларга ачиниб кетардим. Агар у чиндан ҳам бўлганда фашистларнинг Москвага яқинлашишига сира йўл қўймасди. Умуман, дунёда кўп нарсалар бошқача бўларди. Яхши одамлар қийналмас, муттаҳам ва золимлар яйраб-яшнамас эди. Совуқ, очлик ва уруш бўлмасди.

Комбинатни шаҳар билан боғловчи қоронғу йўлда якка ўзим қолган эдим. Миша хайрлашиб бошқа томонга кетди, ҳозир уйда ўтиргандир. Мен эса ҳали кўп юришим керак.

Йўл юзи сирғанчиқ, лой, сал анграйсанг — тамом, чуқурга шалоплаб тушасан. Одам зоти кўринмайди. Кундузги смена кетиб бўлган, кечкисига ҳали вақт эрта. Кимсасиз йўлдан кетиб боряпман. Ёнбошимда ғалати соялар — қандайдир уйлар, ташландиқ сарой... ариқ четидаги каллакланган тутлар кўзга ташланади. Улар қоп-қорайиб кўринади ва одамларга ўхшаб кетади. Худди яқинлашишингни кутиб писиб тургандай туюлади. Мана у, шундоққина ёнимда, мана, жуда яқин, қўл тегизиб кўрасан — дарахт. Барибир, озгина юргач, қимирламаяптимикин, деб орқангга ўгирилаверасан.

Шу алпозда уч чақирим юрдим, ботинкам сувга тўлган, энди кўлмакками, ариққамаи, қаерга оёқ босишимнинг фарқи йўқ эди. Лойгарчилик, совуқ, ёмғир — қирқ биринчи йилнинг қиши. Уруш...

\* \* \*

Ниҳоят, ҳовлимизга етдим. Кўприкчадан ўтдиму дарров енгил тортдим. Дераза қоронғу эди. Ухлашяпти. Ҳеч кимда керосин йўқ, жинчироқларни фақат овқатланиш ва ечиниб олиш учунгина ёқишади.

Эшик олдида ботинкамни темир билан қириб лойдан тозаладим. Темирни кимдир топиб келиб шу ерга қўйиб қўйган, жуда қадрли буюм, чунки ҳар доим «Ҳалиги темир қани?», «Темирни қаёққа ташладиларинг?» деб сўрашгани-сўрашган. Ботинкамни тозалаб бўлгач, эшикни итардим. Дарров очилди, қулфимиз йўқ эди. Пайпасланиб эшикдан ўтдим ва ўннга, ўзимизга ажратилган бурчакка қараб юрдим. Тўрвамни эҳтиётлик билан ерга қўйиб, сомон тиқилган кўрпаю унда ғужанак бўлиб ётадиган бувимнинг гавдасини излай бошладим.

— Буви,— дея туртдим уни,— буви, суюқ ош олиб келдим, ичасизми?

— Суюқ ош? Славик, сенмисан, болам? Нега бунча кеч қолдинг? Бирам хавотирландимки!..

— Хавотирланиш нимаси?— дедим мен керилиб.— Кераги йўқ. Энди мен ишдаман, ахир.

— Ишга олишдими? Электрчи бўласанми?

— Ҳа, буви. Албатта бўламан.

— Вой, қандай яхши!— деб қувонди бувим.— Жуда озода ишда. Даромади зўр, кейин оппа-осон.

— Ҳа,— хўрсиндим мен.— Бунинг устига озода. Ошни ичиб оласизми, ҳали унча совумагандир.

Бувим косани ушлаб кўриб:

— Йўқ, Славочка, иситиш керак,— деди.— Майли, эрталабга қолсин.

Лекин мен сўзимда туриб олдим ва печкага иккита пайраха ташлаб қўйдим. Ош исигунча тарашадай қотган оёқларимни кўрпа тагига тикдим.

Бувим косани печкадан олиб, мақтаб-мақтаб овқат ича бошлади. Кейин мени ичгин, деб қистади. Бувимни хафа қилмаслик учун гўё ўзимни овқат ичаётгандай қилиб кўрсатдим.

— Эшикни зичлаб қўйиш керак,— дедим,— совуқ киряпти.

Ўрнимдан туриб эшикни тортдим, бироқ қўйиб юборишим билан яна қия очилиб қолаверди. Ахийри кучимнинг борича тортиб зичладиму қабзасига ўтин ёрадиган болтани тикиб қўйдим. Шу пайт бурчакдан уйқусираган овоз эшитилди:

— Нега бунча зичлайсан? Қўй, ҳеч бўлмаса тирқишидан ҳаво кириб турсин.

Бу Маруся хола эди. У синглиси ва жияни билан пахмоқ одеял тутилган энг тўрдаги бурчакда истиқомат қилар, албатта, у ёққа ҳаво етиб бориши қийин эди. Бизнинг ўрнимиз эса шундоққина эшик тагида...

— Маруся хола, келинг, алмашамиз,— дедим мен кўполроқ қилиб. Сиз бизнинг жойни олинг, биз— сизникини. Ушанда менга деса эшикни ланг очиб қўйинг. Майлими?

У жавоб бермади. Овозимда уни жим бўлишга мажбур қилувчи салобат бор эди шекилли. Бунга ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Кейин эсладим: ахир, энди мен ишчиман-да. Ўзимча илжайиб қўйдим. Мана шунақа. Билиб қўйсин...

\* \* \*

Умуман, уйга қолганда бувим иккимизнинг омадимиз чопди. Уша куни бозор дарвозаси ёнида, лаш-лушларимиз устида ўтириб, бетоқатлик билан навбат кутардик.

Дам-бадам олдимизда оқ шойи китель, галифе шим, ялтираган этик ва дўппи кийган пакана киши пайдо бўларди. У япалоқ юз, қийиқ кўзли бўлиб, кичкина қора мўйловча қўйган эди. У қандайдир қоғозга қараб одамларни санаб олар, сўнг уларни аллақаяёққа бошлаб кетарди. Кейин бояги одамларсиз қайтиб, бошқа тўпни ажратарди. Қомати келишган, сочини сиқиб турмаклаган кумуш тишли бир аёл пакананинг атрофида парвона эди. Аёл бизнинг эшелондан эди, уни илгари ҳам бир неча бор кўргандим. Синглиси ва жияни бор эди, учови йўл-йўлакай унча-мунча мол-дунё йиғиб келганди. Бу аёл жуда чаққон ва уддабурон эди. Оқ кителли кишига алланималарни жаврар, жилмайганча гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа пилдираб югурарди. Оқ кителли киши эса унинг гапига жимгина қулоқ солиб, вақти-вақти билан секин бош ирғаб қўярди. Аёл у билан бирга кетиб, бирга қайтар ва тагин нималарнидир уқтира бошларди. Оқ кителли киши эса ҳамон катта калласини секингина ирғаб қўярди. Станциядан бу ёққа олиб келувчи мевали дарахтларга бурканган тош йўл устида ниҳоятда ёрқин қуёш порлар, нурлари катта ва ялтироқ узум бошларида, жилдираётган ариқ сувида акс этар, пештахталар ортида

турган аёл ва эркактарнинг кўзларини қамаштирарди, бироқ улар парво қилмай, бақириб-чақириб, ўз молларини мақташ билан овора эдилар.

Челак кўтарганча ўтирганларни оралаб юрган ялангоёқ қора бола: «Ким ичади, муздай сув!..» дея қичқирарди. Челакдаги сув бетиде каттакон муз бўлаги қалқирди.

Йигирма кеча-кундуз йўл босиб келган бу жойимиз Фарғона водийсидаги қадимдан шойиси билан ном чиқарган кичкина бир шаҳарча экан. Марғилон шойиси Европа ва Осиёнинг ҳамма бозорларида энг юқори баҳода юради. Урушгача бу ерда шойи фабрикаси бўлган. Ҳозир эса, айтишларича, катта шойи комбинати қуриларкан ва қандайдир махсус ипак газлама тўқиш учун Россиянинг ғарбий областларидаги бир неча корхонадан асбоб-ускуналар келтирилибди. Шундай пайтда шойининг нимага кераклигини ҳеч ким билмасди. Комбинатга одамлар зарур эди, шу сабабли, эшелонлар Тошкентда тўхтамай, тўғри Марғилонга йўл оларди. Машҳур денгизчи Магеллан номини эслатувчи бу ғалати ном қулоқларим сирли мусиқадай жаранглаб турибди.

Шундай қилиб, бувим билан Марғилон бозорига кираверишда ўтирардик. Бозор узра меваларнинг кишини маст қилувчи хушбўй ҳиди, кабобнинг кўкиш дуди, турли тилдаги ғалағовур сузади. Йўл бўйида дарахтдан ингичка шойи иплар тортиғлиқ бўлиб, у ерда бошдан-оёқ оппоқ кийинган озода чоллар бармоқлари билан алланарсаларни тугиб, «сеҳргарлик» қилишяпти. Буларга қараб туриб, ҳозир қаердадир бомбалар портлаб, уйлар вайрон бўлаётгани, одамлар ўлаётганига ишониб қийин.

Оқ кителли киши тагин қайтиб келди. Бу гал одамларни ҳалиги кумуш тишли аёлнинг ўзи ажратди. Аёл гоҳ унинг, гоҳ бунинг ёнига бориб, секингина нимадир дерди ва ҳалигилар шоша-пиша юкларини кўтарардилар. Оқ кителли киши ажратилганларни санаб чиқди-да, норози бўлиб бош чайқади. Ажратилганлар ўн киши, тўрт оила бўлиб, ҳаммаси кумуш тишли аёл билан бир вагонда келишган эди.

— Йўқ,— деди оқ кителли киши.— Кам.

— Қанақасига кам! Нималар деяпсиз?— деди кумуш тишли аёл ҳовлиқиб.— Бир хонага ўн киши камми?

— Хона катта. Хона эмас — бутун бошли ҳовли. Бунақасига камида ўн беш кишини жойлаш керак.

— Ахир айтдим-ку,— бўш келмади кумуш тишли аёл,— буларнинг ҳаммаси командирларнинг оиласи, истисно тариқасида.

— Хўп, хўп,— деди оқ кителли киши,— фақат яна битта оилани жойлаш керак.

У ўтирганларга кўз югуртираркан, мен билан бувимга назари тушди. Бир бурда бўлиб ўтирган бувимга раҳми келдим, биз тарафга қараб юрди.

— Э, онажон, э, мамаш,— деб бувимнинг елкасига туртди.— Тур, уйга борамиз. Юкларингни бер.

Оқ кителли киши бувим ўтирган кичкина тугунни елкасига олди. Чамадонни ҳам кўтармоқчи эди, мен унамадим. Чамадоннинг ичи бўш эди, уни қамалдан кейин борган жойимиз — Керчда сотиб олувдик.

Кумуш тишли аёл бизга ёқтирмайроқ қаради, кейин, йўлда ёнма-ён кетарканмиз, ўзи туфайли бизнинг ҳам омадимиз юришганини писанда қилди.

— Сиздан жуда миннатдорман,— деди бувим мулоим.

Аёл илдамлаб, олдинга ўтиб кетди. Ҳамма шу қадар тез юра бошладики, бувим икковимиз етолмай анча орқада қолдик. Манзилга ҳам ҳаммадан кейин етиб бордик.

Биз кирганда барча жойлар эгаллаб бўлинган экан. Кумуш тишли аёл шундоққина эшик тагидан жой кўрсатди. Бироқ бувим бундан ўкинмади.

— Шунисига ҳам шукр,— деди у,— баҳаво бўлади. Ёруғ. Дераза ёнимизда экан.

Аёл синглиси ва жияни билан тўрдаги бурчакни эгаллади. Қолганлар девор ёқалаб жойлашдилар.

Оқ кителли киши бир оз қандай жойлашаётганимизга қараб турди.

— Ну, хўп, хайр бўлмаса. Қийналмайсизларми?

— Йўқ. Раҳмат сизга...— деди бувим.

У бўҳча устига ўтирди ва бирдан йиғлаб юборди:

— Ҳей, онажон,— қовоқ уйди оқ кителли киши.— Нимага йиғла-  
ясиз? Кераги йўқ. Немисни даф қилайлик, ҳаммаси яхши бўлади.

— Парво қилманг, мен шунчаки...— деди бувим рўмолча билан  
кўзларини артаркан.— Раҳмат сизга...

Кейин ўртадаги устунга бир нечта миҳ қоқиб, хонанинг турли  
томонларига арқон тортдик. Арқонларга чойшаб, одеял, брезент ғилоф,  
хуллас, кимда нима бўлса шуларни осдик. Натижада марказдаги устундан  
хонанинг турли томонларига қараб кетган бўлмалар пайдо бўлди.

Хона назаримда «отўйин»ни эслатар ва вақти-вақти билан устун  
атрофида секингина айланаётганга ҳам ўхшарди.

Бизнинг ёнимизда одеял ортида Маруся хола — ҳалиги кумуш тишли  
аёл яшайди. У дарров онабоши бўлиб олди ва кимни қаерга жойлашти-  
ришга раҳбарлик қилди. Маруся холанинг синглизиси ва беш яшар жияни  
бор эди. Аммо синглизиси — юввош, индамас Олянинг ҳам, жиянининг ҳам  
«финг» деган овози чиқмасди. Улар учун ҳамма нарсени Маруся хола  
қилар эди. Маруся хола кумуш тишларини йилтиллаб кимнинг қайси  
жойни эгаллаши, кимнинг нима билан шуғулланишини бирпасда тақсимлаб  
ташлади. Унинг овози эртадан кечгача тинмасди. Бу ерга унинг  
ҳаракатисиз ва хоҳишсиз келганимиз учун шекилли, бувим икковимиз  
ғала-ғовурдан четда эдик.

...Б-бир! Б-бир! Алам билан ғишт кўчираман. Энди мен ишлаб туриб  
бошқа нарсалар ҳақида ўйлай олардим — қўл ўз ишини қилаверади,  
зубило керакли жойни топади, болға ураётиб мўлжаллаб ўтирмайман.

Қизғиш увоқлар сачрайди, сарғиш чанг тўкилади, ғишт бўлаги синиб  
тушади. Мана шундай! Яна! Тагин бир бўлак. Яқинда деворнинг соғ жойи  
қолмаса керак, ҳамма ёғини ўйиб ташлаймиз... Худди йигирманчи  
йилларнинг эски қўшиғига ўхшаб:

Битта ғиштлаб, битта ғиштлаб  
Бу заводни ташиб битирдик...

Нимадир полга гурсиллаб тушди. Ҳа-а. Бутигин Миша билан эбонит  
трубанинг катта тирсагини олиб келишибди. Иккови бошдан-оёқ оппоқ  
чангга ботишган. Чанг трубадан юққан, уларни ёпишиб қолмаслиги учун  
упасимон кукунга белашади. Бутигин уст-бошини қоқди ва болахонадор  
қилиб сўқинди. Кейин менга қараб бақирди:

— Ҳей, сен, туш!.. Нима, кўрмаяпсанми!?

Исмим сира эсида турмас эди, шунинг учун мен ҳам эшитмагандай  
ишимни қилавердим.

— Ҳей, сен,— бўқирди Бутигин нарвонни силкитиб.— Славка!

Қаранг-а, бари бир эслади! Пастга тушгач, электр цехининг  
бошлиғидай улуғ одам эшак бўлиб труба ташийди-ю, менга ўхшаш  
пандавоқилар нарвонга ўтирволиб девор чуқулайди, деган арзи ҳолни ҳам  
эшитдим. Билдимки, Миша билан омбордан яна сим, труба ва чинни  
втулка олиб келишимиз керак, ҳаммаси расмийлаштирилиб эшик тагига  
чиқариб қўйилган экан.

— Омбор ёнида бир чувринди поляк турибди, ўша билан ташиб  
келинглар...

— Янги келган одамми?

— Яп-янги!— деб вайсади Бутигин.— Жулдурвоқи, тўрвасиям бор. Э,  
борганда кўрасизлар.

Миша билан комбинат майдонининг нариги тарафига ўтгач, чиндан ҳам  
ақл бовар қилмас даражада жулдурвоқи. Совуқ ёмғир ёғмоқда эди, қор  
деса ҳам бўлаверарди, йигит эса дийдираб, эбонит атрофида депсиниб  
айланар, кенг иштонининг орқасида катта латта осилиб ётарди. Унинг юзи  
бужмайган, бурни япалоқ, шундоқ ҳам чўзиқ оғзи ночорликдан баттар  
чўзилиб кетганди.

— Нариги томондан кўтар,— дедим Мишага.— Сен эса бу ёқдан. Қани, кетдик!

Йигит эбонитни бир қўллаб кўтарди,— иккинчисида тўрва бор эди. У маймоқланиб зўрға бизга етиб юрарди.

Йўлимиз ҳеч унмасди. Миша икковимиз бояқиш йигитни труба билан симга қўшиб тортиб бораётганимизни сездим. Учовимиздан бирор киши кўлмакка тушиб қоқилса, трубани баравар ташлаб юборардик. Тирсак сув сачратиб ерга тушарди.

— Нима қиялсан!— дедим алам билан йигитга.— Кўтаролмасанг, ҳеч бўлмаса орқага тортма.

— Кечирасиз,— кўлини кўксига қўйди у ва мулойим бош эгди.— Афсус, оғир юк кўтаролмайман. Касалим шунақа. Лаънати касаллик.

У яна бош эгди ва бирдан оқсоқланганча катта-катта одим ташлаб нари кета бошлади.

— Ҳей, қаёққа,— бақирди Миша.— Сени Бутигин кутяпти-ку!

Йигит тўхтаб секин бош чайқади.

— Йўқ... Мендан ишчи чиқмайди. Оғир юк кўтаролмасам, қанақа ишчи бўлдим,— деди у гуноҳкорона жилмайиб, кўзларида ёш кўринди.

У тағин қўл силтаб кета бошлади, аммо Миша икковимиз тўхтатдик.

— Тўхта, оғир юкнинг нима алоқаси бор. Бизда ҳар хил иш кўп — девор ўясан, сим тортасан, асбоб узатиб турасан, яна бошқа ишлар ҳам тиқилиб ётибди! Кетдик. Биз билан юр!

— Оғир нарсаларни ўзимиз ташийверамаиз,— дея гапимни маъқуллади Миша.— Ахир, маош оласан, карточка, олти юз грамм нон. Бозорда дайдиш етар. Кетдик.

Йигит менга ишонқирамай қаради, кейин Мишага боқди ва ҳазиллашмаётганимизни англаб бош эгди:

— Илиқ сўзларингиз учун раҳмат. Катта раҳмат. Фақат шуни биламанки, завод — бу завод, енгил иш бўлмайди.

— Э, қўявер, кетдик, биз билан ишлайсан. Ёрдамчи бўласан, тушундингми? Фақат ҳозирча Бутигинга ҳеч нарса дема. Хужжатларни расмийлаштир — тамом. Паспортинг борми?

Миша икковимиз уни цехга етакладик.

Энди эсладим, уни аввал бозорда кўрган эканман. Шубҳасиз, ўшандаёқ бу жулдурвоқи йигит ёдимда қолганди, доимо ниманидир — нонни туршакками, туршакни сутгами — алишиб юрарди. Тинимсиз кавшангани-кавшанган эди, сира тўйиб овқат емагани кўриниб турарди.

Цехнинг бетон полида труба ва симни судраб борарканмиз, йигит қўрқа-писа атрофга алангларди. Агар ҳозир биз бўлмасак, жуфтакни ростлаши аниқ эди.

— Сен Бутигинга ҳеч нарса айтма,— дея тағин таъкидлади Миша.— Жим юравер — тамом. Узи сўраса жавоб бер. Тушундингми?

— Тушундим,— деди йигит, лекин кўзлар аланг-жалаңг, тўғри келиб қолса қаёққа қуён бўлишни мўлжалларди.

Цехга яқинлашганимиз сари у секинлашар ва бунда кўпроқ оқсоқланарди. Чамаси Бутигин билан юзма-юз бўлишдан қўрқарди.

Миша эшикни очди ва нарсаларни полга ташладик, шундан кейингина бошлиғимизни пайқадик. У девор шкафининг эшиги орқасида ўтирволиб, турп кавшар эди. Бунақа пайтда безовта қилмаган маъқул, бўлмаса олдидаги овқати тортиб олинган йиртқичдай кутуриб кетади.

Ниҳоят, у шкафнинг эшигини итариб, тепамизда ғоз турди.

— Хўш?— деди у йигитга еб қўйгудай тиқилиб.— Демак, сен ҳам ишламоқчисан?

— Ҳа, — дея бош эгди йигит.

— Қўлингдан бирор иш келадими? Ёки савдогарчиликни биласан, холосми? Калаваларни нонга алишивормайсанми?

— Йўғ-э, йўғ-э... — деб чайналди йигит ва эшик томон тисарилди. Унинг орқа-олдига қарамай қочиб қолиши мумкинлиги сезилиб турарди.

— У техникани билади, — дедим мен. — Йўлда келаётиб электр тўғрисида кўп нарсаларни гапириб берди.



— Ҳали шундайми? — кулимсиради Бутигин. — Отинг нима?

— Сеньор. Вацлав Сеньор, — дея таъзим қилди йигит.

— Демак, синьор, — Бутигин мийиғида кулди ва йигитни масхаромуз бошдан оёқ кўздан кечирди. — Ҳм-м, бир нарса дейиш қийин. Демак, ҳақиқий синьор, қуйиб қўйгандай. Майли, қанақа аслзода эканингни кўрамыз. — У бизга ўғирилди. — Цехга юринглар, сим ўтказамиз. Манави бўлса у ёқ, бу ёқни супуриб йиғиштирсин. Хўп, гуд бай, синьор!

Шундай қилиб, йигит Бутигиннинг гапи билан Синьор лақабини ўзига ёпиштириб олди.

\*  
\*

Улкан тўқимачилик цехи шунчалар сукунатга чўмгандики, худди қулоғинг битиб қолгана ўхшарди. Ахён-ахёнда трансмиссия тасмаларининг шипиллашигина эшитиларди. Кўзойнакли Горик мотордан моторга югуриб электр энергияси бекорга сарфланмаслиги учун рубильникдан токни узарди. Одамлар бетон супа атрофига тўпланишганди. Супага конуссимон катта мотор ўрнатилган, у бир неча трансмиссияни айлантириб, бутун тўқимачилик секциясини ҳаракатга келтирарди. Темир панжара билан тўсилган бу супага, одатда, қандайдир янгиликни эълон қилиш керак бўлганда кўтарилишади. Ҳозир у ерда уч киши: цех бошлиғи, парторг ва комбинатнинг янги директори турарди. Директор яқиндагина госпиталдан чиқиб келган — ўнг қўли боғлоқлик, юзининг ярми куйган эди. У новча, миқти, китель ва этик кийиб олган, соғ қўли билан тўсиқни ушлаб турар, лаблари ғамгин қимтилган эди. Одамларнинг кўзлари унга қадалган.

— Немислар Москва остонасида, — деди директор секин, аммо одамлар хивчин егандай титраб кетди. — Ҳозир, шу кунларда, — давом этди у овозини баландлатиб. — Москва ёнида бутун мамлакат тақдири, сиз билан бизнинг тақдиримиз ҳал бўляпти...

Директорнинг овози бўғиқроқ эди, лекин у кескин, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапирарди. Фронтда, жангчилар олдида ҳам анча-мунча нутқ сўзлаган бўлса керак, деб ўйладим.

У пастда қотиб турган одамларни бир қур назардан ўтказди ва яна давом этди:

— Ҳозир ё фашистларнинг қулига айланиш ёки озод совет кишиси бўлиб қолиш масаласи ҳал қилиняпти. Мен, илгари биз беш яшардик, ҳаммаси сип-силлиқ эди, деёлмайман. Навбатлар ҳам бор эди, ташвишлар ҳам... Лекин биз бу турмушни ўз қўлимиз билан қургандик. Бизга ҳужум қилишмаганда, бўғиб ташлашга уринмаганларида ҳаётимиз яшнаб кетарди. Ака-укаларингиз, эрларингиз ва ўғилларингиз Москва ёнида ўлим билан юзма-юз олишмоқдалар. Аммо улар сиз билан бизнинг меҳнатимизсиз, ғалаба қилишлари оғир. Фронтга фақат замбарак ва танк эмас, яна жуда кўп нарсалар, жумладан, парашют ҳам керак. Ўзларинг биласизлар, уларни бизнинг шойи газламадан тайёрлашади — бошқа ҳеч қандай газлама ярамайди. Ким билади, балки эртага ака-укангиз ёки ўғлингиз сизнинг дастгоҳингизда, сизнинг қўлингизда тўқилган парашют билан душман ортига тушар...

У жим қолди ва мен ёнимдаги кекса аёлнинг рўмолча билан оғзини тўсиб, унсиз йиғлаётганини кўрдим.

— Шу кунларда, — директор овозини баландлатди, — комбинатдан уч киши, бир мастер ёрдамчиси ва иккита слесарь қочиб кетди. Уларни Тошкентдан ўтганда поездда ушлашибди. Улар фронтга боришга қарор қилганларини айтишди... Уларнинг истаклари тушунарли. Кўпчилигингиз ҳозир дастгоҳ ёнида тургандан кўра қўлга қурол олишни афзалроқ санайсиз. Аммо фронтга фақат ўқчилар эмас, ўқ-дори, қурол, кийим ва парашют, озиқ-овқат ва техника ҳам зарур. Бусиз ғалаба қилиб бўлмайди. Сиз билан биз парашют учун, электр механизмлари, самолёт ва танкларнинг электр механизмларини ўраш учун керакли газлама

тўқиймиз. Шу сабабли, биз ўн соатлаб ишлаяпмиз, шу сабабки, ҳаммамиз сафарбар ҳисобланамиз, шу сабабки, комбинатдан кетиш қочқинлик саналади.

У жим қолди. Атрофга сукунат чўкди, фақат салт ишлаётган қандайдир мотор овози ҳамда тасмадаги уланган жойнинг шипиллаб урилиши эшитиларди.

— Нега моторни бекорга ишлатасиз? — деди цех бошлиғи. — Учириб қўйинг.

— Керак эмас, ҳозир мажлисни тугатамиз, — дея уни тўхтатди Маткаримов. У ҳаммани яна бир бор кўздан кечирди ва ярадор қўлини сал кўтарди. — Менинг гапларим бу ерда ҳамма бўлмағур ишлар билан шуғулланиб юрибди, — ипак йигиряпти, фронтда эса ҳақиқий кураш боряпти, деб ўйлаётганларга тааллуқли. — Эрта-индин лаш-лушини йиғиштириб поездга осилишни хаёл қилаётганларга тааллуқли. Уруш даврида ҳар бир киши ўз зиммасидаги вазифани бажариши зарурлигини тушуниши керак. Агар ҳар ким ўзи ёқтирган тарафга ўтаверса, ҳеч нарса чиқмайди. Армия ҳам бўлмайди, фронт орти ҳам. Галингиз келса сизни ҳам фронтга чақиришади. Лекин бу ерда кимдир ўрнингизни олиши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Тушунарлими? — У тағин жим қолиб биз томонга қаради, худди Миша икковимизга тикилгандай бўлди.

— Бир сирни очаман, — деди Маткаримов мутлақо норасмий, дўстона оҳангда. — Мен ҳам госпиталдан фронтга жўнатишларини сўрадим. Ҳозир ҳам фикримдан қайтганим йўқ. Аммо «йўқ» дейишди. Қаерга қўйишса, ўша ерда ишлашим лозимлигини айтишди. Шунинг учун сизлар билан бирга бўламан. Чунки мен солдатман. Сизлар ҳам солдатсизлар. Тушунарлими? Ишни ташлаб, фронтга жўнаганлар қочоқ ҳисобланади ва иши ҳарбий давр судига тушади!

Кейин парторг аёл сўзга чиқиб, ҳозир мамлакатимиз тақдири ҳал бўлаётганлиги ва ҳар биримиз Ватанга қўлдан келган ёрдамни беришимиз зарурлигини гапирди. Комбинат қуввати ошгани, ишчи кучи етишмаётгани сабабли вақтинча ўн соатлик иш кунига ўтишимизни айтди. Аммо унинг гапини тузуқроқ эшитмадик, чунки бизнинг цех шусиз ҳам кўпдан бери ўн соатдан ишлашарди.

Ҳамма тарқаб кетган, Горик мотордан моторга чошиб ток улаяпти, Миша икковимиз эса бўлмамаиз ёнида сувга пишилган мушукдай шумшайиб турибмиз. Ҳатто Бутигин ҳам бирор нарсанинг ҳидини сезганга ўхшайди, бизга шубҳали қараб индамай ўтиб кетди. Демак, орзуларимиз чилпарчин бўлди. Фронтга кетолмаймиз, энди эртадан кечгача ҳеч нарсани ўйламай деворингни кавлайвераимиз. Сўнг Бутигиннинг терлаган қўлидан ошхона оби ёвғонига талон оламиз, кайфияти яхши бўлса, балки иккита бериворар...

— Мана шунақа, Миша, — дедим эшик тагида ётган босқонни кўтарарканман. — Яна битта ариқча ўймайсанми? — Девордан моторгача ўн-ўн беш метр, холос.

— Ҳе, жин урсин, — деди Миша куюниб, — «Айиқ»нинг ўзи ўйсин.

— Балки фронтга жўнарсан?

— Жўнайман ҳам.

— Турмага тушишни хоҳлайсанми? Меҳнат фронтининг қочоғи сифатида?

— Юракни эзма. Шундоқ ҳам бўларим бўп турибди.

— Э, йўқ. Ҳеч нарса. Узимча... Мен ҳам тамом бўлдим.

Ёнимиздан кўзойнакли Горик ўтиб қолди, қўлидаги китобнинг орасига бармоғини тикиб олган, ўқиб ўтирган еридан туриб келгани кўриниб турибди.

— Шунақа иш бўлса экан, — хўрсинди Синьор. — Моторни юргизиб қўйсанг-да, китобингни ўқийверсанг...

— «Айиқ» янги цех ишга тушгач: унда моторист бўлиб ишлашимизга ваъда қилди-ку. Шунинг учун, Синьор, кўпроқ, чуқурроқ ўй, — дея маслаҳат бердим мен. — Ариқчаларни қанча тез ўйиб битказсак, шунча тез китоб ўқиб ўтирадиган бўламиз.

— Китоб ўқигани қўйиб бўпти! Нафас ростлатмайди-ю! Ахир у одам эмас, «Айиқ»-ку!

Миша сўзини тугатиши билан ер остидан чиққандай Бутигин пайдо бўлди. Ёнида сочи қирилган, узун оқ бўз кўйлак кийиб белига гулдор рўмол боғлаган йигитча бор эди. У чап қўлига сочиқдан тикилган тўрва ушлаб, пахтали нимчасини қўлтиғига қисиб турарди. Йигитча тим қора кўзларини катта очганча бизни кузатарди.

— Мана сизларга тагин битта электрчи, — деб ҳирқиради Бутигин. — Болға билан зубило ушлашни ўргатинглар. Кейин, валақлашни бас қилиб, жойларингга боринглар.

Биз асбобларни йиғиштириб, хўмрая-хўмрая, цех бўйлаб судралдик, сочи қирилган йигит ҳам қўрқа-писа ортимиздан эргашди.

Калавалаш машиналарининг чинқироқ овозини ортда қолдириб, деворларини ўзимиз илма-тешик қилиб ташлаган янги цехга етиб келдик. У бошқа цехларга туташганидан янги келган одам ҳаммасини битта деб ўйларди. Лекин биз ўзимиз кўринмас остонадан ўтаётганмизни кўзни юмиб ҳам сезамиз. Бу ернинг ҳавоси бошқачароқ. Биз ўйган фишларнинг гардига тўйинганга ўхшайди. Учовимиз худди команда берилгандай бараварига хўрсиниб қўйдик. Кейин эрталаб ўзимиз бетонлаган охириги мотор устига ўтирдик.

— Ағнаб кетмаганига ҳайронсан, — деди Миша юзаси ўйдим-чуқур деворга қараб. — Ҳамма ёғини тешиб ташладик-ку!..

— Қўрқма. Ағнамайди, тагин йигирма йил туради.

— Ҳа... Ишимиз чатоқ... Демак, энди охиригача ивирсиб юраверамиз-да? А? Синьор, нима ковшаяпсан ҳамманинг олдида?

— Э, қолган-қутган нарса-да. Туя кунжара шекилли...

Синьор чуқур чўнтақларини кавлаштириб кафтига тамаки рангидаги сарғиш, кир майиз доналарини тўқди. Унинг чўнтагидан доим нимадир топиларди. Синьор нонининг ярмини майизга алмашади, кейин майизни кунжарага, кунжарани эса, ким билади, яна нимага — алмашади!..

Кимдир енгимдан тортди.

— Ма, е!..

Ким бўлдикин? Э, янги келган бола-ку. У тўрвасини кавлаштирарди. Тўрвада эса... серэт, хушбўй ўрик! Эндигина узилгандай! Бу нав испарак дейилади.

Биз кўз уриштириб олгач, журъатсизлик билан тўрвага қўл чўздик... Янги йигитчани унутиб қўйган эканмиз, у бўлса гапимизни эшитиб-эшитиб тўрвасини очибди.

— Қўй-э, ёп. Уйингдагилар уришади... — деди Миша. Ўзининг эса сўлаги оққудай ютинади.

— Уйда тагин бор, — деди йигитча катта курак тишларини кўрсатиб. — Ол, еявер!

Биз унинг айниб қолишидан қўрқиб, шоша-пиша тўрвага қўл тикдик. Йигит эса мамнун жилмайди ва бизни рағбатлантирди:

— Енглар, енглар. Эртага тагин опкеламан.

— Отинг нима? — сўради Синьор оғзини асалдай ширин, ажойиб ўрик билан тўлдираркан.

— Маҳмуд.

— Ажойиб йигит экан бу Маҳмуд!..

Шундай қилиб, энди биз тўрт кишимиз — Миша, Синьор, Маҳмуд ва мен. Маҳмуд ҳали ҳеч нарсани — зубило ушлашни ҳам, бетон қўйишни ҳам билмайди, ҳатто нарвонга чиқишга ҳам ўқуви йўқ.

Аммо тиришқоқ. Миша нима деса қулоқ солади ва хумдай тақир бошини силкиб қўяди. Кейин Синьорнинг гапини тинглайди ва яна бош силкиydi. Айниқса, Синьорга ҳурмати баланд, чамамда, ичимизда каттамиз шу Синьор деб ўйласа керак. Чунки Синьор ҳамма нарсани жуда батафсил тушунтиради, электр ҳақида бутун бир лекция ўқиб ташлайди. Бундан ташқари, Синьорга оғир юк кўтартирмаймиз, пойдеворга ўрнатиш учун қандайдир йигирма киловаттли моторни кўтаришга тўғри келса ҳам, у ҳамиша четда туради ва команда беради:

— Чапга... Яна чапроққа... Сал ўннга... Яхши... Қўйинглар.

Команда бериб, ўзи ишламай турибдими, демак, у бошлиқ-да. Синьор Маҳмудга кучланиш, ток кучи ва қуввати ҳақида гапирётганда Миша икковимиз куламиз.

— Кучланиш — бу, ҳам, нима дейиш мумкин... Яъни бу тезлик, босим... Мана, масалан, шлангдан келаётган сувни олайлик. Шланг ингичка бўлса, сув куч билан отилади. Агар шланг йўғон бўлса, секин оқади. Умуман, секундига бир хил миқдорда сув тушади...

Маҳмуд қора кўзларини йилтиллашиб, унга ҳурмат билан боқади ва бош силкийди. Синьорга бу жуда ёқса керак, ролга кириб кетади ва отвёрткини олиб бетон полга вольтметр ва амперметрнинг уланиш схемасини чизади.

Лекин ишимиз анча енгиллашди — Маҳмуд паканароқ бўлса ҳам жуда бақувват. Кучини аямайди. Энди юз килолик моторни уч киши кўтарамиз-да, пойдевор устига туширамиз. Синьор эса болтларни тешикка тўғрилайди. Синьорнинг қўли мотор тагида бўлгани учун ўлсанг ўласан-ку, лекин ташлаб юборолмайсан — биз зўриқиб кучанамиз, пишиллаймиз, ниҳоят, Миша чидаб туролмай бақиради:

— Қўлингни торт! Бошқа чидаёлмайман. О-ол қўлингни!

— Ҳозир, ҳо-зир!.. — Тавозели хитоб қилади Синьор ҳожатмандини тинчлантираётган сураткашдай. — Тамом! — деб қичқиради у ва қўлини тортади. Уша заҳоти моторни қўямиз, у тўғри болтлар устига туриб қолади.

— Сени қараю!.. — Миша юзини енги билан артади. — Тамом деб ўйловдим... Ҳозир ташлавораман девдим... Кўз олдим қоронғулашиб кетди-я!

— Ма, ол, — деб тўрвасини чўзади Маҳмуд. Миша тўрвага қўл солиб бир чангал ўрик олади ва ҳаммага тақсимлайди, кейин ширин, оғизда қанддай эриб кетадиган туршакни лунжига тиқиб сўра бошлайди. Маҳмуд бу гал бошқа навидан келтирибди. Ҳолвага ўхшаш куврак ва дарров эриб кетади, ширин...

— Оҳ, ўрикмисан ўрик экан-да! — роҳатланиб энтикди Синьор. — Бозорда бир мартагина кўрувдим. Номи қанақа?

— Қантак, — деди Мухмуд. — Қанди кўп...

— Ҳа... — хўрсинди Миша. — Ҳақиқатдан ҳам қанди кўп... Сен охириги марта қачон қанд егандинг? — менга ўгирилди у.

— Эсимда йўқ. Эшелонда бўлса керак. Нонимиз тугаб, қандимиз қолган эди. Ушанда чой қошиқ билан евдик.

— Мен ҳам. Охириги марта августда эди шекилли...

Биз қирқ киловаттли моторни ўрнатиб бўлиб, то Маҳмуд симларни улагунча пойдевор четига бориб ўтирдик. Синьорнинг дарслари Маҳмудга катта фойда берди: у туппа-тузук монтер бўлиб қолди. Синьор устоз сифатида Маҳмудга ғурур билан қарайди. Маҳмуд ҳам унга ўттиз икки тишини кўрсатиб боқади. Лекин бугун негадир кайфияти нохушроқ, гапга ҳам қўшилмай юрибди. Кўзининг ости кўкарган.

— Маҳмудга нима бўлди? — сўрадим Синьордан.

— Энди испарак емаймиз, — деб жавоб берди у.

— Испарак? Испаракнинг нима алоқаси бор?

— Қандак ейиш ҳам йўқ.

— Тузукроқ тушунтир мундай. Нега туршакни гапирасан?

— Ҳаммаси туршакнинг дастидан... — Синьор ёноғини кўрсатиб маъноли қўл силтади.

Ҳаммасига тушундим. Демак, Маҳмуд бизга келтириб берган туршак аслида бозорга аталган экан. Мана шунинг учун таъзирини беришган. Унга раҳмим келди.

— Менга қара, Маҳмуд, — дедим. — Энди туршак опкелма, керак эмас. Шусиз ҳам бир кунимиз ўтар. Шундайми, болалар?

— Тўппа-тўғри, — дея тасдиқлади Миша. — Мен умуман ўрикни ёмон кўраман. Жигилдонни қайнатади.

— Сен-чи, Синьор? Сенинг ҳам жигилдонинг қайнайди, тўғрими?

— Ҳа, албатта... Фақат рационимда ўрик бўлиши шарт. Энди бошқа тартибга ўтдим.

— Қани айт-чи, Синьор, гапириб бер, деб қистади Миша.

— Демак, мана бундай: уч юз грамм нонимни сотаман.

— Илгари икки юз грамм сотардинг-ку?

— Ҳа, икки юз эди. Энди уч юз. Ун саккиз сўм қўлга тегади.

Шундайми?

— Шундай.

— Энди... Олти сўмига икки юз грамм ўрик оламан. Яхшисидан, энг яхшисидан. Тушунарлими?

— Маҳмуд! — деб қичқирдим мен. — Бу ёққа кел, эшит, сенга ҳам фойдаси бор.

— Икки юз грамм ўрик, — дея давом этди Синьор. — Бу дегани ҳам қанд, ҳам глюкоза, ҳам витамин. Кун бўйи оз-оздан ейман... Тушунарлими? Энди-и... Бир стакан сут. — уч сўм. Қанча қолади? Тўққиз сўмми? Беш сўмига озгина ёғ, шундайми? Тўрт сўмига юз грамм қанд...

Биз ҳайратдан оғзимизни очганча унинг гапларини эшитарканмиз, сўлакайларимиз оқиб кетади: ёғ, қанд, сут... Бунақаси тушимизга ҳам кирмайди. Қизиғи, ҳаммаси қандайдир уч юз грамм нон эвазига! Бугуноқ ўша жин ургур уч юз граммни сотиб, витамин, глюкоза, яна бошқа нарсалар харид қиламиз.

Эртасига Синьор таклифига ўзгариш киритди: улушнинг ҳаммасини кунига эмас, кунора сотган маъқул, ташвиши камроқ. Биз ҳам янги тартибга ўтишни кечиктирдик. Шундай қилиб, Миша билан ҳар кун орти юз грамм нонимизни еб бўлгач, келгуси кундан янгица яшашга келишамиз. Ҳар гал Синьорнинг гапларини энтикиб тинглаймиз, «асал», «қаймоқ», «консерва» сўзлари қандай ёқимли, музикадай жаранглайди!.. Аммо дарвозадан чиққунча нонимизни пок-покиза тушириб кўямиз.

— Сен нега нонингни емаяпсан? — деб сўради бир пайт Миша Маҳмуддан. У бош чайқади ва мотор клеммаларидаги гайкаларни бурайверди. Маҳмуд ўзининг улушини қишлоққа олиб кетади.

— Нега нонингни емаяпсан? — дея яна тикилинч қилди Миша.

Маҳмуд индамади.

Синьор «жим бўл, кўряпсан-ку, шундоқ ҳам аҳволи ёмон» деган маънода Мишани тирсаги билан туртди. Аммо кеч эди. Маҳмуд секин ўрнидан турди, тиззасидаги чангни қоқди ва қирилган думалоқ бошини эгиб, ҳирқироқ овозда деди:

— Ойим жуда қари. Ишга яроқсиз.

— Отанг-чи?

— Отамнинг катта боғи бор. Ўрик кўп. Узум. Шафтоли кўп. Ёзда ўзим йиғиштирганман. Биламан.

— Нима, у сизлар билан яшамайдими?

Маҳмуд елка қисди, оғзи ғалати қийшайиб кетди.

— Уйига бир ёш қизни олиб келган, — деди сал туриб.

— Туршакни ўшандан олармидинг?

— Ушандан. Яна оламан. Эртага оламан тағин.

— Бундай қила кўрма! Кераги йўқ, амаллаймиз.

— Ёзда ўзим йиғиштирганман, — деди Маҳмуд кўзларини йилтиллади. — Мана шу қўлларим билан. Жуда кўп йиғдим. Ҳозир у бозорга ташияпти, тушундингми?

— Бари бир кераги йўқ, Маҳмуд, эшитяпсанми?

У индамади. Жуда қайсар-да. Айтганини қилиши кўриниб турибди.

«20 ноябрь давомида қўшинларимиз барча фронтларда жанг олиб борди. Айниқса, фронтнинг Ростов, Волоколамск ва Тула участкаларида қизғин жанглар бўлиб ўтди. Москва остоналарида даҳшатли жанглар бўлди...»

Биз янги цехга сўнги моторни ўрнатдик. Комиссия келиб, цехни қабул қилиб олиши керак, шунинг учун ҳамма нарса тахт бўлиши лозим. Бутигин қопоғон итдай ириллаб юрибди. Сабаби: зирапча кирган бармоғи йиринглаб кетибди. Шунақа бўлиши керак эди, ёш қизларнинг кетидан

юрганининг жазоси, дейди Миша. Албатта, бунга ёш қизларнинг алоқаси йўқ, зирапча ғалтаклардан бўшаган яшикни бузаётган пайтида кирган. У ҳар куни бирорта яшикни бузиб тахтачаларини ажратади, кейин тубсиз тўрвасига жойлайди-да, устига овқат тўла кастрюл, нон ва бошқа нарсаларни солиб жўнаб қолади. Биз бувим икковимиз ҳафтасига ўттиз сўмдан сарфлаб, бозордан арзимаган ўтин сотиб оламиз ва фақат овқат иситиш учун икки-учта палённи эҳтиётлаб ёқамиз, у эса худонинг берган куни битта яшикни ташиб кетади! Қоровул кампининг ёнида тўхтаб, унинг кафтига бир сиқим макка дони тўкадию йўртворади. Миша икковимиз унинг қилмишларидан шунақа ғазабландикки, ўзимизча жазоламоқчи бўлдик. Токи унинг сир-асрори фош бўлсин. Хайриятки, қўлига зирапча кириб кетди. Бармоғи бир ҳафта худди қайнатилган сосискадай шишиб юрди. Аммо бари бир атала қуйиб тарқатишини қанда қилмади — бу ишни ҳеч кимга ишонмасди. У инқиллай-синқиллай, чўрт—пўрт, дея сўкинганча атала тақсимларди.

Мана, ҳозир ҳам комиссиянинг олдига тушиб ликиллаб кетаркан, ҳар қадам босганда афти буришарди.

Унинг ортидан сийрак сочлари ёнбошга таралган увоққина киши борарди. У катта солдатча этик кийиб олган бўлиб, салмоқли одим ташлар ва ҳар қадам отганда гавдаси гоҳ ўнг, гоҳ чапга буриларди. Бу киши комбинатнинг бош энергетиги эди. Илгари узоқдангина кўрувдим. У ёш эмас экан, элликларга бориб қолган. Фамилияси — Гагай. Унинг кетидан местком раиси, сариқ сочли аёл боряпти. Қолган одамлар нотаниш.

Гагай Бутигинни қувиб ўтди, девордаги биз сим ўтказиб суваб ташлаган ҳар бир ариқча, ҳар бир пойдевор ва моторга тез-тез кўз ташлаб, тахта тўсиқ, рубильникларга қўл теккизганча цех бўйлаб югуриб кетди, ҳали симлари уланмаган охириги қирқ киловаттли мотор ёнида тўхтади. Тўртталамиз тўқув дастгоҳи ортида Гагайнинг ҳаракатини хавотир билан кузатиб турардик. Ишимизни бирдан «бўлмайти»га чиқарса-я! Буларингнинг ҳаммаси бир пақирга ҳам арзимайди деса! У нигоҳимизни ҳис қилди шекилли, бу ёққа ўгирилди ва ўрдакдай лапанглаб биз тарафга кела бошлади. Келиб, Бутигиндан сўради:

— Монтажчи бригадангиз шуми?

— Ҳа, шу, — деди «Айиқ» энсаси қотиброк.

— Ҳаммасини шулар қилдимиз? — дея қўли билан айлана ясади Гагай.

— Шулар... — деди Бутигин истамайгина, сўнг оғзини қийшайтириб масхараомуз ишшайди. — Шулар қилди... Мен эса ёрдамлашдим...

Гагай тагин бизга қаради. Ҳар биримизни диққат билан назаридан ўтказди. Нигоҳи Синьорда, унинг ёғ босиб, боғичи осилиб турган коржомасида тўхтади, кейин у кўз атрофи кўқарган кенг пешонали Маҳмудга, ундан сўнг менинг мис сим билан боғланган дабдала ботинкамга тикилди. Назаримда кўзлари ғалати йилтиллаб кетгандай туюлди.

У бир неча дақиқа шу алпозда индамай турди, кейин калласини ўгирди. Аммо Бутигин жавоб учун алланималарни ғўлдирагунча ўзига-ўзи деди:

— Арзийди. Соат тўртда киринглар — ёзиб берамиз.

У кетмоқчи эди-ю, бироқ менинг ботинкамга тагин кўзи тушиб қолди.

— Ҳм-м... деди у нохуш жилмайиб. — Сени, йигит, қуйиб қўйган электрик дейиш мумкин. Ҳатто ботинканггача сим... Любовь Марковна, бунга бир қаранг...

— Ҳа, ҳа, — деди малла соч аёл. — Албатта. Лекин қарорни ўзингиз биласиз-ку — биринчи ўринда аёллар, фронтовикларнинг оила аъзолари.

— Булар-чи, қанақа оиладан деб ўйлайсиз? Ахир булар ҳали бола. Цехни шулар ишга туширишади, ҳозир ҳамма нарса шуларга боғлиқ...

— Ҳа, ҳа, — деди яна малла соч. — Албатта назарда тутамиз. Устахона эндигина қолип ясай бошлади. Ўзингиз биласиз-ку...

— Биламан, — деди Гагай. — Ҳаммасини биламан. Барибир, жимгина қараб туришга ҳаққимиз йўқ...

— Уруш тугасин, ўшанда ҳаммаси «беш» бўлади, дея гап қистирди Бутигин. Унинг оғриққа зўрага чидаётгани кўришиб турарди. — Ҳозир энг асосийси — цехни ишга тушириш. Вақт шунақа. Мана, менинг қўлим маддалаяпти, лекин, майли, ишлайвераман.

— Қўлингизга нима қилди? — деб сўради Гагай.

— Э, зирапча кириб кетди, — дея афтини буриштирди Бутигин.

— Ёғоч бузаётган эди, яшиқ тахталарини суғураётувди, — дея бидирлай кетди Миша. — Тахталаларни суғураётганда зирапча кирган. Уша заҳоти суғуриб ташлаш керак эди, мана, сосискадай шишиб кетди, энди йиринглайди...

Жаҳлдан Бутигиннинг қути ўчди. У бизга ола қараб, бир нима деб ўшқирмоқчи бўлди-ю, аммо йўтали тутиб қолди.

— Опалубка тайёрлаётувдим, — ҳирқиради у. — Пойдеворга...

— Хирургга кирсангиз бўларди, — деб маслаҳат берди Гагай. — Клиникамизнинг хирургги ёмон эмас, шартта ёради — тамом. Сизга нима азоб!

— Мадор йўқ, — деб ингради Бутигин ва ёш боладай қўлини ликиллатди. Комиссия кетди. Бутигин уларнинг ортидан юрди. Кетаётиб ортига ўгирилди-да, бизга мушт кўрсатди.

— Тамом, — деди Сеньор улар нари кетгач. — Энди бор аламини биздан олади.

— Қўявер, — дея унинг гапини бўлди Миша. — Тупурдим унинг аламига. Чекишдан борми?

Сеньор чўнтагидан нон ушоғи аралашган тамаки чиқариб, Мишанинг кафтига тўкди. Миша тўқув дастгоҳи тагига тўшаладиган қоғозга тамаки ўради. Бизда газета йўқ, аммо бунақа қоғоздан тўлиб ётибди. Истаганингча чекавер. Миша тамакини икки марта сўргач, кўзидан ёш чиқиб кетди. Қаттиқ йўталиб сўкинди.

— Уҳ, мараз! Нима бердинг ўзи, Сеньор?

— Нима эмиш! Олий нав тамаки! Тамаки пояси, эллик грамм нонга алишдим...

— Поя! Пояликка поя-ку, фақат тамакининг юқи ҳам йўқ. Торсанми? — Миша қўлбола сигаретни менга узатди. Заҳар, бир мартадаёқ тўйдиради. Худди овқат егандай бўласан.

Рад қилолмадим — чекмайдиган ишчи ҳам ишчимиз! Сигаретни икки марта тортишим билан кўз олдимда ҳамма нарса чайқала бошлади. Дастгоҳга суяниб, аллақандай латта-путталарга юзимни босганча туриб қолдим.

— Қалай, зўрми? — Мишанинг овози элас-элас эшитилди. — Айтдим-ку, нақ кемадагидай чайқатади деб...

Мен кулиб, албатта зўр-да, демоқчи бўламан-у, қўлимни қўйиб юборолмайман, худди гупиллаб йиқилаётгандайман. Сеньор юзимга шапатилади:

— Ҳеч қиси йўқ, дармонсизликдан. Ҳозир ўтиб кетади. Чуқурроқ нафас ол... Балли!.. Яна чуқурроқ...

Сал енгил тортгандай бўлдим. Шу заҳоти оғзимга ёпишқоқ ва ширин нарса тиқилаётганини ҳис қилдим.

— Еявер, — деди Маҳмуд.

Туршак сўрарканман, тилим тагидан бутун танам бўйлаб ҳузурбахш бир ҳорғинлик таралаётганини сездим. Кўнглим ёришиб, кўз олдимни босган туман тарқади.

— Бўл-бўл, е, — деди Маҳмуд қатъий. — Ҳаммасини е.

У машина устига сара, сершира туршакка тўла халтани қўйди ва ҳаммамизни таънаомуз назаридан ўтказди. Халтага биринчи бўлиб мен қўл чўздим. Кейин бошқалар қўл суқишди. Қўлларимиз халтада учрашади. Мен Маҳмуднинг кўзи қувончдан порлаётганини кўрдим.

Хуфтонда асбобларни бир ерга тўплаб, бўм-бўш цехлардаги чироқларни ўчирарканмиз, эшикда Бутигин кўринди. У оёқларини чалиштирганча, бизни биринчи бор кўраётгандай қараб турарди.

— Ҳамманг олдимга кир, — деди у.

Мана, тўртовлон бўлмамиз ёнида турибмиз. Бутигиннинг юзи қаҳрли.  
— Хў-ўш, бошлиқлар олдида мени расво қилмоқчи бўлдиларинг,  
шундайми?!

Биз миқ этмай турибмиз. Синьор бошини қуйи солади, Маҳмуд  
кўзларини катта очганча Бутигинга бақраяди — гап нимадалигини тўла  
англаб етмаган чамамда.

— Демак, шарманда қилмоқчи бўлдиларинг?! Демак, Бутигин яшиқ  
ўғриси... экан-да, а? Цехдаги ишлар ўз-ўзидан битди — моторлар  
ўрнатилди, симлар тортилди, шундайми? Ҳаммаси ўзича, менинг бунга  
зиғирча алоқам йўқ! Шундайми?!

— Тўғриси айтдим-да, — деб тўнғиллади Миша. — Ҳеч ким  
шарманда қилгани йўқ... Яшиқ бузиш ҳам иш, уни ҳам қилиш керак.

— Мана кўрдингми? — Бутигин дока билан боғланган қўлини кўтарди  
ва юзи аламли бужмайди. — Опалубка ясаш керак. Ясайдиган одам йўқ.  
Бошлиқнинг ёрдам берса, афтига туфлайсанлар!..

У стол тагига кириб, соғ қўли билан аллақандай оқ тугунларни  
тирқиратиб ота бошлади. Биринчи, иккинчи, учинчиси... Тугунлар оёқлари-  
миз тагига келиб тушарди. Қараб кўзларимизга ишонмасдик — хом  
теридан тикилган таги ёғоч, жуфт-жуфт боғланган яп-янги ботинкалар!

Биринчи бўлиб Миша ўзига келди:

— Зў-ўр! — деди у. — Яшасин Гагай! Бари бир қўймабди...

— Гагай! Гагай! — тўнғиллади «Айиқ». — Мен устахонага бормага-  
нимда... ни олардинглар. Уларнинг мотори куйиб қолган экан. Тушунарли-  
ми?

— Жудаям. Аввал сен ол, Славка. Сеники илвираб ётибди...

Энгашиб хом тери ва ёғоч ҳиди анқиб турган ботинкани оларкайман,  
бирдан юрагимни ғалати ҳислар чулғайди. Ҳаммаси тушдагидай. Сим-  
пимларни ечиб, орасидан шалаббо латтани суғураману ботинкани  
кийишдан олдин оёғимни роса артаман. Болалар қаердандир бўз лахтақ  
топиб келишади. Оёғимга ўрайман. Энди уни ботинкага тикиш қолди.  
Тиқаман. Боғичини боғлайман. У ҳам теридан. Оддий хом теридан  
кесилган тасма. Ўрнимдан тураман. Худди буйим ўсиб қолгандай. Албатта  
ўсган, ботинканинг таглиги уч сантиметрча қалин. Бир қадам босувдим,  
йиқилишимга сал қолди. Ҳали бунақа ботинкада юришни ўрганишим  
керак. Ахир, ёғоч таглик букилмайди-да! Майли, буниси ҳеч гапмас.  
Муҳими, оёқларим иссиқда қуппа-қуруқ юради энди. Ишонгим келмайди.  
Оғзим қулоғимда, сира йиғиб ололмайман... Болалар менга қараб  
ҳиринглашади. Фақат Бутигин тумшайиб турибди. Юзидан заҳар томади.  
Балки бизга шундай туюлгандир?..

\* \* \*

Уйга жуда кеч қайтдим. Янги ботинкаларимизни «ювгани» боргандик.  
Баҳайбат ошхонамиз ёнида инженерларнинг емакхонаси бор. Биз  
тантанали равишда карточкаларимизни қоровулга кўрсатганча, ўша ёққа  
кирдик. Карточкаларни Бутигин ботинкаларга қўшиб берди. Тўғри,  
карточкалар иккитагина эди, холос. Лекин шунисига ҳам шукр.  
Бутигиннинг айтишича, карточка энг илғорларга бериларкан.

— Навбати билан кирасанлар, — деди у. — Бир кун — биттанг,  
иккинчи кун — бошқанг.

Лекин биз навбат қилиб ўтирмадик, ҳаммамиз бирга кирдик.  
Карточкаларни шундай тахладикки, тўрттага ўхшаб қолди. Икки порция  
тушлик олиб, унга кундалик ёвғонимизни қўшдик (декчада олиб  
киргандик). Маҳмуднинг туршаги ва Синьорнинг чўнтагидан чиққан  
кишмишни ликопчага солдик. Шоҳона дастурхон бўлди-қўйди. Агар атала  
ўрнига ҳақиқий шоглому картошка учрайдиган карамшўрва, учинчисига  
эса устига ўрик кисели қуйилган жўхори бўтқа беришганини қўшадиган  
бўлсак, тўкин-сочинликни тасаввур қилаверинг!

— Қойил! — деб хитоб қилди Синьор. — Охирги марта қачон бунақа



дастурхонни кўрганимни эслолмайман. Польшадами-ей... Уттиз сакки-  
зинчи йили эди. Урушдан олдин. Ун саккизга кирганимни нишонлаганмиз.

— Гапириб бер, Синьор, — илтимос қилади Миша менга кўз қисиб.

— Нимасини гапирай... Столда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди. Кўп одамлар келдилар... оиламизнинг яқинлари, кейин менинг дўстларим йиғилишди.

— Қизинг бормиди, Синьор?

— Бор эди.

— Яхшимиди?

— Бўлмасам-чи, яхши эди. Ақлли. Кейин, ҳалиги... жуда мулойим.

— Мулойим?

— Ҳа-да. Жуда ёқимтой.

— Ушанда у ҳам бормиди?

— Албатта. Дадам уни жуда яхши кўрарди. Бир қари устамизнинг қизи эди. Қиз асли менинг қайлиғим эди.

— Шошма, Синьор, нималарни тўқияпсан. Ахир, даданг капиталист, фабрика эгаси бўлган-ку, шундайми?

— Шундай.

— Унда қандай қилиб оддий устанинг қизи билан учрашишга йўл қўйиши мумкин?

— Биринчидан, у оддий уста эмас, яхши уста эди.

— Майли, яхши уста бўлсин, лекин бор-йўғи уста, холос-да. Камбағал, ҳеч нарсаси йўқ...

— Икки қўли билан қизидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ эди.

— Мана кўрдингми. Даданг қандай қилиб унга уйланишга рози бўлиши мумкин?

— Билмадим. Лекин Этелькани жуда яхши кўрардим. Биз доим мактабга бирга борардик, доим дадамнинг ўзи уни уйимизга таклиф қиларди... — Синьор бошини эгди, остки лаби титраётгандай туюлди. — Дадам уларга қачон бўлмасин қўлидан келганча ёрдам берарди.

— Нега энди одамга ёпишиб олдинг? — гапга аралашди Миша. — Рози бўладими, йўқми... Яхшиси, нималар еганингни гапириб бер.

— Дастурхонда ҳамма нарса бор эди: апельсин, шоколад... Ҳозир барини эслаб бўладими, — Синьор тағин ғамгинлашди ва бирдан деди: — Улар эса қизни ўлдиришган, биламан. Концлагерга юбориб қийнашган, биламан.

— Қаёқдан биласан?

— Анув танишим айтувди. Уни дадам билан бирга жўнатишган. Улар яхудий эди...

— Бу ҳали ҳаммаси тамом дегани эмас, — Синьорни тинчлантирдим мен. — Қанча одам лагерга тушди, аммо кўпчилиги қочди, яширинди-ку, ахир! Балки қизинг партизанларга қўшилиб кетгандир — қаердан биласан?

— Партизанларга... — такрорлади Синьор ҳиссиз. Фикримдан таскин топмагани кўриниб турарди.

— Бўпти, бас, — тағин гапга аралашди Миша. — Бунинг учун йиғилганимиз йўқ. Манавини қаранглар, — у стол тагидан хира қизғиш суюқлик қуйилган шиша чиқарди ва стаканларимизни бир жойга тўплади.

— Нима экан? — деб қизиқсинди Маҳмуд.

— Э, ҳеч нарса. Узумнинг суви-да.

У стаканларни яримлатиб қўйди. Маҳмудга сал оз. Синьорга эса сал кўп.

— Қани, — деди у, — ғалаба учун! Фашистларнинг ўлими учун!

— Иккинчи фронт учун, — деди Синьор. — Мен Черчиллнинг радиода гапирганини эшитдим. Яқинда иккинчи фронт очилади.

— Майли, иккинчи фронт учун, — унга қўшилди Миша. — Қани!..

Стаканларни бўшатдик. Кейин нима бўлганини тасвирлаш қийин. Синьор оғзини карракдай очган, сира ёполмас, жон-жаҳди билан ҳаво симирар, шўрлик Маҳмуднинг кўзи тепасига битган, ёноқларида ёш ўрмаларди. Менинг аҳволим ҳам уларникидан қолишмасди — ичим

эриган кўрғошин қуйилгандай ёнарди. Фақат Мишагина азоб аралаш хохлаб куларди.

— Тезроқ бирор нарса еб юбор, — деди у ва Маҳмуднинг оғзига бўтқа тикди.

— Сен ҳалиги... Нима қуйиб бердинг? — деди Синьор қалтироқ қўли билан қошиққа ёпишиб. — Қанақа узум?

— Спирт, — хохолади Миша. — Ботинка учун, ғалаба учун, иккинчи фронт учун! Нега энди узум бўларкан? Ҳақиқий спирт!

— Айтиб қўйсанг ҳам майли эди. Қаердан олдинг?

— Шеллак<sup>1</sup> ни биласанми? Калаваларга шимдирилади. «Айиқ» унга пиёз ташлаб таёқча билан аралаштиради-да, ҳамма шеллакни йиғиб олади, спирти эса тагида қолади. Ана ўшандан озгина қуйиб олдим.

Биз овқатга ташландик. Назаримда энгил тортаётгандайман. Кайф чоғ. Ҳатто Маҳмуд ҳам қувноқлашди.

— Нега шундай? — деди у. — Ер кўп, дарахт кўп, ҳаммага етади, одамлар бўлса уришгани-уришган? Нега, а?

— Сен файласуфсан, Маҳмуд, — унинг елкасига қоқди Миша. — Ол, е. Юзингнинг кўкаргани ҳалиям турибди, тўғрими? Негалигини биласанми?

— Ҳаммасига уруш айбдор. Урушгача бозорга пақирлаб ўрик ташиб, сариқ чақага сотардим...

— Тўпла-тўғри. Лекин бари бир текинга эмас. Ҳамма нарса бепул бўлганда уруш ҳам йўқолади. Хоҳлаганингча ол — қизғаниш йўқ.

— Ҳар ким хоҳлаганича олаверадими? Жуда кўп олишса, қандай етказасан?

— Ҳамма гап мана шунда-да! У пайтда ҳар ким керагича олади, холос.

— Нима учун?

— Шунақа одамлар яшайди.

Маҳмуд ишонқирамай бош чайқади:

— Ҳамма одамларми? Қанақасига ҳамма бўлиши мумкин?

— Бундай вақт ҳаливери бўлмайди, Маҳмуд, — дея гапга аралашди Миша. — Шунинг учун кўп куйинаверма. Тузукроқ овқат е.

Аммо Маҳмуд тинчланмади:

— Айтинглар-чи, деди, — нимага акам фронтдан; энг муҳими — немисни янчиш, ғалаба қилиш, деб ёзади. Ҳозир ҳеч нарсани аяш керакмас, ҳамма ишни бажариш, одамлар бир-бирларига ёрдам беришлари керак, Қумриниса опанинг бешта боласи бор, бунинг устига болалар уйдан тагин иккитасини олиб келди. Менинг отам бўлса ўрикни бозорга ташийди, менга бермайди, бировлардан қизғанади... Нимага иккинчи фронт очилмаяпти? Гапиришади, гапиришади-ю, фашист ери-мизни қандай еётганини томоша қилиб туришади. Қонимизни ичяпти-ку улар, нимага, а?

У нам кўзларини ҳаммамизга бир-бир тикди. Биз эса унинг хаёлида борлиқ нарса — ўрик ҳам, отаси ҳам, Қумриниса опа ҳам, иккинчи фронт ҳам аралаш-қуралаш бўлиб кетганини ҳис қилдик. Маҳмуд, айниқса, Синьордан кўз узмайди, чунки унинг жами саволларига ҳар доим Синьор жавоб беради. Синьор — орамизда энг каттамыз. Мен стол тагидан Синьорни туртаман: жавоб берақол, хўш, иккинчи фронт очиладимми?

— Улар тайёрланишяпти. Лекин ҳали тайёр эмаслар.

— Биз-чи, биз тайёрмизми? Биз тап-тайёрмиз-а? Йў-ўқ, капиталист барибир капиталист. Улар, қўллари қўлтиқда, немислар бизни ямлаб ютишини кутишяпти.

— Бу бошқа гап. Совет Иттифоқига ҳужум қилибдими, урушиш керак. Немислар Польшага ҳужум қилганда армиямиз узоқ дош беролмади. Лекин барибир уришди. Кейин Англия эса Германияга уруш эълон қилди.

— Қанақасига? Англия уруш эълон қилдими? — ҳайрон бўлди Миша.

<sup>1</sup> Шеллак — айрим тропик ўсимликлар смоласидан тайёрланадиган модда.

— Ҳа-да, шартнома бор эди. Шунинг учун Англия дарров уруш бошлади.

— Шу ҳам уруш бўпти-ю!.. — дедим мен.

— Шундай ажойиб гурунгда нима гап кетяпти? — деган овозни эшитиб бараварига ўгирилдик. Бу — Гагай. Овқатланиш учун киргану бизга кўзи тушган.

— Э, шу... иккинчи фронтнинг очилиш-очилмаслиги тўғрисида ўйлаяпмиз. Салом, Юрий Борисович.

— Салом, салом. Овқат қалай? Тузукроқми?

— Тузук бўлганда қандай? Қачонлардан бери бунақа овқатланма-гандик.

— Раҳмат. Жуда-жуда ширин.

— Катта раҳмат сизга. Афсуски, карточка икки кишига, холос.

— Қанақасига икки кишига?

— Шу, иккита карточка беришди. Лекин ҳечқиси йўқ, тенг бўлиб ёвғонларимизга қўшсак зўр овқат бўляпти.

— Нима ҳам дердим, хурсандман. Демак, икки кишига... Ким берди?

— Бутигин.

— Э-ҳа. Ҳм, майли. Буни тўғрилаймиз. Сизлар энди... Янги куч, ғайрат билан-а?.. Биринчи декабрга цехни ишга тушираемизми?

— Тушираемиз.

— Ҳамма умидимиз сизлардан. Фронтга ҳар куни янги минг метрдан мато жўнатишимиз керак. Жўнатаемизми?

— Жўнатаемиз, Юрий Борисович. Шубҳаланманг.

— Нима ҳам дердим... Раҳмат. Мен сизларга суюнаман. Демак, гап иккинчи фронт ҳақида экан-да?

— Ҳа, биз англиялик ва америкаликлар ўз оролларида қуруқ гап сотиш билан далда бериб ўтираверишадими ёки ишга ҳам киришишадими, деб ўйлаяпмиз.

— Ҳм-м... Жиддий масала, — Гагай стол четига ўтирди. — Била-сизларми, бир жиҳатдан, улар Совет Иттифоқининг ер юзидан йўқолишини истайдилар. Совет Иттифоқи ўрнида мутлақо бошқа Россия бўлишини орзу қиладилар. Черчиллдан уруш натижаси қандай чиқишини хоҳлардингиз, деб сўрашганда, «Германиянинг гўрда, Россиянинг эса операция столида ётишини», — дея жавоб берибди. Аммо бошқа жиҳатдан ҳозир улар фақат Россиягина ўз халқи, кенг майдони ва резервлари билан сақлаб қолиши мумкинлигини акс ҳолда, ўзлари гўрга тикилишини тушунадилар.

— Энди улар қанақа йўл тутишади?

— Бизга ёрдам беришади, албатта, — Гагай туздонни ёруққа солиб, кейин жойига қўйди. — Фронт очишга келганда, судрашадими, деб кўрқаман.

— Наҳотки? Англия ва Америка Гитлер Россияни қандай босиб олаётганини жимгина томоша қилиб тураверади, деб ўйлайсизми? — деди Синьор. — Англия — юксак маданиятли мамлакат, бунга йўл қўймайди...

— Маданиятга келганда — тўғри. Бироқ ўн саккизинчи йилда интервенцияга йўл қўйди-ку.

— У пайт бошқа эди. Ҳозир бизнинг душманамиз битта.

— Нима ҳам дердим, илойим, адашган бўлай! Ўттиз иккинчи йили Шеффилда практикада бўлгандим. Инглизларни оз-моз биламан. Жуда омилкор, ишчан халқ, лекин дунёдаги ҳамма нарсадан ўз тинчлигини афзал кўради. Кимнингдир фожиаси эвазига бўлса ҳам бари бир.

— Синьор айтадики, улар ўттиз тўққизинчи йилда уруш эълон қилишган. Ўттиз тўққизинчи йилдаёқ! Ҳеч ким истамаган пайтда. Тўғри гапирибдими? — дея бидирлади Миша.

Биз нигоҳимизни Гагайга қададик.

— Бу ҳам тўғри. Нуфузи мажбур этган. Баъзан нуфуз ҳамма нарсадан устун туради.

— Ҳозир-чи? Ҳозир, агар иккинчи фронт очилмаса, нуфузини йўқотмайдими?

— Ҳозир ундан муҳимроқ нарсадан ажрашлари мумкин, — деди Гагай. — Бугун гап ҳаёт-мамот устида боряпти.

— Мана кўрдингизми!

— Кўрдим. Ҳа, майли, умид қилсак арзийди...

Унинг фикримизга қўшилгани ҳаммамизга ёқди. «Айиқ»қа ўхшаб эмас, балки ўз тенгидай кўриб гаплашди. Тўғри, шеллак спирти ҳам ўз ишини қилди. Шу пайт Миша бирдан ярмигача хирароқ суюқлик қуйилган стакан тутқазди унга. Демак, шиша ҳали бўшамаган экан. Мишанинг сурбетлигидан қутимиз ўчди. Миша эса ҳеч нарса бўлмагандай бемалол ўтирарди.

— Ичинг, Юрий Борисович, — деди у. — Иккинчи фронт учун. Биз ичдик, шу қолувди.

Гагай кулимсираб, темир бандли кўзойнаги остидан бизга айёрона боқди:

— Ҳа, майли, ошқозонда ярам бўлса ҳам, сизлар билан ичмаслик гуноҳ. Демак, иккинчи фронт учун! Галабамиз учун!

У стаканни бўшатиб, узоқ йўталди, столдан қўлига илинган нарсани олиб оғзига солдию жағига зўр берди.

— Воҳ, зорманда! Нима тутқаздиларинг? Самогонми, нима бало?

— Шунга ўхшаш, — деди Миша. — Кишмишовка.

— Кишмишдан шунақа ярамас нарса тайёрланишини ўйламовдим, — Гагай стаканни нари итарди.

У кулди. Биз ҳам ўзимизни тутолмай хохоладик. Сўнг унга эртанги кун ҳисобидан тушлик келтирдик.

— Энди гап мундай, шу ерда учрашиб қолибмизми, менга қулоқ солишларингга тўғри келади. Ўзим сизларни топмоқчийдим, — деди у. — Аҳвол қанақалигини биласизларми? Комбинат ҳалокат ёқасида, эртами, индинми тўхтаб қолиши мумкин.

— Нега энди? — дея хитоб қилди Миша бўғилиб. Биз жим қолдик.

— Электр токни дизеллар беради. Нефть эса йўқ, охирги цистерналар келяпти. Нефть фронтга керак. Ҳозир гидростанция қуриляпти, аммо ҳали ток бериб, юқори вольт симлари тортилгунча анча вақт ўтади...

— Энди нима бўлади? — деди Миша сўниқ овозда.

Дастаргоҳлар тўхтаб, цехларга ваҳимали жимлик чўкишини тасаввур қиларканман, бирдан қўрқувга тушдим. Станциядаги ёнилғи идишлари ишдан чиққанда икки марта шундай бўлган, ўшанда тўсатдан ҳамма ёқни даҳшатли сукут қоплаганди. Худди цехларда ҳаёт сўнган, гўё немисларга қаршилиқ кўрсатиш тўхтагандай эди. Гўё биз таслим бўлгандик.

— Йўли битта, — деди Гагай. — Генераторларни буғ билан ишлатишга ўтиш керак. Аммо буғ қозонларини ўрнатишга ҳам вақт зарур, улгуролмаймиз. Лекин менда бир фикр бор. Йўллардаги эски-шалоқ паравозларга кўзингиз тушганми?

— Ҳа.

— Ушаларни фундаментга қўйиш керак, маховикни айлантисин, ундан эса генераторга тасма тортилади. Буни локомобиль дейилади...

— Айтишга осон, — афтини буриштирди Синьор. — Уни станцияга келтириш керак, ахир. Бутун бошли паровозни келтириш. Мотор эмаски...

— Тўппа-тўғри, — уни тасдиқлади Гагай. — Елкангда кўтаролмайсан. Қисмларга бўлиш ҳам мумкин, албатта. Лекин вақтни олади-да...

Биз нима деяримизни билмай бир-биримизга қарадик. Каллаларнинг қаеридадир ноаниқ фикр ғимирларди, аммо ҳеч ким уни тилига чиқара олмасди. Бирдан Маҳмуд кўзларини катта-катта очиб деди:

— Бордию агар... Агар ўзи юриб келса-чи... Тупроқ уйиб, шпал, рельс ётқизамиз, тамом — юради...

— Каллангга қойил, — севинч билан шовқин солди Гагай ва уни ўзига тортиб, пешонасидан ўпди. — Баракалла! Мен ҳам худди шуни ўйловдим. Энг тез, энг жўни — икки юз метр йўл қуриш, тупроқ уйиш. Ана энди фундаментга ўзи чопқиллаб келаверсин! Гапимга тушундиларингми?

Албатта, ҳаммасига тушундик. Демак, буни биз қилишимиз керак.

Барча цехлардан ўзимизга ўхшаш слесарь, ёрдамчи мастер, электриклар, механика цехидан дастгоҳсозларни йиғиб, тунлари темирйўл қуришимиз керак.

— Розимисизлар? — деб сўради Гагай.

— Розимиз, — ҳамма учун жавоб берди Миша.

— Аммо, шуни билингларики, сменадан кейин ишлашга тўғри келади.

Ахир, цехни ҳам вақтида ишга туширишимиз керак-да. Чидай оламиз-ми?

— Инсон ҳамма нарсага чидайди, — деб хўрсинди Синьор. — У ахир машина эмас.

— Ҳечқиси йўқ, болалар, — деди секин Гагай, сўнг мен билан Мишанинг елкасига қўлини қўяди. — Немисларни янчиб олайлик. Биласизларми, ўшанда ҳаётларинг қандай бўлади?

— Ҳа... ҳали ўша кунларга етиш керак... — деди Синьор.

— Етасизлар. Сизлар-ку етасизлар. Лекин бизнинг авлоддан жуда ози ўша ҳаётни кўрса керак... Аммо биз ачинмаймиз... Йўқ, ачинмаймиз. Бизнинг ўз қувончимиз бор, бу сизларга унча тушунарли эмас-ов.

\* \* \*

Бугун цехни ишга тушираемиз. Барча моторлар, трансмиссиялар ва тўқув дастгоҳлари текшириб бўлинган. Созловчилар ҳам ишларини тугатишяпти. Энг яхши тўқув дастгоҳларини шу ёққа беришган. Чунки бизнинг цехда махсус газлама тўқилади. У парашют гумбазлари учун ишлатилади.

Миша бугун мойланган этик кийиб олибди, солидол сурибди. Синьор комбинезонини ювиб қуритибди.

Маҳмуд ҳам уларга ёрдам берапти. Мен эса улкан япон мотори ёнида қоровулман. Унинг қуввати қирқ киловатт. Учта энг оғир трансмиссияни айлантиради. Уни реостат ёрдамида ишга тушириш керак. Ҳозирча бошлиқларни кутяпмиз.

Ҳамманинг кайфияти зўр. Фронтдаги ишлар ҳам ажойиб — бизникилар декабрь давомида Москва ёнидаги кўплаб шаҳар ва қишлоқларни озод қилишди, ҳозир Калугага яқинлашмоқда.

Четки дастгоҳ ёнида Паня Глубенко машина ремизи билан овора. У танда қўйиш цехида ишлар, яқинда бу ёққа дастгоҳга ўтказилганди. Мен қизнинг ип ўтказолмай қийналаётганини кўрдим.

Эски бино томондан Гагай, Маткаримов ва бошқа бошлиқлар кела бошладилар. Улар кетидан эса Бутигин судралиб келяпти — қўли ҳалигача боғлиқ. Қўлидаги ярадан асар ҳам қолмаган бўлса керак-у, лекин докани ечай демайди.

Улар атрофга аланглаб, ҳамма нарсани кўздан кечириб, ҳамма билан саломлашганларича тез юриб боришарди. Юзларида қувонч балқиб турарди.

— Ўртоқлар, — деди Маткаримов пойдеворга чиқиб, — бугун биз учун ажойиб кун. Ҳозиргина радиодан айтилди: йилнинг охириги соатларида қўшинларимиз Калугани озод қилишди. Мана шу ғалаба билан сизларни табриклайман! Кириб келаётган Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Цехнинг турли бурчакларидан қарсақлар эшитилди. Кейин бирдан жимлик чўкди. Баъзиларнинг йиғлаётганини кўрдим. Аёллар дастгоҳлари ёнида туриволиб йиғлашар, ёноқларидан ёш думаларди.

Нега йиғлашяпти улар? Шаҳарларимиз қўлдан кетганда ранглари оқарганча жим туришган, фақат лабининг тишлагандилар-у, аммо йиғламовдилар. Энди эса... Ол-а! Маткаримов ҳам бундай бўлишини кутмаган шекилли, ўзини йўқотиб қўйди, гапираётиб овози қалтираб кетди:

— Азиз аёллар, йиғламанглари. Бугун йиғламаслик керак, душманлар кўз ёшимизни кўришмасин! Тушунаман, ҳозирги дақиқада уйимиз, қариндош-уруғ, бахтли, осуда ҳаётимиз ва ўтган янги йилни эсламаслик қийин, албатта. Бироқ, сизларга сўз бераманки, келгуси Янги йилни

бугунгидан мутлақо бошқача кутиб оламиз. Қадрдон уйимиздаги байрам столи атрофида ўтирган бўламиз. Аммо бунинг учун зўр бериб ишлаш керак, фақат ўшандагина ғалабага эришамиз. Бугун янги цехни ишга туширамиз. Уни ўз қўлимиз билан қурдик, манави дастгоҳларни ўз қўлимиз билан ўрнатдик ва электр токи олиб келдик. Ҳозир моторларни ишга соламиз ва парашют учун янги газлама тўқила бошланади. Шунини эсда тутингки, ҳар бир отилган моки — душман кўксига қадалган ўқ! Мокингиз сира-сира тўхтамасин, куну тун, туну кун лаънати фашист кўксига санчилиб турсин. Ўт очинг, ўртоқлар!

У охириги сўзларини шундай қичқириб айтди.

Шу пайт Миша моторни ишга солди. Шовқин кучайиб бир маромга тушди ва у ҳаракатга келтираётган трансмиссия тасмалари шалоплай бошлади.

Синьор юқоридаги иккинчи моторни ишга солди. Шунда мен рубильникни кўтариб, реостат дастасини сурдим.

Улкан дастгоҳ деярли овозсиз айлана бошлади. У аста-секин тезлашиб борарди.

Шунда биринчи дастгоҳнинг қаттиқ гупиллай бошлаганини эшитдим. Уни Паня ишга солган эди...

Ориф ФАРМОНОВ таржимаси



*Шухрат*

**МЕН  
УНИ  
АРДОҚЛАБ...**



## *Бахт нима?*

*Бахт нима? Енингда дўстинг борлиги,  
Соғинган чоғида интизорлиги.*

*Бахт нима? Онангнинг ёнган кўзлари,  
Умридан миннатдор ширин сўзлари.*

*Бахт нима? Хаётинг ёруғ йўллари,  
Йўл узра сўлмаган чаман гуллари.*

*Бахт нима? Ерингнинг қайноқ бўсаси,  
Галма-гал ҳўпланган шарбат косаси.*

*Бахт нима? Мурғакнинг илк бор кулиши,  
Соғинган дўстингнинг йўқлаб келиши.*

*Бахт нима? Қисматин босганида ғам,  
Қоядек қилт этмай туролган одам.*

*Бахт нима? Тинч уйқу, яхши туш кўрмак,  
Қардошлар даврасин доим хуш кўрмак.*

*Бахт нима? Тун ўтиб, отган оппоқ тонг,  
Тонг каби нурланиб, порлаб турган онг.*

*Энг олий бахт эса, шу она тупроқ,  
Шу она тупроқда барқ урган гулбоғ.*

*Шу боғда яшамоқ гашти беқийс,  
Шу боғда одиминг фахрланиб бос!*

Икки жангчи-шоирнинг шеърлари...

Бу шоирларнинг ижодий йўли, адабий қисмати бир-биридан фарқ қилса-да, булар учун муштарак бўлган бир нарса бор: улар ижодининг илк намуналари ўт-олов ичида, Улуғ Ватан уруши хандақлари ва блиндажларида туғилган. Иттифоқдаги кўплаб жангчи-шоирлар қатори ўзбек қаламкашлари ҳам жанглар тин олган қисқа муддатли танафусларда, мудофаада турган пайтларда, тунлари фронт ертўлаларида гильза-чирикнинг хира шуъласида шеър қоралашган. Шеър бўлиб шаклланган ҳаётга муҳаббат уларни ўлимлардан сақлаб қолган...



## *Айт, нима истайсан шодлигинг учун*

*Не қилсам, онажон, бўласан хурсанд,  
Не қилсам, кўнглингга қайғу чўкмайди?  
Айт, қандай орзуга ҳаёлларинг банд,  
Айт, қандай ишларим белинг букмайди?*

*Тимқора сочингда тола-тола оқ,  
Не қилсам, қолгани оқармайди, айт?  
Не қилсам, кўнглингда ёқилиб чирик,  
Ҳаётга боқмайсан тунлари лоқайд?*

*Не қилсам, фронтда жон фидо этган  
Акамнинг ўрнини босаман, она?  
Ушанинг алами сени йиқитган,  
Ушанинг ҳижрони кўзингда, мана!*

*Кел, она, бошингни кўтар мағрур, тик,  
Кўксингга бошимни қўяйин ўзим.  
Кел, шодлик мулкига ёнма-ён кетдик,  
Акамнинг изига туташсин изим!*

*Уй солиб берайми, сойнинг бўйига,  
Гул экиб берайми боғнинг тўрига?  
Кимларни айтайин синглим тўйига,—  
Атласдан кўрпача солиб сўрига?*

*Айт, олиб берайми бўйнингга инжу,  
Е узук солайми бармоғингга, айт?  
Не қилсам, лабингни тарк этмас кулгу,  
Е қўшиқ айтайми шағнингга оид?*

*Айт, нима истайсан шодлигинг учун,  
Айт, нима қилайин сен-чун, онажон?  
Токи, мадад бўлиб эртаю кечин  
Кўзингга нур берсин бу ёруғ жаҳон!*



## Қўлларим

Қўлларим қалбимнинг хизматкоридир,  
Амридан нарига чиқмади асти.  
Нимаки ёзибди — қалбда боридир,  
Бўлмаса бунчалик эъзоз топмасди.

Бўлмасди бунчалик самимий, ростгўй,  
Бунчалик жаранглаб, тўқимасди нур.  
Эй, қўлим, ҳамиша ҳозир бўлиб тур,  
Эй, умрим, бу қўлга раҳмат айтиб қўй!

Эй, қалбим, ноҳақлик ўтса, майли, ён,  
Елғондан ҳазар қил, хусуматдан қоч.  
Хижолат тортмасин бир умр виждон,  
Виждонинг эшигин эзгуликка оч!

## Яна соч оқи ҳақида

Бу оқмас, ёшликда бахтим талашган  
Ва ёнган юракнинг қайноқ кулидир.  
Бу оқмас, ўзимга яхши ярашган  
Кексалик боғининг оппоқ гулидир!

Бу оқмас, умримнинг оқарган тонги,  
Бу дарё қалбимнинг кўпикларидир.  
Бу оқмас, кўнглимнинг беғубор ранги,  
Бу ҳаёт йўлининг кўприкларидир!

Бу оқмас, ҳаётим нурли байроғи,  
Бошимда кўтариб юрибман мағрур.  
Балки у бахтимнинг ёруғ чироғи,  
Ажабмас кўп йиллар сочиб турса нур.

## Қўшиқ

Ҳар қўшиқнинг манбаи юрак,  
У юракдан бошлайди умр  
Ва юракда отади томир,  
Келажакдан бериб хуш дарак.  
Қўшиқ асли қанотли юрак,  
Қанотини ёзсин, қўй эркин!  
Ҳар қўшиққа кенгликлар керак,  
Кўз-кўз қилсин шодлигин, кўркин.  
У — қалбингдан отилган тўлқин,  
У — қалбингда барқ урган ёлқин...

Юлдузни ардоқлаб, уруш йиллари  
Бошимга кўтардим, шапкамга қадаб.  
У билан ёришди сафар йўллари,  
Қўшиқлар айтдик биз шаънига атаб.

*Мен уни ардоқлаб, қайтгач урушдан,  
Шапкамдан шеъримга кўчириб олдим.  
Сарлавҳа ўрнига қўндирдим баъзан,  
Унинг нурларини оҳангга солдим...*

*Аскардек жанговар бўлса, не ажаб,  
Бошига қўйилгач юлдузча қадаб!*



**Шарофжон  
Орифий**

## *Манзара*

*Осмонўпар тоғлар бағрида  
Кумуш қорлар эрий бошлаган.  
Икки дара оралиғида  
Баҳор тугал гуллаб яшнаган...*


*Майса билан қопланган дара  
Ўртасидан шўх дарё оқар.  
Нур устига ёғилгандек нур,  
Қуёш кулиб юксакдан боқар.*

*Жийдазори кўнглимни хушлар,  
Жилғаларда нур қанотланар.  
Мармар ҳаво, боғи гулистон  
Оғушида кўнгил шодланар...*

*Адирларнинг ўркакларида  
Тўнгиб ётар чўнг қизил тошлар.  
Улар шимиб қуёш нурини,  
Арчазорга ҳусн бағишлар.*

*Улар бўлиб қуёшнинг акси,  
Ял-ял ёнар, ял-ял товланар.  
Адирларнинг қизғиш бағрида  
Шафақ тасмалари мавжланар...*





Мақсуд Қориев

# СПИТАМЕН

*Узоқ Искандариядан хат*

Роман<sup>1</sup>

Романи ўликлар орасидан чалажон ҳолда топиб олишди. Уни суғд аёлининг ўроғи шу кўйга солди. Иситмаси баландлигидан алаҳлаб, кимлардандир узр сўрар, оғриқ азобидан инграр, гоҳ-гоҳ онасини эслаб йиғларди. Рома каби оёғи кесилган, елкаси ойболта зарбидан шикасланган, қўлини қиличга олдирган майиб-мажруҳлар учун энди уруш тугаганди. Искандар марҳамат кўрсатиб, уларни ўзи бунёд этаётган Узоқ Искандария шаҳри аҳолиси рўйхатига киритиб қўйди.

Узоқ Искандария<sup>2</sup> — Сирдарё соҳилидаги Ғазо ва Кирэсахта ўртасида қурилаётган қўрғон шаҳар бўлиб, Искандар бу билан дарёнинг нариги томонидаги скифлар қўзғолонидан ҳимояланишни назарда тутган эди.

Қурилишга бевосита подшоҳнинг ўзи раҳбарлик қиларди. Шаҳарнинг атрофи мустаҳкам девор билан ўралиши лозим. Бунинг учун атроф шаҳар-қишлоқлардан минглаб одамлар ҳайдаб келинган бўлиб, дарё ёқасига чодирлар тикилган, иш қизғин борарди.

— Рома, — деди фракиялик Ферик, — энди шу шаҳарда умрбод қолиб кетасан. Искандар сени суғд аёлига уйлантириб қўяди.

У дарёдан ичига сомон тикилган тери қопда ўтгач, жонлик қидириб юрганида орқасидан ўқ еган, майиб бўлиб қолганди.

— Уроқчи аёл мени шу аҳволга солди, — деди Рома. — Бунга ўзимизникилар сабаб бўлишди...

— Мен сал бўлмаса қурбон бўлаёздим...

Романи табиблар зўр-базўр ҳаётга қайтаришди. Энди бир умр қўлига қурол олмайди. Ҳамон кечалари алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқади. Бир куни уйқусида ўша ҳомиладор аёл, боламни топиб бер, деб бўғмоқчи ҳам бўлди.

— Ҳа, нега яна хаёл суриб қолдинг? — сўради Ферик.

— Бу юришнинг охири бормикин... — Рома уҳ тортди.

Искандар ўзининг ишончли одамларини шаҳар қурилишига бошқош қилиб қўйганди. Деворнинг ҳар бир чақирими уларга бўлиб берилган. Ҳар бир бошлиқнинг қўл остида юзлаб ер қазувчилар, лой

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонда.

<sup>2</sup> Тарихий маълумотларга қараганда Узоқ Искандария «Эсхат Искандария» — Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) шаҳрига қиёс қилинади.

қорувчилар, пахса урувчилар, сув ташувчилар бор эди. Шунга яраша от-улов, арава ажратилганди. Дарё ёқасидаги қароргоҳдан қурилиш кўриниб турарди. Искандар скифлардан безовта эди. Улар дарёнинг нариги бетига келиб, башараларини бужмайтиришар, бурунларини кийшайтиришар, хунук сўзлар билан сўкишарди.

— Ҳой, Искандар, овора бўласан, бари бир деворларингни бузиб ташлаймиз!..

Искандарнинг жаҳли чиқди. У камончиларни чақириб, уларга ўқ узишни буюрди. Бир-икки киши енгил яраланди. Аммо скифлар қиргоқдан нарига чекиниб, ҳақоратли масхараларини давом эттиравердилар. Уларнинг бошлиғи баландроқ жойга пўстак солди-да, иштаҳа билан овқатлана бошлади. У Искандарга суяк кўрсатиб, «ма, сен е» дегандек ирғитар, кўзадан мусалласми, қимизми ичар, негадир юмалаб-юмалаб куларди.

Кечга томон скифлар қайгадир ғойиб бўлиб қолишди. Тунда эса ўзларининг тезюрар қайиқларида дарёдан ўтиб, дошқозонларда пиширлаётган овқатларга туя, қўй қумалоқларини ташлаб кетишди. Бу ҳам етмагандек, бир қанча сипоҳлар бўғизланиб, кулгили аҳволга келтириб қўйилганди.

Искандар қўшин бошлиқлари билан маслаҳатлашиб, нариги қиргоққа кечиб ўтиш режасини тузди. Теридан ясалган чодирини дарё ёқасига тиктирди-да, кечаси билан мижжа қоқмай скифлар гулханини кузатди. Бу билан уларнинг сони қанчалигини билиб олмақчи бўлди. Кейин, тонг-саҳарлаб жангчилар ҳузурига чиқди. Подшоҳ оғир яралангандан бери биринчи бор жангчилар билан учрашиши эди. Бу ерда дарёдан кечиб ўтиш ҳақидаги режаларини қўшин бошлиқларига тушунтирди. Уша кундан бошлаб жиддий тайёргарлик кўрила бошланди. Манжанақлар дарё чеккасига олиб келинди. Уч кун ичида ўн икки минг<sup>1</sup> сол тайёрланди.

Чошгоҳ вақтида мулозим подшоҳ олдига кириб, йигирмага яқин скиф элчилари келганлигини билдирди. Искандар бундай ташрифдан ҳайрон бўлиб, уларни шу заҳотиёқ қабул қилди. Элчилар ўзларининг миллий либосларида: устларида қимматбаҳо мўйна ёпинчқ, рангли тошлар, мева данакларидан тақинчоқлар тақиб олишган. Улар подшоҳга таъзим қилишди-да, чўкка тушиб ўтиришди. Айтишларича, скифлар қариганларида одамларнинг қадди-бастига қараб, уларнинг руҳиятини билиб олишаркан. Подшоҳнинг ҳорғин юзига тикилиб қарар эканлар, чамаси унинг кўриниши довруғига мос эмасдек туюлдим, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

Соқол-мўйлабидан тортиб қошигача қордек оқ, новчадан келган скиф босиқлик билан гап бошлади:

— Мени эшит ва тўғри тушун. Агар жуссангу либосингни очкўзлигингга қараб бичганида бир ўзинг бу ёруғ дунёга сиғмаган бўлардинг... Мағрибдан Машриққа интиласан-а!.. Ҳамма инсон зотини ўзингга тобе қилсанг, у ҳолда ўрмонлар, қор-музлар, дарёлар ва ёввойи ҳайвонларга қарши уруш очасан. Дарахтнинг баландлигини билмай туриб, унинг мевасига кўз олайтирган кимса тентақдир. Мева оламан деб қулаб тушиш ҳеч гапмас. Ҳатто ўрмон подшоси йўлбарс ҳам майда қушларга ем бўлган экан... Хўш, айт-чи, ўртамиздаги душманликнинг боиси нимада? Сенинг тупроғингга бостириб бормаганмиз. Бегоналарга хизмат қилолмаймиз ва ҳукмимизни ҳам ўтказишни истамаймиз. Билсанг, скифларнинг чекига от, ҳўкиз, жабдуқлари билан найза, камон тушган. Бу ашёлардан дўстлик мулоқотида, ёв қўзғолганда фойдаланамиз. Ҳўкиз кучи билан топган неъматларимизни дўстларимиз билан баҳам кўрамиз. Камон, найза жангда асқотади. Сурия подшосини, сўнгра эса форс, мидиялик подшоларни енгганмиз:

<sup>1</sup>Квинт Курций Руф. «Александр Македонский тарихи», Москва Давлат Университетининг нашри. 1963 йил. 273-бет.

Гапингни қара! Талончиларни таъқиб қилгани келганмишсан... Мидияни босиб олдинг, Сурияни забт этдинг; форслар мамлакатини ўзингга тобе этдинг, Бақтрия сенинг ҳукминг остида... Бақтрияда қанча панд единг. У ерни забт этгунигча сугдиёналиклар уруш бошлаб юборди. Душманинг ортмоқда. Гарчи сен дунёдаги энг буюк ва кудратли киши бўлсанг ҳам, билиб қўй, ҳеч кимнинг ўзга юртдан келган ҳожани кўришга кўзи йўқ. Танаисдан ўтиб кўргин-а, юртимиз нақадар бепоён. Скифларни-ку, ҳеч ҳам қувиб етолмайсан. Гарчи сен, ўзингни анча узоқдаман деб ўйласанг ҳам, баъзан бизларни ўз қароргоҳингда учратиб қолишинг мумкин. Чунки, биз бирдай таъқиб этамиз ва бирдай чекинамиз. Биз Танаисдан бошлаб то Фракиягача бўлган жойларда яшаймиз. Македония Фракия билан чегарадош. Демак, сенинг ҳар икки мамлакатинг билан қўшнимиз. Шунинг учун бизнинг тимсолимизда душманларингни кўрмоқчимисан ёки дўстларингними? Шу ҳақда ўйлаб кўр...

Искандар кекса скифнинг сўзларини эътибор ва чидам билан тинглади.

— Маъкул, — деди у ўзини мамнун кўрсатиб. — Мен ўз бахтим ва сизларнинг маслаҳатларингиздан фойдаланиб тақдир буюрганини бажо этаман. Маслаҳатингизга зид йўл тутиш ақлсизлик ва беодоблик бўлур эди...

Шундан кейин бошқа гапга ўрин қолмади, скифлар қўзғалишди. Подшоҳ скиф элчиларини кузатгач, бари бир яна ўз ақл-идроки билан иш тутди. Сирдарёдан ўтиш ишлари кучайтирилди. Оғир қуроллар — манжанақлар тайёрлаб қўйилди. Бундан воқиф бўлган скифлар тўдаси яна Сирдарёнинг нариги қирғоғида кўрина бошлади. Манжанақлардан оғирлиги уч қадоқ келадиган кўргошин зўлдирлар отилди. Улар олти юз қадамга бориб тушарди. Узоққа отувчи камончилар скифларни ўққа тутди. Шу вақт пиёдалар, кейин отлиқлар олдиндан тайёрлаб қўйилган солларга ўтириб йўлга тушдилар.

Македонияликларнинг хужуми бошланди. Қаттиқ жанг бўлди. Скифлар ўзларининг елдим отларида тўсатдан пайдо бўлиб, Искандар қўшинларини камондан ўққа тутарди. Ғазабланган Искандар сараланган отлиқлари билан скифлар устига бостириб борди. Улар энди катта кучга бардош беролмай, оркаларида ўлигу ярадорларни қолдириб, чўл ичкарасига чекиндилар. Таъқиб давом этди. Бироқ уларга етиб бўлмади.

Қош қорайганда орқага қайтиб, бутазорда тўхтадилар. Шу ерда тунашга қарор қилинди. Қидириб-қидириб қаердандир илиқ кўлмак сув топишди. Ундан подшоҳ ҳам ичишга мажбур бўлди.

Искандар иккинчи куни яна таъқиб этишни давом эттирди. Йўлда қорин оғриғига учраб, орқага қайтди. У бир ҳафтагача ўрнидан туролмай ётди. Кечалари уйқусида скифлар атрофида гулхан ёкишар, бўғар, масхара қилишар эди.

Скифлар сипохийларнинг калласини олиб кетган ўша мудҳиш тунда тангри Романи ҳам ақли-ҳушидан жудо қилди. У янги бунёд этилган Узоқ Искандариянинг биринчи жинниси эди. Рома боши оғган томонларда сандироқлаб юрар, доим «қарзим бор» деб қандайдир аёлни йўқлар, Искандарни лаънатларди.

— Александр, улуғсану калтафаҳмсан! Нега мени онамдан жудо қилдинг-а!..

Романи Искандар шаънига нолайиқ гаплар айтиб юрганлиги учун авахтага қамашди. Ёнидан онасига ёзилган мактуб топилди. Аскарларнинг ота-оналарига, қариндошларига ёзган хатлари назардан ўтказиларди. Бу — лашкарнинг руҳиятини, ўз подшоҳига, бошлиқларига муносабатини билиб олиш имконини берарди. Романинг хатини ҳам Искандарга беришди. У анча ўқимишли бўлганлиги учун Искандарнинг юришларини атрофлича баён этганди. Рома «Эсхат Искандариядан хат»да жумладан бундай ёзади:

«Азиз онажон, кўзларим гирён; қалбим ёниб, сени соғиниб ушбу мактубни битмоқдаман. Ҳозир сендан, ўз элимдан жуда узоқдаман. Уртамизда денгизлар, тоғлар, дашту биёбонлар ястаниб ётибди. Йўл узоқ. Бу йўлларда одамларни ўлдириб, уларнинг устидан босиб ўтиб келганмиз. Ниятимиз ўзга халқларга озодлик олиб бориш... Шундай деб ўқдиришганди бизга. Жаҳонга ҳоким бўладиган халқ сифатида улуг Александр атрофига бирлашдик. Қалбимиз шон-шарафга тўладек эди. Кейин ўйлаб қарасам, онажон, буларнинг ҳаммаси хомхаёл экан. Биз ниста пўчоғидан кема ясаб, оламни забт этмоқчи бўлибмиз. Ҳаммасига тушуниб етдим. Энди буёғи нима бўлади? Ўз тақдиримга ўзим жавоб беролмайман. Унга ишонмайман ҳам.

Сугдиёна мамлакати икки улуг дарё — Окс билан Танаис ўргасида. Тоғлар, дарёлар, боғ-роғлар мамлакати. Кўп қабила, элатлар бор. Асосан сугдлар яшайди. Уларнинг ўз урф-одатлари, динлари мавжуд. Сугдлардан ташқари массагетлар, сартлар, сак-тиграхаудлар, тий-тора-дойра саклари, апасаклар, яксартлар, скифлар ҳам яшайдилар. Улар ҳаммаси сугд тилида сўзлашади. Яна форслар, дахлар. Ҳаммалари бош кўтариб, бизга қарши жанг қилмоқдалар. Бошлиқлари Спитамен деган одам. Эшитишимча, у жуда паҳлавон эмиш, кўриниши фракияликларга ўхшаб кетади, дейишади. Ўзим кўрганам йўқ. Унинг Қорасоч деган оти бор дейдилар. Қуш ҳам етолмасмиш.

Ҳозир Танаис дарёси соҳилидамиз. Қаттиқ жароҳатландим. Энди мен учун уруш тугади. Тангри мени қилмишларим учун жазолаган бўлса ажабмас. Эсон-омон азиз кучоғингга бош қўйсайдим... Уйланмагандим... Уйлантирсанг... Яна билмадим... Александр Танаис дарёси бўйида Эсхат Искандария шаҳрини қурмоқда. Урушда майиб-мажруҳ бўлганлар махсус буйруқ билан ана шу шаҳарнинг аҳолиси деб эълон қилинди. Подшоҳнинг амри билан бир умр шу шаҳарда яшашим лозим.

Онажон, ўзинг ўйла, наҳотки Александр бутун жаҳонни алғов-далғов қилса, шунчалик қирғинларга сабаб бўлса! Обод қишлоқларни култепага айлантиришини кўрсанг... Инсоннинг ақл -идроки, заковати билан яратилган муқаддас китоблар ёқилмоқда. Бу қандай гап, ахир! Улуг халқимиз шарафига ўчмас доғ бўлиб тушмайдими? Юнон файласуфлари, ҳуқуқшуносларининг китобларини ўқиб, улар билан фахрланардим. Энди ўз эътиқодим олдида ожизман. Наҳотки, шундай шону шавкатга тупурилса! Бунга ким айбдор? Буюк Эллада фарзандларими? Йўқ, йўқ... Александр ҳаддидан ошиб кетди. Ахир уни тийиб қўйиш мумкин эди-ку! Чамаси, вайрон бўлган шаҳарлар, тўкилаётган қанча-қанча қонлар эвазига номини абадийлаштирамоқчи. Бундай шуҳратга лазнатлар бўлсин!

Онажон, мактубим охирляпти. Сени, юргимизни ўлгудай соғинганман. Кўришиш насиб этармикин!.. Агар ғурбатда, ғарубликда дийдор кўришолмай кўз юмсам мени кечир ва албатта ёвузликни, бағритошликни лазнатла!

Хайр азиз меҳрибон Онажоним!

Сенинг Романг.

«Эсхат Искандария шаҳри».

## Шердорнинг севгилиси

Спитамен қўшинлари орасида ва умуман Сугдиёна бўйлаб тарқалган энг муҳим хабар — Скиф даштидаги жангда македонияликларнинг катта талофот кўриши-ю, Шердорнинг Менедемни ўлдирганлиги бўлди. Енгилмас Искандар қўшинининг шафқатсиз зарбага учраганлиги ҳақидаги гап яшин тезлигида тарқалди. Шердор ўша кунги жангнинг қаҳрамонларидан бири эди. Катта-кичик, қари-қартанглар келиб, Менедемга ўқ тегизолган жасур сураткаш йигитнинг

қўлини сиқиб, табриклашарди. Шундай кезларда Шердор ўз орзуларини, қувончларини юрагига яқин киши билан баҳам кўргиси келарди-ю, иложини қилолмасди. Мароқандга борганида Спитамендан рухсат олиб, Каснинг уйига бирров бориб келди. Кас ҳам, қизи ҳам уйда экан. Моҳиён Шердорнинг дилидаги гапларни Туронага етказилганлигини, аммо малика бу ҳақда отасига мутлақо оғиз очмаслигини Шердорга билдирди. Шунда Шердор кичик бир оқ мрамартошга ўйиб чизилган суратни Туронага бериб қўйишни Моҳиёндан илтимос қилган. Унда маликаи Туронанинг филда кетаётганлиги акс эттирилганди. Суратни кўриб Кас ҳам, Моҳиён ҳам Шердорнинг санъатига таҳсинлар ўқишди. Шу бўлди-ю, Шердор Мароқандга бора олмади. Намич Искандар томонидан зиндон қилинган, олисининг, малика Туронанинг ҳоли нима кечганлигини ҳеч ким билмасди.

Шердорнинг бутун фикри-хаёли қандай қилиб бўлмасин имконият топиб, Мароқандга бориш, севгилисининг аҳволидан хабар топиш... Етиш, туришида ҳаловат йўқ, хаёли бетинч. «Маликани Искандар ўзига канизак қилиб олган бўлса-я! Еки бирор саркардасига тортиқ қилиб юбордимикан?!» Қани энди қаноти бўлса-ю, пойтахтга учиб борақолса! Спитамен Мароқандни олганида Шердорнинг кўнглидагидек иш бўларди...

Сўнги жангда Искандар лашкарларининг қўлга киритган хазина-бойликлари қаторида қул қилинган ёш-яланглар, қизлар ҳам бор эди. Улар энди инсон эмас, ашёга айланган бўлиб, жаҳоннинг қайсидир бозорларида сотилишлари лозим эди. Мароқанд ҳокимининг севимли қизи Турона ҳам шу қуллар орасида. У Моҳиённинг маслаҳати билан юзларига парда тортиб, эски-туски кийимлар кийиб олган. Шердор уни таниб қолди. «Эй, воҳ, кечагина тантана билан Мароқанднинг гавжум кўчаларидан оқ филда ҳаммомга ўтиб бораётган гўзал малика бечораҳол қулга айланган бўлса? Сугд аёллари одатда кийиб юрадиган қизғиш, ёқасиз кўйлак. Оёғида кавуш, бошида шоҳи рўмол. Қулоғига оддийгина кумуш балдоғ ҳам тақиб олибди...»

Одми кийим Туронани яна ҳам гўзал кўрсатарди. Шердор маликани топиб олганлиги учун қанчалик севинмасин, уни шу кўйга солган урушга қарши нафрати ошиб, нима қиларини билолмай турарди.

— Менга қара-чи, гўзал қиз, сени қаердадир кўргандекман, — деди Шердор ниҳоят ўзини босиб олиб.

Қиз юзини тескари ўгириб, деди:

— Мен сени танимайман!

— Хўп, нима десанг де. Лекин ҳеч қаерга кетиб қолма, мен ҳозир...

Шердор югурганча ҳовлиқиб Спитаменнинг ёнига борди.

— Азиз биродарим, менинг арзи-додимга қулоқ бер, қуллар орасида малика Туронани кўрдим. Буйруқ бер, уни тезда озод этишсин!

— Малика Турона дедингми, қаерда экан? — ажабланди Спитамен.

— Искандар одамлари олиб кетаётганлар орасида экан, — деди

Шердор.

— Тезда бориб айт, нега уларни бўшатмай тутқунликда ушлаб туришибди? Фақат маликани эмас, ҳаммасини озод қилиб юборишсин!

Шердор тили ҳалқумига сиғмай даштдаги аравалар ёнига келди.

— Мени Спитамен юборди. Булар ҳаммаси озод этилсин! Буйруқ шу, мана бу канизакни олиб кетишим керак, — деди Шердор уларни қўриқлаб турган соқчига.

— Буни мен ҳал этолмайман, ҳаммасини Оксиарт ҳал этади, бу ишларга ўша улуғ зот масъул, — деди соқчи.

— Ахир бу Спитаменнинг буйруғи! Майли, бошқалар ҳозирча тураберсин. Мана бу қизни олиб кетаман, — деди Туронани кўрсатиб Шердор.

— Бу ерда кимнинг буйруғини бажаришни билмайсан, ҳай Бабах, буёққа кел, — деди соқчи.

— Нима гап ўзи,— Бабах кулиб, Шердорни бошдан оёқ кузатиб чиқди.

— Ҳеч гап йўқ, бир канизакни олиб кетишим керак, бу Спитаменнинг буйруғи,— деди Шердор.

— Канизак кимга керак бўлиб қолибди?— сўради Бабах гапни биров майнавозчиликка буриб.

— Менга,— деди Шердор.

— Қани, кўрсат ўша канизакни, чиройликми, агар кўнглимга ёқса Оксиартдан сўраб ўзим оламан,— деди Бабах сурбетларча.

— Ақлинг жойидами ўзи, мен улуг саркарданинг буйруғи билан келдим,— деди ҳовлиқиб, гўё Бабах маликани ҳозир олиб қўядигандек.

Бабах Шердорни менсимай ўзини у ёқ-бу ёққа ташлади. Сураткашнинг газаби келди, бир кўнгли яхшилаб адабини бериб қўймоқчи ҳам бўлди-ю, ҳар ёқни ўйлади, аммо Спитаменнинг номини айтганда ҳам пинагини бузмай сурбетлик қилаётган бу одамнинг ўзини тутиши сураткашнинг гашига тегди.

Шу вақт Шердорнинг бахтига Спитамен билан Оксиарт келиб қолишди.

— Мана, асирлар шу ерда, ҳаммасини яхшилаб қўриқлаб турибмиз,— деди Бабах қўл қовуштириб.

— Озод қилиб юборинглар, ахир булар ўз одамларимиз-ку!— деди Спитамен кўзлари жовдираб турган асирларга.

Улар ўз ошенидан, ота-онасидан ажралган ёш қиз-жувонлар, норғул йигитлар, болалар эди. Ҳаммасининг юзларида андух, кўзларида ғам-алам.

— Ҳаммангиз озод бўлдинглар,— деди Спитамен уларга қараб.

Жим-житлик. Ҳамма қимир этмай турарди. Ёш болалар бирдан ҳар томонга чопиб қолишди, аммо аёллар, қизлар нима қилишларини, қайга боришларини билмай ҳайрон эдилар.

— Йигитларни қўшилмаларга бўлиб беринглар, қўрол билан таъмин этинглар, Шердор анави қизни олиб кетади,— деди Спитамен Оксиартга юзланиб.

Спитамен кетди. Унинг ортидан Оксиарт ҳам, ҳалиги лаганбардор Бабах ҳам жўнаб қолди.

Шердор секин-аста маликага яқинлашди-да, унга қараб:

— Тур, бу ердан тезроқ кетайлик энди,— деди.

Малика ажабланиб Шердорга қаради.

— Сен кимсан ўзинг? Мени қаерга олиб бормоқчисан?

— Сени Мароқандда учратганман, ўшанда фил устида кетаётганингда юзингни кўргандим, ҳозир бўлса беркитиб турибсан, маликалингда кўрдим-ку, қуллингингда бўлса яширяпсан?

— Сен кимсан?

— Мен сураткашман.

— Қанақа сураткаш? Уялмайсанми, мен ҳеч қаерга бормайман.

— Тур деяпман. Ҳозир бу ерда гапиришнинг мавриди эмас, юрақол,— деди ялиниб Шердор.

— Йўқ, бормайман.

Шердор ўзининг самимий ниятларини тушунмаётган ўжар маликадан кўз узолмай қолди. «Нега бормайди, ахир мен уни севаман-ку, қутқармоқчиман-ку, хор-зорликдан олиб чиқиб кетмоқчиман-ку!»

— Биласанми, Мароқанддаги отанг қурдирган «Кўк сарой» деворларига расм чизган ўша сураткаш менман, тушундингми?

— Тушундим, Моҳиён айтган эди, қанақа қилиб чизгансан?— болалардек савол берди қиз.

— Менга Ахурамазданинг ўзи ҳадя этган бу ҳунарни,— деди Шердор.

— Қизиқ, Ахурамазда нега энди ўша ҳунарни менга ҳам ҳадя этмаган экан-а?..

— Сенинг ўзинг суратсан,— деди Шердор.

— Мана бу сурат ҳам сеникимми?



Турона мрамор тошга Шердорнинг ўзи ўйиб ишлаган, Моҳиён берган суратни кўрсатади.

— Меники, сенга атаб, ёниб чизганман, жоним...

Малика уялиб ерга қаради-да, қаршисида турган олижаноб сураткаш йигит ҳақида ўзича фикр юрита бошлади. «Қизиқ, бу йигит мени қачон кўрган экан, отамнинг саройидаги деворларга сурат чизган экан, нега Моҳиён айтганда бир бориб кўрмаган эканман-а?»

— Уйингга бошла бўлмаса мени!— деди малика секингина.

— Уйим йўқ, кўча-кўйда юрган сайёраман,— деди Шердор кулимсираб.

— Бўлмаса нима қилдик?

— Узим ҳам билмайман, вақт нотинч, ҳозир сени Спитаменнинг ҳузурига олиб бораман.

Спитамен ёшларга илтифот кўрсатди. Шердорнинг елкасига қўлини қўйиб деди:

— Сен бу қизнинг муҳаббатига лойиқсан, тақдир уни сенга етказди. Ноҳидга сажда қил, бахтингни берсин,— деди Спитамен.

Шердор маликага қаради. Малика буёғи нима бўларкин, дегандай Спитаменга тикилганча мулойимлик билан жим тураверди.

Спитамен маликанинг авзойига, изтиробларига назар ташлади-ю, кейин унга юзланиб сўзлай бошлади:

— Эй малика, сен билиб қўй, бу сураткаш сенинг ишқингда куйиб-ёниб юрди. Ушанда отанг Шердорга шарт қўйиб, сарой деворларига сурат чизиб берганидан сўнг сени қаллиқликка беришга ваъда қилганди. Афсус, у ваъдасини бажармади. Сурат битгач, саройдан ҳайдади уни. Бунинг устига, ўзинг кўриб турибсан, Искандар бизнинг элимизга босиб келди... Оксартга айтаман, сизларга чодир беради, хизматингизга канизақлар, қуллар ҳам ажратамиз.

Малика ҳам, Шердор ҳам Спитаменга қуллуқ қилиб, чиқиб кетишди.

Улар гўё озод қушдек учиб, қўл ушлашганча чўл томонга кетишди. Шердор ҳеч ўйламаганда оёғи остидан чиқиб қолган бахтидан ўзида йўқ хурсанд. Мароқанд кўчаларида эртаю кеч хор-зор бўлиб изғиб юрганлари, ҳоким саройида малика ишқида тонг отгунча ухламай, суратини чизиб, унга сиғинганлари ёдига тушди.

— Нимани ўйлаяпсан, сураткаш?— сўради Турона.

— Сени, фақат сени ўйлаяпман, бу туш эмасмикан деб хавотирдаман,— деди Шердор.

— Туш бўлса нима қилардинг?— сўради қиз ҳазиллашгандай.

— Уйғонмасдим, кўзимни юмгунча ётаверардим.

— Қандай қилиб?

— Мен баъзан ширин туш вақтида уйғониб кетсам, тезда кўзимни қайта юмиб ухлайверамаман-да, кейин тушимнинг давомини кўраман.

— Қизиқ экансан,— таажжубланди Турона.

— Ҳақ гапни айтаяпман, ёлгон эмас, менга ишонавер, яхши туш кўрганингда сен ҳам шундай қилиб кўр бўлмаса...

— Майли, ҳаракат қиламан... — деди кулимсираб малика.

— Мен сени яхши танийман, фақат ҳокимнинг қизи эканлигингни биламан, фил устида бир марта кўриб қолганман, июятини қарангки, ўша дақиқа қилт этган шамол йўқ эди, сени менга кўрсатиш учун самовий шамол келиб пардани кўтарди-ю, ой юзи намоён бўлди.

— Самовий шамол дедингми?— сўради таажжубланиб Турона.

— Бўлмаса ўша бир қисқа дақиқада қайдан келган экан?

— Ажаб, жуда қизиқ, мен буни ўйламабман,— деди малика хаёлга чўмиб.

— Тақдирнинг тақозосига қара, ўзимни қурбон қилсам ҳам, ҳатто қаҳрамонлик кўрсатсам ҳам отанг сени менга бермасди ҳеч қачон. Умидим йўқ эди сенинг васлингга етмоқликдан. Ишқинг оловида умр бўйи куйиб-ёниб ўтиб кетардим. Ҳаётнинг аччиқ, аянчли фожиаси

туфайли даҳшат бўронлари ҳаёт йўналишини ўзгартириб, сени менга насиб этди.

— Шундай бўлса ажаб эмас...

— Майли энди шу ерда тўхтайлик, қани маликам, ўзинг ҳақингда сўзла.

— Мени малика дема, сугдиёналик оддий бир қизман, маликаликдан тушдим бахт топдим, бўлмаса беқиёс дури-гавҳарлар, зарушоҳилар ичра умр бўйи бебахт қолардим. Яна нимани айтай сенга, шу сўзимнинг ўзи кифоя эмасми?

Шердор Маликанинг қўлидан тутиб, қум устига чўккалади. Икковлон бир-бирларига термилганча узоқ ўтиришди. Чўлнинг майин шабадаси қиз кокилларини силар, севишган юракларга ором бахш этарди. Иккаласи ҳам дақиқалик шу масъуд дамларда уруш, қирғин, дарбадарлик, қоронғи кунларни мутлақо ёддан чиқаришган.

*О, гўзал, ялтироқ ва нурафшон бахт!  
Хварно бахш этган саховатлар-ла.  
Мардларни жалб этдинг сен ҳар қачон, бахт!  
Муаттар бўлур уй марҳаматлар-ла.  
Гар унга кираркан бўлиб меҳмон бахт.  
Бузилмас ҳамкорлик бўлур тахт-батахт.*

Ҳа, инсон ҳаётида шундай бахтиёр дамлар бўладики, унинг ҳар бир дақиқаси бир умрга тенгдир. Зеро бундай бахт ҳеч қачон қайтарилмайди, умр саҳифаларида абадул-абад ўчмас из қолдиради.

— Сенинг исминг нима, сен ҳам ўзинг ҳақингда сўзлаб бер?— сўради Турона ҳаёлчан, узоқ-узоқларга тикилиб.

— Исмин Шердор, бир ғариб бечора тоғли йигитман, сураткашлик ҳунаримдан бошқа бойлигим йўқ. Сўққа бошман. Мен оёғим тагидан бебаҳо гавҳарни топиб олдим, уни ҳеч нарсага, бутун бир жаҳон мулкига алишмайман. У менинг ноёб муҳаббатим, борлигим. Шу сўзимнинг ўзи кифоя бўлса керак деб ўйлайман.

— Ноҳидга ҳамду сано айтай, мақсадимга етказди,— Туронанинг оҳуникидек кўзларида бутун уммон намоён бўлгандек туюлди Шердорга.

— Турона, биласанми, нимани ўйлаб юрибман?

— Нима эди?

— Ҳусну жамолингни бутун камоли билан ҳув ўша баланд тоғ қоясига чизаман, токи ширин севги дамларидан мангу ёдгорлик бўлсин...

— Қўй, азизим, юрак туйғуларимиз фақат сен билан менга маълум. Ўзинг айтдинг-ку, самовий деб, уни ҳеч ким ўзимиздек ҳис эта олмас...

— Ахир қояга чизилган малика ҳам умр бўйи унсиз қолар, худди сукунатга кетган тоғлардек.

— Умрбод унсиз, жонсиз малика бўлиб қолади-ку шўрлик...

— Жонсиз гўзаллик бўлса ҳам маҳорат эгаси қўлида ҳаётгий ифода ҳосил этиб, авлодлар юрагида гўзал ҳиссиёт уйғотгусидир.

Турона ҳаёлга чўмди, нозик қўллари билан қум устида самога қараганча тафаккурга кетган сураткаш йигитнинг тўзғин сочларини секин-аста силади...

## Муқаддас оила

Спитамен скиф даштида бўлган жангдан кейин руҳан теткилашган, бўлғуси ғалабаларга ишонч туйғуси билан яшарди. «Агар ҳамма бир мушт бўлиб бирлашиб,— ўйларди у,— аҳиллик билан, ақлидрок билан жанг қилса борми, душманларга қирон келтириш, она тупроғимизнинг топталишига йўл қўймаслигимиз мумкин экан...»

Душман билан юзма-юз тўқнашув шуни кўрсатди. Спитамен жанг тафсилотларини ўзича таҳлил қилиб, йўл қўйилган айрим нуқсонлар, пала-партишликлар ҳақида ҳам ўйлади. Шердор, Датафарн, Зўртошлар жангда ҳал қилувчи зарбдор куч эдилар. Дадиллик, қуролни моҳирлик билан ишлатиш, вақтида ҳимоя чораларини топа билиш, руҳий тетиклик — ғалаба омилларидан эди.

— Бизнинг лашкарларимиз Искандар лашкарларидан бир неча баробар кам, қуролларимиз ҳам,— деди Спитамен.— Бас, шундай экан, биз ўз жанг усулимизга эга бўлмоғимиз лозим. Душманга қўққисдан ҳужум қилиш, жанг учун қулай жой танлаш — бизнинг асосий усулимиз бўлади.

Спитамен Искандарнинг қурол-яроғлари, лашкарларининг турлари ҳақида сўзлади. Чунки у, Бақтрия ва Мидияда Дариёвуш қўшинлари сафида туриб македонияликларга қарши жанг қилганида кўп нарсани кўрган, ўрганганди.

— Бизнинг чўлларимиз бепоён, инсон оёғи етмаган чангалзорларимиз, ёв чиқолмас қояларимиз бор. Ҳаммамиз ҳам овчилармиз, мақтаниш эмас, яна такрор айтаман, ҳар ҳолда яхши овчилармиз. Тузоқ қўйиб, йиртқичларни илинтириш қўлимиздан келади. Сугдиёнанинг ҳамма жойига шундай тузоқ қўйиб ташлайликки, токи душман эркин юролмасин!

Халқ қасоскорлари Спитаменнинг сўзларини эътибор билан тингладилар. Уша жангларда қатнашган Датафарн, Оксиарт, Хориен, Катанлар ҳам ўз мулоҳазаларини айтишди.

— Отлар кам, халқда борини Искандар олиб қўйган... Жангда «дах усули»<sup>1</sup>дан фойдалансак чакки бўлмасди,— деди Датафарн.

— Бизнинг жангчилар уни қўллашда дахлардан ҳам ўтиб кетишди,— деди Хамук.

Ҳамма мамнун жилмайиб қўйди.

— Массажетларга офарин, уларда ҳар икки кишига биттадан от, машқ қилишгани-қилишган. От ҳам икки жангчига тезда ўрганиб қолади...— деди Шерзод дўстларининг фикрларини маъқуллаб.

Кенгаш тарқади. Ҳамма ўз чодир томон кетди. Кеч. Қароргоҳда осойишталик. Жангу жадаллардан, ташвишлардан бир оз холи қолган Спитамен оиласи, суюкли болалари билан бўлиш ниятида.

— Овқат олиб кел,— буюрди мулозимига у,— Одатидага айт, болаларни олиб кирсин.

Кўп ўтмай болалар чопиб киришди. Тили чучук, кенжатоё эркаси Раму чопганча келиб отасининг тиззасига ўтирди-да, унинг белидаги кумуш қинли ханжарни ўйнай бошлади.

— Қўй, қўй, қўлингни кесиб кетади...

Спитамен эндигина ўн икки ёшга қадам қўйган эгизаклар — Рамтиш билан Соймишга қараб негадир юраги ғалати бўлиб кетди. Улар ота меҳрига тўймайдилар. Спитаменнинг дарбадар ҳаёти бунга йўл қўймайди. Болалар оталарига ўхшаб устларига қоплон терисидан ёпқич ташлаб олишибди. Оёқларида учли қизил этик, белларида қини чиройли шамшир. Одатида ҳам, эрига кўриниш учунми, ўзига анчагина оро берган. Эгнидаги самовий ранг кўйлаги шундай ярашибдики, фарзандлари ҳам, Спитамен ҳам уни бу либосда камдан-кам кўришган. Қулоғида Спитамен Экбатандан олиб келган олтин балдоқ, бўйнида тақинчоқлар. Бошига танғиб олган шоҳи рўмоли ҳуснини яна ҳам очган.

Болалар оналарининг кўз олувчи кийимларига, тақинчоқларига анқайганча қараб қолишди. Спитамен ҳам улардан қолишмасди.

— Нима бўлди, ҳаммангиз мenden кўз узмай қолдинглар?

Спитамен гапга оғиз жуфтлаган эди, Одатида унинг сўзини бўлди:

— Ҳа, кўрса кўргундек ҳусним бор, ҳар қанча қарасаларинг арзийди.

<sup>1</sup> Дах усули — отга икки киши миниб олади. Жанг майдонида биттаси отдан тушиб, пиёдалар сафида жанг қилади. Улар отни навбатма-навбат минадилар.

Болалари ҳам, Спитамен ҳам кулиб юборди. Одатиде лавлагидек қизариб, у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. «Ўз уйингда, ўз оилангда ҳам уялсанг, ёшроқ бўлсам ҳам майли эди...»

— Эна, исминг жудаям чиройли-а, отанг қўйганми?— сўради Соймиш.

— Ўзи яна ҳам чиройли, — деди Рамтиш.

— Ҳа, эналарингни исми ҳақиқатан ҳам чиройли, буни ўз тарихи бор, — деди Спитамен.

— Қанақа тарихи? — қизиқди Рамтиш.

— Энангга бир вақтлар айтиб бергандим. Тўғрими, Одатиде?

— Ҳа, ёшлигимда... Унда вақтинг ҳам, меҳринг ҳам кўп эди. У пайтлар мени ўзингга оғдириш учун кўп ҳикоятлар, ривоятлар сўзлаб берардинг...

— Ҳозир ҳам сўзлаб бераман, нима бўпти, болаларинг ҳам эшитиб қўйсин, — деди Спитамен.

— Айт, дада, энамиз ҳақидаги ҳикоятни сўзлаб бер.

Спитамен хаёлан ёшлигига, осойишта ўтган йилларга қайтди. Қайғу ҳам нималигини билмаган, бола-чақа, эл ташвишларидан холи бўлган ўша йилларда Одатиде учун жонини беришга ҳам тайёр эди. Бир дақиқа ҳам ундан ажралолмасди. Одатиданинг кўнглини олиш, севгилисига лойиқ бўлиш учун ўзини ҳар ёққа урар, уни ширин таомлар, кийимлар, турли-туман тўхфалар билан кўмиб ташларди.

Кейин фарзандлари туғилди. Меҳр бўлинаркан... «Бунинг учун нолиш керак эмас», ўйлади Спитамен.

— Бўлмаса, эшитинглар, — Спитамен ҳикоясини бошлади. — Ривоятларга қараганда Мидия подшоҳи Гистаспнинг Заридор номли укаси бўлган экан. Уни Каспийдан то Танаисгача бўлган мамлакатларга ҳукмронлик қилган дейишади. Танаиснинг нариги томонидаги ўлка подшоҳи Омартнинг Одатиде деган ҳуснда яккаю-ягона қизи бўларкан.

— Бизнинг оймиз ҳам яккаю ягона, — гапга қўшилди Рамтиш.

— Ойим Омартнинг қизими? — сўради Соймиш.

— Ҳикояни охиригача эшитинглар, кейин тушуниб оласизлар, — деди Спитамен Одатидеги кўзини қисиб.

— Мен унчалик чиройли эмасман-ку!

— Жута чиёйлисан, — Спитаменнинг тиззасида ўтирган Рамту чопганча келиб онасининг бўйнидан кучоқлади.

— Кейин нима бўлди? — ошиқиб сўради Рамтиш.

— Кейин қизиқ воқеа юз берди: бир куни Одатиде тушида Заридорни кўриб, ғойибона севиб қолибди. Худди ўша кеча Одатиде ҳам Заридорнинг тушида унинг тинчини йўқотибди. Заридор нима қиларини билмай, оқибат Омартнинг ҳузурига совчилар юборибди-да, ундан қизи Одатидани сўратибди. Омарт «мен қизимни бегона юртга юбормайман», деб совчиларга рад жавобини берибди. Шундан кейин қизини тезроқ эрга бериб юбориш кўйига тушиб, саройда катта зиёфатлар уюштирибди, жуда кўп меҳмонлар таклиф қилибди. Бир куни Заридор Омарт зиёфат қизиган вақтида қизининг қўлига олтин косада шароб тутқазиб, «кўнглинг севган йигитга олиб бориб бер, кейин сени ўшанга эрга бераман» дебди. Қиз отасига ёлвориб, бундай қилмаслигини, бошқа йигитни севишини айтибди ва Заридорга чопар юбориб, уни хабардор қилибди.

Заридорнинг бу хабарни эшитиб, жони халқумига келибди. У шоҳона либосларини ечиб, скифлар кийимини кийибди-да, яширинча саройга кириб келибди. Бундан қувониб кетган Одатиде олтин косадаги шаробни Заридорга тутибди. Шундан кейин ошиқ-маъшуқлар саройдан чиқиб кетибдилар ва бошқа юртда умрларининг охиригача бахтли ҳаёт кечиршибдилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Мазкур ҳикоя Суғдиёнада кенг тарқалган бўлиб, саройлар, ибодатхоналар деворларига, ҳатто зодагонларнинг уйларига қизилган суратларда ўз ифодасини топган. Кўп эътиборли оилалар ўз қизларига севиб Одатиде деб ном қўйишган.

- Эна, ўша Одатида сизми? — сўради Рамтиш.
- Йўқ. Ўша ҳикоядан завқланган отам менга шундай исм қўйган.
- Зўр!.. — Рамтиш онасига фахр билан қаради.

Болалар ота-оналари оғушида ғоят бахтиёр эдилар. Айниқса, ҳамиша иш билан, эл ташвиши билан юрадиган Спитаменнинг бу оқшом оила даврасида, хонадон тўрида кенжаси Рамуни тиззасига олиб ўтириши Одатида қалбини алангалантирган эди.

— Энди топишмоқ айтамыз. Рамтиш, сен жуда устасан, қани, қизигидан айт, — деди Соймиш.

— Э, эсимда йўқ, — деди Рамтиш таранг қилиб.

— Эна, айта қолсин!

— Майли, айтаман, — деди Соймиш. — Тополмасанглар жазолайман, пешонангизга биттадан чертаман.

— Розимиз. Аммо ҳали биз ҳам айтамыз, топа олмасанг, сени ҳам жазолаймиз. Шундайми, эна?

— Албатта, — деди Одатида кулиб.

— «Кўприкнинг тагида тўртта қурт».

Ҳамма жим бўлиб қолди. Спитамен ер остидан Одатидага қараб, кўзини қисиб қўйди. Рамтиш бир энасига, бир отасига қараб қўяр, вақт ўтиб бормоқда.

— Тополмадинглар-а? — Соймиш ўтирганларни жазоламоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Сидир, — деди Раму бирдан чапак чалиб. — Тўғриси, сидирнинг эмчаги!

Ҳаммалари бараварига кулиб юборишди. Айниқса, Рамтиш ўзини тутолмай кигиз устида юмалаганча завқ-шавқ билан қотиб-қотиб куларди. Кейин у, яна топишмоқ айтишга тушди.

— «Кичкинагина декча, ичи тўла михча». Бу нима?

— Анор, — деди Соймиш.

— Тўғри.

— «Юрса тангадек жойни эгаллайди».

— Ҳасса. Бобомнинг ҳассаси.

— Хўш... «Томга ёйилган беда, эрталаб қарасанг битта ҳам йўқ».

Бу нима?

Орага сукунат тушди. Ҳамма бир-бирига «биласанми», дегандек қараб қўярди. Охири Спитамен тилга кирди.

— Яйловдаги қўй-қўзилар...

— Бу қанақаси бўлди Спанта, — деди Одатида эрига ишончсиз қараб. — Ахир жавобинг тўғри келмайди-ку!

— Ундай бўлса ўзи айтиб берсин, — деди Спитамен Рамтишга қараб.

— Унда ҳаммангизни битта-биттадан чертиб чиқаман, кейин айтаман.

Рамтиш ўрнидан туриб аввал Соймишни, кейин бошқаларни чертди.

— Энди айт, нима экан? — деди аламзада Соймиш.

— Юлдузлар.

— Қанақасига юлдузлар бўлсин?.. Тушунтириб бер.

— Кечаси осмонга қарасанг самода беҳисоб юлдузлар чарақлаб туради, эрталаб битта ҳам қолмайди.

Улар шу он ўта бахтиёр эдилар. Одатида баргоҳ пойгасида бу ажойиб оиланинг самимий суҳбатига ҳавас билан боқиб ўтирган хизматкорга ишора қилган эди, у ўрнидан дик этиб турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Бир дақиқа ҳам ўтмасдан барасмон<sup>1</sup> олиб келиб, хонага тутатиб юборди. Спитамен ичида пичирлаб лаби билан кўзига қўлларини тегизиб қўйди. Фарзандлари ҳам отасининг ҳаракатларини қайтаришди. Одатида товоқларга хаума суви қўйди-да, сутга ара-лаштириб аввал эрига, кейин болаларига узатди.

<sup>1</sup>Барасмон — исриқ.

— Қачон яйловга борамиз, ота? — сўради Рамтиш.  
— Анави тойчоқни ўзимга берасиз, — деди Соймиш.  
— От жонивор тили бўлмаса ҳам дили билан иш тутади, — деди Спитамен. — Одамнинг ичидаги дардини билиб туради, ҳамдардлик қилади.

— Қандай қилиб? — сўради Рамтиш.

— Хафа бўлган пайтингда бошини куйи эгиб, амрингга тайёр туради. Унга қамчининг ҳожати йўқ... Майли, от талашиб юрманглар, болаларим. Ҳаммангизга етади.

Одатида фарзандлари билан самимий, хотиржам сўзлашиб ўтирган эрига меҳр-аҳтиром билан қараб, ич-ичидан қувонарди. Ахир, шу уч ўғил — юрагининг қони, уларсиз ҳаёт йўқ. Овунчоғи ҳам, иқболи ҳам шу болалар. Аммо гоҳ-гоҳ уларнинг тақдири ҳақида ўйласа, юраги орқасига тортиб кетади. Уруш бошланди-ю, юраги хавфда, бир ёғи Спитамендан хавотирда бўлса, иккиламчи фарзандлари ҳақида қайғуради. Жигарбандларига бирор нарса бўлса, ўша куни унинг ўлгани. Эрига айтадиган гаплари кўп-у, ҳали ҳеч нарса деганича йўқ. Спитаменнинг феъли-атвори ўзига маълум. Агар бирор ишга бел боғладими, охирига етказмагунча тинчимайди. Сўзининг устидан чиқмайдиган, ландовур одамларни ёқтирмайди. Савдо-сотик масалаларида Спитамен билан алоқа қиладиганлар ҳам унинг бу одатини билдилар.

Хизматкор катта сопол товоқда пиширилган гўшт олиб кирди. Дастурхон тўла мева-чева. Кейин у кўзачада мусаллас келтириб, косага қуйди-да, одоб билан Спитаменга узатди. Овқатланиб бўлган болалар бирин-кетин чиқиб кетишди. Хизматкор дастурхондаги ортиқча нарсаларни олиб, у ёқ-бу ёқни тартибга солгач, бўш косага мусаллас қуйди-да, оёгининг учи билан юриб хонадан чиқди.

— Спанта, энди ичмай қўяқол, — деди Одатида. — Тур, яхшиси ўрнингга ётқизиб қўяй!

— Маза қилиб ўтирибман. Фақат безовта қилма.

— Нима, энди жонингга тегдимми дейман?..

— Кўнглингга олма, мен сенга жим ўтир деяпман, холос.

Одатида гапиравергач, Спитамен ўрнидан туриб кетди, кўзларини ишқалаб, хумдаги сувдан косага тўлдириб ичди-да, хотинининг белидан қучиб, деди:

— Ҳадеб нима деяверасан, мана турдим, хўш, муддаоингни айт?

— Севаман, аммо сен жуда бепарвосан... Шуни ўзинг биласанми?

— Йўқ, билмайман. Нима бало, сени Айшма айнатиб қўймадими?

— Мени ҳеч ким айната олмайди, ақлим ўзимда.

— Шундай дегин? Гоҳо хаёлинг бошқа ёқларга кетиб қолади...

— Сени севганимдан... Менга қара, Спанта, анчадан бери сенга айтмоқчи бўлиб юргандим, шу урушнинг нима кераги бор-а? Мендан хафа бўлма, одамлар ҳам шундай деб юришибди.

— Ким шундай деяпти, қайси олчоқнинг гапи бу?

— Жаҳлинг чиқмасин, жоним, — Одатида эрини юпатабошлади. — Шунчаки, бу гапни ўзим айтдим...

— Уруш ҳеч кимга керак эмас. Менга ҳам... Ахир тушунсанг-чи, улар бостириб келди! Ахурамазданинг серунум яйловларида роҳат-фароғатда, тинчгина юргандим...

— Қизишма, жоним. Мен ахир ҳақ сўзни айтаётибман. Мана, сен жангга кетдинг... ўзингни менинг ўрнимга қўйиб кўр, қўрқувдан, изтиробдан юрагим ёмон бўлди. Сочларимга оқ оралабди... Бу қиргин урушлар, дарбадарлик жонимга тегиб кетди ахир, Спанта!

Спитамен хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, ўз ёғига ўзи қоврилар, қаршисида турган севимли хотинига мақсадини тушунтиришдан, гап уқтиришдан ожиз эди.

— Мени кечир, Спанта, — деди Одатида эркаланиб. — Азбаройи жонимдан ўтиб кетганидан айтаяпман. Уч норасида тақдири мени қийнамоқда. Майли, билганингни қил, бу ёғи сенга...

— Бас қил, шунча асабимга текканинг етар! — Спитамен жаҳлдан қизариб кетди. — Енимда туриб, мадад бериш ўрнига асабимни ўйнаяпсан. Яна бир оғиз гап айтсанг, ўзимни тутолмайман...  
Одатида оёқ учида чиқиб кетди.

## Кирэсахта фожиаси

— Аё дўстлар, биродарлар, тингланг, юрак дардимни сизга сўзлай! Нечун чор атрофда ғийбат, адоват? Нечун одамлар бир-бирига истар ёмонлик? Ҳақоратлар нечун?! Яхшилар дунёдан жуда тез ўтиб кетдилар. Ғийбатчи, ёлғончиларгина бемалол яшаб юрибди. Тағин яхшилар устидан кулишади, адолатни оёқ ости қилишади, бадавлат ҳаёт кечиришади... Лекин ёлғоннинг, ғийбатнинг умри қисқа. Бировга чоқ қазиган унга ўзи тушади. Аммо шу иллатлар туфайли қанча-қанча донолар, заковат эгалари қурбон бўлди.

Дариёд зўр иштиёқ ва ҳаяжон билан куйлай бошлади:

Қани айтинг, низо нечун, нечун қиронлар,  
Нега инсон бўри бўлсин бир-бирига, хўш?  
Эзгуликка нима етсин, азиз ёронлар,  
Одамларнинг тақдирлари пайваста ва қўш.  
Бу дунёга кимлар келиб кимлар кетмади,  
Ҳамма ишлар чала қолиб, умр етмади...

— Болалар, чопинглар, девонани томоша қиламиз!  
Эмак қидириб юрган кирэсахталиқ шўх болалар Дариёд орқасидан эргашиб, унга тегажоғлик қилишар, жулдур кийимларидан тортишар, унга кесак отишарди. Бир кўзи шилпиқ бола Дариёднинг ҳассасига ёпишди.

— Девона, асойингни бер!

Дариёд индамади. Бола унинг ҳассасини тортиб олди-да, қочганча кетди.

— Бола-да, хафа бўлма, — деди ўрта ёшлардаги бир киши. — Унинг отасини танийман. Ҳассанг йўқолмайди...

— Бола эканлигини биламан, — деди Дариёд. — Лекин яхши одам, отасига айтиб юрма. Ҳаммамиз бола бўлганмиз. Фақат охирги пайтда шу асога суяниб қолгандим...

— Кобар, қўйсанг-чи ўшани, — деди узун бўйли, ранги синиқ бир киши. — Бу ёққа кел!

— Ҳозир. Мана бу шўрликнинг ҳассасини олиб берай!

Дариёд раста томонга ўтиб, турли таомлар сотилаётган жойга бориб ўтирди. Сотувчилар уни кўришлари билан олдига оз-оздан таом келтириб қўйишди. Дариёд нон билан пиширилган гўшtdан тановул қила бошлади. Шу вақт Кобар унинг ҳассасини олиб келиб қўлига тутқазди.

— Одамлар-а, барибир яхшисиз... Агар дунёда шундайлар кўп бўлганида эди...

Дариёд ўзига яхшилиқ қилган одам кирэсахталиқ эмаслигини билди. Лекин кўринишидан тагли-тугли зодагонга ўхшарди. Енидаги рангсиз одам бошқа тоифадан. Е Кобарнинг мулозими. Дариёд хизматкор орқали Кобар юбортирган овқатни кўриб, деди:

— Насибадан ортиғи бўлмайди, яхши одам. Балли...

— Олиб қўй, эртага ерсан, — деди Кобар.

— Аҳура насибамни сочиб қўйибди...

— Тишга босгани бирор нарса тополмай ҳам қолишинг мумкин.

Дариёд ариқчадаги сувдан ҳовуч-ҳовуч ичди-да, кейин юз-кўллари ювиб, жойига келиб ўтирди.

— Сув... Тиниқ ва рангсиз. На тузи бор, на шираси. Аммо ширин деб ичамиз. Сув бўлмаса ҳаёт йўқдир...

— Сўзларинг тўғри. Кўп китоблар ўқиганга ўхшайсан, фикрларинг жуда теран экан,— деди Кобар.

— Ақл-идрок оёқости... Ҳақ гапни айтиб, ҳеч кимга ёқмадим. Искандар ҳам қувиб чиқарди.

Кобар унинг сўзларини эшитиб тараддудга тушди. «Искандар билан сўзлашибди-я!.. Яхшиси, бу ердан тезда кетақолай, яна бир ишқал чиқмасин...»

Кирёсахтада осойишталик. Аҳён-аҳёнда суворийлар, қилич-қалқон таққан халқ лашкарлари қалъа томон ўтишарди. Ҳамма жиддий қиёфада. Миш-мишларга кўра, бугун-эрта Искандар Кирёсахтага бостириб кириши керак.

Чиндан ҳам, тушга яқин Искандар қўшинлари Кратер бошчилигида Кирёсахтага яқинлашганлиги маълум бўлди. Бутун шаҳар алғовдалғов бўлиб кетди. Ҳамма ҳаракатга тушиб қолди. Ўроқ, ойболта, сўйил кўтариб олган одамлар шаҳар дарвозаси томон оқиб борарди.

Кечга томон юнон-македон қўшинлари етиб келди. Улар оғир ва энгил қуроллар билан таъминланган суворийлару пиёдалардан иборат эди. Манжанақларни отларда судраб келишарди. Нарвон ортилган бир нечта арава ҳаммадан кейин етиб келди. Шаҳар деворлари мустаҳкам эди. Кратер ҳокимга вакил юбориб, урушсиз тинчгина таслим бўлишни таклиф этганди, рад жавобини олди.

Қамал бошланди. Бир неча жойга манжанақлар қўйилди. Камончи қисмлар девор яқинида пайт пойлаб туришлари керак. Режа бўйича девор бузилиши билан суворийлар биринчи бўлиб ўтишлари лозим. Палахмон тошлари отилди. Суворий-камончилар шитоб билан дарвозага яқинлашишарди-да, ҳимоячиларга ўқ узиб, тартиб билан яна орқага чекинишарди. Шаҳарликлардан кимнингдир қўлига ўқ тегди, македонияликлардан икки киши қурбон бўлди. Қоронғи тушди, хужум тўхтади. Шаҳар дарвозаси ёнидаги катта майдонда гулханлар ёқилди. Аммо македон айғоқчилари қўрғон деворлари атрофида изғишар, қандай бўлмасин шаҳарга кириш учун йўл ахтаришарди.

Сарой ёнида Дариёд пайдо бўлди. У соқчиларга Кирёсахта ҳокими Испандат ҳузурига зарур иш билан кирмоқчи эканлигини билдирди. Соқчилар унинг девона қиёфасига, исқирт кийимларига қараб, ҳоким ҳузурига қўймадилар.

— Туриш-турмушимга қараб хулоса чиқарма, эй нодон! Бир вақтлар мен ҳам барно йигит эдим. Одамлар жирканмасди важоҳатимдан. Қарилик курсин, ҳеч кимга ёқмайсан, суҳбатингдан ҳам нари кетар ёшу яланглар...

Дариёднинг таниш овозини эшитиб, ҳокимнинг ўзи чиқиб қолди.

— Агар янглишмасам, сен Дариёдсан?

— Балли сенга. Овозимда балки ёшлик аломати қолгандир...

— Сенинг қалбинг ёш, эй падарбузруквор, қошимга кир. Минг афсуски юртимиз бетинч, сен билан узоқ сўзлашолмайман, — деди Испандат.

— Шу бетинчлик туфайли келдим қошинга, душман олчок, қўшини кўп, оғир бўлади сенга. Аммо билки, улар айёр, сотқинлар кўп... Сенга айтмоқчи бўлган гапим шу. Ҳозиргина раста томонга ўтган эдим, адашмасам икки сотқинга кўзим тушди.

— Кимлар экан ўшалар, яхши таниб олдингми?

— Кўрсам, албатта танийман. Бири башанг кийинган, иккинчиси баланд бўйли, касалманд башара.

— Миннатдорман, сен Суғдиёнанинг жонкуярисан.

— Мени Спитамен юборди. Сотқину айғоқчиларнинг кўпайиб кетганлигидан ташвишда.

— Меҳрибончилиги учун раҳмат. Ундан умр бўйи қарздорман. Паҳлавонга саломимни етказ.

Дариёд йўлга тушди.

Шаҳар ҳокими одамлари билан шаҳар дарвозасига бориб, мудофаа ишлари билан қизиқди. Кейин дарвоза тепасига чиқиб, атроф-



теваракка назар ташлади. Искандар қўшинлари шаҳар чеккасидаги майдонни чигирткадек қоплаганди.

Ярим кечада македон лашкарлари ўртасида қий-чув кўтарилиб қолди. Қасоскор суворийлар душманга ҳужум қилиб, ўнлаб македонияликларни ўлдирган ва талофот кўрмай ғойиб бўлган эдилар. Ваҳимага тушган душман ухламади. Яна шаҳар атрофида пайдо бўлиб, кириш учун жой ахтара бошлади.

Эрта билан македон қўшинлари ҳужумга ўтди. Улар деворнинг икки жойини буздилар. Нарвонлардан чаққонлик билан тепага чиқиб олган илғорлар шаҳар мудофаачилари билан жанг олиб борарди. Мудофаачилар йўллару дарвозаларни, деворлар атрофини қўриқлар, мардонавор жанг қилардилар. Номаълум суворийлар тунда душман орасига кириб, уларга катта талофот етказарди.

Искандар Кирэсахта воқеаларидан воқиф бўлгач, Кратернинг ношудлигидан жаҳли чиқиб, ўзининг зарбдор кучлари билан етиб келди. Ҳамма ёқни кўздан кечириб, шаҳар дарвозлари ёнига хашак тўйлаб, ўт қўйишни буюрди. Мудофаачилар бўш келишмас, дарвозага яқинлашган сипоҳийларни тўхтовсиз ўққа тутишар, тошбўрон қилишарди.

Кечкурун қўшинлар жой-жойига қайтди. Искандар Кратер билан шаҳарни забт этиш режасини тузарди. Тун ярим кечадан оғанда соқчилар бошлиғи келиб, уни Кобар деган одам йўқлаётганлигини, ёнида шериги ҳам борлигини билдирди.

— Жуда зарур ишимиз бор. Кирэсахтага кириш йўлини биламиз деяпти,— деди соқчилар бошлиғи.

— Яхшилаб текширинглар, тағин қотил бўлмасин. Бу ёввойилардан ҳар нарса кутиш мумкин,— деди подшоҳ.

Шериги билан Кобар кирди.

— Менинг исмим Кобар. Беснинг яқинларидан бўлганман.

— Сен ҳам Дариёвушнинг қотиллариданмисан?

— Мен иштирок этмаганман.

— Беснинг яқин одами эмиш-у, қотилликда қатнашмаганмиш,— газабланди Искандар.

— Рост гапим шу. Алдамайман...

— Шеригинг ким?

— Бунинг исми Бости, панжикентлик бўлади, Спитамен озор берибди унга.

— Нега?

— Яхши отларини ўғирлаган экан. Ушлаб олиб, эшакка тескари миндириб, сазойи қилишибди. Энди, Спитаменни ўлдираман, деб юрибди.

Подшоҳ мийиғида кулиб қўйди.

— Спитамен тўғри қилибди, унинг ўрнида бўлсам, мен ҳам шундай қилардим.

Кобар ҳам, Бости ҳам нима дейишларини билмай мулзам бўлиб қолишди. Ўнғайсиз вазият юзага келди. Гўё улар ўзларини яхши кўрсатиш учун душманларини ёмонламоқда эдилар. Искандар бундай одамларни хуш кўрмасди.

— Ярим тунда шу гап билан ҳузуримга келдингларми? — сўради подишоҳ бир оз ижирганиб.

— Биз бошқа бир иш билан келгандик, улуғ шоҳ,— деди Кобар.

— Дилингдагини сўзла!

— Шаҳарга киришнинг бир йўли бор. Бости жуда яхши билади,— деди Кобар.

— Кирэсахтагами?

— Шундай, подшоҳим,— деди Бости.

— Қаердан кириш мумкин?

— Шаҳарнинг нариги томонида дарёнинг қуриб қолган ўзани бор, мен илгари ўша ердан кириб юрардим.

— Уғирлик қилармидинг?

— ...

Искандар ўрнидан турди.

— Тонг билан зарбдор қисмларим ўша ердан шаҳарга киради. Сен... Исминг Бостимида, уларни бошлаб борасан!

— Қуллуқ.

— Аммо икковингга айтадиган сўзим шу,— деди Искандар қатъий,— сенлар сотқинсанлар. Лекин ўлдирмайман, йўлни кўрсатиб, хоҳлаган томонларингга кетаверинглар.

У соқчиларни чақириб, буюрди:

— Буларни ҳозирча қамаб қўйинглар!

Бостини тонг-саҳарда авахтадан олиб чиқишди. Кратер бошчилигидаги юзга яқин суворийлар дарёнинг қуриб қолган ўзани бўйлаб кетишди. Дарё илгари шаҳар девори тагидан ўтган, қуриб қолгач, ўғрилар сўқмоғига айланганди. Девор тагидан илгари от билан ўтиш мумкин эмасди, кимдир бузиб, кенгайтирибди.

— Буни ҳам сизлар буздингларми?— сўради Кратер.

— Йўқ, биз кўрганда бузилган жойи йўқ эди,— ҳайрон бўлди Бости.

Улар отларини етаклаб, битта-битта бўлиб ўтабошладилар. Ўн-ўн беш киши ўтган ҳам эдики, ичкарида қий-чув кўтарилди.

— Билиб қолишди шекилли... Балки сен бизни тузоққа туширмоқчи бўлгандирсан?— қиличини суғурди Кратер.

— Йўқ, йўқ...

Кратер Бостини бир уриб, отдан ағдарди-да, тешикдан нариги томонга ўтди. Девор орқасида қаттиқ ва шийдатли жанг бошланиб, суғд суворийлари македонияликлар билан мардонавор олишарди. Атроф-теварак ўликлар билан тўлган. Шу пайт Кратерга баланд бўйли, жуссаси келишган суғд суворийси ташланиб қолди. Афтидан у суғд жангчиларининг бошлиғи бўлса керак, Кратерга кетма-кет зарба бериб, шошириб қўйди. «Шунча жанг майдонларида ғолиб бўлиб, девор орқасида ўлиб кетсам нима бўлади...» хаёлидан ўтказди саркарда. Кейин, жаҳл билан суғд суворийсига ташланиб, отдан йиқитди. Суворийнинг бошидаги дубулғаси учиб кетди. Елкаси тўла соч. Кратер ҳайратдан ёқасини тутди:

— Ахир бу аёл-ку!..

Маълум бўлишича, жанг қилаётган суғдларнинг ҳаммаси аёл экан.

— Жуда гўзал экансан,— деди Кратер қизга қараб.— Сенга ҳаёт бахш этдим, кетавер.

— Сен билан ҳали яна жангда учрашамиз,— деди қиз.

— Майли, аммо исминг нима, айтиб кет?

— Чинора. Сеники-чи?— сўради қиз.

— Кратер.

— Афсус, Искандар бўлганингда...

Қиз отига қамчи урди-да, бир пасда кўздан ғойиб бўлди. Кратер ҳайрон бўлиб, қизнинг орқасидан қараб турди-да, атрофидагиларга бақирди:

— Тезроқ отга мининглар! Александр кутиб турибди. Шаҳар дарвозасига бориш керак. Тагин анави қиз ишкал чиқармасин.

Македонияликлар Чинорани қувиб, унга етолмадилар. Суворийлар дарвоза олдида тўсатдан пайдо бўлдилар. Шаҳар ҳимоячилари шошиб қолишди. Улар ўзларига келгунларича ишни бир ёқлик қилишди. Дарвоза ланг очиб юборилди. Искандарнинг шай бўлиб турган қўшинлари ур-сур билан ичкарига кирди. Шаҳар кўчаларида, хиёбонларда, расталарда, ҳамма-ҳамма жойда жанг борарди. Босқинчилар хонадонларга ҳам кириб бола-чақаларгача тигдан ўтказардилар. Кратер бозор ёнидаги майдонда Испандат ва унинг лашкарлари билан уришарди. Шаҳар ҳимоячилари бўш келишмас, мардларча жанг қилишарди. Ҳоким қўлидаги узун қиличи билан душман сафларига

ўзини урар, уларни тумтарақай қочишга мажбур қиларди.  
— Улуғ саркарда, мана, қайтимини ол энди! — деди Кратерга таниш овоз.

Кратер ўзини ўнглаб олгунча зарб билан қўлига урилган қилич совутини қирқиб, суякка бориб қадалди. Унинг кўзи қоронгилашди. Элас-элас Чинорани кўрарди.

— Майли, — деди қиз, — саркардалигинг ҳурмати, сенга ҳам ҳаёт бахш этдим. Ахир, қайтарли дунё, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш керак.

Ҳушидан кетган Кратерни мулозимлари холи жойга олиб чиқишди. Жанг ҳамон давом этарди. Искандар ҳам ҳимоячилари қуршовида найзобозлик қилмоқда. Шу пайт дарвоза тепасидан отилган тош подшоҳнинг елкасига келиб тушди.

— Битта ҳам қўймай қиринглар бу ёввойиларни! Шаҳарга ўт қўйинглар! — деди оғриққа чидай олмай Искандар.

Искандар айтгандай бўлди. Шаҳарга ўт қўйилди. Саройлару ибодатхоналарнинг кули кўкка совирилди. Шундай қилиб Кирэсахта фожиаси туғади. Эртаси куни Искандар қўшинлари гўристонга айланган Кирэсахта шаҳрини қолдириб, йўлида давом этди.

## Зарафшон бўйларида

Мароқанд бошига Кирэсахта фожиаси тушмаган, аммо Шарқнинг бу гўзал шаҳри Искандарнинг пойи етгач, эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб қолди. Пойтахтнинг ҳамиша гавжум кўчалари, бозор-расталари кимсасиз. Болаларнинг қувноқ қийқириқлари тинган. Спитамен шаҳарни иккинчи бор қамал қилиб, эгаллаб олди. У Искандар томонидан зиндон қилинганларни озод қилди. Шаҳар ҳокими Намични ҳам зиндондан топиб олишди.

У азоб-уқубатларни бошидан кечирган, чўп бўлиб қолганди. Спитамен ҳокимга таъна қилмади, тақдирини ҳал этишни Шердорга топширди. Шундан кейин, Каснинг уйига борди. Уста қайғуда, аҳволи оғир эди. Македонияликлар қизи Моҳиёни сарой канизақлари билан қул қилиб олиб кетишибди.

Спитамен малика Туронани қутқариб олинганлиги тарихини Касга сўзлаб берди. «Қизингиз ўшалар ичида бўлса керак, биз қидириб кўрамиз», деб устанинг кўнглини тинчлантирди. У ердан чиқиб, «Олов қасри» га борди. Ҳамиша эшик олдида ўтирадиган вағинлар кўринмас, бирор жойда олов йўқ эди. Спитаменнинг мулозимлари ўт ёқиб, барасмон тутатдилар. Қаердандир ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган вағинпат пайдо бўлди-да, инқиллаб-синқиллаб олов ёнига келиб тиз чўкди. Спитамен унга яқинлашиб сўради:

— Эй, улуғ зот, айт-чи, вағинлар қайда? Ибодатхона бўшаб қолибди-ку!

Кекса вағинпат ёшли кўзларини зўр-базўр очиб, Спитаменга қараб оларкан, ингичка овозда деди:

— Айшма говға бошлади, вағинлар жонларини топшириш учун кетишди. Энди қайтиб келишмайди.

— Улдиришдими уларни?

— Улар ўлмайди. Ана, оловга қара, ёниб туришибди... Мени ҳам чақирешапти...

— Қўй, хафа бўлма улуғ зот, — деди Спитамен йиғлаётган вағинпатга қараб. — Биз қасос оламиз!

— Сен кимсан ўзи?

— Спитаменман. Мана булар: Датафарн, Хориен, Хамук, Оксиарт, Катан, Зўртош... Биз кўпчиликмиз...

— Оловни сен ёқдингми?

— Биз ёқдик.

— Энди сен ёққан олов ҳеч қачон ўчмайди. Сен улуг одамсан, бошинг тошдан бўлсин. Энди кетинглар, мен олов билан қоламан...

Спитамен белбоғидан ҳамёнини олди-да, вағинпатга узатди. Сўнг ибодатхонадан чиқиб, Мароқанднинг бўм-бўш кўчларидан бораркан, вағинпатнинг: «Сен ёққан олов ҳеч қачон ўчмайди», деган сўзларини эслади. У қандайдир ишонч билан атрофга қараб қўйди.

Кечга томон айғоқчилар Искандар қўшинлари Мароқандга томон келаётганлиги ҳақида маълумот олиб келишди.

— Тезда шаҳардан чиқиб кетмоқ даркор, — деди Датафарн.

— Тўғри, пойтахтда қолиб бўлмайди, аммо чекинаётиб душманга зарба бериш керак, — деди Спитамен.

— Ўйлаб қўйган режаларимизни амалда қўллаймиз.

— Ҳа. Скиф аёллари чекина туриб, усталик билан ўқ-ёй отишади.

Виз ҳам худди шундай скифчасига жанг қилмоғимиз лозим.

Улар Мароқанднинг шарқий дарвозасидан чиқиб, Панжакент йўлига тушишди. Ҳаммаси ўйлагандек бўлиб чиқди: узоқда душман суворийлари кўринди. Афтидан яна таъқиб бошланганди. Бу сафар македонияликлар Спитаменни қўлга олиш ниятидалар. Искандарнинг буйруғи шу.

Қорама-қора бир неча чақирим йўл босишди. Ҳали инсон қадами етмаган жойлар. Дарахтлар бир-бирига чирмашиб кетган, чангалзор. Ўтиш ниҳоятда қийин. Халқ қасоскорлари бунақанги йўллардан юравериб пишиб кетишган. Ойболта билан йўл очиб, чангалзор ичига кириб кетишса борми, бирорта суворий уларнинг орқасидан тушмайди, кўрқади. Ҳозир македонияликлар кўрсин учун атайин дарё ёқалаб боришарди. Аммо оёқ ости ботқоқ бўлганлиги сабабли отлиғу яёвга юриш анча қийин эди.

Спитамен душманни чалғитиш учун гоҳ қирғоқда кўриниш берар, гоҳ чангалзор ичида ғойиб бўларди. Ниҳоят, Спитаменнинг ўйлаган режаси рўёбга чиқди. Бу ерда дарё суви ўзанидан чиқиб, икки томонга қараб оқар, ўртада каттагина орол ҳосил бўлганди. Спитамен дарёнинг саёз жойидан кечиб, нариги томонга ўтди. Бир оз олдинга юриди-да, македонияликлар яқинлашиши билан ўз суворийларини қўққисдан орқага буриб, бирданига ҳужумга ўтди. Орқа томондан пистирмада турган Датафарн жангчилари ҳаракатга тушди. Македонияликлар саросимага тушиб қолишди. Улар ўз-ўзидан оролчага киришга мажбур бўлдилар. Бундан бошқа иложлари ҳам йўқ эди. Шу пайт шайланиб турган скиф камончилари ўқ ёғдира бошладилар. Скифлар дарё қирғоғига қатор туриб олиб душман аскарларини мўлжалга олишар, ҳатто ёвнинг қаеридан отишни бир-бирларига айтиб маслаҳатлашишар, бараварига қийқиришарди. Македонияликлар қуролларини ташлаб, асир тушишга тайёр эканликларини билдиришди. Аммо қасоскорлар уларнинг илтижоларига қулоқ солишмади.

— Кирёсахталиклар, усрушонликлар учун, гуноҳсиз бева-бечоралар, ёнган шаҳарлар, қишлоқлар учун олға! — ҳайқирди Спитамен.

Жанг бир соатча давом этди. Оролга чиқиб олган македонияликлардан бирортаси ҳам тирик қолмади. Қўлга тушган озгина қисмини ҳам ўлдиришди<sup>1</sup>.

— Қасосли дунё деб мана шунга айтадилар!.. — деди Спитамен мағрур қиёфада.

Зарафшон дарёси соҳилида содир бўлган бу воқеа Искандар қўшинлари ўртасида тезда тарқалди. Мағлубиятнинг асосий сабаби Искандар саркардалари ўртасидаги келишмовчилик эди. Саркарда Қоран Андромахни огоҳлантирмай ўз қўшилмасини оролга чекинишга буйруқ берганди. Натижада қўшин қопқонга тушиб қолди.

Спитамен ўз лашкарлари билан орқага қайтди. Энди у Зарафшон

<sup>1</sup> Арриеннинг «Искандарнинг юришлари» китобида шундай маълумот берилади.

қирғоқлари бұйлаб Панжикент томон борарди. Бугунги ғалабадан саркарданинг кўнгли тоғдай кўтарилган, ич-ичидан қувонарди. Халқ қасоскорлари атрофида жанг қилаётган қадрдон дўстлари ҳам руҳан шод, тетик эдилар. «Дахлар саркори, вафодор Датафарннинг кескир қиличидан қанча-қанча олчоқлар жон берди. Жасур, паҳлавон йигит, билагиде куч, тилагиде эрк балқийди. Оксарт-чи? Форс ўғлони. Ҳз юрти, эли учун жон куйдириб, мен билан елкама-елка туриб жанг қилмоқда. У найза санчганда атроф-теварак ўлика тўлиб кетади. Камон отишга уста. Ишқилиб Айшма айнатиб қўймасин уни.

Хориен ажаб табиатли саркарда. Оксарт билан қон-қардош, дўст. Икковлон ёнма-ён туриб жанг қилса, ҳеч қандай ганим бардош бера олмайди. Э-ҳе, Катан-чи? Унинг отда кетишига эътибор қилинг-а? Худди қуйиб қўйгандек. Ажойиб чавандоз, зеҳни ўткир. Овга борсанг, ора йўлда қолмайсан. Жангда ҳам шундай, кўкрагини қиличга берса ҳам, сени сақлайди...

Массагетлар сардори Хамук бир сўзли, абжир паҳлавон. Ҳеч қандай душман унга тенг келолмайди. Агар жанг майдонида наъра тортса, душман сафарига парокандалик бошланади. Қилич унинг чап қўлида ҳам, ўнг қўлида ҳам бирдек ўйнайди. Тариқ бўлса, жангларда пишиб етилди. Уни ҳамма яхши кўради. Зўртош, Камакларни ҳеч ким эсидан чиқармайди. Улар Суғдиёнанинг асл ўғлонлари...»

— Ҳой Шердор, қайда қолдинг? — Спитаменнинг гулдираган овози эшитилди. — Ахир бугун ишларимиз чакки бўлмади-ку, нега жимсан? Қани, бошла, бу эзилган юракларга ором бер!

Орқада келаётган Шердор бир оз олдинроққа ўтди-да, халқ жангчиларига ёқиб қолган ўзининг ширали овози билан қуйлай кетди.

Бошим олиб қайга йўл тутай,  
Айирсалар ўз қавимдан ва казолардан?  
Жамоатда тан олмаслар, мен нени кутай  
Рад этсалар мени сохта шоҳлар, каззоблар.

Ибодатинг қандай адо айлай, эй, Хормуз?  
Дилда аён ночорлигим, о Мазда, менга!  
Подаларим камдир менинг, камдир содиқ дўст,  
Дўстга ёрдам берган каби қўлагил мени.

Топингайман сенга бул кун, назар сол Хормуз,  
Арта мадад берсин, токи топай Вохуман.  
Аё воқиф эгам Мазда, нурли говмишинг,  
Арта ҳаққи, пайдо бўлса куннинг ярмида!

Халқ қасоскорлари ўртасида машҳур бўлган бу қўшиқнинг охириги бандларини ҳамма жангчилар барварига айтишарди. Қўшиқ водий бұйлаб гўё қанот боғлаб учаётгандай...

Спитамен ўз лашкарлари билан чўл четидаги қишлоққа етиб келди. Бу ер ғоят баҳаво бўлиб, ариқлар тўла сув, майин шабода эсиб турарди. Бир томон кенг адир ва яйлов, бир томон тақир чўл. Қишлоқдан туриб чўлни ҳам, адирларни ҳам кузатиб туриш мумкин. Кратернинг таъқибни тўхтатмаслиги аниқ. Шу боисдан Зарафшон бұйлаб йўлга чиққан Спитамен ўзининг отлиқлари, пиёдалари билан қишлоққа жойлашиб, бироз дам олмоқчи бўлди. Қўриқчиларни кучайтириб, чўл чеккасидаги текисликка чодирлар тиктирди. Чарчаган, йўл юравериб ҳолдан тойган халқ қасоскорлари серўт ўтлоққа отларини қўйиб, ўзлари бир чеккага ёнбошладилар.

Аммо бу роҳат дақиқалари узоққа чўзилмади, Спитамен ҳақ бўлиб чиқди. Кратер таъқибни тўхтатмай, йўл-йўлакай юнон-македон истехком-қалъаларидан янги кучлар олиб, улар ортидан изма-из келаётганлиги маълум бўлиб қолди. Спитамен айғоқчилари ана шундай хабар олиб келдилар. Нима қилиш керак? Тезроқ бирор қарорга келмоқ даркор. Табиий, ҳамма ҳаяжонга тушди. Улар совут-

<sup>1</sup> Авестонинг «Ясна» қисмидаги қўшиқлардан.

қалқонларини кийиб, отларини эгарлай бошладилар. Спитамен қабила бошлиқларига тезлик билан чўлга чекинишни буюрди. Болалар, қариялар, аёлларни олдинроқ олиб кетиш керак эди. Шу вақт Тариқ келиб, Спитаменнинг қулоғига нималардир деб пичирлади. Саркарда Тариқнинг сўзини эшитиб, бироз ўйланиб қолди, кейин уни қучоқлаб, елкасига қоқди.

— Майли, дўстим, сен айтганча бўлсин. Аммо ўзингга эҳтиёт бўл, ҳали бизга жуда кераксан! Тушундингми?

— Тушундим, — деди Тариқ ва Спитамен билан қучоқлашиб хайрлашди.

Спитаменнинг лашкарлари — пиёдалар, отлиқлар тартиб билан чўл ичкарисига чекина бошлади. Тариқ ўнга яқин отлиқ билан македон қўшинларини кутиб турарди. Бир неча дақиқалар ўтгач, Кратернинг айғоқчилари кўринди. Улар чўл чеккасида от ўйнатиб турган Тариқ ва унинг шерикларини кўришлари билан орқага қайтиб кетишди. Тариқ шу дамнинг ўзида чўлнинг бошқа томонига, шимол томонга қараб йўл солди. Душманнинг уч юздан зиёд отлиқ жангчиси Тариқнинг изидан тушди. Улар устига қоплон терисини ташлаб олган Тариқни Спитамен деб ўйлардилар. Бунинг устига, Тариқнинг оти ҳам қора бўлиб, Спитаменнинг Қорасочига ўхшаб кетарди.

Қувиш бошланди. Чопқир отлар танлаб олинганди. Олдинда ўн-йигирма македонлик, кейинида Кратернинг асосий қўшинлари. Тариқ уларни алдаб, сахронинг инсон оёғи етмаган жойларига бошлаб кетмоқда эди. Душман яқинлашиб, камондан ўққа тута бошлади. Тариқ гоҳ бошига, гоҳ ёнига қалқон тутиб, ўзини ўқлардан ҳимоя қиларди. Охири бўлмади, отининг бўйнига ёпишганча елиб кетди. Қум барханларининг сўнгги йўқ, кун бўлса чошгоҳдан оғиб қолганди. Чўлнинг иссиғида отлар ҳам, одамлар ҳам ҳансирарди.

Македонияликларнинг отлари бақувват, энди Спитамен биздан қочиб қутила олмайди, деган хаёлда Тариқнинг ортидан изма-из келардилар. Бир неча камон ўқи шивиллаб ўтиб қумга қадалди. Кейин Тариқнинг отига ўқ теғди. От мункиб, Тариқ қумга йиқилди. Македонияликлар бостириб келдилар. Тариқ гоятда кучли ва эпчил йигит бўлиб, найза ишлатишга, қилич чопишга, душмандан ўзини ҳимоя қилишга моҳир эди. У наъра тортиб македон лашкарларига ўзини урар, найза санчар, уларни қочишга мажбур қиларди. Лекин кетма-кет ташланган арқон унинг бўйнига илинди-ю, ерга ағдарилди. Македон аскарлари унинг устига ёпирилиб, қўлларини боғлашди. Шерикларини чавақлаб ташлашди. Бошлиқлардан бири келиб, қум устида қўллари боғлиқ ётган Тариқни ўрнидан турғазиб, сўради:

— Мен Кратернинг ёрдамчиси бўламан. Айт-чи, сен ўзинг кимсан?

— Жангчиман, халқ қасосчисиман.

— Ўзингни яширма, сен Спитаменсан.

— Ҳа, мен Спитамен!

— Умринг битди энди.

— Йўқ, умрим битгани йўқ. Аслида сенларнинг умрларинг битди.

Бу чўлдан ҳеч қаерга чиқиб кетолмайсанлар. Ўлиқларингни бўрилар, зоғлар ейди, қолганини калтакесак ва илонлар кемиради.

Тариқ қаҳ-қаҳ уриб кулди. Македонияликлар «Сени Александрга тортиқ қиламиз» деб отга ўнгариб олишди. Шу вақт осмон алғов-далғов бўлиб, булут кўча бошлади. Яшин чақнади, момақалдиروқ гумбурлади. Шамол қумларни учирди, ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Отлар юролмай қолди. Ҳамма турган жойида ерга ётди. Қанча ётганлари номаълум. Ўзларига келиб кўзларини очишганда, ҳаво чарақлаб очилиб кетганди. Отлар эгалари тепасида қамир этмай турарди. Ҳолдан тойган македонияликлар қум ичидан бир-бирларини тортиб олишди. Тариқни ҳам ўрнидан турғазиб, қўл-оёқларини ечиб қўйишди.

— Майли, сен энди озодсан, кетабер, — деди македон лашкарбошиси.

Тариқ йўлга тушди. Қолганлар унга эргашиди. Улар пастликка

тушганларида минглаб қузгунлар галаси қағиллаганча осмонга кўтарилди. Бўрилар ириллашиб четга қочди. Битта бесўнақай эчкимар бўлса ҳеч нарсага эътибор ҳам қилмай, бепарволик билан ўликка ёпишарди. Чўл ҳукмдорлари базм этаётган бу жой куни-кеча Тариқ жанг қилган пастқамлик эди. Македонияликлар шунча йўл босиб, айланиб-айланиб яна ўша жойга қайтиб келишганди.

— Айтмабмидим, гўштаринг қузгунларга ем бўлади деб, — деди Тариқ македонияликларга қараб.

Тариқнинг адабини бериб қўйишга ҳеч кимда мажол йўқ эди. Отлар сўлиқ чайнар, пишқирарди. Оч бўрилар қўзғалиб қолди... Қузгунлар галаси тепадан туриб ўзларининг бўлажак ўлжаларини кузатишарди.

## Сугд зодагонлари

Искандар кетма-кет зарбага учрагач, аламини Зарафшон соҳилига жойлашган шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан олди: у ердаги экинзорлар топталди, уйларга ўт қўйилди. Беомон қон тўкилди. Мароқанддан ўн-ўн беш чақирим нарида жойлашган Сарам қишлоғида ҳам худди шундай фожиа юз берди. Аҳолининг ҳаммаси битта қўймай кириб ташланди. Улар энди қишлоқдан жўнаб кетай деб турганларида Катан келиб, қандайдир ертўла борлигини, юзга яқин македонияликларни ўлдирган ҳимоячилар ўша ерга бекиниб олганлигини маълум қилди.

— Улар қанча киши? — сўради Искандар.

— Ертўла эшигини беркитиб олишган, қанчалигини билиб бўлмади, — деди Катан.

Искандар қўшин бошлиқлари билан қишлоқ чеккасидаги ертўла-уйга борди. Махфий уй шундай ниқобланган эдики, уни унча-мунча одамнинг пайқаб олиши қийин эди. Ертўладан қазиб олинган тупроқ бошқа жойга олиб бориб ташланган. Фақат йўлга эътибор қилган одамгина изларни пайқаб олиши мумкин. Атрофда ўт-ўланлар ўсиб ётибди. Искандар эшик ёнига келиб, мурожаат қилди:

— Очинглар! Агар ўз ихтиёрларинг билан асир тушсанглар, сизларга омонлик берармиз...

Ичкаридан ҳеч ким нидо бермади.

— Хас-хашак тўплаб, ўт қўйинглар!

Гулхан ёқилди. Кўм-кўк туман бурқсиб, ёниб битган эшик ўрнидан ертўла ичига кира бошлади. Қишлоқ ҳимоячилари анча чидаб туришди-ю, кейин битта-битта ташқарига чиқиб, ўзларини ўт устига ташлаганча жим ётавердилар.

— Уринларингдан туринглар! — деди Искандарнинг тилмочи.

Ҳамма бараварига ўрнидан турди. Искандар уларнинг ҳозирги ҳолатини кўриб беихтиёр кулиб юборди. Чунки ертўлага кирган қора тутун уларнинг юзларини таниб бўлмайдиган даражада қорайтирган, кийимларининг кўп жойлари куйиб, илма-тешик бўлиб кетганди. Ҳаммаси бўлиб ўттиз киши. Кийинишларидан қишлоқнинг эътиборли кишиларидан эдилар. Жуссалари келишган, тоғни урса толқон қиладиган кишилар.

— Хўш, энди жанг қилиб бўлдиларингми? — сўради масхараомуз оҳангда Искандар.

— ...

— Нега индамайсанлар, мум тишлагансанларми? — ўшқирди Катан.

— ...

— Кимнинг лашкарисизлар?

— Спитаменнинг! — дейишди улар бараварига.

Искандарнинг жаҳли чиқди. «Яна ўша чўл ёввойиси... Қаерга борма, унинг номини айтишади». Зимдан саркардаларига қаради. «Ҳаммасига сенлар айбдорсанлар. Спитаменни шу вақтгача қўлга тушира олмадиларинг...»

- Бошлигингиз ким? — сўради Искандар.
- Ҳаммамиз баравармиз, молу дунёимиз ҳам, ҳатто ёшимиз ҳам тенг, — деди чолворининг почалари тиззасигача куйиб кетган суғд.
- Сенинг қанча отинг бор?
- Юзта.
- Сеники-чи?
- Юзта...
- Қўйларинг қанча?
- Саноғи йўқ.
- Сеники-чи?
- Сонини билмайман...
- Масхарабозлар, — деди Искандар жаҳли чиқиб. — Хўш, подаларинг қаерда?
- Тоғда.
- Сеники-чи?
- Ҳов анови тоғда.
- Сеники-чи?
- Суғд тоғларида...

«Буларнинг гапи ҳам қизиқ, рост ёки ёлгон сўзлаётганлигини билолмайсан... Шунча юртларни кезиб, суғдлардек қайсар халқни кўрмадим. Юзларида ғазаб, нафрат... Дариёвунинг қўшини кўп бўлса ҳам билинмаганди. Бу ёввойилар билан юзма-юз жанг қилолмайсан, худди балиққа ўхшаб тутдим деганингда қўлингдан чиқиб кетади. Аслида олдин Ҳиндистонга юриш қилсам бўларкан...»

— У дунёга ҳам бирга кетарсанлар? — деди Искандар алам билан. Ҳеч ким индамади.

— Қатл этилсин!

Сарамлик суғд зодагонларини қатлга олиб кетишди. Аммо улар бундай қарордан пинакларини ҳам бузмадилар. Бу ҳам етмагандек йўл-йўлакай бараварига қўшиқ бошлаб юборишди. Иккитаси рақсга туша бошлади. Устига қизил шоҳи кўйлак кийган, юнон гладиаторига ўхшаш бирови оёғини тикка тутиб, қўллари билан юра бошлади. Улар қилиқлари, қандайдир ҳаракатлари билан ҳайдаб кетаётганларни ҳайратга соларди.

— Бизга яхши фикрлаш, яхши сўзлашу одобни ўргатган Маздага шарафлар! — деди зодагонлардан бири баланд овозда.

Суғдларнинг ўлим олдидан ўзларини хурсанд тутаётганликлари ҳақидаги хабар Искандарга бориб етди. «Бу қанақаси бўлди? Эс-ҳуши жойидами, бу одамларнинг? Ажал чангалида қўшиқ айтиб, рақсга тушиш нимаси? Балки ўлимга ҳукм этилганликларини билмасалар керак».

Искандар уларни қатл этмай, тезда қайтариб келишни буюрди. Бу хабарни эшитиб сарамликларнинг руҳи тушди: бошлари ҳам, подшоҳ ҳузурига кириб бордилар.

— Эй улуғ подшоҳ, биз сени бир сўзлик, қатъиятли инсон деб ўйлагандик. Афсуски, ўйлаганимиздек бўлиб чиқмади... — деди узун бўйлик сарамлик.

— Етти ўлчаб, бир кес, деганлар. Сен ўйламасдан қарор қилдинг, — кулимсираб деди семиз зодагон. — Бизни пичоқсиз сўйдинг, энди буёғи нима бўлади?

Ҳайратга тушган шоҳ бу гапларга сенлар нима дейсанлар, дегандек саркардаларига қаради. Инсон учун ўлимдан оғир, даҳшатли нарса йўқ. Суғдлар бўлса пичоққа бош тутувчи қўйлардек иш тутаётгиди. Ўлимдан бир амаллаб қутилиб қолиш, қочиш ҳақида ҳам ўйламайди. Бу ажиб табиатли одамлар Искандарда ўзларига нисбатан ҳурмат уйғотмоқда эди.

— Улуғ подшоҳ, туфирган туфикни қайтариб олиш яхшимас!..

— Болаларимиз, ота-оналаримиз, қавм-қариндошларимиз қири-либ кетди. Уларнинг орқаларидан борайлик, ижозат бер!

Искандар уларга ҳайратомуз назар ташлади-да, сўради:



— Сизларни ўлимга маҳкум этгандим, нега хафа бўлиб кўзёш тўкиш ўрнига хурсанд бўласиз, қўшиқ айтасиз?

— Жаҳон подшоҳи, — деди зодагонлардан бири олдинга чиқиб, қавмимиз одати бўйича эътиборли одамнинг қўлида ўлмоқ шарафли ўлим ҳисобланади. Кимсан Искандар қўлида жон таслим этмоқ — биз учун фахр. Ўз аждодларимиз ёнига шундай деб борамиз.

Искандар ўлим тилаётган сарамликларга яна бир бор ҳайрат билан қаради-да, деди:

— Мен сизларни озод этдим, ихтиёрингиз ўзингизда.

— Бизга шарафли ўлимни раво кўрмадинг. Сендан яхшилик чиқмаслигини билардим, — деди қизил юзли суғд.

Искандар саркардаларига қаради. Улар жимгина туришарди. Отлар эгарланган, сафар анжомлари тайёр эди.

— Хоҳласанг, бир ҳикоят сўзлаб бермоқчиман, — деди ҳалиги суғд.

Искандар қизиқсиниб, розилик билдирди.

— Форслар шоҳи Кир, — ҳикоясини бошлади суғд, — массагетлар подшоҳи Тўмарис билан бўлган жангда унинг ўғли Сапарганисни асир қилиб олибди. Тўмарис Кирга ўғлини қайтариб беришини, акс ҳолда нафсини қон билан қондиражагини айтибди. Илтимоси инобатсиз қолибди. Шундан кейин шиддатли жанг бошланиб, форслар тор-мор этилибди. Тўмарис Кирнинг ўлигини топтириб келиб, калласини қон тўлдирилган мешга солибди... Бу воқеани сенга бежиз айтмадим. Сен Суғдиёнада хунрезликлар қилдинг. Ҳали қиличинг қонга тўймаган кўринади. Қасосли дунё дейдилар. Бу аҳволда Кирнинг аҳволига тушишинг аниқ.

Искандарнинг баъзан одамлар ноўрин сўзлар айтсалар ҳам, ўзини босиб тинглаш одати бор эди. Бу гал аччиғи чиқди. У ўрнидан туриб, амрига ҳозир турган лашкарларига йўлга чиқишни буюрар экан, сарамликларга қараб деди:

— Гапларинг аччиқ бўлса ҳам сенларни кечирдим. Хоҳласанглар, хизматга оламан, бўлмаса, ана қишлоқларинг, мендан сенларга сийлов...

Улар жим эдилар...

## Йўлдаги учрашув

Хоразм шоҳи Фарасман Искандар билан музокараларини тугатиб, юртига қайтарди. Кеч куз. Ҳали қор тушмаган бўлса ҳам Турон ерлари тошдек музлаган. Шоҳ узок йўл учун тайёрланган араванинг туя жунлари билан қопланган орқа ўриндиғига жойлашиб олиб, куни кеча бўлиб ўтган учрашувлар ҳақида ўйлаб борарди. Гоҳ араванинг кичкинагина дарчасидан қиш арафасида мудраб ётган бийдек далаларга, карвон йўлидан ризқ-рўз қидириб осмонга кўтарилган зогчалар галасига эринибгина қараб кўярди. Манзаралар ҳамма жойда бир хил, зерикарли. Яхшики, қора совуқ бўлиб турибди. Ёрингарчилик бошланиб қолса борми, лойгарчиликда Хоразмга етиб олгунларича одамларнинг ҳам, отларнинг ҳам она сути оғзидан келади. Кечга томон туман тушиб, эрталаб куёш ёйилиб кетгунга қадар тарқамайди. Бундай пайтда йўл босиш мумкин эмас. Бунинг устига сув танқис.

Фарасманнинг хаёли ҳамон Искандар билан бўлган учрашувда. У Бақтрияда қишлаган кезларда Ахмонийлар саройида қўлланилган урф-одаглар, расм-русмларни жорий этганди. Фарасманни ҳам шундай қабул қилди. Эғнида зарбоф тўн, устидан белбоғ боғлаган. Бошига заррин кулоҳ кийиб олибди. Унинг мовий кўзлари чақнар, заррин кулоҳи атрофидан чиқиб турган жингалак малла сочлари ўзига ярашиб турарди.

Фарасман тилла буюмлар, дуру жавоҳирлардан ташқари, атайлаб тиктириб келган зарбоф тўнни Искандарнинг устига ёпди, бошига

олтин тож кийдирди. Иккита гўзал канизак подшоҳга таъзимда эди. «Бунинг бойлиги кўп. Агар Спитамен йўлимда ғов бўлмаганда юртига бостириб борардим,— кўнглидан ўтказди Искандар.— Ҳозирча унга бож солмоқ даркор. Ҳа, Хвайрезем жуда бой мамлакат...»

Туҳфалардан Искандарнинг боши кўкка етиб, сахийлиги тутиб кетди. Бутун аркони давлат олдида уни осмонга кўтариб мақтади. Хатто Дариевуддан ҳам юқори қўйди. Кейин форслар хазинасидан таланган шоҳона тўн кийдирди. Шоҳнинг яқинларига ҳам турли қимматбаҳо буюмлар ҳада этди.

У Птоломейнинг қулоғига нималардир деб шивирлаганди, осмонга сапчийдиган от келтиришди. Искандар тахтдан тушиб, отнинг жиловини Фарасманнинг қўлига тутқазди. Базмдагилар бор овозлари билан қийқиришар. Искандарнинг номини шарафлашарди. Хоразм шоҳи Искандарнинг қўлларини ўпиб, унга қуллуқ қилди.

— Биз сенинг муборак ташрифингни қадрлаймиз. Узоқ Хвайреземдан паноҳ истаб келган экансан, биздан ёмонлик кўрмайсан.

Тилмоч Искандарнинг сўзларини Фарасманга оқизмай-томизмай таржима қилиб берди.

— Иззат-икроминг олдида лолмиз... — бош эгди Фарасман.

— Энди гапларимни эшит,— деди Искандар жиддий.— Олинган маълумотларга кўра, Бақтрия ахмонийларга уч юз олтмиш, Суғдиёна, Ария, Парфия уч юз, саклар ва бошқалар икки юз эллик талантдан ўлпон юбориб турганлар Хвайрезем бўлса уч юз талант тўлаган. Ўлпонларнинг миқдори ошади. Сенга бўлган ҳурматим эвазига бошқалардан камроқ: беш юз талант берасан. Ўзинг кўриб турибсан, шунча лашкарни жийинтириш, маош бериш, қуроллантириш, овқат билан таъминлаш осонмас.

— Тушундим.

— Яна ҳар йили тўрт юзта яхши от, икки минг пуд буғдой, уч минг пуд арпа юбориб турасан. Буёғи ҳимматингга боғлиқ.

Искандар тўланадиган божларни санай бошлагандаёқ Хоразм шоҳининг капалаги учганди. Қашқирдан қутилиб бўрига учрабман-ку! Нега ҳам келдим?.. Сичқоннинг ўлгиси келса мушук билан ўйнашаркан...»

— Эшитмаяпсанми, хаёлинг паришонга ўхшайди?— Искандарнинг бир оз жаҳли чиққандек бўлди.

— Йўқ, йўқ, улуғ подшоҳим. Мен ҳозир сиздан бир нарсани сўрашга андиша қилиб турибман,— деди гапни бошқа томонга буриб Фарасман.

— Нима гап, айтабер?

— Улуғ подшоҳ, денгиз атрофида амазонкаликлар, колх қабилалари бор. Улар бизга тинчлик беришмайди. Чорвамизни талашади, қизларимизни, болаларимизни қул қилиб ҳайдаб кетишади. Ердам берсангиз. Биргалашиб уларни даф қилсак.

— Ердам бермасам бажармайсанми?

— Мени тўғри тушунинг... Ҳамма талабларингиз ортиғи билан бажарилади. Агар улар устига юриш қилсангиз бутун сарф-харажат менинг устимга бўлади,— деди Фарасман Искандарнинг ғазабидан қўрқиб.

Искандар атрофини ўраб-олган лашкарбошиларига савол назари билан қаради. Улар шоҳнинг илтимосини ҳазм қилолмай, энсалари қотганча жим турардилар. Фарасман Искандарнинг мовий кўзларига тикилди. Жаҳонгирнинг қиёфасидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Демак, таклиф подшоҳга ёқмади, унга ёрдам бермайди...

— Сенинг таклифингга ҳозирча рози бўлолмайман,— деди ниҳоят Искандар.— Ҳиндистонга юришим керак... Яна анча режаларим бор. Кейин Элладага, ундан Геллоспонт, Пропонтида орқали Понтга қайтиб келаман. Шундан кейин сенинг таклифингга қайтурмиз.

Фарасман бу ҳақда бошқа гап айтишни ортиқча билиб, Искандарга қуллуқ қилди. Шундан кейин зиёфат яна узоқ давом этди. Ички-

ликбозлик авжга минди. Искандарнинг ўзи ҳам тинмай ичарди. Қўшиқ, рақсларнинг кети узилмасди. Лашкарбошилар, Искандарнинг яқинлари даврада рақсга тушаётган қизларни ёнларига чақириб хушомад қилишар, хосхоналарга қўполлик билан олиб чиқиб кетишарди. Хоразм шоҳининг эса базм тугамагунча ўрнидан туришга иложи йўқ эди.

Фарасман Искандар хузуридан ҳеч нарсага эриша олмай, аксинча, оғир мажбурият олиб кетмоқда. Кечаги зиёфатдан сўнг туни билан мижджа қоқмай чиқди. Уйқусизликдан боши гангиб, кўзларининг гўлагиғача оғриқ турган. Ўз юртида, ҳатто саройда маросимлар кетаётганда ҳам тахтда ўтириб, ухлаб қоларди. Ҳозир бўлса асаблари таранг, юраги безовта. Тезроқ ета қолсайди. Ҳали ҳафталаб йўл юриши керак. Манзил узоқ, замин қаттиқ... «Нега ҳам шунча йўл босиб келган эканман? Фақат Искандардек жаҳонгир подшоҳни кўриб қўйиш учунми? Эссиз совға-саломлар... Ҳар йили беш юз талант ўлпон тўланади. Яна дон, от, канизақлар юбориб туриш керак...»

Сўғдиёна ўт ичида. Қасоскорлар аёвсиз жанг олиб бораётган бир пайтда ўз ватандошлари олдида ким деган одам бўлди? Сотқин... Ахир Искандарга ялиниб борди, оёғига бош қўйди... Фарасманнинг юрагини безовта қилаётган нарса ҳам шу!

Шоҳнинг эти уюшиб, бошига қаттиқ оғриқ кирди. Уриндиқ чеккасига қўйилган ёстиққа ёнбошлади. Кўзи кетган экан, ташқарида қий-чув бўлиб қолди. У бирорта босқинчи қабилалар ҳужум қилдими, деб ўрнидан туриб ташқарига қаради. Суворийлар қандайдир тулкини ўраб олишган, қийқиришиб унга ўқ узишарди. Шоҳнинг кўнгли жойига тушди. Ҳар ҳолда аскарларининг руҳи яхшилигидан хотиржам бўлиб, яна ўриндиққа ёнбошлади.

Бу йўлларда хавф-хатар кўп. Юнон-македон истехкомларидан ўтиб бориш унча қўрқинчли эмас — қўлида Искандар муҳрлаб берган ёрлиғи бор. Энг хавфлиси, чўл-биёбонлардан чиқиб ҳужум қиладиган турли кўчманчи қабилалар. Улар ҳеч кимни тан олмайди, ўлжа бўлса бас, талаб, ўлдириб кетаберишади. Шоҳнинг атрофида бир ярим мингга яқин тоғни урса толқон қиладиган паҳлавон суворийлар бор. Шунда ҳам саҳройи босқинчилардан эҳтиёт бўлиш керак. Улар билан жанг қилиш қийин, ўқ-ёй отишга жуда уста бўлишади...

Шоҳнинг бош оғриғи кучайди. Мулозимлар қулай жой топиб, чодир тикдилар. У ёқ-бу ёқдан ўт-чўп топиб, қозон осишди-да, шоҳнинг кўнглига ёқадиган таом тайёрлашди. Кечга томон Фарасманнинг аҳволи бироз яхшиланиб, кўнгли мусаллас тусаб солди. Уткир мусаллас шоҳнинг кайфиятига таъсир этиб, кўнгли қўшиқ эшитишга мойил бўлди. У мусиқага ғоят ишқибоз, сафарга чиққанида ўзи билан ҳаммиша сарой қўшиқчисини олиб юрарди. Мулозимлар кўнгил очиш учун, Искандар ҳадя этган юнон раққосаларини олиб келайликми, деб сўрашганди, шоҳ рад этди. Вақт алламаҳалдан ошганида қўшиқчига ҳам руҳсат бериб юборди. Унинг хузурида гулханга ўт қалаб ўтирган икки соқчидан бошқа ҳеч ким қолмаганди. Мусаллас ўз кучини кўрсатди, шоҳнинг оёқ-қўли бўшашиб, ширин уйқу элитди.

Фарасман қанча ухлаганини билмайди, назарида тўшаги худди юриб кетаётгандек... Бақирмоқчи бўлган эди, оғзи очилмади. Нафаси қайтиб, типирчилади. «Нима бўлаяпти ўзи? Бирорта чоғга тушиб кетдимми ё ўлим шундай забтига оладими?.. «Қўлини қимирлатган эди, қаттиқ нарсага бориб тақалди. Эс-ҳушини йиғиб олишга ҳаракат қилди, аммо уйқули кўзлари негадир очилмасди. Отнинг туёқ товуши эшитилди. «От нима қилиб юрибди? Хиёнат юз бериб, қароқчилар қўлига тушдикми?!» Икки кишининг от устида ғовур-ғувур сўзлашиб кетаётган товуши қулоғига чалинди. Бу менинг одамларим эмас. Бирор воқеа юз берган...» Тақдирга тан бериб, жимгина ётаверди. Суворийлар узоқ юришди, сўнг отлар секинлаб тўхтади. Ғовур-ғувур бошланди. Ҳалиги икки отлиқ шоҳни эҳтиётлик билан аравадан туширди. Қимдир ханжари билан қоқ оғзини тилиб юборди. Шоҳ оғзига латта ти-

қилганлигини энди пайқади. У ўзини машғала билан ёритилган қандайдир қароргоҳда кўрди.

— Ҳурматсизлик учун кечирасан, улуғ шоҳ,— деди устига қоплон териси ёпинган баланд бўйли паҳлавон йигит.

— Мен қаердаман? Ким билан сўзлашяпман ўзи? Бу босқинчилик-ку! Ахир, мен буюк Хвайрезем шоҳиман!..

— Босқинчилик сотқинлик эмас,— деди ҳалиги йигит киноя билан.

Фарасман бошини қуйи эгди. «Ҳа, мени аллақачон сотқинга чиқариб қўйишган. Ярим тунда бу ерга олиб келишларининг боиси ҳам шунда».

— Сен кимсан ўзи?

— Мен Спитамен бўламан.

Шоҳ индамай қолди.

Спитамен Фарасманга зимдан разм солди. Қаршисида Сугдиёна-нинг шимолидаги қудратли Хоразм давлатининг буюк шоҳи турарди. У соч-соқолига эндигина оқ оралаган эллик ёшлар чамасидаги елкадор одам эди.

— Искандарнинг олдига борганлигим учун ўзим ҳам хафаман,— деди Фарасман.

— Нега?— сўради Спитамен.

— Хатога йўл қўйдим. Баъзи одамлар нотўғри маслаҳат беришган экан.

— Биз шундай бўлишини билардик,— кесатди Спитамен.

— Ҳар қолда Искандар Хвайреземга юриш қилмайди. Ҳиндистонга жўнайди.

— Сен нима ваъда қилдинг унга?

— Катта бож талаб қилди. Аммо биз тўламаймиз.

— Нега?

— Бош эгиб яшагандан тик туриб ўлган яхши...

— Ақлинг кечроқ кирибди.

— Менга қара, Спитамен, ғойибдан сени ҳурмат қилиб юрардим, мана кўришиш ҳам насиб этди. Юртдошларга айт, улар сенинг гапингга ишонишади, мени кечиришсин.

— Айтишга айтаманку-я, лекин шундай оғир кунларда Искандар пойига бош уриб борганингни сугдиёналиклар, хвайреземликлар кечиришармикин.

— Хвайреземликларга ўзим айтаман. Сендан илтимосим, менинг асл мақсадимни одамларингга тушунтириб қўй.

Спитамен навкарларидан бирини чақириб, деди:

— Шоҳга от, кийим-кечак беринглар. Тонг ёришмасдан ўз жойига элтиб қўймоқ даркор.

— Раҳмат сенга. Фақат менга айт-чи, қароргоҳим ёнида абжир қўриқчи йигитларим бор эди, мени қандай қилиб бу ерга келтирдинглар?— сўради шоҳ таажжубланиб.

— Бу сир.

Спитамен кулди. Унинг навкарлари Фарасманни тонгга яқин ўз баргоҳига қўйиб келдилар. Шоҳнинг мулозимлари ҳам, лашкарлари ҳам тундаги воқеадан хабар топишмади. Сир сирлигича қолди.

## Сотқинлик

Массагетларнинг катта бир қабиласи жўйлашган қишлоқ яйдоқ жойда эди. Атроф-теварак бийдай дашт, унақа-бунақа одам топиб келолмайди. Илон изига ўхшаш фақат шу ерлик чўпон-чўлиқларга, овчиларгагина маълум. Қишлоқ чеккасида қор, ёмғирдан пайдо бўладиган кичик-кичик кўллар ерди аҳоли учун тириклик манбаи ҳисобланади. Кўлларнинг атрофини шўр босиб ётади.

«Шўркўл» деб аталиши ҳам шундан. Бу кўлларни Оксиана кўлининг «болалари» ҳам дейишади. Баланд тепага чиқиб қаралса кўл

суви қуёш нурида ойнадек ярқираб туради. Ойдин кечаларда яна ҳам мўъжизакор, яна ҳам гўзал кўринади. Кўлда турли сув қушлари: ўрдақлар, қашқалдоқлар, кеч кузда эса ғозлар галаси пайдо бўлади.

Кечга яқин кунботар томондан келган икки отлиқ Шўркўл бўйида тўхташди. Уларнинг юриш-туришлари бежо, хатти-ҳаракатларидан қандайдир жиддий ишга бел боғлаганлари билинади. Бу икки йўловчи отларини ўтлоққа қўйиб, гулхан ёқишди. Гапларидан бу ерликка ўхшамайдилар. Бири япасқидан келган, бақувват йигит. Иккинчиси қотма, узун бўйли. Овози ингичка, ўрта ёшлардаги одам.

— Сен бола, бу ёғига эҳтиёт бўл, нақ бошинг кетади-я, — деди оловга чўп ташлар экан, ҳалиги баланд бўйлиси.

— Мен-ку, ўз бурчимни бажарарман. Аммо сен... — деди япасқидан келгани.

— Менга ишонмаяпсанми? — жаҳли чиқди иккинчисининг.

— Ишонаман. Лекин бу иш жуда қалтис, билиб қолишса борми, сен билан мени ҳеч ким кечирмайди. Спитаменни ўзинг биласан...

— Агар шу ишни ўринлатсак, Спитаменнинг қаноти синади. Сугдиёна усиз қаддини тиклолмайди... Сен билан менга давлат оқиб келади.

— Бу нима деганинг?

— Бир ўқ билан икки қуён қулайди... Мен ундан қасдимни ҳам оламан.

— Унинг оиласи қаерда экан? Яна қишлоққа бегона одам борса, дарҳол билинади. Спитаменнинг ўзи шу ерда бўлса-я! — безовталанди баланд бўйлиси, мўйловини бураб.

— Билмадим. Бир фалокат юз бермасайди.

— Эй, нодон, ваҳимачи экансан, менинг ҳам юрагимга ғулғула солиб қўйдинг. Ке, қўй, хуржунни очиб, емакдан ол.

Япасқи йигит худди шу гапни кутиб тургандек ўрнидан турди-да, чеккароқдаги хуржунларнинг бирини очиб, яхна гўшт билан пишлок, қўрда пиширилган нон ва бироз мева-чева олиб келди. Икковлон ўз хаёллари билан, жимгина ўтириб, овқатланишга тушишди. Шу вақт қир томондан қўй-қўзилар подаси кўл томонга кела бошлади. Улар безовталаниб, нарсаларини йиғиштиришди.

— Отларни эгарла! — деди баланд бўйли йигит ҳовлиқиб.

— Агар отларни миниб жўнаб қолсак, улар хавфсираб, орқамиздан қувишлари мумкин. Массагетлар номусли эл, бегоналарни ёқтиришмайди, — деди япасқи йигит ҳаяжонланиб.

— Хўш, бўлмаса нима қиламиз?

— Гап бундай: биз йўловчилармиз, дам олиб ўтирибмиз. Бихрага кетяпмиз, тушундингми? — деди новча, топган тадбиридан мамнун оҳангда.

Улар яна бемалол жойларига ўтиришиб, ҳеч нарса билмагандек, дастурхондаги мева-чевалардан танаввул қилаверишди. Кўп ўтмай пода ҳам етиб келди. Ҳамма ёқни қўй-қўзиларнинг маъраши босиб кетди. Эшакдек-эшакдек келадиган иккита ит ҳам бор. Қўйлар бир-бирини суриб, сувга интиларди. Саман отда кўл бўйига етиб келган қўнғир тусли, кенг яғринли массагет ўтирганларга эътибор ҳам қилмади. Бошқа чўпонлар ҳам шундай қилишди. Улардан бири эғнидаги жандасини ечиб, отнинг ёлини ушлаб кўлга тушди-да, юз-кўзларини, баданларини юва бошлади. Япасқи йигит ҳам атайинми, ёшларга ҳаваси келдими, кийимларини ечиб, сувга тушди.

Ҳамма бир сидра чўмилиб олди. Ҳалиги кенг яғринли массагет кийиниб олғач, секин-аста юриб бегоналар ёнига келди.

— Бу ерликка ўхшамайсизлар, қаердан келдинглар? — сўради у.

— Бихрага кетяпмиз. Асли навтакаликмиз, савдо ишлари билан Хвайреземга борган эдик, — деди новча вазминлик билан.

Чўпон йигит йўловчиларни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Кейин, отларига, бир чеккага тартиб билан қўйилган анжомларга, хуржунларга қаради.

— Навтакаликман денглар? Ҳа, у ёқларда не гаплар бор?

— Нима бўларди... Искандар халқни талаб ётибди. Спитамен чўлма-чўл ёв қувиб юрибди...

Япасқи жим бўлиб қолди.

— Искандарнинг айғоқчиси бўлмаларинг тағин?— деди чўпон бирдан зийрак тортиб.

— Ия, нима деяпсан ўзинг?— Япасқининг жаҳли чиққандай бўлди. Эсинг жойидами? Наҳотки, сотқин деб ўйласанг ўз туғишганларингни?

— Ҳозирги кунда одамларга тушуниб бўлмайди, дўпписи тор келса, ўз отасини ҳам сотади...

Чўпон қўйларни кузатиб турган чўпонлардан бирини чақирди. Бошида сарик кулоҳ, чопони устидан белбоғ боғлаган, абжир йигит уларнинг ҳузурига келди.

— Айбга буюрмайсанлар,— деди кенг яғринли массагет.— Бу йигит сенларни қишлоққа олиб боради. Оқсоқолга ўзларингни таништирасанлар-да, кетаверасан.

Мусофирларнинг ранги қув ўчди. Найнов жаҳл билан бир нарса демоқчи эди, чўпонлар бошлиғи унинг гапини бўлди.

— Ҳозир ҳамма ёқда Искандарнинг айғоқчилари изғиб юрибди. Улар Спитаменни излашяпти. Сенларни шундоқ қўйиб юборишга ҳаққимиз йўқ. Қочишни хаёлларингга ҳам келтирманглар, барибир ушлаб оламиз. Унда оқибати ёмон бўлади.

Мусофирлар ноилож массагетлар қишлоғи томон юришди. Қишлоқ йўли анча узоқ бўлиб, тақир чўл бўйлаб анча юришга тўғри келарди. Қочишни мўлжаллаб кўришди. Ахир, улар икки киши, кузатувчи битта...

— Хаёлларингни бузмай юраверларинг. Билиб турибман, бир ўқ билан икковингнинг қулоғингни ёпиштириб қўймай тағин!

Чўпон осмонда учиб кетаётган зағчага ўқ отди. Зағчанинг пати тўзиб, қагиллаганча ерга қулаб тушди. Мусофирлар бир-бирларига қарашди. Улар тақдирга тан бериб, энди жимгина қишлоқ томон кетаверишди.

— Спитамен қаерда ҳозир?— талмовсираб сўради япасқи.

— Билмайман... балки Навтакада, балки Мароқандда. Эҳтимол баланд тоғ чўққисидадир...

— Шу ерда яшириниб юрганмиш... Оиласи ҳам ўзи биландир?

— Хўш, нега уни суриштириб қолдинг? Гапларингдан ҳақиқатан ҳам айғоқчига ўхшайсан.

— Нега айғоқчи деб ўйлайсан? Ундан кўра ўлдириб қўяқол.

— Ўлдириш қочмайди...

Улар массагетлар бошлиғи улуғ Сакон қароргоҳига етиб боришганда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ҳоким ёши олтмишларга бориб қолган, зуваласи пишиқ одам эди. Қароргоҳида яқинлари билан сўзлашиб, қимрон ичиб ўтирган Сакон асирларни кўриб ҳайратланди.

— Нима гап ўзи? Хўш, сенлар шундай нотинч вақтда биз томонларда нега изғиб юрибсанлар?— сўради у.

Новча қўл қовуштириб, чўпонга айтган гапларни такрорлади.

— Навтакадан бўлсанг, балки Спитаменни танирсан?

— Йўқ-йўқ, танимаймиз, — япасқи шеригидан олдин жавоб берди.

— Спитаменни чақириб келинглар!

Мусофирлар қопқонга тушган сичқондек безовталанардилар. Айниқса, новчаси типирчилаб қолди. «Спитамен шу ерда экан-да! Массагетлар орасида яшириниб юрибди, деган гаплар тўғри чиқди,— ўйларди у.— Нима қилиш керак? Бу ерларга ажал қувиб келган экан. Ҳатто Спитаменнинг бола-чақаси шу ерда. Хотини ҳам танийди. Бирор баҳона топиш лозим. Бу ерга ким юборганлигини зинҳор айтиб бўлмайди. Пакананинг асаби бўш...» У бошини қуйи солиб ўтирган япасқига қаради. Рангида қон йўқ, пешонаси гиж-гиж ажин...

Спитаменга юборилган одам қайтгач, унинг йўқлигини, бир-икки

кундан сўнг келишини айтди. Асирларга жон кириб, юзларига қон югурди.

— Қаерга кетибди? — сўради Сакон.

— Ҳа, одамлари билан саҳарлаб чиқиб кетган экан. Афтидан, ҳозир бу ердан анча узоқда бўлса керак.

— Спитамен келгунга қадар буларни ертўлага қамаб қўйинглар, — деди Сакон.

Спитамен қишлоққа уч кундан кейин қайтиб келди. Сакон уни воқеадан хабардор қилиб, ертўла-зиндонга бошлаб борди. Улар зиндон эшигини очиб, ичкарига киришганида ерда икки киши ўлиб ётарди. Бири овқат олиб кирган зиндон қоровули, иккинчиси ўша семиз айғоқчи йигит эди. Спитамен уни таниди: Равшанакка уйланмоқчи бўлган ўша япасқи Ситон... «Унинг шериги ким, қаерга қочибди? — Спитамен ҳайратдан ёқа ушлади. — Бу одам массагетлар элида нима қилиб юрибди? Наҳотки нияти бузуқ бўлса?...»

Улар қароргоҳга қайтдилар. Сакон чўпонларни йўқлатди. Улардан қотилнинг афти-анторини билиб олишлари лозим. Чўпонларнинг айтишича, қотилнинг бўйи-баста баланд, оқ юзли, чекка суяклари бўртиб чиққан, соқол-мўйлабига оқ оралаган киши. Бир қулоғида катта кумуш зираги бор. Башанг кийинган: эғнида ҳаворанг камзул, оёғида учи қайрилган қора этик, бошида сариқ кулоҳ... Гапирганида овози биров бўғиқ чиқади...

— Бу гапларинг тўғри-ю, аммо ўша одамнинг ўзига хос бирор белгиси борми, шуни айтиб беролмайсанми? — сўради Спитамен.

— Эсладим, бурнининг ўнг томонида катта сўғали бор эди.

— Бу бошқа гап...

Чўпонлар ўз йўлларига кетишди. Спитамен массагетлар юртида изғиб юрган сотқинларнинг нима истаб келганлигини биларди. Аммо улар кимнинг буйруғи билан бу томонларга келишган? Унинг жони кимга керак бўлиб қолди?.. Шуниси қоронғу эди. «Чўпонлар ҳушёрлик кўрсатишибди: икковини ҳам ушлаб, бу ерга олиб келишибди. Аммо яхши қўриқлай олишмабди. Уртада бир бечора соқчи ўлиб кетибди. Шўрликнинг бола-чақаси кўп экан...»

Спитамен марҳумнинг оиласига ачиниб, отаридан йигирмата қўй-эчки ҳадя этди. Унинг кўнгли ғаш эди. Душманга қарши жанг қилиб, дашту биёбонларда оч-наҳор кезиб чарчамайди. Аммо мана бундай сотқинларнинг ифлос ишлари билакдаги кучни қирқади, кишини заифлаштиради.

Суғд элининг паҳлавони қора ниятли айғоқчиларни ўйлади-ю, ижирғанди. Қани энди ўша иблис қўлига тушса-ю, бутидан икки ёққа йиртиб ташласа! Афсус, унинг изи йўқолган, ўзи шайтондек қайгадир яширинган. Бундай одамлар яширинишга ҳам уста бўлади, уларнинг ўз раҳнамолари, йўл-йўриқ кўрсатувчилари бор. Энди бу ердан тезда кетиш керак. Акс ҳолда бирор фалокат юз бериши мумкин. Искандар унинг боши учун бўйи бараварида тилла тиккан. Қўлга олиш учун ҳеч нарсани аямайди. Суғдиёнанинг зодагонларига бойлик, ҳатто подшоҳлик ваъда қилмоқда. Фақат Спитаменни ушлаб беришса бас.

Ахир Искандарнинг эртаю-кеч тинчлигини бузиб, ҳаётини хавф остига солаётган, аскарларини бирма-бир қириб, қасос олаётган шу Спитамен-ку! Агар Спитамен бўлмаганида, аллақачон Суғдиёнани бўйсундириб, Ҳиндистонга йўл оларди. Буни Искандар яхши билади. Унинг массагетлар юртида яшириниб юрганлиги ҳаммага маълум. Турган гап, Искандар тез орада шу томонга юриш бошлайди.

## **Жоҳилликдаги ақлсизлик**

Дионис байрами яқинлашиб қолганлиги муносабати билан катта тантанага тайёргарлик кўриларди. Искандар ерли халқлар либосини кийиб олган. Маросимга Мароқанднинг анча эътиборли кишилари таклиф этилганди. Шундай пайтда уларга таъсир ўтказиш керак-да!

Оқибат худди подшоҳ ўйлагандек бўлиб чиқди. Ҳамма йиғилган вақтда Искандарнинг миллий либосда бўлиб ташриф буюриши айрича таъсир кўрсатди, ҳатто унинг мухолифлари ҳам қарсақ чалардилар. Хоразм шоҳи Фарасман Искандар ҳузурда унга ерли халқлар либоси ярашганлигини айтиб: «бу билан хвайреземликларнинг сизга ҳурматини яна ҳам оширингиз», деган эди.

Мастлик ақл-идрокни пароканда қилади, деганларидек, ичкилик, авжга мингани сари сафсата кучайди. Искандарнинг эркаси Клит ўзини йўқотиб, атрофидагиларга тегажоглиқ қилаверди. У кимгадир овозини баландлатиб: «Қаҳрамон ота-боболаримизнинг хизматларини менсимай, ҳадеб Александрни мақтайвериш яхши эмас, одамлар оғзига тушадиган нима иш қилибди, ҳаммаси македонияликлар хизмати», деди. Даврадагилар мақтов сўзларни айтган эди, Клит яна авжга чиқди.

— Мен Граникдаги жангда Искандарни ўлимдан қутқарганман,— деди ҳаммага эшиттириб.

Мажлис аҳли Клитга қаради. У қўлини бигиз қилди-да, ўрнидан туриб, Искандарга деди:

— Мана сени қутқарган ўша қўл, Александр!

Искандар Клитнинг сўзларига чидай олмай жаҳл билан ўрнидан турмоқчи эди, ёнидагилар ушлаб қолишди. Аксига олиб, шу пайт қурбонликка аталган учта қўйни етаклаб киришди. Подшоҳ кўзига улар тўртта бўлиб кўринди. Кечаси ёмон туш кўриб, куни билан хавотирда юрганди. Энди Искандар ортиқ чидай олмади:

— Аблаҳ!— деди бақириб.

Искандар қўлига илинган олмани олиб, Клитга отди. У жаҳл билан яроқбардорларини чақирганди, негадир ҳеч ким кирмади, буйруғи бажарилмай қолди. Миясига қон қуйилгандай бўлди. «Менинг бошимга ҳам Дариевўшнинг куни тушмаса эди... Бесга ўхшаган амалпараст сотқинлар топглади...» Йўқ, йўқ кимсан Искандарман-у, Клитга ўхшаган нонкўрларга измимни бериб қўяманми?! Овора бўпти, унга кўрсатиб қўяман!»

Подшоҳнинг қаҳридан кўрққан Клитнинг ўртоқлари уни зиёфатдан олиб чиқиб кетишди. Аммо кайфи жуда ошган Клит бошқа эшикдан яна қайтиб кирди. Қўшиқчилар Искандарнинг кўнгилни чалғитиш мақсадида «ёввойи»лардан енгилган саркарда ҳақидаги ҳажвий қўшиқни куйлашмоқда эди. Шу пайт Клитнинг овози эшитилди:

— «ёввойи»лар ва душманларимиз олдида македонияликларни ҳақорат қилиш яхши эмас... Александр ўз отаси Филиппни эсдан чиқариб, Амоннинг ўғлиман деб ҳовлиқиб юрибди!

Клит қуюшқондан чиқиб кетди. Кайф устида оғзидан боди кириб, шоди чиқаётганини билмасди. Искандар ортиқча чидаб туролмади. У ўзини қўриқлаб турган соқчиси қўлидаги найзани олди-да, худди ўз ўлжасига ташланган овчидек Клитга санчди. Клит қўлини мушт қилиб, Искандарга нимадир демоқчи бўлди-ю, оғзидан қон келиб, гурсиллаганча йиқилди.

Сарой қий-чувга тўлди. Македониялик буюк Искандар мастлик вақтида ўзининг энг яқин кишини ўлдирди. Энди у элига қайтиб борганида Клитнинг опасига, унга надек бўлиб қолган тарбиячисига нима дейди?! Опасининг икки ўғли Милет ёнидаги жангда Искандар учун жон берганди... Бундан ҳам оғир фожа бўлиши мумкинми? Бу мудҳиш базм кечасида мароқандлик аслзодалар қатнашмоқда. Улар нима деб ўйлашади?..

Искандар ўз қилмишидан қийин аҳволга тушди. У оғир изтиробда Клитнинг кўкрагидаги найзани суғуриб олиб, ўз кўкрагига санчмоқчи эди, соқчилари бунга йўл қўйишмади. Подшоҳ ўзини ерга ташлади-да, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади:

— Нима қилиб қўйдим? Ахир бу шармандалик-ку! Бу дунёда яшагандан ўлганим яхши, мени ҳам Клит ёнига юборинглар!..



У эрталабга яқин йиғидан тўхтади. Ранг-рўйи заъфарон, уйқу-сизликдан кўзлари қизариб кетган. Бундай руҳий тушқунликка ҳеч қачон учрамаганди. Кечаги бадмастликда рўй берган аянчли фожиадан кейин ҳамма ундан узоқроқ юришга ҳаракат қиларди...

Искандар Клитни сўради. Мулозимлар қонга бўялиб ётган жасадни келтиришди. Подшоҳ тиз чўкиб, юрагидаги дарду аламларини тўкиб сола бошлади:

— Мана мен, сенинг қотилинг! Ҳа, ҳа, неча бор мени ўлимдан қутқариб қолган сен эдинг-а!.. Опанг тарбиячим эди... Энди юртимга нима деб бораман? Қани Клит, деб сўрасалар, нима деб жавоб бераман?

Искандар қайғу алам ичида ётоқхонасига кириб кетди-ю, уч кунгача қайтиб чиқмади. Ҳа, инсон боласи шон-шараф чўққисига гоҳо босар-тусарини билмай қолади, ўзига яхшилик қилган, тарбиялаган меҳрибон кишиларини унутади. Аммо ҳаёт инсон иродасига бўйсунмайди, вақт-соати келиб унинг кўзини очиб қўяди. Жоҳиллик, мудҳиш ақлсизлик рўй берди. Энди подшоҳ ўз ёғига ўзи қоврилиб ётибди. Бундай пайтда шоҳми, гадоми изтироб чекади. Кимнинг кўнглини оғритди, босар-тусарини билмай қолганлигининг сабаблари нимада, хуллас, ана шулар ҳақида узоқ ўйлаб, ўзича мулоҳаза юритади.

Бақтрия, Суғдиёна тупроғи ғолиб Искандарга оғир келди. Кўнгилсизликлар устига кўнглисизлик. Қанча-қанча мард жангчилари дашту биёбонларда йиртқичларга ем бўлди, оғир жангларда ўлди. Менедемдек бир қанча атоқли саркардалари шу тупроқда ажал топди. Усрушон тоғлари-ю, Кирёсахта остоналарида халқ қасосчилари қўлида жон берганлар озми? Ҳақиқатан ҳам Турон замини Искандар учун оғирлик қилди: ўзи икки марта яраланди, оғир касалга чалинди, асаблари қақшайдиган бўлиб қолди. Клитни ўлдирганлиги ҳам шундан.

Суғдиёнанинг одамларига паст назар билан қараш — македонияликларга одат. Дарёнинг нариги томонидан келган скиф элчисининг сўзлари... Мароқандга тантанавор кириб борганида Дарийёдан эшитган дунёвий мулоҳазалар, овчиси Аспатнинг гаплари ҳамон ёдида. Спитаменнинг ҳарбий маҳоратига тан бермаслик мумкинми?! Урмонда ўзига ташланган турон йўлбарсини эслади. Агар ўшанда хатога йўл қўйса йиртқич уни ғажиб ташларди...

Ҳа, бу уруш Искандар учун оддий уруш эмас, асаб уруши. Ҳозир у ўзини оғир яраланган, безовталанаётган йиртқичга ўхшатди. Қўлларида куч, белида қувват йўқ. Туронга келиб унинг жаҳонга ҳокимлик ҳақидаги орзулари барбод бўлаётгандек...

Искандар ётоғида мук тушиб, эшикка чиқмай мотам тутди. Энг яқинларининг ҳам унинг ёнига киришга юраклари дов бермасди. Бундай аҳвол қачонгача давом этиши мумкин? Бутун Суғдиёна олов ичида. Забт этилган шаҳарлар, қишлоқларда кетма-кет кўзғолон кўтарилаётганлиги ҳақида хабарлар келмоқда. Спитамен юнон-македонларнинг қалъаларига ҳужум қилиб, қақшатмоқда. Искандар мотам тутиб ётаверса охири нима бўлади?!

Оқсоқоллар, саркардалар Искандарнинг ёнига бирорта гапга уста, мушоҳадали одамни киритишга қарор қилишди. Искандарнинг файласуфи Анаксархни киритишса-чи?! У гапга чечан, бунинг устига подшоҳ ҳурмат қилади. Бу фикр ҳаммага маъқул тушди.

Анаксарх оёғининг учида кириб, астагина Искандарнинг ёнига ўтирди-да, унинг бошига қўлини қўйди. Подшоҳнинг кўнгли бўшашиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Улўғ шоҳ, қўй энди, бутун эл-юртларнинг буюк ҳукмдорисану, ўз иродангни идора эта олмасанг, яхши эмас... Бўлар иш бўлди, йиғлаганинг билан Клитни тирилтиромайсан.

— Қани энди тирилтириб бўлса...

— Айб Клитнинг ўзида, — деди Анаксарх жиддий. — Саройдагиларнинг ҳаммаси шундай фикрда...

Анаксархнинг инсоний қонун-қоидаларга риоя қилиш, адолатли бўлиш кераклиги ҳақидаги насихатомуз гаплари Искандарга маъқул келди. У ўрнидан туриб ўтирди.

— Подшоҳим, — мурожаат қилди Анаксарх. — Қанчадан қанча юртларни забт этаётибсан. Фақат шухрат учунми? Йўқ, уни идора этмоқ учун, ҳукмдорлик қилмоқ учун! Шуни унутма...

Файласуф чиқиб кетди. Бироз ўтгач Каллисфен ташриф буюрди. Искандар тарихчисининг ҳам мулоҳазаларини жимгина эшитди.

Мароқанддаги зиёфат вақтида рўй берган фожиа асосида Искандарнинг Шарқдаги сиёсатига қарши гуруҳнинг манфаатлари ётарди. «Филипп гвардияси»га мансуб македонияликлар подшоҳнинг «ёввойилар» юртида олиб бораётган тартибларини маъқулламадилар. Улар «қулларни билимли ва озод эллинлар билан тенглаштириб бўлмайди, шарқликлар тўлақонли халқлар эмас», деган қоидага амал қилардилар. Олинфалиқ Каллисфен ана шу оқимнинг асосий раҳнаомларидан бири эди.

Бир зиёфат вақтида шундай воқеа юз берди. Искандар олтин товоққа шароб тўлдириб, ўзи ҳўплади-а, кейин атрофидаги саркардаларига узатди. Барча зиёфат иштирокчилари майдан битта-битта ҳўплаб, Искандарнинг қўлини ўпиб, таъзим бажо келтирдилар. Ушанда Каллисфен таъзим қилишдан бош тортди. Подшоҳ ҳам унинг ўпишига рухсат бермади.

Шунда зиёфатдагилар:

— Каллисфен, сен бу ишинг билан кўп нарса йўқотдинг, — деб унга ҳазил қилишди.

— Кўп нарса эмас, фақат биттагина ўпиш йўқотдим, — деди кулиб Каллисфен.

Искандар кўп ўтмай овга чиқди. Кўпинча бундай вақтларда подшоҳ овга ўзининг ҳамма яқинларини таклиф ётарди. Бир овда тўнғиз подшоҳга ташланиб қолганда, Гермолай деган шахсий соқчиси найза санчиб махлуқни ўлдирди. Шунда Искандар ғазабланиб, соқчини яланғоч қилиб, қамчилашни буюрди. Ҳақоратланган Гермолай атрофига тенгдош ёшларни йиғиб, подшоҳга қарши суиқасд уюштирмоқчи бўлди. Суиқасд тайёрланган ўша кечада Искандар ичкиликбозлик қилган, тонгда ўлдиришлари керак бўлган соқчилар алмаштирилиб, режа амалга ошмай қолганди. Бу хабар Птолемей Лагнинг қулоғига етади. Шундан кейин суиқасд қатнашчиларининг ҳаммаси қатл этилади.

Мароқанддаги базм вақтида рўй берган қонли фожиа бундай қараганда бадмаслик оқибати, «жаҳл чиққанда ақл кетади» қабилидаги ишдек кўринди. Аммо кейинги воқеалар Искандарнинг қонли юришлари барчанинг жонига текканлигидан далолат беради.

## **Бирлашиш керак**

328 йил... Куз. Эрталабдан бошланган қора совуқ юпун кийинган, қорни тўйиб овқат емаган болалару аёлларни, айниқса, ярадорларни қаттиқ азобга қўйди. Ёз бўйи тандирдек қизиб ётган қум барханлари энди музга айланган. Аҳён-аҳён «эшак ўлдирадиган офтоб» кўриниб қолади. Бундай кезларда чўлда яшаш жуда оғир. Дарбадарлик, оёқ остидан чиқиб турадиган хавф-хатар одамларнинг тинқасини қуритган. Турли эл-элатларга мансуб халқлар биргалашиб юнон-македонияликларга қарши курашардилар-у, гоҳ қийинчиликлар жон-жонларидан ўтиб кетганида ўрталарида низо келиб чиқарди. Спитамен ўзининг ирода кучи билан ана шу турли тил, урф-одатга эга халқларнинг бошини қовуштириб турар, баъзан жисмоний бақувватлиги ҳам унга қўл келарди. Аёллар, қариялар, болалар қасоскорлар билан чўлма-чўл юрибди. Баъзан уларни ташлаб кетишга тўғри келади. Шунда ҳам улар нолишмайди. Узининг хотини Одатида-чи?! Уғиллари-чи?! Одам темир эмас... Қиличини қайраб қиш келяпти. Қишли-

қировли кунларда яшаш қийин. Чорвага ем-хашак етишмайди. Майда болалар, қариялар, аёлларнинг аҳволи аянчли — уларнинг иссиқ кийим-кечаги йўқ. Сугдиёна қишига македонияликлар ҳам чидаш беролмасалар керак. Аммо босқинчи боқинчилигини қилады. Кийим-кечакка ярагулик терилар, қундузлар тортиб олинган.

Сахро чеккасидаги сайхонлик иссиқ уйлари ташлаб чиққанлар учун макон. Бу ерда мардлар ҳам, номардлар ҳам бор. Сахрода саксовул кўп. Бу ерларда жонга оро кираётган нарса ҳам шу. Куну тун гулхан ўчмайди. Овқат ҳам, кийим-бош ҳам, ибодат ҳам шу гулханлар. Гулхан атрофи гавжум. Бабах ҳеч кимга сўз бермайди, оғзига келганини валдирайди.

— Сугдиёна, Бақтрия бошига тушган бунчалик оғир кулфатлар, қирғинларга Спитамен айбдор!

— Оғзингга қараб гапир, нима деб вайсаяпсан? — деди массагет жангчиси.

— Э, нодон, ҳақ гапни айтаётибман. Ўзимизни хавф-хатарга солиб нима қиламиз? Яхшиси Искандарга бўйсун-да, уйингда тинч ётиб ухла! Спитамен эртаю-кеч урушни ўйлайди. Ахир Искандарга тенг келиб бўладими?

Баъзилар Бабахнинг гапларини маъқуллашарди Шу вақтгача бир чеккада жимгина ўтирган Улиб тўнғиллади:

— Қанча одамлар ўлиб кетди. Шаҳарлару қишлоқлар вайрон. Нега бунга йўл қўйдик? Келишиб қўя қолсак бўларди-ку!

Ҳамма ялт этиб Уабга қаради. У Бабах айтган гапларни бошқачасига такрорламоқда эди.

— Искандар Спитаменни қидириб юрибди. Уни қўлга олса, ўша куни уруш тўхтади...

— Ҳаддингдан ошма, бола, каллангни олмадек узиб ташлайман, — деди бақувватдан келган, бир қулоғига катта кумуш балдоқ таққан сермўйлов бақтриялик жангчи.

— Узоқол, ўзи ҳам оғирлик қиляпти. Барибир, сен олмасанг, Искандарнинг одамлари узиб ташлайди. Бу аҳволда барибир ҳаммамиз қирилиб кетамиз.

— Иғвогар!.. Балки Искандар одамлари сени сотиб олгандир-а?

— Мени сотқин, иғвогар деявер. Лекин сен-чи, ўтакетган аҳмоқ экансан. Искандар ким-у, Спитамен ким? Шуни биласанми?!

— Спитамен чўл қоплони. Искандар ундан қўрқади. Шунинг учун сенга ўхшаган сотқинларни ёллаб, паҳлавонимизни ўлдирмоқчи.

— Қоплон экан, нега қочиб юрибди? Ана катта майдон, чиқиб Искандар билан юзма-юз курашсин, — деди Бабах.

— Искандар кучли, Спитамен ундан енгиледи, — деди Уаб.

Бақтрияликнинг жаҳли чиқиб, гулхан ёнидан турди-да, Уабнинг лунжига туширди.

Кўплашиб, икковини ажратиб қўйишди.

— Нега индамайсизлар, ахир. Спитамен бизнинг фахримиз, йўлбошчимиз-ку! Бу аблаҳлар нима дейишяпти ўзи?

— Ушлаш керак уларни!

Бақтриялик қиличини суғуриш билан Уаб чап бериб, яқинида турган йўргасига минди-да, қамчи босди. Бабах ҳам бир пасда кўздан ғойиб бўлиб қолди.

— Ким танийди уларни? — сўради ҳалиги бақтриялик.

— Биз танимаймиз, — дейишди массагетлар.

Ҳамма яна гулхан чеккасига чўккалади.

Кечга томон Спитаменнинг қароргоҳига барча қўшин бошлиқлари тўпланишди. Қиш келяпти. Курашни қандай йўл билан давом эттирмоқ керак? Шу ҳақда ўзаро маслаҳатлашиб олиш, бир қарорга келиш лозим.

Спитаменнинг қарори қатъий, уни бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди. У бутун кучни бир марказга бирлаштириб, душманга қарши тинимсиз курашмоқчи. Лекин қабила бошлиқларининг айримлари

қийинчиликлар олдида эсанкираб, ўз ҳаётларию оилаларини ўйлаб қолишган. Сугдиёнанинг эътиборли кишиларидан бири Оксиартнинг иккиланиши Спитаменни, бошқа қабила бошлиқларини ҳайратга солди. Оксиарт ўз оиласи, бола-чақаларини ўртага қўйиб жанг қилиш ноҳақ қон тўкилишига олиб келишини тушунтира кетди.

— Искандар бош эгиб борганларни кечиради. Ҳозирги аҳволда ҳаммамиз ҳалок бўлишимиз мумкин. Хвайрезем шоҳи Фарасман Искандардан иззат-хурмат топди. Ахир подшоҳ уни ўлдирмади-ку! Бизлар ҳам Искандар ҳузурига бош эгиб борсак, чакки бўлмас, — деди Оксиарт ўтирганларга мурожаат қилиб.

Қаттиқ жангларда ёнма-ён туриб, манфур душманга қарши мардонавор курашган қуролдошининг иккиланишлари Спитаменга қаттиқ таъсир этди. Бунинг устига Оксиартнинг беқарорлиги бошқа қабила бошлиқларининг ҳам кайфиятига таъсир этмасдан қолмасди. Зарафшон бўйларида, Мароқанд остоналарида, скиф дашти жангларида ўзини кўрсатган саркардалардан бири Оксиарт эди-ку! Нега бирдан айнаб қолди? Унга ким таъсир кўрсатмоқда?.. Искандарнинг ўртага эътиборли кишиларни қўйиб, катта ваъдалар билан одамларни ўзи томонига оғдириб олаётганлиги Спитаменга маълум. Оксиартга унинг иззат-ҳурмати беқиёс эди.

— Ҳурматли Оксиарт, ўзинг бир ўйлаб кўр, минг-минглаб ватандошларимиз, қавму қариндошларимизни қириб ташлаган подшоҳга бош эгиб борамизми?! Агар шундай сотқинлик қилсак, улар гўрларида тик турмайдими?! — Спитамен дўстларининг, сафдошларининг кўзларига тик қараганча жим қолди.

— Гапларинг тўғри, — деди Оксиарт чайналиб. — Аммо менинг ҳам оилам, фарзандларим бор. Начора...

— Маслаҳатли иш бузилмайди, — деди шу вақтга қадар жим ўтирган Хориен. — Ҳар қолда Оксиартнинг сўзларига бироз эътибор қилсак янглишмаймиз. Улганлар ўлиб кетди, энди бу ёқдагилар омон бўлсин. Ҳаммамиз қирилиб кетгандан кўра, ақл-фаросат билан иш тутайлик.

— Ҳали сен ҳам шу фикрдамисан? Нималар бўлаяпти ўзи?! — деди Спитамен.

Оксиарт ҳам, уни қувватлаган Хориен ҳам жим турардилар.

— Азаматларим, ишонган тоғларим шундай деб турса, энди мен кимга суянай?! Кимга бориб арзи-додимни айтай?! Билакларингдан куч кетиб, қиличнинг ўтмаслашиб қолдими, Хориен? Ахир македонияликларнинг адабини берган, жанг майдонида улар сафига қўрқув солган сен эмасмидинг?! Еки Оксиарт йўлдан урдими сени? Совуқ чўлда бизга умид билан кўз тикиб ётганларга нима деймиз? Бекорга қон тўқдингиз, Искандарга сажда қилайлик, деб айтаемизми? Шундай десак тўғри бўладими?!

Спитаменнинг сўзларига ҳеч ким жавоб бермади. Кенгаш қатнашчилари бирон битимга келмасдан тарқалдилар. Асаби қақшаган Спитамен жунжикиб, устига туя терисидан қилинган пўстинни ташлади-да, ёнбошлади. У энди ўз ҳаёти ҳақида, оиласи ҳақида ўйларди. «Яшаш қийин... Бу аҳволда қандай қилиб душманни муқаддас тупроқдан қувиб чиқариш мумкин? Ҳамжиҳатлик бўлмаса ҳамма ишлар чаппасига кетади. Шунча вақт бекорга қон тўккан эканмиз-да! Тупроғим, эл-улусим дейдиган борки, шу кунларда фақат бишлашиш керак!..»

## Бўрилар

Ой кўтарилиб, ҳаммаёқ ёришди. Ойдинда қора тулпор яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Устидаги қоплан териси ёпинган чавандоз-чи?! У отининг жилловини қўйиб юборган. Кутилмаганда от кишнаб, тўсатдан тўхтаб қолди. Хаёл суриб кетаётган суворий, нима

бўлди, дегандек атрофга қаради ва барханлар устида қорайиб турган бўрилар тўдасига кўзи тушди. «Сенлар бормидинг мени таъқиб этмаган...» Бўриларнинг қанчалигин билиб бўлмасди. Чавандоз ўқдонини сийпалаб қўйди-да, хотиржам ўз йўлига кетаверди. Бўрилар ҳам унинг изидан борарди. Отлиқ орқасига қайрилиб қараб, ўнг томондан унга яқинлашиб келаётган бўрига камондан ўқ узди. Вангиллаган овоз ҳамма ёқни тутди.

Суворий отига яна қамчи босди. Бўрилар яна қувишни давом этдиришди. Уқ-ёйдан отилган иккинчи ўқ яна бир бўрини ер тишлатди. Энди бўрилар отнинг икки томонидан кела бошлади. Бири узангига яқинлашганида от тепкисига учради. Иккинчиси эса мохир мерганнинг ўқидан чархпалак бўлиб ағдарилди. Хуллас, шу алпозда чавандоз кетма-кет яна уч бўрини сулайтирди. Бўрилар орқада қола бошлади.

Ой яна булутлар орасига кирган, ҳеч нарсани илғаб бўлмасди. Суворий энди шошилмасдан борарди. «Одамлар ҳам сендек вафодор бўлганида эди... сендек вафодор бўлганида эди, Қорасочим!.. Бўрилар... Бўри табиатли инсонлар бор бу дунёда. Искандар-чи? Унинг одамлари-чи? Худди шу оч бўрилардек менинг изимга тушганлар...»

Суворий алам билан отига қамчи босди. Қорасоч шамолдек елиб кетди. Барханлар тугаб, узоқда тоғ тизмаларига туташ Хориен қалъаси кўринди. Оксиарт ўз оиласи билан шу қалъада жон сақламоқда. Отлиқ қалъага яқинлашгач, бирорта одам кўриб қолмасин, деган хаёлда тезоқар дарё ёқалаб борди-да, дарахтзор ичига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Кўп ўтмай, қалъа томондан келган отлиқ ҳам дарахтзор ичига кириб кетди. Қанча дақиқа, қанча вақт ўтганлиги номаълум. Севишганлар муҳаббат оғушида дунё ташвишларини унутишган бўлса ажаб эмас. Зеро, севгидек буюк туйғу ҳаммага насиб этавермайди.

Фақат ой узлатга чекиниб, ғира-шира тонг ёриша бошлаганида иккала отлиқ дарахтзор ичидан чиқишди. Тонгнинг хира ёруғида уларнинг кимлигини англаб бўлмасди. Тиниқ мардонавор овоз эшитилди:

— Азизам, Равшанак, яхши қол. Энди...

— Тўхта, кетма!.. Йўқ, сени ҳеч қаерга юбормайман.

— Бўлди, жоним... Айтгандай, ўқларингни менга бер, кечаси йўлда ўқим тугади.

Қиз ўқларини олиб, Спитаменга берди.

— Негадир сендан ажралгим келмаяпти... Жонгинам, Спанта, яна бироз тур!..

— Келаси ҳафтанинг шу куни келаман.

— Интизорлик билан кутаман. Утинаман, ўзингга эҳтиёт бўл. Дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ: Тушундингми, ҳеч кимим йўқ!..

— Биладан. Сени севаман...

— Отамдан ёрдам кутма. У қалъага кириб ётиб олди. Урушмасмиш. Улар Искандарнинг ёнига узр сўраб боришмоқчи.

— Отанг... Афсус...

Отлиқларнинг бири чўлга, иккинчиси қалъа томонга бурилди. Шу вақт тоғ қизариб, қуёш кўрина бошлади. «Равшанакнинг отаси қилич-қалқонини йиғиштирибди — душманга сотилибди. Бу қандай аянчли, оғир кулфат. Оксиарт-чи? Унинг қўлида аскарлар бор. Энди улар урушга киришмайди. Ҳаммалари Искандар томонига ўтиб кетса, унда нима бўлади? Ичингдан чиққан душмандан хавfli душман йўқ. У бутун сир-асрорингни билади...» Лекин уруш кимнинг жонига тегмайди? Спитаменнинг ёнида жанг қилаётган одамлар ҳам анча чарчаб қолишган. Ҳаммасининг оиласи, чорваси бор...

Олдида бепоён, унсиз чўл. Асаби қақшаган Спитамен от устида мизғий бошлади. У шу кўйи қуёш ҳамма ёққа ёйилиб кетганида ўз қароргоҳига етиб келди. Одатда чурқ этмади. Нима ҳам десин? Ахир қалбининг яккаю ягона ҳукмдори шу-ку! Бутун Суғдиёна элининг ғам-ғуссаси унинг бошида. Гоҳо ўзига таскин берган бўлади: «Майли,

бошқани деса ҳам... Барибир уни яхши кўраман...» Аммо шундай бўлса ҳам аёллик ғурури... Юрагининг аллақарига рашк, адоват ўти туташган... Унинг юраги эрининг муносабатларидан, кўз қарашларидан ҳамма нарсани сезади. Лекин лом-мим демайди, ўз этини ўзи ейди.

Хизматкор яхна гўшт, пишлоқ, нон, қаймоқ келтириб қўйди. Одатда кўзадаги қимиздан косага қуйиб, эрига узатди.

— Азизим Спанта, жуда чарчаган кўринасан, овқатланиб ол, кейин бироз ором оласан.

Спитамен индамади. Очиққанлиги рост. Косадаги қимизни шимириб, нонуштани шошиб-пишиб танаввул қилди. Одатда бир чеккада қунишибгина ўтириб, эрининг овқатланишига меҳр билан тикиларди. Спитамен нонушта қилиб бўлгач, беихтиёр чўнтагидан яшил рўмолча чиқарди-да, юз-кўзларини артди. Одатиданинг унга кўзи тушдию ичи ёниб кетди. «Бунақа чиройли рўмолчани қаердан олибди?...» Дастурхонни наридан-бери йиғиштириб, шошилганча хонадан чиқди. Шу вақт Датафарн кирди:

— Анави сотқинни кўлга туширдик.

— Қайси? — сўради Спитамен.

— Нонкўр Бабах-чи, Ситон билан биргалашиб сенинг жонингга қасд қилмоқчи бўлган.

— Зиндонда ўз шеригини ўлдириб кетган ўша эканми?

— Ўша. Аммо раҳнамоларини айтмаяпти.

— Яхшилаб жазолаш керак...

Датафарн мулозимларига қаердан бўлса ҳам бир неча юз қовоғари тутиб келишни буюрди. Куз ойларида қовоғарилар айниқса заҳарли бўлади. Улар яқиндаги чорбоққа боришиб, қовоғари тутиб келишди. Ҳамманинг кўнглида «қандай жазо берилар экан?» деган хаёл. Жазони ўйлаб топган Датафарн бу ишларга бош-қош. Спитамен ва унинг сафдошлари қароргоҳ олдига чиқишди. Ертўладан Бабахни олиб келдилар. Унинг кўзлари ичига тушиб, ранги сарғайиб кетганди. Спитамен башарасига тик қаради: массагет чўпон айтганидек Бабахнинг бурни ёнида катта сўғали бор экан.

— Хўш, айт-чи, менинг жоним сенга нега зарур бўлиб қолди? Болаларимни ўлдирмоқчи бўлиб келдинг?!

Бабах индамас, тили калимага келмасди. Уни ечинтириб, қопга солишди. Ҳамма ҳайрон. Болалар чапак чалиб юборишди. Йиғилганлардан бирортаси ҳам унга қандай жазо берилишини билишмасди. Шу пайт Спитамен йиғилганларга мурожаат қилди:

— Ўз элига, халқига хиёнат қилган одамнинг жазоси нима?

— Ўлим! Ўлим!.. — ҳайқиришди йиғилганлар.

Мулозим тўрвадаги қовоғариларни қоп ичига қуйиб юборди-да, чилвир билан оғзини боғлади.

Бабах қандайдир даҳшат билан бақирди. Сўнг, қоп аралаш дам у ёққа, дам бу ёққа юмалай бошлади. Кўп ўтмай жим бўлиб қолди. Мулозим пичоқ билан қопни ёриб юборди. Бабах шишиб, таниб бўлмас даражага келган, қип-қизил қонга бўялиб ётарди.

— Хоиннинг жазоси шу! — деди кимдир.

Ҳамма тарқалди.

## *Сўнгги жанг*

Емғир бир неча кундан бери тинимсиз қуймоқда. Ҳаммаёқни нам босиб, чодирлардан, капалардан чакка ўтиб кетган. Спитамен ўз оиласи билан Суғдиёнанинг шимолий қисмида, массагетлар орасида яшири-ниб юарди. Лашкарлари чўл чеккасидаги қишлоқда юнон-македон қўшинларига қўққисдан зарба бериш учун қулай фурсат пойлаб ётарди. Массагетлар бошлиғи, Спитаменнинг кадрдонлари ўзининг энг яхши оқ теридан қилинган баргоҳини куёвига тикиб берган. Одатда ўз ўғиллари билан шу ерда яшайди.

Ҳавонинг бундай ноқулай келиши туфайлими, Спитамен юборган айғоқчилардан мана бир ҳафтадан бери хабар йўқ. Дариёд ҳам бедарак кетди. Кечга томон яна ёмғир кучайди. Кеч кузлигига қарамай, момақалдироқ бўлиб, осмонда чақмоқ чақнарди. Бу яхшилик белгиси эмас... Одатида юмшоқ пўстинга ўралганча гулхан чеккасида ўтирарди. Икки ўғли пиш-пиш ухламоқда. Олти ёшли кенжаси Раму онасига суяниб ўтириб олганча олов ўйнайди. Спитаменнинг изига тушган душманлар кўп. Демак, оиласининг ҳаёти ҳам хавф остида. Неча марта Одатидага баъзи дўстлари: «Эрингга айт, болаларингни бебахт қилмасин, Искандар ҳузурига паноҳ сўраб борсин» деб маслаҳат беришди. Аммо эрининг феълени билган, бир-икки бор панд еган Одатида Спитаменга оғиз очмади. Азбаройи алам ўтган пайтларда кўзёш қилиб оларди.

— Эна, нега йийлайсиз? — сўради кенжа ўғли Раму.

— Йиғлаётганим йўқ, кўзим оғрияпти... — деди Одатида ўғлини бағрига босиб.

Ташқарида одамларнинг шовқин-сурони эшитилди.

— Шошаяпман, мен саркардага учрашим керак ахир!

Дариёд Спитамен қароргоҳига кириб, ўтган гапларни бирма-бир сўзлаб берди. Юборилган айғоқчилар македонияликлар қўлига тушиб қолибди. Улар ўлимларига рози бўлишибди-ю, ҳеч нарса дейишмабди... Дариёдни сўзларига қараганда, Искандар қароргоҳида ҳам нотинчлик, ҳатто ўзининг энг яқин кишиси Клитни найза санчиб ўлдирган.

— Шундай дегин?.. Ҳали ўз одамларини ҳам ўлдирмоқдами-а? Клит Искандарнинг энг яқини эди. Клитнинг опасими, онасими подшоҳнинг тарбиячиси бўлган деб эшитгандим. Подшоҳ ҳаддидан ошибди... — деди Спитамен.

— Эшитишимга қараганда, Искандар сени массагетлар элида яшириниб юрганингдан хабар топган. Қўлга тушириш ҳақида Кратерга топшириқ берган. Яқин кунларда шу томонларга юриш бошласа ажабмас.

Спитамен бироз ўйланиб турди-да, кейин Дариёдга ўгирилиб деди:

— Майли, келаверсин. Уларнинг адабини шундай берайликки, сичқоннинг ини минг танга бўлсин!

— Уйлаб кўр, одамларимизнинг кайфияти яхши эмас. Баъзи бир ифвогарлар ҳар хил гапларни тарқатиб юрибди. Айрим эътиборли кишилар ҳам Искандарга бўйсунмоқчи.

— Виламан, ҳаммасидан хабардорман. Оксидарт ҳам сотилди. Инига кириб кетган тулкидек қалъада ётибди. Майли, ўзимиз уларсиз курашаверамиз. Спитамен ҳали ўлгани йўқ. Бир томчи қоним қолгунча Искандарга тинчлик бермайман. Биз шу бугун ҳужумга тайёргарлик кўрамиз. Жаҳонни забт этмоқчи бўлганларнинг ҳолига вой деявер...

— Балли, ўғлим. Тожу тахт кимга вафо қилибди дейсан. Оламини титратган Дариёвуш қайда? Бесс-чи? Хор-зорликда ўлиб кетди. Улигини ҳам гўридан ўғирлаб кетишибди.

— Не учун? — ажабланди Спитамен.

— Дариёвуш ўлдирилганда унинг узугини Бесс олган экан.

— Ҳа, тоғлик Камак бу гапни менга айтиб берганди...

Спитамен қароргоҳида туни билан жангга тайёргарлик кўрилди. Қўшин бошлиқлари билан кўп масалалар ҳақида келишиб олинди-да, эрта тонгда йўлга чиқилди. Спитамен массагетлар ҳукмронлигидаги ерлардан ўтиб, суғд чегарасидаги Бага деган жойга етиб борди. У ерда уч мингга яқин скиф отлиқлари айш-ишрат билан машғул эди. Яхши қурулланмаган. Бунинг устига отлари ҳолдан тойган, юпун кийинишган. Қиладиган машғулотларининг ҳам тайини йўқ. Скифлар Спитаменга эътибор ҳам қилишмади. Уч минг суворий... Бу жуда катта куч! Спитамен уларга мурожаат қилди:

— Сиз, эй бошпанасиз, таланган йўқсиллар, хўш, бу ерда нима қилиб ётибсиз?

— Биз скифлармиз,— жавоб қилди кимдир бепарво.— Ўзинг кимсан?

— Мен Спитамен. Балки танирсиз?

— Эшитганмиз, биламиз...— дейишди бараварига.

— Хўш, менга қаранглар! Жаҳлларинг чиқмасин-ку, нега бу ерда ботқоққа тушган қурбақадай вақиллашиб ётибсизлар?— ҳазил аралаш сўради Спитамен.

Ҳамма бараварига кулиб юборди.

— Ёмғир деганинг ҳамма ерни ботқоққа айлантириб юборди. Ботқоқ бўлгач, қурбақа ҳам бўлади-да!— деди кимдир.

Яна кулги кўтарилди.

— Кулги кулги билан,— деди Спитамен.— Кўп кулгининг йиғиси ҳам бўлади... Менга айтинглари-чи, саркардаларинг ким?

— Мен,— қотмадан келган, чакаклари ич-ичига ботган, белига узун қилич тақиб олган йигит олдинга чиқди.

— Исминг нима?

— Хипа.

— Айт-чи, Хипа, аскарларинг тухум босаяптими? Нега қуролларингни ишлатмай, занглатиб қўйдиларинг? Искандар қўшинлари ерларимизни талаб, одамларимизни қирмоқда. Сенлар бўлса... Бу қанақаси?!.

Скифлар бошлиғи индамади.

— Гап бундай,— деди Спитамен сўзида давом этиб.— Кратер бу ёққа келяпти. Искандарнинг ўзи ҳам шу томонларга келади деган хабарлар бор. Биз бир жойда моғор босиб ўтираверсак, улар ҳаммамизни қириб ташлайди. Ундан кўра жанг қилиб, мардонавор ўлган яхши эмасми?.. Хўш, бунга нима дейсизлар?

Бер неча ойдан бери бирор фойдали иш билан шуғулланмаган, эли, бошпанасидан айрилган бечораларга жон битгандай бўлди. Улар паҳлавон йигитни олқишлаганча бақаришди:

— Спитамен, биз сен билан жанг қилишга розимиз!

— Раҳмат, унда отланинг, кетдик!

Ҳамма қилич, қалқонларини кўтариб, ўрнидан турди.

— Сизларга саркарда қилиб паҳлавон Хамукни тайинлайман,— деди Спитамен.— Хипа Хамукнинг ёрдамчиси бўлади.

— Жуда яхши, розимиз,— маъқуллашди скифлар.

Спитамен йўлни назорат қилиш учун айгоқчиларини юборди. Кейин қабила бошлиқларини чақириб, ўзаро маслаҳатлашди. Уч мингга яқин скиф суворийлари алоҳида бўлинмаларга ажратилиб, уларга жасур йигитлардан бошлиқлар тайинланди. Уқ-ёй отувчилар, найза санчувчилар, оғир қуроллар билан таъминланган жангчилар сараланди. Гурзи — амуд кўтариб олган паҳлавонлар қўшинларнинг орқа қисмларига жойлаштирилди. Уларга Зўртош бошлиқ қилиб белгиланди.

Айгоқчилар қайтиб келишди. Улар ўттиз-қирқ чақиримча нарида македон қўшинлари келаётганлигини маълум қилишди. Етти мингга яқин отлиқ яна кўнгилли пиёдалар... Спитамен сафдошлари билан баландликка кўтарилди.

— Энг муҳими,— деди саркарда.— Душманга яшиндек ташланмоғу шамолдек чекинмоқ!..

Спитамен Бесс билан дарёнинг нариги томонида жанг қилганида Искандар қўшинларини қай тартибда жойланишини, кўпроқ енгил суворийлардан фойдаланишини; пиёдалар, найза ирғитувчилар, палаҳмон отувчиларнинг жанг қилишини ўрганиб олганди. Ҳозир душманга қарши юзма-юз курашиб, енгса бўладими? Йўқ, фақат қочиб-қувиб панд бериш керак.

Датафарн бошчилигидаги дах суворийлари баландлик орқасида яшириниб туриб, юнон-македон қўшинларига кутилмаганда зарба берадилар. Шундан кейин Хамук бошчилигидаги уч минг скиф аскарлари массагетлар билан жангга киришади. Спитамен эса ўзининг



суғд суворийлари, усрушонликлар билан пистирмада туриб, жангнинг боришига қараб иш тутади...

Эртаси куни тушга яқин чанг-тўзон кўтарилиб, қуёшнинг юзи хира тортди. Аввалига Кратер айғоқчилари кўринди. Македонияликлар тўхтаб, сафлана бошладилар. Ҳа, уларга дам бермаслик, тезда ҳужум бошлаш керак! Бу — Спитаменнинг суғдча уришиш усули. Кутилгандек жангу жадал бошланиб кетди. Массaget суворийлари, скифлар икки томондан душман устига ёппасига ташландилар. Спитаменнинг жанговар суворийлари тепалик орқасида қулай вазият келишини кутарди. Пистирмада турган дах қўшинлари фақат беш юзта отга эга. Лекин уларнинг ўзларига хос жанг усуллари бор. Ҳар бир отлик биттадан пиёдани орқасига мингаштириб, жанг майдонига олиб киради<sup>1</sup>. Улар отдан сакраб тушиб, душманга ташланадилар. Кутилмаганда бошланган ҳужумдан душман саросимага тушиб қолди. Искандар қўшинлари ўзларининг кураш тажрибаларида бундай муҳорабани кўрмагандилар. Қизиғи шундаки, отдан тушиб жанг қиладиганлар вақти-вақти билан яна шериклари орқасига мингашар, улар икки томонлама олишиб, душманни тутдай тўкардилар. Улардан бири ҳалок бўлса, от иккинчисига қоларди.

Кратер бошлик душман қўшини ўз сафларини бирлаштириб, ўнг қанотдан ҳужумга ўтди. Бу аҳволни кўрган Спитамен зарбдор суворийлари билан тепаликдан ошиб тушиб, уларнинг устига ташланди. Жанг ғоятда қизиқ кетди.

Қийқириқлар, қиличларнинг шарақлаши, отларнинг кишнаши ҳамма ёқни тутди. Спитамен ўзининг зулукдек қора тулпори билан жангоҳнинг қоқ ўртасида жанг қилар, атрофини ўраб олган баҳодир сафдошлари ўз саркардаларини тасодифий ҳамлалардан ҳимоя қиларди. Унинг бир қанотида Датафарн, иккинчи қанотида Шердор, Камак, Зўртошлар от сурмоқдалар.

Уртада душманга қирон келтираётган Зўртошни ўраб олишди. У қўлидаги гурзи билан уч-тўртта македонияликни мажақлади. Аммо шу пайт ўнлаб найза Зўртошнинг орқасига санчилди. Буни кўриб Спитаменнинг баданидан иситма чиқиб кетди. Массaget суворийлари сафида парокандалик бошланди. Македонияликлар қатъий ҳужумга ўтиб, уларни эсанкиратиб қўйди, бир неча юз отлик қуршовида қолди. Спитамен ўз паҳлавонлари билан ўша томонга ташланди. Кейин, келишувга биноан, чекиниш ҳақида сигнал берилди. Датафарн ҳам елкасидан яраланганди.

Суғдиёна қўшинлари аста-секин чўл томонга чекина бошладилар. Македонияликлар бу парокандаликдан фойдаланиб, жангга қаттиқроқ киришишди. Улар Спитаменни чўл йўлига ўтиб олмаслигини, қармоққа илинтиришни истардилар. Жанг янада авж олди. Македонияликлар куч жиҳатидан устун келишди. Спитамен лашкарлари катта талафот кўрди. Кратер қўшинлари чўлга чекинаётган Спитамен ва унинг жангчиларини таъқиб этарди. Лекин қувиш бефойда эканлигини, Спитамен чўлда ғойиб бўлишини Кратер яхши биларди.

Пароканда бўлган лашкар чўл ўртасига келиб тўхтади. Спитамен куч тўплаб, курашиш зарурлигини айтди. Аммо массagetлар ҳам, скифлар ҳам унинг бу мурожаатига қулоқ солмадилар. Уруш, ўлим даҳшатидан безиган оломон чўл жанубига қараб йўл олди. Энди уларни тўхтатиб бўлмасди. Спитамен ноилож уларнинг кетидан эргашди...

### *Кимлар келиб, кимлар кетмади*

Инсон қадами етмаган саҳро... Поёнсиз. Изгирин. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган дашт эл-юртидан жудо бўлганларга паноҳ. Улар ўлим чангалидан қочиб, совуқ саҳрога жон сақлаш учун кириб келишмоқда. Чарчаган, очликдан чўзилиб қолган одамлар, оёғи

<sup>1</sup> Отдан тушиб пиёдалар жангга кириб, отликдан ҳам тез чопишган... (Квин Курций).

синган, чавақланган отлар, тепаликларда сочилиб ётган қуроллар, дубулгалар киши кўзига совуқ кўринади. Энди уларнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Тартибсиз чекинаётган одамларнинг энг сўнггида ҳориган отининг жиловини қўйиб юбориб Спитамен кетмоқда. Эл-юртнинг аянчли аҳволидан унинг жигар-бағри хун.

Ҳозиргина оламини мунаввар этиб турган қуёш изғиринли кеч куз оқшомида уфққа бош қўяётир. Ҳамма ёқни тутган шафақ қон янглиг кўринади. Спитамен ботиб бораётган қуёшга ўксиниб-ўксиниб қараб қўяди.

«Йўк, йўк, — дейди у хаёлан.— Ҳали мен тирикман... Ҳали биз тирикмиз... Олдимизда қал қилувчи муҳорабалар бор. Билаклари-мизнинг кучи кетмаган, оёқларимиз мустақкам. Юрагимиз ғазаб-нафрат ўти билан ёнмоқда!..»

У қароргоҳига этиб борди. Ичкарида чироқ ёнмоқда. Демак, ҳаёт бор, одамлар бор... Баргоҳга кирди. Уч ўғли, хотини гулхан атрофида ўтиришибди. Ана, олов ёнмоқда, фарзандлари сиҳат-саломат. Демак, ҳали кураш давом этади...

— Ота! — деди Раму.

Ўғиллари уни ўраб олишди. Одатда эрининг жанг анжомларини олиб, бир чеккага қўяркан, пичирлади:

— Азизим Спанта...

Спитаменнинг ғам-аламлари тарқалгандек бўлди. Уз уйи, бир-биридан ширин фарзандлари... Ахир бундан ҳам ортиқ бахт борми дунёда? Тинчликка, осойишталикка нима етсин?

Спитамен Рамуни тиззасига олиб, эркалади. Мулозимлар овқат, мусаллас олиб келишди. Таом, мусаллас бўйи унда эзгу ҳиссиётлар уйғотди. «Буёғи нима бўлади? Оксиарт, Хориен қани?! Улар панд бермаганларида ҳар қандай душманга зарба беришимиз мумкин эди. Бирлашмадик. Чамаси, Оксиартга муросасозлик қилдим. Ўша гўзал Равшанак учунми? Тортаётган азобларим шунданми? Ҳозир қаерда экан? Юрагим ёнмоқда. У мени кутади. Бугун!.. Бугун!..»

Спитамен ўзини чалғитиш учун ўтган йили зиндон қилинган Македония айғоқчисини ҳузурига олиб киришларини буюрди. Одатда фарзандларини олиб, қўшни баргоҳга чиқди. Соқоллари ўсиб, озиб-тўзиб кетган кимсани олиб келдилар. У зўр-базўр оёқда турарди.

— Ақлинг жойига тушдимми? Балки исми-шарифингни энди айтгарсан?

— Буни нима кераги бор...

— Сени озод қилмоқчиман. Исмингни билиб қўйсам ёмон бўлмасди.

— Шунчалик экан, нега дўзах азобини бердинг?

— Қайсарлигинг учун.

— Мен жангчиман. Улуғ Искандарга содиқман. Унга хиёнат қилолмайман. Менинг ўрнимда сен ҳам шундай қилган бўлардинг.

— Эътиқодлиман деб ноҳақликка хизмат қилмоқдасан!

— Қандай ноҳақлик? Ахир, Искандар жаҳонга ҳоким бўлиши керак... Буюк мақсад йўлида қирғинлар, вайронагарчиликлар бўлади...

— Ақлинг жойига келмабди. Ҳой, ким бор?! — бақирди Спитамен. Мулозим кирди. — Бу махлуқнинг бошини танасидан жудо қилинглар!

Македон айғоқчиси қатл этилди. Шундан кейин Спитамен бир зум ҳам ўтиролмади. Қорасочни миндию «Хориен қояси» томон йўлга тушди.

Дашту биёбон. Таниш, қадрдон йўллар. «Бир кўрган нарсангни иккинчи бор учратмайсан. Умрбод шундай бўлади. Бир вақтлар йўлимни тўсган бўрилар қани? Нега изма-из қувишмайди?...» Спитамен шикорни яхши кўрарди. Энди шикорга бориш учун вақт қайда. Қолаверса, кўнглига ҳам сиғмайди. Қаршидан туя минган одам келмоқда. Ким бўлди экан? Наҳотки Дарийд!

— Салом, отахон!

Дариёд туядан тушиб, Спитаменни кучоқлади.

— Йўл бўлсин, ўғлим?

— Оксиарт билан Хориен ёнига.

— У ёқларга бормай қўяқол... Яхшиси бирга қайтайлик.

— Нима гап ўзи?

— Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим. Оксиарт Искандарга таслим бўлди. Уз садоқатининг рамзи сифатида қизи Равшанакни хотинликка берди. Икки ўғли ҳам Искандар ҳузурида хизмат қилмоқда.

Бу машъум хабар Спитамен учун ўлганнинг устига чиқиб тепган бўлди. У ўзини қумга отиб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Дариёд Сугдиёнанинг буюк фарзандини юпатишдан ожиз эди. Ниҳоят, тилга кирди:

— Қўй, ўғлим, алам чекиш сендек паҳлавонга ярашмайди.

Спитамен шашт билан ўрнидан туриб, отига минди. «Хориен, Оксиарт хиёнат қилди. Лекин содиқ дўстларим, Датафарн бор. Улар мени ёлғиз ташлаб кетмайдилар. Қондошларим массагетлар билан яна сўзлашаман. Ҳаммамиз бирлашамиз. Ҳали келгиндиларнинг додини бераман, гўзал Равшанак озод бўлади...» Унинг қалбида умид учқунлари алангаланди. Спитамен кўзларидан ўт чақнаб, Дариёдга деди:

— Кетдик, ҳали битирадиган ишларимиз кўп!..

Улар қароргоҳга яқинлашганларида қандайдир шарпа лип этиб ўтгандек бўлди. Спитамен отдан тушмай атрофни айланиб кўрди. Ҳеч ким йўқ. Мулозимлар саркарданинг отини бир чеккага боғладилар. Спитамен ўзини ичкарига олди.

— Келдингми, Спанта,— деди Одатида ўрнидан туриб.

— Келдим. Бирор одам йўқмиди бу ерда?

— Йўқ... Ўзим ёлғизман...

Одатиданинг кайфияти яхши эмасди. Кўп йиғлаганидан кўзлари қизариб кетганди.

— Овқат, мусаллас келтиринглар,— деди Спитамен хизматкорга.— Чақир, Дариёд ҳам кирсин!

Хизматкорлар емак-ичмак келтиришди. Спитамен косаларга мусаллас қуйиб, бирини Дариёдга узатди-да, ўзиникини бир кўтаришда шимириб юборди.

Улар овқат вақтида бир оғиз ҳам сўзлашмадилар. Ранги пича қизарган Спитамен Дариёдга торини олиб келишни буюрди.

Дариёд ўрнидан туриб, торини олиб келди. Мунгли куй бутун хона бўйлаб оқра бошлади. Сеҳрли садо юракнинг энг нозик пардаларига бориб урилар, кишида ажиб бир ҳиссиёт уйғотарди. Спитамен товоқни мусалласга яна тўлдириб шимирди. У ҳеч қачон кўзёш тўкмаган, ҳозир бўлса, ҳаётида биринчи бор йиғламоқда эди. Балки кун-кеча аёвсиз жангда ҳалок бўлган дўстларини эслаётгандир, балки Сугдиёна элининг аянчли тақдири юрак бағрини эзаётгандир...

— «Мунгли йиғиси»ни чал, бузруквор... Ичим ёниб кетаяпти...

Дариёд торини созлаб, Спитаменга тикилди. Вақт ярим кечадан оғиб қолганда Спитамен ёстикқа ёнбошлади-да, уйқуга кетди. Дариёд торини олиб ташқарига чиқди. Одатида ҳам эрининг устига пўстинини ташлаб, уйқусираган Рамуни етаклаганча ўз баргоҳига чиқиб кетди.

Одатида боласини ётқизди-да, ўзи хира ёниб турган шам қаршисида чўккалади. Кўнгли безовта. Оқсоқоллар ҳанжаманаси вакил қилиб юборган дахнинг сўзлари ёдига тушиб, асабийлашарди. Спитамен келишидан бер неча дақиқа олдин қароргоҳдан соядек ғойиб бўлган ўша вакил эди.

— Исмин Баствар, ҳанжамана номидан келдим,— деди у.— Искандарга қарши урушишнинг ҳеч фойдаси йўқ дейишяпти. Эрингга айтар эмишсан, қилмишлари учун Искандардан узр сўраши керак эмиш.

— Жўнаб қол, менинг эрим сотқин эмас.

— Қанақанги бемеҳр аёлсан, учта болангни ўйламайсанми? Уларнинг уволи тутади-ку!

— Нега уволи тутсин? — сўради Одатида.

— Спитамен ҳанжамана қарорига рози бўлмаса, қатл этилади. Ўғилларим ҳалол кетсин десанг, эрингни ўзинг ўлдир.

Одатида Бастварга қараганча қотиб қолди. «Нималар деяпти ўзи? Ҳозир соқчиларни чақириб, шундай адабини берайки, умр бўйи эсидан чиқмайдиган бўлсин!..» Баствар аёлнинг бетоқат бўлаётганини сезиб, паст овозда деди:

— Соқчиларни чақириб, ғавғо кўтаришни ўйлама. Нариди менинг одамларим турибди. Айтганларимга кўнмасанг, учала ўғлинг ҳам эртагаёқ қатл этилади. Ҳанжаманинг қарори шу! Биламан, эрингни яхши кўрасан. Лекин у Равшанакни севади... Ўшани деб «Хориен қалъаси»га кетган.

Одатиданинг ёдига Бабахнинг сўзлари тушди. У ҳам шундай гапларни айтганди. Спитамен уни сотқинликда айблаб, қовоғариларга чақтириб ўлдирди. Одатиданинг яна хаёли бўлинди, унга турмуш йўлдошининг бевафолиги, рашк азоб берарди...

Баствар соядек сурилаб баргоҳдан чиқди.

Дастурхонларда мева-чевалар, яхна гўштлар. Дошқозонларда турли таомлар тайёрланмоқда. Хизматкор қулларнинг қўли қўлига тегмайди. Чеккадаги шоҳсупада машшоқлар, қўшиқчилар, раққоса қизлар ўтиришибди. Зиёфат учун ҳамма нарса муҳайё. Оксиартнинг интиқиб кутаётган азиз меҳмони келса бўлгани. Подшоҳ унга кўп навозишлар кўрсатиб, ҳокимлик лавозимини берди. Уч ўғлидан иккитаси македон қўшинлари сафида.

Кечқурун Искандар ўзининг хешу ақраболари, саркардалари билан Оксиартниқига ташриф буюрди. Дариёвушнинг гўзал хотини, икки қизини ҳам ўзи билан бирга олиб келди.

— Қадамларингизга ҳасанот, улуғ подшоҳим,— деди таъзим билан Оксиарт ва меҳмонни тўрға қўйилган тахтга таклиф қилди.

Аввал шарбат тортилди. Кейин турли таомлар билан дастурхонни тўлдириб ташладилар. Қўрда пиширилган тўнғиз гўшти Искандарга ёқиб тушди. У ёнидан ханжарини олиб, ўз қўли билан Дариёвушнинг хотинига, қизларига гўштдан бўлиб берди. Оксиарт тез-тез келиб, подшоҳдон хабар олиб турарди.

— Кўнгиллари яна нима истайди? — сўради Оксиарт подшоҳга яқинлашиб.

— Енимга ўтир, сенга бир-икки оғиз гапим бор.

— Бош устига.

— Хориенга айт, подшоҳ сенга ёмонлик истамайди де. Ҳузуримга бемалол келаверсин. Аммо анави Сисимифр таслим бўлмаса, бориб жазосини бераман. Агар ўз ихтиёри билан қалъани топширса, сенга ўхшаб шаҳрига ҳоким қилиб қўяман.

— Ўзининг мойиллиги бор. Аммо онаси рози бўлмапти,— деди Оксиарт.

— Нега онасининг сўзига қулоқ бериб ўтирибди, эси борми ўзи? — Искандарнинг аччиғи чиқди.

— Тушунтираман, қалъани топширади...

Оксиарт подшоҳга қуллуқ қилди. Шу пайт машшоқлар куй бошладилар. Ўттизтача сулув қиз ўйинга тушди. Улар орасида Оксиартнинг севимли қизи Равшанак ҳам бор эди. Қизларнинг ўттизтаси ҳам бир-биридан гўзал, Равшанак чиройда уларнинг барчасидан ўтарди.

Искандарнинг Равшанакка кўнгли кетди. Ёнида ўтирган, Осиёнинг гўзали ҳисобланган Дариёвушнинг хотини унинг олдида ҳеч гап эмас эди. Хотин қилиб олади. Ахир бутун Бақтрия, Суғдиёна унинг оёғи остида. Дунё мулкига эга бўлган жаҳонгир ҳусн мулкига ҳам ҳоким

бўлиши керак. Македонияликлар бундай никоҳдан норози бўлишлари мумкин. Хўш, севиб қолгандан кейин, «ёввойи»нинг қизими, бошқами, бари бир эмасми?

— Бир дақиқа қулоқ беринглар!

Ҳамма жим қолиб, унинг оғзига тикилди.

— Мен, азизларим, ҳурматли дўстим Оксиартнинг кечамиз юлдузи бўлган ана шу гўзал қизига уйланишга қарор қилдим!..

Меҳмону мезбонлар ҳайратдан лол қолдилар. Дариёвушнинг хотини билан қизи Искандарга совуқ назар ташладилар. Оксиарт бундай бўлишни сира ҳам ўйламаганди. У подшоҳнинг тўсатдан Равшанакка уйланишга қарор қилганлигидан аҳли ақраболар олдида гангиб, бир ёғи ишонинқирамай гаранг қолда эди. Оламни титратиб турган буюк Искандар унга куёв бўлса нима қипти? Бахт қуши ҳар кимнинг ҳам бошига қўна бермайди... Оксиарт эс-қушини йиғиб, подшоҳнинг пойига тиз чўкди-да, унинг қўлларини ўпа бошлади.

— Самадамита<sup>1</sup> келтиринглар!— деди Искандар ва қизлар орасидан ўтиб, Равшанакнинг қўлидан ушлади.— Менга қаллиқ бўл, сени суйиб қолдим.

Равшанакнинг икки юзи анордек қип-қизариб кетганди. У шоҳга қарай олмасди. Шу вақт мулозимлар нон олиб келиб, Искандарнинг қўлига тутдилар. Подшоҳ қиличи билан нонни икки бўлакка бўлди-да, бирини Равшанакка узатди, бирини ўзига қолдирди. Шундай қилиб, у базм кечасининг ўзидаёқ Оксиартнинг қизига бутун расм-русумлар билан уйланиб олди.

Спитамен ёш боладай пишиллаб ухламоқда. Одатида оёқ учида хонага кириб, унинг тепасига келиб тўхтади. Қароргоҳнинг тўрт чеккасига қўйилган машъаланинг фақат биттасигина милтиллаб ёнмоқда.

Аёл эрига термулди. Унинг қоп-қора, бақувват сочлари патила-патила бўлиб ётар, юзларига қандайдир кулги из солганди. Нима, ундан кулаётимдими? На илож, ёвуз ниятли одамлар булоқдек тиниқ, мусаффо муҳаббатига оғу солдилар. Миш-миш гапларга аввалига ишонмади. Ахир Одатиданинг қалби, тақдири Спитамен билан абадий бирлашиб кетгандек эди... Лекин энди ана шу севгига раҳна солинди. Бу ҳам етмагандай фарзандларининг ҳаёти ҳам қил устида.

Одатида яна эрининг юзларига узоқ термулди. «Наҳотки шу бугун ҳам қалъага, маъшуқаси ёнига бориб келган бўлса?!» Ноёб севги шафқатсиз нафрат билан алмашинганди. «Йўқ, йўқ, энди орқага қайтиш йўқ!..» Одатида кўйлаги ичига яширган шамширни олди-да, бир зарб билан Спитаменнинг калласини узиб ташлади. Эрининг гавдаси бир силкиниб тушди... Чамаси, у турмоқчи бўларди. Лекин бу интилиш узоққа чўзилмади, ағдарилди. Саркарданинг кўзлари бақрайганча қолган, оғзи каппа-каппа очиларди. У нималардир демоқчи бўларди...

— Бошни мана бу рўмолга ўраб ол,— деди Одатида хизматкорига.

Улар ярим кечадан оққанда баргоҳдан чиқишдилар-да, Искандар қароргоҳи томон йўл олдилар.

Ширин уйқуда ётган подшоҳга гўзал бир аёл йўқлаётганини хабар қилишди. Жаҳонгирнинг ҳаётида бундай ҳоллар тез-тез бўлиб турарди. У шошилмасдан ўрнидан туриб, аёл ҳузурига чиқди. Аёлнинг вазоҳати унга ёқмади.

— Кимсан?— сўради Искандар.

Одатида Искандарга жавоб бериш ўрнига орқасига қараб:

— Антик, бу ёққа кир,— деб эшик ташқарисида турган қулни чақирди.

— Қаранглар, Антик, ким ўзи?!— Искандар ҳеч нимани ту-

<sup>1</sup> Нон. Қадимги юнонларда ноннинг йигирмадан ортиқ хили бўлган.

шунмай қаршисида турган суғд аёлига тикилди. — Бемаврид қандай совға келтирдигин, ёввойи аёл?

— Спитаменнинг боши!

Рўмолга ўралган каллани кўтариб қул кирди.

— Спитаменнинг боши дегин?..

— Спитаменники, — деди қул шошилиб.

— Ўзинг кимнинг қулисан?

— Спитаменнинг...

— Анави аёл-чи?

— Спитаменнинг суюклиси.

— Лаънат бўлсин сенларга... Суюкли бўлмай ўл!.. Алвасти...

Подшоҳнинг қони миясига уриб, фикрлари чувалашиб кетди. Унинг кўз олди қоронғилашган, юрагида қандайдир ваҳм пайдо бўлганди. Яна қаршисида турган қотил аёлга разм солди. «Ажабо, қаллиғим Равшанакка ўхшаб кетади-я! Булар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар...»

— Уни севармидинг?

— Жонимдан ҳам ортиқ севардим.

— Бўлмаса нега ўлдирдинг?

— Азбаройи севганимдан...

— Тушуна олмадим? — таажжубланиб сўради Искандар.

— Тушунмайсан, тушунишга қодир ҳам эмассан!..

Искандар гангиб қолди. Шунча жаҳонгашталиқ қилиб, бунчалик мулзам бўлмаганди. «Қизиқ, аёлнинг овози таниш... Сўзлари ҳам... Ҳа, ҳа, Равшанак айтганди. «Севги деган нарсани сен тушунмайсан, тушунишга қодир ҳам эмассан» деганди. Мунча ўхшашлик?!»

— Йўқотинг кўзимдан бу жодугарни! Уз хўжасига хиёнат қилган қулнинг калласи олинсин! Эссиз Спитамен... Муҳорабада ўлиши керак эди!

— Ҳаммасига сен айбдорсан!.. — Одатиданинг овози эшитилди.

Мулозимлар уни судраганча олиб чиқиб кетдилар.

Эрта тонгда қароргоҳга Спитаменнинг қадрдони Датафарн келди. У ичкарига кирганида дўстининг танаси баргоҳ ўртасида беўхшов чўзилиб ётарди. Датафарн аввалига қотиб қолди, ўзига келгач фарёд чекиб, йиғлай бошлади.

— Ким ўлдирди, ким!.. Дўстгинам, сенинг биргина жонинг учун минглаб душманнинг боши кетади, ҳали... Эй, воҳ!..

Бутун Суғдиёна эрталаб мотам билан уйғонди. Халқ ғазабининг чеки йўқ эди. Ҳамманинг кўзида ёш... Одатиде қароргоҳнинг бурчагида ҳайкалдек қотиб турибди.

— Йиғланглар!.. Йиғла, Суғдиёна!.. Паҳлавонингдан, фарзандингдан жудо бўлдинг...

Бу Дариёднинг мотамсаро овози эди...

Барча расм-русмлар бажо келтирилди. Спитаменнинг жасадини улкан қояга, шошилич гайёрланган даҳмага элтиб қўйдилар. Бу паҳлавоннинг умрида ҳеч кимдан енгилмаганлигини кўрсатади. Суғдларнинг одати шунақа. Суғд тоғлари ортидан қуёш кўтарила бошлади. У қонга бўялиб ётган Спитаменнинг бошига ўхшаб кетарди...

Қаёқдандир Қорасоч пайдо бўлиб қолди. Бечора от... Энди у ёлғиз... Бир жиҳати эркин, мағрур... Лекин у шу томонга бутун вужуди билан интиляпти. Ана, ўзини дарёга ташлаб, қоя томон суза бошлади. Қирғоққа чиқди, қояга кўтарилди. Бечора от... Спитаменнинг қабри олдида қоп-қора ёлларини ёйганча, узоқ турди. Кейин бошини сарак-сарак қилди-да, оёқларини букиб, қабр ёнига чўкди...

Қуёш энди тиккага кўтарилган, жўшқин дарё ўзининг мангулик ҳақидаги қўшиғини куйларди.



Ўткир Рашид

## Янги қўшиқлар

## Қишлоқ кўрки

Қишлоғимизнинг кўрки, унда баҳор экансиз,  
 Баҳору ёз фаслидек, унга даркор экансиз.  
 Нафасу пойингизда кўкара олам-жаҳон,  
 Шу момо ер ишқида ёниб, бедор экансиз.  
 Ерни қилиб хазина, тўлдириб нозу неъмат,  
 Уни сочасиз элга, ҳиммати бор экансиз.  
 Азиз подардек улуғ сизнинг деҳқон номингиз,  
 Қишлоқда сиз бунёдкор, зўр пахтакор экансиз.  
 Ер илмини ўқиб сиз, обу ҳаво дарсингиз,  
 Олим билан ҳамнафас, ишда ҳамкор экансиз.  
 Пешонадан оққан тер, кўксингизда ярқирар,  
 Ҳавас қилар Ўткир ҳам, қўш нишондор экансиз.

## Одамлар


Ватан агар тана бўлса, унга бир жон одамлар,  
 Бу танада равон оққан покиза қон одамлар.

Улар ҳаёт зийнатидир, ҳам кўркию ҳам гули,  
 Ҳам юртига бойлик бўлган тошқин вулқон одамлар.

Яхши ният, пок орзудан қанот ясаб, парпираб,  
 Тонг йўлига илдам чиққан катта карвон одамлар.

Манзил узок, кутар унда парилардек бахт, иқбол,  
 Ошиқлардай шошар, тошар, ошар довон одамлар.

Шу одамлар борки, Ўткир, бордир ҳаёт, ҳақиқат,  
 Ватан обод, қолар зўрэд, бўлсин омон одамлар.



Мен — ҳаёт...

Ҳаётга нуқрадай  
кирган пок шабнам,  
зарранинг  
ўзиман.  
Диёрга нуқтадай  
Сингган кумуш нам,  
зарларнинг  
ўзиман.  
Ҳар наҳор  
Куртақдан ўсган  
Ниҳолнинг  
ўзиман.  
Кўкатлар қатида  
унган  
Баҳорнинг  
ўзиман.  
Сахий ер тафтига қўшилган,  
Меҳрнинг ўзиман.  
Оламни яратган,  
Дилларни яйратган  
Қатрада оташ бор,  
Ениш бор,  
Хониш бор,  
Бир томчи ҳарорат  
Илқида маҳорат,  
Оламни яратган тафаккур,  
Зехннинг ўзиман.  
Кудратим шунчаки ўт  
эмас,  
Гулдирак, чақмоқни  
чаққан ҳам  
ўзимман.

Ҳаётга  
суқланиб,  
Она ер қатига,  
Қушларнинг пастига,  
Уфқлар сатҳига,  
Мен тўймай суқланиб,  
чўғланиб,  
Егдудай нигоҳга интизор,  
Кўз тиккан,  
Сўз тизган,  
Дилдорнинг ўзиман.  
Диёрим, қутлуғим,  
Юрагимни бериб,  
Умрларни безаб,  
Тилакларим битиб,  
Сени безаш дардида —  
Вужудим,  
Виждоним,  
Муродим.  
Буюк диёрим, сени  
Шугъаларга ўраган,  
Шайдоларнинг  
кўзиман.  
Мен ҳаётнинг ўзиман.  
Инсонлигим ардоқлаб,  
Гўзаллигимни ёқлаб,  
Юргимдайин чароғон,  
Ҳар кунимни фаровон  
Қилиб ярата олган,  
Кунда ўсиб улғайган —  
Гул ҳаётнинг ўзиман...

Гуллом Абдуллаев

Майсазорда тўнгиб ётар куз,  
Боғ либоси олов-тилларианг.  
Тўкинликдан куйлаётир кўз,  
Юраклардан қайтадир жаранг.

Сувлар энди ўйчан ва тиниқ,  
Акс этади тубида қушлар.  
Якка терак баргдан бўшаниб,  
Ҳозирланар кўрмоққа тушлар.

Япроқ сувда оҳиста қалқир,  
Сўнгги йўлдош сув унга танҳо.  
Йўқ, япроқмас у — қишга мактуб,  
Куз бағрида етилган садо.  
Майсазорда тўнгиб ётар куз...





Нурали

Қобул

# ОВЧИ

## ҚИССА

Какликнинг кўзидан урадиган мерган Раҳмон овчи қўшотарини елкалаб, қишлоқда яккаю-ягона тозисини эргаштирганча тоғма-тоғ кезиб юрганда, у ит билан басма-бас чопадиган, ерга урса осмонга сапчийдиган бола эди. У ҳайвонлар борган ҳар қандай жойга бора олар, кўлми, чакалакзорми, унга барибир эди. Бўйноқнинг оёғига сочма тегиб, овга чиқолмайдиган бўлиб қолганда отаси индамай уни эргаштириб кетди. Шу-шу у ҳамма ишни йиғиштириб, отасининг орқасидан қолмайдиган бўлди. Отасининг эса кунора бир тоғ айланмаса, уйқуси келмасди. Унда бирор нарсадан чўчиш ва ҳайиқиш ҳисси йўқлигидан отаси ҳайрон қоларди.

Хуллас, у эсини таниб, кун кўриш, тирикчилик қилиш учун ниманидир ейиш ва кийиш кераклигини англаганида, отаси Раҳмон овчининг дови юрган, бир ўқ билан иккита эмас, тўртта қуённи уриб юрган пайтлари эди. Ҳеч ким унинг отини айтиб чақирмас, ҳамма «Раҳмон овчининг боласи» деб атарди.

Уларнинг уйда бирда-ярим йиғин қилинсагина қўй ёки эчки сўйилар, деярли бозордан гўшт сотиб олинмасди. Онаси уйдагиларнинг ҳаммасига қўй терисидан пўстин, амакиси уста Ҳамдам эса, қўтоснинг терисидан ёзғи энгил мўккидан тортиб таги қалин қишки чориққача тикиб берганди. Раҳмон овчи пул билан олди-берди қилмас, нимаики бўлса айирбош этарди. У савдолашганда барча ташвишларини унутиб, яйраб кетар, иложи борича узоқ таллашиб-тортишарди. У ёқ-бу ёқдан даромад тушганда оғзининг таноби қочиб қувонар, чиқимдор бўлган куни эса, қовоғи очилмасди.

— Шу тошбағир Раҳмон овчига эрга тегмай ман ўлай! Эрга чиққунча эрга кирсам бўлмасмиди?!— дерди тиззасига муштлаб онаси, отасининг қаттиққўллигидан фиғони фалакка чиқиб.

Илгарилари Раҳмон овчи хотинининг бундай заҳарли гапи учун сочидан бураб дўппосларди. Болалари улғайиб, онасининг тарафини олабашлагач, сўкиниб қўя қоладиган бўлди. Бундай оилавий можаролар пайтида акасининг юраги сиқилиб, кўзи ёшланганча ҳовлига чиқиб кетарди. У эса қизиқсиниб, ишшайганча жанжал нима билан

тугадини кутиб ўтираверарди. Қони қайнаган отаси онасига қўшиб униям икки марта тегиб юборгач, акасининг орқасидан секингина ғойиб бўларди. Охирги сафар отаси онасига қараб: «Ҳе, боланг билан қўшмозор бўл!» дея сўкингани унинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Эртаси кун ишон ёпаётган онаси олдига келиб: «Бу зўравон чол билан ҳали ўзим ҳисоблашаман», деди аламли овозда.

— Ундай дема, отага қўл кўтариш яхшиликка олиб бормади,— деди онаси кўзи ёшланиб.— Ота бўлгандан кейин тергайди-да. Сени одам бўлсин дейди.

— Хўп, мени-ку, одам бўлсин деб тергар экан, сизни-чи?

— Қўй, болам, ярамни тирнама. Чекимга тушгандан кейин нимаям қилардим. Чекингга тушса чекчайма, деган.

У нима дейишини билмай ўчоқ бошидан нари кетди. Ўйлаб-ўйлаб, онамининг ҳам тили заҳар-да, деган хулосага келди. Сабаби — одамлар ўнта гапирганда битта гап чиқадиган отаси, тили-жағи тегмаса, биров билан иши йўқ эди. Унинг учун овдан мароқли тирикчилик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Қишлоқ мактабининг уч-тўрт нафар муаллими биринчи синфга борадиганларнинг рўйхатига ёзиб, кейин мактабга қулоғидан судраб олиб кетишганда, у ўн бир ёшда эди. Мактабга борган биринчи кун иёқ болалар унга «туя, нортаю» деган лақаб қўйишди. Чунки у ҳаммадан катта ва дароз эди. Шу-шу мактаб, болалар ва ўқитувчилар кўзига балодек кўриниб қолди. У мактабга ҳафтада уч кун борса, икки кун бормади, тўрт-беш йил чамаси, сурувда чўлиқ бўлиб ишлашга қурби етгунга қадар қатнади. Ўқитувчилардан қутулганига шукр қилиб, олис қирлар ортидаги Ғаллакон далаларига чўпонликка кетди. Бу ишидан беҳад мамнун бўлди. Қулоғига ўтириб қолган аллақандай қўшиқларга ўзича алланималарни қўшиб-чатиб хиргойи қилиб, Сангзор дарёси тенг иккига бўлиниб оқадиган Ғаллакон далаларида то уйлангунга қадар қўй боқди. Унинг бир ўзи битта сурувни эплар, ишлаб топган маошини отасига келтириб берарди.

— Менга бир тийининг керак эмас,— дерди отаси ҳар гал унинг қўлидан пулни санаб олаётганда.— Сени уйлантириш учун ҳали яна ўз ёнимдан пул қўшишга тўғри келади. Бош чўпонингга айт. Ойликдан ташқари ҳар йилги тўлдан иккитадан қўзи берсин. Ҳозир ҳамма жойда шундай.

Отаси отиб келган каклик ва олқор гўштига ўргангани учун кўп ўтмай қўй эти кўнглига урди. Шунда у бош чўпонга милтиқ олиб беришни илтимос қилди. Салим чўпон эллик сўм зиёдига қўшотар милтиқ олиб келиб берди.

— Эртадан бошлаб каклик қовурдоққа келаверасиз,— деди у қувончи ичига сиғмай, Салим чўпонга.

— Отанг овчиларнинг пири, сен ҳам чакки бўлмасанг керак,— деди бош чўпон унинг милтиқни айлантириб кўришига ҳавас қилиб.

— Фақат ўрмоннинг катталарига ўзингиз тайинлаб қўясиз-да.

— Парво қилма, бир оғиз гап.

У кўнгли бирор парранда ёки жондор гўштини тусагандагина овга чиқарди. Қолган пайтда сурув ташвишларидан ортмасди.

Отаси уни уйлантираётганини бир неча бор писанда қилиб, узок қариндошларининг қизини олиб берди. У ойдеккина тоғлик қизни илк бор чимилдиқда кўриб, суқланиб тикилди. Қувончдан беихтиёр қаттиқ қулиб юборди. Кулгиси ўзига ҳам ғалати туюлди.

— Ҳа, яхшимисан? — деди у тилига бошқа сўз келмай.

Қиз индамай ерга қаради Эрталабгача ухламай гаплашиб чиқишди. Лекин нималар ҳақида гаплашганини элас-элас эслайди. Уйлангандан сўнг унинг эшик ҳатлаб кўчага чиққиси келмай қолди. Чўпонликда орттирган ва отасининг мулкига айланган саккизта қўйини бир айлантириб келар, шу тариқа бир-бирига ўхшаш кунлар жуда тез ўтарди. У деярли сармаст юрарди. Шу алпозда қарийб ярим йил ўтди. Унинг ишламай юргани отасининг ғашига тегарди.

— Бўлди энди. Кунингни кўр. Уйни бўшат. Бирор жойда ишлаб, ўзингга бошпана қур. Мен қарзимдан қутулдим. Мана, акангни қара, хотинини ўзи қурган уйга тушириб олди. Сен бўлсанг...— деди отаси, бир куни нонушта устида. Кейин пойгакда қимтиниб ўтирган икки укасини кўрсатиб, қўшиб қўйди:— Мана бу мирзатеракларга ҳам биттадан пахмоқ соч олиб бериш керак!

Отасининг гапи этидан ўтиб, суягига қадалди. Нимадир деб гап қайтармоқчи бўлди-ю, қўрқди. Ҳеч балодан қайтмайдиган, бир пайтлар Ойқор айиқлари билан яккама-якка олишган отаси юз-кўзи демай дўппослаб, хотинининг олдида шарманда қилишидан чўчиди.

Эртасига отаси овга жўнаганда икки бўғча кўрпа-тўшагини орқалаб, Мирзачўлга кўчиб кетган Турсунбой чўпоннинг ҳувиллаб ётган уйига қараб жўнади. Хотини желаги билан юзини беркитиб, пиқиллаб йиғлаганча унга эргашиб борарди.

— Бас қил, йиғи овозини эшитсам жиним кўзийди,— деди у юкни силтаб, елкасига қулайроқ жойлаштириб оларкан, бўғиқ овозда.

Оғироёқ келинчак ҳансираганча орқада қолиб кетди. Улардан анча орқада эса рўмолчага нон ва қанд-қурс тугган онаси ҳаллослаб келарди. У орқалаб келган кўрпа-тўшак ҳувиллаб ётган уйга урвоқ ҳам бўлмади. Онаси ўчоқбошини супуриб-сидириб, қумғонга чой қўйди. Келинчак уй ичини тартибга солди. У эса ҳовли ўртасидаги садақайрағоч тагида оёғини чалиштирганча осмонга тикилиб ётарди. Онаси садақайрағочнинг соясига пўстакнинг ярғоғини ташлаб берган эди.

Она ўғлининг олдида дастурхон ёзиб, нон ва мева қўйди. Чойни дамлаб бериб, яна ниманидир олиб келиш учун уйга кетди. Хотини иккаласи бир-бирига тикилганча, гап-сўзсиз чой ҳўплашарди. Ҳаводан зах ҳиди анқирди. Пешайвон ёғочига омонатгина уя қурган мусича бўйнини чўзиб янги хўжайинларига мўлтирарди. Вассалар орасига бетиним кириб чиқаётган чумчуқлар ҳовлини бошларига кўтариб, полопонларига овқат ташишарди.

— Кечга нима овқат қилай?— деди келинчак, кўрқа-писа эри томонга қараб.

— Нима қилсанг қилавер,— деди эри кўрслик билан.

— Қозонга соладиган ҳеч вақо йўқ.

— Нега? Нега йўқ бўлади?

— Онам кетдилар-ку, олиб келиб қоларлар.

— Ҳм-м, шундай дегин. Олахуржун қуруқ дегин. Яхши. Жуда яхши.

У индамай ўрнидан турди-ю, эски чопонга ўраб тўшаклар орасига тикиб кўйилган милтиқни олди.

— Вой, сиз ҳам овчилик қиласизми?— деди келинчак унга ағрайиб.

У хотинига ўқрайди.

— Сизни овчи эмас дейишувди,— деди жувон ерга тикилиб.

— Одамхўр дейишмаганмиди ишқилиб? Тавба,— деди у хотинига ер остидан қараб.— Мени бугун кўряпсан шекилли. Мен бизни уйдан ҳайдаган Раҳмон овчидан яхшироқ ов қиламан. Мана, кўрасан ҳали, бизни Турсунбой чўпоннинг чордеворига қувиб чиқарган Раҳмон овчининг энди ови юришмай, тўнғиз отиб ейди.

— Ундай деманг, отангиз...

— Мен ҳам боласи эдим-ку, баҳоргача сабр қилса бўларди-ю!

— Шу бугуноқ чиқиб кетинглар деганлари йўқ-ку. Узингиз аччиқ қилиб, бекорга...

— Бўлмаса сен қайтиб борақол.

У милтиғини елкасига осганча бошини қуйи солиб, Қўштамғали дарасига қараб кетди. Узича олқор ёки кийик отаман дея ўйлаб борарди. Битта олқор отса, хотини билан ўн беш кун ейди. Унгача бирорта иш ҳам топиб олади. Қайтага, отасининг уйдаги майда-чуйда ишлардан қутулди. Аллақачон чиқиб кетиш керак экан ўзи. Бировнинг қош-қовоғига қараб ўтирмай беташвиш яшашдан ҳузури борми?!

У кийик овига кечикканди. Кийик учрайдиган Қизилтош чўққиси ёнбағирларига етгунича кеч киради. Олқорларни учратиш ҳам қийин бўлса керак. Бу тоғда қандай ҳайвонни қачон отишни отаси яхши билади. Нойлож Тераклисойнинг ўнг бетидаги булоқ бўйига ўтирди. Ҳовучлаб, тўйиб сув ичди. Какликлар ҳам ҳадемай сув ичишга тушиб қолар, дея хаёлидан ўтказди, теварак-атрофни синчковлик билан кузатаркан. Барибир какликлар сув ичгани тушади, деган ўйда булоқ яхшироқ кўринадиган жойга бориб, арчанинг соясига чўзилди. Овга бевақт чиқибман, дея ўйлади, кейин милтигини булоққа тўғрилади, иягини қафтлари устига қўйди-да, тоғу тошга аланглаб ётганича пинакка кетганини сезмай қолди.

Аъзойи баданидан нам ўтиб, совқотиб уйғонганида, қулоғига какликларнинг басма-басига сайрагани эшитилди. У, тушимми, ўнгимми, деб ўйлаб улгургунча бўлмади, булоқ атрофида пилдирашиб юрган какликларга кўзи тушди. Булоқдан узоқроқдаги бир жуфт каклик чўққида адашиб қолган шеригини чорлаб, навбатма-навбат бўйинини чўзиб сайрарди. Улжани кўрганда у шошмади. Аксинча, совуққонлик билан какликларнинг бир-бирига яқинлашишини кутди. Бу орада какликлар ниманингдир шарпасини сезиб, сергак тортишди. «Бу дарада кийик учрамайди. Хавф-хатар бўлса, кийик какликни огоҳлантиради» — отасининг ана шу гапини эслади у, қушлар тўдасидан кўзини узмай.

Какликларнинг олди ердан ярим қулочча кўтарилганда, қўшотар устма-уст гумбурлади. Тоғу тошда акс садо берган милтиқ товуши орасидан паррандаларнинг жон талвасасидаги қий-чуви эшитилди ва бу овоз анчагача тинмади. У ўпкаси бўғзига тиқилиб ҳаллослаганча булоқ бошига етиб борди. Тутдек тўкилиб, жонқолатда ўзини дуч келган бута остига ураётган какликларни кўриб, бир зум ағрайиб турди-да, қувончдан беихтиёр ҳайқириб юборди. Овози тоғу тошда акс садо берганда чўчиб тушди ва анчагача нега бундай ғайритабиий овозда қичқирганига ўзининг ҳам ақли етмади.

Сўнгра худди кимдир келиб ўлжасига эга чиқадигандек шоша-пиша қонга беланиб патишлаётган какликларни йиғиштира бошлади. Тўққизта какликнинг бирма-бир бошини кесиб, оёғидан даста қилиб боғлади. Негадир хиргойи қилгиси келарди. Лекин бирорта ҳам қўшиқнинг сўзи тилига келмади. Сўнг ўзича гўнғирлай бошлади. Назарида овози қандайдир жондорнинг овозига ўхшаб туюлди ва ўз хатти-ҳаракатидан кулгиси қистади.

Ўлжасини милтиқнинг учига осиб уйга қайтганида, қуёш мағрибдаги қорамтир тоғлар ортига ботаётган, яйловдан қайтган қишлоқ подаси мўърашганча тарқалаётган эди. Молини айириб кетиш учун пода йўлига чиққан қизлар, хотинларнинг қизилу сарғиш кўйлаклари ботаётган қуёш нурида товланиб кўринар, сой орасидаги мўъжазгина қишлоқда кўнгилни аллаловчи қандайдир ёқимли ҳолат ҳукмрон эди. У катта-катта одимлаб, уйига шошиларди. Қорни очганидан қовурилган каклик гўштини эслаб ютиниб қўяр, ҳар кунгидек униб-ўсган қадрдон уйига эмас, ўзга бир кишининг кулбасига бораётганидан кўнгли хижил бўларди.

Онаси пиширадиган какликшўрваннинг таъмини эслаб, тамшаниб қўйди. Қуёш эса қорамтир тоғлар ортига кириб кетганди. Вужудини ниманидир соғиниш ҳисси қоплади ва қанча ўйламасин, нимани кўмсаётганини ўзиям тушунолмади. Балки уйланганидан сўнг бирдан узоқ ва олис туюлиб кетган болалигини кўмсаётгандир? Ёки ҳеч ниманинг ташвишини чекмай Ғаллакон далаларини танг қилиб чўпонларнинг қизига гап ташлаб, панароқ жойларда билагидан ушлаб чўчитганлариними? Энди эса бўйнига олаҳуржун осилди. Аммо хуржуннинг ичида ҳеч вақо йўқ. Эрта-индин хотини тукқандан сўнг кўради томошани.

Хотини унинг йўқлигидан фойдаланиб, тузук-қуруқ хайр-маъзур

қилиш учун қайнотасиникига келганди. Эридан бир неча дақиқа бурун уйга қайтиб, боғ тўридан қуриган шох-шабба излаётган эди.

— Мана! — деди у, садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб, совуқ ва голибона табассумда бир даста какликни ариқ бўйига ташлар экан.

Келинчак ер билан битта бўлиб ётган жониворларга тикилганча қўрқув ва ҳайратдан қотиб қолди. У қайнотасининг уйида ҳам отилган ҳайвон ва паррандаларни кўрганди. Бироқ қаршисида турган тўпори, ёлғон гапиришни билмайдиган, ичимдан топ ва ўжар эри ҳам отасига ўхшаб раҳмсизлик қила олиши етти ухлаб тушига кирмаганди. У энди умрининг сўнгги дақиқасигача қуш ва жониворларга озор берадиган шу дағал одам билан яшашини, унга абадул-абад бўйсунганини ўйлаганча ҳайкалдек қотиб турарди. Тўдаланган кулдек бўлиб ётган какликлар кўз олдида бижирлашиб кўпаяр, ҳаммаси тўпланиб каттакон она какликка айланар, сўнгра яна култепа ҳолига қайтарди. Ёшлигидан қулоғига қуйилган «жин ва ажиналар маскани» бўлмиш култепалар кўзига бало-қазодек кўриниб, ўз қаърига тортаётгандек туюлди. Боши айланиб, кўз олди қоронғилашди. У оҳистагина қўлига суяниб ўтирди. Атрофдаги уй ва дов-дарахтлар гир айланарди. Кўзини очиб яна какликларни кўрганида, қон исидан кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Нафасини ростлаб, ўрнидан турмоқчи бўлаётганда эрининг овози эшитилди.

— Тошга айланиб қолдингми? Ерга тикилиб ўтираверасанми? Ичим таталаб кетяпти. Тезда патини тозалаб, шўрва пишир. Бир маза қилайлик...

— Ҳеч бунақа иш қилмаганман. Қўрқиб кетяпман, — деди келинчак, узук-юлуқ овозда.

— Улмайсан. Бундан буён энди тирикчилик мана шу. Отам менинг ҳам танглаймни овдан қайтганда кўтарган. Биз ҳам энди шундай кун кўрамыз.

— Вой, ўлмасам!..

— Улма, ўлма, — дея тўнғиллади.

— Бутун жониворларга озор бериб...

— Шунақа ақл ўргатаверсанг, ахир бир кун сенга ҳам навбат келади. Тушундингми?

Келинчак қайтиб оғиз очмади. Қўрқа-писа какликларни қўл учида ушлаб, тозалашга тутинди.

— Тавба, — деди унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган эр. — Қишда бурун қутураб, ёзда хотин қутураб, дегани тўғри шекилли. Эр билан тенгма-тенг айтишади-я. Уйларида ҳеч товуқ ҳам сўйилмагандек...

Бехосдан эрига гап қайтариб қўйганидан қўрққан келинчакнинг дами ичига тушиб кетди. Желлагининг учи билан терлаётган пешонаси ва кўз ёшларини артарди. У анчагача ўзига келолмади. Йиғиси бўғзига тикилиб қолгандек эди.

У минг бир азоб билан тўққизта какликнинг патини юлиб, тозалади. Бу уқубатли ишни тугатгунча юраги эзилиб кетди. Эри эса, магазин қоровулиникига бориб, арақ олиб келди. У ичимлик ичганида ёввойи одамга айланиб қоларди. Кўзига ҳеч нима кўринмас, бировга бир оғиз гапирмаса-да, ҳамма ундан чўчирди. Катта-катта кўзлари чақчайиб, ёниб кетар, шундай пайтларда келинчакнинг юраги қинидан чиққудай бўларди. Лекин айтганини қош қайирмай бажарсанг, ундан мард ва танти одам йўқ. Кўнглини топсанг, юрагини ҳам суғуриб беради. Бироқ унинг ўжар феъли баҳор ҳавосидек жуда кескин ўзгариб туради. Келинчак, бу телба, асов қалбнинг бўронларига бардош бера олармиканман, дея ўйларди. Бошқа иложи ҳам йўқ. Отасиникига қайтиб бориш ўлим билан баробар. Фақат ҳайё-ҳув деб Панжакент томонларга бошини олиб кетиши мумкин холос. Бу эса, тириклай ўлди деган гап. У хаёлига келган ўйдан қўрқиб, чўчиб тушди. Худди бу фикрни биров сезиб қоладигандек атрофга аланглади. Нега хаёлига бундай ўйлар келаётганини англай олмади.

Қайрағоч тагидаги тўшакда эри чўзилиб ётарди. Олдида оғзи очилган шиша ва икки бурда нон. Қишлоққа тинч ва осуда оқшом чўкарди. Тоғлар бағри қорайиб, қўрқинчи тусга кирарди. Ҳадемай чўққилар этагида чўпонларнинг гулханлари ёнади. Бу гулхан атрофида ўтириб, заранг шохига тизилган кабобни ўтга тоблаб еб, гурунғ қилиш қандай маза. Шунда дунёнинг бор ташвишини унутасан. Дунёда сен, суҳбатдошинг ва ловуллаб ёнаётган гулхандан бўлак ҳеч нима йўқдек. Умр эса гулханнынг чўғидек милтираб ўтаверади.

— Какликларнинг ярмини эртага олиб қўй! — деди эр бўғиқ овозда.

Келинчак илиган сувга бешта какликни солди. Тўрттасини қовоққа жойлаб, тандирхона шифтига илиб қўйди. «Ёмон куннинг яроғи», хаёлидан ўтказди. У қозонда балиқдек сузиб юрган какликларга қарай олмади. Шўрва пишгунча тиззасини қучоқлаганча ўчоқ бошидан жилмади. Оловга термулган сари безовта вужуди ором оларди. Олов юзларини ёқимли қиздириб, гўё аллаларди.

«Оҳ! Қандай яхши! Нақадар ҳузурбахш! Бунча ёқимли бу олов! Тафтида ёнсангу сўнг сув бўлиб ерга сингиб кетсанг ёки тутун бўлиб, етти қават осмонга учиб кетсанг! Қандай ҳаловатли! Одамлар сени кўрмайди! Сен эса ҳаммани кўриб, яқинлашиб келаётган бахту фалокатларни сезиб турасан! Дунёнинг тутуриқсиз ташвишларидан, ғам-андуддан фориғ, олис ва сирли ўлкаларни кезиб юрасан! Одамларга бахт ва муҳаббат ато этасан!..»

Унинг димоғига жизгинак ҳиди урилди. Елкаси оша олдига тушган, майда ўрилган сочи куярди. У сочини жон ҳолатда тутамлади. Утнинг тафти кафтидан ўтиб, юрагига санчилгандек бўлди. Томоғига нимадир тиқилиб, нафас ололмай қолди. Учоққа туташ супачага суянганича анчагача беҳол ўтириб, бир вақт ўрнидан турди.

Шўрва пишиб қолганди. Келинчак эрининг олдига дастурхон ёзганида, у хурақ отиб ухларди. Кун бўйи юриб чарчабди, хаёлидан ўтди. Бу бечорага ҳам қийин. Бирдан бошига рўзғор ташвиши тушиб, довираб қолди. Кўнглидан шу хаёл ўтиб, ўчоқ бошига қараб юрганида, эри уйғонди. Онаси ёпган юмшоққина нонни гап-сўзсиз ушата бошлади. Қолган арақни каттакон пиёлага қуйиб бир кўтарди-ю, шишани кўрпачанинг остига тиқиб қўйди.

— Какликшўрва! — деди у ўзига ўзи мамнун оҳангда. — Буниям насиб этган ейди. Емайдиган, ичмайдиганлар ернинг остида ётибди. Шунақа...

Келинчак шарпасизгина келиб, эрининг олдига бир коса шўрва қўйди. Ўзига ҳам шунчаки косанинг тагида овқат сузиб, унинг қаршисига ўтирди.

— Нега ўзингга бунча оз? — деди эр косадаги шўрвани ҳўриллатиб ичаркан. — Бу аҳволда мазанг қочиб қолади.

У туғилажак болани назарда тутиб шундай деганди. Келинчак қизариб кетди. Анчагача тили калимага келмай эрининг қаршисида бошини қуйи солганча ўтирди.

Чўққилар узра хира булутларни итқитиб кўтарилаётган ўн кунлик ой тиниқ ва бегубор осмонни оппоқ ёғдуга белади. Қишлоққа пода қайтар маҳалидан кейинги қисқа муддатли жимлик чўкди. Бу пайтда уззукун ўз ташвишлари билан елиб-югурган аёллар куннинг энг сўнгги юмуши — сигир соғимини тугатиб, дастурхон атрофига ўтиришади. Қолган-қутган сутини тортқилаганча бузоғи эмган сигирларнинг оғзи ҳам кўкка тегади.

У худди шу куни, Яккабулоқдан тўққизта каклик отиб келган куни кечқурун дастурхон устида ўтириб, бундан буён нима қилиш кераклиги ҳақида узоқ ўйлади. Овчилик қилиб ҳам кун кўриш мумкин. Лекин барибир ишлаш керак. Ишласанг одамларнинг кўзига ёмон кўринасан. Ўрмон ёки дала қоровуллигига ўхшаган далада даштда юрадиган бирорта иш топгани маъқул. Бироқ қанча ўйламанса, овчиликсиз тирикчиликни кўз олдига келтиролмади. Биров унга

милтиқни мана бундай отгин деб ўргатгани йўқ. Лекин шу пайтгача бирорта ўқи хато кетганини эслай олмайди. Демак, овчилик уларнинг ота-боболари қонида бор. Отаси айтгандек, бу касбни ундан кейин кимдир давом эттириши керак. Ота касбни қадрламасанг, бир умр нонинг ярим ўтасан.

Эртаси куни у милтиғини елкасига осганча яна тоққа қараб кетди. Лекин ов қилиш учун бирорта сойга эмас, тўппа-тўғри ўрмон хўжалигининг Боғмозордаги участкаси бошлиғи Ҳайитбой тоғбегининг олдига борди. У отини эгарлаб, тоғ айланмоқчи бўлиб турган экан.

— Нега милтиқ кўтариб юрибсан? — деди тоғбеги, унинг саломига бош ирғаб алик оларкан, елкасидаги милтиққа ишора қилиб.

— Ўзим шундай.

— Ов қилмоқчимисан?

— Йўқ.

— Нега бўлмаса милтиқ кўтариб юрибсан?

— Қўйдан қайтаётгандим, — деди у нима деб жавоб қилишини билмай.

— Кимнинг ёнида қўй боқасан?

— Салим чўпоннинг ёнида.

— Ҳа, Салим совуқ биланми? Қўрмаган эканман. Хўш, қандай шамоллар учирди сени биз томонга?

Тоғбеги отда, у яёв тоққа қараб ўрлашди. От бошини осилтирганча юриб ўрганган сўқмоғидан кетиб борар, ундан қўйидаги сўқмоқда енгил чориқда милтиқли йигит чаққон одимларди.

— Сизнинг олдингизга бир маслаҳат билан келувдим, Ҳайитбой ака, — дея гап бошлади у хансираб.

— Қандай маслаҳат экан?

— Мени ишга олмайсизми?

— Иш қаёқда дейсан, ука? Тўртта қоровуллик штатида ҳам одам бор, — жавоб қилди бош тоғбеги ҳафсаласизлик билан.

— Тоғбегиликка жуда ҳавасмандман-да.

— Тоғбегиликка эмас, овчиликка ҳавасманддирсан.

— Овчилик қилиш учун тоғбеги бўлиш шарт эмас-ку.

— Сени бемалол ов қилишингга индамай қўйиб беришар экан-да.

— Ҳақиқий овчилар ҳар бир сойга биттадан қоровул қўйсангиз ҳам, барибир овини қилаверади. Улар билан ўчакишиб, ғашига тегмаган маъқул.

— Ўҳ-ҳў, даминг баланд-ку.

— Шунчаки айтдим-қўйдим-да, — деди у ноўрин гапириб юбордим шекилли, деган хаёлда чўчиб.

— Сенга қоровулликни берсам, отангга қўшилиб тоғдаги қумурсқагача отсанг керак.

— Агар мен тоғбеги бўлсам, биринчи галда отамни тоққа йўлатмайман, — деди у қатъий оҳангда.

— Оббо мўлтонидан чиққан ботир-ей, ўз чодиримга ўт қўяман дегин?

— Давлатнинг иши ота-болаликни кўтарадими?

— Сен болада бир гап борга ўхшайди, — деди тоғбеги муғом-бирона жилмайиб.

— Менда қўп гап бор, ака, — жавоб қилди у, тоғбегининг жилмайганидан дадил тортиб.

— Дангал ва мард болага ўхшайсан. Ростини айт, мени олдимга сени биров юбордими ёки ўзинг келдингми?

— Ўзим келдим.

— Ростини айт?

— Рост!

— Бўладиган гапни айтсам, сен менга ёқдинг. Бу учи-қуйруғи йўқ тоғларга сендек тоғбегилар керак. Қўйиб берсанг, одамлар шу тоғларни ҳам бўлиб олишади. Лекин бўш ўрин йўқроқ-да...

— Бир иложини қилинг энди, ака.

— Отиш масаласида қалайсан?

— Заргалдоқни десангиз ҳам отиб келаман. Мен учун сизнинг гапингиз гап, бошқаси билан ишим бўлмайди.

— Катта кетиб юборма, ука. Мен мақтанчоқлардан қўрқаман. Лекин сени Жарбулоқ участкасига қоровул қилиб оламан. Фақат бир оз сабр қилишга тўғри келади. Ражаб тоғбеги жиноят қилиб, милицияга тушибди.

— Бир йил десангиз ҳам кутаман.

— Урмончиликка сенга ўхшаган жонини жабборга бериб ишлайдиганлар керак. Бўғоз байтални лўкиллашиб тоғ айланиб юрган билан иш битмайди. Дов-дарахт ҳам тирик жон, у ҳам меҳрга муҳтож.

У тоғбегининг оти билан баравар юриб борарди. Аҳён-аҳёнда елкасидаги милтиғини тўғрилаб қўяр, пешонасидаги терни артганча бош тоғбегининг сўзларини жон қулоғи билан тингларди.

— ...Майли, ҳозирча бекор юрмагин. Ишчи кучи ёллаб, Қутчисойда зира билан тоғ ўтларини тердирыпмиз. Зирани териш вақти ўтиб кетяпти, бодом ҳали пишмаган. Жуда қийналяпмиз. Ҳамма совхознинг иши билан банд. Ишлайдиган одам йўқ. Ишлаётганларга бошчилик қилиб турасан. Сендек бир қаттиққўл одам бўлмаса, планни бажаролмайдиганга ўхшаймиз. Тўрт-беш сўм чойчақа ҳам ишлайсан, қишлоқ бодомингни ғамлаб оласан.

— Яхшилигингизни ўн баробар қилиб қайтараман, ака, — деди у энтикиб, хурсандлигини яширолмай.

— Қайтармасанг ҳам майли, лекин унутмасанг бўлгани, — деди бош тоғбеги, олис-олисларга маънос тикилиб.

Улар тоғнинг барча сойлари кафтдек кўриниб турадиган Кўк-қўтон дарасига етиб келишганди. Тоғу тошларда юравериб ўрганиб қолган тоғбегининг оти ҳафсала билан кўм-кўк ўтга оғиз урди. Эгаси сувлиғини чиқариб қўйди. Этакда сойнинг шарқираши эшитилар, турнақатор, паст-баланд арчалар сокин ва салобатли туюларди. Яқингинадан инсон зотини кўрса барча жониворларни огоҳлантирадиган олаҳакканинг овози эшитилди. Овчиларнинг бу бехосият қушга кўзлари тушса бас, отиб ташлашади.

— Мен мақтанчоқ эмасман, — деди у, бош тоғбегининг гапига салмоқли жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб. — Сиз менга отам қилмаган яхшиликларни қиялпсиз, буни билмасам, нонкўрлик бўлади.

— Кўпам ўзингни оқлайверма. Бу яхши эмас. Қуруқ гапни ёмон кўраман. Эсимни танибманки, тоғ кезаман. Минг бир турфа одамни кўрдим. Инсон табиат қўйнида ўзлигига қайтиб, асл қиёфасини яширолмай қолади. Тоғ — инсон қалбини юмшатади, юрагига ишонч ва эзгулик уруғини ташлайди.

У шу куни уйига мамнун қайтди. Уйлаган иши бу қадар силлиқ битганига ишонмас эди. Ишқилиб, энди ишга шайтон ораламаса бўлгани. Шунақа, йигитнинг омади бир келса келаверади. Аммо бир орқага кетдими, устма-уст оёғинг тояверади.

Уйга кириб келганида, хотини ҳали-бери чанги босилмайдиган ҳовлига сув сепарди. Сув сепган сари қуруқ тупроқ ҳиди анқирди. Унинг жилмайиб кириб келаётганига кўзи тушган келинчак супургисини қўлидан қўймай унга тикилганча туриб қолди. Уни илк бор шундай ғалати ҳолатда кўриши эди. Одатда у қувонганда ҳам атайлаб қовоғини уйиб юрар, худди бировга аччиқ қилиб кулаётганга ўхшарди.

— Ҳа, мени биринчи кўришингми? Худди айиқни кўргандек ағрайиб қолдинг? Ишлар яхши, — деди у мийиғида кулиб.

— Ишга жойлашдингизми? — деб сўради келинчак, эри энди тайинли бир ерда ишлашидан қувониб.

— Бир кунда бориб ишга жойлашадими? Сенга ҳаммасини айтиб ўтириш шарт эмас. Қорнинг тўқ, устинг бут бўлса бўлди-да!

У шундай деди-ю, худди чолларга ўхшаб гапирганидан ўзи ҳам уялиб кетди. Хотини билан кўзи тўқнашмаслиги учун ҳовлининг ўнг томонидан кесиб ўтадиган ариқчага қараб юрди.



— Какликларнинг қолганини қовур, — деди баланд овозда, сувни сачратиб ювинаркан.

Келинчак ишини йиғиштириб, ўчоқ бошига гап-сўзсиз йўл олди. Тарашани майдалаб, ҳафсала билан ўчоққа қалади. Олов ловуллаб ёнаётганда танасида яна ўша ёқимли ҳис уйғонди... Кечадан бошлаб ўзида пайдо бўлган бу ҳолат ҳақида ўйламасди. Бу туйғу уни аллалар, элитар ва турмушнинг майда-чуйда ташвишларини нутишга ундарди.

...Муштдеккина бўлиб қолган қуш гўшлари ёгда сузарди. У қозонга картошка тўғраб солди-да, ёгини тортсин учун нон бурдаларини ҳам ташлади. Эрининг иш топганидан хурсанд эди. Одам боласининг нима биландир андармон бўлгани маъқул.

Эртаси куни эрталаб у Жарбулоқ дарасига зира ва тоғ ўтлари тераётганларни қидириб кетди. Бош тоғбеги, ўша ерда учрашамиз, деган эди. Ўрмон хўжалиги билан шартнома асосида ишлаётган мактаб ўқувчилари учун бу иш мароқли эди. Улар ҳазил-мутойиба билан дараларда зира, кийик ўти ва яна аллақандай ўсимликларни йиғишарди. Кечга яқин у бош тоғбеги билан қишлоққа қайтди.

— Бизнинг қишлоқ устидаги участкани берсангизчи? — сўради у хайрлашаётганда.

— Э-э, қизиқ бола экансан. Нима қиласан ўз бошингга жанжални сотиб олиб. Ўз қишлоғинг одамлари билан ишлаш қийин бўлади. Бирови тоғанг, бирови амакинг, яна бири қўшнинг. Хуллас, ҳамма таниш. Уларга ботиниб бир нима деёлмайсан.

— Давлатнинг ишида тоға-жиянлик кетадими?

— Шундай деймиз-у, икки оёқ бир этикка тикилганда кўзимиз ҳеч нарсани кўрмай қолади, ука. Гапимга қулоқ сол. Айтганларимни қулоғингга қуйиб ол. Зиён кўрсанг, айтасан. Ўз-ўзингдан узоқда юрганинг маъқул. Узагингни ўзингники узади. Бегона эса, ҳайиққаниданми, ҳурмат қилганиданми, сенга ёмонликни раво кўрмайди. Обру ошдан, жанжал қариндошдан. Ёғ топганда ёт яхши, қон ичганда қариндош, дейдилар. Сен ҳали ёшсан, ука. Бошинг тошга теккани йўқ. Сен доимо битта нон топсанг, яқинларинг «бир бурдасини менга бериши керак эди» деб ўйлашади. Бир бурда нонни биттасига берасан, иккитасига берасан, ҳамманинг кўнглини олиб бўлмайди-ку. Ана шунақа гап, оғайни, жарбулоқликлар сенга унчалик таниш-билиш эмас. Кўзингни чирт юмиб одамларни ҳам, мол-қолни ҳам Новқадан юқорига ўтказмай тураверасан. Қани гинг деб кўришсинчи? Сенинг орқангда бутун бошли давлат, қонун турибди.

— Тўғри, оқсоқол, айтганларингизнинг ҳаммаси тўғри, — деди у маъқулловчи овозда, Ҳайитбой тоғбегининг донолигидан ҳайратга тушиб.

— Кўпни кўрдик, ука. Қари билганни пари билмас дейдилар...

Орадан бирор ой чамаси вақт ўтгач, уни ўрмон хўжалигининг Жарбулоқ участкасига тоғбеги қилиб тайинлашди. Бу хушхабар ўрмон қоровуллари билан гижиллашиб юрадиган Раҳмон овчининг қулоғига шу қадар ёқиб тушдики, бир ҳафта бурун хотинига, Назарқул тентакдан одам чиқса чиқадику, ерга қараган бу ўғлингдан одам чиқмайди, деб юрган ўғлини беихтиёр мактай кетди.

— Ўзи у ёшлигидан пухта эди, — деди Раҳмон овчи хотинининг юзига қарамай. — Эсингда борми, ўша мен Самарқанддан олиб келган този билан басма-бас чопарди азамат. Шунда бу боладан бир нарса чиқади деб ўйлардим. Мана, айтганим келди...

Унга битта от, эгар-жабдуқ ва эски қўшотар милтиқ беришди. У айниқса милтиғи иккита бўлганидан қувонарди. Оти ҳам чакки эмас. Кўзини боғлаб қўйсанг ҳам Ойқорнинг ҳар қандай ўнгирларидан бемалол юраверади. Тоғу тош кезавериб пишиб, чайири чиқиб кетган. Уззукун минсанг-да чарчамайди. Хуллас, омади бор экан. Ошиғи олчи келди.

Эрининг иши бу қадар осон кўчганидан келинчак ҳам ҳайрон эди. Бу одамови, чўрткесар ва гап ёқмас эри қишлоқда ҳамма ҳисоблашади-ган бу ишга қандай жойлашганига ақли етмасди. «Тоғдаги жониворларни қўриқлаш ўрнига, отиб битиради-ку» деган гап ўтди хаёлидан. «Инсофга кириб қолса зора».

Фикрини эри сезиб қоладигандек шарпасиз юриб, ўчоқ бошига кетди. Учоқда овқат пиширилмасе ҳам, ўт ёнарди. Унинг қўли бўшади дегунча ўчоққа шох-шабба қалаб, ўт ёқарди. Бутун дунёни унутиб, оловга термулиб ўтирар, олов эса вужудига ҳузур ва ҳаловат бахш этиб, чарсиллаб ёнар, ўчоқдан буралаб чиқаётган тиллари билан унинг қўлларини яларди.

Бир кун кечга яқин унинг уйига машинада кутилмаганда бош тоғбеги келиб қолди. У тушгача тоғ айланиб, эндигина гувалак қуйиш учун лой қораётганди. Шошганидан лойга ботган оёқлари билан бошлигининг истиқболига чиқди. Бегона одам келаётганини кўрган келинчак желаги билан юзини беркитганча ўчоқ бошида куймаланди.

— Қирғиз пул топса, хотин олади, ўзбек пул топса, уй солади, деган гап тўғри экан-да, — деди бош тоғбеги, машинадан чиқиб оёққўлини ёзаркан.

— Бировнинг уйда турибмиз. Икки хоналик бўлса ҳам бошпана қурмасак бўлмайди, — деб жавоб қилди у, аҳволидан хижолат чекиб.

— Хайрият, уйда экансан, — деди меҳмон садақайрағоч остидаги омонатгина турган сўри томон юраркан.

— Ҳар куни ишдан кейин гувалак ташлаяпман, — деди у, бир меҳмонга, бир оёғига қараб. Сўнгра оёғини ювиш учун ариқчага қараб юрди.

— Ҳа, тирик жонга бошпана керак. Уй-жойинг бўлмаса, биринг икки бўлмайди. Эсимга солгин, ёғочдан қарашвораман, — деди ийиб кетиб бош тоғбеги.

— Қуллуқ, ака, ёғоч бўлса, уй битди деяверинг.

Сўрига дастурхон олиб келган келинчак желаги билан юзини тўсиб, эгилиб салом берди.

— Кўп яша, қизим, раҳмат. Қўша қариб, ували-жували бўлинглар, — деди тоғбеги. — Қўчқордек ўғил берсин, ўзларингдан кўпайинглар!

У ювиниб келиб, сўрининг четига оёғини осилтириб ўтирди. Дастурхонни ёзиб, нон синдирди. Келин чой ва мева келтирди. У чойни қайтариб, иккинчи пиёлада меҳмонга узатди.

— Шошиб турибман, қайтишим керак. Келинга айт, овқатга уннаб овора бўлиб юрмасин, — деди меҳмон чой хўпларкан. — Бир арзимаган иш билан келувдим. Районда ишлайдиган Файзикул Сатторовни биларсан?

— Эшитганман.

— Шу киши шофёрини юборибди, эллик-олтмиштача чумчуқ оттириб бериб юборсин, деб.

— Ие, чумчуқни нима қиларкан?

— У кишининг шунақа одати бор. Ошга чумчуқ бостириб ейди.

— Е тавба! Шунақасиям бўларкан-да?

— У ёғини суриштира. Бу ҳақда бировга гуллаб юрма. Бўлмаса, иккимизга ҳам Бахмал райони торлик қилиб қолади.

— Тавба! — деди у, яна ёқасини ушлаб.

— Дунёда шунақа ёқа ушлайдиган ишлар кўп. Ҳар бирига бош қотираверсанг, ҳеч иш қилмасликка тўғри келади. Сочма ўқинг борми?

— Бор.

— Мен эҳтиёт шарт ола келгандим. Асқотади. Эртага эрталаб, тонг ёришмасдан совхознинг Каттасойдаги омборхонаси томон борасан. Семиз чумчуқлар ўша ерда бўлади. Агар у ерда учрамаса, Хонназар ёки Шодибек бобонинг тегирмонлари атрофидан топасан. Соат ўнларга одам юбораман.



— Кўнгилни тўқ қилинг, — деди у, бошлиқ ўзини яқин олганлигидан меҳри товланиб.

— Мен қайтаман энди. Кийган тўнинг эскиради, лекин кийдирганинг эскирмайди.

— Овқатга қарамасангиз ҳам, бафуржа чой ичиб борардингиз, — деди у ҳам ўрnidан қўзғоларкан.

— Ичган чой, ука. Бир пиёла чой бир чақирим йўлдан қолдиради. Борай.

Кейинги кунларда иш ва қурилиш ташвишлари билан елиб-югуриб овнинг хумори тутиб юрганди. Тонг ёришмасдан милтигини елкасига осганча тоққа қараб жўнади. Қишлоқнинг у ер бу еридан хўрозларнинг қичқириви эшитилар, қишлоқ ширин тонг уйқусида эди. Бу пайтда уйқу шу қадар ширин бўладики, уйингни ўғри уриб кетса ҳам сезмайсан. Унинг руҳи тетик, кайфияти чоғ эди. Овнинг бароридан келишига кўзи етиб турарди. Тўппа-тўғри тоғ этагидаги совхознинг колхоз тузуми йиллари қурилган эски омборхонасига борди. Омборхона атрофида тўкилган дон-дунга ўрганиб қолган қушлар галалашиб учиб-қўниб юрарди. Чумчуқ тўпи орасида тўрғай, сойдан учиб чиққан ҳар хил қушлар ҳам бор эди. Омборхона бўғотига қўниб мудраётган мусичалар тонг ёришишини кутиб, бошларини ҳурпайган патлари орасига тортиб олганди. Майналар галаси бетартиб чағиллашарди. У тонг қоронғусида ўқ отсам, битта-яримта одам ёки мол-қолга тегиб кетар деб ўйлаб, тонг ёришишини кутди. Чумчуқлар атрофида бемалол донлаб юришарди.

Қушларнинг қалинроқ тўпини мўлжалга олди-да, уларни учуриш учун тош ирғитди. Икки ўқ билан икки галани отди. Ўқ овози сойда акс садо бериб, тинди. Осмондан дўлдек дувиллаб чумчуқ тўкилди ва улар ерда анчагача бодрокдек питирлашди. У чумчуқларни териб, тўплади-да, ўтириб олиб бирма-бир бошини кесди. Олтмиштача чумчуқ халтага юк ҳам бўлмади. Қолган-қутган қушлар галаси эса омборхонадан бир чақирим узоқдаги қирларга бориб қўнган эди.

Халтани елкасига ташлаб қайтаётганда, беихтиёр хаёлига ёшлигида болалар билан айричўпга резина боғлаб чумчуқ овлашгани ва кулга белаб, пишириб ейишгани келди. «Биз-ку бола эдик, ҳеч нарсани тушунмасдик, бироқ кап-катта, бунинг устига амалдор одам қандай қилиб шу бир сиқим парни ер экан, — деган ўй ўтди кўнглидан. — Бу одамзоддан ер юзида ҳеч нима қолмас экан. Уруш пайтида мактаб ўқувчиларига тошбақа йиғдиришган эди. Уни ҳам кимлардир эса керак-да».

Уйга қайтиб келганида, қуёш энди Ойқор ортидан бош кўтарган, офтоб нуридан пана сойликлар ҳали нимқоронғи эди. Қишлоқ этагидан подачининг «ҳайда-ҳайда»си эшитиларди. У хотинининг кўзи тушмаслиги учун халтани оғилхонага яшириб қўйди. Бироқ зум ўтмай иккита мушук оғилхонадан чумчуқ тишлаб чиқди. У сўкинганча мушукларни қувлаб юборди. Халтани сомон орасига яхшилаб беркитди. Сўнгра кийимини алмаштириб, лойхонага тушди.

Соат ўнларда «Москвич» машинасида Ҳайитбой тоғбегининг ўғли қондан қизарган халтани олиб кетди. Чошгоҳга яқин гувала қуяётганида отаси кўринди.

— Ҳорма! — деди Раҳмон овчи, ўғлининг астойдил ишлаётганидан ичида мамнун бўлиб. — Уйга камқатновсан. Нима, биздан хафамисан? Яхши эмас. Болалар доимо оталарни кечирishi керак, — гапида давом этди овчи, кўм-кўк ўт устига чордона қуриб ўтираркан. — Хотинингга айт, бир чойнак чой дамлаб келсин. Қорним ҳам оч, лекин иштаҳам йўқ. Еш ўтган сари бир жойинг қўйиб, иккинчи жойинг оғрийвераркан.

У ўзларининг уйлари билан Турсунбой чўпоннинг уйи оралигидаги бўш жойга санглоқдан тош ташиб чиқиб, бино учун пойдевор солганди. Чой ичиб ўтиришганда отаси унга қоғозга ўроғлик пул берди.

— Сенга ҳеч нарса беролмадим. Тутуннинг аччиғини мўри биледи. Овчиликдек бемаза тирикчиликдан ҳеч кимнинг қосаси оқармаган. Эрталаб чумчуқ отганингни кўрдим. Чакки эмас. Эҳтиёт бўлгин. Оз қолди икки-уч дона сочманг менга тегиб кетишига. Тоққа қараб кетаётгандим. Нима қилиб чумчуқ отиб юрибсан?

— Бошлиққа керак экан, — деди у ерга қараб.

— Бунақа майда-чуйда жониворларни отма. Уволига қоласан. Одатда овчиларнинг душмани кўп бўлади. Тирик жонга озор бергани учун уларни кўпчилик хуш кўрмайди. Лекин ишлари тушса тово-нингни ялашади. Ашулачига ўхшаб овчи ҳам маҳалланинг хабарчидек гап. Одамларга кунига эмас, кунда керак бўлади. Мен ҳам бировга ақл ўргатадиган даражада доно одам эмасман, ўғлим. Лекин ўзим амал қилиб келган гапларимни сенга айтиб қўйишим керак. Ҳеч қачон нокаста нон берма. Бу дунёда ҳалол, покиза яшаш керак. Тўйганинда ўзингни тўхтат. Одамни одам, ерни сув бузади. Емонга ёндошма, яхшиларнинг этагини қўйиб юборма. Ароқ ичма, биринг икки бўлмайди. Хотинингга яхши гапир. Яхши хотин терини ултон, эрини султон қилади. Отиш қўлимдан келар экан деб дуч келган жониворга ўқ узаверма.

Кекса овчи ўғлига яна нималардир деб насихат қилган бўлди. У ҳеч қачон отасини бу каби мўмин-мусулмон ҳолатда кўрмаган эди. Олтмишни қораласа ҳам, ёш йигитни қувлаб етадиган овчининг икки ўғли уйли-жойли бўлиб чиқиб кетгандан сўнг бағри бўшаб, хомуш тортиб қолди. Дастлаб уйдаги ғовур-ғувурдан қулоғи тинчиб, ташвиши камайгандек кўринди. Кўп ўтмай эса, у шу серташвиш ҳаётга ўрганиб қолганлигини, шусиз яшаш қийин эканлигини англади. Теварак-атрофдагиларнинг ҳаммаси ўз кунини кўриб кетади-ю, охир-оқибатда бу ҳайҳотдек уйда у кампири иккаласи қолади. Бир-бирига термулиб кунни кеч бўлишини кутишади. Хайриятки, тоққа чиқиш учун ҳали мадори бор. Эртага Уртақирдан нарига ўтолмай қолганда қандай яшар экан? Йиллар барибир ўз ишини қилади. Умринг тугаб бораётса ҳамки эртаги кунга умид билан боқасан. Ниманидир кутасан...

— Уйни ёпишга ёғоч керак бўлса, чорбоғдаги тераклардан беш-олтита етилганини кесиб қўй. Деворни кўтаргунга қадар қуриб қолади, — деди отаси ўрнидан қўзғалар экан, — укаларингга айтаман, гувалак қўйишга кўмаклашишади.

У чопонини елкасига ташлаб, бошини салгина эгиб кетаётган отасининг орқасидан кузатганча серрайиб туриб қолди. Хаёлидан «ишинг юришиб кетса, сенга отангни муносабати ҳам ўзгариб қоларкан» деган фикр ўтди-ю, бундан ўзи уялди. Дарвоқе, у Жарбулоқ участкасига тоғбеги қилиб тайинлангандан бери Қўштамғали участкасининг қоровули отасига индамай қўйганди. Қўштамғали Ойқорнинг ов учун энг қулай жойи. Бу ерда тустовуқнинг ўзидан бир неча хили бор. Илгари эса Раҳмон овчи тоғбегининг оғзини мойлаб туришга мажбур эди. Қўли текканнинг оғзи тегади.

Орадан кўп ўтмай Раҳмон овчи кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. У хотинига қуён гўшtidан қовурдоқ қилдириб, отасини кўргани борди. Отаси эса фақат тоғни суриштирди. Тоғу тошни кезиб юрган овчига бетобликдан даҳшатли жазо йўқдек туюлди.

— Жарбулоқда какликларнинг жўжасини отадиган бўлиб қолгандир, — деди Раҳмон овчи, энтикиб деворда осиглик милтиғига қараб кўяркан.

— Сиз соғлигингизни ўйланг, қанча каклик керак бўлса олиб келиб бераман, — деди у кўп нарсаларга қурби етадиган голибона овозда.

— Гап каклик гўшти ейишда эмас.

У ерга қараганча индамай ўтирарди. Кейинги пайтда ёлғизлик инсофга келтирган отасининг гап-сўзи ўзгариб қолганди.

— Сал бўлмаса эсимдан чиқаёзибди. Оломондаги Нарзуллани танийсанми? Жўлбек тақачининг ўғли.

— Танийман.

— Шу кўкйўтал бўлиб қолган экан. Утган якшанбада, бозорда, иккита кўкқарға отиб беришни сўраганди. Қўярда-қўймай чўнтагимга пул ҳам солиб қўйди. Кўкқарғалар ҳадемай иссиқ томонларга учиб кетади. Тўртта кўкқарға отиб, укангдан бериб юбор. Билсан, кўкқарға пастроқ жарликларга уя қўяди. Йўл бўйларига тўкилган дон-дунни териб ейиш учун келади. Галахирмонжой дашти этагидаги жарликларда тўп-тўп бўлиб учиб юрганини кўрганман. Яхшиси ўша томонга бор.

У бош ирғаб, хўп ишорасини қилди. Болалари билан камдан-кам бу қадар эркин гаплашадиган отасига негадир бирдан раҳми келиб кетди. Отам бечоранинг фарзандларидан бўлак кими ҳам бор, деб ўйлади. Отасининг ов анжомлари турадиган тоқчадан бир сиқим сочма ўқ олди. Уйига келиб отини эгарлади-да, Галахирмонжой даштига қараб кетди. От устида ота-боболари айтиб келган севимли, қадимий қўшиқни хиргойи қилиб борарди.

Дашт этагидаги жарликларга етмасданоқ йўл бўйидаги гулхайрига кўниб турган кўкқарғага кўзи тушди. Отлиқ яқинлашганда кўкқарға «қағ» этиб ўттиз қадамча наридаги бошқа бир гулхайрига кўнди. Теварақ-атрофдаги бошқа кўкқарғаларни чўчитмаслик учун у қушни отмади.

Дашт этагидаги кечувга етганда отдан тушиб, мажнунтол соясида бир оз ўтирди. Муздек булоқ сувидан симирганда танаси яйраб кетди. Пишиллаганча мажнунтоллар тагидаги бўлиқ ўтларни ямламай ютаётган отини тушовлаб қўйиб, жарлик томон юрди. Отасининг айтишича, уруш йиллари тоғ этагидаги бу кафтдек текисликда колхознинг асосий хирмони бўлиб, дон янчиларкан. Қўлда ўриб олинган бугдой шу ерда янчилиб от-арава ва эшакларда Ғаллаоролга жўнатиларкан. Бундай машаққатли меҳнатни етти пуштимиз кўрмаган, дерди отаси.

Этакда қандайдир ўлакса устида айланишаётган калхатлар кўзга ташланарди. Қуёш тиги қайтганлигидан дарак бериб, тўрғай чулдирар, узоқлашгани сари сойнинг шарқираши пасайиб эшитиларди. У ўзини тоғу тошда содир бўлаётган катта-кичик барча ҳодисаларга мутасадди деб ўйлар, борган сари бу фикрга ўзи ҳам астойдил ишонарди. Бу туйғу унга ҳузур бахш этар, ғайратини жўштирарди. Чексиз арчазорлар ва ҳайҳотдек сойларда ҳукмрон бир хилдаги ҳаёт менга боғлиқ, бу ерларда хоҳлаган ишимни қилишим мумкин, деб ўйларди. Агар у истаса, бирорта сурув нари турсин, битта улоқни ҳам Новқасойдан нарига ўтказмаслиги мумкин. Одамгарчилик отангнинг қули эмас, мушук нари турсин, сичқон ҳам офтобга бежиз чиқмайди, дер эди унинг ҳамкасби Пардабой. Бунақа гапларни унга ҳеч ким ўргатмаганди. Теварак-атрофда бўладиган воқеа ва ҳодисаларни кўриб туриб, шу гап тўғри бўлса керак, деб ўйларди. Ҳар йили ангор тугаши билан Салим чўпон тоғбегига битта қўй бериб, сурувини тоғ ичкарисидаги мол оёғи тегмаган серўт сойларга ҳайдаттирарди. Бош чўпон бир гал семиз қўчқорни тоғбегиникига олиб боришни унга топширди. Саидқул тоғбеги ҳеч нарса кўрмагандай, худди чакана отардан ўз қўчқорини олиб келишгандай қўйни қўрасига қамаб қўйди. Унга ҳатто, чой ич, ҳам демади. Демак, ҳамма нарсани қилиш мумкин. Бунинг учун энг аввало одамлар сендан ҳайиқиши керак.

Унинг хаёлини кўкқарғанинг «тра-тра»си бузди. Ун қадамча нарида каттакон чигирткани тишлаган кўкқарға атрофга алангларди. Оёғининг орасидан питирлаганча эчкиэмар ўтиб кетди. Даштда осойишта сокинлик ҳукм суларди. Сарғайиб, бир неча бор севалаб ўтган ёз ёмғиридан намиққан ўт-ўланлар юмшоққина бўлиб, тахир ва ёқимли ис таратарди. Бу ҳид орасидан аврик билан какранинг димоқни қутиқловчи аққимтил ҳиди ажралиб турар, гўё бутун даштга туянинг жунидан қилинган кигиз тўшалгандек эди. Шарқ томондан эсаётган Тошоҳур шамоли сой бўйидаги кўм-кўк ўт-ўланларнинг барра ҳидини олиб келарди.

У қушни кўздан қочирмай милтиғини елкасидан олди. Отмасдан кўкқарғанинг ҳаракатини кузатди. Ўлжасини тишлаб олган қуш дашт этагидаги жарликларга қараб учди. У қушларни чўчитмаслик учун секин қадам босиб, кўкқарғани кўздан қочирмай борарди. Кўкқарға ўлжасини болаларига улашиш учун тўғри жарликка шўнғиди. Жар бўйида тизилишиб турган бир неча кўкқарға ёқимли куз қуёшида исинишар, қанотларини ёзиб қашинишар, чамаси иссиқ ўлкаларга учишга ҳозирлик кўришар эди. Зум ўтмай қушлар тўпига яна бир жуфт қўшилди.

У юришини секинлатиб, оҳистагина ерга чўзилди. Юзтубан ётганча паррандалар ҳаракатини кузата бошлади. Энди фақат мўлжалга олиб тепкини босиш қолганди. Жарликдан отилиб чиққан бир кўкқарға (бу ўша чигиртка олиб келгани эди) бор овозда «тра-тра»лай кетди. У мўлжалга олгунича тизилишиб турган қушлар баб-бараварига жарга шўнғишди.

— Ҳаҳ, аблаҳ! Огоҳлантирди! — деди у паст овозда худди бировга гапираётгандек. — Ҳозир кўрсатаман сенга!

У жарликкача эмаклаб борди. Инлари оғзига қўниб олган кўкқарғалар басма-бас «тра»лашарди. У чойнакдек келадиған тошни олиб, жарликка улоқтирди. Жарликдан қағиллашиб ўн беш чоғли кўкқарға учиб чиққанда устма-уст тепкини босди.

Шу йили қаттиқ совуқ тушиб, қиш астойдил бошлангунга қадар у ҳашар қилиб, уй деворини кўтарди, томини ёпиб олди. Қурилишнинг қолганини келгуси йил баҳорда давом эттиришни мўлжаллаб қўйди. Эшик ва деразаси йўқ уй қиш бўйи қўлга тушган ўтинчиларнинг шох-шаббаси билан тўлди. Қишлоққа туташ участканинг қоровули янги арчаларни кесиб қўлга тушган тоғчиларнинг ўтинини қаерга қўйишини билмай ҳамкасбининг уйини сўраган эди.

У қисқа муддатда бош тоғбегининг энг ишончли одамига айланди. Бошқа қоровулларнинг бунга ғаши келиб ғийбат қилишар, битта-яримта гапини ҳеч кимга бермайдиган, тиш қоққан тоғбегилар қандай қилиб бўлса ҳам, унинг пайини қирқмоқчи бўлишарди. Бир кун улар шу ҳақда гаплашаётганларида у тасодифан келиб қолди. Уларнинг гапи қулоғига чалинди. Шериклари жим бўлишди.

— Гапираверинглар, — деди у тишини ғижирлатиб. — Бировни ноҳақ ғийбат қилаверинглар, гўрларинг куяди.

У шундай деди-ю, отига қараб юрди. Бошлиқ катта-кичик барча юмушларни унга буюрар, у ҳам ҳар қандай ишни кўнгилдагидан ортиқ қилиб уддаларди. Ҳатто қишнинг қоқ ўртасида Қизилтошдан чилла уйқусига кетган айиқни ҳам отиб келди. Кимдир бошлиқдан айиқ териси сўраган экан. Айиқнинг терисини шилаётганида гўшт билан тери орасидан учта чўчка ўқ чиқди.

Бироқ даромаднинг мазаси йўқ эди. Уни шу нарса ўйлантирарди. Оладиган маошига мушук офтобга чиқмасди. Чўпонлар ҳам кейинги пайтда участка қоровули билан келишиб ўтирмай, ўрмон хўжалиги кассасига пул тўлаб ёки энг катта бошлиқнинг кўнглини топиб, сурувларини ҳайдаб келадиған бўлишганди.

У одатдагидек тоғ айланиб юрган эди. Бахмалсойнинг ўнг бетиде Тошмурод чўпоннинг суруви ёйилиб юрарди. Соё тарафдан сурув итлари вазоҳат билан ҳуриб, алланимага ташлангани қулоғига чалинди. Сўнгра ўқ овози эшитилди. Чўпон ҳай-ҳайлаганча итларни олқишларди. У отини шартта буриб, соё томон йўрттирди. Тошмурод чўпоннинг итлари қандайдир жондорни ўртага олиб талашарди. У етиб борганида, сурувнинг чўлиғи узала тушиб ўлиб ётган каттакон бўрини милтиғининг қўндоғи билан турткилаб, кўздан кечирарди.

— Ўқ энсасидан тегибди, — деди чўпон, келган отлиқнинг афтига ҳам қарамай. — Умримда биринчи марта бўри отишим. Итларнинг кўзини шамғалат қилиб иккита совлиқни бўғизлашга улгурибди.

Кўкиш эркак бўрининг боши қонга беланиб ётарди. Танасининг

итлар тишлаган жойидан ҳам қон оқар, лекин кўзидаги нур ҳали сўнмаганди.

— Иккаласини ҳам ҳалол қилдим, — деди уларнинг олдига етиб келган иккинчи чўлиқ. — Тиши ўткир экан, биқинидан човигача тенг иккига бўлиб ташлабди.


— Буни нима қиласан? — деб сўради у, бўрини отган чўпондан.

— Эшакка ортиб совхозга олиб бораман. Мукофотига пул беришади, — деди чўпон мағрур оҳангда.

— Уҳ-ҳў, ишинг зўр-ку! Қанча беришади? — Қизиқсинди у. — Арзимаган пул берса керак.

— Кетмай туринг, бир соатда бориб келаман. Кўрасиз. Жондорнинг ўлигини бўлим идорасига олиб бориб кўрсатиш керак.

Чўпон эшагини уриб-сўкиб, бўрининг олдига зўрға судраб келди. Жондорга кўзи тушган эшак ҳуркиб, ер тепинарди. Иккови бўрини бир амаллаб эшакка ортишди. У эшагини халалаб кетаётган чўпонга тикилганича хаёл суриб қолди. Чўпоннинг шу гапи рост чиқса, у ҳам ҳар куни биттадан бўри отиши мумкин-ку! Узи чўлиқ бўлиб ишлаган совхозда ҳам бўри отган чўпонга битта кўзи беришарди. Ана даромад, мана даромад. Бу фикр хаёлида чарх уриб айлана бошлади. У тоғнинг қаерида бўриларнинг ини борлигини, улар қаерларда тўпланишини беш қўлдек билади. Шу ўйда у сурувнинг чўққи томон ўрлаётган



**РАССОМ  
АЛЬБОМИДАН**

**ТУШЛИК**



бўлагини қайтариш учун от жilовини сой бетига қараб бурди. Иккинчи чўпон бўри чавақлаб кетган қўйларнинг терисини ажратиб, гўштини нимталарди. Сурувни қайтариб, отнинг сувлигини чиқарди-да, чопонини тўшаб, устига ётди. Анчадан сўнг чўпоннинг қораси кўринди. У бўлиқ арчазор оралаб кетаётган эчкиларни пастга қараб ҳайдади-да, отини етаклаганча сойга тушди. Чўпоннинг оғзи қулоғида эди.

— Юз сўм беришаркан, — деди чўпон ҳовлиқиб. — Эрталаб келгин, қоғозларни тўғрилаб қўямиз, қўл қўйиб олиб кетасан, дейишди.

— Ишинг чакки эмас.

— Сизни ҳам жуда мерган овчи деб эшитганман, — деди чўпон эшагини тушовлаб келиб, офтобада чой қўйишга киришаркан. — Бўрига насиб этмаган гўштан қовурдоқ қиламиз. Хуржунда яримта бор.

— Унчалик эмас, — жавоб қилди у истар-истамас.

— Бўриям отганмисиз?

— Одамдан бошқа ҳамма нарсани отганман.

— Айиқ ҳамми?

— Ҳа!

— Уҳ-ҳў!



КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИ ҚУРИЛИШИДА

Низомиддин ХОЛИҚОВ  
расмлари

— Айт-чи, бўрилар кўпроқ қай маҳал сурувни безовта қилади?  
— Кўпинча саҳарда, энди сурувни ёйиб чиқаётганимизда. Очиқ-қан сурувнинг олди анча илгарилаб кетади. Қолган-қутган қўйларни тўплаб қўзғатгунга қадар серкалар икки қир ошади. Итлар гингшиб, уйқуси ёзилгунча анча вақт ўтади. Қорни оч бўлганда эса, дуч келган маҳалда тажовуз қилади. Айниқса бўрилар тўда-тўда бўлиб юрганда кўринг томошани. Ҳеч нарсадан тап тортишмайди. Текис яйловларда бир нави, бундақа тоғда қийин. Мингдан ошиқ қўй ёйилиб кетгандан кейин қайси тош ёки арчанинг панасини пойлаб бўлади. Ўтган ойда иккита совлиқни бўри чавақлаганди. Тошмурод ойлигимни ярмини бермади, номард. Худди мен атайлаб бўрига олдиргандек. Шунақа қилаверса, Эргаш чўпонга ўтиб ишлайман. Сўнг панжакентликларга икки баробар ҳақ тўлаб, ялиниб-ёлвориб сурувини боқтиради.

— Совхоздан ойлик оласанми ёки ўзи ёнидан тўлайдими?

— Ойига уч юз сўмга келишганмиз.

— У бу пулни қаердан топади?

— Қаердан топарди. Давлатнинг молини энидан олиб, бўйига ямайди. Қўйларнинг семизини ориқ, каттасини кичик қилади. Тўрт юздан ошиқ чакана қўй бор. Бу қўйларнинг эгаларига жун керак эмас. Бир кило жун фалон пул. Икки юз чоғли чакана учун ойига бир сўмми-икки сўмдан пул ҳам олади.

— Қолган икки юзтасига-чи?

— Қолгани қандайдир одамларники. Бош ҳисобчиникиям бор. Уларнинг қўйи ўлмайдиам, бўри ҳам емайди.

— Нега?

— Улса, акт қилдириб, ўрнига совхознинг қўйидан қўйиб қўяди.

— Шунақа дегин.

— Тағин бировга айтиб юрманг, тоғбеги ака. Менга шу куним ҳам кўплик қилиб қолмасин. Бош чўпонимиз шунақа пихини ёрган, пухта кишики, одамни бузоқдай қилиб оғзини боғлаб, онасига қўшиб қўяди. Бировга беҳисоб қишда қор бермайдиганлардан. Еттита ўғли бор, лекин бирортаси ҳам пичоққа соп бўлмайди. Бошқага ишонмай нонниям чўлиқларга ўзи ташийди. Уйда пулнинг ҳидига туриб бўлмайди-ю, яғирини чиқариб битта костюмни саккиз йил кияди.

— Қўй, оғайни, хотинларга ўхшаб бировни гийбатини қилаверма.

— Мен ҳеч қачон бировнинг ҳақини емаганман, ака...

— Ҳамма ўзини инсофли, яхши одамман деб ўйлайди. Дунёнинг ярмини еганлар ҳам, қолганиям менинг насибам эди, дея армон билан кетишган.

Қўлбола ўчоққа қўйилган офтоба шақирлаб қайнади. Чўпон ранги қорайиб, кир босиб кетган тунука чойнакка чой дамлади. Кўп ўтмай, шериги тол товоқда қовурдоқ олиб келди.

— Ойқорнинг қаерида бўри кўп бўлади? — сўради у, ўзи ундан яхши билса ҳам.

— Уша Бўриўйнарда-да. Кўкқўтон ва Нўшкент бетда ҳам кўп. Хуллас, тоғ тўла жондор. Тун яримдан оғиб, эл оёғи тинганда, чор атрофни қашқир босиб кетади. Тўда-тўда бўлиб юришади. Бир гал ўттизтачасини кўрганман. Шундай пайтда одам туриб фил дуч келса ҳам, теп-текис қилиб кетишса керак.

— Хайр, оғайни. Саломат бўл. Чой учун раҳмат.

— Ўтган-қайтганда келинг, гурунглашамиз. Бу тоғу тошда тентак қўйга ўхшаб ким билан гаплашишингни ҳам билмайсан.

У отнинг сувлигини бўшатганча ўз ҳолига қўйиб келар, қўлидаги силлиқ дастаси зарангдан қилинган қамчи билан этигининг кўнжига уриб қўярди. У бўри ови ҳақида ўйларди. Бундан беминнат ва сердаромад овни топиш қийин. Кийик ёки олқор отиб, гап эшитиб юргандан бу минг марта афзал...

Уйига яқинлашганда ҳовлида хотин-халажнинг қораси кўринди.

Наҳотки хотинининг кўзи ёриган бўлса? У хотини билан бу ҳақда гаплашишга уялади. Хотини эса ундан беш баттар уятчан. Фақат кечаси чироқни ўчириб, кўз-кўзга тушмайдиган бўлгандагина у дидллашади. Етти ухлаб тушига кирмаган ширин сўзлар тилига келади. Гоҳида хотинини ҳайратга солиб айтган сўздан ўзи ҳам ҳайрон бўлиб, унга қўшилиб ҳузур қилади.

Ишқилиб ўғил бўлсин-да. Ҳар қалай ўғил ўғил-да. Бир кун хотинига ҳазилу чин: «Агар қиз туғсанг, онангникига олиб бориб қўяман», деб юборди. Оғзидан шу сўз чиқиб кетганига минг пушаймон қилди. Бечора эрталабгача йиғлаб чиқди. Унинг эса кўз ёшга тоқати йўқ. Бировнинг йиғлаганини кўрса, жини кўзийди.

Отини қоziққа боғлаётганида ичкаридан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. У вужудини қоплаган ғалати туйғудан эсанкираб, серрайиб турарди. Юраги ҳаприқиб, тез-тез ура бошлади. Назарида ўзини бирдан улғайиб, кўпни кўрган одамдек ҳис этди. У ҳовли ўртасида онаси уйдан чиқиб, суюнчи сўрагунга қадар серрайиб турди. Уйда тутатилаётган исириқнинг унга болаликдан қадрдон ҳиди димоғига урилганда негадир кўзи ёшланди.

— Янги меҳмон қутлуғ бўлсин, болам! Ўғил! Суюнчига Ойқор тоғини берсанг ҳам озлик қилади! Ишқилиб умри, ризқи билан берган бўлсин, бирам бўлимтол болаки!.. Туф-туф! — дерди қувончдан энтиккан онаси елиб-югураркан.

Боя вужудини қоплаган ғайритабиий туйғу энди шу қадар ёқимли эдики, у бўғзига тикилиб қолган қувонч сасини зўрға тўхтатиб турарди. Ўзини босиқликка солиб, отни яланғочлади-да, охурга боғлади.

— Отингни нарироқ боғла! — деди онаси баланд овозда. — Отнинг деви бўлади. Болага даккиси тегмасин тагин.

У тимирскиланиб нишхўрд чайнаётган отни ечиб, айвонга боғлаб келди. Нима қилишини билмай, сўрида оёғини осилтириб узоқ ўтирди. Чопонини елкасига ташлаб қирга чиққанида, сойда шу участканинг тоғбегиси кўринди.

— Ўғил кўрдим! — деди у, оғзининг таноби қочиб, Мавлон тоғбегига.

— Ўҳ-ҳў! Қутлуғ бўлсин, оғайни! Ризқи бутун, боши тошдан бўлсин! — астойдил алқарди Мавлон. — Энди бир эрийсан! Ишга кирганингда ҳам ҳақ бермагандинг! Ҳаммасидан бир йўла қутулсан! Яша, азамат!

Улар қирда қоронғи тушгунга қадар суҳбатлашиб ўтиришди. Эртага барча тоғбегиларни Кўкқўтондаги булоқ бўйида меҳмон қилишни маслаҳатлашишди. Эрталаб магазиндан бир хуржун арақ оладиган бўлишди. Кечаси уйга кирмай чакмонига ўранганича сўрида ётди. Тонг уйқусида уни Мавлон уйғотди. Милтиқларини осганча отларига миниб, Ойқор томон ўрлашди. Улар, эрталабки ов барорли бўлади, дб ўйлаб боришарди. Тераклисойга етганларида тоғ этакларидаги нўхатзорларни пайҳон қилиб юрган бир тўда тўнғиз учради. Бошқа ҳайвонларни чўчитмаслик учун ўқ узишмади.

— Нўхатни экишга экиб, қўриқламайсанми, нодон! — сўкинди Мавлон. — Одамлар жуда нонкўр бўлиб боряпти-да.

— Мен бирорта олқор отиб сизларни Кўкқўтонда кутаман. Бориб Ҳайитбой ака билан тоғбегиларни айтиб келмайсизми? — деди у шеригига.

Мавлон от жilовини икки қир наридаги бош тоғбегининг уйига қараб бурди. Ов ташвишидан қутулганидан хурсанд бўлди. Мавлоннинг ҳечам ови юришмаган. Милтиқ олди дегунча қўли қалтирайверади. Назарида отган ўқи қайтиб келиб ўзига тегадигандек туюлаверади.

У эса отини қича, Қизилтош чўққисининг этагидаги олқорлар яшайдиган дарага қараб борарди. Бу даралардаги ўт-ўланларни ўриш ва ёввойи меваларни териб олиш таъқиқланган. Қиш бўйи қор

остида ётиб, баҳор ёмғирида ивиган доғли ўт-ўланлар ва қуруқ меваларни олқорлар ҳузур қилиб ейишади.

Отини тушовлаб, булоқ бўйида қолдирди-да, чўққи томон ўрлади. У Ойқорнинг олқорлар ва кийиклар тунайдиган барча жойларини ва сув ичадиган булоқларни болалигидан биларди. Каттакон харсанг устига чиқиб, оғир чўқди. Энди ҳаракат қилса, олқорларни ҳуркитиб юборади. Теварак-атрофини ўраган уч чўққидан бирортасининг бетиде олқор ёки кийик кўриниб қолар. Фақат сабр-тоқат билан кутиш ва кузатиш керак.

Қуёшга қараган чўққиде майда тошларнинг шиқирлагани эшитилди. Каттакон малла она айиқ икки боласини ёнига олганча қашиниб, керишарди. Бир ойлик чамаси болалари калта олдинги оёқлари билан бир-бирларини туртишар, умбалоқ ошиб ўйнашар эди. Она айиқ осмонга қараб ўқрайиб қўяр, пилдирашаётган болаларини кўздан қочирмаслик учун тез-тез ён-верига қарар эди.

Кунгай бетде айиқ кўриндими, демак, олқор ёки кийик бўлмади, дея ўйлади у. Ишқилиб, шарманда бўлмаса бас. Айиқларнинг ҳаракатини кузатиб зерикди. Милтигини сўл томондаги чўққига тўғрилаб, арчалар орасини кузата бошлади. Тошлар орасиде оқариб нимадир қимирлагандай бўлди. У шу томонга қараб йигирма қадамлар чамаси эмаклади. Қаршисидеги кекса арча ортидан олқорнинг гажакдор шохи кўринди. Шерикларининг ҳидини олган шекилли, чўққига қараб кавш қайтарарди. Яна бир оз эмаклаб яқинлашиши ёки олқорнинг чўққига қараб чиқишини кутиши керак эди. Олқорни қўлдан чиқармаслик учун нафасини чиқармай эмаклай бошлади. Шу аснода яна ўн беш қадамларча силжиди. Олқор эса арчанинги орқасидан бошини чиқарганча ҳайкалдек қотиб турар, эринибгина кавш қайтарарди.

У милтиқ тигини харсанг устига қўйиб, олқорнинг бошини мўлжалга олди. Тоғни ларзага келтириб қўшотар гумбурлади. Олқор бошини кўтариб, одам баробар чамаси юқорига сакради, кунгай бетде ўзини баҳор офтобига тоблаётган айиқ ўкириб юборди. Овчининг димоғига қўр ҳиди урилди. Олқор паналаб турган арча силкинарди. Милтиқ овози бир неча бор акс садо бериб тинди. Тинчлиги бузилган бир тўда каклик пириллаганча булоқ томонга учди. Атрофни тошранг тоғ чумчуқларининг безовта чирқиллаши тутиб кетди.

Тоғнинг осойишталиги бузилган эди. Милтиқ овозидан қулоғи битиб, у ҳеч нимани — ирмоқчалар шилдирашини ҳам, қушлар сайроғини, қуёш нуруни эмганча шудрингини тўки бош кўтараётган ўт-ўланлар шовурини ҳам эшитмасди. Ҳаллослаб ўлжаси томон югурди. Бошидан ўқ еган олқор кўзлари қонга тўлганча ўтларни топтаб, типирчилаб ётарди. Ниҳоят олқор ҳолдан тойганда, бўғзига пичоқ солди. Ўт-ўланлар ва арчанинги ўткир ҳидини бўғиб, аллақандай тахир ҳид димоғига урилди, тоғда ҳаёт тўхтагандек эди. Арча ортида яна бир нечта олқор борлигини, ўқ овози эшитилганда, улар отилганча чўққига чиқиб кетганини у кейин пайқади. Пичоғини ўтга артиб қинига солди-да, олқорнинг қони тийилишини кутди. Сўнгра ўлжасини орқалаганча булоқ томон юрди. Бир булоқ суви оқадиган жилгадан ўтаётганида милтиқ ушлаган чап қўли қичитқи ўтга тегиб кетди. Аччиғи чиқиб, ғижиниб сўкинди. Ўт теккан кафтининг усти ловуллаб ачишарди. Шунда бирдан ҳаёлига келган фикрдан маънос тортиб, қадамини секинлатди.

«Қўлингга қичитқи ўт тегиб кетганга шунча жиғи-бийрон бўляпсан! Ўзинг эса тоғни тўлдириб юрган шундай жониворни ўлдириб, индамай орқалаб кетяпсан-ку!»

Унинг эти жунжикиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Боши осилиб, қони силқиётган олқор зил-замбилга айланди. Бўғзига нимадир тиқилди. Кимдандир, нимадандир аламини олгиси келарди. Олқор жасадига кўзи тушган от безовталаниб, ер тепинарди. Занжирли

тушовнинг шақирлагани баттар гашилини қўзғар, от қулоғини чирмирганча қўзларини олайтириб, бошини сарак-сарак қиларди.

«Номаъқул иш шу тилсиз ҳайвонга ҳам ёқмайди. Хўш, нима қилиш керак? Мен отмасам, Мавлон тоғбеги отади-ку...»

Хаёли чувалашди. Жаҳл билан отнинг тушовини ечди. Эгасининг кайфияти бузилганини пайқаган от бошини қуйи солганча истаристамас унинг измига бўйсунарди. Чавандозлардек қилиб олқорнинг икки орқа оёғини тақимидан ўтказиб олиб, эгарнинг қошига боғлаб қўйди. От пастликка қараб секин тушарди. Олқорнинг буралиб кетган шохлари шарақлаб харсангга тегар, у хомуш эди. Этакда теп-текис бўлиб чўпонлар ўтов тикадиган Кўкқўтон дараси ястаниб ётарди. Ҳар йили даранинг икки четида иккита ўтов бўларди. Бу йил битта. Утов олдида ғимирлаб одам кўринди.

— Қўйнинг қаерда? — деб сўради у, ўзи томон келаётган чўпонни таниб.

— Тангатопдида!

— Сен нега қўшда қолдинг?

— Тобим йўқ.

— Мана буни терисини шилиб ташла.

У чўпоннинг дуч келганига суюнди. Олқорни отганимга шунча қийналдим, терисини шилгунча дилим хуфтон бўлади, дея ўйлаб келаётган эди.

— Қимиз топса бўладими? — сўради чўпондан у, отини тушовлаб қайтиб келаркан.

— Сутлибулоққа, қирғизларнинг қишлоғига тушиб келиш керак, — жавоб қилди чўпон.

— Бўлмаса олқорни саранжомлаб бўлиб отни минасан, оғайни. Ўзинг биласан, яхшилигинг бизда қолиб кетмайди.

Чўпон йўқ деёлмади. Ҳозир улар учун тоғбегилардан катта одам йўқ. Ғиринг деса сурувини тириқтириб қувади. У чўпонни қимизга жўнатиб, гўштнинг ярмини қозонга солди. Булоқдан сув олиб чиқди, ўтин майдалади. Кўп ўтмай этакда учта отлик кўринди. У каттакон арчанинг остига пўстакларни тўшаб, жой ҳозирлади. Улар етиб келмасданоқ қичқириша бошлади.

— Яша, ўғлон!

— Йигит деган мана бундай бўлибди!

— Ризқи билан берган бўлсин! — деди бош тоғбеги.

— Арақ қани? — деди Пардавой тоғбеги, енгини шимариб ишга киришаркан.

— Ана, хуржунда, — деди у, бу тантанаворликни юрагига сиғдира олмай.

Пардавой тоғбеги бир шиша арақни қозон бошида турган тунука косага қуйиб, бир кўтаришда сипқорди. Сўнгра телпаги билан оғзини беркитиб, кўзини сузганча туриб қолди.

— Пардабой тоғбегини фалончилар арақ ичириб ўлдириб қўйишибди, деган маломатга қолмайлик, — деди ўчоқ бошига келиб, шўрванинг тузини кўраётган Мавлон.

— Ана энди ишга киришсак бўлади, — деди ўзига келиб Пардабой. — Ўзим бир бошлаб тандир кабоб қилай.

Улар шу кунни Кўкқўтонни танг қилишди. Уларнинг назарида, дунё фақат тоғлардан иборат бўлиб, барча тоғларга улар ҳокими мутлоқ эди. Мавлон тоғбеги кайф устида ўтган-кетган чўпонларни тергади. Бош тоғбеги унинг попугини пасайтириб қўйди.

— Шунақа номаъқулчилик қилаверсанг, думингни тугаман, ука, — ўшқирди у Мавлонга. — Тоғ ҳалол, покиза жой. Бу ерларда тўғри, одамларга озор бермай яшаш керак. Сенга қўйиб берса, тезагинг билан теваалашасан. Бўри ҳеч қачон ўз ини атрофидаги сурувга тегмайди. Биз эса одаммиз. Бизнинг тақдиримиз шу одамлар тақдирига туташ. Иложи бўлса, бировга ёрдам бер, ёмонлик сени четлаб ўтади.

Улар булоқ бўйида ўтлаб юрган отларини эгарлаб, кўч-кўронлари-

ни йиғиштириб жўнагуналарига қадар атрофга тошдек қоронғу тушди. Кўкқўтонга Оқбой чўпоннинг суруви қайтди. Тоғу тошни қўй ва эчкиларнинг маъраши тутиб кетди. Утов ёнида гулхан гурилларди.

Унинг кайфи ошганди. Умрида бундай тўйиб ичмаганди. Қулоғига ҳеч кимнинг гапи кирмас, сурувнинг маърашини эшитмасди.

— Мен қоламан, Ҳайитбой ака. Кўп ичиб қўйибман. Отам сезса, таъбни тириқ қилади, — деди зўрға тили айланиб.

— Майли, биз кетдик, — деди Ҳайитбой тоғбеги, Пардабой палапартиш эгарлаб келган отнинг эгар жабдуқларини тўғриларкан. — Тоғда ётиш маза.

Улар наридан-бери хайр-маъзур қилиб жўнашди. Арча ҳидини анқитиб ёнаётган гулханнинг олдида унинг ёлғиз ўзи қолди. Чўпонлар сурувни бир жойга тўплашарди. Гулхан алангаси теварак-атрофни ёритар, баҳайбат сойлар зимистондек қоронғилик оғушида эди.

Менинг ўғлим бор, ўйлади у ўзича. Уғил. Ҳали шундай зўр йигит бўлсинки. Сўнгра эсига онасининг, чилласи чиққунча хотинингни ёлғиз ташлаб кетма, деган гапи келди. Чатоқ бўлди-да. Лекин бу аҳволда қандай қилиб уйга боради. Жаҳли тез отаси дуч келган одамнинг олдида дўппослаб кетишдан ҳам тоймайди. Нима бўлсаям қолгани маъқул. Йўқ! Кўзи ёриган аёлнинг олдида қирқ кунгача эркак зоти бўлиши керак. Акс ҳолда аёлга ёлғизликда қийин бўлади. Ўринбой подачи хотинини ёлғиз ташлаб кетганда, ваҳима босиб ўлиб қолган. Жўнаш керак, тезроқ жўнаш керак. Унинг оёқлари тош боғлаб қўйгандек оғир, бутун танасига игна санчиб ташлангандек зирқирар эди. Хотинининг олдида онаси бордир. Ўғли йўқлигини била туриб уни ёлғиз ташлаб қўймас. Бироз чўзилса, ўзига келиб қолар, унгача ой ҳам чиқиб, атроф ёришади.

У совуқдан қалтираб уйғонди. Олдидаги гулханнинг кўри зўрға милтиллар, чўпонлар чакмонларига ўранганча ухлашарди. Бирортаси устимга тўниниям ёпиб қўймабди, дея хаёлидан ўтказди. Утирганча совуқдан карахт бўлиб қолган оёқ ва қўлларини қимирлата бошлади. Кайфи тарқаган, боши лўқиллаб оғрир эди. Тўнини кийиб, телпагининг қулоғини тушириб олди.

— Ҳа, йўл бўлсин! — деди Оқбой чўпон, чакмон орасидан бошини чиқариб.

— Қизлоққа! — деб жавоб қилди зўрға тили айланиб. Лаби зўрға қимирлади. Шунинг учун «ш» ҳарфи «з» бўлиб чиқди. Ҳолига ачинди.

— Тонг отсин, жўнарсан, — деди Оқбой яна ётишга чоғланиб. — Сурувни безовта қилма.

— Бориш керак! — деди у гўлдираб.

— Ўзинг биласан.

У бир амаллаб отини эгарлади-да, йўлга тушди. Тун ярмидан оққанди. Фақат шу пайтда тоғ сокин ва бешовур бўлади. Худди шу пайтда қашқирлар тоғнинг яккаю ягона ҳоқимига айланади. Яна бирор соатдан сўнг чўпонлар сурувларини кўзгайди. Шунда отарнинг олди билан орқаси бир-биридан анча узоқлашиб кетади. Чўпонлар кўзини ишқалаб қолган-қутган қўйларни йиғиб ҳайдаётган, итлар эса думини қисганча пана жой қидираётган бўлади. Бўрига эса худди ана шундай пайт керак. Агар жондор битта бўлса, бир неча қўйни бўғизлаб, сўнгра биттадан ейман, деб ўйлайди. Агар улар бир нечта бўлса, битта қўйни ўлдириб, бир-биридан қизганиб ейишади...

Сой тарафдан беҳосдан бўрининг чўзиқ увлаши эшитилди. Тиловберди бобонинг тепалигида ой ёғдусида тўртта бўри чўнқайиб ўтирарди. Йўл шу тепаликнинг 'остидан ўтади. Бўрининг овозини эшитган от қулоғини чимириб, безовталанди. У милтигини беихтиёр қўлига олди. Тўрттала бўри ҳам унга қараб турар, пинакларини бузмай отлиқни кузатишарди. Отсамикан? Ғашига тегсанг, ташланиши мумкин. От ҳам жондорлардан кўзини узмасди. Бўрилар уни масхара қилгандек чўзилиб ётиб олишди, бири баданини қашир, иккинчиси ётиши билан бургасини тутмоқчи бўларди. Тепалик остидан ўтса

бўриларни кўздан қочирарди. Шунинг учун йўл қолиб, отни сўл тарафдаги тепалик ён бағирлатиб солди. От ҳам буни сезиб шитоб билан тепаликка қараб ўрлади. Жилловини қўйса, от чопиб кетиши мумкин эди. Лекин қашқирларга қўрқанини сездирмаслик керак.

Сенлар билан эртага ҳисоблашаман, ўйлади ўзича. Қишлоққа етмасидан яна битта жондор учради. Кўкиш озғин жондор, ҳансираганча тоққа қараб чопиб борарди. У ҳалигина ўзини менсимаган махлуқларнинг қасдини шу бўридан олмоқчи бўлди. Милтигини елкасидан олиб, отнинг жилловини тортунга қадар бўри ўзини сойликка урди.

У уйга ланж ва нохуш кайфиятда кириб келди.

— Қаерларда тентираб юрибсан? — деди от дупурини эшитиб ҳовлига чиққан онаси. — Қим айтади сени чиллала чақалоқнинг отаси деб. Хавотир олиб, кечаси билан мижжа қоқмай чиқдик.

— Шундай бўлиб қолди, — деди у онасининг юзига қарамай.

— Ранг-рўйинг бир аҳволда. Отанг Мавлонникига укаларингни юбортириб, икки хуфтонгача суриштирди.

— Нега суриштиради?

— Кимгадир ёввойи эчкининг терисими, айиқнинг ўtimi керак экан.

— Яхши.

— Мана, бола-чақангга эгалик қил. Мен ҳам уйимга борай. Боланг катта бўлгандан кейин шу тирикчилик экан. Уғлинг еб ўрга кетар, қизинг еб қирга кетар, ҳай-ҳай, шу сассиқ чолим яхши экан...

У отини боғлаб, эгарини олди-да, уйга қараб юрди. Хонадан чақалоқ йиғиси эшитиларди. У бир хил бўлиб кетди. Кирадини ҳам, кирмасини ҳам билмай, остонада туриб қолди.

Чошгоҳда хотини отаси келганини айтди. Раҳмон овчи сўрида оёғини осилтирганча тоққа тикилиб ўтирарди.

— Хм-м-м, кеча зиёфат қуюқ бўлган шекилли,— деди ўғлини зимдан кузатиб.

— Шунақа бўп қолди,— деди у, белбоғи билан юзини артаркан, овози қалдираб.

— Ҳозирдан маишатга ўрганма, биринг икки бўлмайди.

— Бир бўлди-да, ўғил баҳона...

— Ҳа, айтгандек, ўғил муборак! Боши тошдан бўлсин! Лекин ота-боболаримиз фарзанд туғилганда ҳечам май ичиб тантана қилишмаган.

— Бошқа қайтарилмайди. Келинингиз отам от қўйиб берсин деяётганди.

— Шуниям келин айтган. Сени эса хаёлингга ҳам келмайди. Отини ўйлаб қўйганман. Оти Тоғбой бўлади. Сенинг тоғбеги бўлган пайтингдан эсдалик.

Эртасига Раҳмон овчи хотини билан яна ўғлиникига келди. Кўлини орқасига қилганча ҳовлида бир оз айланди.

— Келинга айт, болани даҳлизга олиб чиқсин,— деди ўғлига зимдан тикилиб.

Юзини желаги билан беркитиб олган келин эшитилар-эшитилмас салом берди.

— Уҳ-хў-ў! Қани, Раҳмон овчининг неварасини бу ёққа олчи! Зўр йигит бўлади, ҳали бу азамат! Ризқи бутун бўлсин!— деди овчи неварасини қўлига олиб. Сўнгра нималарнидир ўқиб қулоғига уч марта, ҳаммага эшиттириб: «Сенинг отинг Тоғбой!» деди-да, чақалоқни келинига қайтариб берди.

— Бир гап бор эди,— деди овчи ўғлига ўгирилиб.— Ҳеч айиқ отганмисан?

— Йўқ. Нима эди?

— Урганасан. Қўлингга милтиқ олгандан кейин бу ишни охирига етказиш керак. Бошини мўлжалга ололсанг, битта ўқ кифоя. Бўлмаса ўлмайди. Қайтага ўзингга ташланади. Менинг милтиғимни олгин. Шу

милтиқ билан қирққа яқин айиқ отганман. Бир кишига айиқнинг ўти керак бўлибди. Хотини ўпка касал экан. Духтурлар одам бўлмайди дейишипти. Айиқнинг ўтидан бўлак барча дори-дармонни қилишибди. Иложи бўлса, Мавлонни олиб кет. Тоғнинг қаерида айиқ борлигини яхши билади.

— Эрта тонгда йўлга чиқамиз. Ўтган куни Қизилтошда учта она-бола айиқни кўргандим.

— Иложини қилсанг, ёлғиз юрган эркак айиқни от. Айиқнинг эркаги қорамтир-малла, озгин, узунроқдан келган бўлади.

Раҳмон овчи ўғлига берган топшириғидан кўнгли тўлиб, қўлини орқасига қилганча уйига қайтиб кетди. Овчи хурсанд эди. Шундай кетса, ўғли турнанинг кўзидан урадиган овчи бўлиб етишади. Овчилик ажойиб касб шу, лекин у билган бирорта овчи яхши ўлим топмаган. Аҳён-аҳёнда уни уй ташвишга солади. Ўғли тоғбегиликка қизиқиб, балки овчиликни ташлаб юборар.

Овчининг ўғли эса бўрилар ҳақида ўйларди. Кечанинг ўзида бешта бўри кўрди. Агар бешовини отганда совхоздан беш юз сўм мукофот беришарди. У шу ўйда совхоз ҳисобхонасида ишловчи Маҳкам аканикига қараб жўнади. Маҳкам ака илгари ғаллачилик бригадасида бошлиқ эди. Одамлар устидан ёза-ёз қилиб бўшатишди. Ҳозир совхоз ҳисобхонасида ишлайди. У эски «ИЖ-49» мотоциклини чуқулаб, ишга жўнамоқчи бўлиб турган экан.

— Хўш, муддаога кўч, менда нима ишинг бор? — деди Маҳкам ака мойга беланган қўлини артаркан. — Жа бу эски пат-пат жонга тегди-да.

— Бир нарсани сўрамоқчи эдим. Бўри отганларга бизнинг совхозимизда ҳам мукофат бериладими?

— Бўлмасамчи! Нега берилмас экан!?

— Қанча беришади?

— Директорнинг хоҳишига боғлиқ. Биз илгари битта қўзи берардик. Ҳозир эса ўртача эллик, юз сўм атрофида берамиз. Директор рўйхуш билдирса, икки юз ҳам бериш мумкин.

— Мен ҳам отсам тўлашадими?

— Сен отдингми, бошқа отдими нима фарқи бор!?

— Эртага олдингизга отган бўримни олиб бораман.

— Олиб бор, бир йўла пулини ҳам олиб бераман.

Эртаси куни тонгга яқин қишлоқдан чиққан икки отлик Ўртабаланд тепалигини тик кесиб ўтиб, тоққа қараб ўрлади. Улар тепаликка чиқиб жондорлар ҳаракатини кузатмоқчи эдилар. Қишлоқ атрофида изғиб юрган бўрилар эса аллақачон уларнинг исини олиб, дуч келган жар ва сойликка уриб кетишганди.

— Бекор тепаликка чиқдик, жондорлар шовуримизни сезишиб, ғойиб бўлишди, — деди Мавлон тепалиқдан тушаётганда.

У бош ирғаб шеригининг гапини маъқуллади. Улар сойликнинг тубига кириб борган сари тоғ бағри қорайиб, қишлоқ тараф ёришарди. Отлар терга ботиб, ҳансираганча илгариларди.

— Бу тоғлар сенга қарайди. Қаерда айиқ кўп? — сўради у.

— Қизилтошда-да. Ҳатто у ерда одамхўр айиқлар ҳам бор дейишади.

— Уруш пайтида қўлга туширса, одам айиқни, айиқ қўлга туширса, одамни еган.

— Инсон зоти ичига жир битса, ўтган кунини унутади. Кўриб турибсан, айрим одамлар нон билан мол боқишаётир. Бу яхшилик аломати эмас.

— Пастроқда айиқ йўқми, — шеригининг гапини бўлди у. — Ўтган кунги олқорни ҳам ўша томондан отгандим. Негадир оёғим тортма-япти.

— Қизилтошга от билан бошқа йўлдан бориб бўлмайди. Пастроқда эса узоқ кутишга тўғри келади. Учрамаслиги ҳам мумкин.

— Бундан кейин айиқ отмаслик керак. Бўрига ўхшаб кўп ва хавфли бўлганда, бошқа гап эди. Ҳадеб тинчлигини бузаверсак,



айиқлар Панжакент тоғларига ўтиб кетишади. Илгари ўзимизнинг шу тоғларда йўлбарс ҳам бўлган дейишади.

— Шу гапни отангга уқтирсанг яхши бўларди.

— Тўғри.

— Ўзиям борган сари овдан қоляпти. Тоғ-тошда кўп юролмайди. Шунинг учун ҳам айиқ отишни сенга айтган.

Улар Қизилтош этагидаги булоққа етганда чўққилар учудаги қорлар қизғиш тусга кириб, қуёш кўтарила бошлади. Арчазорларга нур югуриб, ердан чириган ўт-ўланлар ва зах ҳиди кўтариларди. Салқин эпкин ялпиз ва сув ўтлари исини димоққа уради. Қора терга тушиб ўрлаётган отлар хансирашар, кайфияти чоғ эгалари эса тоғ ҳавосида енгил нафас олишар эди. Булоққа етганда тўхтаб, отларни тушовлаб, ўтга қўйиб юборишди. Ҳовучлаб сув ичишди. Иштаҳалари очилиб, булоққа нон ташлаб ейишди.

— Қорин ҳам тўйди. Ана энди фил отсак ҳам бўлади,— деди Мавлон, милтиғини кўздан кечираркан.

— Сизга қўйиб берса, бутун тоғни жонивору дарахти билан сотиб юборасиз,— кесатди у шеригига.

— Тўғри айтасан. Мени кесолмас эдилар-у, минг афсуски, болтанинг дастаси ўзимдан-да, дер экан тол. Шунга ўхшаб сен билан мен шу тоққа мутасаддимиз. Нима номаъқулчилик қилсак, биров мушугимизни «пишт» демайди. Бошқалар эса биздан ҳайқишади. Ҳаёт шунақа экан-да, оғайни: қўл тегса, оғиз тегади. Сен билан менинг кучим айиқ билан олқорга етади. Бировлар эса бир-бирини... Кўпам кўнгилчан бўлма, кун кўролмайсан. Айниқса бу тоғда. Арчаларни қўйдек қилиб семизини ориқ, каттасини кичик қилолмайсан. Ҳозирги кунда тош ҳам пул, бироқ уни бу ерлардан олиб кетолмайсан. Хўш, аҳвол шундай экан, ўзинг айтчи, мен қандай қилиб тўққизта болани боқишим керак? Одамнинг қопдек қорни, енгдек ичаги йўғ-у, лекин бировдан кам бўлгинг келмайди, ука.

У, тўладан келган, чалпақдай юзига иссиқ ва совуқ тегаверганидан қорайиб кетган, одамларнинг борди-келдисига кўп аралашвермайдиган Мавлон тоғбегида шундай гаплар чиқади, деб ўйламаганди.

— Тўғри,— деди у нима дейишини билмай.

— Сен ҳали ёшсан, ука. Мен ўн уч йилдан бери мана шу тоғу тошда санқийман. Тоғ шунақа бир жойки, бу ерда тошбақагаям қанот битади. Дардингни тоққа айтсанг ҳам, дард эшитасан.

Улар гурунглашиб, Қизилтошнинг белига етиб келишганди. Беғубор ҳавода теварак-атрофдаги ҳар бир дов-дарахт ва ўсимлик бор бўй-басти билан кўзга аниқ ташланарди. Арчалар орасидаги зирк ва заранг дарахтининг барги қуёш нурида товланиб, кўзни қамаштирарди. Эрта тонгда уйғонадиган тоғ чумчуқлари бетиним ғужурашарди. Этакда сой босиқ шарқирар, унинг овози тоғ-тошда акс садо бериб гувилларди. Ойқор чўққиларидаги мангу музликлар бетини қоплаган янги қор қуёш ёғдусида тўлин ойдек ярқирарди.

— Нариги бетда учта она-бола айиқни кўргандим,— деди у, ўнг томондаги чўққи ёнбағрини кўрсатиб.

— Икки бетда ҳам айиқ инлари бор. Уларнинг кўпи мени танийди. Яхши отолмаслигимни ҳам билишади. Ҳечам айиқ отмаганман. Орамиздаги дўстликка сен хиёнат қиладиган бўлдинг.

— Кўнглингиз чопмаса, отмайман.

— Йўқ! Отмасанг бўлмайди. Битта гап камлик, иккита гап кўплик қиладиган ўжар отангдан балога қоламиз.

Улар арчалар орасига бекиниб, узоқ кутишди. Гап-сўзсиз иккиси икки томонни кузатишарди. Ҳаво илиб, шабнамлар ҳовур бўлиб кўтарилар, нам тупроқ ва бугдойиқнинг ҳиди анқирди. Сойдан какликларнинг сайроғи эшитилар, тоғ этакларида ва Яссиқўтонда ёйилиб юрган сурув кўзга ташланарди.

— Ана!— деди Мавлон энтикиб паст овозда.— От! Тез бўлгин, кетиб қолади! Сув ичгани тушаётган бўлса керак! Олча олдида тўхтади.

Қуриган олчаларни еяпти!

— Эрталабдан сув ичмайди! Ҳозир!..

Айиқ шохларида ўтган йилги меваси қолиб кетган тоғолча остида тўхтаб, чўнқайиб ўтирди. Аввал ерга тушган меваларни тергилаб еди, сўнгра шохни қайириб, мевасини лаби билан сидириб ея бошлади.

У мўлжални аниқ олди. Ўқ отилганда Мавлоннинг қулоғи битиб қолди. Улар ярадор айиқ томон югуришганда бошқа бир айиқнинг ўкиригани эшитилди. У шоша-пиша Мавлоннинг қўлидаги милтиқни олиб, атрофни кузата бошлади. Тепаликдаги харсангдан пастга тушолмаётган иккита айиқча ингичка овоз билан ўкиришиб, онасининг аламли овозига жавоб қайтаришарди. Онасининг бу қадар қаттиқ ўкиришидан безовта бўлиб, бошларини икки ёнга сарак-сарак қилишарди. Улар онамиз бизни қидириб овоз бераётгандир дея талпинишарди. Лекин энди онаси уларни ҳеч қачон қидирмаслигини, қидираолмаслигини билишмасди. Улар кетма-кет келаётган одамларга қизиқиш билан тикилишиб туришарди. Айиқчаларнинг биттаси сакраб тушиб улар олдига югуриб келмоқчи, ўйнашмоқчи бўлгандай ҳайратланиб, бир оз юрди. Бироқ одамлар яқинлашганда, беихтиёр қўрқиб қоча бошлади.

Айиқчалар гингшиганча тепаликка қараб ўрмалаб боришарди. Улар бу воқеа тоққа одамлар келиши билан боғлиқлигини сезишганди. Тез-тез орқаларига қараб қўйишар, бир-бирини туртишиб пилдирашарди.

Она айиқ бошини чангаллаганча арча остига тиқилиб ер тимдалаб, ўкирарди. Унинг овози борган сари бўғилиб, хириллай бошлади. Сўнгра узук-юлуқ ингради ва хириллаганча жимиб қолди.

Уни арча орасидан суғуриб олиш осон бўлмади. Бутун танасига сачраган қуюқ қора қон ўт-ўланларни бўяб ташлаган эди.

— Шериклари сезиб қолишса, бизни бурда-бурда қилиб ташлашарди,— деди Мавлон, атрофни олазарак кузатиб.— Тезроқ жўнаш керак.

Она айиқнинг жони узилганди. Икковлашиб уни судраганча булоқ томон туша бошлашди. Юқорига чиқиб уларни кузатиб турган айиқчалар ғалати овоз чиқарганча пастга энишди. Терлаб-пишиб булоқ бўйига етиб келишганда, айиқ болалари улардан ўттиз қадам нарида кўзлари жовдираб туришар, чўзиқ-чўзиқ гингшиб оналарини чақиришарди. Тимирскиланиб, оналарининг қон изларини ҳидлашарди. Айиқни отга ўнгаришганда, улар басма-бас гингшиб, тумшуқларини ерга ура бошлашди.

— Емон бўлди, она айиқни отдик,— деди у сойга тушганда.

— Бўлар иш бўлди, энди ачинмай қўяқол. Қанча ўйласанг, етим қолган айиқ болаларини эслаб, шунча эзиласан,— деди овози титраб Мавлон тоғбеги.— Кўзингни пўстакнинг йиртиғидек қилиб юриб, отангдан беш баттар ёвуз овчи бўлиб кетган экансан!

Отлари бақамти келганда, у Мавлоннинг кўзидан ёш оқаётганини кўрди. Лекин индамади. Шунда у бугунги қилмишини бор даҳшати билан ҳис этгандай бўлди. Шериги айиқни олдига ўнгариб, инқиллаганча борар, у эса аҳён-аҳёнда оғир хўрсиниб, жимгина кетарди. Қулоғидан айиқ болаларининг нолиши кетмас, кўз олдига бундан бир неча кун бурун туғилган ўғли беихтиёр келарди.

— Буни ким сўяди?— деди Мавлон, улар қишлоққа яқинлашганда, ҳорғин овоз билан.

— Отам!

— Ўтини оладими?

— Ҳа!

— Ўти ёрилиб кетган бўлсачи?

— Билмасам. Пишириб емайдами. Иккинчи бор бундай номаъқулчиликка қўл урмайман!

Раҳмон овчи айиқни сўйиб, ўтини ваъда қилган одамига бериб юборди. Териси билан гўштини олиб танишиникига жўнади.

Шу воқеадан кейин Раҳмон овчининг тоғбеги ўғли анчагача

қўлига милтиқ олмади. Ов ҳақида ўйласа, кўз олдида мўлтираган ўша иккита айиқча ва ўгли пайдо бўлаверди. Уйда эса тирикчилик ҳадеганда юришиб кетмасди. Егулик қўлга илинадиган нарса қолмаса, хотини онасиникига қараб чопарди.

— Қайнонамнинг остонасини супурсам ҳам ўша уйда ўтирсак бўлар экан,— деди у, бир куни эрининг юзига илк бор тик қараб.

Эри унга ҳайрон тикилиб турди-ю, лекин оғиз очмади. Эртаси куни отига битта тўқлини ўнгариб келиб сўйди. Гўштини нимталаб, даҳлизга осиб қўйди.

— Онангникидан қанча гўшт олиб келган бўлсанг, олиб бориб бер!— деди зарда билан.

Хотини лабини тишлаганча унинг гапини эшитиб турарди. Индинига эса тонг-азонда милтиғини елкасига осганча тоққа қараб пиёда жўнади. Хотини боласини эмизиб бўлиб, энди сигир соғишга уннамоқчи эди. Бекорга ҳам ўша куни шундай дедим, тилим кесилсин, ўйлади ўзича уни ортидан кузатиб қоларкан. Бирор фалокатни бошламаса эди. Ишқилиб, соғ-саломат қайтсин-да.

У шу ўйда ошхона шифтига осилган қадини олиб сигир соғишга тутинди. Сут соғилаверганидан ёғ сингиб, сиртига урган қовоқдан унга болаликдан қадрдан ҳид келарди. Қишлоқ этагидан келаётган чўпон боланинг «ҳайда-ҳайда»си ва пода шовурини сезган сигир безовта бўлар, айвондаги бузоғига қараб мўърарди.

— Ҳозир, ҳозир! Пода етиб келгунча болангни ҳам эмизасан, сутингни ҳам соғиб бўламан,— деди у, сигирнинг охурига ем соларкан.

...У қишлоққа туташ жарлик бўйлаб кетиб борар, аҳён-аҳёнда тепаликка чиқадиган илонизи йўлдан кўтарилиб, атрофни кузатарди. Тоғ этагидаги ташландиқ тегирмонга етганда тўхтади. Тегирмон атрофидаги, майин тупроқли ялангликдаги сон-саноксиз бўри изларига тикилганча нима қилишини билмай туриб қолди. Охири ўзича, тегирмонга сув тушадиган тепалик устига чиқиб пойлаб ётиш керак, деган фикрга келди. Димоғига барра оққуврай ва какранинг ҳиди урилди. Какранинг аччиқ ва тахир ҳиди димоғини ачитиб, кўнглини айнитарди. Илгари бу сой тўлиб-тошиб оқарди. Икки тарафи кўм-кўк бўлиб яшнаб ётар, қўзиларини ҳайдаб чиқадиган қишлоқ болалари учун бу ердан яхши жой йўқ эди... Сой бўйидаги сирли қамишзорларда турли хил чаройли сув қишлари чулдирашиб юришар, болалар кўйлак ва майкаларини тўр қилиб сойдан балиқ овлашарди. Қўзилар эса, мажнунтоллар ва жийдазор орасидаги кўкаламзорда ҳузур қилиб ўтлашар, қоронғи тушгандагина эгалари қўзиларини ажратиб, шовқин-сурон билан қишлоққа қайтишарди.

Бир неча йил бурун сойнинг сувини темир қувурга солиб, экин майдонларини суғориш учун олис тоғ этакларига олиб кетишди. Шу сойнинг суви билан юрадиган олтита тегирмон ҳам таққа тўхтади. Чўққиларидан йил — ўн икки ой қор аримайдиган Ойқор ёнбағирлари сувсизликдан ёз кирмай сарғайиб қоладиган бўлди. Энг ёмони, шу сойдан сув ичадиган ўнга яқин қишлоқдан файз кетди. Одамлар саноклигина булоқнинг сувига ёқа бўғишадиган бўлишди. Шундан сўнг кўплар Жомбой, Жиззах ва Мирзачўл томонларга кўчиб кетди. Бир қанча оилалар дашт ҳавосига кўниколмай яна қайтиб келди. Хуллас, шунақа, одам кун кўриши учун бошини минг бир тошга уриб, гимирлаб яшайверар экан.

Унинг қулоғига сой томондан итларнинг басма-бас ҳургани чалинди. Милтиғини сой тарафга тўғрилаганча қуйидан эшитилаётган товушга қулоқ тутди. Қишлоқ томондан бир жуфт бўри ўқдек учиб келарди. У шошиб қолди: «Ажали етганлар-ей», дея ўйлади ҳаяжонда милтиқ тепкисини кўтариб. Итлар тегирмонга яқинлашганда чопишини секинлатди. Улар энди жондорларни қувиб етолмасликларини сезишганди. Худди шу пайтда ўқ овози янгради. Олдинроқда чопиб келаётган бўри тумшугини ерга тираганча умбалоқ ошиб тушди. Ўнгланиб турмоқчи бўлди-ю, сой томон ағдарилди. Иккинчи бўри

шеригига ўгирилиб қарашга ботинмади. Шартта сой томон бурилиб, арчазор оралаб кетди. Бўрининг йиқилганини кўрган итлар яраланган жондорга ташланишди. Бўри ерни чангитиб питирларди. Энг биринчи етиб келган баҳайбат ва сержун қора ит бўрининг бўғзидан гиппа бўғиб олди. Қолганлари ҳам ириллаганча келиб ёпишишди.

У иккинчи бўрини кўздан қочирди. Милтиқни қайта ўқлаб, арчалар орасини бир оз кузатиб турди. Милтиғини ўнг қўлига ушлаганича тегирмон ҳовлисига тушганда, итлар бўрини гўё ўзлари тутгандек керилишиб, лаб-лунжларини ялашарди. Жони узилаётган жондор ҳиқиллаб ётарди.

Тонг ёришиб, қишлоқ ўзининг бир-бирига ўхшаш кунлик ҳаётини бошлаганди. Одамлар шу кунга эсон-омон етганларига шуқр қилиб, катта-кичик ҳаёт ташвишларига ғарқ бўладилар. Ҳамма бугунги ва эртанги кундан нимадир кутади. Эрта-индин уларнинг ҳаётида қандайдир муҳим бир воқеа содир бўладигандек туюлаверади. Шу кўйда биров ўтин ташийди, биров тезак теради ва биров пичан ёки янтоқ ўримига чиқади. Улар шу ишларни қилсам яшашим енгиллашади, осон ва тўқроқ яшайман дея ўйлашади.

...Ихчам кўрингани билан, бўри ўлса, арслоннинг ўлигидай чўзилиб кетар экан. У ит азобида ўлжасини қишлоққа олиб келди. Аввал судради, сўнг орқалаб, Маҳкам ҳисобчиникига бир амаллаб олиб келди. Ҳисобчи ҳали уйқудан турмаган экан. Болалари бўри судраган меҳмон келганини айтишгач, чопонини елкасига ташлаб, ҳовлига чиқди.

— Учоқпатир пишдимми? — деди юз-қўлини ювиб бўлгач, таңдир-хонада куймаланишаётган хотини билан қизига баланд овозда.

Учоқбошидан «Ҳоз-и-ир!» деган овоз келди.

— Ҳа, Раҳмон овчининг ўғли, кел. Отанг шунча жониворларни отгани етмасмиди. Ёки энди бўри отиб емоқчимсизлар?! — деди у, тоғбегига ҳазилу чин аралаш кўзини қисиб, қоп-қора мўйловини мамнун силаркан. — Чиқ сўрига, кувда пишилган сарёғ билан ўчоқпатир еймиз. Сарёғни ҳамиша ўзим тузлайман. Қадим ўтган подшоҳлар ҳам наҳорга шунақа патир билан сарёғ ейишар экан. Сенинг онанг ҳам жуда пазанда бўлса керак?..

— Ҳа, — деди у, бухгалтернинг гаплари ёқмаётганини сездирмасликка уриниб.

Эртаси куни Маҳкам бухгалтер аллақандай қоғозга қўл қўйдириб, унга етмиш беш сўм пул узатди.

— Йигирма беш сўми хизмат ҳақиға, — деди кўзларини муғом-бирона қисиб. — Беш сўм кассирга бердим. Сен бўрини отавер, мукофотини олиб келиш биздан. Идорага бориб, эшикма-эшик сарғайиб овора бўлиб юрмайсан.

У жуда суюниб кетди. Умрида илк бор қандайдир бир соатнинг ичида осонгина етмиш беш сўм пул топган эди. Уйга келиб хотинига бу ҳақда айтганда, у ҳам ағрайиб, эрига тикилиб қолди. Шундан сўнг у уч ой мобайнида ўн етгита бўри отди.

Бир куни энди овдан қайтиб, ювинаётганида, отаси келиб қолди.

— Бугун ҳам отдингми? — сўради сўрига чордона қуриб ўтираркан. — Келиб-келиб топган овингни қара-ю.

— Сиз отган олқор ва кийиклар учун жарима солиб, жавобгарликка тортишади. Меники учун мукофот беришади, — деди у, оғилхона эшиги олдида ётган, бугун эрталаб отилган бўрига кўз қирини ташлаб.

— Улгандан пора сўрагандек олган мукофотингдан ўргилдим сени. Шу ҳам тирикчилик бўлди-ю, — деди энсаси қотиб Раҳмон овчи.

— Отма десангиз, отмайман.

— Уй-жойинг, қозон-товоғинг бўлак одамсан. Бола-чақангни боқишинг керак. Сен отмасанг, бошқалар отади. Лекин бир нарсани сенга айтиб қўйишим керак. Ўзинг ҳам билсанг керак. Бу раҳматли бобонгнинг қарз гапи. Кези келганда сен ҳам болаларингга айтасан.

Қатортол дарасининг қорамтир кўкиш бўрилари ни отма. Утмишда, Ойқортоғни ёв босганда, ҳамма тоғ ошиб, Панжакент томонга тушиб кетган экан. Шунда бир момомиз бешикдаги боласини ечиб олишга улгурмабди. Боладан умидни узиб, аза очишибди. Орадан бирор йилча вақт ўтиб, босқинчилар кетиб, омон-омон бўлгач, улар қайтишибди. Бир куни кўза кўтариб сувга тушган келинчак сойнинг нариги бетида чопиб кетаётган она бўри ва унга эргашиб пилдираб бораётган болани кўриб қолибди. Шунда беихтиёр кўкрагида сут пайдо бўлибди. Кўзасини ташлаб, боланинг отини айтиб чақирганча бўри ортидан югурибди. Бола тўхтаб, бир оз тикилиб турибди-да, яна бўрининг орқасидан чопиб кетибди. Уларни қувлаб келаётган аёлга кўзи тушган бўри секин ётиб, болани елкасига миндирибди. Бола бўрининг бўйнидан маҳкам қучоқлаганча унга ёпишиб олганмиш. Пойлаб-пойлаб, охири бир кун одамлар болани тутиб олишибди. Бўри билан бола бир-бирига талпиниб улишар, йиғлашар эмиш. Меҳрни қара! Шу бўри ўзи эмизиб катта қилган бола яшайдиган уйга то ўлгунча келиб, бирор егулик беришса еб, бола билан ўйнашиб кетаркан. Қатортолнинг бошидаги Бўримозор — ўша она бўрининг қабри.

Раҳмон овчи чуқур нафас олди. Уғлини ҳам ўй босган, ерга тикилганча жим ўтирарди.

— Яхши айтдингиз,— деди у, отасига қараб бошини кўтариб.— Негадир Қатортолнинг тўп-тўп бўлиб юрадиган жондорлари одамдан ҳайиқмайди...

Отаси айтган ривоят унинг мушкулини янада оғирлаштирди. Узис ҳам ови юришмаётган эди. Ойқор тоғи бўрига тўла бўлса-да, лекин у кейинги пайтда ҳафта ёки ўн кунда ҳам битта бўри отолмади. Унга алам қиларди. Сўнгги пайтда ўн кунлаб зил-замбил милтиқни елкасини толдириб, қуруқдан-қуруқ кўтариб юрибди. Милтиқнинг қайиши ботган жойидаги оғриқ ови юришмаётганини ёдига тушириб, қаҳрини келтирарди. Улганнинг устига чиқиб тепгандек, чўпонлар сурувларини безовта қилаётган жондорларнинг инини кўрсатишар, агар ўша бўрини отса, битта кўзи беришларини айтишарди. Ойқорнинг шум ва олғир жондорлари эса уни қачон уйидан чиқиб, қайси сой бўйлаб ўрлашини ва қайси тепалик панасида пусиб ётишини билиб қолишганди. Ҳатто у бўрилари чалғитмоқчи бўлиб, тоққа икки марта кечқурун эшакда келди-да, чўпонларнинг қўшхонасида тунаб ҳам қолди. Бироқ, барибир, овнинг барори йўқ эди. У илгари тирикчилик учун бўри отган бўлса, энди жондорлар уни лақиллатаётгани учун қасос олиш пайида юрарди.

Бир куни яна унга бош тоғбеги одам юборди. Милтигини олиб келсин, деб алоҳида тайинлабди. Отини йўрттириб тезда бошлиқникига етиб борди. Мирзачўлдан меҳмонлар келган экан. Улар йўлда, Боғмозорсой кўлида ёввойи ўрдак кўришибди. Бориб отмоқчи бўлишибди. «Айёр ёввойи ўрдакларни менинг тоғбегимдан бошқа ҳеч ким отолмайди» дея мақтанибди бош тоғбеги. У Ҳайитбой тоғбегиникига етиб келганида, бир гуруҳ меҳмонлар боғда, олмазорга солинган кўрпачалар устида ёнбошлашиб, бир-бирларига навбат бермай баҳслашишарди.

— Ана! Келди!— дея қичқирди ўтирганлардан бири унга кўзи тушиб.

— Шуми?

— Еш-ку?

— Отасига ўхшаркан!— дейишарди меҳмонлар худди антиқа хайвонни илк бор кўраётгандек унга тикилишиб..

— Овга, ўртоқлар!— деди бош тоғбеги ширакайф овозда.— Сув омборида ёввойи ўрдак бор экан. Булар келаётиб кўришибди. Отиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўй.

— Бу ерда одам жуда кўп. Ҳамманинг бориши шарт эмас,— деди у, бошлиққа қараб совуққонлик билан.— Чўчитиб юборишади.

— Э, ҳа, тўғри айтади. Бўлмаса, меҳмонлар номидан сен билан

Давлат Қўшназарович борадилар, — деди бош тоғбеги, тўрда ўтирган семиз, япасқи юзли кишига қараб. — Биз ана у тепаликдан кузатиб турамыз. Мени «Урал»имни миниб олинглар.

Сув омбори қишлоқдан ойнадек ялтириб кўриниб турарди. Тоғ бағрида жойлашган қишлоқдан ҳар қандай машинани ўт олдирмай, шундоқ миниб, сув омборига тушиб борса бўларди. Давлат Қўшназаров «Урал»нинг аравачасига оғир чўкди. Бу киши чўл совхозларининг бирида директор эди. У пешона тери сиртига уриб, шўралаб кетган куз палласида кийиладиган шляпасини пешонасига яхшилаб қўндирди-да, мотоциклни ҳайдашни буюрди. Мотоцикл ғувиллаганча совуқ куз ҳавосини ёриб пастликка шўнғиди.

— Ажойиб жойлар. Бамисоли жаннат. Биз нодонлар шундай ерларни қадрига етмай, жомадонни кўтариб, терлаб-пишиб Қримга бориб юрамыз. Ваҳоланки, бундай қуруқ, тоза ва салқин ҳаво Калифорнияда ҳам йўқ. Арча ҳидини гупиллаганини айтмайсанми? — оғзини тўлдириб гапириб борарди Қўшназаров.

Ҳайдовчи унга «бас энди, кўлга яқинлашяпмиз» ишорасини қилди. Унинг гапи бўғизда қолди. Угирилиб бир ўкрайди-ю, бўйинини ичига тортганча аравачининг брезент ёпинчиғи билан кўкрагини беркитиб олди. Улар кўлга етмасдан анча берида мотоциклни қолдиришди. У директорга «шу ерда тура тулинг» демоқчи бўлди-ю, ийманди. Кўлдан ўрдакларнинг «ғат-ғат»и эшитилиб турарди.

— Бор экан, — деди у директорнинг бақрайган кўзларига совуққина тикилиб.

— Тезроқ отиш керак, — деди ҳансираб унга эргашиб келаётган Қўшназаров.

— Ҳозир, бирор қулайроқ жой топайлик, отиш қочмайди. Овда шошилдингизми, иш тамом, — деди у паст овозда.

Кўл бўйидаги кўкаламзор майдонга етганда эмаклаб илгарилай бошлашди. Терлаб-пишиб йигирма қадамлар чамаси силжишганда, кўл сатҳи бир текисда кўзга ташланди. Кўл юзида бир тўп ўрдак галаси сузиб юрар, тўдадан ажралиб қолган учта ўрдак сув остига шўнғиб, бир-бирини қувларди. Кўлнинг қамиш қоплаган четида чуррак ва балиқчи қушларнинг вижир-вижири авжида эди. Улар юзтубан ётганча ўрдаклар ҳаракатини кузатишарди. Ўрдаклар кўлнинг кунчиқиш томонига қараб сузганда, улар яна эмаклашди. Сувтароқ билан балиқчи қушларнинг безовта ҳаракатидан яқинлашиб келаётган хавфни сезган ўрдаклар учишга чоғланишарди.

— Жуда соз. Энди учишади, — деди у энтикиб, ёнида қорни дўппайиб бесўнақай чўзилиб ётган ҳамроҳига қараб. Эмаклашига қорни халақит бераётган Қўшназаров охири чалқанча ётиб олди.

У гапини тугатмасидан биринчи ўрдак қағиллаганча бошқаларини огоҳлантириб, ҳавога кўтарилди. Сувдан сўнгги ўрдак кўтарилганда, у чўккалаб олиб, устма-уст тепгини босди. Шериғи қувончидан қичқириб юборди. Ўрдаклардан бир нечтаси қанот қоқиб, пастлай бошлади.

— Маладес, ука! — қичқирди Қўшназаров. — Ҳайитбойнинг айтганича бор экансан. Чумчуқни ҳам кўзидан отадиганга ўхшайсан. Йигит деган мана бундай бўлибди!

У ечишиб, сувга тушган ярадор ўрдакларни олиб чиқиб берар, ҳамроҳи бошини кесарди. Олтита ўрдак ярадор бўлган, лекин бирортасиям ўлмаганди. Қўшназаров боши кесилган ўрдакларни айлантриб кўриб, мотоциклнинг аравачасига жойлади. У ҳафсала-сизлик билан директорнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турар, негадир унга хирсдай семиз ва бесўнақай бу одам биринчи кўргандаёқ ёқмаганди. Авзойидан пихини ёрган олғир бўлса керак, дея ўйларди ўзича.

— Биз яқинда Арнасой даштига бўри овига чиқдик, — дея гап бошлади, одатдагидек оғзини тўлдириб Қўшназаров. — Юк машинасида, тўрт киши. Учтамыз кузовга чиқиб олдик, ҳар биримизда биттадан

милтик. Дашт тўла чиябўри экан. Айниқса ярим тунда роса изғиркан. Машина чирогининг ёруғида бўрининг кўзи қамашиб, ҳеч нарсани кўрмай қоларкан. Қувиб бориб, нақ пешонасидан отавердик.

— Нечта отдиларингиз?— деб сўради у, бу кутилмаган гапга қизиқиб.

— Қандайдир бир соат ичида иккита отдик.

Бу семиз одамда ҳам кўп гап борга ўхшайди, ўйлай бошлади у. Бекорга совхоз директори бўладими. Овчиликка қизиқса-да, уқуви йўқлиги сезилиб турибди. Одатда овчилар икки тоифага бўлинади. Сурувнинг олғир қўриқчи итларига ўхшаган ҳеч нарсадан тап тортмайдиган жасур овчилар бўлади. Унинг ҳамроҳи овчилик ҳақида оддий тасаввурга ҳам эга бўлмаган каттаоғиз ва тўпори бир одам эди. У ўзининг фаҳми етмаган нарсалардан лаззатланишга ҳаракат қилар, бироқ барча ҳаракати кўпол ва кишининг гашини келтирадиган даражада бачкана чиқарди.

Қишлоққа етиб келиб, ўрдак гўштидан қилинган қовурдоқ дастурхонга тортилганда ҳам, унинг фикр-хаёли тунда машина билан қандай қилиб бўри овлашда эди. Эртароқ уйга бориб Яхшибой шофёр билан гаплашиш керак. Бироқ машинада юриб тоғ ёнбағиридаги бўриларни отиб бўлмайди. Лалми ғалла экиладиган даштда ов қилишга тўғри келади. Лекин барибир уни лақиллатаётган тоғ бўриларини бир боплайди. Бўри овлашнинг янги усулини эшитиб, унинг ичига ўт тушганди.

Эртаси куни эрталаб Яхшивой шофёрниқига борди. Яхшибой машинасидан майдаланган беда тушираётган экан. Кайфи учиб, анчагача дарвозани очмади: совхоз катталаридан бирортаси ўт олганимни кўриб қолдимикан, деб ўйлаб капалаги учиб кетганди.

— Менман, очавер, ўғирлигингни ҳеч кимга айтмайман!— овоз берди у.

— Бевақт қичқирган хўроздек тонг отмасдан нима қилиб юрибсан?!— деди Яхшибой ранги оқариб.

— Ярим кузов хашак олиб келсанг, нима қилибди. Совхознинг оғирини енгил қилиш учун итдек чопиб юрасан-ку!— деди у Яхшибойнинг кўнгли учун.

— Шунинг биров билса, биров билмайди-да, оғайни. Ёмонликка олишса ёки текшир-текшир пайтида бир қоп сомон билан қўлга тушсанг бас, салкам халқ душманига айланасан-қоласан. Шу назорат, интизом ва текшир-текшир хўжақўрсинга бўлмай, қонунга айланса майли эди-я...

Улар ҳовлидаги сўрида ўтириб чой ичганча бугун кечаси, соат ўн иккидан кейин Тайпоксой даштига овга борадиган бўлишди. Яхшибойнинг буғдойранг, янги «ГАЗ-53» машинаси ёмғир бир-икки севала ўтган ангорда кўзга ташланмасди. У қўшотарини ўнг қўлтиғига қисганча кузовга чиқиб олганди. Даштнинг қудуқли қўраларида қорамол отари ёки қўй суруви бўлади. Демак, бу атрофда бўри учрайди. Ўтган йили, автобусда Самарқанддан келаётганда, йўл бўйида машина босган юмронқозикни тишлаб олган бўрини кўрган: бўри машиналарга парво ҳам қилмай, лўкиллаганча кетиб борарди.

Сангзор дарёсига туташ жарликка етганда машинани тўхтатишди. Икки қирғоғи теп-текис майдондан иборат дарё ой ёруғида ним товланиб оқарди. Дарёдан кечиб ўтадиган илонизи тоғ йўллари икки ёндаги тепалиқларга бориб туташади. Ёз ўтиб, куз охираётган, қорлар эриб бўлган, дарёнинг суви жилдираб қолган эди.

Моторни ўчириб қўйиб, худди қафтдагидек аниқ кўринадиган дашт ва дарё бўйини кузата бошлашди. Даштда сокинлик ҳукмрон. Совуқ тушиб, қиш яқинлашаётгани учун чигирткалар ҳам, дашт илонлари ҳам чирилламай қолган. Тоғ этакларида бу лалмикор ерларда Мирзачўлдагидек иссиқлар бўлмайди. Тоғнинг тоза, тиниқ суви бу ергача етиб келолмайди. Етиб келса ҳам, бунча майдонни суғоришга етмайди. Шунинг учун лалмига доимо кузги буғдой ва арпа

экишади. Емғир сероб ва ўз вақтида бўлган йиллари донни ҳеч ким удалай олмайди. У болалигидан, яқингача ҳам бу даштга сомон ташишга келарди. Агар тонг отмасдан йўлга тушса, энг эпчил сомончи ҳам кунига зўрға икки марта қатнайди. Бундай пайтларда бу ерларнинг дала қоровулларидан улуғ одам бўлмайди. Агар илгаридан уларнинг кўнглини олиб қўймасанг, пичоғини қинидан чиқариб, қанорингни шартта иккига бўлиб ташлайди. Еки бўлмаса, сомонингни тўқдириб, қанорингни эгарига ташлаганча отига қамчи босади. Бу етмагандек, уқувсизлигинг учун уйга бориб, отангдан ҳам сўкиш эшитасан. Аслида бу ерларни яйлов қилиб қўйиш керак.

— Нимадир юқорига қараб ўрлапти. Итми, бўрими? — деди кабинадан бошини чиқариб Яхшибой.

— Машинани секин ўт олдириб шу томонга бур, — деди у, кузовдан энгашиб. — Сўнг бирдан юқори тезликка солиб, газни босасан.

Яхшибой унинг кўрсатмасини айтганидан ортиқ қилиб бажарди. Тоғ томон лўкиллаб кетаётган бўри машина ўт олганда тўхтаб қаради. Жондорлар одатда машиналарга бефарқ қарашади. Бўрининг машина овозини эшитиб тўхтагани бошига етди. Яхшибой газни босиб, чироқни ёқди. Машинанинг тезлиги ошган сари чироғи ёрқинлашарди. Еруғликдан кўзи қамашган жондор сой томон қочмоқчи бўлиб, турган жойида бир-икки айланди, бирданига тез югуриб кетолмади. Бир муддатдан сўнг тўғри келган томонга қочишга тушди. Бўри қай томонга юрса, Яхшибой машинани шу томонга қараб бурарди. Жондор ириллаганича орқасига қайрилиб қаради, машина чироғининг ўткир нури кўзига қадалиб, довдиратиб қўйганди. Уларга ана шу керак эди. У фурсатни қўлдан бермай, кузовда тик турганча тепкини босди. Бўри ириллаганча бир сакради-ю, яна чопа бошлади, лекин иккинчи марта босилган тепки уни йиқитди. Жондор тумшугини ерга тираганча ангорни чангитиб, ўзини дуч келган томонга уриб, типирчилаб қолди. Ўқ елкасидан теккан шекилли, олдинги икки оёғини ердан узиб ололмас, орқа оёқлари билан ерни тимдалаганча судраларди. Ниҳоят, жондор эмаклашдан тўхтаб, сўлаги оққанча машинага қараб ириллай бошлади. Яхшибой машинани тўхтатди. У кузовдан сакраб тушди. Бўри унга сапчимоқчи бўлиб уринар, лекин ҳоли келмасди. Кўзи косасидан чиқиб кетган Яхшибой дами ичига тушганча уларни кузатиб турар, бўри алампидан кесак ва тошларни тишлар, қурби етмаса-да, даф қилмоқчи бўларди. У совуққонлик билан жондорнинг бошини мўлжалга олди. Ваҳшийнинг жони узулгунга қадар улар гурунглашиб сигарет чекишди.

— Тунги овга чиқадиган жондорларнинг ҳам тинчлигини буздик. Энди бошқаси бу атрофга йўламайди, — деди у, Яхшибойнинг ёнига ўтириб қишлоққа қайтишаётганда. — Аммо лалмида тулки сероб экан-да. Бир тулки овига келамиз. Билиш керак, бизнинг тайёрлов конторасида тулки терисига қанчадан тўлашаркин.

— Яхши тўлашса керак, — деди Яхшибой.

У физиллашиб йўлни кесиб ўтаётган тулкилардан биттасини кабинада ўтирганча эрмак учун отиб, кузовга ташлади. Тун ярмидан оққанда улар қишлоққа кириб келишди.

— Тун бўйи тентираб кимга керак шу тирикчилик, — деди Яхшибой, уйқудан юмилиб кетаётган кўзларини ишқалаб. — Шусиз кунинг ўтмайдами?

— Бемаза тирикчилик экан, — деди у ҳам, ҳафсаласи пир бўлиб. — Кеча биттаси чўлда шундай қилиб бўри овладик деганди.

— Ҳайҳотдек даштни кезиб юрганда бўри дуч келган бўлса, отса отгандир. Шуям ов бўлди-ю.

У бўри ва тулкининг ўлигини судраб ҳовлига кирганда хотини сигир соғаётганди. Учоқда ўт ёнарди. Бўрига кўзи тушган сигир ҳуркиб, челакни даранглатиб тепиб юборди.

— Ҳах, елининг тошга айлангур! — қарғанди хотини. — Сутимни ярмини тўқди-я!





Расмларни Жавлон УМАРБЕКОВ чизган

У ўгирилиб эрига қаради-ю, индамади. Унинг авзойи бузуқлигини кўриб, оғиз очишга қўрқди. Сигирни подага ҳайдаб, сутни қозонга солди. Сўнгра тўкилган сут ўрнини қириб олиб, тозароқ жойга элтиб ташлади. Эри ювиниб, уйга кириб кетди. Жувон ўчоққа тараша ташлади-да, кўзини юмганча юз қўлларини ўтга тоблаб бошлади. Танасига ҳаловат сизиб кирарди. Ҳадеб уйда олов ёқишга уялиб, (ўтин ҳам камчил эди) онасиникига борганда ҳам, қайнонасиникида ҳам ошхона юмуши баҳона ўчоқ бошида ўралашади. Сигир соғиш, янтоқ ўриш, ўтин ёриш, таппи ва чалма қилишга ўрганган қўли бора-бора буралиб ёнаётган оловга ҳам кўника бошлади. У ўчоқдан чўғни қўлида олиб тандирга соларди. Қўлини куйдираётган иссиқ вужудига ором бахш этар, суяк-суягига, авзойи баданига ўтаётган олов тафтидан маст бўлар, оловга яқинлашса, негадир ўз-ўзидан қўшиқ айтгиси келаварди.

...Орадан бир мунча вақт ўтди. У Яхшибой билан айланиб келиш баҳонасида яна икки марта тоғ этагидаги лалмига борди. Кейинги борганида ҳатто тулки ҳам учрамади. Шундан сўнг даштдан умидини узди. Лекин, қачон бўлмасин, бир куни тоғ бўрилари билан орани очиқ қилиши керак эди. Айниқса, Ғовқўтонда битта оқсоқ қари бўри ва теракли жарида ернинг тагида илон қимирласа сезадиган бир жуфт жондор бор бўлиб, Ойқор этакларидаги жуда кўп қашқир тўдалари шу уч жондорнинг измида юрарди. Ана ўша уч бўри уни доимо лақиллатиб кетарди. Ғовқўтоннинг қари бўрисини отаси оёғидан отган. Қўшоёққа ўхшаб сакраб-сакраб чопади. Нотекис чопгани учун ҳечам мўлжални аниқ олиб бўлмайди.

Кейинги пайтда жондорлар нотинчликдан бешиб, тоғ ошиб, Ойқорнинг нариги томонида ов қиладиган одат чиқаришди. Бўрилар бирдан камайиб қолганидан у ниманидир сезганди.

— Бўрилар Мачитли дарасидан ошиб, Панжакент бетдан ўлакка судраб келишяпти. Йўллар қип-қизил қон. Учқўл ёки Темурланг чўққиси этагида тунаб, пойлаб ётсанг, бир кечада ўнта бўри отасан,— деди бир куни Мавлон унга.

У одатдагидек ўз участкасидаги янгитдан кўчат ўтқазилган майдонларни кўздан кечириб юрганди. Қўччисойдан ўтин ортилган эшак инқиллиб келар, унинг орқасида одам кўринарди. Бироздан кейин яна бир эшак ва ўтинчи пайдо бўлди. У отини йўрттирганча уларнинг йўлини тўсиб чиқди. Уни кўрган тоғчилар довдираб қолишди. Бири қўрққанидан ўзини сой бўйини қоплаган мажнунтоллар орасига урди. Иккинчиси эшакларни тўхтатиб, кўзи жовдираганча тоғбегини кутарди.

— Ким у сиртлон қувган итдек қочган! Барибир мендан қутулолмайсан!— ўшқирди у, отнинг жиловини тортаркан.

— Ассалому алайкум, ака,— деди ҳалиги кутиб тургани, овози титраб.— Ўзимизнинг Худойберди муаллим эди...

— Чақир муаллимингни, яхшилиқча бу ёққа чиқсин. Кап-ката одам уялмай-нетмай яшириниб ўтирса. Барибир эшаги билан ўтини қўлимда-ку...

У сўзини тугатмасдан ерга қараганча мажнунтоллар орасидан Жарбулоқ қишлоғидаги бошланғич мактабнинг ўқитувчиси Худойберди чиқиб келди.

— Ҳа, муаллим! Мактабда болаларга ҳам ўтин ўғирлашни ўргатасизми?— деди у, муаллимни қўлга туширганидан ҳузур қилиб.

— Биз бирор бир дарахтни кесканимиз йўқ. Қуруқ арча

шохладини териб қайта япмиз, — деди қизариб-бўзариб Худойберди. — Барибир дуч келган чўпон гулхан ёқиб ҳам қуритади шу шоҳ-шаббаларни.

— Тоғдан нима олсангиз, ўрмон хўжалигининг рухсати керак. Қонунни мендан яхши биласиз. Озгина мулла жирингдан чўзсангиз, чек ёзиб беришади, — деди у, ҳар кимга айтиб ўрганиб қолган сўзини такрорлаб.

— Биламиз, — деди жеркиган оҳангда Худойберди.

— Домлани айтганини қил-у, қилганини қилма экан-да?!.

— Керак бўлиб қолувди-да, оғайни! Бўлмаса кимнинг ити адашибди шу тоғингда! Бизда чўпонларга ўхшаб сенга порага берадиган қўйимиз йўк! Шундай қилганимизда, ўтинимизни ўзинг ортиб ҳам берардинг!

— Шунинг учун сенга ҳечам қўй битмайди! Билдингми?! — деди у аччиғи чиқиб.

— Ол, пишириб е шу тўртта шоҳни!

— Пишириб еймиз! Эшакни Барлос қишлоғига ҳайда!

— Ҳайдамайман!

— Сен ҳайдамасанг, мен ҳайдайман!

У икки боғдан қилиб ўтин ортилган эшакларни қамчилаганча Барлос қишлоғига қараб қувди. Худойбердининг шериги унга ялиниб ёлворарди. Унинг эса қулоғига гап кирмасди. Тоғликлар эшакларидан ажралиб қолмаслик учун ҳаллослаганча тоғбегининг орқасидан чопиб келишарди. У эшакларни тўппа-тўғри қаровчиси йўқ Майрам момо билан Чинни холиниқига ҳайдаб келди. Ўтинларни олдин Майрам момонинг ҳовлисига, кейин Чинни момоникига тушириб берди.

— Биров меҳнат қилиб терган ўтинни нега мениқига олиб келасан? Қачон қолади сени бу телба одатинг, — деди ҳовлининг ўртасида урчуқ йиғириб ўтирган Майрам момо койиб. — Ҳалиям эгаларига қайтариб бер. Менга бировни ҳақи керакмас, у дунёлигимдан умидим бор.

— Сизга ўтин олиб келиб берган одам нақд савобга қолади. Тоғда ўтин кўп. Бориб истаганча териб олишаверади, — деди у, отини буриб изига қайтаркан.

— Уят иш бўлди-да. Бола-чақаси қарғайди. Шу ўтинсиз куним ўтмаётганмиди. Одам боласи бу дунёда бир-бирини ҳақини емаса туролмайди шекилли, — дея гапириниб қолди кампир.

Учоқ бошида куймаланиб юрган Чинни момо ҳам: «Вой, нима қилар эдинг, болам, овора бўлиб. Куни кеча Дунётепадан икки қоп тезак териб келувдим. Бирорта тоғликнинг ўтинини тортиб олганга ўхшайсан. Бекор қилибсан, — деди эътироз билдириб.

У эшакларни қайтариб ҳайдаб чиққанида, Жарбулоқлик ўтинчилар ҳаллослаганча қишлоққа қараб келишарди. Улар гап-сўзсиз эшакларини ушлаб олиб, изларига қайтишди.

— Раҳмат, оғайнилар! — деди у, от устида туриб баланд овозда. — Иккита қўли калта одамнинг қозони қайнайдиган бўлди! Боринглар! Эшакларинг кўтарганча қуруқ шоҳдан ортиб кетаверинглар! Лекин бирорта дарахтга болта теккизсаларинг, мендан яхшилик кутманглар.

Худойберди муаллим ўгирилиб, тўнғиллаб сўқинди. Бироқ у буни эшитмади. Тоғбеги эшакларини олиб қўйиб, акт ёздираман демаганидан хурсанд бўлган ўтинчилар эшакларини халалаб, яна тоққа қараб ўрлашди.

У от жоловини Боғмозорсойга — бош тоғбегининг уйига қараб бурди. Бошлиқнинг уйи тўйхонани эслатарди. Уй этагидаги текис ялангликда парраклари шалпайган вертолёт турар, уни болалар ўраб олишган эди. У ҳам болаларга қўшилиб вертолётни томоша қилди. Сўнг салом бериб кетиш учун бошлиқнинг уйига қараб юрди.

— Хўп келдинг-да, мана, булар билан гаплаш, саволларига жавоб бер. Бошимни қотириб юборишди, — деди бош тоғбеги, уни четга тортиб. — Мана, мана шу йигит ўша сизлар айтган тоғда ўсиб катта

бўлган одам. Сой дейсизми, қир дейсизми, беш қўлидай билади. Кетгунларинггача йўл кўрсатиб, сизлар билан бирга бўлади, — гапида давом этди Ҳайитбой тоғбеги уни ниманингдир устида баҳслашаётган геологларга таништириб.

— Ойқор тоғнинг устида тунаса бўладими? Вертолётдан теп-текис кўринди. Вертолёт қўна оладими? — деб сўради геологлардан бири.

— Тоғнинг устидан нариги томонга қараб Мачитли дараси бошланади. Мингта от билан кўпкари чопса бўлади, — деди у, Мачитли дараси ҳақида одамларнинг шу гапи ёдига тушиб.

— Жуда соз, демак, бугун кечаси ўша ерда тунаймиз, — деди қўлида харита ушлаб турган елкадор киши.

Унинг ҳаёлидан эса лоп этиб Ойқор ошиб Панжакент томон бораётган бўрилар ўтди. Тезда уйдан милтиқни олиб келиш керак. У отини ташлаб, елкасига милтиқ осиб қайтганда вертолётда келганлар унга шубҳаланиб қарашди.

— Милтиқни нима қиласан, оғайни? — деди улардан бири.

— Бирорта олқорми, бўрими дуч келса, отамиз, — деди у ҳижолат бўлиб.

Вертолётга чиқишаётганда, ўша харита ушлаб турган одам милтиғини олиб кўздан кечирди-да, қайтариб берди.

— Кечирасан, ука, ўқланган милтиқ билан учиш мумкин эмас, — деди унинг елкасига қоқиб.

Унинг илк бор, энаси айтмоқчи, «осмонпойиз» да учиши эди. Юраги така-пука, бўлиб кетди. Боши айланиб, кўзи тинганидан тоғнинг қаерида учиб бораётганини анчагача пайқай олмади. Ойқор чўққиларидаги қорлар кўзга ташланганда, у вертолёт қўнишни мўлжаллаган Мачитли дарасига яқинлашганини айтди. Кейин улар тўпланишиб, Мачитлини харитадан топиб, белги қўйишди. Кўз очиб юмгунча вертолёт қулоқни батанг қилиб, даранинг ўртасига қўнди.

— Шундай қорли чўққилар устида бунақа текислик борлиги ақлга сигмайди, — деди вертолётдагиларнинг ҳаммаси сўзига қулоқ соладиган, унинг милтиғини текширган одам.

Улар чодир тикишди. Кўч-кўронларини жойлаб бўлиб, қор билан баданларини ишқалаб ювинишди. Улар етти киши эди. Тўрттаси ўзбек, учтаси рус. Икки киши ўша бошлиқнинг ёнига ўтириб олиб, эртанинг режасини тузарди. Уни ёнларига чақириб, сойлар ва чўққиларнинг халқ тилидаги номларини сўрашди. Қолганлари гулхан ёқиб, кечки овқат тайёрлашга киришишди. У дара этагига бориб келиш учун бошлиқдан рухсат сўради.

— Меҳмонларни олқор гўшти билан сийласам дегандим...

— У-ў, қани энди! — жавоб қилди геологлар бошлиғи хурсанд бўлиб.

Анчадан сўнг у ўлжасини орқалаганча қайтиб келди. Гулхан атрофида ўтирганлар уни кўриб, қичқириб юборишди. Бир зумда у ўгиришнинг энг қадрдон одамига айланди-қолди. Олқорнинг бир нимта гўштини қовурдоқ қилиб ейишди. Гулханга юз-қўлларини тоблаб, кечани ўтказишди.

— Эртага тошдан ерўчоқ ясаб, олқор гўшtidан тандиркабоб қилиб бераман, — деди у геологларининг мақтовларидан ийиб кетиб. — Тонгга яқин эса бўри отаман, сизлар баҳузур ухлайверинглар.

— Фақат узокроқда ов қилгин, бизда ҳар хил моддалар бор, — деди геологлардан бири.

Улар ярим кечагача гурунглашиб ўтиришди. У ҳам чакмонига ўраниб озгина мизғиган бўлди. Овга отланган кунлари у ўз-ўзидан тонг отмасдан уйғониб кетарди. Гулханнинг батамом ўчмаган чўғида илиб турган човгумдаги сувга юзини ювиб, Учқўл чўққисига қараб кетди. Кун чиқиш томондан совуқ эпкин эсар, бунга Ойқор чўққиларидаги музликларнинг совуғи қўшилиб, аёзга айланганди. Бундай ёқимсиз ҳавода бўрилар ҳам бу тарафларга йўламаса керак, деб ўйлади у ўзича.

Айиқларнинг чилла уйқусига кетишига ҳали анча бор. Улар уйқуга кетгач, бўрилар тоғнинг ҳокимига айланишади, айиқлар айнитиб ейиш учун кўмиб қўйган гўштларни қидириб, топиб ейишади, қуёнларга қирон келтиришади. Айиқлар очиқиб ўкирганча уйқудан тургач, думларини қисганча яна тоғ этаклирига тушиб кетишади.

У тоғ ҳайвонлари ошиб ўтадиган довон кўринадиган тепаликка чиқиб ўтирди. Атроф шу қадар тинч ва осуда эдики, у ўзининг пишиллашидан бошқа нарсани эшитмади. Тоғ чўққиларида тонг отган-отмаганини аниқ пайқаб бўлмас экан. Сўл томондаги кичикроқ чўққини ёналаб келаётган иккита қора кўринди. У, айиқ бўлса керак, деб ўйлади. Бўри бундай секин юрмайди, ағдарилиб-тўнкарилиб айиқ шундай юриши мумкин. Қора нуқталар унга яқинлашиб қолганди. Битта қўйни судраган икки жондор ҳансираганча тўхтаб-тўхтаб юрарди. Одам ҳидини пайқади шекилли, олдиндаги бўри ўлжасини ерга қўйиб, ис олди. Орқадаги бўри ғингшиб олдинга интиларди. У эса қандай қилиб иккала бўрини ҳам отишни ўйларди. Бошқа йўл йўқлигини билган бўрилар ўлжасини бир-биридан қизганишиб, у писиб ётган тепалик этагидан ўта бошлади.

Устма-уст ўқ овози янгради. Бўрилар ҳам ўлжани ташлаб, ўзларини арчазорга уришди. Лекин биттаси узоққа чополмади. Қорга тикилганча ғингшиб судрала бошлади. У тезда милтиқни қайта ўқлаб, ўзини тепаликдан ташлади. Орқада қолган бўрини яна отди. Иккинчисини кўздан қочирди. Яраланган бўри ер чангаллаб ётарди. У пешонасидаги терни артиб, харсанг устига чўкди. Шунда анчадан буён хумордан чиқиб бўри отолмаганини астойдил ҳис этди. Шу дақиқада бутун танаси яйраб, оёқ-қўли ёзилгандек бўлди. Шунда у бу бемаъни касбга ўрганиб қолганини, кўнглининг чигилини ёзиш учун бундан бошқа тирикчилик қилолмаслигини англади. У ўзининг устини бут, қорнини тўқ қилган оддий тўқчиликдан маст бўлиб, раҳмсизлик денгизига ғарқ бўлиб бораётганини хаёлига ҳам келтирмас, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмасди. Унингча, яшаш учун ўзи қилиб юрган ишлар табиий эҳтиёж эди.

Бўрини қароргоҳга олиб келиш қийин бўлди. Сирганиб, чўққидан учиб кетишига сал қолди. Манзилга қайтиб келаётиб ўтган йили қишда Тангатоппи дарасида очликдан изгиб юрган бўрини отда қувганини беихтиёр эслади. Қандайдир юмуш билан Ғаллакондан келаётган эди. Қор отнинг қорнидан келарди. Отарларга хашак ташувчи тракторлар очган йўл бўлмаса, бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа бориб бўлмасди. У Ғаллакондан чиққанида, озгин бир бўри йўл бетига ҳаром ўлган қўй гўштини тортқиларди. У бўрини қувиб ҳолдан тойдириб, қамчи билан уриб йиқитмоқчи бўлди. Жондор аввал ўлжасини тишлаганча йўл бўйлаб қочди. От етиб келаётганини кўриб, ўлжани ташлаб, ўзини қалин қорга урди. Қор қалин, отнинг кўкрагидан келарди. Кўп юрмай от ҳам, бўри ҳам ҳолдан тойди. Отнинг зўрға юраётганини кўрган бўри дам олиб-дам олиб илгариларди. Қаршисидаги тепаликка етганда, бўри чўзилганча отга қараб ириллаб ётаверди. Отнинг ҳам оғзи кўпикланиб, оёқ босишга мадори қолмаганди. Орадаги масофа ўн қадамлар чамаси эди. У отни қистаса, ағдарилиб тушарди. От оёқларини кенг ёзганча тумшугини қорга тираб дам олган бўлди. Бўрининг эса ириллашга ҳам қурби етмай от ва одамга муғомбирона тикилганча ҳансираб нафас оларди. У отнинг бошини орқага бурганда, жондор ўрнидан туриб, бир-икки қадам юрди. От гўштининг мазасини туйиб, лабини ялаб қўйди. Сўнгра чўнқайганча отлиқнинг кўздан ғойиб бўлишини кутди. Жондор йўлда қолиб кетган ўлжасига қайтиб бориши керак эди.

...У ит азобида бўрини судраб келди. Геологлар ҳар қаёққа тарқалишиб кетганди. Ким ҳар хил тошларни терар, ким харсангларни портлатиб ағдарарди. Қароргоҳда икки киши қолган экан, у улар билан чой ичиб, гаплашиб ўтирди.

— Хоҳласанг, кечқурун вертолётда бўри овлаймиз,— деб қолди

ҳамроҳларидан яшириб ичиб олган йигит. Шериклари уни аллақандай лақаб билан чақиришарди.— Биз Нуротада бир марта шундай қилганмиз,— қўшиб қўйди у, худди тажрибали овчилардек оғзини тўлдириб.

— Жуда зўр бўлса керак-а?— деди тоғбеги ағрайиб. Вертолётда бўри овлаш унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

— Э-ҳ-ҳе, нимасини айтасан,— деди йигит, ёқимсиз чийиллоқ овозда.— Вертолётнинг овозини эшитиши билан бўрининг юраги ёрилиб кетади.

— Кечкурун чиқайлик. Зўр жойга олиб бораман,— деди у, ўзида йўқ қувониб.— Айиқлар яшайдиган Қизилтош дарасининг этагида Бўриўйнар деган жой бор. Қоронғи тушиши билан теварак-атрофдаги бўрилар ўша ерга тўпланишади. Бемалол беш-ўнтасини отиш мумкин.

— Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай тур. Учувчи билан ўзим гаплашаман. Бошлиқ билса, рухсат бермайди.

Кейин у бориб қаердандир учувчини топиб келди. Учувчи бошлиқдан бугун кечкурун кетиш-кетмасликларини аниқлади.

— Қолар эканмиз,— деди оғзининг таноби қочиб.— Бўрилар қачон тўпланади?

— Кеч кирса, бас.

— Унда қоронғи тушгунча вертолётнинг у ер-бу ерини чуқилаб турайлик. Сўнгра синаб кўрган бўлиб, тоғни бир айланамиз.

У интиқ бўлиб учувчиларнинг атрофида кечгача ўралашиб юрди. Вертолёт тоғ-тошни ларзага келтириб ҳавога кўтарилганда, унинг юраги ҳаприқар, назарида дунёда ундан қудратли ва бахтли одам йўқдек эди. У учувчиларга Бўриўйнар дарасини кўрсатди. Вертолёт тоғ устида бир оз айланиб учди-да, бирдан пастлай бошлади. Учувчи унинг қўлига дурбинни бериб, дарани кузат, деди. У дарани тенг иккига бўлиб оқадиган тезоқар сой ва унинг ёнидаги кафтдек текис майдончани қийналмай топди. Майдончада тўртта бўри чўзилишиб ётарди. Темир қуш тоғу тошни бошига кўтариб қоқ тепаларига келиб туриб қолганда ўтакаси ёрилган жондорлар тумтарақай бўлиб қочишди. Учтаси ўзини арчазорга урди. Биттаси пастга, сой бўйлаб қочди. Учувчи вертолётни сойнинг оқими бўйлаб ҳайдади. Бу қадар даҳшатли овоздан юраги қинидан чиқаёзган қашқир таппа ерга ётиб олди. У вертолёт ойнасидан кўкрагини чиқариб, бўрини мўлжалга олди. Ўқ теккан жондор осмонга бир сапчиди-ю, ерга қапишди. Булар нарвонда тушиб, ўлжани олиб чиқишди. Қароргоҳга етиб келгач, бўрини вертолётнинг бир бурчагига яшириб қўйиб, сўнг кабинадан чиқишди. Унинг кайфияти чоғ эди. Бунақа ғалати овни у хаёлига ҳам келтирмаганди. «Агар даштда бўлса, вертолётда бўриларни битталаб териш ташлаш мумкин. Бундай овга тоғ ноқулай экан», дея хаёлидан ўтказди у. Эртага бўриларни Маҳкам бухгалтерга кўрсатиш керак...

— Осмонпойизда учсанг ҳам, бўри отишингни қўймас экансан-да,— деди унинг вертолётдан бўри судраб тушаётганлигини кўрган бош тоғбеги.

У ўлаксаларни бошлиқнинг кажавали мотоциклига ортиб уйига қайтди. Ҳовлига кириб келганида, отаси қўлидаги пичоқнинг қонини ўтга артар, укаси боши кесилган сигирнинг оёқларини бўшатарди. У бир зум ҳеч нимага тушунмай қангу манг бўлиб қолди.

— Ҳа, нега сўппайиб турибсан, бу ёққа кёл!— деди отаси, пичоқнинг тиғини бош бармоғи билан текшириб кўраркан, ўғлига.— Сигирнинг дори ялаб қўйибди. Билмадим, гўштини еб бўладими, йўқми?

— Қаерда дори ялабди?— деди у оғилхонада маъраётган бузоққа ачиниб.

— Ҳамдам молдухтурнинг чорбоғида аллақандай дорилар бор экан. Туз деб ўйлаб ялаган шекилли, жонивор.

— Чорбоғда дори нима қилади?

— Бузоғига жабр бўлди-да.

— Оғзимиз қуриб қолади,— деди уларнинг орқасида қимтиниб турган хотини.

— Қарамаганингдан кейин шу-да!— дўлайди у хотинига.— Бир кун уйда турмасанг, мана шу аҳвол...

— Қўй энди. Бўлар иш бўлиб, буёғи синган. Бош-кўзларингдан садақа,— деди Раҳмон овчи бепарво оҳангда.— Келган бало шунга урсин. Бош омон бўлса, мол топилади.

У кечга яқин Ҳамдам молдухтурниқига борди.

— Сиз молларни даволаш ўрнига ўлдирар экансиз-да!— деди салом-аликдан сўнг.

— Сигиринг маргимуш ялаб қўйибди, оғайни. Айб, аввало, ўзларингда. Сигир подадан қайтгандан сўнг уйга ҳайдаб кетиш керак эди. Деворни ағдариб, уч-тўртта мол чорбоғни оёқости қилиб ташлабди. Болалар билмасдан маргимушни қопи билан чорбоққа олиб чиқиб ташлаган экан. Гўштини итга ҳам берманглар, заҳарланиб ўлади. Чуқур кавлаб, кўмиб ташлаш керак.

— Дорингиздан менга озгина беринг,— деди у ниманидир режасини тузаётгандек хаёли қочиб. Миясига шу фикр келиб, ярим йўлдан қайтиб келганди.

— Нима қиласан буни?— деди қўлини тебратиб Ҳамдам молдухтур.— Кўмиб ташламоқчиман шу касофатни.

— Озроқ беринг. Мен сигирнинг товонини тўланг, деяётганим йўқ-ку.

Доктор бир бўлак қоп-қора нарсани қалин қоғозга ўраб берди.

— Бирор кор-ҳол бўлса, ўзинг бошинг билан жавоб берасан,— деди қоғоғини уйиб.

У уйга келиб сигирнинг икки орқа сонини кесиб олди-да, қолганини томорқа этагидаги жарликка кўмиб ташлади. Кечаси соат ўнлардан ошганда гўштни мотоциклга ортиб, илк бор бўри отган эски тегирмон тепасидаги қирга келди. Боланинг муштидек келадиған маргимушни майдалаб сигир гўштига сепди-да, изига қайтди.

Негадир кечаси билан уйқуси келмади.

— Ухлаб қолсам, сигир соғишга турганинда мени уйғот,— деди хотинига.

— Энди сигир йўқ. Туриб нима ҳам қилардим,— деди хотини боласини ечиб олиб, яна қайта бешикка белар экан.

— Ҳа-я, айтгандай, сигир ўлди-я,— деди гўлдираб.— Эрта бозордан сигир оламин.

— Сизга бирор нима бўлдими? Хаёлингиз жойидамасга ўхшайди.

— Иш кўп,— жавоб қилди у, нима дейишини билмай.

— Доимо ўзингизга ўзингиз ташвиш ортириб юрасиз.

— Энди орттирмайман. Овчиликни ҳам йиғиштираман. Жонимга тегди. Иложини қилсам, даштга кўчиб кетамиз. Ном чикмаған йиғитдан донғи чикқан от яхши. Мен эса, итга ўхшаб бўрилар билан бекинмачоқ ўйнаб юрибман.

— Энди ўзингизга келяпсиз.

— Шукр қил, яна ўзимдан кетмайин.

— ...

Тонгга яқин кўзи илинганда туш кўриб, босириқиб уйғонди. Қўрқувдан қора терга ботиб кетибди. Хотини бешикни қучоқлаб, боласини эмизганча ухлаб қолибди. Боши тошдек оғирлашиб ўрнидан турди. Юз-қўлини ювиб, қишлоқ подаси тоққа ўрламасдан бурун мотоциклда йўлга чиқди.

Мотоциклни тегирмон ҳовлисига қўйиб, тепаликка кўтарилди. Тепаликка чиқди-ю, кўзи тушган манзарадан қотиб қолди. Тепаликнинг тўрт тарафида тўртта бўри ўлиб ётар, бир бўғоз она бўрининг олдида учта эрта қориндан тушган кўзи юмуқ бўриваччалар гимирлашарди. Бўрининг қорни катталигидан ичида яна боласи борга ўхшарди. Она бўрига яқинлашганда аъзойи бадани музлаб кетди. Қатортолсойнинг кўкиш она бўриси... Иш расво бўлди, ўйлади ўзича.

Она бўрининг қорни кўтарилиб тушарди. У қинидан пичоғини олиб, жондорнинг қорнини ёрди-ю, ҳайратдан тараша бўлиб қолди. Она бўрининг қорнидан яна ўнта бўривачча чиқди. Бўри болаларининг ярми ўлган, ярми зўрға ғимирлашарди. У ними қилишини билмай, оғир нафас олганча, серрайиб турарди.

У бир йўла ўн еттита бўрини ўлдирган эди. Агар бўри болаларига ҳам тўлашса, бу пулга бир эмас, иккита она-бола сигир беради.

Ўлжалар мотоциклнинг кажавасига сиғмасди. У жондорлар қандай ўлиб ётган бўлса, шу ҳолича ташлаб, Маҳкам ҳисобчиникига жўнади.

— Ўн еттита бўри отдим, — деди у ҳовлининг адоғидаги айвонга қамалган бўрдоқи қўйларга хашак солаётган ҳисобчига, салом-аликни ҳам унутиб.

— Йўғе, қўйсангчи бўлмаган гапни, — жавоб қилди ишдан бошини кўтармай ҳисобчи.

— Ҳозир олиб бориб кўрсатаман. Тегирмоннинг устидаги тепаликда.

Сўнгра у бўлган воқеани сўзлаб берди.

— Директорни олиб келиб кўрсатиш керак. Шундай қилсак, ведомостга тихирлик қилмай қўл қўяди. Шунча бўрини отганингни кўриб хурсанд бўлади, — деди Маҳкам ҳисобчи кўзи ўйнаб. — Ахир сенга берилаётган мукофотларнинг ҳаммаси директор фондидан. Кейинчалик йўлини қилиб, бир кўнглини оламиз. Керакли одам.

— Яхши. У кишини тезроқ олиб келиш керак. Бутун қишлоққа гап тарқаб, шов-шув бўлиб кетмасин тагин.

— Сен бориб бўриларингни бошида тур. Мен ҳозироқ ишга жўнайман. Директор эрта тонгда фермаларни айланиб, идорага ҳаммадан бурун келади. Унга учрашиб, сенга хабар етказаман ёки ўзим келаман.

У нонушта ҳам қилмасдан яна тегирмон тарафга қараб жўнади. Жондорлар ўлигини тепаликнинг сўл томонидаги жар ёқасига тўплади. Она бўрининг саккизта боласи ўлиб қолган, бештаси ингиллашиб ўлиб ётган онасини эмарди... Она бўрини жар томон судраганда, пилдирашиб болалари ҳам эргашди.

Ноинсоф Маҳкам ҳисобчи тезроқ келганда эди. Жондорларга одамларнинг кўзи тушмай кўмиб ташлаш керак, дея кўнглидан ўтказди. Чошгоҳ бўлиб қолганди. Ниҳоят, сой этагида мотоциклга мингашган иккита одамнинг қораси кўринди. Ҳисобчи Маннон кассирнинг шалағи чиққан мотоциклга мингашиб келарди. Улар жар ёқасидаги жондорларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолишди.

— Директорга айтдим. Вақти йўқ экан, боролмайман, деди. Областан кимдир келаркан. Рози қилинглар, деди. Лекин неча сўм беришни айтмади. Мен бош бухгалтер билан гаплашиб, зўрға саккиз юз сўм ёздирдим. Лекин унга ҳам одамгарчилик қилиш керак. Кейин ҳам керак бўлади. Хуллас, бу ёғининг ҳисоб-китоби ўзимизга қолди. Бизни ҳам ноумид қилмассан... Бу ерда Маннон ҳам бор...

— Менга қанча берасиз? — деди у елкаси тиришиб.

— Уч юз, — деди Маҳкам паст овозда. — Мен бир йўла пул билан ведомостниям олиб келдим. Менга сенинг пулинг керак эмас. Бош бухгалтерга одамгарчилик қилмоқчиман. Кечаги иккита бўрингга яна юз сўм тўғрилаб бераман.

— Ҳеч бўлмаса ярмини беринг. Сигирим ўлиб қолди, сигир олмоқчиман...

— Шунча пайтдан буён пул ёздириб бераман. Лекин ўз ақлинг билан бирор марта, сизни ҳам бола-чақангиз бор, мана шуни олинг, демадинг-а. Тагин оғзим бор деб гапирасан. Отанг тенги одамман...

— Доимо йигирма-ўттиз сўм олиб қоласиз-ку? Яна нима қилишим керак? Пулни ёнингиздан бераётганингиз йўқ-ку!..

— Шундай дейдиган бўлсанг, бир тийин ҳам олмайсан! Билдинг-



ми?! Шунча жониворни отганинг учун, истасанг, керакли жойга тиктириб қўяман! Ношукур одам экансан!

— Ҳақорат қилма мени! Пул керак бўлса, пишириб е! Лекин ҳақорат қилма!— асабийлашди у.

— Ким бўлсан! Ўзи сенинг ота-бобонгни назари паст ўтган!

— Ота-бобомга тил теккизма!..

— Сени ҳаром пулинг ҳеч кимга керак эмас! Сендақа тирикчилик қилиб, бола боққандан кўра ўзимни осаман! Билдингми!

— Овозингни ўчир, аблаҳ! Пешонангдан отиб ташлайман!

— Отасан! От қани! От! Сендақа одам отадиганни мен лойдан ясайман!

У индамай мотоциклига қараб юрди. Маннон кассир уларни келиштирмоқчи бўларди. Маҳкам ҳисобчи паст тушгиси келмай, бадтар ўжарлик қиларди.

— Тегма! Қани отсинчи! Отиб қаерда турар экан бу одамхўр!— деб ўшқирди у, Маннонни силтаб ташлаб.

— Қўйинглар! Жон оғайнилар! Бирон касофатни бошламанглар!— деб ёлворди, сумкасини қўлтиқлаб у ёқдан бу ёққа чопаетган Маннон кассир.

Маҳкам ҳисобчининг оғзига келган гапни қайтармай таҳқирлаши, айниқса «одамхўр» дегани унинг бадан-баданидан тешиб ўтиб кетди. У энди ўзини тутолмай, милтиқни кажавадан шартта олиб, ҳамон тилини тиймай ҳақорат қилаётган ҳисобчига ўқталди. «Ширқ» эткизиб тепкини кўтариб, у томон яқинлашганда, унинг кўзига кўзи тушган Маҳкам додлаганча тоққа қараб қоча бошлади. Маннон кассир ёлворганча тоғбегининг оёғига ўзини ташлади. Лекин у оддий бўрини нишонга олгандай кўзини қисиб туриб, тепкини босиб юборди. Соёнинг тинчини бузиб қўшотар гумбурлади. Уқ Маҳкамнинг ўнг елкасини ўпириб кетди.

— Нима қилиб қўйдинг?— дея бақирарди ерда сумкасини кучоқлаганча ағанаб ётган Маннон кассир.

Унинг кўз олди қоронгилашиб, жойида туриб қолди. Сўнг милтиғини сойга улоқтирди-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Маҳкамни отиб қўйгани учун эмас, энди бир ёшга кираётган, унинг оёқлари орасида она бўрининг болаларига ўхшаб ўрмалаб юрадиган ўғилчасини ўйлаб йиғлаб юборди. Қўйилиб келаётган кўзёшлари орасидан сўнгги бор она бўри ва унинг болаларига қаради. Мотоциклини ҳам ташлаб уйга пиёда жўнади. Шунда у қанча ҳаракат қилмасин, сўнгги бор йиғлаганини эслай олмади.

У зўрга оёғини кўтариб босарди. Ногоҳ ўғилчаси билан хотинини соғиниб кетди. Қадамини тезлатди. Сўнгра хотирасида кечаси кўрган туши жонланди... Уни Бўримозордан чиққан қоп-қора бўри қувиб келарди. Ниҳоят бўри унга етиб олиб, чопонининг этагидан тишлади. У додлаб юборди... Чўчиб уйғонганида, хотини бешик кучоқлаганча ухлаб қолган эди.

Уйига яқинлашган сари адои тамом бўлиб борарди. Ялангликда сўппайиб турган уйнинг томи ва ичи-таши бир сувоқ билан қолиб кетганини, томорқаси девор билан ўралмаганини ўйлади. Бедазор оралатиб экилган беш-ўн туп ниҳол ҳали бўй чўзмаган, жажжи ўғилчасидек мурғаккина эди. Бўриларнинг ортидан қувиб юрганымча шу ишларни қилсам бўлмасмиди.

Қаршидаги қирда тоғ тарафдан иккита бола кўринди. Улар бўри болаларини кучоқлаганча дунё топган чолдек суюнишиб, қишлоқ томон чопиб келишарди...

...У бир дақиқа тегиримон этагидаги мажнунтоллар орасига ва жийдазорга термулган кўйи ҳаёлга толиб қолди... Кўз олдида ҳар кун кечқурун онаси соғадиган каттакон оқ эчки пайдо бўлди. Кўзлари катта, думалоқ бу эчки ҳар йили эгиз туғар ва онаси янги сутдан қоқоноғ қилиб берарди. Унинг кўзи жиққа ёшга тўлди. Улоқлари уйда қоладиган эчки ҳамиша маъраганча подадан олдин қишлоққа кириб келарди. Елини сутга тўлиб, қизариб кетарди. Уни

кутиб олиш учун чиққан кичкинагина эгасини искаб, суйканарди. Сўнгра улар уй томон чопишарди. Уйдан эса маърашганча эгизак улоқчалар югуришиб чиқарди. У онасини маза қилиб, турткилаб эмаётган улоқлар атрофида гирдикапалак бўлиб айланар, гоҳида ўзи ҳам қўшилиб эмар, ағанаб ўйнар эди...



## **Ақл ва маъно дурлари**



*«Севилья саргароши» спектакли премьерасидан кейин ҳаяжонланиб кетган томошабин Бомаршедан сўради:*

— Бу қадар қизиқ ёзишга қандай қилиб эришдингиз?

— Ҳа, ҳа, эришмай бўладими? — деди у кулиб. — Ахир, номим машҳур бўлмаганидан кейин, қизиқ ёзишга мажбурман-да!



*Вильгельм Гримм ҳузурига Берлинда уч йилдан буён таълим олаётган франциялик нўноқ талаба ташриф буюрди. Тилшунос олим ундан тилни ўрганишга нега ҳаракат қилмаётганилиги сабабини сўради.*

— Виласизми, немис тили жуда қўпол, у отлар гаплашадиган тил, — деди заҳарханда билан талаба.

— Ҳа, нега уни эшаклар ўргана олмасликлари сабабини энди фаҳмладим, — деди ҳозиржавоблик билан аллома.



*Коллеж студентлари билан бўлган учрашувда Марк Твендан сўрашди:*

— Ёзмасдан яшай оласизми?

— Йўқ, албатта. Чунки ёзмасам қайси маблағ ҳисобига яшайман?



*Вир кунн Жюль Верндан сўрашди:*

— Қайси пайтларда хаёлингиз янада ўткирроқ ишлайди?

— Ҳар кунн эргалаб ўйғониш пайти, яна ун минутгина мизғиб олсам, деб ўйлаганимда, — дея жавоб берди буюк ёзувчи.

Гёте

## «МАҒРИБУ МАШРИҚ ДЕВОНИ»ДАН

### Ташриф

Ғарқ бўлиб шабнамга боғ, гулзор,  
Гуллари очилган хотиржам.  
Уларни дарахтлар  
Ўрамиш қоядай мустақкам.

Гулзорга ҳамсухбат ва улфат  
Ўрмонзор жўмарди жавондир.  
Водийга тегмасин деб офат,  
Ўрмонзор бамисли қалқондир.

Бунда бор қадимий нағма, сас  
Ҳам ошиқ «оҳ»лари, зорлари,  
Қуёшнинг нурлари билан баҳс  
Айлағай чилторим торлари.

Ғар шикор қўшиғи пуршукўх  
Янграса, бутазор тўлғайдир.  
Юракни қамраган тоза руҳ  
Илҳомбахш, мададкор бўлғайдир.

Ўрмонзор абадий баркамол,  
Бахш этгай қувончу фароғат.  
Сен роҳат этдингми, бемалол  
Этсин-да ўзгалар ҳам роҳат.

Қилмағай шунда ҳеч ким бадном,  
Бизни деб, худбину худпараст.  
Келса ғар одамлар қай замон,  
Табиат ҳуснидан бўлсин маст.

Шу қўшиқ, ажиб ҳол билан биз  
Ҳофизга бўлдик боз рўбарў,  
Риндона ўтган бу дам азиз,  
Шубҳага ботмангиз, деди у:

### Беш хислат

Беш хислатдан беш хислат пайдо эрур:  
Беадабга паст тийнат ошно эрур.

Ким такаббур, эсда тут, дўст бўлмағай,  
Ким ёвуздир марди холис бўлмағай.

Ким ҳасадгўй, ҳеч ҳаёси йўқ унинг,  
Ким фирибгар, эътиқоди йўқ унинг.

Сен агар кетсанг буларни тарк этиб,  
Уйлаким, билдинг балолардан ўтиб.

## Ишқ китоби

Уқиб чиқдим, ажиб эркан  
Муҳаббатнинг китоби.  
Қувонч тўла варағи кам,  
Лекин бисёр азоби.

Уқиб чиқдим варақ-варақ,  
Ҳижрон — бисёр, висол — оз.  
Тугамайди агар юрак  
Шарҳини этса оғоз.

О, Низомий! Ишқ ганжига  
Сен охир топдинг калит:  
Чидай олса ким ранжига —  
Висолдан этсин умид.

\* \* \*

Тахтлар қулаб, не таажжуб,  
Хароб Шимол, Мағриб, Жануб.  
Шарққа ҳижрат эрур вожиб,  
Покиза ишқ, маю мутриб  
Ҳам чашмаи ҳаёт равон:  
Умри боқий — умри жавон.

Ҳайратланма, унда пайдо  
Насли одам, насли дунё,  
Муножоти бани башар  
Ҳақ қабули бўлса агар,  
Тўлиб инсон зиё билан  
Сухбат этса само билан.

---

Буюк немис шоири Гётенинг «Фауст», «Мағрибу Машриқ девони», «Вилхелм Майстер», «Ёш Вертернинг изтироблари», «Поэзия ва ҳақиқат», «Ранглар ҳақида таълимот» сингари лирик, драматик, насрий, фалсафий, илмий асарлари маълуму машҳурдир. Унинг «Фауст» драматик достони, «Ёш Вертернинг изтироблари» романи ва бир қатор шеърлари аллақачон ўзбек ўқувчиларининг кўнгил мулкига айланган.

Гётенинг ўзи «Мағрибу Машриқ девони» тўғрисида шундай деганди: «Менинг ниятим Ғарб билан Шарқни, ўтмиш билан ҳозирги замонни, форс билан немисга алоқадор нарсаларни завқ-шавқ билан бир-бирига боғлаш ҳамда уларнинг урф-одатлари, фикрлаш тарзини ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб қараш, бирини иккинчиси орқали тушунишдан иборат.»

Гёте ўз даврида Ибн Сино, Ҳофиз, Жалолоддин Румий, Низомий, Фирдавсий, Навоий каби Шарқ фозилларининг асарларидан баҳраманд бўлган эди. Шарқ фалсафасидаги илғор ғоялар, шеъриятидаги шакл ва мазмуннинг юксак мутаносиблиги, ажиб суҳанварлик немис шоирининг эътиборини жалб этган. Юкорида номлари зикр этилган шоирларнинг, айниқса, Ҳофизнинг ғазаллари унга қаттиқ таъсир қилган. Шоирнинг «Мағрибу Машриқ девони» ана шу таъсир натижасида пайдо бўлган. «Девон» рус тилига бир неча марта таржима қилинган. Унинг ўзбек тилида биринчи марта эълон этилаётган ушбу таржимаси бевосита немис тилидан ўгирилди.

Аждодларга бор эҳтиром,  
Машриқда ғайр урфи ҳаром.  
Эътиқодда чексиз маъно,  
Қисқа суҳан — фикри доно.  
Гавҳардан ҳам қиммат мудом  
Муқаддасдир, зеро, калом.

Чўпонларга бўлиб ҳамроҳ,  
Кезсанг яйраб дашту саҳро.  
Карвон билан шому саҳар  
Қаҳва, шоҳи, мушку анбар  
Элтсанг бекас сўқмоқлардан,  
Ҳеч ким билмас сўқмоқлардан.

Қоялар тунд — хатар беҳад,  
Сенга Ҳофиз байти мадад.  
Хачир минган сайёҳ жадал —  
Ҳофиз шеърин айтган маҳал,  
Юлдузларга шўриш солгай,  
Қароқчилар қўрқиб қолгай.

Базмларда қай бир сасдир,  
Байти Ҳофиз муқаддасдир.  
Юз очгайдир жононалар,  
Тўсиқ бўлмас остоналар.  
Шивирлаган маҳал шоир,  
Ҳатто ҳурлар бўлгай асир.

Ҳасадгўйнинг дили ботил,  
Бермоқ истаб заҳри қотил,  
Тўсса ҳамки йўлни қанча,  
Дарвозаи жаннатгача  
Етгай шоир пайғомлари,  
Мангу қолгай каломлари.

## Истак

Мавтдан кейин бошланади  
Боқий умрга роҳлар,  
Деса агар, ташланади  
Донишмандга гумроҳлар.  
Сен ўйлама қайтди рағбат  
Муҳаббатдан, ҳаётдан.  
Хомуш ёнса шам, бешафқат  
Дарак ўзга баётдан.  
Сени таъқиб айлаб зулмат  
Қучоғида тутолмас,  
Илоҳий руҳ билан фақат  
Қовушасан шу нафас.  
Масофаю тўсиқ бекор  
Келажаксан бемалол,  
Нурга ташна, оташга зор  
Куйган парвона мисол.  
Фоний ердан ўтажаксан  
Бекор ҳушёрлик, мастлик.  
Шундай яша, мумкин бўлсин —  
Ўлгандан сўнг ўлмаслик.

## Сир

Эл ҳайратда, маҳбубамнинг  
Кўзларидан узмас кўз.  
Эл билмайди, менга аён  
Кўзида не сир, не сўз:

У дер: «Сени севажакман,  
Узгалар ишқи — озор.  
Узгаларнинг ҳайрати-ю,  
Қайғуси — бари бекор.»  
Сўнг маҳбубам атрофига  
Ошкора ташлаб назар,  
Ширин висол соатидан  
Менга беради хабар.

Ҳалол яшаганимда  
Чекардим озор,  
Умрим ҳам ўтар эди  
Камбағал, ночор.  
Ҳеч ким мени олмасди  
Икки пулга ҳам,  
Истадим бой бўлмоқни,  
Бўлиб муттаҳам.  
Лекин мендан чиқмади  
Унақа одам.  
Сўнг ўйласам покиза  
Яшашда маъно,  
Ўғрилиқдан қашшоқлик  
Доимо аъло.

## Эркинлик

Эгар устидан жудо бўлмай даме,  
Кулба-ю, чодирда сен қол, ҳамдаме.  
Шодмон кезсам, этиб сарҳадни тарк,  
Бошим узра юлдуз ҳам хонишга фарқ.

Этмиш сенга юлдузларни  
Қуруқда, сувда маёқ.  
Завққа тўлдир сен кўзларни  
Ва доим юксакка боқ.

## Беҳудудлик

Кабирдирсан, ҳеч интиҳонинг йўқ,  
Қисматинг хуш, ҳеч ибтидоинг йўқ.  
Қўшиғинг юлдузлар гумбазидир,  
Боши-ю, охири ҳам маркази бир.  
Фалакдай гардишда шеъринг муқаррар,  
Аввалу сўнги ҳам бир ҳил муқаррар.

Сенинг қалбингдан оққай чашмаи шеър,  
Қувонч бирлан симиргай ташнаи шеър.  
Сен айтдинг, бўсага маҳталдир лаблар,  
Кўнгил завқи қўшиққа айланади,  
Ки, бода завқидан яйраса қалблар  
Муҳаббат риштасига бойланади.

Менга олам ғами, билки, абасдур  
Аё, Ҳофиз! Агар сен бирла бўлсам,  
Ки, фахру ифтихорим сен, ҳавасдур  
Сенингдай ғам чекиб, сен каби кулсам.

Муродим май ичиб сен бирла баҳсдур,  
Сенингдек севсаму сўнг майли ўлсам.

Аё, мутриб! Қўшиқ айт, сўзда жондур,  
Газал кўҳна ва лекин навжавондур.

## Ўрмон шоҳи

Ким у отни шоширар ҳориб?  
Ота тунни шамолдай ёриб,  
Қучиб ўғлин бағрига маҳкам —  
Елар, ўғли алаҳлар ҳар дам.

«Болам, нечун юзингда қўрқув?»  
«Ота, боққил, ўрмон шоҳи-ку!  
Бошида тож, эгнида ридо!»  
«Йўк, бу — туман, сен этма парво».

«Ширин бола, бирга кетамиз,  
Қувнаб базм, ўйин этамиз.  
Шоҳона юрт гуллари бўлак,  
Зардан бичар малика кўйлак.»

«Эшит, падар, ул шоҳи ўрмон  
Нени айлар шивирлаб инъом?»  
«Нуридийдам, тинчлан, ором ол,  
Хазон баргин сўйлатар шамол.»

«Менга ҳамроҳ бўлганинг заҳот  
Шўх қизларим мисли паризод —  
Ўйнаб, куйлаб, қувнаб беармон,  
Йигит, сени айлайди шодмон.»

«Дада, дада! Ташлагил нигоҳ,  
Маликалар мени имлар гоҳ.»  
«Ўғлим, ўғлим! Тинч олгин нафас,  
Самбиттолдир булар, қиз эмас.»

«Жуда иссиқ юлдузинг экан,  
Сени мажбур оламан, эркам!»  
«Дада, ана, панжа солмоқда,  
Ўрмон шоҳи мени олмоқда.»

Отлиқ елар, қўлида бола,  
Титраб-қақшаб, этар оҳ-нола...  
Отлиқ уйга етиб бўлганди,  
Қўлидаги бола ўлганди.

Келмаганди хаёлимга  
Самарқанду Бухоро —  
Инъом этмоқ ул холингга  
Ё этмаслик, дилором.

Берарларми шаҳаншоҳлар  
Мулку шаҳар? Гумондир.

Улар — доно, бою довар,  
Лекин ишқда нодондир.

Журъат қилиб бундай корга,  
Юрт инъом этгай илло,  
Фақат сендай гўзал ёрга —  
Мендай сахий бир гадо...

Немисчадан Садриддин САЛИМОВ  
таржималари

# ПУБЛИЦИСТ МИНБАРИ

Ҳамид Ғулом

## ҲАЁТ САРЧАШМАСИ— БЕБАҲО МУЛКИМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1984) Пленуми, ўртоқ К. У. Черненконинг унда сўзлаган нутқи ва муҳокама этилган масала юзасидан Пленум қабул қилган қарор ўтган, 1984 йилнинг асосий воқеаси бўлди.

Партия халқ фаровонлигининг асоси, инсон ризқи, тирикчилиги, турмушининг негизи — ер масаласини асосий мавзу қилиб ўртага қўйди. Бу масалани муваффақиятли ҳал этиш учун эса мелиорацияга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми (ноябрь, 1984) КПСС Марказий Комитети Октябрь (1984) Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг мелиорациялаш, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли программасини, ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоидалар ва ҳулосаларни бажариш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилди ва икки мингинчи йилгача мўлжалланган улкан ишлар программасини кун тартибига қўйди.

Биз ер, унинг ҳосилдорлиги ҳақида ўйлар ва сўйлар эканмиз, аввало, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда айтган қуйидаги эслатмаларини ёдда тутишимиз керак: «...қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиш энг бебаҳо мулкларимиздан бири бўлган ерга ўзгача муносабатда бўлишни талаб этади. Модомики, шундай экан, суғориладиган ва қуритиб соғломлаштирилган ерларга яна ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлмоқ зарур».

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Пленумида ҳам, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида ҳам тажрибали партия ходимлари, моҳир мутахассислар, йирик хўжалик раҳбарлари бебаҳо мулкимиз бўлган ерга муносабат ҳақида гапирдилар, бу борада фойдали маслаҳатлар бердилар.

Пленумларда сув хўжалиги қурилишларининг сифатини кўтариш, мелиорациянинг жами муаммоларини ҳал этишда барча тадбирларни комплекс равишда амалга оширишга эътибор қаратилди. Бундан мақсад — ҳар бир гектар ердан олинadиган ҳосилни кўпайтиришдир.

Биз ўз диёримиз — серқуёш Ўзбекистонда ва барча қардош республикаларда янги ерларни ўзлаштириш, социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш хусусида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар билан фахрланамиз. Республикамизда бу ишлар улуғ доҳиймиз В. И. Лениннинг 1918 йилда Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ҳақидаги тарихий Декретга имзо чекиши билан бошланганини ҳеч қачон унутмаймиз. Улуғ Ватан урушига қадар бу соҳада анча ишлар қилинди. Биргина Катта Фарғона каналининг умумхалқ ҳашари билан қуриб битказилгани янги жамият тарихимизга олтин харфлар билан битилган ёрқин саҳифадир.

КПСС Марказий Комитети 1966 йил Май Пленумидан кейин ўтган даврда республикамизда сув хўжалигини ривожлантиришга 21 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Суғориладиган ерлар майдони шу давр ичида 1,4 баравар



кўпайди ва 3,7 миллион гектарга етди. Замонавий юксак инженерлик ҳисоби асосида 200 дан ортиқ суғориш системаси яратилди. Сирдарё ва Амударё сувларидан фойдаланиш анча тартибга солинди.

Республикамизнинг кўптармоқли қишлоқ хўжалиги шу даражада ривожланган экан, бунда ирригаторларимиз ва мелиораторларимизнинг хизмати жуда катта. Бутун ҳаётини халқни тўйдиргувчи ер, сув, илғор деҳқончилик муаммоларини ҳал этишга бағишлаган ўнлаб, юзлаб фидойи ташкилотчи ва мутахассисларнинг номларини халқимиз эҳтиром билан тилга олади.

Партия ва ҳукуратимизнинг чексиз ёрдами туфайли Мирзачўл, Жиззах, Сурхон-Шеробод, Қарши даштларида янги ерларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш соҳасида амалга оширилган ва ошириладиган кўламли ишлар ягона мақсадга — халқ фаровонлигини ошириш, пахтачилик, чорвачилик, сабзавоткорлик, мевачиликни тез суръатлар билан ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленумининг қарорида таъкидланишича, икки мингинчи йилга бориб суғориладиган ерларни беш-беш ярим миллион гектарга етказиш кўзда тутилади. Бинобарин, мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, Қарши ва Жиззах даштларини, Қоровулбозор ва Қизилин суғориладиган массивларини комплекс ўзлаштиришга доир катта ишлар амалга оширилади.

Бундай ўта масъулиятли ва истиқболли вазифаларни бажариш учун республикамиз олимлари, мутахассислари бой тажрибага эга, ишчилар синфимиз иқтидорли ва саноатимиз қудратлидир. Биз яшаётган илмий-техника революцияси даврининг имкониятлари чексиз.

Ўзбекистон ССР ўз бой тажрибаси билан замонавий ирригация ва мелиорация ватани сифатида довруқ қозонди. Каналлар, сув ҳавзалари, мураккаб сув хўжалиги тармоқлари, қисман бўлса-да, автоматик ва телебошқариш системалари халқимиз хизматидадир. Эндиликда бизнинг мутахассисларимиз РСФСР ва бошқа қардош республикаларда ирригация ва мелиорация иншоотлари барпо қилишда иштирок этмоқдалар. Бизнинг бой тажрибамиз, мутахассисларимизнинг билим, маҳоратлари Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам қўл келмоқда. Куба, Ангола, Эфиопия, Афғонистон каби мамлакатларга борсангиз, ўзбекистонлик мутахассисларнинг жонбозлик кўрсатиб ишлаётганининг гувоҳи бўласиз.

Ҳар бир ишга унинг натижасига қараб баҳо берилади. 1984 йилда пахтачиликда Фарғона водийсининг уч области билан бир қаторда Сирдарё, Хоразм ва Сурхондарё областлари ҳам илғорлар сафидан ўрин олдилар. Халқимизнинг жасоратли меҳнати, пахтакорлар, механизаторларнинг қаҳрамонлиги зафарнинг бош омили бўлганини таъкидлаш билан бирга, бу областларда ирригация ва мелиорация ишларига алоҳида эътибор берилётганини таъкидлаб ўтмоқ даркор.

Бу икки соҳа икки эгизакдай бир-бирига яқин. Кимки, бирига эътибор бериб, иккинчисини унутса ердан кутган ҳосилини ололмайди, меҳнат зое кетади. Ариқ бор ерда зовур ҳам бўлиши шарт. Ернинг бир томонидан сув келаберса-ю, иккинчи томонидан чиқиб кетмаса — ҳаммаёқни зах босади, замин ботқоққа айланади. Бу — деҳқоннинг оддий ҳақиқати, ибтидоий бир ақида. Бизнинг фан юқори даражада тараққий этган, техника ривожланган замонамизда эса автомат усулда бошқариладиган, телевидение орқали назорат қилинадиган тўғонлар, сув тақсимлагичлар, бетон қопланган каналлар, мустақкам лотоклар билан бир қаторда мураккаб мелиорация системалари ҳам яратилган. Чунончи, Янгиер шаҳрида бетон қувурлар заводи бор. Бу корхона диаметри бир қаричдан бир неча метргача бўлган қувурлар ишлаб чиқаради. Бу қувурлар маълум система асосида ариқлар тубига ётқизилгач, кўмиб юборилади. Шундай қилиб, очиқ зовурларга сарф бўлиб кетадиган анчагина ерлар тежаб қолинади. Сув эса экинзорларда хизматини ўтаб бўлгач, қувурларнинг тешикларидан оқиб кириб, бир-бирига қўшилиб, оқибатда, йўғон қувурлар орқали Арнасой пастликларига оқиб чиқиб кетади. Марзачўлда қурилган тик ва ётиқ дренажлар системаси шўр сувларни йўқотишга, ерни ботқоқланишдан сақлашга хизмат қилмоқда. Бу замонавий системалар ҳаёлий эмас, балки қадимги тажрибалар асосида яратилган. Яхши анъаналарнинг ҳаётийлиги айниқса, Хоразмда кўзга яққол ташланади. Область бўйича ҳар гектар ердан қирқ центнер атрофида «оқ олтин» етиштирилмоқда. Бинобарин йил сайин, ҳар бир гектарнинг унумдорлигини муттасил сақлаб турабилиш замирида Хоразм деҳқонларининг ерга катта эътибори ва деҳқончилик соҳасидаги мислсиз маҳорати мавжуд, албатта.

Мен кейинги тўрт йил давомида Андижон областига тез-тез бориб турдим. Бу бекиёс гўзал диёрнинг шимолида, Қўрғонтепа райони территориясида, аниқроғи Қорадарёнинг юқори оқимида Кампирравот сув омбори бор. Шу сув омбори ва ГЭСининг ташкилотчиларидан бири, менинг қадрдон дўстим В. Д. Медведевдир. «Андижонгидрострой» бошлиғи В. Д. Медведев бундан чорак аср аввал Москва Сув хўжалиги институтини тамомлаган ва ўша вақтда, яъни йигитлик чоғида Ўзбекистонга ишга келган. У аввал Андижон областининг Бўз районида, машхур пахтакор Манноп Жалолов раислик қилган колхоз ва унинг атрофидаги хўжаликларда ирригация шохобчалари қурган, кейин орадан беш-олти йил ўтгач, водийнинг бошқа районларида, катта-катта янги ер массивларида сув хўжалиги қурилишлари раҳбарлик қилган. Биз унинг ҳозирги вазифасини айтдик, бироқ қўшимча қилишимиз керак: В. Д. Медведев — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ва Олий Совет Сув хўжалиги Доимий комиссиясининг раиси. Эндиликда унинг тўнғич ўғли бир вақтлар отаси таҳсил кўрган Москва Сув хўжалиги институтида ўқияпти.

Бу, албатта, В. Д. Медведев таржимаи ҳолидан штрихлар!.. Энди, унинг ўзи ҳозир раҳбарлик қилаётган ишига келсак, Қорадарёдаги «Андижон денгизи» деб ном қозонган сув омбори худди Амударёда, Хоразмнинг Ҳазорасп районида қурилган Туямўйин сув омбори каби жуда нодир иншоот бўлиб, коллектив инженерлик кашфиётидир.

Андижон области пахтакорларининг 1984 йилги 600 минг тонналик юқори сифатли пахта хирмонида минг-минглаб ирригатор ва мелиораторларнинг, шу жумладан истеъдодли инженер В. Д. Медведевнинг ҳам ҳиссаси бор. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида сўзга чиқиб, ўзи раҳбарлик қилаётган сув хўжалиги қурувчилари коллективининг ибратли ишларини ҳикоя қилиб берди.

Мен яқинда Андижон денгизининг баҳайбат тўғони қад кўтариб турган Кампирравот дарасига яна бордим. Дарёнинг икки қирғоғини бирлаштирган бу тўғоннинг узунлиги 1021 метр, баландлиги 115,5 метр, кенлиги эса 12 метр. Шу тўғон туфайли ҳосил бўлган сув ҳавзасининг сатҳи 53,2 квадрат километр. Бу денгизга тўпланган I миллиард 750 миллион кубометр об-ҳаёт 440 минг гектар ерни суғориш ва 44 минг гектар янги ерни очишга мўлжалланган. Деҳқонларнинг ҳисобича, бу баҳрул-ҳаёт Ўзбекистон ва Қирғизистон ерларидан қўшимча равишда 100 минг тонна пахта, 50 минг тонна сабзавот, 100 минг тонна қовун-тарвуз, талай мева-чева, гўшт, сут олиш имконини беради.

Шул баҳрул-ҳаётни минг-минг оддий совет кишилари, сиз билан бизнинг замондошларимиз бунёд этдилар. Мен ҳурматли журналхонларни шулардан бири билан таништираман. Бу киши менинг қадрдоним, кекса ўқитувчи, бир неча авлод ёшларнинг меҳрибон мураббийси — «Андижонгидрострой» Ҳунар-техника билим юртининг директори Ғулом Музаффаровдир.

Қурилиш бошланган дастлабки кунлардаёқ коммунист Музаффаров жуда кўп малакали ишчилар, мастерлар керак бўлишини сезиб, Бошқарма раҳбарлари олдига «Усталар мактаби» очиш масаласини қўйганди. Бу долзарб масала ижобий ҳал бўлгач, ишни ташкил қилишга ўзи киришган. Мана, бир неча йилдирки, «Усталар мактаби» муваффақиятли ишлаб турибди. Уни тамомлаган ёшларга ўрта маълумот ва мастерлик ҳақида бир йўла иккита гувоҳнома берилади.

Бу ажойиб билим ва ҳунар ўчоғи ҳозиргача ўн мингдан ортиқ ёш мутахассисларни тайёрлаб чиқарди, яъни фақат «Андижонгидрострой» учунгина эмас, балки бошқа кўпгина қурилишлар учун ҳам ўрта маълумотли турли касб эгалари етишиб чиқаяпти. Бу ажойиб ташаббус партиямизнинг ўрта мактабларни слоҳ қилиш ҳақидаги қарорига амалий жавоб эмасми!

Хуллас, Совет Иттифоқида, шу жумладан бизнинг серқуёш республика-мизда қишлоқ хўжаликни мустаҳкам асосда муттасил ривожлантиришнинг асоси бўлган ирригация ва мелиорация соҳасида қўлга киритилган ютуқлар салмоқлидир. Аммо, давр талаби, халқ эҳтиёжи олдида, жамиятимизнинг умумий тараққиёти олдида деҳқончиликнинг айна пайтдаги аҳволи, шу жумладан мелиорация ишларининг ҳозирги даражаси кўнгилдагидек эмаслигини инкор этиб бўлмайди.

Мелиорация ерни соғломлаштириш демакдир. Бизни тўйдиргувчи, бизни қувонтиргувчи табиатга, она-заминга лоқайдларча, бефарқ қараш асло мумкин эмас. Ерга нотўғри муносабатда бўлиш одамларни фожиага олиб келади. Чунки ер ўзига нисбатан ҳурматсизликни кечирмайди, ваҳшиёна муносабат учун эса, албатта қасос олади.

Ўзбекистон радиосининг мухбири Қашқадарё область ижрокоми раисининг ўринбосари билан суҳбат ўтказди. Биз мазкур радиосуҳбатни айнан келтирамиз:

**Савол:** Қарши даштида қанча ер ўзлаштирилган?

**Жавоб:** Икки юз минг гектар.

**Савол:** Нега шунча ер ўзлаштирилган бир вақтда область пахта тайёрлаш планини ҳам, давлат олдидаги бошқа мажбуриятларини ҳам бажармади?..

**Жавоб:** Чунки, янги ерлар чала ўзлаштирилган.

**Савол:** «Чала ўзлаштирилган» деган иборанинг маъносини тушунтириб берсангиз?

**Жавоб:** Янги ерларда совхозлар комплекс равишда қурилмаган. Яъни, ер очилган, текисланган, лоток-ариқлар ҳам тортилган, битта-яримта бараклар ҳам қурилган. Лекин янги хўжаликларга кўчиб бориб яшайдиган аҳоли учун тураржойлар жуда оз, қурилганлари ҳам талабга жавоб бермайди. Мактаб, боғча, ясли, ҳаммом, магазин ва ҳоказо зарур бинолар қурилмаган, водопровод тортилмаган, иситиш системалари мутлақо йўқ, йўллар тартибсиз...

**Савол:** Демак, у ерларда одамларнинг яшаши учун ҳеч қандай шароит йўқ?

**Жавоб:** Қа...

**Урток К. У. Черненко:** «...энг бебаҳо мулкларимиздан бири бўлган ерга ўзгача муносабат» ҳақида сўзлаганда Қарши чўлида содир бўлган ачинарли аҳволни ҳам назарда тутиб, ернинг тақдирига жавобгар кишиларни қаттиқ огоҳлантиргани бежиз эмас.

Инсон табиат фарзандидир. У табиатдан, ердан фойдаланибгина қолмай, буларга меҳр билан қараши, фойдаси тегиши шарт. Халқда: «ер — соғин сигир», деган чуқур маъноли ҳикмат бор. Сигирдан сут олиш учун аввало, уни тўйдириш зарур. Қайси бир ишга меҳр қўйсангиз, ўша иш унади. Ер жонсиз бир вужуд эмас. Ер нафас олади, чанқайди, озуқа сўрайди, ҳосил беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми мелиорация ишларини тубдан яхшилаш ҳақида қабул қилган қарорида икки мингинчи йилгача бу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар планини ишлаб чиқишни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига, ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлимига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига, «Главсредазирсовхоз-строй»га топширди.

Ҳеч шубҳасизки, узоқ муддатга мўлжалланган муҳим тадбирлар ердан фойдаланишни яхшилашда, ҳосилдорликни оширишда ва, умуман, коммунистик фаровонлик асосларини бунёд қилишда улкан аҳамият касб этади. Ниҳоят, Иттифоқ ҳукуматининг яна бир муҳим қарорини эслатиб ўтиш керак. Чиндан ҳам Сибирь дарёлари сувининг бир қисmini Урта Осиёга оқизиш лойиҳасини ниҳоясига етказиш тўғрисидаги бу қарор республика меҳнаткашларини айниқса мамнун қилди.

Ерни қадрлаш, унинг ҳар бир вершугидан унумли фойдаланиш, сувнинг ҳар бир қатрасини эъзозлаш ота-боболаримиздан қолиб келган муҳим одат, халқимизнинг асрий анъанасидир. Қадим-қадимлардан то шу вақтга қадар ҳар бир шаҳарни унинг атрофидаги қишлоқлар гўшт-ёғ, сут маҳсулотлари, сабзавот, мева-чева билан таъминлаб келган, ҳозир ҳам шундай. Бироқ шаҳар атрофидаги ерларнинг ҳар хил йўллар билан талон-торож қилиниши, ҳосилдор заминнинг тақирларга, чимзорларга айланиши оқибатида шаҳар аҳолисига юборилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари баъзан қониқарли бўлмапти. Бозорларда нарх-наво ҳам сунъий равишда ошириб юборилляпти. Шу сабабдан ҳам XVIII Пленум ўз қарорида: «Суғориладиган ерлардан фойдаланиш учун хўжаликларнинг раҳбарларидан қаттиқ жавобгарлик талаб қилинсин, ер фондининг ҳолати ва сақланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин, суғориладиган ерларнинг талон-торож қилинишига, суғориладиган экинзорларни қишлоқ хўжалик оборотидан асоссиз равишда чиқаришга йўл қўйилмасин», — деб таъкидлади.

Бу ерда мен иккита характерли мисол келтиришни зарур деб биламан. Биринчиси: Тошкент бозорларида сабзавот ва мева нархи кейинги икки-уч йил ичида бир ярим-икки баробар кўтарилди. Бунга сабаб шуки, шаҳар атрофидаги кўпгина экинзорлар ва боғлар минг-минг кишиларга дача сифатида инъом этиб юборилди. Дуруст, шаҳарликлар соя-салқин жойларда ором олсинлар, бироқ аслида бошқача манзарани кўрамиз: боғ-ҳовлилар бўм-бўш этади, эгалари ҳафтада ё бирор кун бўладилар, ё икки-уч соат майшат қилиб, яна шаҳарга қайтиб кетадилар. Улар сувли ерга эга бўлатуриб, сабзавот ва мевани

бозордан сотиб оладилар. На экин экадилар, на мевали дарахт ўтқазадилар.

Иккинчи мисол: Қарши районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг Зағза қишлоғида саккиз гектар узумзор, тутзор — яхлит сувли массивни бир гуруҳ олғир қариндош-уруғ, ёру биродарлар ўзбошимчалик билан бузиб, ўзаро тақсимлаб олганлар-да, ижозатсиз, лойиҳасиз уй-ҳовли қура бошлаганлар. Натижада совхоз посёлқасининг аҳолиси мевадан, бутун бир бригаданинг ипак қурти озуқасидан маҳрум бўлиб қолган. XVIII пленум ерни талон-торож қилишни қаттиқ қоралар экан, кейинги йилларда авж олган мана шундай жиддий нуқсонлар, тартиббузиш ҳоллари назарда тутилган, албатта. Марказий Комитетнинг ҳар бир ишда, шу жумладан ерга муносабат масаласида қаттиқ интизом ўрнатаётганини халқимиз қизгин қўллаб-қувватламоқда.

Латвия ёзувчиси Эрик Ханберг «Литературная газета»да босилган «Ҳар бир гектар учун» сарлавҳали мақоласида латишлар ботқоқликни қуритиб, ер очган кишилар шарафига тошдан ҳайкал қўйишларини ҳикоя қилади. Чунончи, Елгава районидаги «Авангардс» колхозида миллионинчи гектар ер қуритилиб, экинзорга айлантирилиши шарафига ҳайкал тикланибди. Бизда «Андижон денгизи» тўғонининг тепасида В. И. Лениннинг улугвор монументи тикланади. Бу билан ўзбек халқи ўз халоскори ва раҳнамосига чексиз эҳтироми ва буюк муҳаббатини изҳор этади.

Партия қарорлари асосида республикамызда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли зич яшайдиган районлардан янги ерларга одамларни имтиёзли тарзда кўчириш, мелиорация системаларини лойиҳадаш ва қуриш сифатини тубдан яхшилаш, ирригация иншоотларини юқори даражада пишиқ-пухталигини таъминлаш, суғоришнинг перспектив технологиясини ишлаб чиқиш, агросаноат тармоқларида ва капитал қурилишда фан, техника ютуқларидан кенг фойдаланиш ҳамда бошқа муҳим ишлар юзасидан улкан программа амалга оширила бошланди. Атроф-муҳитни, айниқса Орол денгизининг экологик зонасини муҳофаза этиш юзасидан кўрилатган тадбирлар ҳам алоҳида эътиборга сазовордир.

Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартиянинг шонли 60 йиллик юбилеи озодлик, тинчлик, ижтимоий тараққиёт, бахт-саодат тантанаси, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги ленинча эзгу қардошлик байрами бўлди. Жонажон республикамыз янги, социалистик тарихининг еттинчи ўн йиллигига собит қадам қўйди.

Бутун мамлакатимиздаги каби жонажон республикамызда ҳам КПССнинг XXVII съездида қизгин тайёргарлик бошланиб кетди.

Улуғ йўлда улуғ вазифаларни бажараётган қаҳрамон халққа иқбол ҳамиша ёр бўлади.

---

## Ақл ва маъно дурлари

---

\* \* \*

*Бир куни кўнгли ғаш Суқрот кечки овқатга ўтираётиб хотини Ксантиппега деди:  
— Жонгинам, тўйимиз олдидан «Сенинг қўлингдан бир қадаҳ заҳар ичишга ҳам тайёрман» деган эдим. Лекин бу қадаҳни ҳар куни уч марта — нонуштада, тушликда ва кечки овқатда ичаман, деб сира ўйламагандим...*

\* \* \*

*— Сен негадир «шайтон», «алвасти» каби ярамас сўзларни ишлатадиган бўлиб қолдинг? — деб койиди она боласини.  
— Лекин бу сўзларни Шекспир ҳам ишлатади. — деди ўзини оқлаш учун бола.  
— Ундай бўлса, сен у билан ўйнама.*

КПСС, Совет Иттифоқи, социал тузумидан қатъий назар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар тинч-тотув яшаш, яхши кўшничилик ва тенг ҳуқуқлилиқ муносабатлари бўлиб қолиши учун ҳамма ишни қилиб келди ва қилаверади.

К. У. ЧЕРНЕНКО

Ҳакимбой Ҳалимов

## ТИНЧЛИК — ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭЗГУ ТИЛАГИ

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда Совет халқи КПСС XXVI съездида ишлаб чиқилган Тинчлик прогаммасига амал қилиб, ядро уруши хавфини тугатиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қолиш йўлида ўзига боғлиқ бўлган барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Ядро қуролига эга давлатлар ўртасида хулқ-атвор кодекси тўғрисидаги, космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик ҳақидаги совет тинчлик ташаббуслари шу мақсадга хизмат қилаётгани айниқса муҳим.

«39 йил муқаддам, — дейилади АҚШ ҳарбийлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлаган куннинг 39 йиллиги муносабати билан Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети баёнотида, — бу шаҳарларга Америка авиацияси алоҳида ҳарбий зарурат бўлмагани ҳолда атом бомбаси ташлади. Юз минглаб ҳеч гуноҳсиз япон граждандлари — аёллар, қариялар, болаларнинг ёстиғини қуритган бу бемаъни ҳаракат инсониятга қарши даҳшатли жиноятдир».

Дарҳақиқат, Совет Иттифоқи, ер юзидаги барча тинчликсевар кишилар оммавий қирғин воситалари ва аввало ядро қуроли йўқ қилиб ташланиши учун курашмоқдалар.

«Дунёда проблемалар кўп, албатта, — деган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Америкадаги Эн-Би-Си телевизион компанияси муҳбири М. Келбнинг саволларига берган жавобида, — аммо ҳаётнинг ўзи, кейинги йилларда халқаро вазиятнинг ривожланиши шундай масалаларни олдинга чиқариб қўйдик, шу масалалар биргалиқдаги куч-ғайрат билан ҳал этилмаган тақдирда улар Қўшма Штатлар учун ҳам, Совет Иттифоқи учун ҳам, шунингдек, бутун инсоният учун ҳам

катта кулфатга айланиб кетиши мумкин».

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси (Асосий қонун)» қабул қилинган эди. Совет давлатининг олтинчи йиллик ривожининг қонуний яқуни бўлган янги Конституция доҳиймиз Владимир Ильич Ленин бошлаган эзгу ишнинг янги шароитда янги куч билан давом эттириляётганининг, мамлакатимизда Улуғ Октябрь ғояларининг улғувор тантанасини яна бир бор жаҳонга намойиш этди.

Баҳтимиз қомусида шундай сатрлар бор: «Бу жамият — чинакам демократия жамияти...», «СССР граждандлари ўзларининг насл-насабидан, социал ва мулкий маъқеидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати... ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар Қонун олдида тенгдирлар»; «СССР граждандлари меҳнат қилиш ҳуқуқига... эгадирлар»; «...Урушни пропаганда қилиш СССРда ман этилади...»

Дарҳақиқат, тинчлик — халқимизнинг эзгу тилаги. Уни биз жуда қадрлаймиз. Совет халқининг озод меҳнатини, тинч қурилиш ва бунёдкорлик ишларини ҳимоя қилиш, коммунистик жамиятни барпо этиш учун қулай халқаро шароитларни таъминлаш, жаҳон социалистик системаси позицияларини янада мустаҳкамлаш, тараққийпарвар халқларнинг миллий озодлик ва ижтимоий тараққиёт йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш Конституциянинг махсус моддасида гарантилаб қўйилган. СССР ташқи сиёсати агрессив урушларнинг олдини олишга, ялпи ва тўла қуролсизланишга эришишга ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан амалга оширишга қаратилганлиги барча тараққийпарвар жаҳон жамоатчилигига маълум. Зеро, ҳозирги

кунда тинч-тотув яшаш халқаро майдонда бирдан-бир реалистик ва оқилона принцип сифатида мустаҳкам томир ёйди. Бу демак — жаҳондаги кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгарганлигининг ва, аввало, Советлар мамлакатининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ҳамда халқаро обрўи ўсганлигининг натижасидир.

Социалистик жамиятнинг метиндек мустаҳкам системага айланиб бораётганлигининг муҳим сабаблари — социал илдиллари бор. Шуларнинг биринчиси СССР Конституциясида ривожланган социалистик жамият инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм қуриш йўлидаги қонуний бир босқич эканлигининг чуқур очиб берилганидир. Бахтномамизда Совет давлатининг олий мақсади синфсиз коммунистик жамиятни барпо этишдан иборатлиги таъкидланган. Шу билан бирга, унда мамлакат ижтимоий тузуми ва давлатимиз сиёсати асосларининг яхлит манзараси ўз ифодасини топган бўлиб, шунгача жаҳондаги бирорта давлат сиёсий ва иқтисодий системаси, ижтимоий тараққиёти ва маданияти раънақининг йўналишларини бу қадар очиқравшан ва конкрет баён этган эмас.

Биргина хотин-қизлар масаласини олайлик. «СССРда хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуққа эгадирлар». Бахтимиз қомусида айтилган бу сўзлар эндиликда ҳеч кимни ажаблантирмайди. Улуғ Октябрь инқилобидан илгари Туркистон ўлкасидаги корхоналарда ҳаммаси бўлиб 65 ўзбек аёли ишлаган бўлса, ҳозирда республикамиз саноати ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида хотин-қизларнинг жуда катта армияси эркеклар билан бир сафда меҳнат қилмоқда. Ўзбек аёллари орасидан партия ва давлат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, саноат ва қишлоқ хўжалигида донг таратган илғорлар, машъаллар етишиб чиқди. Юзлаб хотин-қизлар СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советларининг депутатларидир.

Партиямизнинг бирдан-бир мақсади ҳам халқ фаровонлигини ўйлаш, миллий муносабатлар ва бутун дунёда тинчлик

тантанасини барқарор этишдан иборатдир.

«Ядро хавф-хатарининг ғоят катта эканлиги ҳозирги халқаро вазиятнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқатдан қочиб, ҳазил-ҳузул билан қутулиб бўлмайди. Ядро хавф-хатарига актив ва собитқадамлик билан курашиш керак. Биз ҳам худди шундай қилмоқдамиз». Уртоқ К. У. Черненконинг СССР Ёзувчилар союзи Правлениесининг 1984 йил 25 сентябрдаги юбилей пленумидаги айтган бу сўзларида Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсати ўзининг яққол ифодасини топган. Бу сиёсий йўл БМТ Бош Ассамблеясининг 39-сессиясида ҳам қўллаб-қувватланди. СССРнинг БМТ минбаридан туриб ҳозирги кунгача киритган 100 дан ортиқ тавлифларининг ҳаммаси ер юзида уруш ўчоқларини йўқ қилишга, тинчликни сақлаб қолишдек олижаноб ниятга қаратилганини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Совет Иттифоқи ташқи сиёсати бугун сиёсий реализм позицияларида турган, инсониятнинг порлоқ ва осойишта келажаги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётган барча оқил кишиларнинг, барча тинчликсевар мамлакатлар ҳукуматларининг хайрихоҳлигига, юксак ҳурматига сазовор бўлаётгани сир эмас.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Асосий Қонунининг 28-моддасида: «СССР ленинча тинчлик сиёсатини оғишмай амалга оширади, халқ хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорлик учун курашади», деб ёзиб қўйилган. Жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган кураш солномасида СССР янги Конституциясининг ўчмас из қолдириши шубҳасиздир. Чунки Ватанимизнинг ҳар бир юрак урушида «Тинчлик» сўзи бор. Бинобарин, шоир айтганидек:

*Инсоният — рангин харита,  
Турфа шакл юртлар тимсоли.  
Турфа рангу турфа хил тилда  
Маъноси бир Ҳаёт мисоли.  
Тинчлик сўзин ёзайлик дилдан  
Дунёнинг виждони — юракка.  
Улар айлансин заминда ўсган  
Томири бир улкан ДАРАХТга!*

Мавлон Икром

## ТАБИАТ — СЕҲРЛИ ОЛАМ

Бугунги кунда ўзбек адабларидан тўрт-бештаси табиат мавзуда қалам тебратмоқда. Уларнинг сафи истеъдодли ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бу қувонарли ҳолдир, албатта. Раҳим Бекниёзнинг ов ҳақидаги ҳикоялари кўпчиликка манзур. Бу адиб ҳақиқий табиат фарзанди. У, ҳаммиша Амударё ҳавзасидаги Қизилжар, Қоражар, Матниёз жили тўқайларида, Қўнғирот яқинидаги Судочье кўлида, Орол денгизи соҳилларида, қишда совуқ, ёзда эса жазирама Қорақумда ҳамда Қизилқумда кезгани-кезган. Бу кезишлар беҳуда кетмайди. Аксинча, ижод манбаини ҳам бойитади, ҳам кенгайтиради. Энг муҳими бу кезишлар, яъни ойлаб ва йиллаб мунтазам кузатишлар — табиат сирларини тўғри ва теран англашга, ўрганишга, билишга ёрдам беради. Натижада, ёзилган асар китобхон билимига билан қўшади, унинг табиат ҳақидаги тасаввурини бойитади. Китобхонни аста-секин табиат кучоғига чорлайди ва ниҳоят уни табиат мафтуни қилиб қўяди.

Эргаш Раимнинг «Кўз илғамас шуълалар» қиссаси қизиқарли ёзилган. Воқеа ўқувчини эргаштириб кетади. Асар марказида айиқ полвон билан кундалик тирикчилик ташвишида яшаётган «кўз илғамас оддий ва камтарин одамлар ҳаракати ётади. Асар жуда самимий ёзилган. Бироқ айиқ ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси ҳам тўғримики? Биз ана шу ҳайвон — айиқ полвон хусусида фикр юритмоқчимиз.

Ҳаммага маълумки, айиқ йиртқич ҳайвондир. У тоғ ва ўрмонлар ҳўжайини. Унга фақат йўлбарс бас келолари, холос. Бошқа йиртқичлар эса «хўжайин келяптилар» деб «йўлни бўшатиб» қўйишади. Аниқроғи, ем бўлиб кетмаслик учун кўзга кўринмай панадан кузатиб қолишади. Ёввойи айиқ, дарҳақиқат, даҳшатли йиртқичдир. Асарда, гап хонаки айиқ «Тўхта-хон» ҳақида боради. Тўхтахон кичиклигидан Болтавой айиқчи ҳовлисида қўлдан овқат еб улғайган хонаки, яъни одамга ўрганган, нисбатан ювош ҳайвон. Бу ўринда, муаллифга ҳеч қандай даъвомиз йўқ. Биз фақат айрим деталларга — адиб ўзи билмаган воқеани нотўғри тасвирлаган ўринларга эътиборни қаратмоқчимиз.

Қиссадан парча кеўтирамыз: «Улар (она-бола айиқлар) шу куни ғорда уяларида эди. У (Тўхтахон) укаси билан шўхлик қилиб ўйнашиб, бир-бири билан айқашиб ётишарди. Болаларининг ўйинини томоша қилиб ётган онаси бирдан безовта бўлиб, ётган жойидан туриб кетди, бир хавфни сезгандай кўзлари бежо бўлиб пишқири бошлади. У аввал каттасини, кейин кичигини бўйнидан тишлаб ғорнинг бурчагига обориб қўйди. Онаси нега бунақа қиларди, болалари ҳайрон эди. У бир нарсдан қўрқаётганга ўхшарди. Улар ҳам алла нарсани сезишгандай эди. Юраклари дук-дук уриб, кўзлари милтиллаб ғорнинг бурчагида миқ этмай ётишарди. Бир маҳал онаси ғор эшигига бориб ўкириб юборди. Кейин жаҳл билан ортига қайтди. Ғорга секин-секин аллақандай кўкиш нарса кела бошлади: ҳиди жуда ғалати, ачимсиқ эди. Айиқ болаларининг бурнини қичита бошлади, кейин кўзларини ачиштирди, ғимир-ғимир қилиб ётган жойидан туриб кетишди. Онаси бўлса тамом нима қилишини билмай, ғорда у ёқ, бу ёққа юрарди. Кўкиш нарса бир зумда ғорни тўлдириб юборди. Айиқ болаларининг нафаси қайта бошлади, бунинг устига ҳеч нарсани кўрмай қолишди. Улар ғинғишиб, бу аччиқ балодан қаёққа қараб қочишни билишмасди. Онаси, ғазаб билан ўкирар, болалари бўлса, қуюқ тутун ичида бир-бирларига туртинишарди. Йўқ, охири чидаб бўлмади кетди. Онаси болаларини битта-битта бўйинларидан тишлаб ғор оғзига келди. Ғорнинг оғзи ҳам мана шундай аччиқ дуд билан тўла эди. Онаси бир зум дир-дир титраб турди-да, жонҳолатда ғордан отилиб чиқди. Шу пайт гумбурлаган бир нарса эшитилди. Онаси қаттиқ ўкириб юборди...»

Бу каттагина парчадаги айрим ортиқча ва таҳрирталаб жумлаларни ҳисобга олмаганда манзара батафсил тасвирланган. Табиатдан беҳабар, табиатни билмайдиган китобхон бундай тасвирга чиппа-чин ишонади. Ваҳоланки, ғор манзараси бошдан-оёқ уйдирма ва ёлғондир!

Ҳар қандай ёввойи ҳайвон ўта эҳтиёткор бўлади. Шу жумладан, айиқ ҳам. У дуч келган ғорни, аниқроғи, бемалол кириб-чиқса бўлаверадиган, мавжуд ғорни ҳеч қачон эгалламайди. Аксари одамзот қадами етмайдиган хилватгоҳлардаги қавакларни кенгайтириб ўзига ғор ясади ва унинг ичига кириб қиш уйқусига кетади. Энг қизиғи шундаки, айиқ ғор оғзида изини қолдирмайди. Айиқ тўлки ва бўрсуққа ўхшаб, ҳас тўшаб ўз инини иситмайди ҳам. Қалин пустини туфайли бунга эҳтиёж сезмайди. Айиқлар декабрь ойида, совуқ тушиши билан

уйқуга ётади. Бу пайтга келиб, улар ўз баданида етарли миқдорда мой тўплаган бўлади. Урғочи айиқ январда, кечи билан февралнинг бошларида туғади. Кишини ажаблантирадиган ва ҳайратга соладиган жойи шундаки, уч юз-тўрт юз килограмм вазндаги улкан айиқ (шимолнинг оқ айиғи 800 килограммгача вазнга эга) атиги каламушдек иккита, кам ҳолларда учта бола туғади. Айиқчалар онасини эмиб, иссиқ бағрида ётаверади. Улар ҳам ухлайди. Фақат қорни очсагина уйғонади. Эмиб тўйгач, яна ухлайверади. Қизиғи шундаки, айиқчалар вазнига суткасига икки ярим граммдан вазн қўшилади! Уйқу даври — тўрт ой мобайнида она айиқ ҳеч нарса емайди, сув ҳам ичмайди. Ез бўйи баданида тўплаган мой ва турли хил витаминларга бой сути билан айиқчаларни боқади. Аниғи, айиқчаларнинг ўзи овқатланади — эмади, онаси чала уйқуда ётади.

Декабрь ойининг бошларида қиш уйқусига ётган айиқ мартнинг ўрталарида ғордан чиқади. Урғочи айиқ эса, сал кечроқ — апрелда болалари билан ғорни тарк этади. Табиат муъжизаси ана шунақа! Айиқчалар ғордан чиққандан кейингина тез ўсиб улғая боради. Эндилликда, граммлаб эмас, қадоқлаб вазнига вазн қўшилади. Айиқ бўйи ўзи ётган қўланса ғорга қайтиб кирмайди, бундан кейинги ҳаёти тоза ҳавода кечади. Айиқчаларнинг шўхликлари ҳам тор ғорда эмас, ташқарида бўлади. Урғочи айиқ қаерга бормасин, болаларини олдига солиб ёки эргаштириб, қўриқлаб юради. Яна қизиғи шундаки, дуч келиб қолган эркак айиқлар болали айиққа ҳаммиша йўл беради.

Энди, асардаги баъзи майда, лекин муҳим нуқсонлар хусусида. «Уч кун олдин онаси уларга юмшоқгина янги гўшт келтириб берганди. Ғорда уйқуда ётган айиқ, ўлжа қидириб овга чиқмайди. Сўнгра, эмизикли айиқчалар ҳали-вери гўшт ейишга муқобил эмасдир. «Тўхтаҳон (яъни айиқ) ...маст уйқуда хуррак тортарди». Айиқ хуррак отмайди. Баъзан ғингишиб, ҳансирайди. «... шерлар бетоқат бўлиб ириллашар...». «Тўхтаҳон ириллади». Шер ўкиради, айиқ ҳам. Ириллаш йўлбарс, бўри, итга мансуб. «Оқ халат кийган доктор укол қилди, зўрлаб аллақандай суюқ дори ичирди». Айиққа, умуман йиртқич ҳайвонга (ҳатто хонаки итга ҳам) зўрлаб дори ичириб бўлмайди. Ҳайвонни бир нарсага алаҳситиб ёки чалғитиб туриб бирдан оғзига дори қўйилади ва тезликда қўл билан тумшуги қисилади. Шундай қилганда ҳайвон дорини «лиқ» этиб ютиб юборади. Кейин унинг бошини силаб юпатиш, тинчлантириш зарур бўлади. Акс ҳолда, яъни «дорини зўрлаб» ичиришда хонаки ва хонакилашган ҳайвон эгасини ҳам тишлаши мумкин.

Ёввойи ҳайвонларда жуда антиқа фазилат бор. Йиртқичнинг ўзи ухласа ҳам, унинг димоғи билан қўлоғи сергак бўлади. Бамисоли локатордай ҳаммиша ишлаб туради: димоғи ҳидни сезса, қулоғи ёвзони (ҳар қандай шитирлашни эшитилади). Бу аъзолардан биронтаси ишдан чиқса, у ҳайвон ўлимга маҳкумдир. Қиссада: ғор оғзида ўт ёқилган, ғор ичини тутун босади. Она айиқ болаларининг бўйнидан тишлаб кўтариб ғор ичида саросимага тушади...» Аслида овчилар ғорга яқинлашса бас, айиқ буни сезади ва ғордан ўқдай отилиб чиқади.

Прозамизнинг отахонларидан Бирмуҳаммад Абдулла Қаҳҳор битта детал устида икки ҳафта ва ундан ортиқ эринмай ишлаган. Нега баъзи ёш адиблар, ҳеч қанча бош қотирмай, таваккалчиликка йўл қўйиб, ўзи билмаган, ўрганмаган ҳайвон хусусида ёлғон эпизод яратадими?! Ҳеч ким ёзувчини «тез бўл» деб шоширган эмас-ку. Уйласа, ўрганса, кейин ёзса бўлмайдими! Ахир Лев Толстойдай буюк адиб Кавказда эканлигида Ҳожимуроднинг оти хусусида уч марта суриштирган: отнинг рангини, бўйини, қай ерида қанақа белгиси борлигини, зотини аниқ билгач, кейин тасвирлаган.

Нурали Қобул, шубҳасиз, талантли қалам соҳиби. Унинг қиссаларини қўлга олсанг киноя, ўқиб тамомлаганингни билмай қоласан. Асар жозибаси китобхонани зўрага асир қилиб олади. Унинг барча қиссалари пафос билан ёзилган.

Бирок, афсуски, Нурали Қобул ҳам ҳайвонот олами тасвирида хатога йўл қўяди. Унинг «Янги қор ёққан кун» (Бу асар ҳақида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1984 йил 15 июнь сонида қисқача фикр айтган эдик) сарлавҳали қиссасидаги табиат манзараларига бир назар ташлайлик. Асар қаҳрамони чўпон Суюнбой ҳикоя қилади: «Қизилтошнинг этагида эса иккита айиқ боласини чавақлаб, бир ҳафта тандир каюб қилганмиз. Айиқнинг гўшти жуда юмшоқ бўлади...» Аввало шуни айтиш керакки, халқимизда тўнғиз гўшти каби айиқ гўшти ҳам мақруҳ ҳисобланади ва ейилмайди. Эҳтимол, Суюнбой қишлоғида айиқ гўшти истевмол қилинади (Айиқни овчилар асосан териси учун ва оғир хасталарни даволаш мақсадида ўти учун отишган. Бизнинг кунларда айиқни отиш қатъий ман этилган, у давлат ҳимоясида). Бир вақтлар Мозандарон тоғларида айиқ гўштини ярим кун қайнатганимиз ёдимда. Ушанда шериклардан биттаси «гўшти мунча қаттиқ экан, чармга ўхшайди-я» деган эди. Айиқчаларнинг гўшти ҳийла юмшоқроқ бўлса ажабмас.

Суюнбой ўзи ўлдирган икки одамнинг жасадини Имом ғорига ташлайди. У дейди: «Айиқлар, уч-тўрттадан бўлишиб, иккала жасадини ҳам ғорнинг қаршисидаги ялангликка кўтариб чиқшди. Бу воқеани... Абдусалом чўпон ҳам кўрди. У итлари билан ҳай-ҳайлаб, айиқларга ҳамла ҳам қилди. Бу ёвуз қотиллик ўзларига юкланган айбисиз айиқлар олдинги оёқларини маъносиз осилтириб, жойларида узоқ туриб қолишди». Суюнбой яна ҳикоя қилади: «...Чарчаган эканман, кўзим илинибди. Ниманингдир шарпасидан уйғониб кетдим. Мендан беш-ўн қадамлар нарида бир тўп малла айиқлар туришарди. Бир айиқ эса, менинг уёқ-буёғимни искаб кўрарди. Мен кўрқув аралаш ўрнимдан кўзғолганимдан сўнг у тўдага қараб юрди. Тўдада уч-тўртта айиқ болалари ҳам бор эди».

Суюнбой давом этади: «...орқа тарафдан ўкирган овозлар эшитилди. Қайрилиб қарадим. Уша айиқ тўдаси қувиб келарди. Лекин болалари кўринмасди. Улар болаларини хавфсиз жойга қўйиб келишганди (?!). ...Зўрага қўтонга етиб келиб, Бўриўйнарга қарадим. Айиқлар тепалик ярмигача келиб, чўнкайганча пастга қараб ўтиришарди».

Юқорида айтганимиздек, бошқа йиртқичлар сингари, айиқ ҳам жуда сезгир ва ўта эҳтиёткор ҳайвон. У шомолда ёки қуш қўнғанда синган шох билан овчи оёғи остида синган шохнинг қирсиллашини фарқ қила олади. Айиқ ҳеч қачон одамга бетлаб келмайди. Узоқдан одамни кўриши, андак кузатиб туриши мумкин. Кейин тезда ғойиб бўлади. Мен бунга



Бошқирдистонда — Урал тоғи ўрмонларида гувоҳ бўлганман. Тўғри, қишнинг келишига ўз танасида етарли миқдорда ёғ тўплай олмаганлиги тўғри, ёрга қириб қиш уйқусига ётолмай, изғиб юрган дайди (шатун) айиқлар одам учун хавфли. Бу камдан-кам учрайдиган воқеа.

Қиссада кишини ажаблантирадиган яна бир жойи бор. Суюнбой айиқ билан олишиб, унинг тагига тушиб қолади. У дейди: «... Бир амаллаб ўгирилдим-да, кекирдагидан ушлаб олдим. Шу ушлаганимча қайтиб қўйиб юбормадим. Тўрт оёғининг орасига кириб, қорнига ёпишиб олганим учун у мени ҳеч нима қилолмасди...»

Юқоридаги тасвирлардан кўриниб турибдики, Нурали Қобул айиқни қўпол ҳайвон деб ўйлайди. Бундай ўйлаш хато. Тўғри, айиқ кўринишдан қўпол. Аслида-чи? Аслида у, жуда чаққон ва эпчил ҳайвон. Айиқ қирқ беш даражадаги қиялама тепаликка итга нисбатан икки марта тезлик билан чопиб чиққани «Охота и охотничье хозяйство» журналада (11-сон, 1981, 10-бет) ёзилган. Бу мутахассислар томонидан текшириб исботланган факт. Балиқ сувда жуда тез ҳаракат қилади. Ана шу «қўпол» айиқ шаршарада туриб «учқур» балиқни бемалол ушлайди. Айиқ жуда кучли йиртқич. Суюнбой, эҳтимол, айиқнинг «тўрт оёғи орасига кириб, қорнига ёпишиб» олганини тушида кўргандир. Қиссадаги айиқ хусусидаги тасвирлар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Нурали Қобулнинг яна бир қиссаси «Тубсиз осмон» яхши ёзилган. Китобхонда ижобий таассурот қолдиради. Асарнинг фақат бир жойи бизга мақбул эмас. Қиссада шундай жумла бор: «Гугуртни чақиб... сиртлонга (итга) отдим, бирдан ловуллаб олов кўтарилди. Сиртлон даҳшат билан ғингишиб, ўзини дуч келган томонга урарди. Бир оз у ёқдан-бу ёққа чопган эди, олов баттар алангаланди...». Бу ҳам баҳсталаб. Башарти, сиртлон керосин ёхуд бензинга пишиб олинган бўлса, унда бошқа гап. Гугурт чақиб ташласа лов этиб ёнади. Бироқ дағал жунли Сиртлон (ит) у ёқда турсин, ҳатто узун майин жунли француз балонкаси ҳам гугурт чақиб ташласангиз ёнмайди. Ит чаққон ва кескин бир ҳаракат қилиб ўтни ўчиради.

Икки оғиз сўз сиртлон ит ҳақида. Бизда сиртлон итлар қачон яшаганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Африкада, хусусан Суданда бу итлар ҳозир ҳам бор. Улар ҳаддан ташқари йиртқич ва даҳшатлидир. Одамга ўрганмайди, хонаки қилиб бўлмайди. Тобора камайиб боряпти. Улар «Қизил китоб»га киритилган. Аксар ҳолларда, ҳайвонот боғлари бу итларни сақлашдан воз кечяпти. Сабаби, сиртлон итларнинг тери безлари ҳаддан ташқари бадбўй ва қўланса ҳид чиқарадики, киши димоғи бардош беролмайди.

Бизда чўпонлар бўрибосар итларни сиртлондай кучли, чаққон, эпчил ва олғир бўлсин деб, яхши ният билан сиртлон деб атаган бўлишлари эҳтимол.

Устоз Михаил Шолохов Москва Давлат университетидеги учрашувда «Сизнинг ниҳоясига етган асарингиз борми?» деб берилган саволга: «Токи мен тирик эканман, тугалланган, ниҳоясига етган асарим йўқ!» деб жавоб берган эди.

Иқтидорли адибларимиз юқорида айтилган камчилик ва нуқсонларни тузатиб, ўз асарларига сайқал берсалар, кенг китобхонлар оммасини мамнун қилган бўлардилар.

Табиатни билиш учун унинг ичига кириш керак. Амалда табиат мафтунли бўлган адибгина табиат ҳақида яхши асар ёза олади..

## ҚАЛЬДАГИ ҚЎШИҚЛАР

Осуда, кичкина Вандоб қишлоғи ёз келиши билан шовқин-суронга тўлади, баҳайбат тоғ ёнбағирларидаги арча аралаш ўсган чангалзор эрталабдан шитирлай бошлайди. Қушлар чуғурлайди.

Биз ўтирган узун айвон мен ва Рўзи ака учун вақтинчалик тунаш жойи эди. Айвоннинг ойнабанд деразаларидан тип-тиниқ осмон, арчазор лагернинг ям-яшил майдончаси кўриниб туради. Рўзи ака рўпарадаги пахса деворли уйнинг томи устида офтобга ўрик ёяётган болани, тоғ манзарасини чизмоқда эди.

Эшикни очиб ташқари чиқдим. Димоғимга дала гулларининг ҳиди урилди. Буларни лагер қоровулнинг ўн яшар қизчаси ташлаб кетган. Исмини билмаймиз. Сўрасак, айтмайди. Мунчоқ кўзларини жовдиратиб, қочиб кетади. Гуллар ҳали сўлишга улгурмаган, намхуш ва тиниқ. Қизчага Рўзи ака расм чизиб берганди. Унда қизчанинг уйи, ўзи ва дарахтзор тасвирланган. Кейинчалик Рўзи ака ана шу этюд асосида «Қалдирғоч» деб аталган картина яратди. Қизча шундан буюн Рўзи акага ўрганиб қолган. Рўзи ака ҳар қандай оддийгина гулни кўрса ҳам «зўр экан» деб мақтаб юборади. Қизча, унинг бу гапларини эшитган бўлса керак, ҳар доим гуллар келтиради. Биз у қўйиб кетган гулларни томоша қилиб, нонушта қиламиз. Кейин, Рўзи ака оғир этюдникни кўтариб баланд чўққига чиқиб кетади. Оқшом тушганда биз қишлоқ бошидаги намхуш ўтлоқ томонга борамиз, болалар билан футбол ўйнаймиз.

Рўзи аканинг ҳар бир асари болаларнинг қизғин ва дилкаш суҳбатидан, уларнинг ҳаракатларидан ёки шувоқ иси келаётган адирликларда кезишларидан туғиларди. Биз ўша йил Вандобда уч ой қолиб кетдик. Нимқоронғи тунда ёққан гулханимиз, болаларнинг турли нигоҳлари, уларнинг кайфиятлари кейинчалик рассомнинг «Най», «Сурхон навоси», «Болалик», «Вандоб» асарларида ўз аксини топди. Тўғри, бу асарларга ишланган этюдлар ўта натуралистик тасвирлар, кўлаб деталлардан иборат эди, аммо улар устахонада бошқача — янги талқин қилинди, нималардир олиниб, нималардир қўшилди-ю, тоза ва содда тасвирлар пайдо бўлди. Бу тасвирлар аслида рассом хотирасида қолган айрим таассуротлар меваси эди. Мана унинг «Даралик» деб аталган асари. Бу тасвир бир воқеа билан боғлиқ. Бир куни кеч тушиши билан Рўзи ака йўқолиб қолди. Уни излаб лагернинг ҳаммаёғини айланиб чиқдим. Эшитсам, қоровулнинг қизчаси қўйларини йўқотиб қўйибди. Рўзи ака болалар билан қўйларни излагани кетибди. Уша кеч Рўзи ака ёмғирда роёа ивиб қайтди. «Биласанми, шундай тошларни кўрдимки, қоронғида ҳам рангланиб тураркан. Бундай ерни ҳеч ҳам учратмаганман», деди у ўзида йўқ хурсанд бўлиб. Эрталаб уйғонсам, Рўзи ака йўқ. У тушга яқин янги этюд билан қайтиб келди. «Агар қўй йўқолмаса, мен шундай жойни кўришдан маҳрум бўларканман», деди у.

Биз куз арафасида бу ердан жўнаб кетдик. Тоғ ёнбағирларидаги чангалзорлар хиёл сарғимтил тусга кира бошлаган, сойда эса сувлар кўпайиб қолган эди. Биз вақтинча яшаган Вандоб қишлоғи энди кузга мослаша бошлаган, кўчаларида қизғиш япроқлар шамолда тўкилиб ётар, барча нарса секин ўзгармоқда эди. Мен бу ўзгаришларни ҳам, болалар ёққан гулхан, эрталаб гул ташлаб кетувчи қоровулнинг ўн яшар қизчаси, туманли кечада қўй излаган кунлар манзарасини кейин рассомнинг зийрак нигоҳи орқали ифода этилган қатор асарларда янада равшанроқ пайқадим. Мен Рўзи ака билан бўлган бу биринчи сафарни тез-тез эслаб тураман. Бунга ҳам ўн беш йилча бўлиб қолди.

Уша талабалик пайтларимда «рассом фақат таниқли ва машҳур кишилар суратини ишлаши керак», деган янглиш тасаввурда эдим. Рўзи ака ижодида кейинги пайтларда бу тоифага кирувчи кишиларнинг ҳам портретлари пайдо бўлди.

Мен энди, орадан ўн йил ўтиб, ундан «нега сиз кўпинча таниқли кишиларнинг

суратларини чизишга ҳаракат қиласиз?— деб сўрадим. «Нега сен шундай ўйлайсан?— дея астойдил хафа бўлди у.— Мени шахсияти кучли, ўз характериға эға бўлган кишилар қизиқтиради. Бундай кишилар халқ орасида ҳам, машҳур кишилар орасида ҳам учраб туради. Сен портретда ким акс эттирилганиға эмас, аксинча, унинг яхши ёки ёмон чизилганлиги ҳақида гапиргин».

Хўш, аслида Чориевнинг ўзига хослиги, муваффақияти сири қаерда? Асарларидаги рангларнинг ўта ёрқинлигидами? Агар шундай деб ўйласак, дилкаш ёки асарлари ёрқин рангларға бой рассомлар ҳам кўп-ку? Демак, унинг кишини мафтун этадиган бошқа фазилатлари бор. Уша фазилатлар нималардан иборат? Бу саволға бирданниға жавоб бериш қийин. Чориев ҳақида бирор таниш ва нотаниш кишиға шундай савол билан мурожаат қилсак, ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Менимча, Чориевнинг фазилати ҳам ана шунда, у ҳар хил таассурот уйғотади. Табиати содда бўлиб кўринган бу рассомнинг ички дунёси ниҳоятда мураккаб, зиддиятли. Яқинда бир даврада Чориев ижодини ҳўшламайдиган бир рассом шундай деб қолди: «Ўғлим армияда. Яқинда унга бундай деб хат ёздим. Биласанми, Рўзи Чориев рассомлик билим юртида ўқиб юрганида армияға жўнаб кетган эди. Уша ердан у икки юзға яқин этюд билан қайтиб келди. Бунға ҳатто билим юрти ўқитувчилари ҳам ҳайрон қолишди. Сен ҳам, ўғлим, ишлагин...» Кўряпсизми, у ўзи билмаган ҳолда рассомнинг кучли шахсиятини тан олди. Бу — жуда муҳим.

Рўзи Чориевни бир куни йиғлаб турган ҳолда учратдим. Менға қараб, «Пикассо ўлди,— деди.— Мен унинг тинмай ишлашиға тақлид қилар эдим. Энди у йўқ».

Рўзи аканинг Пикассоға ҳавас қилиб ишлашиға ҳайрон қолдим. Чунки Чориев ижодида Пикассо таъсирида ишланган асарни учратмагандим. Лекин бир нарсаға аминманки, унинг ижодида айрим асарлар худди Пикассо асарларидек ҳайкалта-рошликка, керамика ва панноларға кўчирилса, рассомнинг янги қирралари ярқ этиб кўзға ташланади. Чунки Чориев ишларида монументаллик сезилиб туради. Бу монументаллик Афросиёб, Варахша деворий суратларидаги каби таъсирчан ва ҳаётий.

Чориев ўз асарларида рангтасвир оламида ўзига хос колорит яратишға тиришади. Ва бунға муваффақ ҳам бўлади. Мисол учун, Европада қизил ва қора ранг ёнма-ён ишлатилиши рангтасвир табиатиға хилоф ҳисобланган. Анри Матисс 1902 йилда Мюнхенда намоий қилинган мусулмон санъати кўрғазмасида Беҳзод чизган «Шайбонийхон» портретини кўриб ҳайрон қолган. Беҳзод ерга тўшалган қизил гиламда қора болишни тасвирлаган. Матисс бундан ниҳоятда таъсирланиб, ўзи ҳам шу руҳда ижод қилган эди. Тўғри, рангтасвир табиатида айрим ранглар ёнма-ён ишлатилса хунук кўринади. Лекин ранглар ва тусларнинг имкониятлари чексиз, уларнинг товланишлари ва эврилишлари ҳам чексиз. Ҳар бир рассом ҳар сафар уларни янгидан кашф эта олади. Фақат, бунинг учун, рангнинг нозик қалбини тинглай олиш керак. Чориев фикрича, маҳорат — рассом қўли ва фикрининг изчил ифодаси. У қаерда юргани-турганидан қатъи назар, албатта, бўлғуси расмларининг қораламаларини чизиб ўтиради. Бу иши баъзиларға эриш туюлиши мумкинлигиға парво ҳам қилмайди. Ижодға, ҳўнарга бўлган бундай муносабат, менимча, ёшлар учун жуда ибратлидир. Инсон табиатида яшириниб ётган катта имкониятлар худди ана шу йўл орқали юзға чиқиши мумкин. Унинг «Сайроблик чол», «Сурхондарё мусиқаси», «Қўмқўрғон олмалари», «Бойсунлик аёл», «Биринчи», «Пошхуртлик қизча», «Дашт қўшиғи», «Сўзана» («Келин») асарларида бу истеъдоди тўла намоён бўлган. Чориев маълум бир томошабинни назарда тутиб асар яратмайди. Лекин у яратган асарлар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Рассомнинг мақсади ҳам шу бўлса керак.

Биз ҳар гал Чориев асарларини томоша қилганимизда, уларда ҳаётнинг пардозланмаган гўзаллигини кўрамиз. Бу асарларда томошабинни ҳайратға солувчи эпиклик бор. Одатда, лирик рассомлар ижодиға ўрганиб қолган муҳлислар Чориев асарларини томоша қилганларида, худди ана шу эпикликни хўш кўрмайдилар. Чориев рангтасвиридаги эпиклик — заминға яқин бўлиш. Замин Чориев учун мўъжизалар олами, турфа ранглар ҳазинасидир. «Картина — романдек гап,— дейди Чориев.— Уни яратиш учун узоқ вақт керак. Лекин шартномаларимиз жуда қисқа муддатға тузилади. СССР Рассомлар союзининг VI съездида ҳам шу масала кўтарилди. Гап фақат муддатда эмас. Менимча, рассом шиддаткор асримизда диққатини жамлаб олиш учун кам вақт ажратаётганға ўхшайди. Ҳолбуки, картина — узоқ ўйлар, изланишлар маҳсули».

Рўзи Чориевнинг Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотиға сазовор бўлган асарларидан бири — «Қўмқўрғон олмалари» ана шундай изланишлар маҳсулидир. Бу асарда ҳам биз Чориевға хос эпикликни кўрамиз. Тасвирда Чориевнинг қаҳрамонлари — ўсмирлар ва буй етган қизлар қўлларида олма ушлаб туришибди. Агар уларнинг кийимларига, чеҳраларига разм солсангиз,

рассом ҳаётӣ деталларни нақадар усталик билан ишлатганининг гувоҳи бўласиз. Қаранг, бир қизнинг кийимлари ғижимланган, иккинчисининг сочлари тўзғиган. Уларнинг ўзига хос характери, табиатга нисбатан ўз муносабати бор. Бу ҳаётӣ образларнинг кадрли томони шундаки, уларнинг шу ҳолатларида ҳам беқиёс гўзаллик, яшаш қувончи балқиб турибди.

«Биз нима учун Рўзи Чориев санъатини севамиз,— дейди санъатшунослик доктори Л. Ремпель.— Чунки унинг асарлари инсон қалбини ташқи олам билан боғлашда кўприк ролини ўйнайди. Бу кўприк нафис, мустақкам ва табиий... Чориев асарларини соатлаб томоша қилиш мумкин. Рассом замондошларимизнинг ранг-баранг типик образларини моҳирона ярата олди. Менга Чориев асарларининг маъқул бўлган томони шуки, улар эркин чизилган. Унинг бундай ғайратли уринишлари мени ҳам илҳомлантиради. Ана, жозибали «Анор пишганда», «Қўмқўрғон олмалари», «Сайроблик чол», «Автопортрет», «Тошевлар оиласи...» Умуман, Чориев ҳеч қачон мавзу танлаб ўтирмайди. Кўнглига ёқдими, чизаверади. Ана шунисига қойил қоламан. Бу баъзан шошма-шошарликка олиб келиши мумкиндир. Лекин рассомликда муттасил чизиб турмасанг, қўл чиқиб қолади. Аксарият рассомларимиз ақлан кўп нарсани фикр қилишади-ю, ижро санъатига келганда оқшади. Шу жиҳатдан Чориев ҳамиша устун. Бунинг устига у нафақат моҳир портретчи, балки ажойиб пейзажлар, мукамал картиналар устаси ҳамдир».

Рассом сўнги йилларда «Сурхондарё замини ва одамлари» туркуми устида ишламоқда. Сурхон воҳаси кишиларининг портретлари, манзаралари рассом бўёқларида табиийлиги, гўзаллиги билан сизни мафтун этади. Рассом, ўзи таъкидлаганидек, йилнинг тўрт фаслида ҳам тез-тез Сурхон воҳасига сафар қилади. Қиш чоғларида сурхонликларнинг кураш тўйларида бўлади. Уларнинг яшаш тарзи билан қизиқади, ғаройиб ҳикояларини тинглайди, най садоларини эшитади («Най»), тош ҳайкалларнинг бир пайтлар тирик одам бўлганларини англайди («Қизил гул қишлоғида»). Даштнинг кўклагги гиёҳлари ҳақидаги ўланлари, олисда қолган болалик таассуротлари рассом қалбига илҳом солади. Ёзда эса рассом қуёш нурига тўлган ўлкани чизишга шошилади. Куз эса янаям мароқли. Рассом сунбула сувларида оқаётган ҳазонларда инсон ҳаёлларини кўради. Табиатнинг битмас-туганмас ранглари билан инсон қиёфалари ўртасида мутаносиблик излайди. Рангларнинг уйғун қўшиғини яратади. Қўшиқлари гоҳ қувноқ, гоҳ жиддий, гоҳ маънос, лекин соғлом бўлади. Қўшиқ баъзан пардозланмаган, аммо табиийлиги билан эътиборни жалб қилади. Ана шу жиҳатдан «Оллошукур бобо портрети», «Анор пишганда», «Сурхондарё болалари», «Тўй» каби асарлари диққатга сазовордир.

Санъаткорнинг энг катта ютуғи шундаки, у кам чизгилар орқали кўп маъно ифодалашга эришади, бўёқларнинг тиниқ бўлишига интилади. Тўғри, рассомнинг баъзи картиналарида монументаллик хусусиятлари сезилиб туради («Қўмқўрғон олмалари», «Реквием»). Аммо бу монументализм картиналарига табиий равишда сингиб кетади, ҳатто уларга бир қадар улуғворлик бағишлайди. Бу улуғворлик бизни мўъжизалар оламига бошлайди. Рассом асарларида биз баъзан турли хил мактабга хос услуб изларини ҳам кўриб қоламиз. Бунинг сабаби нимада? У бундан салкам йигирма йил аввал, талабалик кезларидаёқ, расм чизиб мактаби системаси ҳақида кўп ўйларди. Ушанда ёш рассом анча қийналиб юрди. У қайси услубда, қайси мактаб йўлида ижод қилиши лозим? У қайси халқ санъати традициясини давом эттириши керак? Бу қийналишлар, ўйланишлар унинг «Уйлар» асарида акс этган. Унда мольберт дастгоҳи тасвирланган, ёнида ёш рассом ўйчан ўтирибди. Деворда эса турли мактабларга мансуб асарлар — Афросиёб девори, Уйғониш даври, Рус иконаси, Беҳзоднинг «Шайбонийхон» портрети, халқ амалий санъатидан намуналар. Буларнинг қай бири рассом қалбига яқин? Бутун умри давомида Чистяков системасида ўқитилган рассом бошқа мактабни танлаши учун яна қанча тер тўкиши керак? Рассом «Бухоро амирлигининг емирилиши» асарини Чистяков методи асосида чизган бўлса-да, Афросиёб деворий суратларига хос мактабга интилиши ҳам сезилди. Чориевнинг бу изланишлари ҳақида марказий ва республика мактабуотларида кўп ёзилмоқда.

Кези келганда шуни таъкидлаб ўтишим лозимки, Рўзи аканинг ижод муҳокамаси ҳамиша қизиқарли ва сербаҳс ўтади. Агар томошабини уни мактаб бошласа, ўзи ҳам қўшилишдан тоймайди. У шу асарининг яратилиш тарихини батафсил ҳикоя қилади. Бу билан ўша яратиш жараёнини қайта бошдан кечиради. Тўсатдан ўзи хато қилган ерларини топа бошлайди. Мабодо, муҳлис уни ёмонлаб, қоралаб қўйса ҳам, Рўзи ака хафа бўлмайди. Сўхбатдошини сабр билан обдан тинглайди. У билан бирга қўшилиб, ўз асарига танқидий кўз билан қарайди, муҳлис танқид қилган ерини ўйлаб кўради. У шу билан биргаликда, ўзининг ҳақлигини ҳам исботлайди. Айни пайтда сабрли томошабини ҳурмат қилади.

. Утган куз фаслида унинг устахонасида Расул Ҳамзатов меҳмон бўлди. Рўзи ака, одати бўйича, охири сафарда ишлаган хомаки ишларини унга кўрсата бошлади. Шоир Сибирь ҳақидаги этюднамо сафар лавҳаларини сабр билан кўрди ва шундай деди:

— Сен, аввало, Ўзбекистонни чизсанг бўлмайдими? Ахир бу ерда ранг ҳам, куёш ҳам истаганингча бор.

Рўзи ака: «Бугунча етар,— деди.— Эртага яна бир соат вақтингизни ажратсангиз». Рўзи ака унинг портретини ишлаётган эди. Меҳмон индамади. У, тасодифан, рассомнинг қалашиб ётган суратларидан бирини олиб қаради-ю: «Шошма, қани, буларни ҳам кўрайлик-чи?» деб қолди. Рўзи ака одатдагидек, шошилмай, ишларини унинг рўпарасига келтириб қўя бошлади. Шоир ҳайрон бўлди. У бир чизмаларга, бир рассомга қарар, илжайар, қувончини яширолмай ўтирарди.

— Мана бу бошқа гап,— деди шоир табассум қилиб.

\*  
\*  
\*

Устахонада ўтирибмиз. Сўхбатимиз этюд ҳақида боряпти.

— Биласанми, картина учун ишланган яхши бир этюдни қайта кўчирганда, ўзидай чиқмайди. Ахир ўша этюдни ишлагандаги ҳолатга қайтиш жуда қийин. Шунинг учун баъзан этюд яхши ишланиб, картинага кўчганда заиф чиқиши мумкин. Бундан ташқари, бўёқлар қоришмасида минглаб тусли ранглар жилоси борки, уларни қайта ҳосил қилиб бўлмайди. Агар адабий асар қораламасида яхши бирорта парча бўлса, уни иккинчи бир тоза қоғозга бемалол кўчириш мумкин. Лекин рангтавирда айнан шундай қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам этюд ёки қораламани ўз ҳолича бир асар деб қарайман. Шу сабабли томошабинга ҳам кўрсатгим келади.

— Лекин маромига етмаган бундай этюдни кўрган дидсиз томошабин рассом ижоди ҳақида нотўғри фикр юритиши мумкин-ку?— дедим рассомга.

Рўзи ака бундай гапларни эшитиб, кулиб қўя қолади.

Чориев устахонасида бўлсангиз, албатта, бундай қизгин баҳсларнинг устидан чиқасиз. Кўнглингизда ўйлаб юрган фикрларни шу ерда эшитасиз, умрингизда кўрмаган, лекин сизга таниш бўлган қиёфаларни, замин жилваларини ҳали бўёғи қуриб улгурмаган асарларда томоша қиласиз. Ана шу асарлар орқали Чориевнинг ёш боланикидек тиниқ кўзларини кўриб қоласиз. Бу кўзлар ниҳоятда ростгўй ва дилкаш эканлигига яна бир бор иқдор бўласиз.

**Нодир НОРМАТОВ**

# Халқлар дўстлиги- адабиётлар дўстлиги

## ЯГОНА ОИЛА ТУЙҒУСИ БИЛАН

1940 йили Литвада Совет ҳокимияти тикланганидан сўнг, республикада Совет Иттифоқи қардош халқлари билан алоқа ҳар томонлама ривожланди. А. Венцлова, П. Цвирка, Й. Шимкус каби биринчи литва совет ёзувчилари қардош халқлар адабиётларини таржима этишининг ташаббускори бўлдилар.

Совет Литвасининг ўзбек адабиёти билан танишуви Алишер Навоидан бошланди. 1941 йили «Раштай» журналининг учинчи сониде ёш ёзувчи Й. Склютаскаснинг буюк ўзбек шоири ва мутафаккирининг ижоди ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Урушдан сўнг, 1948 йилда ёзувчилардан В. Миколайтис-Путинас ва Й. Шимкус Тошкентда Алишер Навоий хотирасига бағишланган тантаналарда иштирок этди. Улар она-юртига қайтгач, буюк шоир ва унинг юрти тўғрисида бир неча мақола ёздилар. Литва тилида А. Навоий шеърятидан илк таржималар пайдо бўлди. А. Хургинас «Лайли ва Мажнун» дostonидан парча, В. Миколайтис-Путинас эса «Сабъаи сайёр» дostonидан айрим бобларни она тилларига ўғирдилар. Сафар таасуротлари В. Миколайтис-Путинас ижодида сезиларли из қолдирди. У Тошкентдан қайтгач, «Танишув», «Серқуёш ўлкада», «Самарқанд», «Алишер Навоий» шеърларидан таркиб топган «Ўзбекистон» 1948» деб номланган поэтик туркум яратди. «Танишув» шеърисида шоир икки халқ ва икки адабиёт ўртасидаги янги муносабатларни рамзий ифодалаб ёзган эди:

**Қачонлардир эсламасди  
сенинг номингни,  
Энди эса биз биргамиз,  
оға-инидай,  
Эндигина дўстлигимиз бошланди бу кез  
Ўртагимизда описликлар  
йўқолди буткул.**

Ўзбек адабиёти билан дастлаб Алишер Навоий шеърятини орқали таниша бошлаган литва китобхонлари 1948 йилда Ойбекнинг «Навоий» романини ўз она тилларида ўқидилар. Бу асарни рус тилидан Л. Старъевичюте таржима қилади. 1948 йилнинг ёз ва кузида «Пяргал» журнали, «Тиеса» ва «Литература ир мянас» газеталарида Ю. Бутенас, А. Римкунас ва К. Вайрас-Рачкаускасининг буюк ўзбек шоири ҳақидаги роман таржимасига тақризлари эълон қилинди. «Ойбек романи, — деб ёзади ўз мақоласида Ю. Бутенас, — бизларни беш юз йил ажратиб турган даврни «тирилтирган» улкан меҳнат тухфасидир. Бу роман саҳифаларида Навоий инсоният улуг ғояларининг жарчиси, ажойиб шоир, файласуф ва меъмор сифатида намоён бўлади».

Кўп ўтмай республика матбуотида А. Жукаускас ва В. Балтушкявичюс таржимасида А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonидан парчалар эълон қилинди.

Литва адабиётисида 50-60-йилларда муҳим силжишлар юз берди. Катта авлодга мансуб ёзувчилар халқимизнинг тарихий ва бадий тажрибасини қандайдир уйғунлаштирган ҳолда «Сотилган йиллар» (Ю. Балтушис), «Ғалаёнчилар» (А. Миколайтис-Путиндо), «Вилос Каралюс» (Е. Симонайтите) каби романларни Ю. Грушас эса ўзининг «Херкус Мантас» драмасыни яратди. Шу пайтда «Қардошлик дostonи» (1954) билан Э. Межелайтис, «Йигирманчи баҳор» (1956) дostonи билан Ю. Марцинкявичюс ўзларининг ижоддаги зафарла юришини бошладилар. Улар туфайли литва шеърятини миллий доирадан чиқди. 1961 йилда рус тилида нашр этилган Э. Межелайтиснинг «Инсон» китоби Ленин мукофотида сазовор бўлди. Шу йили шоир Темур Фаттоҳ Э. Межелайтис шеърларини ўзбек тилига маҳорат билан ўғирди.

Характерли жиҳати шундаки, литва адабиёти билан алоҳида бир ёзувчи ижоди орқали таниша бошлаган таржимонлар кейинчалик республикамизнинг ҳақиқий дўстларига айланди. Улар секин-аста бошқа муаллифлар билан ҳам қизиқиб, ўз она тилларида литва бадий сўзини тарғиб эта бошладилар. Қозоғистонлик А. Аҳметов «Инсон» таржимасидан сўнг катта қизиқиш билан Э. Межелайтиснинг «Карусель», «Аелюмай», «Кияик поэмалар» ва «Линго-Линка» тўпламларини қозоқчага ағдариб, 1979 йили Олма-отада чоп эттирди; қирғизистонлик К. Акаев эса А. Венцлова шеърларини таржима қилгач Болтиқбўйи шоирларининг антологияси учун қирғиз тилида 26 литва шоири шеърятидан намуналар тайёрлади.

Худди шундай, ўзбекистонлик О. Матжон ҳам литва адабиётининг дўстига айланди. У таржима қилган Ю. Марцинкявичюснинг «Миндаугас» драмасы алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Урганч театрида саҳналаштирилди. О. Носиров эса Й. Авижюсининг «Уқубатли йиллар» романини ўзбек тилига ўғирди.

Бугун ҳақиқатан ҳам Урта Осиё республикалари ва совет Литваси адабиётларининг дурдоналари борасида фахрланиб гапириш мумкин. Урушдан кейинги йиллари Литвада турлича қимматга эга бўлган асарлар юзага келди. Уларнинг кўплари улкан воқеаларни қамраб олиши ва ёрқин истеъдод билан ёзилганлигидан фақат Литва адабиётини эмас, балки кўп миллатли совет адабиёти хазинасини бойитди. Шуларнинг бири Э. Межелайтиснинг «Инсон» китобидир. Бу китоб ўзбек тилига таржима қилинган пайтда Литвадан Ўзбекистонга ким бориб қолса, унга шу асар хусусида гапиришарди. Бунга шахсан ўзим гувоҳман. Шу йил ўзбек тилини ўрганиш учун Тошкентга илк марта борган эдим. Мен эндигина «Литва» сўзини тилга олгандим, бу ном шу заҳотиёқ «Инсон» ва «Межелайтис» тушунчасини уйғотди. Шундан сўнг мен «Инсон»га литва адабиёти ўзбек тилида қандай гавдаланганлиги билан қизиқдим. Маълум бўлдики, марҳум Т. Фаттоҳ «Инсон»га тасодифан мурожаат этмаган, балки у литвалик шоир ва ёзувчиларнинг «Дўстлар овози» номи билан 1951 йилда Тошкентда нашр этилган илк тўпламига муҳаррирлик қилган эди. Кейинги йили О. Раҳимий таржимасида «Литва ҳикоялари» китоби чоп этилди. Унга литва классик адабиётининг юқорида номи қайд қилинган Ю. Жемайте, И. Билюнас, Вайжгантас, В. Мицкявичюс-Капсукас, А. Магинскас, П. Цвирка, Ю. Балтушис каби ёзувчиларнинг ҳикоялари киритилган эди. Литва адабиёти ва санъатининг Москвадаги декадаси муносабати билан 1954 йили «Қизил Ўзбекистон» газетаси Бутка Юза, А. Бенцлова, Л. Гира, С. Нерис, П. Вайчюнас, Э. Межелайтис шеърлари ва П. Цвирканинг «Қардошлик уруғи» ҳикояси, «Шарқ юлдузи» журналида А. Гудайтис-Гузавичюснинг «Темирчи Игнотаснинг ҳақиқати» романидан парча, «Ўзбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат») журналида Зулфия таржимасида С. Нериснинг иккита шеъри босилди. 1960 йили ўзбек тилида Ф. Муҳаммадёроева таржимасида П. Цвирканинг эртаклари китоб ҳолида нашр этилди.

Юқорида айтганимиздек, бу пайтда Литвада ўзбек адабиёти айрим китоблар орқалигина маълум эди. Бу рус тилидан А. Лёбте таржима қилган «Ўзбек халқ эртаклари» (1954 йил), рус тили орқали Л. Гребликена ўйрган Ҳ. Назирнинг «Сўнмас чақмоқлар» (1960) повести, шунингдек, Ғ. Фулом, Зулфия, М. Бобоев, Уйғун шеърлари, Мирмуҳсин, К. Икромовнинг вақтли матбуотда эълон қилинган асарларидан парчалардир.

1960 йилдан бошлаб ўзбек адабиётининг литва тилига таржимасида кескин силжиш юз берди. «Вага» нашриёти планли равишда ҳар йили бирон-бир ўзбек ёзувчисининг асарини чоп эта бошлади. Шу тариқа 1962 йили рус тилидан И. Булотене таржимасида А. Қаҳдорнинг «Синчалак», 1963 йили рус тилидан А. Субатавичюс таржимасида Ҳ. Нуъмоннинг «Ешлиқда берган кўнгил» повестлари, 1963 йили эса русчадан А. Шликайте таржимасида К. Икромовнинг болаларга аталган «Маҳмуд — дорбоз» китоби, 1966 йили русчадан И. Свейвис таржимасида А. Қодирийнинг «Мехробдан чаён», 1976 йили ўзбек тилидан Г. Кобецайте ва И. Булкене таржимасида Ойбекнинг «Қутлуғ қон», 1969 йили ўзбек тилидан Г. Кобецайте таржимасида А. Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» романлари; 1971 йили ўзбекчадан Г. Кобецайте таржимасида Ғ. Фуломнинг «Шум бола» повести, 1973 йили рус тилидан Ю. Мацявичюс таржимасида А. Мухторнинг «Чинор» романи, 1975 йили ўзбек тилидан Г. Кобацайте таржимасида У. Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романи, 1976 йили рус тилидан Д. Балсена таржимасида Х. Тўхтабоевнинг «Сеҳрли қалпоқча» повести, 1978 йили рус тилидан Ж. Рукшенайте таржимасида «Олтин балиқча» эртеги, 1980 йили ўзбекчадан Г. Кобецайте таржимасида С. Аҳмадининг «Уфқ» романи ва рус тилидан Э. Вильдженена таржимасида Ойбекнинг «Болалик» повести, 1981 йили рус тилидан Г. Кобецайте таржимасида Т. Пўлатовнинг «Мени ўрмонда чорла» қиссалар тўплами ва русчадан В. Пертилайте таржимасида Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девининг ўлими» повести, 1982 йили ўзбек тилидан Г. Кобецайте таржимасида О. Еқубовнинг «Диёнат» романи ва ўзбек халқ эртакларининг янги китоби, 1983 йили рус тилидан И. Станкунене таржимасида Ш. Саъдулла-нинг «Қачал полвон» повести нашр этилди.

Кўриниб турибдики, санаб ўтилган китоблар билан умумхазина кейинги йигирма йил ичида ҳам ўзбек, ҳам литва адабиёти учун катта қимматга эга бўлган бебаҳо жавоҳирлар билан тўлдирилди. Бу асарларнинг кўпчилигида замондошларимизнинг меҳнати акс эттирилиб, совет кишиларининг маънавий гўзаллиги, руҳий куч-қудрати, ўз ишига фидойилиги тараннум этилади. Мазкур китобларнинг қаҳрамонлари орқали озодлик учун босмачиларга қарши, кейинчалик немис-фашист босқинчиларига қарши курашган пахта далаларида мардона меҳнат қилаётган, чўл ва саҳроларда янги ерлар ўзлаштираётган, суғориш каналлари бунёд этаётган кишиларни кўрамиз.

Инсоният тажрибаси муттасил кенгайиб борар экан, ёзувчилар янги ижтимоий ҳодисаларни батафсил ва теран ифодалаш учун тинмай янги бадий шакллар изламоқдалар. Айниқса, буни замонавий ўзбек прозаси мисолида жуда аниқ кузатиш мумкин.

Муайян бадий асар таржима қилиш учун танланар экан, одатда унинг миллий адабиётда тутган ўрни, бошқа республика ўқувчиси мазкур китобдан ўзига нима олиш ҳисобга олинади. Литвада Совет адабиёти кунлари муносабати билан ўтказилган конференцияда адабий танқидчи А. Бучис айтганидек миллий адабиётлар тараққиётидан тасодифан, тартибсиз равишда узиб олиниб, бошқа миллий заминга кўчирилган китоб маълум даражада ўзининг моҳиятини йўқотади. Ўзбек адабиётидан литва тилидаги таржималар хусусида айтиш керакки, кўпгина қимматли ва эътиборга молик асарлар ўгирилган бўлса-да, афсуски улар Ўзбекистонда адабиёт ривожланишининг тарихий йўлини кенг миқёсда кузатишга имкон бермайди.

А. Мухтор 1982 йили Совет адабиёти кунларида Литва бўйлаб сафардан қайтгач, ўз ҳамкасбларига Вильнюс кутубхонасидаги кўрғазмада Ўзбекистон ҳаёти, республиканинг кишилари, архитектура обидалари тўғрисида китоблар қўйилганлиги, улар орасида ўзбек ёзувчиларининг литва тилига таржима қилинган 21 та асарини ҳам кўрганлигини таъкидлаганди.

— Бу рақам мен учун қутилмаган ва ёқимлидир, — деб тан олган эди А. Мухтор, — бундан ташқари, уларнинг еттигиси бевосита ўзбекчадан ағдарилган. Менимча, биз ҳам кўпроқ таржима қилишимиз, бунинг учун эса тез-тез учрашиб туришимиз, адабий алоқаларни тагин ҳам мустақкамлашимиз, унинг мавзу доирасини тобора кенгайтиришимиз керак. Шунингдек, асл нусхадан таржима қилувчи мутаржимлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Уша учрашувда иштирок этган ёзувчилардан Мирмуҳсин, О. Ёқубов, П. Қодиров, Т. Пўлатовлар ҳам А. Мухторни қувватлаб, Вильнюсдаги «Вага» нашриётида ўзбек адабиёти бўйича оригиналдан таржима қилиш борасида катта ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаган эдилар. Шунингдек, улар ўзбек адабиётини янада кенгроқ тарғиб қилиш лозимлиги, бунинг ютуқлари билан таржимонларни тез суръатларда таништириш, республика адабий жараёнида пайдо бўлаётган энг яхши асарларни уларга тавсия этиб боришни қўшимча қилган эдилар.

А. Мухтор бундан икки йил бурун Литва телевидениесига сўзга чиқиб, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг таржима кенгашида литвалик муаллифларнинг бир неча асари таржима учун тавсия қилинганлигини айтган эди. Бу фақат адабий факт сифатида эътиборга сазовор бўлмай, профессионал муносабатлар нуқтани назаридан ҳам ғоят фойдалидир. Чунки литва ёзувчиларидан характерни психологик жиҳатдан асослаш, драматик кескинликни юзага келтириш, асарнинг эстетик яхлитлигини таъминлаш борасида анча нарсани ўрганиш мумкин.

Совет халқлари адабиётининг таниқли тадқиқотчиси Чингиз Гусейнов СССРнинг 60 йиллиги арафасида «Литература ир мянас» газетаси саҳифаларида «Ҳозирги давр адабий жараёни жадаллик билан айна пайтида содир бўлмоқда, адабиётнинг бундай сақраш тарзида рўй бераётган тараққиёти — уларнинг бир-бирига таъсири ва икки томонлама бойишининг натижасидир», — деб ёзган эди. Дарҳақиқат, бошқа республикалардаги ҳамкасблари ютуқларининг актив таъсирини ёзувчиларнинг ўзлари ҳам тан оладилар. Мисол учун «Литературная газета» мухбирининг «ниҳоят даражада замонавий тема ёзувчиси»ни олис даврларнинг ичкарисига кириб боришга нима мажбур қилганлиги ҳақидаги саволига О. Ёқубов: «Ўтмиш ва ҳозирни туташтириш ёзувчи олдида чексиз уфқлар очади, унинг фикрлашига кўламдорлик, мулоҳаза ва баҳосига аниқлик бахш этади. Бунга совет адабиётининг А. Толстой, М. Аvezов, Ойбек ва бошқа кўпгина таниқли вакиллари ижодини далил келтириш мумкин. Ўзининг тарихий полотнолари ва қизиқарли замонавий романлари билан танилган прозаиклардан П. Загребельнийнинг самарали тажрибаси ёки К. Яшин, Н. Сафаров, Мирмуҳсин каби ўзбек ёзувчиларининг ижоди бунинг ёрқин далилидир, бизнинг кунларимиз ҳақидаги асарлари билан бир қаторда ажойиб тарихий драмалар яратган Мустай Карим, Ю. Марцинкявичюс тажрибаси-чи!»

Республикаларда миллий тилларда пайдо бўлаётган асарлар билан рус тили орқали тезроқ танишиш мумкин, лекин кенг китобхонлар учун ўша адабиётни ўз она тилларида ўқиш ғоят қулайдир. Ю. Марцинкявичюс ва М. Каримни О. Ёқубов тилга олганида, эҳтимол уларнинг асарлари ўзбекчага таржима қилиниб, халқнинг маданий бойлигига айланганлигига ишора қилгандир. Кейинги пайтларда литва адабиётидан ўзбек китобхонларига яна нималар маълум? Ўзбекистонлик шерият мухлислари Э. Межелайтис, Ю. Марцинкявичюсдан ташқари А. Венцлова, С. Нерис, Я. Дегутите ва бошқа кўпгина замонавий шоирларнинг алоҳида асарларини ўқиганлар. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида мендан Майронис, В. Пальчинскайте, Э. Матузьявичюс, Ю. Вайчонайте, А. Матутис тўғрисида сўрашди. Бундай саволлар шоирларимиз ижодига ўзбек адиблари қизиқаётганлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистонда Ю. Жемайтенин «Қўлга тушган шайтон» (1963) номли алоҳида ҳикоялар тўплами, совет классикларидан юқорида номи тилга олинган П. Цвирканин «Қанд кўзичоқ» (1960) номли эртақлари ва унинг «Она — замин» (1964); ҳозирги давр литва адабиётидан М.Слуцкиснинг «Осмон нарвони» (1972, Х. Эргашев таржимаси), Ю.Балтушиснинг «Сотилган йиллар» (1977, Г. Исмоилова таржимасида), Й. Авижюснинг «Йўқотилган гўша» (1977, О. Носиров таржимаси) романлари, В. Пятквичюс, В. Бубнис, К. Саининг айрим асарлари «Ягона доирада» (1974) номли ҳикоя ва шеърлар тўпламида чоп этилган.

Вақтли матбуотни кўздан кечирар эканмиз, муаллифлар рўйхати сўзсиз икки баравар ошганининг гувоҳи бўламиз.

Совет ҳокимияти даврида вужудга келган Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар таржималарнинг кўпайишига имконият туғдириб қолмай, айна пайтда адабиётларнинг бир-бирига таъсир этиши ва умумий профессионал қизиқишларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

1967 йилда юқорида тилга олинган В. Миколайтис-Путинасининг туркум шеърларидан ташқари, унинг севги гимни ва элегияларидан таркиб топган «Шарқ оҳанглари асосида» поэмаси босилган; 1969 йилда Тошкентда адабиёт ва санъат декадасида иштирок этган А. Дрилингга қонун-қоидага айланган мавзулардаги форс шеърятининг образлари ва сўз ўйинлари тақлид қилган ҳолда «тожикча» ғазаллар ёзди. Самарқанд билан танишган В. Пальчинскайте ўзининг тасаввурини забт этган меъморчилик ёдгорликлари ҳақида туркум шеърлар яратди. Г. Бигелите эса «Ўзбек оҳанглари» туркумидан эълон қилинган бешта шеърда Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши ва Литва ўртасида ўзининг умумийлик мезонини ўзига хос тарзда ифодэ этди.

Сир эмас, Тошкентдаги зилзила ҳаммани ҳайрон қолдирди. Шоир А. Байокис эса бу табиий офатни жуда кенг маънода қабул қилди: вайрон бўлган шаҳар образи уни ҳозирги давр кишиси яшаётган безовта дунё тўғрисида фикр юритишга олиб келди:

**Сайёрамиз улкан Тошкентга ўхшар,  
Ҳаловат йўқдир унда ҳеч кимга.**



«Литвага» шеърида эса шоирнинг образли ҳис-туйғуси бизга ҳамма қардош ҳалқларнинг бирлиги ҳақида сўзлайди:

**Литва тилида куйлар Урал станоклари,  
Литва лоласи бўлиб ёнар Тошкент ипаги.**

Ўзбек ёзувчиларининг ижодида ҳам литва оҳанглари пайдо бўлди. Т. Пўлатовнинг «Ғойибнинг иккинчи сафари» қиссасида медицина институтининг студенти, Урта Осиёга практикага келган литвалик қизнинг образи бор. Ҳамма учрашувларда у қачонлардир Урта Осиёда ишлаган геолог Балдонис хусусида суриштиради. Ёзувчи қизни шундай тасвирлайди: «у бу ердаги аёлларга ўхшамайдиган — баланд, малла ва назокат билан мулоқим гапирар, гўё ўзининг олис денгизининг қўшиғини куйлар эди».

Танқидчи Р. Пакдельнишқис Мирмуҳсин, К. Яшин ва Ю. Марцинкявичюс ижодида маъно жиҳатдан кўпгина туташ ўринлар топади. Шундай тадқиқотлар орасида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси Н. Аҳмедовнинг Ўзбекистон ва Болтиқ бўйи республикалари адабий алоқалари тўғрисидаги диссертацияси, В. Казсукас номли Вильнюс Давлат университетининг собиқ доценти, марҳум П. Ужкальниснинг «Рудакийдан Донелайтисгача» китобини эслаб ўтиш ўринлидир. Хусусан, мазкур китобда минг йил аввал вужудга келган, эндиликда Совет Литваси ижтимоий маданиятининг бир бўлагига айланган СССР халқларининг классик адабиёти таҳлил этилади. Дарҳақиқат, Наманган педагогика институтида мен доцент Ужкальнис томонидан тузилган миллий адабиётлар картасини кўришга муяссар бўлган эдим.

Ўзбекистон ва Совет Литваси ўртасидаги кўп сонли ва серқирра адабий алоқалар агар бевосита масофанинг узоқ бўлишига қарамай, дўстликнинг камалакранг чиройли лентасини тўқиётган кишиларнинг ҳамжиҳатлиги орқали доимо мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормаса, унинг мавжудлиги асло мумкин бўлмасди. Бундай алоқалар совет кишиларида ягона оила, ягона уй туйғусини тарбиялайди.

**Галина КОБЕЦКАЙТЕ**  
Вильнюс

## **Ақл ва маъно дурлари**

\* \* \*

*Балиқ овлаб ўтирган кишининг ёнига бир одам келиб суриштира кетди.*

*— Хўш, қалай? Бирор нарса тугдингизми ёки йўқми?*

*— Ҳа.— қовоғини уйиб жавоб берди балиқ тугаётган киши.— Яқиндагина биттасини тугиб, дарёга ташлаб юбордим.*

*— Нима, жуда кичкина эканми?*

*— Йўқ, бўй-баста сиздай. У ҳам сизга ўхшаб эзмалик қилиб, овимга халақит бераётган эди.*

\* \* \*

*— Жабрланувчи сизни таниди.— деди судья, айбланувчига.— Унинг уйига ўғирликка сиз тушгансиз!*

*— Йўқ, у нотўғри кўрсатма беряпти.— деб ўдагайлади айбланувчи.— У мени кўрган бўлиши мумкин эмас. У қаттиқ ухлаб ётганди.*

\* \* \*

*— Янги уйингизда ҳеч камчилик бор эканми?— деб сўрашди ҳамкасблари янги квартира олган кишидан.*

*— Ҳозирча битта камчилик бор.— деб жавоб берди у.*

*— Бунча яхши, қандай камчилик экан?*

*— Уйга кирадиган ёшиқни ҳеч очолмаяпман.*

## ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА



Суннатулла Анорбоев

### МЕН БИЛГАН ОЙБЕК

Ўттиз тўққизинчи йилнинг эрта баҳорими ёки кузи, аниқ эслолмайман, ҳарқалай яланг кийимда эмасдим, Наманган шаҳрининг Карл Маркс кўчасидаги кутубхонага кириб бордим. Кўргазмадан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналини олдим. Варақлаб туриб, «Қутлуғ қон» деган сарлавҳага кўзим тушди. Бу Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек билан, ғойибона бўлса-да, биринчи, чинакам учрашувим эди.

У вақтда педагогика билим юртида ўқирдим. Агар ўша куни кутубхонага пешиндан кейин кирган бўлсам, намозшомда ноилож чиқиб кетдим. Агар кутубхоначи опа, иш вақти тугади, деб ҳайдамаганда, балки тонготар қолиб кетармидим. Мен ўша кундан эътиборан деярли тенгдошим Йўлчининг дардига ҳамдарад бўлиб қолдим. Эртасига синфда ўтирибман-у, хаёлим кутубхонада, ўша журнал сонининг чети букланган саҳифасида эди. Ниҳоят кўнғироқ олтинчи соат тугаганини билдириб жиринглади. Китоб-дафтарни йиғиштириб ётоққа шошиламан. Тушлик қилар-қилмас кутубхонага. Хайрият, мен қолдирган жойда турган экан. Бошқа бирорта китобхон эгаллаб қўймаганмикан, деб кўрққан эдим.

Журнални тоқчадан олибоқ бўш столга ўтириб мутолаага бериламан. Дала йўлидан билқ-билқ тупроқ кечиб келган соддадил қишлоқ йигити Йўлчи билан бирга кишини ҳам ҳаприқтирувчи, ҳам чўчитувчи бир зиддиятли ҳаёт билан таниша бошлайман. Ғалати одамлар, ғалати характерлар, ғалати муносабатлар. Мирзакаримбой, Ҳакимбойвачча, Тантибойвачча, Абдишукур... Нури ва Гулнор. Вой қизининг ишқий саргузашти.

Менга нотаниш, аммо у қадар йироқ бўлмаган, атроф-теварақда ҳали чанги босилмаган ўтмиш тасвирига бошим билан шўнғийман. Кутилмаганда «давони бор» деган ёзувга дуч келиб ихраб юбораман. Шу дақиқадан бошлаб бетоқатлик билан журналнинг кейинги сонини кута бошлайман. Шундай қилиб, мен санъаткорона сўз кучи билан сеҳрланиб қолгандим.

Устоз Ойбек билан шахсан қирқ олтинчи йилнинг кузида учрашдим. Бунга аспирантура сабаб бўлди. Урушдан қайтиб, кечки педагогика институтини битирган, университет аспирантурасига кириш учун ҳаракат қилиб юрган пайтларим эди. Аспирантнинг ёса илмий раҳбари бўлиши керак. Ҳам

адиб, ҳам олим, Ўзбекистон фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ойбекнинг менга илмий раҳбар бўлишини орзу қилар ва у кишининг розилигини олиш учун 1-Май кўчасидаги Ёзувчилар союзи биносига катнардим. Учинчи марта борганимда ҳам учратолмай ҳайрон бўлиб турганимда, юпунгина кийинган, бир кўзли йигит: «Юринг, мен ўша ёққа кетвомман», деб қолди. Ноилож эргашдим. Йўл-йўлаккай иккиланиб боряпман. Менинг ҳам энгил-бошда ундан ортиқ жойим йўқ: устимдан ҳали солдат гимнастеркасию шинели тушмаган. Фақат бошда чуст дўппи-ю, оёқда қўнжи олифтанамо қайтарилган кирза этик. Қаёқдан келди бу ғалати одамлар деб ҳайдаворса-я, деган ўйда юрагим пўкиллайди. Ҳарқалай катта одам у киши!

Мана, Ишчилар шаҳарчаси бекатида трамвайдан тушдик. Катта кўчадан паст-баланд бўлиб боряпмиз. Кисловодск деб номланган тор кўчага ҳам қайрилдик. Йўл бошловчим, эшитинг деб қўйиб, шеър ўқийди:

*Юксакда, шамолнинг беланчагида,  
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул!  
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида —  
Нафис чайқалади бир туп*

наъматак...

Хаёлим чалғийди. Юрагимдаги ҳадиқсираш қуёш тафтию шамол билан учиб кетгандай.

Кўз ўнгимда тоғ оралиғи, шаршара-ли сой, баланд қирғоқ бағрига тирмашган бир туп наъматак келади. Ҳатто чамандай очилган гулларининг ҳиди димоғимга урилгандай бўлади.

Нотаниш дўстимнинг етакчилигида бир қаноти очик дарвозага қайрилганимизда ичкаридан шошқалоқлик билан чиққан велосипедлик бир қизалоқ шеригимни уриб кетишига оз қолди. Шеърый мисраининг ярми оғзида қолган шоир унинг кетидан анграйганча қараб, ҳаваси келгандай бош чайқаб илжайди-да, ўйноқи бир байт айтди. Шу чоқ ҳовлидан «Б-бизам эшитайлик», деган товуш эшитилди. Ялт этиб қарадим. Ҳовли тўридаги кунгайда бир киши турарди. Эйтиборимни дафъатан тортган нарса — унинг кўзлари — пиёладай-пиёладай, оламни илғаб олишга интилган каби катта-катта очилган кўзлари бўлди. Бошида қулогига тушган ўсиқ, жингалак қопқора сочларини бостириб кийилган тўрттул дўппи, эғнида фарғонача олача бекасамдан тўн, кулранг тринка шим. Оёғида эски калиш.

— Қудрат! — катта-катта кўзларида ўзгача бир самимият, қалин лабларини тинмай қимирлатиб пичирларди. — Уқинг!..

Менинг ҳамроҳим шоир Қудрат Ҳикмат бўлиб чиқди.

— Ойбек ака, сизга янги шогирд

Қозоқ совет адабиётининг классик ёзувчиси Мухтор Аvezовнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ёзилган мазкур мақола «Қозоқ адабиёти» газетасида 1957 йил 28 сентябрда босилиб чиққан. Ойбекнинг 80 йиллик юбилеи нишонланаётган қутлуғ кунларда мақола текстини бизга лутфан тақдим этган қозоқ қардошларимизга чексиз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Бугун қозоқ адабиётининг улкан байрам куни. Мухтор оға чин маънодаги донгдор, улуг, Олатоғдек чўнг, алп ёзувчи. Унинг асарлари билан ёшлик чоғларимдан бери танишман. Шундан бери мен уни қаттиқ ҳурматлайдиган бўлдим.

Мухтор Аvezов моҳир драматург, ажойиб ёзувчи, таниқли академик, улкан олимдир. У ёзган асарларнинг мазмуни теран, образлари тўлақонли, тили марвариддай тоза.

Аvezов ёзувчилик маҳорати камол топган, қудратли талант эгасидир. У қозоқ халқининг улуг шоири Абай тўғрисида бақувват асар яратди. Унда улуг шоирнинг болалик чоғидан улғайганга қадар бўлган буткул умри халқ ҳаёти, замоннинг шиддатли воқеалари билан боғлиқ ҳолда суратлантириб берилади.

Мен қозоқ адабиётидан жуда хурсандман. Абайнинг Мухтор яратган ёрқин образи менга кучли таъсир этди.

Йирик ёзувчи, йирик драматург Мухтор Аvezов олтимиш ёшга тўлди. Бирок у ҳамон қувноқ, соғлом. У талай яхши асарлари билан совет адабиётига узоқ йиллар хизмат этишига ишончимиз комил.

Ойбек

Тошкент

бошлаб келдим! — деди Қудрат менга ишора қилиб.

Чамаси, Ойбек мени энди пайқади. Хаёлчан қараб туриб:

— Шундай, сами-сами, ўқинг! — деди.

Солдат шинели ҳали эгнидан тушмаган бу йигит ҳам ҳаваскор шоирлардан бўлса керак, деб ўйлагандир. Ўзимни танитиб ҳузурларига нима мақсадда келганимни айтганимдан кейин ичкарига таклиф этдилар.

Танишув, синов суҳбати бошланди: Ойбек ака менга илмий раҳбар бўлишга розилик хати ёзиб берди.

Кейин бу улуг одам билан шогирд сифатида кўп мулоқотда бўлдим. Олим, синчков таҳлилчи адиб эмасми, Ойбек аканинг туб манбани билган, ўрганган одамларга нисбатан ихлоси баландлигини пайқадим.

Ойбек аканинг қиёфаси (ҳайбати) бир кўрган одамни ҳайиктиради; ижоди билан таниш биздай ёшларни эса

салобати босади. Кўнглига ёқмаганларга у такаббур бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Аммо дили дилига, ижоди кўнглига ўтирган одамларни ўта эъзозлар, ҳатто ёш йигитча бўлса ҳам тенгдошдай ўзига яқин оларди. Ҳа, у киши юмшоқ кўнгил, табиатан ёш боладай киши эди.

Олтмишинчи йиллар эди. Чет тиллар институтидаги ўртоқларнинг илтимосига кўра академик ёзувчи Ойбекнинг студентлар билан учрашувини ташкил этишда ўртада туриб ёрдамлашдим. Учрашув Ҳамза номидаги академик драма театрининг эски биносида ўтди. Кетидан «Қутлуг қон» спектакли кўрсатилди. Бош қаҳрамон Йўлчининг изтироблари аслида муаллифнинг юрак изтироблари эмасми, олдинги қаторда ёнма-ён ўтирган Ойбек аканинг ўзини босолмай, тўлқинланиб ўтирганига гувоҳ бўлганман...

Ана шундай, мен билган Ойбек ака нозик қалб эгаси буюк инсон эди.

## Ўлжас Сулаймонов

(Қозоғистон)

# ОЙБЕК

Испан шоири Мигель Эрнандес қачонлардир ўз китобини «Ой билимдони» деб номлаган эди. Ҳар бир шоир — ой билимдони. Ой — ҳар бир шоирнинг нишони (тотеми). Ой залворли баҳри уммон тўлқинларини бирдек кўтарди ҳамда шоир қонини баҳри уммон тўлқинларидек жўш уришга мажбур қилади. Ойнинг тортиш кучи қонуниятлари турфа хил. Табиатнинг бошқа қонуниятлари сингари улар чегара, ирқ ва миллат айирмайди, зеро, Шоир туйғулари денгиз каби жунбушлидир.

Ойдин оқшомлардан бирида гўдак Муса Тошмуҳаммад ўғли, ўз уйларининг дашт каби ясси томида туриб, онасидан ойни олиб беришни сўради. Шу тахлит яна бир «ой билимдони» шоир Ойбек дунёга келди. «Таржимаи ҳоли»да у шундай эслайди: «...шундан буён ўша дақиқаларда туйган ҳаяжоним юрагимнинг қатида.»

Унинг Навоий ғазалларидан олган илк болалик таассуроти ҳам худди шунинг сингари жозибали ва сирли эди.

«Қалбим бамисоли аланга барқидан ёришиб кетгандек бўлди», деб ёзади у бу ҳақда автобиографик қиссаси «Болалик»да.

Ой, Навоий ғазаллари ва қачонлардир камбағал қосиб отаси билан кезган поёнсиз Туркистон даштлари ёш Мусада ҳақиқий санъаткорликнинг муҳим омили бўлган озод, нурафшон, қудратли хаёл дунёсини қарор топтирди.

Қандай қилиб Шоир, Ёзувчи, умуман, Санъаткор даражасига кўтарилиш мумкинлигини тушунтириб бўлмайди, албатта.

Руҳнинг парвозига монелик қилувчи тўсиқларни енгиб юксала билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келабермайди.

Бу иқтидор Муса Тошмуҳаммад ўғлига насиб этди ва тақдир унга Ойбек деб исм қўйди.

Кенгликларга ястанган чўл — қозоқ даштининг буюк уфқлари, бу

даштлардан у кўп маротаба ўтган эди — унда нарсаларга эпик назар ташлашни, эпик тушунчани туғдирган бўлса, ажаб эмас.

Ойнинг вертикали — Ойбек лирикасининг ўқи, Осие горизонтали — унинг эпикаси, мана Ойбекнинг руҳий кенгликлари шаклланган координатлар системаси.

Инқилоб бу кенгликка ҳаракатчанлик, курашчанлик ато этди. Инқилоб Ойбекни Давр суҳбатдошига айлантирди.

*Эй қизил қуёш, кул уфқларда!  
Мазлуж дунёсин нурга фарқ қилдинг,  
Зулм, ваҳшатни маҳв этиб йиқдинг,  
Энди мангу бўл сен кўнгилларда.*

Инқилоб Ойбекни янги сўз билан қуроолантирди. Бу даврга келиб, буюк Навоийга тақлид қилишдан нарига ўтмаган кўплаб анъанавий шоирларнинг шарқ ширинликларидек шира боғлаган сатрлари Ойбекка эриш туюла бошлаганди.

Инқилоб Сўзга халқчиллик, соддалик берди. Роҳат-луқум эмас, нон зарур эди очликдан азобланаётган одамларга. Бу борада Ойбек оташин Ҳамза ишларининг содиқ давомчиси ҳисобланади.

Дастлабки пайтларда Ойбекнинг овози ўша даврларда Ўзбекистонда ҳам авж олган расмий, тантанавор шеърят соясида қолди. Бироқ баландпарвоз, қуруқ дабдабадан иборат шеърый баённомалар халқ томонидан аллақачон унутилди. Ойбекнинг юрак ҳароратига йўғрилган, содда, самимий сатрлари эса ҳануз қалбларни тўлқинлантириб келади. У ўзининг эзгу эътиқодини «Товушим» шеърисида шундай изҳор этади:

*Курашади икки тўлқин  
қараб турайми?  
Еш тарихнинг темир қўлини  
кегга бурайми?  
Йўқ... болғалар пўлат сафи  
ила бораман.  
Енгин, кураш, жанглар сари  
кўкрак очаман.*

Ушбу сатрлар замиридан машҳур: «...ўзимнинг бор шеърый иқтидоримни сенга бағишлайман, эй ҳужумкор синф!» хитобига жўровозликни ҳис қиламиз. Бу мисраларда Давр оҳанги, Инқилобнинг теран руҳи мужассамдир. Ойбек буни нозик илғади. «Шоир Маяковскийга» шеърисида у дейди:

*Ойли тунда, олтин кўллар бўйида  
Ҳаёл сурган шоирлардан эмасдинг...  
Қоматингда мўраларди давримиз,  
Шеърингдаги ҳар сўз — бир олов чечак...  
Ҳар бир сўзинг — бир динамит парчаси,  
Ҳар бир шеъринг — бизга шонли бир достон.  
Ҳар шиоринг — буюк ўрнатқич, сен ишон,  
Эй курашчи, эй инқилоб боласи!*

Маяковскийнинг буюк халқпарварлиги, буюк соддалиги Ойбек учун улуг шоир ижодига хос бўлган энг муҳим хусусият эди.

Ойбек ўзбек совет адабиётида роман жанри ҳамда бошқа кўпгина жанрларнинг асосчиларидандир.

Биринчиларга — ҳамиша қийин. Аммо Ойбек ҳар доим ўз даврининг олдинги марраларида бўлди. «Қутлуғ қон», «Қуёш қораймас» «Олтин водийдан шабадалар», «Улуғ йўл» романлари Ойбек номини чин маънода халқчил этди. Чунки Ойбек ўз ижодида буюк устози Алишер Навоийнинг қуйидаги сўзларини ҳамиша дастуриламал деб билди:

*Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,  
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.*

Ойбек сўзи ҳеч қачон ўлмайди, чунки у Ҳақиқатдир.

Бахтиёр Қурбонбоев

# ОЙБЕК ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Ойбекнинг СССРдаги бошқа қардош халқлар адабиётлари ва адиблари билан ўзаро ижодий ва шахсий дўстона алоқалари масаласи кам ўрганилган. Айниқса, атоқли санъаткорнинг қардош Қорақалпоқ эли, адабиёти ва санъати, ёзувчилари билан ўзаро муносабатлари ҳақида жуда оз нарса маълум.

Ойбек ҳақида таниқли қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов меҳр-муҳаббат билан шундай ёзган эди: «Ойбек ижодиёти мен учун гўзалликнинг тугал биноси. Бу чинакам санъаткор ёзувчининг асарини ҳар сафар ўқиганимда ўзбек халқининг улғуворлиги, бой ва ранг-баранг руҳий дунёси, теран ақли, нафис туйғуси, юксак диди, кенг тафаккури кўз олдимда намоён бўлади.

Шоир бўлганлигим учун шеърни кўпроқ ўқийман, лекин Ойбек прозасини ўқиганимда шеърдан кам лаззатланмайман. Унинг «Қутлуғ қон»и билан «Навойи»-си, «Нур қидириб» ва «Болалик» қиссалари, шеър-достонлари, рус ва жаҳон классикаларидан қилган таржималарини ўқиган киши бу юксак маданиятли улкан санъаткорнинг кўпқиррали талантига қойил қолмаслиги мумкин эмас».

Худди шунга ўхшаш илиқлик ва Ойбекнинг Қорақалпоқ эли билан ўзаро мулоқотларини кўрсата оладиган ёрқин манзаралар таниқли қорақалпоқ шоири Ғалим Сейтназаровнинг «Унутилмас кунлар» («Амударё» журнали. 1963 йил, 3-сон) хотираларида ҳам жозибали акс этган. Бу эсдаликлар адибнинг инсон, гражданин, санъаткор, давлат арбоби ва мутафаккир олим сифатидаги ўзига хос хислатларини очиб беришда муайян аҳамиятга эга.

Ойбекнинг Қорақалпоғистон адабиёти ва адиблари билан илк мулоқотлари 30-йилларда бошланган. Айниқса, СССР Ёзувчиларининг биринчи съезди (1934) ва Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистон таркибига кириши билан (1936) бу ўзаро алоқалар янада самаралироқ бўла борди. Қорақалпоқ халқи дастлаб Ойбекнинг жанговар ва курашчан поэзиясини ўқиган бўлса, 40-йиллар бошида «Қутлуғ қон» ва «Навойи» романлари билан танишади. Ёзувчининг номи ва ижоди Қорақалпоқ диёрида улкан обрў ва эътибор қозонади.

1964 йил, январь. Қорақалпоқ меҳнаткашлари катта ишонч билдириб, таниқли ўзбек ёзувчиси Ойбекни СССР Олий Совети депутатлигига (2-чақириқ) номзод қилиб кўрсатадилар ва шу йил 10 февралда уни бу масъулиятли вазифага яқдиллик билан сайлашади. Ана шу вақтдан бошлаб, адиб ҳаёти ва ижодида Қорақалпоғистон билан боғлиқ саҳифалар кўпая боради ва адиб умрининг охирига қадар самарали давом этади.

Ойбекнинг Қорақалпоқ диёрига илк бор қадам қўйган кунларини таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаев шундай хотирлайди:

«1946 йил қаҳратон қиш кунларининг бирида Тошкентдан Ойбек ака ўз сайловчилари билан учрашгани келиб қолди. Тошкент об-ҳавосига қарабми, у бошда дўппи, юпунгина кийиниб олган экан. Совқота бошлагани шундоқ сезилиб турарди. (Ахир у бизнинг ёзда иссиқ, қишда қаҳратон совуқ бўладиган табиати-мизни қаердан билсин). Табиатан камтарин, камсуқум адибга бир амаллаб қулоқчин ва пўстин кийдирдик, сўнгра сайловчилар билан учрашувга (янглишмасам, Кегайлига бўлса керак) йўл олдик.

Бу пайтгача Ойбек ака халқимизга «Қутлуғ қон», «Навоий» каби ажойиб романлари орқали таниш бўлса-да, юртимизга илк қадам ранжида қилиши эди. Машинада сайловчилар ҳузурига борар эканмиз, у киши қорақалпоқлар тарихи, урф-одатлари, бугунги адабиёт ривожига ҳақида жуда кўп нарсаларни сўрагани эсимда».

Районнинг сайловолди кампаниясига мутасадди бўлган ўртоқлар бизни тўппа-тўғри қаҳратон совуқда ариқ тозалаётган колхозчилар ҳузурига бошлаб борди. Улардан бири: «Ой оға, учрашувни шу ерда ўтказиб юборақолсак, Сиз нима дейсиз?» деб сўз қотди.

Ойбек ака унинг гапини диққат билан эшитди-ю, анча вақтгача жим бўлиб қолди. Унинг нигоҳи улкан ариқ бўйлаб уфқгача турнақатор тизилиб кетган, метиндек ер бағрини ёриб, обиҳаёт томирини бунёд этаётган заҳматкаш эркага аёлларда эди. У пайтларда ҳозиргидек қудратли техника қаёқда дейсиз, деҳқонлар кеч куздан то эрта баҳоргача ёп ва зейкашларни фақат қўлда, бел, капча, лом билан қазиб, баҳор тараддудини кўришарди...

Ойбек ака бир маҳал ҳалиги мутасадди ўртоққа ўғирилди-ю, вазминлик билан шундай деди:

— Ойбек бу ерга сайловчилар билан учрашгани эмас, балки колхозчиларга «Хорманг!» айтишга келди, деб тушунтиринг. Учрашувни эса кечкурун ўтказайлик. Шу дақиқаларда Ойбек оғанинг дилида нималар туғён ураётганини ҳаммамиз тушуниб турардик.

Езувчи билан учрашув кечкурун район марказидаги клубда ўтказилди ва бундан ҳамма мамнун бўлди».

Ойбек қорақалпоқ ўлкаси билан илк танишувдан олган таассуротларини бир жуфт шеър орқали, ғоявий-бадий теран мисраларда ифода этди. Шоир ижодидага «Аму бўйларида» ва «Сув» сарлавҳали шеърлари Нукусда, 1946 йил бошларида ёзилган эди.

Дўстим, бу ерларнинг тарихи узоқ...  
Ҳатто тошларнинг ҳам тили соқовдир.  
Амуда толмайди қудратли тўлқин,  
Чунки у ҳаётга мангу гаровдир.

Бир чоғ қирғоқларни бўяр эди қон,  
Бир қатра сув учун халқди интизор.  
Бугун қўшиқлардан қирғоқлар хандон,  
Сув ҳам қўшиқ каби бахтга бўлди ёр.

Бу шеърда Ойбек даҳоси, унинг қисқа, лўнда мисраларда улкан маъно яратиш маҳорати намойён бўлган.

Ойбек «Аму бўйларида» шеърида Қорақалпоқ халқи ўтмиши ва ўша даврдаги ҳаётига доир масалаларни йўл-йўлакай тилга олган бўлса, бу мавзу «Сув» шеърида чуқурроқ давом эттирилади. Шеърнинг илк мисраларида шоир Ўрта Осиё халқларининг кечмиш ҳаётига оид манзараларни тасвирлар экан, асрлар мобайнида рўшнолик кўрмаган қорақалпоқлар тақдирини ўқувчи кўз ўнгида равшан гавдалантиради:

Ўрта Осиёда кўп биёбон, чўл,  
Даштларга қарасанг, эртақдагидай.  
Тонг отар, кун ботар — адо бўлмас йўл  
Ва ловиллаб ёнар дўзахдагидай.

Тевалар йўл босар қадамба-қадам,  
Карвон мусиқаси мунгли, сахройи.  
Бир қошиқ сувга зор — йиқилар одам,  
Чиқар ташналикдан тевалар жони!

Шеър фақат Ўрта Осиё, шу жумладан, қорақалпоқ диёрининг ўтмишдаги оғир, нобоп табиий шароити тасвиридангина иборат эмас. Шоир табиат манзараларини кечмиш тарихнинг қабоҳатли ижтимоий-сиёсий воқеаларига уйғун ҳолда кўрсатади ва муҳим фалсафий умумлашмалар чиқаради:

Асрлар орасин боғловчи бир мум  
Ернинг қаъридадир — битмас бу китоб.  
Қай обод ерларни босиб кетди қум,  
Ўрта Осиёнинг тарихи — қум, об...



Ойбек Қорақалпоқ адиблари даврасида

*Йиғлади Навоий халқ тақдири-чун,  
Ишқидай муқаддас сув қазди Фарҳод.*

*Махтумқули сув дер, Бердақ бағри хун —  
Сувсизлик дастидан айлади фарёд.*

Ойбекнинг аксарият асарларида бўлгани каби, мазкур шеърда ҳам ўтмишнинг оҳ-зорларга тўла мунгли саҳифалари ўқувчи қалбини титратади, уни ўйга толдиради ва шу орқали тарбиявий таъсир ўтказди.

Шоир шеърда даврнинг буюк қурилишлари нафасини ҳам маҳорат билан сингдириб юборган.

*Унутажак Аму эски ўйинин,  
Зилолий сувларнинг оқиши гўзал,  
Ўзбўйдан оқади юлдузлар секин,  
Ҳосилдор заминлар кенг боғлар тузар.*

*Туркман ери обод Каспийга қадар,  
Қорақалпоқ дашти бўлур олтиндай.  
Ҳаммасида пахта, барида боғлар,  
Барида ўрмонлар яшил булутдай!*

Ойбек орзулари рўёбга чиққанлигини бугунги ҳаётимиз тасдиқлаб турибди. Қорақалпоқ диёри манзаралари тобора ўзгариб бормоқда. «Эски ўйин»ларини тамомила унутган қудратли Амуда бунёд этилган Тахиатош ва Ғуямўйин гидроэлектростанциялари воҳа меҳнатқашлари хонадонларини нурафшон этмоқда.

Ойбекнинг қорақалпоқ мавзуида бошқа шеърини ёки насрий асар битганлиги маълум эмас. Бироқ мазкур бир жуфт шеърнинг ўзиёқ ўзбек санъаткорининг қардош қорақалпоқ халқига бўлган ҳурматини, меҳр-муҳаббатини намойиш этади. Бу хусусият адибнинг 60-йилларида, ўз сайловчилари билан учрашувларида айтган гапларида, нутқларида ҳам сезилади. Жумладан, 1963 йилдаги учрашувда адиб шундай эътироф этади: «Бу юртга келганимда, Сиз билан ҳар гал учрашганимда, менда янги ва янги фикрлар туғилади, юрагимда янги тўлқинлар, янги илҳомлар пайдо бўлади. Халқ учун янада кўпроқ хизмат этиш, халқ бахтига ўз ҳаётимни бағишлаш орзуларим ошиб боради. Шунинг учун Сизнинг олдингизга келдим».

Дарҳақиқат, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Алишер Навоийдек ўз ҳаётини халқ бахт-саодати, юрт ободонлиги йўлига тиккан инсон ва санъаткор образини чизиб берган Ойбекнинг ҳаётини мақсади ва эстетик идеали унинг юқоридаги фикрларида жамулжамдир.



Ойбек кўп йиллар СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида Қорақалпоғистон саноати, қишлоқ хўжалиги, фани ва маданияти тараққиётига алоқадор жуда катта миқёсдаги ишларнинг амалга оширилишига бош қўшди. Унинг бевосита ёрдами туфайли Автоном республикада кўплаб маъмурий ва граждон бинолари қад кўтарди, йўллар қурилди, юрт қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган ободончилик ишлари амалга оширилди.

Санъаткор сифатида Ойбекнинг қорақалпоқ адабиёти намоёндалари билан ўзаро мулоқотлари ғоят самаралидир. У Аббос Добилов, Содиқ Нуриимбетов, Ибройим Юсупов ва бошқа қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари билан қадрдон эди. Ойбек меҳрибон устоз каби қорақалпоқ совет адабиётидаги истеъдодларни қадрлар, қўллаб-қувватлар, уларнинг камолоти ҳақида қайғурарди.

Маълумки, 1963 йилнинг 5-11 февраль кунлари Тошкентда қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги бўлиб ўтди. Ҳафталик иштирокчиси, таниқли шоир Ғалим Сейтназаров ўзининг «Унутилмас кунлар» эсдалигида шундай қайд қилади:

«Қорақалпоқ ёзувчиларининг келаётганини эшитиб қолган Ойбек оға биздан буруноқ Зулфия опа билан бирга аэропортга келиб қолипти. Бу ажойиб инсоннинг севинчи ичига сиғмайди.

— Менинг қариндошларим келяпти. Иниларим келяпти! — дер эди у қайта ва қайта...

...Келаётган меҳмонларни кутиб, ўзаро гурунглашиб турибмиз. Бир маҳал Зулфия опа менга гап қотди:

— Сизларда хотин-қизлардан шоиралар жуда оз. Аслини олиб қараганда, қорақалпоқ қизлари ажойиб шоиралардир.

Унинг ўринли гапини Ойбек оға ҳам қувватлади: — Қорақалпоқнинг ҳар битта қизи — шоир! — деди у чин ихлос билан».

Ҳафталик кунларида қорақалпоқ шоирлари, ёзувчилари ва драматурглари-нинг янги асарлари Ўзбекистон Ёзувчилар союзи уюштирган баҳс ва мунозараларда, ўзаро ижодий учрашувларда ҳолисона таҳлил этилади ва баҳоланади. Бу муҳим тадбирларда Ойбек бошқа ҳамкасблари қатори фаол иштирок этади ва бу фаолияти билан қардош халқ адабиёти ва санъати тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшади.

— «Мен ҳар вақт қорақалпоқ шоирлари ва ёзувчиларини, ўзимнинг ажойиб қаламкаш дўстларимнинг янги асарларини қизиқиб, суюниб ўқийман. Шунингдек, қорақалпоқ олимларининг докладларини қизиқиб ва суюниб тинглайман, — деб эътироф этади Ойбек. — Шуни ҳам айрича қайд этиб ўтгим келадики, сўнгги вақтларда қорақалпоқ олимларининг кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ёқлашларида Академияда, Илмий совет аъзоси сифатида иштирок этиш менга зўр қувонч бағишлайди».

Чиндан ҳам, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси сифатида Ойбек қорақалпоқ халқи орасида Нажим Довқораев, Қалли Аимбетов, Наврўз Жапоқов, Марат Нурмухамедов, Исмоил Сағитов, Сирожиддин Аҳметов, Қабул Мақсетов каби истеъдодли олимларнинг етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшган. Бу эса, ўз навбатида Автоном республикада адабиётшунослик ва адабий танқидчилик тараққиётига самарали таъсир кўрсатди.

Адабиётшуносликда қайд қилинганидек, Ойбек ижоди, хусусан адибнинг тарихий, тарихий-инқилобий мавзудаги «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари орасидан етишиб чиқаётган ёзувчиларга жиддий таъсир кўрсатди. Ойбек асарларининг ҳаётбахш самараларини замонавий қорақалпоқ прозасида яққол сезиш мумкин.

Ойбек ижодининг қардош миллий адабиётларга таъсири масаласи кенг кўламли ва муҳим масала бўлиб, уни йўл-йўлакай ҳал қилиш мумкин эмас. Лекин шуниси аниқки, Ойбекнинг тарихий ва тарихий-инқилобий мавзуларни ёритишдаги ижодий тажрибасидан Тўлепберган Қайипберганов, Асан Бегимов, Караматдин Султонов, Шовдирбой Сеитов сингари қорақалпоқ адиблари баҳраманд бўлдилар ва миллий романчиликни «Қорақалпоқ қизи», «Маманбий афсонаси», «Гумроҳлар», «Бахтсизлар», «Балиқчи қизи», «Ажиниёз», «Оқдарё», «Халқобод» каби етук асарлар билан бойитдилар. Ойбеконга услуб қорақалпоқ адибларининг меҳнаткаш халқ ҳаётидаги бурилиш нуқталарига мурожаат этишларида, миллий уйғониш ва инқилобий ҳаракатлар тасвирида, улкан тарихий сиймолар тақдирини ҳаққоний акс эттириш каби қатор фазилатларда яққол кўринади.

Санъаткор Ойбекнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти қардош қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари учун халққа ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилишнинг юксак намунасидир. Унинг ижоди эса бадий маҳорат мактабидир. Оқсоқол адиб Жўлмирза Оймирзаевнинг «Ойбекка» номли мўъжазгина шеъри шундан далолат беради:

Шоирликда сочинг нур,  
Гўзал сўзинг бўламан.  
Шерик бўлдик, ҳамтақдир,  
Кўрар кўзинг бўламан.  
Изинг босар инингдан —  
Бири ўзим бўламан.

Ойбек асарлари қорақалпоқ тилига ўгирилган ва кўп минг нусхаларда нашр қилинган. Чунончи, Қорақалпоғистон Давлат нашриёти 1966 йилда адибнинг «Қутлуғ қон» романини китобхонларга тортиқ этди. Ойбекнинг «Раиса», «Кунлар келар» каби шеърлари, «Қизлар» поэмаси қорақалпоқ тилида чоп этилган, «Ўзбекистон шоирлари» (1954), «Ўзбекистон ёзувчилари» (1959), «Ўзбек шоирлари» (1969), «Турли чаман гулларидан» (1974) ва бошқа тўплам ва альманахлардан ўрин олган. Ойбек асарларини қорақалпоқ тилига таржима этишда таниқли шоир ва олим, Бердақ номидаги ҚҚАССР Давлат мукофоти лауреати Бобош Исмоиловнинг хизматлари каттадир. Адиб таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан унинг янги-янги асарларини қорақалпоқ тилида босмадан чиқариш режалаштириб қўйилган.

Академик ёзувчи Ойбек ўз она диёрида қанчалик юксак обрў-эътибор қозонган бўлса, қардош қорақалпоқ халқи орасида эришган мавқеи ҳам ундан кам эмас. У сермазмун ижоди билан ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қадимий дўстлиги ва қон-қардошлигини янада мустақамлашга муносиб ҳисса қўшди. Ойбекнинг қардош Қорақалпоғистон билан ўзаро алоқалари ва мулоқотлари ўзбек-қорақалпоқ адабий-маданий алоқаларининг порлоқ ва сермазмун саҳифаларидан биридир.

---

## «ТОШКЕНТ, ОЙБЕККА...»

Улкан ёзувчи ва ҳассос шоир, оташин публицист ва теран мушоҳадали олим Мусо Гошмуҳаммад ўғли Ойбекка йўлланган юзлаб, ҳаттоки минглаб хатлар буюк адиб ҳаётини ва ижодий йўлининг нақадар сермазмун эканлигини намойиш этувчи мўътабар ҳужжатлардир. Бу мактубларнинг ўзига хос таржимаи ҳоли мавжуд.

Ойбек музейининг кўлёмалар фондида сақланаётган хатларнинг ўзиёқ мазмун эътиборига кўра бир неча алоҳида бўлимларга жамланган. Хусусан, Совет Иттифоқининг турли республикалари ва чет эллардаги ёзувчи дўстларидан келган мактублар; фан ва санъатнинг таниқли намояндalари йўллаган хат ва табрикномалар; ёш адибётушнос олимларнинг илмий изланишлари ҳақидаги ҳисоботлари ва илмий ҳомийлик қилишни сўраб ёзган илтимосномалари; сайловчиларнинг ўз депутатларига йўллаган турли хилдаги топшириқ ва истаклари; партия ва давлат идораларидан, қардош республикаларнинг адабий журнал ва газета редакцияларидан келган расмий номалар; шахсий ёзишма ва ҳоказолар. Булардан ташқари, Ойбек қаламига мансуб катта-кичик асарларнинг деярли барчасига муносабат билдириб ёзилган китобхонларнинг хатлари ҳам тематик жиҳатдан алоҳида бўлимларга ажратиб қўйилган. Музей архивидаги бу хатлар тахминан 30—60-йилларни ўз ичига олади, уларда адибнинг таржимаи ҳоли ва ижодига тегишли барча мавзуларда сўз юритилади.

Албатта, бу хатларнинг илмий ва тарихий жиҳатдан энг эътиборлиси ёзувчи ва шоирлардан келган ижодий мазмундаги мактублардир. Музей ўз архивида умумиттифоқ адабиётимизнинг классик вакиллари бўлмиш Александр Фадеев, Константин Симонов, Константин Федин, Николай Тихонов, Мухтор Авезов, Собит Муконов, Берди Кербобоев, Максим Рильский ва бошқа ўнлаб улкан адибларнинг Ойбекка йўллаган мактублари борлиги билан фахрланади. Бу адибларнинг мактубларидан уларнинг Ойбек қалами ва шахсига бўлган чуқур ҳурматлари, самимий муҳаббатлари сезилиб туради. Йирик ёзувчи ва жамоат арбоби Александр Фадеев шошилинч тарзда қаламда ёзган хати орқали Ойбекни Москвага — секретариат ишларига кўмаклашиб туришга таклиф этган экан. Ойбек бу таклифни қабул этади ва Москвага бориб, СССР Ёзувчилар союзи секретариатида бир неча ой ишлаб келади. Николай Тихоновнинг бири-бирига ўхшамаган шоирона мактубларидан у Ойбек ижодини катта қизиқиш билан кузатиб борганлигини кўрамиз. Мана шу хатлардан бири: «Қадрдон дўстим Ойбек. Биринчи май табригинг учун Сенга самимий ташаккур. Мен сени вақтида табриклай олмадим

ҳам. Мени қаттиқ зотилжам йиқитди, ҳатто қўлимга қалам ушлашга ҳам мажолим етмади.

Пушкин ёзганидек: «Мурда каби ётар эдим биёбонда».

Ҳозир бир оз дурустман, кўряпсанки, қалам ушлашга қувватим келяпти ва сенга мактуб ёзаяпман. Кўзларимни юсам, кўз олдимдан Тошкент кўклами, гулга бурканган тоғу боғлар, гуллаган дарахтлар, ҳатто гуллаган дашт манзаралари ўтлапти. Ва мен сенга, қадрдон дўстим, ҳамма нарсада баҳорийлик, ҳамма ишларингда муваффақият, асосийси, қалбингга қувонч тилайман.

Бутун хонадонингга, рафиқанг ва болаларингга камолот, бахт тилайман.

Покистон ҳақидаги китобим чиқиши биланоқ сенга юбораман. Сенинг ҳам эҳтиросли битикларингни ўқишни истар эдим. Менга ҳикоя қилиб берганларинг жуда қизиқарли эди.

Мўъжизакор баҳор ҳамроҳинг бўлсин.

Сени кучаман деб, хасталиқдан соғаяётган Николай Тихонов».

Мана, 1941-1945 йилларда ёзилган бир даста хатлар. Уруш даврининг нафаси сезилиб турган, бу хатлар фронтлардан, бошқа шаҳарлардан ва Тошкентга эвакуация қилинган ижодкорлардан олинган. Якуб Колас, Владимир Луговской, Александр Дейч, чех ёзувчиси Ондра Лисогорский ва бошқа ўнлаб ёзувчиларнинг мактублари Улуғ Ватан уруши давридаги Тошкент адабий муҳитининг нақадар хилма-хил бўлганлигини билдирувчи тарихий ҳужжатлардир. Мана, ўша йиллари Тошкентда яшаган, кўпгина тарихий романларнинг муаллифи Василий Яннинг мактуби: «Ҳурматли ўртоқ Ойбек! «Правда» (Москва) газетаси редакцияси сиз ҳақингизда жўнатган мақоламга ва хусусан Сизнинг «Навой» поэманинг ҳақида телефон орқали баъзи қўшимча маълумотлар беришимни сўраб менга мурожаат этди.

«Навой»ингиздан нусха олиб олдимга келишингизни Сиздан ўтиниб сўрайман.

Мен ўзим олдингизга борар эдим, бироқ оғир касалликдан сўнг кўчага чиқа олмапман.

Телефонограмма бериш учун менга икки кун муҳлат берилган.

Сиз истаган вақтингизда мени уйдан топа оласиз. Биз мақолага нималарни қўшиш зарурлигини бирга келишиб оламиз.

Бу жуда муҳим, кечиктирманг. Сиз учун қизиқарли янгиликлар бор.

Самимий салом билан В. Ян».

Уруш даврида Тошкентда яшаб, ижод қилган адиблар кейинчалик ҳам Ойбекка мактуб йўллаб турганлар. Улар ўз хатларида ижодий ишлари ҳақида ёзадилар, эвакуация йилларида кўрсатилган ғамхўрлик учун ўзбек ёзувчиларига миннатдорчилик изҳор этадилар. Чех ёзувчиси Ондра Лисогорскийнинг қуйидаги мактуби бунга яққол мисол бўлади. «Азизим Ойбек! Яқинда бадиий адабиёт нашриётида менинг «Қуёш ва ер қўшиқлари» номли янги шеърлар тўпламим чоп этилди ва мен шундан уч нусхасини ўзбек халқига дўстона нуносабатим рамзи сифатида ўзбек ваколатхонаси орқали Сизга, Шайхзода ва Миртемирга юбордим. Мен шу китобларни олиб бориб берган мухтор вакил ўртоқ Султонов биринчи имконият туғилиши билан уларни юборишга ваъда берди.

Қадрдон Ойбек, мен ўтган йил кузда мухтор вакил ўринбосари ўртоқ Левшиндан Ўзбекистон республикасининг тўйига Ўзбекистон ҳақидаги рус ва чет тилларга таржима қилинган туркум шеърларимни матбуот ва радио учун Тошкентга бериб юборган эдим. Мен ҳанузгача бу материаллар тақдирдан беҳабарман, яъни уларга қўшиб жўнатилган хатга жавоб олганим йўқ. Радиокомитетдан мен учун гонорар юборишипти, аммо айнан нима учун эканлигини билмайман. Сиздан жуда илтимос қилар эдимки, марҳаматингизни аямай, жавобини билиб берсангиз: бирон нарсамдан матбуот учун фойдаланилдимми ва айнан қаерда, шунингдек, радиодан нима эшиттирилди? Агар бирон нарса босилган бўлса, у чоғда нусха юборишингизни ўтиниб сўрайман. Мен Сизга юборган «Қуёш ва ер қўшиқлари» тўпламимга Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳақидаги қатор шеърларим киритилган. Бироқ булар Ўзбекистон ҳақида ёзганларимнинг ҳаммаси эмас. Тўғри, кўпчилиги немис, инглиз ва француз тилларига таржима қилинди ва хорижий матбуотга жўнатилди, шу билан бирга бизнинг журналларда ҳам чоп этилди.

Жавобингизни кутаман, қадрдон Ойбек. Менинг рафиқам Сизга алангали салом йўллапти. Қўлингизни қаттиқ сиқиб қоламан. Ондра Лисогорский. 27 ноябрь 1945 й.».

Тарихдан маълумки, уруш даврида кўпгина ўзбек ёзувчилари қардош адиблар

билан ҳамкорликда бир қанча асарлар яратдилар. Жумладан, Ойбек билан машҳур «Броненосец «Потёмкин» операсининг муаллифи, ленинградлик композитор Олес Чишко ҳамкорлиги натижасида «Маҳмуд Торобий» операси вужудга келди. Шу йиллари Ойбекнинг москвалик адиб ва олим Александр Дейч билан биргаликда «Навоий ва унинг даври» номли илмий тадқиқот ҳамда «Халқ қалқони» деб аталувчи драма устида ишлаганлиги кўпчиликка маълум эмас. Баъзи бир сабабларга кўра бу драма тугалланмай қолган, лекин А. Дейч Москвага қайтиб кетгандан кейин ҳам бу асарнинг тақдири ҳақида қизиқиб кўплаб мактублар ёзиб турган. Мана шу мактублардан бири: «Қардоним Ойбек. Сизнинг қисқа, лекин ёқимли мактубингизни олиб жуда хурсанд бўлдим. Унинг бу қисқа сатрлари орасида мен Тошкентнинг мовий самоси, юксак тераклари, мен доим боришни севган, у ерда уйғунлик ва шодлик топган Сизнинг ажойиб уйингизни кўролдим.

Ҳа, Ойбек, мен Сизни жуда севиб қолдим, боиси — Сизнинг ёрқин истеъдодингиз ва беғубор юрагингиз. Булар бизнинг ёзувчилик оламинизда ноёб фазилятлар, уларни авайлаш керак. Уйлайманки, бизнинг ижодий ҳамкорлигимиз ҳали кўп мевалар беради.

Бу ерда, Москвада ва Союзда раҳбарлар Сизни жуда юқори баҳолайдилар — мен буни кўриб, жуда қувонаман.

Раскин «Қутлуғ қон»нинг бир нусхасини олиб келган эди. Скосирев бизга кўрсатмаёқ китобга эга қизиқ олди. Китобнинг бир неча нусхасини матбуот учун юбориш зарур. Бу ҳақда мен Арбатга ҳам ёзаяпман. Л. Г. Бать «Қутлуғ қон» ҳақида «Огонёк» журналига мақола ёзди. Шу яқин сонларидан бирида босилади. Яна қолган нусхалар келганда бошқа журналларга ҳам ёзишади.

Арбатнинг менга ёзишича, «Навоий ва унинг даври» нашриётнинг планида турибди. Менимча, бизнинг китобимиз романингиз рус тилида чиққунича босилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Китобхонни Навоий ҳақидаги соф беллитристикага тайёрлаш учун бу лозим, деб ҳисоблайман. Бу ҳақда Муродов билан гаплашиб, нашриётни шоширсангиз...

Сизнинг ҳарбий романингиз юришаётганидан хурсандман. Бу ерда редакцияда унга қизиқиб қарашаяпти. Балки бирор қисмларини газета ва журналлар учун (ҳеч бўлмаса ўша «Огонёк»да) тайёрлаш мумкиндир. Иложи бўлса шуни менга жўнатсангиз.

Мен Сизнинг июлда бу ерга келишингизга умидвор бўлиб, шу ерда пьесани тугатармиз деб ўйлаган эдим. Лекин келишингиз қолдирилибди, демак, бошқа йўл кидириш керак. Мен пьесамиздан бошқа катта иш билан шуғулланаётганим йўқ. Августнинг охирларида пьесанинг икки картинасини Сизга жўнатаман. Москвада Тошкентдагидан кўра сустроқ ишляпман. Чунки бу ерда мажлислар, кенгашлар, конференция каби ташкилий ишлар кўп.

Белгиланган муддатда, яъни октябрнинг бошларида бутун пьесани тугатишимиз ва ўзбекча текстнинг ҳаммасига эга бўлишимиз керак. Тошкент ёки Москвада, Сизга қаер қулай бўлса, шу ерда, сўнги сайқал бериш учун учрашармиз.

Мен бу ерда бизнинг китобимизни Англия ёки АҚШда нашр этиш ҳақида тегишли одамлар билан сўзлашдим, союздагилар менга, бу нафақат мумкин, ҳатто мақсадга мувофиқ деб айтишди. Фақат китоб олдин рус тилида босилиши зарур экан. Ҳозир уни Москвада чиқариш анча мушкул бўлса керак. Шунинг учун ҳам уни Ўзбекистон давлат нашриёти планида қолдиришди. У Тошкентда — мавзуга яқин жойда босилгани маъқул.

Сизга айтмоқчи бўлган гапларим шу. Менга барча ишлар тўғрисида муфассал ёзиб юборинг. Мени Тошкентдаги барча воқеалар қизиқтиради, чунки юрагимнинг ярми ўша ерда...

Сизнинг Александр Дейч».

Тарихий прозанинг таниқли вакиллари бўлмиш С. Бородин, В. Ян, Л. Бать ва бошқа ёзувчиларнинг хатларидан улар «Навоий» романининг муаллифи Ойбекнинг фикрларини нақадар қадрлаганликларини биламиз. Ойбек бу ёзувчиларнинг кўпчилиги билан сўнги йилларгача хат ёзишиб турган. Умуман, Николай Тихонов, Сергей Бородин, Александр Дейч, Лидия Бать, Максим Рильскийларнинг саноксиз хатларида кўп миллатли адабиётимизда 40—60-йиллар ичида бўлиб ўтган деярли барча воқеалар акс этади.

Мана, 40-йилларда Москвада «Советский писатель» нашриётининг бош редактори лавозимида хизмат қилган Сергей Бородиннинг мактуби: «Қардон Ойбек! Сиз, ҳойнаҳой, яқин кунларда Москвага келсангиз керак. Мен ҳам тез кунда бориб қоламан. Сизни Арманистонга келмаганингизга жуда афсусландим, зеро биз Тошкентда, Сиз бу ерга келасиз деб, келишган эдик. Мазкур хатни

ёзаётганим боиси, Сизга «Кутлуғ қон»ни эслатиб қўймоқчиман: унинг таржимаси тугалландими, йўқми, мен бу ҳақда маълумотга эга эмасман. Бу роман нашриёт планида шу йилга мўлжалланганини назарда тутинг, йил эса охирлаб бораяпти. Бундан ташқари, мен Ўзбекистондан бир неча қўлёзмалар кутаяпман, аммо ҳанузгача Қаҳҳор новеллари, Миртемирнинг шеърларини, Сомовадан Уйғун тўпланини, Луговскойдан эса «Ўзбекистон шоирлари»ни олганим йўқ. Ўзбекларни рус тилида нашр этиш учун нима қилишим керак, билмайман. Бу китобларни тезроқ кўришни жуда истайман, шу мақсадда ўзим сизлар томонга бораяпман, бироқ аввалгидек ҳеч қандай натижа йўқ. Менга ёрдам беринг.

Яна бир марта Сизнинг Ереванда бўлмаганингиздан жуда афсусланаёпман, бу ер ғоят қизиқарли.

Илтимос, оилангизга, Миртемирга, Шайхзодага, Зулфияга, менинг кадрдон дўстларимнинг барчасига саломимни етказиб қўйсангиз.

Сизнинг Сергей Бородин».

Ойбек 1946—1949 йилларда, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг раиси бўлиб ишлаган пайтида, жуда кўп мактублар олган. Идораларнинг даста-даста расмий номалари билан бир қаторда, дўстларидан келган ҳаётий фактларга бой, илиқ мактублар ҳам анчагина. Масалан, Лидия Батнинг мактубидан биз Москвада СССР Ёзувчилар Союзига Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзининг раиси Ойбекнинг ҳисобот докладига катта қизиқиш билан қараганликларини билишимиз мумкин. «Кадрдон Ойбек! Владимир Александрович Луговскойдан Сизнинг сиҳат-саломат эканингизни билдим. Иситмангиз баланд аҳволда кетганингиздан ташвишланиётган эдик. Умид қиламанки, навбатдаги учрашувимиз узоққа чўзилмас, ахир Сиз 5 июлда бўладиган Союз правлениесининг пленумига Москвага келасиз-ку. Қабул 20 майда. Биз Сизнинг ЎзССР Ёзувчилар Союзининг ишлари ҳақидаги докладингизни кутаяпмиз.

Бизларга озроққина илиқлик ола келинг. Москвага баҳор аста-секин кириб келмоқда, хасис кўёш гоҳ ёмғир ва гоҳ шамоллар билан алмашиб турибди. Мен ҳамиша шундай пайтларда Навоийнинг бир кунда йилнинг тўрт фасли бўлиши ҳақидаги машҳур иборасини эслайман.

Сиздан ўтиниб сўрайман, агар оғирлик қилмаса, рус ва ўзбек тилларида шу йили чиққан барча журнал номерларини ола келсангиз. Агар ўртоқ Шарипов Союзга юбориб улгурган бўлса ҳам, бари бир. Ахир биргина нухса асосида муҳокама ташкил этиш жуда қийин, ваҳоланки, атрофлича муҳокама қилиш учун комиссиянинг барча аъзолари ўқиган бўлиши керак. Агар мумкин бўлса, рус тилида чиққан китобларни ҳам ола келсангиз. Айтишларича, «Санжар ботир» чиққан эмиш. Биз унга тақриз бермоқчимиз.

Тезроқ Сизни кўришни жуда истардим. Ҳаммага салом. Лидия Бать.  
P. S. Ишонаманки, менинг қўлёзмаларим йўқолмагандир».

Ёш қаламкашларнинг Ойбекка йўллаган мактублари ҳам хатлар фондининг алоҳида қисмини ташкил этади. Ойбекдан ижодий маслаҳат ва ёрдам сўраб турли йилларда, турли ерлардан ёзган ёш қаламкашларнинг тақдирлари ҳам турличадир. Уларнинг баъзилари эндиликда эл ҳурматига сазовор бўлган халқ ёзувчилари бўлиб етишдилар. Бу бўлимдаги хатлар ичида айниқса Иброҳим Раҳим, Шукрулло, Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Ҳамдам, Раъно Узоқова Жамол Камол, Турсунбой Адашбоев, Абдулҳай Носиров ва бошқаларнинг мактублари диққатга сазовордир. Мана, эндиликда катта катта романлари билан эл оғзига тушган адабимиз Иброҳим Раҳимнинг 1943 йилда фронтдан йўллаган мактуби: «Ойбек ака! Салом. Сиз, ЦДКА меҳмонхонасида менга қараб «Иккита «Война и мир» ёзасан!» деган ва шу гап билан мени қарздор қилиб қўйган эдингиз. Иккинчидан, редакцияда (Москва) ўтириб «Агар сен асар ёзсанг, адабий консультанти ўзим бўламан» деган ва мени севинтирган эдингиз. Ана шу ҳужжатларни ўзимга далда қилиб туриб ва ана шуларга таяниб бир повесть ёздим: «Норматнинг жангномаси». Тақдирини фақат сизга ишонаман! Сиз фронтни кўрдингиз ва сиз ҳозир ўзбек прозасининг ҳам мактаби ҳисобланасиз. «Норматнинг жангномаси»нинг суяги меники, гўшти сизники! Бир иш қилиб шуни бунёдга чиқишига ёрдам беринг. Мен ҳозир матбуот ишини ташлаб, командирлик ишига, қайноқ ҳаётга яқин жойга тайинландим. 35-нчи алоҳида батальоннинг командирлигига йўлланма олдим.

Ойбек ака! Қандай бўлса ҳам сиз менинг ижодий қадамимни чўзилишига, илдамланишига ёрдам қилинг. Сизга ҳурмат билан Иброҳим Раҳим. 14.VI-43.»

Ойбек фан ва маданиятимизнинг жуда кўп таниқли вакиллари билан ҳам мактублар олиб турган. СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева, СССР халқ рассоми Урол Тансиқбоев, машҳур мусаввир Чингиз Ахмаров, академик олимларимизнинг деярли барчаси, Садриддин Айний, Е. Бертельс, А. Семёнов, машҳур пахтакор

Чўли Бегимқулов... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Евгений Эдуардович Бертельснинг мактуби билан бу бўлим ҳақида ҳаётий тасаввур ҳосил қилиш мумкин: «Мухтарам ва азиз Мусо Тошмухамедович!

Бу хатни топширувчи ўр. Аброров — МГУ аспиранти. У менинг раҳбарлигимда Сизнинг ижодингизга бағишланган кандидатлик диссертацияси устида ишламоқда. Агар Навоий ўғитлари устида ишлар эканмиз, биз барча илмий маълумотни унинг мисралари орасига яширинган мазмундан изласак, не бахтки, Ойбек ижодини ўрганар эканмиз, бизга қоронғу бўлган баъзи тафсилотларни унинг ўзидан сўраб олиш имкониятига эгамиз. Ишонаманки, ўр. Аброров Сизни ортиқча безовта қилмайди, аммо у Сиздан илтимос қилган баъзи бир масалаларда йўл-йўриқ кўрсатишни лозим топсангиз, жуда кўнгулдаги иш бўлар эди.

Сизни безовта этганим учун кечирасиз, Сиз билан бирга ишлаган ёрқин кунларимизни хотирлаб шундай қилишга журъат этдим. Сизга чексиз бахт, энг асосийси, соғлиқ тилаб қоламан.

Сизни чин дилдан севувчи ва чуқур ҳурмат этувчи

Е. Бертельс».

Академик Ойбек ўнлаб ёш адабиётшунос олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилган, уларнинг асарларини босилиб чиқишига ёрдам берган. Ҳошимжон Раззоқов, Рўзи Қодиров, Тўхтасин Жалолов, Саид Алиев, Маҳмудали Юнусов ва бошқа кўплаб олимларнинг Ойбекка ёзган хатлари музей фондининг алоҳида бўлимида сақланади.

1946 йилда «Навоий» романи учун Ойбекка биринчи даражали СССР Давлат мукофоти берилганлигини ўзбек халқи ўзининг катта ютуғи деб қабул қилди. Бу воқеага бағишлаб ўнлаб коллективларда тантанали кечалар уюштирилди. Шу кечаларда иштирок этишини илтимос этиб Ойбекка йўлланган таклифномалардан сезилиб турган қувонч ва фахр кишини тўлқинлантириб юборади. Шу йилдан бошлаб Иттифоқимиздаги деярли барча газета ва журнал редакциялари Ойбекдан у ёки бу мавзуда бирор асар юборишини сўраб хат йўллаганлар. Музей архивида «Правда», «Литературная газета», ҳаттоки Совинфорбюро редакцияларидан ўтқир публицистик мақолалар сўраб ёзилган мактублар анчагина.

Бир неча мартаба СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларига депутат этиб сайланган Ойбекка узоқ йиллар давомида йўлланган нақазлар, таклиф ва истаклар ҳам бир неча юз нафардан ортади ва бу эътиборли, жонкуяр жамоат арбобининг ҳаётига оид кўпгина тарихий фактларни ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Алоҳида бир бўлимда эса Ойбекнинг сафарлари чоғида унга оила аъзоларидан, қариндошларидан йўлланган мактублар сақланади.

Музей архивининг каттагина қисмини ташкил этувчи китобхонларнинг Ойбек асарларига муносабат билдириб ёзилган мактублари севикли адибимиз асарларининг таъсир кучини белгилувчи ўзига хос барометрдир. Бу хатлардан давр нафаси, китобхонларнинг Ойбекка бўлган чуқур ҳурмати, умиди сезилади, унинг ҳар бир янги асари ўқувчилар қалбини нақадар ларзага солганлиги кўринади. Бир ишчи китобхоннинг таъбирича «миллий прозамизнинг локомотив паровози» бўлган Ойбекнинг на фақат катта-катта асарларига, балки кичик шеърлари ва илмий танқидий мақолаларига, ҳаттоки, унинг таҳрири остида босилган луғатларга ҳам муносабат билдириб ёзилган мактублар мавжуд.

Адибнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи ва Гулнор ўртасидаги пок севгидан таъсирланиб ёзилган бир неча авлод йигит ва қизларининг мактублари бу асарнинг нақадар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини исботловчи далиллардан биридир.

Ойбекка Совет Иттифоқининг деярли барча ўлкаларидан мактублар келиб турган. Мактублар Езувчилар Союзига, Ўзбекистон Фанлар Академиясига, нашриётларга, редакцияларга йўлланган, ҳатто «Тошкент. Ойбекка» деб адрес ёзилган хатлар ҳам ўз эгасига етиб келган. Баъзи бир хатлар Ойбек асарларининг қаҳрамонлари номига ҳам йўлланган. Масалан, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романининг бош қаҳрамони Уктам Носиров номига Шарқий Туркистондан (ХХР) Худойберди Элохунов ёзган мактуб «Литературная газета»да ҳам босилиб чиққан. Ҳатто атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор СССР Езувчиларининг II Бутуниттифоқ съезди минбаридан туриб шу мактубни фахр билан ўқиб эшиттирган ва шундай деган эди: «Бу воқеа — совет адабиётимизнинг ҳаётийлигини, унинг оламшумул тарихий аҳамиятини кўрсатиб берувчи энг яхши далилдир. Бу мактуб бизнинг адабиётимиз бутун жаҳондаги миллионлаб оддий кишиларнинг қалбидан жой топаётганлигини кўрсатади».

Кези келганда шуни айтиш керакки, бундай мактублар яққа ҳодиса эмас. Асар

қахрамонларининг тақдирлари ҳақида маълумот истаб, уларнинг адресларини сўраб Украинада хизмат қилаётган бир группа солдатлар номидан Қаршиев Ҳазрат, Самарқанд областининг Комсомол районидаги «Правда» колхозидан Норматов Дўстмат ва бошқалар мактуб йўллаганлар. Мана, РСФСРнинг Тюмень областидан келган мактуб:

**Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги  
министрлигига.  
Тошкент шаҳри.**

Ойбек 1942 йилнинг охирида Ўзбекистон бадий бригадаси составида фронтга боради. У фронтда ўзининг «Қуёш қораймас» номли романига материал тўплайди ва бир туркум шеърлар яратади. Булар орасида 1942 йилда ёзилган «Жуманиёз Худойбергановга» номли қуйидаги кичик шеър ҳам бор:

«Довюррак йигитсан, ҳамлада арслон,  
Кўксингда қайнайди юртга муҳаббат.  
Хато кетмас сенинг ўқинг ҳеч қачон,  
Ҳар куни фашистнинг қонин тўк, қулат!

Халқинг, Хоразминг кутади зафар,  
Мижжа қоқмай ишлаб, ясайди қурол.  
Сенга илҳом берсин ботир боболар,  
Йигит, қахрамон бўл, ёвни янч, ўч ол!»

Бу шеър ёзилгандан кейин бир йил ўтиб, 1943 йилнинг охирларида лейтенант Жуманиёз Худойберганов Днепр учун бўлган жангларда ўз взводи билан қахрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлади ва СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 10 январь Фармонида кўра унга Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилади. Музей архивида қахрамон ўқиган (ҳозир Жуманиёз Худойберганов номли) 44-мактаб директори С. Тиллаев хати ҳам сақланмоқда. Хат муаллифи Ойбекдан Жуманиёз Худойбергановнинг қахрамон бўлишини қандай билдингиз, деб сўрайди. «Бизнинг мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари коллективи, қишлоғимиз кишилари, райондан ва бошқа жойлардан мактаб қошидаги Жуманиёз Худойберганов музейини кўриш учун келган кишилар Сизнинг бу олдиндан кўра билишингизни сезиб, жуда ҳайратда қолмоқдалар».

Фронтда Ойбек билан учрашган солдат ва офицерлардан келган хатлар ҳам анча қизиқарли фактларга бой. Мана, фронт газетасининг ходими Рустам Абдурахмоновнинг хати:

«Ойбек ака! Салом. Сиз тўғрингизда кўпдан буён изтиробда эдим. Биздан чиқиб кетганидан кейин Сиздан ҳеч бир хат-хабар бўлмади. Мен «Б» пунктига борганимда, бир ўртоқ Сизнинг «Х» пунктига кетаётганингизни кўрганини айтди. Унда вазият бир оз ўзгарган, Сиз тўғрингиздаги ташвиш яна зўрайди. «Нима бўлди экан?» Нега у кишидан хат-хабар йўқ? Тошкентга бориб етдимми-йўқми?» деган гаплар ҳар куни болалар ўртасида такрорланиб турар эди.

Бугун «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1 май сонини олдим. Унда «Қуёш қораймас» деган романдан бир парча босилганини кўриб, демак, Сизнинг Тошкентда эканлигингизни билиб, кўнгил ўрнига тушди, жуда хурсанд бўлдик. Ўртоқ Ҳамид Олимжон фронтга совға олиб келганда, биз турган жойдан ўтиб кетибди, кўрмай қолганимизга жуда афсусландим.

Ойбек ака! Энди Сиздан илтимос шуки, ёзиладиган романдан бизнинг газетамизга махсус бир парча юборсангиз, жангчилар ўқишиб жуда хурсанд бўлишарди. Юборишингизни сўрайман ва кутаман.

Мендан Ҳамид Олимжонга, Уйғунга ва бошқа ўртоқларга салом. Хат ёзиб туринг.

**Ҳурмат билан Рустам. 19.V—1943 й.  
Адрес: п. п. 48828—А».**

Ойбекнинг «фронт бўйлаб» номли хотиралари босилиб чиққандан сўнг фронтларда бедарак йўқолган қариндошларини излаб юрган жуда кўп кишилардан, хотираларда номи тилга олинган жангчилардан ҳам хатлар кела бошлади. «Мен Сизнинг фронтдаги хотираларингизни ўз ичига олган ҳужжатли китобчангиз «Фронт бўйлаб»нинг 32- ва 40-бетларида кўрсатилган Турдиев Абдуллажонман», деб ёзади эндиликда милиция подполковниги бўлган андижонлик собиқ жангчи А. Турдиев. У ўз мактубида номини ёдда сақлаб қолиб фронт хотираларига

киритганлиги учун Ойбекка миннатдорчилик билдиради ва ўзининг ҳаёти ҳақида сўзлаб ўтади. У Ойбек билан учрашган кунларини хотирлаб, жумладан, шундай дейди: «Сизлар билан 1943 йилнинг 2 январь кунинда Фарбий фронтнинг 49-армия составида Гороховка деган қишлоқда кўришдик. Митинг президиумида мен Сизнинг ёнингизда ўтирдим. Мен сўзга чиқдим. Сўнг Сиз ҳам менга атаб ёзган шеърингизни ўқиб бердингиз (афсуски, бу дафтар жангда йўқолган). Эртаси куни дивизия штабида бирга бўлдик ва у ерда армия раҳбарлари ва Сизлар билан суратга тушдик (лекин мен бу суратдан олмаганман)... Сизнинг 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан бўлган юбилей тантаналарини ўқиб ва телевизорда кўриб, хат ёзмоқчи бўлган эдим. Лекин Сизнинг ёдингиздан чиқиб қолган бўлсам керак, деб истиҳола қилган эдим. Энди эса китобингизни ўқиб, Сиз донишманд одамдан беҳисоб хурсанд бўлдим. Уша фронтдаги ўртоқларимнинг биронтасини ҳам қаерда эканликларини билмас эдим... Миллионларча раҳмат Сизга!!!»

Бу мактубда эслатиб ўтилган Ойбекнинг 60 йиллик юбилеи ҳақидаги сўзлар муносабати билан шуни айтиш керакки, юбилей арафасида ва ундан сўнг Ойбекка бағишлаб ёзилган шеърлар юз нафарга яқинлашиб қолади. Музей фондидаги бу шеърый мактубларнинг авторлари кекса ҳаваскор шоирлар ва бошловчи қаламкашлардир.

Музей фонди мактублар бўлимининг яна бири илтимосномаларга ажратилган. Ёзувчидан албатта, янги асар ёзиб беришини илтимос қилишади. Ундан Темурийлар даври ҳақида, Бобир ҳақида янги асарлар қутаётганликларини айтишади. Кўпгина хатларда ўз фарзандларига Ойбек деб исм қўйишга розилик беришни сўрайдилар. Жуда кўп хатларда китоб сўрасалар, баъзи мактубларда моддий ёрдам беришни илтимос қиладилар. Бу бўлимда сақланаётган кўплаб ташаккурномалар Ойбекнинг халқ орасида тилга тушган соддалиги ва очиққўллигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мактуб — инсон қалбининг кўзгуси, дейди халқимиз. Бу мактублар орқали одамлар Ойбекнинг қувончларига шерик, руҳий тушқунлик чоғларида эса унга мадор бўлишган. Уни янги асарлар ёзишга ундаганлар. «Қуёш қораймас» ҳамда «Улуғ йўл» романларининг ёзиб тугалланишида китобхонлар илтимос қилиб ёзган хатларнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор.

**Уткир ЕРМУҲАМЕДОВ,**  
Ойбек уй-музейининг директори





Абдурашид Абдуғафуров

## ШЕЪРИЙ ҲИКОЯТ ВА МАСАЛЛАРДА ҲАМ...

Алишер Навоий «Ҳамса»сининг яратилиши ўша XV аср охирларидаёқ маданий-адабий ҳаётдагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фавқуллодда муҳим воқеа бўлган эди. Замонанинг энг йирик адабиёт, фан ва давлат арбоблари «Ҳамса» ва унинг муаллифи шаънига кўплаб мадҳу санолар битадилар.

Кейинги беш юз йил давомида ҳам «Ҳамса» жиддий қизиқиш уйғотди, унга махсус шарҳ-луғатлар тузилди, таркибидаги қатор достонларнинг насрий баёнлари юзага келди...

Лекин «Ҳамса»ни атрофлича ўрганиш, ҳақиқий илмий таҳлил этиш совет ҳокимияти йилларидагина бошланди: унга кирган достонларнинг илмий-танқидий матнлари тузилди, махсус йирик тадқиқотлар, сон-саносиз мақолалар юзага келди. Шубҳа йўқки, жаҳон шеърятининг энг улкан ва энг етук обидаларидан бири бўлмиш бу асар ҳақида ҳали кўплаб тадқиқотлар яратилади.

«Ҳамса» достонларида Навоий халқпарварлик, ватанпарварлик, одаимийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсон шон-шарафини улуглаш, севги ва садоқат каби юксак ғоя ва фазилатларни олға сурди. Айни замонда, гуманист шоир адолатсизлик ва зўравонликни, зулмкорлик ва текинхўрликни, эгрилик ва ҳасадни, очкўзлик ва ҳийлакорликни аёвсиз қоралади. Достонлардаги («Ҳайрат ул-аброр», «Садди Искандарий») олға сурилаётган бош ғояни чуқурроқ очиш, асосий мақсадни ўқувчиларга ёрқинроқ намоиш этиш мақсадида илова, ҳикоят ва масалларда ҳам, ҳикмат ва тамсилларда ҳам шу етакчи мотивларнинг мўъжаз бадий ифодасини кўрамыз. Бу намуналар, айни замонда улкан шоир истеъдодининг яна бир қиррасини равшан намоён этади, яъни Навоийни моҳир ҳикоянавис сифатида ҳам, кучли масалчи сифатида ҳам характерлайди.

«Ҳайрат ул-аброр» ва «Садди Искандарий» достонларидаги бу илова, ҳикоят, ҳикмат, масалларнинг ҳаммаси, беистисно, ўз мазмун ва ички структурасига, образлари ва ечимига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири кичик тугал асар даражасига кўтарилган: илова этилган боб-мақолатларидан (шартли равишда) ажратиб олинганида ҳам улар маълум ғоявий-эстетик ва ахлоқий-тарбиявий вазифани ўтайберади.

Аммо, бу таъкид ҳикоят ва масалларнинг, ҳикмат ва тамсилларнинг умуман дoston, хусусан боб-мақолатлар контексти билан мустаҳкам мантиқий алоқасини инкор этмаслиги керак. Чиндан ҳам, муаллиф дostonнинг дуч келган жойига, бу «Мустақил», «тайёр» асарларни қистириб юбораберган, дейиш хато бўлади. Худди шу дoston (боб, мақолат) учун махсус ёзилган ҳикоят, масал, ҳикмат ва тамсиллар етакчи мазмун билан бевосита алоқага киришади, уни изоҳлайди, тўлдиради, бош ғоянинг янада ёрқинроқ очилишига хизмат этади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг машҳур учинчи мақолотида илова қилинган «Шоҳ Ғозий» ҳикоятини олайлик. Маълумки, бу мақолатда адолатсиз шоҳлар, зўравон амалдорлар ҳамда уларнинг эл-юртга қарши қаратилган фаолиятлари аёвсиз қош этилади, саройдаги маиший бузуқлик нафрат билан реалистик лавҳаларда чизилади. Бутун мақолат замиридаги асосий пафос адолат ва халқпарварликни улуглаш ҳамда одил, инсофли ҳукмрон идеалининг ташиқидан иборат. Мақолатга илова этилган «Шоҳ Ғозий» ҳикоятида эса худди шундай идеал шоҳ образи тасвирланган. Муаллиф шу йўсинда ўз ғоясини конкрет «ҳаётий» далил-мисолларда намоиш этишга киришади.

Ҳикоят гарчи тарихий шахс — Ҳусайн Бойқаро номи билан боғлиқ бўлса-да, аслида халқ эртакларини эслатади: унда шоирнинг одил ҳукмрон ҳақидаги орзу-ўйлари романтик бўёқларда ифода этилган. Чиндан ҳам, ҳикоятда баён қилинган воқеани тарихий ҳақиқат деб қабул қилиш қийин. Масалан, Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагач мамлакатни адолат билан бошқарган, юрда тартиб-интизом ўрнатиб, зулм-зўравонликларга тўла барҳам берган:

Адл эшигин элга кушод айлади,  
Тахт уза ўлтирдию дод айлади.  
Тузди бузуқларни иморат билан,  
Зулмни дафъ этти адолат билан...

Ҳикоятда шоҳнинг одил ва замонада адолат ҳукмрон эканлигини «равшан» намоиш этувчи «ҳаётий» ситуация яратилади: шаҳарни

сайр қилиб юрган Бойқаронинг этагини бир кампир тутиб, даъво билан маҳкамага — қози олдига олиб келади ҳамда тахт талашиб ўруш қилиб юрган йилларида яккаю ягона ўғлини ноҳақ ўлдирганликда айблайди. Бундан гуманист шоир тасвиридаги шариотнинг ҳам идеал эканлиги равшанлашади. Қандайдир бир кампирнинг тап тортмай шоҳни кўчада тутиб, маҳкамага судраб олиб бориши ҳамда уни одам ўлдиришда айбалаб жазоланишини талаб этиши шундан дарак беради.

Маълумки, Алишер Навоий шу «Хайрат ул-аброр» достонининг ўзида, шунингдек, «Маҳбуб ул-қулуб» асаридеги пора эвазига «оқни қора», «ҳақни ноҳақ» қилиб ҳукм чиқарувчи инсофсиз қозиларни қаттиқ танқид қилади. Аслида худди шундай амалдорлар ўша жамият учун типик эди. Ҳикоятда эса Навоий қози образини идеал тарзида чизади: у ҳукмдорга ҳам, бева кампирга ҳам бир хил муносабатда бўлади, уларга даъвогар ва жавобгар шахслар сифатидагина ёндашади, қонун доирасида адолат билан ҳукм чиқаришга киришади. Икки киши гувоҳлигида айби бўйнига қўйилган шоҳ гуноҳкор деб топилади, бевага эса уни ўлдириш ёки ўғли эвазига хун ҳақи ундириб олиш ҳуқуқи берилади. Ҳукмга бўйсунган шоҳ одиллигидан лол қолган кампир унинг жонини омон қолдиради, ўғли эвазига олтин олиш билан чекланади, халқ орасида эса «Золи зар» («Тилла кампир») лақаби билан шуҳрат тутади.

Навоий бу ҳикоятда реал воқелик ва ундаги тартиб-қоидаларни эмас, балки ўзи орзу қилган идеал шариот, одил шоҳ ва инсофли амалдорларни тасвирлайди. Шоирнинг асл мақсади Бойқаронинг одиллигини тасдиқлаш эмас, балки адолат тўла ҳукмрон бўлган замона ғоясининг ташвиқидан иборат.

«Хамса»да тарихий шахслар «иштироки»да яна бошқа ҳикоятлар ҳам учрайди. Масалан, «Хайрат ул-аброр»да Амир Темур, «Садди Искандарий»да эса Чингизхон ва Хоразмшоҳ номлари билан боғлиқ ҳамда мазмун ва ғоя жиҳатидан бири-бирига яқин ҳикоятлар бор. Икки ҳукмдор ўртасидаги урушнинг офат келтириши, «мулкни зеру забар» қилиши ва икки дўст ўртасидаги вафо-садоқатнинг юртга омонлик ва тинчлик бахш этиши ҳақидаги бу ҳикоятларнинг ҳам аслида реал шахс ва тарихий воқеаларга алоқаси йўқ. Кўпчилик эртақларга хос «ижобий яқун» билан ҳулосаланувчи бу ҳикоятларда романтик руҳ ҳукмрон: одамийлик ва фидойилик, вафо ва садоқат, дўстлик ва меҳр ёвузликдан устун чиқади, элга ҳаёт бағишлайди.

Навоий бу юксак ғояни шакллантиришда олий санъат ва етук бадий маҳорат намоиш этади. Айниқса, умумий қирғин вақтида ўлкани қуршаб олган ваҳима ва таҳликали ҳолат, босқинчиларнинг шафқатсизлиги ва ваҳшийликлари реалистик бўёқларда таъсирчан, кучли ички ҳаяжон, зўравонлик ва ёвузликка нисбатан қатъий нафрат руҳи уфуриб турибди:

...Қасратидин даштни тутғон қатил,  
Қон ила шингарфдин оқизди Нил.

Бош тушуб ул рўдда сой тошича,  
Бош кесибон ҳар киши ўз бошича,

Ҳар сари қон тўкмак ила тиғи тез,  
Жумлаи оламда солиб рустаҳез...

...Ато ўғлига йиғлабон: ҳой-ҳой!  
Қизига ано тортибон: вой-вой!

Ҳаёт уйига марг солиб ҳалол,  
Амон рахнасин маҳкам айлаб ажал.

Золим ва босқинчи ҳукмдорлар томонидан уюштирилаётган қирғин келтирувчи урушларга, умуман, ёвузлик ва шафқатсизликларга нафрат уйғотувчи бу ҳикоятлар моҳият эътиборига кўра дўстлик ва вафо-шаънига, ҳаёт ва тотувлик шаънига ўзига хос мадҳий сифатида жаранглайди. Айни замонда, оддий халқ вакилларининг руҳан бойлиги, пок қалби ва маънавий юксаклиги ғояси бу ҳикоятлар замирида ётади.

«Хайрат ул-аброр»нинг ўн тўққизинчи мақолотида илова этилган ҳикоятда ҳам ҳукмдор образи масаласи кўтарилган. Ҳикоят аввалида Баҳромнинг шоҳлик бурч-вазифаларини унутиб, айш-ишратга берилиши, ундан «ибрат» олган амалдорларининг эса мулкни вайрон этиши ҳақида сўз боради:

Бодаи ғафлат ани маст айлади,  
Маст неким, бодапарас айлади.  
Шаҳ чу бўлур бода ичиб масти хоб,  
Мастлар — ўк мулкин этарлар хароб,  
Бода ичиб қилғучилар шўру шар  
Айладилар мулкни зеру забар.

Шоир шоҳ Баҳромнинг халқ манфаатларига зид эгоистик фаолиятини кўридаги чиройли сўз ўйини орқали равшан қўрсата олган:

Ҳаста кўнгул овламок этмай ҳавас,  
Шева анга даштда ов эрди бас.

Ҳикоятнинг кейинги мисраларида шоҳнинг зулм йўлига кириши, маиший бузуқликка юз тутишининг мамлакат ва халқ учун ўта мудҳиш оқибатлари, айниқса, Баҳромнинг овда адашиб бир чотма (капа)га келиб қолиш саҳнаси ишонарли чиққан. Шоир тасвирича, чотма эгаси ўша зулм остида эзилган, хароб бўлганлардан бири. Зулм ўқи тилка-пора қилган «уйи» ошиқлар кўнглидек вайрон доимий талон-торож натижасида унинг энгида кийими, ейишга овқати, меҳмонга қўйгудек нарчаси йўқ. Шоир шундай ситуация яратадими, унда икки қарама-қарши кутб вакиллари — зулм ўтказувчи, мулкни вайрон этувчи («золим») билан жабрланаётган («мазлум») юзма-юз тўқнашади. Капа соҳиби (Баҳромни танимай) шоҳ ва унинг амалдорларининг зулми, зўравонлиги тўғрисида нафрат билан гапиради. Бу лавҳаларда реалистик бўёқлар устунлик қилса-да, ҳикоят яхлитлигича утопик характерга эгадир. Бу, аввало, шоҳнинг адолат сари юз ўгиришида кўринади. Ҳикоятда баён қилинишича, капа соҳиби билан суҳбатда аччиқ ҳақиқатга асосланган ҳаяжонли сўзларини эшитгач Баҳром ўз қилмишларидан афсусланади, зулм ва зўравонликка барҳам беради, адолат билан иш тутиб, «мулкни обод», «ғамгин халқни шод» қилади. Ҳикоятда эвазига замондош ҳукмронларга қарата яхшиланашга даъватни ҳам ўзида жамловчи бундай яқун гуманист шоирнинг «Хамса»да изчил олға сурган адолатли шоҳ идеали билан изоҳланади. Бежиз эмаски, худди шу ҳикоятда Навоий гуманистик қарашларининг мағзини ифодаловчи машҳур байтнинг қуйидаги варианты битилган:

Хусрави ғозики эмастур даме,  
Ким емагай мулку раият ғами!

Ҳа, бу ўринда ҳам халқпарвар шоирнинг ҳукми қатъий: у мулк-мамлакат ва раият —

халқ ғамини емайдыган, унинг манфаатлари устида доимо қайғурмайдыган шохни асло тан олмайди, ҳукмронликка номуносиб деб ҳисоблайди.

Алишер Навоийнинг улкан адабий ижодида, биринчи навбатда, «Хамса» дostonларида инсонни, инсоний шаън-шараф ва ғурурни улуғлаш, одаимийлик, саховат, шафқат, очиқ-кўнгиллик, садоқат каби юксак фазилатларни ташвиқ этиш маркази ўринлардан бирини эгаллайди. Шу муҳимки, ҳар бир ҳолатда Инсон қадри-қиммати, Инсон кўрки ва тақдир, инсоний камолот ҳалоллик, халқпарварлик, покизалик, меҳнатсеварлик, ахлоқий етуклик каби маънавий омиллар билан чамбарчас боғлиқ қўйилади — булар, шоир мантикича, бир-бирини тақозо қиладиган фазилатлар. Бу ҳолат «Ҳайрат ул-аброр» мақолотларидан бирига илова этилган кичик ҳажмли «Ҳотамтоий» ҳикоятда ҳам кўзга яққол ташланади. Ҳикоятда жамиятдаги икки табақа, икки дунёқараш вақиллари — афсонавий бойлик эгаси Ҳотам той ҳамда йўқсул чол тўқнаштирилади. Шоир катта маҳорат билан шундай бир ҳаётий лавҳа кашф этадики, унда Шарқ халқлари орасида қадим-қадимдан ҳиммат ва саховатнинг, шафқат ва очиқўллиكنинг юксак рамзи ҳисобланиб келган Ҳотам тойнинг ўзи дашту далалардан ўтин териб, шаҳар бозорида сотиш билан кун кечирувчи камбағал чол қаршисида батамом лол қолади, узидан унинг маънавий устун эканлигини, олижанобрoқ ва покизақалб эканлигини тан олишга мажбур бўлади.

Ҳотам той ва ўтинчи чол ҳиммат ва олижаноблик тушунчасининг икки қутбиде турадилар: бири қандайдир йўллар билан тўпланган катта моддий бойлиكنи шов-шув кўтариш, шон-шухрат орттириш фаразида сарф этишни қарам ва саховат деб ҳисоблайди: бири эса, катта маънавий бойлик, инсоний фазилатлар соҳиби бўлиб, текинхўрликдан нафратланади, таъмагирликдан бош тортади, инсоний ғурурни маиший роҳатдан устун кўради. Унинг қатъий ишончича, ҳақиқий олижаноблик ва ҳиммат ҳалол меҳнат билан кун кечирешда, покиза яшашдадир. Усти йиртиқ, қадди букик, «орқасига бир қучоқ тикан-ўтинни юкляб» орган камбағал чолнинг маънавий гўзаллиги, руҳан бойлиги, инсоний камолоти кўп йиллар давомида онгида тўла шакланган мана бу ҳаётий фалсафасида жуда равшан юзага чиққан:

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,  
Яхшироқ андинки, биров берса ганж!

Маълумки, Алишер Навоий бутун ижодида халқ оғзаки ижодидан, унинг илгор гою ва мотивлари, санъат ва шаклларида кенг фойдаланди. Бу таъсирланиш, айниқса, «Сабаъи сайёр», «Фарҳод ва Ширин» дostonларида равшан кўринади. «Хамса»нинг бошқа дostonларидаги илова ҳикоятларнинг аксариятида ҳам халқ оғзаки ижодининг аниқ излари кўзга ташланади. Бу яхатдан «Ҳайрат ул-аброр»даги «қониъ ва тамийъ» ҳамда «Садди Искандарий» дostonидаги «Машиққа ганж топқон киши» ҳикоятлари характерлидир. Ҳар икки ҳикоятда ҳам таъмагирлик, текинхўрлик, меҳнат қилмай бойлик орттиришга интилиш кучли фoш этилади, хомтама кишиларнинг оқибатда панд еб, ўз очкўзлик-

ларининг қурбони бўлишлари халқ эртаклари услубида баён қилинади. Ва, аксинча, худди халқ эртакларида бўлганидек, меҳнат кучи билан ҳалол яшашга интилган, сабр-тоқатли, покиза ниятли кишилар чин обрў-эътибор топадилар, бахт-саодатга эришадилар. Уйлаш мумкинки, Алишер Навоий бу каби ҳикоятларни яратишда фақат ўзбек халқ ижодиётидангина эмас, балки бошқа халқлар фольклоридан ҳам кенг фойдаланган.

Навоийнинг зикр этилган ҳар иккала ҳикоятлари қаҳрамонлари эса хат битилган тошларни учратиб қоладилар, ундаги ёзувларга кўра «ҳазина» қидришга киришадилар.

Айтиш керакки, «Хамса»даги ҳикоятларнинг айримлари «сайёр» сюжетлар асосига қурилган. «Садди Искандарий» дostonидаги «Шоҳ ва гадо» ҳикояти худди шундай: унда ўрта асрларда бутун Шарқда, кейинчалик эса Фарбда ҳам машҳур бўлган сюжет ишланган. Уз мазмунига кўра фалсафий-ижтимоий характердаги бу ҳикоятда жаҳонгир Искандарнинг таркидунё қилган гадо билан мулоқоти баён қилинади. Шоҳу гадо баробарлиги (аникрофи, тенг бўлишлиги шартлиги) ҳақидаги прогрессив тезис — ҳикоятдан шоир қузатган асосий мақсаддир.

... Искандар забт этган юртларининг бирига ҳалок бўлган ҳукмрон ўрнига лойиқ шахсни қўйиш ниятида номзод ахтаради. Жамият ва дунё ташвишларидан узлатга чекинган бир доно таърифини эшитгач, уни ўз ҳузурига келтиришни буюради. Донишманд икки бош суякларини кўтариб келади. Искандар буниг сабабини сўраганда қуйидаги фалсафий жавобни эшитади:

Деди: «ғўрлардин қилурда гузар,  
Неча бу сўнғакларга солдим назар.

Замиримға лекин ниҳон қолди бу  
Ки, шаҳнинг қаюдор, гадонинг қаю?

Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,  
Тирикликда невчун қилурлар низо??»

Бу, чиндан ҳам, асрлар давомида барча халқларнинг илгор фарзандлари дилини ўртаб келаётган, қарама-қарши синфларга бўлинган барча жамиятлар учун доимо актуал бўлиб қолган ижтимоий савол эди. Ҳикоятда донишманд Искандар мутлоқ бажара олмайдиган қатор шартларни қўйиб, шохликни қабул қилмайди, ўзининг жаҳонгирдан ҳам маънавий устунлигини намойиш этади.

«Хамса» дostonлари орасига «жойлаб юборилган» изоҳловчи ҳикоятларнинг умумий бир хусусияти шундаки, уларнинг ҳаммасида ахлоқий-таълимий мотивлар устунлик қилади, улар панд-насихат, ўғит ва ибратни ҳам тарғиб этади. Худди шу хусусиятига кўра бу ҳикоятлар масалга жуда яқин турадилар. «Хамса» дostonларига илова этилган айрим ҳикоятлар масал жанрининг етук намуналари даражасига кўтарилган. Масал учун эса фақат қуруқ насихат, юксак ахлоқ даъватигина эмас, балки қоралаш, фoш этиш ҳам хосдир. Масалан, «Садди Искандарий»даги масаллардан бирида ёлғончилик қатъий қораланади, унинг иллат эканлиги ҳаётий лавҳада ишонарли исбот этилади.

...Доимо ёлғон сўзловчининг уйига ўт тушади. Аммо унинг мадад сўраб «чеккан фифонлари»га кишилар ишонмайдилар. Оқибатда:

Чу куймиш уйи юмуб очкунча кўз,  
Демиш анга сохибдиле бўйла сўз.  
Ки: — «Ёлгон ангаким фаровон дурур,  
Чини ҳам эл олинда ёлгон дурур.  
Агар қилмади эл ҳимоят санга,  
Узунгдин керакдур шикоят санга!»

Сўнги икки мисра айниқса аҳамиятли бўлиб, унда масалнинг мағзи — ғоявий «ҳиссаси» ифодасини топган. Кўриниб турибдики, шоир жузъий ҳодисадан катта ижтимоий-фалсафий хулоса чиқаради, покиза ҳаёт тарзи, тўғрилиқ, ҳалоллик билангина халқ орасида обрў қозониш мумкин. Кимки эл назаридан четда қолар экан, бунинг бош сабабини ўз феъли-атворидан, ижтимоий фаолиятдан, амалий қилмишидан қидириши лозим.

«Ҳайрат ул-аброр»даги бир масалда ҳам худди шу мавзу ҳайвонот оламиндан олинган лавҳа орқали янада жонли очилган. Унда ҳаёқса қилинишича, Шер билан Дуррож (тустовуқ жинсидаги қуш) дўст тутинишади. Дуррож ёлгон сўзлашга одатланган эди. У доимо дўстига мурожаат қилиб: «Мени сайёб домидан қутқар!» деб бақирар, Шер югуриб етиб келса, алданганлиги маълум бўларди. Кунларнинг бирида Дуррож чиндан ҳам домга илинади ва Шерга ёрдам сўраб қичқиради. Ҳар вақт алданиб келган Шер бу сафар (одатдаги ёлгон деб ўйлаб) ёрдамга бормайди. Шу тариқа ёлгончи Дуррож ўз бошига ўзи этади.

Кўриниб турибдики, бу масалда ҳам, худди «Садди Искандарий»даги ёлгончининг уйи куйиши масалидаги каби салбийликнинг ўз айби билан жазоланишини, ёлгоннинг доимо ҳалокатга етаклашини кўрсатишга асосий урғу берилган.

Шу дostonдан ўрин олган яна бир масални ҳам кўриб ўтайлик. Бунда табиати, феъл-атвори, интилиши, ташқи кўриниши жиҳатидан бири-биридан жуда узоқ бўлган Булбул ва Зоғ тўқнашуви сюжет линиясини ташкил этади.

Маълумки, ёзма адабиётда ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам Булбул ва Зоғ зид тарафлардир. Бири ижобийлик тимсоли, баҳор, гул, хушхонлик, гўзаллик, садоқат, вафодорлик, покизалик рамзи; иккинчиси, аксинча, салбий тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, хунуқлик, бефаросатлик, дағаллик рамзи. Навоий масалида ҳам улар худди шу етакчи белгислатлари билан бири-бирига тўқнашади. Аслида гўзалликдан узоқ, назокатга бефарқ, нафосатни тушунмовчи, дид — фаросатдан бебахра Зоғ Булбулни камситишга уринади, унинг баҳор фаслидаги оху ноласи, Гулга нисбатан чин садоқати устидан кулмоқчи бўлади. Булбулнинг фақат баҳор фаслидагина фйгон чекиши, йилнинг қолган ойларида «ҳазину хомуш» бўлиши Зоғга эриш туюлади, у бундан мантиқсизлик, субутсизликни кўради. Узини оқил, билимдон тутган Зоғ Булбулга танбеҳ беради, унинг «айблари»ни очади...

Навоийнинг бу асари масал жанрининг барча талаб-шартларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган, ҳар жиҳатдан мукаммал намунадир. Ўз ғояси, тушунчаси, ҳаёт, садоқат ҳақидаги мулоҳазалари, яшаш шароити ва усули, интилиши ва мақсади жиҳатидан бири-биридан тубдан фарқланувчи икки томон унда бевосита тўқнаштирилади. Шоир қушлар дунёси вакилларини жонлантирар экан, уларга инсоний белгиларни кўчирар экан, масалага юзаки ёндошмайди. Шу қушлар характериға, улар тўғрисида кишиларда аллақачонлардан буён шаклланиб, қатъийлашиб қолган ту-

шунчаларға мос хислатларни тақайди: ҳар бири ўз фикр доирасига мувофиқ, ўз одатиға кўра ҳаракат қилади, «ўз сўзларини» сўзлайди, «ўз» мантиқиға эға. Зоғ даввосининг мантиқсизлигини очиб вазифаси масалда бевосита Булбулнинг ўзига юкланади. У ўз фаолиятини оқлаш жараёнида Зоғнинг қолоқ онгини, унинг гўзаллик ва нафосатни тушуниш ва қадрлашдан ожиз эканлигини очиб ташлайди («Қачон англағайсен менинг ҳолатим!»).

Масал характеридаги Кабутар ҳикояти эса ватанпарварлик мотивлари билан сўғорилган. «Фалак гардиши айлаган зулму зўри» оқибатида шоҳ қасрида тутқун бўлган кабутар кунларнинг бирида «зиндондан қочади». Озод булган қуш ҳар насаға боқмай ўз ошёни сари тинимсиз қанот қосади. «Вале зулми даврон» унинг «уйини хароб қилган» эди. Аммо у шу бузуқ вайронани зийнатланган шоҳ қасридан афзал кўради:

Басе давр уриб эҳтиёт айлабон,  
Бузуғ узра кўнди нашот айлабон.

Ки маънус эрур гарчи вайронадур!  
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур!  
Эрур қушқа хушроқ чу боқсанг аён,  
Мурассъё кафасдин тикан ошён.

Навоий масалларининг адабиётимиздаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Шоир жамяят, ҳаёт ҳодисаларини, улардаги зиддият ва номувофиқликни, тўқнашув ва курашларни ўзига хос шаклда мажозий ифода қилади. Масалларнинг кўпчилиги дидактик характерға эға бўлиб, ўша муҳит иллатларини ёрқин ифодалаш жиҳатидан, илғор ғояларни, юксак инсоний фазилатларни тарғиб этишиға кўра бошқа муҳим асарлари билан тенг аҳамият касб этади.

«Хамса» дostonларига кирган ҳикоятларнинг айримлари соф сатирик ва юмористик характерға эға. Жумладан, «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн учинчи мақолотиға илова этилган ҳикоятда бир ўғри ҳақида сўз боради. Навоий унинг ўғрилиқ қила туриб қўлга тушиш эпизодини соф юмористик планда тасвирлайди. Ер ўйиб-уйға кирган бу «киссабур» (шоир ибораси) дуч келган нарсаларни тўплаб тугаверади, тугаверади. Оқибатда ўзи ўйиб кирган тешиқдан тугун сиймай шарманда бўлади. Шоир ўғрининг ана шу аҳволини халқимизнинг «Сичқон сиймас инига, ғалвир боғлар думиға» юмористик мақоли билан жуда аниқ тасвирлайди:

..Ўғри ўшул хуфра ичидин чиқиб,  
Ҳарне топиб эвда — тамомин йиғиб.

Онча неким элта олур чоғлабон,  
Берк тонғиб орқасига боғлабон.

Нақбға киргач кичик эрди тўшук,  
Сиймадиким, беҳад улуг эрди юк.

Тор ини сичқонға солиб эрди ғам  
Қуйруғиға боғлади ғарбол ҳам.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳажман кичик илова асарларда ҳам Навоий катта ижодкор йирик санъаткор сифатида қалам тебрлатди, шеърый ҳикоят ва масалнинг ҳам моҳир устаси эканлигини намойиш этди. Шоир бундай тажрибани кейинчалик янада ривожлантирди. Масалан, умрининг охирларида яратилган «Лисон ут-тайр» дostonида ҳам турли-туман мавзудаги ўнлаб гўзал ҳикоят ва масалларни учратамиз.

## НАВОЙНИНГ ЯНА ИККИ ФОРСИЙ ҚАСИДАСИ

Адабиётимиз тарихида Алишер Навоийнинг моҳир қасиданавис шоир сифатида ҳам муҳим ўрни бор. Ҳозиргача унинг ўзбек тилида битган «Ҳилолия», форсийда яратган «Тўҳфат-ул-афкор» («Фикрлар совғаси») қасидаларигина маълум эди, холос. Манбаларда бошқа қасидалари ҳақида маълумотлар бўлса ҳам, яқин вақтларгача уларни тўла кўздан кечириш имконияти йўқ эди.

Аммо шоирнинг форсий шеърларидан ташкил топган «Девони Фоний»нинг янги қўлёзма девонлари таркибида «Ситтаи зарурия» («Олти зарурият») ва «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») китоблари ҳам топилди. Уларда шоирнинг ўн та форсий қасидаси мавжудлиги маълум бўлди. Мазкур асарлар Париж Миллий кутубхонасидаги қўлёзмалар орқали бизга етиб келган. Аммо Алишер Навоий қасидалари фақат унинг ўзбек тилида яратилган «Ҳилолия» ва бу икки форсий тўплам таркибидаги қасидалардангина иборат эмасга ўхшайди.

Кейинги пайтларда қўлга киритилган айрим манбаларда унинг яна бир неча форсий қасидалари борлиги аниқланмоқда. Масалан, XVI аср шоири Муҳаммад Солиҳнинг янги топилган «Рисола дар баёни мазороти Балх» деб номланган асари таркибида унинг Балх шаҳри мадҳида яратилган яна бир форсий қасидаси борлиги аниқланди. Шоирнинг ўз асарларида ҳам бир неча форсий қасидалари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Маълум бўлишича «Тўҳфат-ул-афкор» қасидаси шуҳрат таратгач, Алишер Навоий яна шу вазн ва шу қофияда Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларга жавобан бир форсий қасида ёзган. «Ҳамсатул-мутаҳаййирин»да бу янги ёзилган асарларнинг матлаъсини Абдураҳмон Жомийга юборгани ва у маъқуллагач, сўнгра ниҳоясига етказгани ҳақида гапириб, Навоий қуйидагича маълумот беради:

«Чун «Тўҳфат-ул-афкор» қасидаси шуҳрат тутти, подшоҳ ҳазратлариға етишти. Чун Амир Хисрав ва алар, балки ҳар кишиким айтибдур — салтанат тариқининг нафий воқеъ бўлуптур, фақир чун азизларға татаббуъ қилдилар. Подшоҳнинг камоли вусъати машраб ва ниҳояти ҳусни ҳулқларидин бу фақир маҳжуб бўлуб, хаёлға келдиким, бу қасидаға яна бир татаббуъ қилиб, дарвишлар маддоҳлиғини қилиб, аммо ҳукумат таврини таъйин қилилмай, подшоҳнинг муборак отиға тугатилгай. Бу матлаъ хотиримға келиб эрдиким,

Назм:

*Хирқаи пурбахъя к-аҳли факрор к-он дар бар аст,  
Бар фирози олами маъни сипехру ахтар аст.*

(Мазмуни: фақирлар эғнидаги ямоқли тўн маъни олами юксаклигининг осмони ва юлдузидир.)

Чун бурунғи матлаъ айтилғонда алар ҳазратиға йибориб ниёз юзидин арз қилиб, татаббуъ қилурға истижоза қилиб эрдим ва ишорат бўлғондан сўнгра айтилиб эрди. Бу матлаъни доғи Марвдин битиб, шаҳрға алар хизматиға йиборилди. Мунинг дағи таърифида рангин руқъа битиб, истихсонлар кургузуб йибориб эрдилар. Бу икки байт бул руқъ-адиндурким.

Байт:

*Зиҳи карда аз шавқи шаҳбози табъат,  
Хумоёни кудси ҳавои тазарви.  
Зи мардум фирисонда як матлаи хуш,  
К-аз аҳли суҳан мисли ў нест марви.»*

Мазмуни:

*Сенинг лочин табъинг шавқидан  
Муқаддас қушлар тустовуқ бўлади.  
Киши орқали бир яхши матлаъ юборгансан,  
Суҳан аҳли ҳеч ким бундай айтолмаган.*

Демак, шоир «Тўхфат-ул-афкор» қасидасини ёзиб тугатгач, ўша кунлардаёқ «Дарёйи аброр» ва «Лужжатул-асрор» қасидаларига жавобан иккинчи қасидасини ҳам яратган. Маълумки, шоирнинг «Тўхфат-ул-афкор» қасидаси 1475 йилда ёзилган. Демак бу иккинчи қасида ҳам шу йили Марв шаҳрида дунёга келган.

Шоир «Тўхфат-ул-афкор»нинг матласидан бошлабоқ ўзининг одил ва жоҳил ҳукмдор ҳақида, ҳукмдорларнинг ўлкага келтирган даҳшатли офатлари ҳақида жуда дадил фикрлар баён этган. У подошоҳларга қарата ўз ўлимини ўйламаган шоҳ мамлакатни хароб қилади, ишининг оқибатини ўйламаган ҳоким мамлакат учун зиёндир, мамлакат ободлигида золиму одил бир хил эмас, шудгорда тўнғизнинг иши бошқая деҳқон иши бошқа, мазмунидаги сатрларда ўткир танқидий мулоҳазалар билдирган эди. Бу фикрлар дастлабки байтлардаёқ кўзга ташланиб турарди.

Назаримизда, қасидани Хусайн Бойқаро ўқиб шоирга «таҳсин»лар айтгач, Навоий бир оз хижолатдан чиқиш ҳамда ҳукмдорни қаттиқ ранжитмаслик учун, «Тўхфат-ул-афкор»да Хусайн Бойқаро эмас, балки золим, калтабин ҳукмдорлар танқид қилинганини исботлаш ниятида мазкур қасидани битган.

Алишер Навоий «Дарёйи аброр» ва «Лужжат-ул-асрор»га жавобан яратган бу қасидасини Хусайн Бойқарога бағишлади. Аммо матласидан аниқ кўринадики, шоир дастлабки сатрларидаёқ меҳнаткаш омма фақр аҳлини мадҳ этади, оддий халқни улуғлайди. Бу ўринда ҳам шоир ўзининг одабийлик ҳақидаги шioriга «Одабий эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами» сатрларига содиқ бўлиб қолади.

У «Муҳокамат-ул-луғотайн» асарига олти форсий қасида ва «Фусули арбаа» тўпламлари ҳақида тўхталиб, яна бир форсий қасидаси ҳақида маълумот беради:

«Яна суҳанпардос устози олийшон Хожа Калимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобуксуворидур ва ўз замонининг беназир суҳангузори, машҳурдурки, чун маснуъ қасидаси тартибига қалам сурултур, ўн саккизда итком еткурултур. Воқиян ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар. Тарсиъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустаҳраж матлаи ростдур, аммо асли матлаъда аввалғи мисраъининг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким,

Байт:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,  
Ҳавои жаннати кўят бабехт мушки тотор.

(Мазмуни: покиза юзинг софлиги баҳор сувини тўқди, куйинг ҳавоси жаннати хушбўйлик тарқатди.)

Бу матлаъга татаббуъ қилғон кўп суҳанварлар ва назмгустарлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу фақирнинг матлаи будурки,

Байт:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,  
К-аз он расид ба ёрон шамими васли нигор.

(Мазмуни: бўстонга баҳор фаслининг шабадаси шундай эсдики, ундан дўстларга ёр васлининг хуш ҳиди етишди.)

Басорат аҳли мулоҳаза қилсалар билурларки, бу матлаъ тарсиъга воқеъ булур, айбдин муарро ва мураассаъга келур, эътироздин мубарродур. Бу навъ шеърнинг таъкид ва муболаъаси учун яна бир рубоий ҳам дебманки, то Халил бинни Аҳмад рубоий қондасин вазъ қилибдур, тарсиъ санъатида рубоий айтилғон эшитилмайдур, балки йўқтур ва ул будурким,

рубоий:

Эй рўй ту кавкаби чаҳон орое,  
В-эй бўи ту ашҳаби равон осое.  
Бе мўи ту, ё раб, чунон фарсое,  
Гесўи ту чун шаби фиғон афзое.

Мазмуни:

Эй, сенинг юзинг жаҳонни безовчи юлдуздир,  
Эй, сенинг исинг хушбўйликда жон роҳатидир.  
Сенинг сочингсиз кишига афтодалик келади,  
Қора кокилинг фиғонли тунга ўхшайди.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладики Алишер Навоий Хожа Салмоннинг жуда катта санъаткорлик билан ёзилган маснуъ қасидасига жавобан яна бир форсий қасида битган. Афсуски, бу қасиданинг ҳозирча тўлиқ тексти топилмаган. Катта санъаткорлик билан тарсеъ санъатида ёзилган бу асарнинг юқоридаги биргина матлаиға эгамиз, холос. Шундай қилиб, ҳозирча Алишер Навоийнинг 13 форсий қасидаси бизга маълум.

Шоир қасидалари устида сўз борганда унинг «Ситтаи зарурия» учун ёзган «Дебоча»сидаги маълумотлар киши диққатини жалб этади. Бу ерда айтилишича, Абдурахмон Жомий шоирга форсийда ҳам кўпроқ ижод этиш, форсий қасидаларини тўплаб алоҳида китоб ҳолига келтиришни маслаҳат берар экан. Аммо бу иш турли сабаблар билан ул ҳазратнинг ҳаётлик йилларида амалга ошмай қолган. Кейинроқ «иснайн ва тисъа миата» санасида, яъни 902 ҳижрийда (1496 мелодий йилда), Абдурахмон Жомий вафотидан тўрт йил ўтгач ўз форсий қасидаларини қайта кўриб чиқиб, олти қасидадан иборат тўплам тuzди.

Алишер Навоийнинг «Ситтаи зарурия», «Фусули арбаа» қасидалар тўпламларини биринчи ўрганган ва нашр эттирган профессор Ҳамид Сулаймонов «Фусули арбаа»да қасидалар йил фаслларига қараб берилмагани, унда ёз, куз ва баҳор тасвиридаги асарлардан сўнг киш фасли ҳақидаги қасида келтирилганидан ажабланиб: «Асарнинг табиий архитектурасига хилоф кўринган бу ҳолатни ҳозирча биз изоҳлай олмадик» («Навоийга армуғон» тўплами, «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1968, 12-бет) деб ёзган эди.

Лекин бу ўринда дастлабки уч қасида («Саратон», «Ҳазон», «Баҳор») алиф ҳарфи билан тугаллангани учун аввалда, тўртинчи қасида («Дай») эса «бе» ҳарфи билан тугаллангани учун улардан кейин жойлаштирилган. Яъни муаллиф ўз қасидаларини йил фасллари тартибига қараб эмас, балки алифбо тартибига жойлаштирган. Шунга кўра шоирнинг ўзи барча қасидаларини тўплаб улардан алтидан «Қасоид девони» яратиш ниятида бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис» асарида Мавлоно Лутфий ҳақида маълумот берад экан, «Форсийда қасидагўйлик устодлардин кўпининг мушкил шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур» деган эди. Бу сўзларни Навоийнинг ўзига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Шоирнинг форсийда яратган энг гўзал қасидалари фикримизга далил бўла олади.

Иброҳим Ғафуров

## ДУНЁ КЕЗУВЧИЛАРНИНГ ДОНОЛИКЛАРИ

Алишер Навоийнинг улуғвор дostonларидан бири «Сабъаи сайёр» («Етти сайёра» эмас, «Етти сайр этувчи») қўдратли ижодий тўлғоқлар, безовталиклар натижасида юзага келди. Саккизинчи бобдан эътиборан шоир дostonнинг воқеалари ичига оҳиста кириб бораркан, тасвири ижодий ният туғилган, тўғрироғи, бу ниятнинг қандай ва ниманинг таъсирида туғилганлигидан бошлайди. У фалакдаги мислсиз ҳаракатлар ва бу ҳаракатлар ичра бораётган мислсиз ўзгаришларни руҳнинг буюк кўзи билан кузатади. Унда Руҳ кўзи тасаввур кўзи билан кучаяди. Улар бир-бирларидан қувват оладилар ва натижада оддий одам кўзига бениҳоя сирли бўлиб кўринадиган ҳодисаларнинг яширин замирларини сеча бошлайдилар.

Навоий учун чарх — шубҳабоз, яъни найрангбоз. У тинимсиз суратда найранглар тўкиб чиқаради. У тўхтамай айланади, ҳолатлари дам сайин ўзгаради. Навоий чархнинг худди мана шу — унинг назарида энг асосий белгиларидан бирини ифода қила оладиган сўзларни байтларга маржондай тизади: муҳра, гуноғун, талаввун, буқаламун, таъб, найранг, булажаблик, оҳанг, фитна — бу сўзлар чархнинг найрангларини бўрттириб, турли ранглар, турли оҳангларга қориб кўрсатади. Ҳиссиётга жуда кучли таассурот ўтказилади. Сипеҳр, яъни фалак сўз найрангбозлигида гоятда ҳаракатчан ва фаол. Гоҳ у бир ҳодисани пайдо қилади, гоҳ уни сирлар пардасига ўраб ниҳон қилади. Унинг фитналарига чек йўқ. Албатта, бунда сўзлар Навоийнинг даҳосидан қувватланиб, ўз асл маъноларидан бошқа, кенгрок, мавҳумроқ, мужаррадроқ (абстрактроқ) маъноларни ифодалашга ўтадилар. «Фитна» шу тариқа оламдаги ўзгаришлар, ғавғоларнинг моҳиятини ифодалашга хизмат қилади. Найранг ва фитна ичида азалий қарама-қаршилик мавжуд. Найрангларда ҳодисотнинг сифати ҳамда моҳияти очилади. Яъни Навоий айтмоқчи, уларнинг бирига наҳслик, яъни пастлик, тубанлик хос, бошқаси эса саодат машъалига айланади.

Ҳа, Навоий ўз сўзини коинот тасвиридан бошлайди. Ҳа, унинг тасаввур ва тушунчаларида макон доимо коинотдан бошланади, юксак қаватлардан пастга томон, замин сари тушиб келади. Сўнг контекстда ҳодисотнинг сифат ўзгариши рўй беради ва энди бошқа бир сўз ва унинг яқин маънодошлари марказга чиқади. Мазмуннинг янги давраси бошланганда, марказга луббат сўзи кўтарилади. Бу сўзнинг маънолари кўп. Уларнинг асосийлари: ўйинчоқ, кўғирчоқ, хийла, гўзал севгили ва бошқалар. Луббат сўзи атрофига унга муносиб «кўшин» сўзлар: жилваномой, пайқарсиймин ниқоб, юз ноз, жилваи ҳусн, хушрабой, парда, хаёл, фикрат, ҳайрат, ваҳм, мабҳут... жойлашади. Шоир чексизликнинг турфа ўйинларининг асл мазмунини кашф қилишга уринади. Ақл эса ўйинлар ҳақиқатини идрок қилолмайди, «фикр ила васиқатини» тополмай қийналади. Кўнглига қайғу ёприлади. Қайғу эса уйқу келтиради. Шунда шоир ўзини янги маком ичра кўради:

Кўрдум ўзни ажиб мақом ичра,  
Бир фазо тавфида хиром ичра.

Шоир тушида етти айланиб турувчи «гунбази даввор»ни сайр этади. Сайр етти кун давом этади. Ҳар гунбаз унинг кўзларига ўзига махсус рангда кўринади: қора, сариқ, кўк, қизил, мовий, сандалиий (жигарранг), кофурий (оқ). Ҳар иқлимда бир сирли афсона тинглайди. Уларни жон саҳифасига нақшлайди.

Шундан сўнг шоир ўздан анча илгари ўтган Низомий ва Деҳлавийни эслайди. Уларга

буюк ҳурмат билдиради. Сўнг адабий маҳорат ҳақида ғоятда қимматли фикрларини ўртага ташлайди. Узини мутафаккир танқидчи сифатида кўрсатади.

Дур тешадиған моҳир усталар бора-бора ўз моҳирликлари ва маҳоратларидан мағрур бўладилар. Мағрурлик ёмон оқибатларга олиб келади. Улар дурни тешаётганда кўп хатоларга йўл қўядилар.

*Қим маҳорат ани қилиб мағрур,  
Воқиф ўлмай тушар ишига қусур.*

Лекин истеъодли шогирд хато қилишдан кўрқиб, эҳтиёт ва кунт-идрок билан ишлайди. Навоий ўзидан олдин яратилган шу сюжетдаги асарларга Уйғониш даврининг улуғ намоянда-си сифатида танқидий нуқтаи назар билан қарайди. Маълумки, Уйғониш даврининг барча намояндаларида тил, адабиёт, маданият масалаларида илғор танқидий қарашлар ҳокимлик қилади. Навоий ўз танқидининг кучли ва адолатли эканлиги билан ҳам Уйғониш даврининг ғоятда муносиб вакилидир. Бу жиҳатлардан у, академик Н. И. Конрад жуда тўғри топиб айтганидек, итальян санъаткори Данте ва француз маърифатпарвари Де Белле билан бир мавқеда туради.

Навоийнинг илгари яратилган шу сюжетдаги асарларга нисбатан асосий танқидий мулоҳазалари қуйидагилардан иборат: аввал ёзилган асарларда фусункорлик ва фириб устун. Шунинг учун уларни қабул қилиш оғир; уларда дард билан ишқ бир-бирдан бегона. Яъни «мояи дард» йўқ. Мояи дард бўлмаган асар эса ёлғонга яқиндир, демак, бемазадир; уларда баъзи воқеалар «номуносабат» ёзилган, яъни бадий ва ҳаётий мантиқ бузилган ўринлар учрайди.

Чунончи шоҳ Баҳром етти қаср қурдиради. Етти иқлим подшоҳининг етти қизини келтиради. Ҳафтанинг бир куни уларнинг махсус бири билан айш, яъни «ком» суради. Эрталабдан оқшомга қадар майпарастлик қилади. Уйқу олдидан ўзи тамомила маст ҳолда шоҳ қизларига афсона айтишни буюради. Навоий қаттиқ ажабланади. Улар ахир, шоҳ қизлари-ку! Қандай қилиб шоҳ қизлари қисса айтадилар!

*Бу ажабким, алар доғи дедилар,  
Қиссахон қизлари магар эдилар?*

Навоий «қиссахон қизлар» билан «шоҳ қизлари» ўртасида ижтимоий фарқ борлигини ва бундан кўз юмиб бўлмаслигини айтади. Шоҳ қизлари ҳеч қачон қиссахон қизлар қиладиган ишларни бажармайдилар. Навоий назарида бу биринчи «номутаносиблик». Иккинчи «номутаносиблик»: Баҳромдай оқ-қорани яхши таниган ва фарқлайдиган одам ўз хотинларига мен ухлаганимда сиз ухламай эртак айтиб ўтиринг дермикан!

*Буйла таклиф қимса қилғайму?  
Одамининг бу сўз очилғайму?*

Навоий бундай бадий жиҳатдан «булажаб» ишдан қаттиқ ҳайратга тушади. Агар шунчалар бўлса, Баҳром фариди замон ва воҳиди замон шоирларнинг мунчалар таъриф-тавсифларига муносибми?

У устоди замонларнинг айрим шундай камчиликларидан ҳам ўрганади. Зўр эҳтиёткорлик ва зўр иштиёқ билан ишга киришади. Устодларнинг ҳаётбахш руҳларидан мадад олади:

*Мунда доғи ишимга етса кушод,  
Ҳам алар руҳидиндур ул имдод.*

Навоий ўз олдидаги мушкул вазифани чарх томига нарвон қўйишдек мушкул эканлигига зийрак ҳисоб беради. Устодларнинг улуғ хизматларига мислсиз эҳтиром билдиради, ўз олдида уларни тақдорламасликини қатъий вазифа қилиб қўяди. Навоийнинг адабий тақдорларга муносабати доимо аниқ ва ғоятда равшан. Бу унинг эстетик қарашларида муҳим нуқталардан бири.

*Бир деганини икки демак хуш эмас,  
Сўз чу тақдор толти дилхуш эмас.*

Шоирнинг ўзидан олдинги тажрибаларга маълум даражада танқидий муносабати — унинг ахлоқий-маънавий қарашлари, шу масалалардаги ҳаётий принциплари билан чамбар-час боғлиқ. Унинг назарида илгариги асарларда кўринган шубҳа уйғотадиган ҳолларни айтиб ўтмаслик гуноҳ. Инсон айбларни кўпайтириш устида эмас, уларни камайитириш ва йўқотиш устида ғамхўрлик қилмоғи лозим. Шоир ҳеч бир иш айблиғ бўлмасин, деб ўйлайди ва шунга яраша иш тутади. Бу Уйғониш даври намояндаларининг юксак мукамалликка интилганликларини кўрсатади.

Навоий шоҳ Баҳром образини яратаркан, жуда кўп қадим тарихий манбаларга Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий асарларига суянади. Лекин у бунда яна бир жиддий эстетик принципга риоя қилади. Бу принципни биз бадий лўндалик деб аташга журъат қиламиз. Навоий буни шундай ифода қилади:

*Ҳар не бир дostonға солди садо,  
Мунда бир байт бирла топқай адо.*

Шоҳ Баҳромдек тарихий мифологик шахснинг ҳаёти ғаройиб воқеаларга шунчалар бойки, уларнинг ҳар бири ҳақида бутун-бутун дostonлар яратиш мумкин. Лекин Навоий буларни



бадий жиҳатдан ғоятда лўнда баён қилади. Барча тарихий фактлар ва ҳақиқатларни асарга тиқиштиравермайди. Узининг ғоявий-бадий ниятидан келиб чиққан ҳолда энг характерли хусусиятлар ва тафсилотларга ўрин ажратади ва тўхталади. Баҳромга оид тарихий фактларни ғоят қисқа баён этади. Уларга ўз даврининг қарашларидан келиб чиқиб жуда талабчанлик билан муносабатда бўлади. Зотан у ўзини муаррих деб эмас, бу ўринда санъаткор каби ҳаракат қилиши кераклигини ўткир англайди.

Тарихий манбаларга ва адабий аъёнларга кўра шоҳ Баҳром характерида лаззатпарастлик етакчи мавқеда туради. У ҳаммадан кўпроқ овға, санъатларга, гўзалларга қизиқади. Урушда мард ва беҳад жасур. Лекин у лаззатпарастликка ҳамма имкониятларни яратмоқ учун урушларга кирган ва ғолиб чиққан. Унинг мақсади уруш эмас. Лаззатпарастлик. Навоий дўсти Ҳусайнда ҳам шу хусусиятларни кўради. Уни бир неча ўринда Баҳромга ўхшатади. Адл ва шижоатда уларни тенг қўяди. Мисол тариқасида Едгор Мирзони мағлубиятга учратиш воқеасини келтиради. Навоийнинг қиёси жуда теран маънога эга. Ҳусайн ҳам бора-бора ишратга, лаззатга, созу сурудга берилиб кетмадики? Навоий беҳад нозик бир ишора билан Ҳусайнга Баҳромнинг қонлар ичра фожеона фарқ бўлганлигини бекорга кўрсатмайди. Ҳушёр бўл демайди-ю, аслида ҳушёр бўл, деб фарёд чекади.

Жамшид қайсар журъат, мағрурликдан ҳалок бўлди.  
Яздигирд дағал журъат, мағрурликдан ҳалок бўлди.

Баҳром қайсар лаззатпарастликдан қон ботқоғига ботди.

Навоий эслатади, ҳушёр бўлишга ундайди.

Моний образи «Сабъаи сайёр»да воқеаларни янги босқичга олиб чиқади. У сюжетга кучли ҳаракат бағишлайди. Моний воқеаларни боғловчи ва янги ҳаракат нуқтасига олиб чиқувчидир. Моний ҳам асли тарихий мифологик шахс. Моний 216—277 йилларда яшаган. Сурияликлар уни «Моний ҳува» дейдилар, яъни «Моний тирик» дегани. Баҳром Гўр Монийдан икки юз йил кейин ўтган. Лекин Навоий уларни бир асрда яшагандек тасвирлайди. Навоий афтидан «Моний тирик» деган ғояга суянади.

Моний улуғ мусаввир, наққош. Унинг чиний нигорхонаси мислсиз машҳур. Навоий Монийни олижаноб мусаввир ва хабар берувчи, ишқ ришталарини боғловчи шахс каби тасвирлайди. Моний тенгсиз мусаввир каби бир гўзални иккинчи гўзалга оғушта ва ҳамроҳ қилади. Тирик суратлар яратади. Баҳром Монийнинг Дилором ҳақидаги сўзларини эшитганда яшнаб кетади, суратини кўриб, ҳушдан айрилай дейди.

Шоҳ бу сўздин очилди боғ киби.

Бу соддалиги ва «миллийлиги» билан беҳад гўзал мисрадир. Шу ўринда боғ каби очилиш Баҳромга нечоғлик ярашади.

Шунда Баҳром юрагига мойи дард тушди. Ишқ қудратли шоҳни тамомила бечора қилиб қўйди. У Дилоромни Хитойнинг бир йиллик хирожи эвазига тилаб олди.

Навоий Баҳром бошига ишқ изтиробни тушган онларни, унинг беҳад соғинчларини, ишқнинг бесабрлигини, беқарорлиқни ғоятда реалистик маназарларда тасвирлаб ўтади. Баҳромда мубталолик бошланди. Навоий унинг мубталолигини улуғ даражага етказиб тасвирлайди. Шу билан ҳам у Уйғониш даврининг кўпгина намояндаларидан анча илгарилаб кетди. Чунки ишқ мубталолигини Навоийгача ҳеч ким бунчалик қудрат билан ёритолган ва айни ҳолда буни ижодий мақсад, концепция (талаққий) қилиб қўйган эмас. Навоий ишқнинг банду мубталолигини тасвирлашда тенгсиздир.

Баҳром ва Дилором уч-тўрт йил ошиқ-маъшўқлик, май ва ов гаштини сурдилар.

Нечаким шоҳ сайд этар эрди,  
Шоҳни ул моҳ сайд этар эрди.

Мулк хароблик сари йўл тутди. Эл-юрт норози бўлди. Шикоятлар авж олди. Баҳром мулк тақдирини ўйлашга мажбур бўлди. Ишқдан ҳам зерикди. Ишқни тарк этишга баҳона қидирди: «Кўнгли чун мулк ила хизона тилаб, Ишқ тарк этгани баҳона тилаб» ... Навоий баҳона топиш психологиясини ғоятда моҳирона очади. Баҳром ўз моҳирлиги билан мақтанади. Кийинки Дилором айтганча шикастлайди. Дилором ғурур билан унинг моҳирлигига етарли баҳо бермайди. Бу тажриба билан қилса бўладиган иш деди. Баҳром ғазабга минди. Уни ўлдирмоқчи бўлди. Лекин аёлни ўлдириб яхшимас деб, уни бу йўлдан қайтардилар. Унинг гўзал сочлари билан қўл-оёқларини боғлаб биёбонга ташлаб кетдилар.

Дилоромнинг жавобидан сўнг Баҳром Гўрнинг унга муносабати тасвирида турли давр шоирлариде турлича талқинлар берилади. Уларнинг айримларини кузатиш мароклидир. Фирдавсийнинг ҳикоя қилишича, Баҳром ўз овчилик санъатига ғоятда менсимай қараган ва унга мағрурлик билан баҳо берган ўз чангчи гўзал канизагини туясининг тагига ташлаб мажақлаб ўлдирди. Шунгача Баҳром ва гўзалликда тенгсиз канизак доимо туйда бирга ўтириб ов қилардилар. Баҳром Гўр сайд билан машғул бўлганда канизак чанг чалиб борарди. Фирдавсий шоҳнинг ваҳш табиятини ўз даврига кўра тўғри, рўйи рост кўрсатиб ўтган. Низомий эса «Етти гўзал»да Баҳромнинг чўриси Фитна образини яратади. Баҳром Фитнага ўз моҳирлигини кўрсатганда, Фитна бундай ишга куч ва моҳирлик эмас, кўпроқ тажриба зарур, дейди. Дарғазаб бўлган Баҳром чўрини ўлдирмоқчи бўлади. Лекин ўз қўли билан аёл зотининг қонини тўкиши истамайди ва бу ишни ўз лашкарбошқисига топширади. Лашкарбоши Фитнанинг илтимоси билан уни ўлдирмайди. Олис қишлоққа элиб ташлайди. Қишлоқда баланд минора бор. Фитна шу баланд минорага эндигина туғилган бузоқчани кўтариб чиқади, кўтариб тушади. Ҳар кун шуни машқ қилади...

Навоий «Сабъаи сайёр»да бу эпизодни сақлайди. Лекин унга бутунлай бошқача ёндашади. Баҳром Дилоромни ўлдирмоқчи бўлади. Лекин аёнлари уни бу йўлдан

қайтарадилар. Сўнг беҳад узун ва гўзал сочлари билан банд қилиб кимсасиз биёбоннинг ичкарасига элиб ташлайдилар. Шу эпизоддаёқ даврларнинг ўтиши билан гуманистик қарашларнинг қанчалар ўзгариб борганлигини кузатиш мумкин. Тарихий-мифологик сюжетга муносабатда даврнинг ўзига хос хусусиятлари, одамларда ўзгараётган онг ҳаракати яхши намоён бўлади. Сюжетнинг асосий тархи ўзгармаган ва қимматини йўқотмаган ҳолда, унинг талқинида ўзгачалиқлар зоҳир этилади.

Бундай ажойиб ҳодисаларга Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Навоий дostonларини қиёсий кузатганда кўплаб дуч келиш мумкин. Айтайлик, Низомий Баҳромнинг урушлари, саргузаштлари тасвирига кенг ўрин беради. Навоий эса асосий диққатини Баҳромнинг Дилоромдан айрилгандан кейинги ишқ изтиробларини тасвирлашга, ишқнинг айрилиқ азобини ёритишга қаратади. Фирдавсий ҳам, Низомий ҳам ўз қаҳрамонларининг ҳиссий изтироблари тасвирига бир-икки мисра ажратишлари мумкин. Уларни воқеаларнинг эпик тараққиёти ва кўлами кўпроқ қизиқтиради. Навоий учун ҳиссий-эмоционал кечинмаларни тасвирлаш, уларни оқим тарзида ифодалаш биринчи даражали аҳамият касб этади. Унда ҳамма нарсага қудратли ҳиссий муносабат ҳоким. У ишқ дардини ва шу билан боғлиқ ҳолдаги гуманистик концепцияларини биринчи ўринга олиб чиқади. Навоийнинг ўзидан олдин ўтган даҳо шоирлардан ва ўз даврининг даҳоларидан кескин ажралиб турадиган фарқи мана шунда. У гуманистик дард шоирига айланди. Нолакорлик ва дард унинг беш буюк дostonида бошқа барча ҳамсачилик дostonларига қараганда ғоят кучлироқдир. У Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун образларини яратганда ҳам худди шу нарса етакчи мавқеда эканлигини кузатган эдик. Зотан, Навоий сўзон ишқ тадқиқотчисиدير. У Дилоромдан айрилиб қолган Баҳромнинг ҳолатларини тасвирлаганда гўзал реалистик ва ажойиб психологик бўёқлар ишлатади. Хушёр бўлиб ўзига келган Баҳром йўқотиш аламига чидолмайди. Ўз бошига тушган мусибатни чарҳдан кўради. Шунда Баҳром чарҳга қарши исён кўтаради. Бу исён унинг фарёдларида ғоятда теран ифодаланган. Баҳром ўзини ўлдирмоқчи бўлади. Биёбонларга бош олиб чиқиб кетади. Навоий шунда яна дoston бошланишидаги чарҳнинг найрангбозлиги ҳақидаги фикрларига қайтади. Уларни Баҳром ҳолатига боғлиқ тарзда тўлдиради.

Иўқ эди шахру мулкдин огоҳ,  
Бодия ичра этти манзилгоҳ.

Навоий ўзининг Қайс, Фарҳод, Баҳром сингари қаҳрамонларидаги исёнкорликни тасвирлашга алоҳида аҳамият беради. Бу исён ишқ дардининг қудратидан кўтарилади. Исён ва бодия... Навоий дostonларида биёбон, бодия образлари қайта-қайта ишланади. У олам биёбони образига айланади. Исён кўтарган, дардини ҳеч қаерга сиғдиролмаган қаҳрамонга олам биёбони ёлғиз макон бўлиб қолади. Энг мушкул дамларда, исён ўз чўққисига кўтарилган чоғларда олам чўли инсонга мадад беради. Олам дашти билан қалб дашти туташиб кетади. Ер дашти, дил дашти, азал коинот даштлари шу тариха қўшилиб кетади. Лекин маърифатли инсон дашда бир умр қолиб кетолмайди. Баҳромни тузатиш чорасини кўрадилар. Унга атаб оламнинг етти иқлимини ифодаловчи етти мўъжиза қаср қурадилар. Етти қасрга етти иқлим мамлақати подшоҳларининг қизларини келтирадилар ва уларни Баҳромга никоҳлаб берадилар. Моний бу қасрларни оламнинг етти ранги билан безайди, тенгсиз гўзал суратлар чиздади. Баҳром ҳафтанинг ҳар бир куни ўзига мувофиқ қасрда бўлади. Гўзаллар билан суҳбат қуради. Бу суҳбатлар юнон файласуфларининг жуда пок суҳбатларига ўхшайди. Қасрлар оламнинг етти иқлимига олиб борадиган йўлларда жойлашган. Баҳром ҳар куни оқшом шу йўллардан бошлаб келинган мусофир — сойир — сайёрларнинг афсоналарини, саргузаштларини тинглайди. Дунё ишларидан хабар топади. Шунда Навоий бизни етти ғоятда мазмундор афсона билан таништиради. У бутун оламни афсона орқали қабул қилиш ва афсона орқали тушунтиришга интилади. Афсоналарда ажиб маъно қаватларини яратади. Ўз тили билан айтганда, уларни рангин лутфлар билан бойитади.

### ШАНБА КУНИ. БИРИНЧИ ИҚЛИМДАН КЕЛГАН МУСОФИР ҲИКОЯТИ. ҲИКОЯТ ЖОЙИ ҚАДИМ САРАНДИБ. ҲОЗИРГИ ШРИ ЛАНКА.

Сарандиб хони Жасратхоннинг ўғли Фарруҳ тушида қора маофада бир пари чеҳрани кўрди. Унинг ишқига мубтало бўлди. Шоҳлик, мулку масаррат, қари хон отасини ташлаб юрдан бош олиб чиқиб кетди. Кўп замон кўп диёрларни кездди. Охири тушида, сен ўзинг излаган моҳрўйни Ҳалабдан (Ҳозирги Алеппо, Сурия) топасан, деган хабар бўлди. Ҳалабдан, чиндан ҳам, излагани моҳрўйни, баногоҳ, худди ўшандай қора маофа ичра кўрди-ю, яна дарҳол йўқотди. Ишқ Фарруҳни хароб қилди. Ахий исмли бир хайр-паноҳ уни бир вайронадан топиб ўз уйига олиб кетди. Неча кунлар ўтгач, хожа унга май ичириб охиста ичини уртаган дардни билди. Фарруҳ ўзи қидириб юрган малакнинг қиёфасини тасвирлаб берди. Барча белгилардан Ахий Фарруҳ тасвирлаб берган моҳ ўз гўзал хотини эканлигини билди. Хотинини нақадар севмасин, уни талоқ қилди ва Фарруҳга никоҳлади. Фарруҳ паридан асл воқеани билди ва уни ўзига сингил ўрнида кўрди. Мамлакатига олиб кетди. Отаси ўлиб, Сарандибга шоҳ бўлди. Бу орада Ахийдан омад кетди. Мол-мулки талонда қолди. У Фарруҳнинг эски қашшоқ палоси ва чопонини олиб Ҳалабдан чиқиб кетди. У дунё айланиб Сарандибга келиб қолди. Баногоҳ Фарруҳ билан учрашди. Фарруҳ уни зўр иззат-икром қилди ва уни ўз тутинган сингилсига уйлантириб қўйди. Ахий шу тариха ўз хотинига иккинчи маротаба уйланди. Ахий учун дўстликдан ортиқ ҳеч нарса йўқ. Унинг исми Ахий. Бутун хатти-ҳаракатида ахийлик оқими ақидаларига риоя қилади. У чин ахий. Навоий бу ҳикоят орқали мурувват ҳамда футувват ғояларини илгари сурди. Ахийнинг ғариб, хаста, номурод, маҳрум ва оввораларга муруввати чексиз. У одамларнинг ғамларини бўлишишни ҳаётининг дастурига айлантирган. Унинг муруввати Фарруҳдек маърифатли, мубтало йигитнинг кўнглига тушиб, ундан ҳам ўтказиброқ мурувват кўрсатиш истагини уйғотади. Навоий

мурувватдан мурувват уйғонади. У ажиб поклик ва ҳалолликча олиб боради демоқчи. Фарруҳ гулруҳ қошида «нафси зулмоний»ни енгади. Навоий гулруҳнинг изтиробларини жуда гўзал реалистик картиналарда чизади. Ҳикоятлар унинг тасвирида ажиб бир тарзда қиссаларга айланиб, кўламли маъно касб эта боради. Бу ҳикоят ифбат, мурувват, дўстлик, покравликни улуғлайди. Улар ғолиб ҳиссиётлар каби тасвирланади. Бу ҳикоятни Баҳромга Ахий авлодининг яқини сўйлаб беради. Навоийнинг барча ҳикоятларида уларни сўйлаб берувчи огоҳ, яқин (муқарраб) одамлардир. Навоий шу билан ҳам ҳикоятларга реалистик ҳаётий асос яратади.

### **ИККИНЧИ ОҚШОМ. ЯҚШАНБА. САРИҚ ЛИБОСЛАР. САРИҚ САРОЙ**

Навоий иккинчи ҳикоятни Жамшид замонларидан айтади. Бизни қадим Рум мамлакатига олиб киради. Зайд Заҳҳоб деган қаллоб заргар ҳақида қисса сўзлайди. Зайд ҳунарда мислсиз уста. Лекин кўли мислсиз эгри. Зўр ҳаким. Шоҳ олдида туганмас эътибор қозонган. Шоҳнинг маразини нундан ўзга ҳеч ким даволай олмайди. Шунини билиб у қаллобликни авжга миндиради. Ҳеч ким бир оғиз сўз айтолмайди. Охир унинг ярамасликларини шоҳ олдида ошкор қилиш йўлини топадилар. Зайд зиндон қилинади. Лекин зиндондан ҳам бениҳоя усталик билан қочади. Кустантияга (Фаранг ўлкаси) келиб ғоятда бой бутхона аҳлини ўзига ром қилади. У ердаги барча олтин бутларни оддий темир бутлар билан алмаштиради. Сўнг кемада ўз диёрига олиб кетади. Яна аста зиндонга кириб ётади. Шоҳнинг оғир маразини тузатади ва яна унинг ишончига киради. Душманларидан ўч олади. Навоий Зайднинг характерини жуда нозик ва ғоят изчил, ажиб реалистик деталлар ва тафсилотлар воситасида кузатади. Зайд учига чиққан ёлғончи, Навоий унинг ёлғончилигини ҳаққоний ва ҳаётий қилиб очади. Зайд бутхонадан келтирилган беҳисоб олтинларни шоҳ оёғига ташлайди. Эл олтинга сероб бўлади. Навоий олтинга интилиш билан боғлиқ фожеалар ва қаллобликларни фош қилади. Ёлғончилик, риёкорликни қоралайди.

### **УЧИНЧИ ОҚШОМ. УЧИНЧИ ИҚЛИМ. ДУШАНБА. ЯШИЛ САРОЙ. ЯШИЛ ЛИБОСЛАР**

Воқеа яшил саройга монанд тарзда Шаҳрисабзда (Кўк шаҳарда) кечади. Бу Саъд деган йигитнинг ғаройиб ҳикояти. Саъда дайри муғон ичра ғалати туш кўрди. Унга тушининг таъбирини ёруғ оламда ғор ичра етти юз йил яшаган нуруний пир Пайлақус ҳаким тушунтириб берди. Ўз ғаройиб тарихини Саъдга сўзлаб қийинчиликларни енгиб ўтиш йўллари кўрсатди. Саъд унинг кўрсатмалари билан Шаҳрисабзга келди. Мушкулликларни енгиб, хоннинг қизига етишди. Ҳикоятда афсона элементлари, қадим мифологик ҳолатлар анча кучли ифода топади. Сеҳрли манзара ҳамда воқеалар, мўъжизалар, девни енгилар, сирларни очилар — сирлилик ва сарғузашиллик бу ерда ҳоким мавқеда. Навоий тоғлар орасидаги сирли қалъаларни, Пайлақус яшаган ғорли масканни, дайри муғонни худди ўзи кўриб тургандек реалистик деталлар билан тасвирлайди. Нореалликни реаллик каби киши кўз ўнгида гавдалантиради. Ҳикоятни Баҳромга Саъднинг хонаваларидан бўлмаши сайёҳ сўйлаб беради.

### **ТўРТИНЧИ ОҚШОМ. ГУЛНОРИЙ ҚАСР. ГУЛГУН ЛИБОСЛАР. СЕШАНБА**

Баҳромга тўртинчи иқлим йўлидан келган мусофир ҳикоят айтади. Бу ҳикоятда киши рост сўзласа, ёришувчи ва ёлғон сўйласа, қораювчи ажойиб кўзгу бор. Ҳиндистон шоҳи Жуна шу кўзгу воситасида ер юзида ўзидан ҳам сахийроқ Масъуд деган кимса борлигидан хабардор бўлади. У Масъуд билан учрашиб бунинг нақадар ҳақ эканлигига амин бўлади. Жуна Масъудни ҳоким қилиб тайинламоқчи бўлади. Шунда Жайпур ва Баллу деган зolim кимсалар Масъудни йўқотиш пайига тушадилар. Охир Масъуд Жуна кўмагида уларни енгади. Навоий ҳикоятда ажиб учрашувлар, одамшавандалик, улфатийлик ҳиссиётлари билан тўла меҳмоннавозликлар, сахийлик ҳақида тўлиқ сўйлайди ва ҳикоят сўнгида ўзининг машҳур байтларини айтади:

Хушдурур боғи кинот гули,  
Борчадин яхшироқ ҳаёт гули...

Навоий «Саъбаи сайёр»нинг бошқа ҳикоятларини ҳам худди мана шундай гўзал симметрия, уйғунлик, теран маърифатли фикрлар асосига қуради. Чунинчи чоршанба куни воқеалари мовий саройда ўтади. Ҳикоят сюжетини мовий муҳит — денгиз билан чамбарчас боғлиқ. Навоий денгиздаги жанг манзараларини, қароқчи Жобирнинг характерини, у яшайдиган оролни, Жобир билан Суҳайл ўртасидаги курашни ғоятда эҳтирос билан тасвирлайди. Сюжет чизиқларида афсонавийликдан кўра реалистик ҳаётийлик, сарғузашил руҳи кучли. Олтинчи иқлимдан келган мусофир эса машҳур Муқбил ва Мудбир қиссасини сўзлайди. Навоий қиссага тўғрилиқ ва эгрилик ҳамда уларнинг оқибати ҳақидаги ўз қарашларини сингдиради, сюжетни оригинал воқеалар билан бойитади. Бунда ҳам айрим воқеалар денгизда кечади. Шунини айтиб ўтайликки, Навоий кенг маконларни — биёбонлар ва денгизларни тасвирлашга бениҳоя қизиқади. Биёбон каби денгиз — баҳри муҳит ҳам унга ғоятда сирли бўлиб кўринади. Чексизлик муҳитидан азал сирларни ахтиради. Унинг қаҳрамонлари азал чексизлик узра ўз инсоний ҳақиқатларини топадилар. Навоий биёбонни тасвирлаганда қанчалик уста мусаввир бўлса, мовий муҳит — денгизни тасвирлаганда ҳам шунчалар моҳирдир. Еттинчи иқлимдан келган мусофир ҳикояти орқали биз Дилором ҳолидан огоҳ бўламиз. У Хоразмда яна ўз хожаси билан ғоятда сирли яшайди. Хожаси уни саҳродан қўтқарган. Дилором фақат бир одамга ўз сирини айтади. У келиб сирни Баҳромга сўйлаб беради. Баҳром ва Дилором яна топишадилар. Шунини бу ерда таъкидлаб ўтайликки,

Дилоромнинг Хоразмдаги ҳаёти ва унинг бошидан кечирганлари ҳақидаги ҳикоя ўзининг реалистик гўзаллиги, тиниқлиги, жозибадорлиги, рангинлиги билан ақлни лол қилади. Бу ҳикоятларни кенг ва батафсил таҳлил қилишни бошқа бир ўринга қолдириб, шуни таъкидлаб ўтайликки, Навоий ўз қаҳрамонларини бой фаолият майдонида кўрсатади. Уларнинг ҳаракатига кенг, ранг-баранг жозибадор муҳит яратади. Олам кезиш, олам кўриш, оламни билиш ва англаш, яхшилик учун кураш ва уни устивор этиш унинг энг яхши қаҳрамонларини биз ҳозирги замон кишилари кўз ўнгида ҳам ғоятда олижаноб ва доно қилиб кўрсатади. Навоий мақсадсиз, бемаъно қонлар тўкиш, урушлар қилиш, мазмунсиз лаззатпарастликда яшамокликнинг фожеаларини бутун даҳшати билан очиб ташлайди. Баҳром ҳаётининг сўнгги дамларида ер юзини оҳулар ва қулонлар, тирик маҳлуқларнинг қонига ботирди. Навоий ер юзини қонга ботириш картинасини бутун машъумлиги билан чизади. Улуғ символ яратади. Ўз даври одамларини ҳам, келажак наслларни ҳам огоҳ, ҳушёр бўлишга даъват этади. Унинг назарида қон тўкувчи ғолиб эмас, қон тўкувчи — қонга ботувчи, қон ботқоғида дом-дараксиз ғойиб бўлувчидир. Бу дунё адабиётидаги огоҳликка чорловчи ноёб саҳифалардандир. Навоий ҳам ҳар қандай нарсанинг чин баҳосини дардли муҳаббатдан қидиради ва айтиш керакки, топади. Шу билан инсон умрининг, интилишларининг мазмуни ва маъноси нимада эканлигини кашф этади. Навоий ўз дostonини тугатаркан, Баҳром умрининг маъноси ҳақидаги теран ўйлар ва изланишларнинг натижаси бўлсамикин, туш кўради. Тушида Баҳром ва саккиз гўзал намоён бўлади. Баҳром шоирга кўп гапларни айтади, ўзининг «уятлиғ» эканлигидан ёзғуради ва сўзини тугатаркан, шоир ҳақида шундай башорат қилади:

Санки мустаҳсан ўтти авқотинг,  
Яхшиликка чиқиб дурур отинг,  
Минг йил уммид эрурки, қолғайсен,  
Яхши от-ўқ жаҳонга солғайсен...

Навоий номи беш юз йиллар оша яхшилик рамзи бўлиб қолганлиги ва бу жаҳон халқлари томонидан эътироф этилганлиги Баҳром сўзларига далолатдир.

Аҳмад Отабоев

## ТЕРАН ТАЛҚИНЛАР

«Инсон — мўъжиза, ер юзидаги ягона мўъжизадир. Қолган барча ғаройиботлар эса унинг иродаси, онги, тафаккури самаралари, холос». Максим Горький шундай деган. Зеро, инсон — қўшиқ яратувчи, қўшиқ бўлиб куйланувчи ва унинг тингловчиси. Адабиёт — безовта руҳ интилишлари, изланишлари ва ижодий қудратининг қутлуғ меваси. Инсон адабиёт воситасида қалби ва тафаккури қаъридаги моҳиятни ва синоатларни, бинобарин, ўзлигини англайди, теран ифода этади. Адабиёт — инсон яратган мўъжиза, у баҳор каби тозартирувчи, уйғонтирувчи қудратга эга. «Санъатда одам ўзлигини англайди, кишиларни бир-бири билан боғлаган инсон ва табиат орасидаги муштараклик боисини тушуниб этади. Зеро, санъат инсон билан тирик» (Л. Якименко). Шу туйғайли адабиёт инсоншунослик. Бадий асардаги Инсон тасвири танқиднинг ҳамма даврлардаги энг долзарб, мураккаб ва қизғин мунозаралари сабабчиси, Бош масаласидир.

Проза инсон саодати ва бахтсизлиги, қудрати ва ожизлиги, меҳри ва қаҳрини табиат, жамият ҳодисаларига боғлиқ тарздагина тасвирлаш билан эмас, балки Одамнинг ўз имкониятларидан, вужудида яширинган «табиати», ҳам «жамияти»дан қидириш натижасида янада теранлашаётир.

70-80 йиллар коммунистик идеалларни қарор топтира боришда янги тарихий босқичлар бўлди. Гуманизм тушунчаси, эндиликда, моҳият эътибори билан яна ҳам чуқурлашди, инсон образини яратиш, инсонни тасвирлашга алоқадор ижтимоий, фалсафий, бадий-эстетик талаб ошди.

Инсоннинг тарихий тараққиёт мобайнидаги интилиш, изланишлари ўзини, ўзлигини кашф этиш экан, демак асримиз сўз санъатининг бош масаласи — Инсон! Бунинг ижтимоий бадий-эстетик талқинини адабларимизнинг етук асарлари воситасида кузатиш танқидчиликнинг диққат марказида. Ўзбек прозасининг умумиттифоқ адабиёти билан собитқадамлигини аксар адабларимизнинг баркамол асарлари мисолида яққол кўрашимиз.

Етук асар — танқидчиликнинг доимий эътиборида. Одил Ёқубовнинг «Диёнат», У. Усмоновнинг «Гирдоб» романи ҳануз мунозараларга сабаб бўлаётир. Уларнинг ютуқ ва камчиликлари мунаққидларнинг холисона таҳлилидан ўтган. Биз бу асарлардаги Инсон масаласига доир айрим жиҳатлар, яъни шахс фожиаси тасвиридан келиб чиқадиган хулосалар, шахс ва шахсизлик, бунинг сабаб ва оқибатлари талқини борасида мулоҳаза юритмоқчимиз. Асосий эътиборни фожиавий характер таҳлилига қаратишимизнинг боиси бор. Назаримизда, танқидчилик бу характерлардаги бақувват оптимистик томирларни сезмагандек, бу теран томирларнинг ҳаётбахш социалистик реализм ижодий методидан баҳрамандлигини англамагандек. «Диёнат» романи изчил таҳлил этилган забардаст мақолалардан бирида қаҳрамоннинг «қадрсизланишида бирор маъно йўқ», дейилади. Шу каби мунозарали фикрлар Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романи борасида ҳам айтилди.

Улкан тарихий воқеалар инсон дунёқарашида бурилишлар ясади. Илғор ғоялар заминига қурилган шахснинг ижтимоий фаолияти ва турмуши янгича ҳаётий принциплар асосида кеча бошлайди. Бу принципларнинг прогрессивлиги шахсни давр суронларига фаол аралашшга, курашнинг олдинги сафида боришга даъват этади. «Диёнат» романининг қаҳрамони Нормурод Шомуродовни «тирик тарих» деса бўлади: мадрасадалигида «қишлоқда дўкондорлик қилган оталари сингач... бир кундаёқ мулла мирқуруқ муллавааччага айланиб, мардикорликка кетганлар. Мардикорликдан большевик бўлиб қайтиб, қишлоқда қулоқларнинг додини берган... Москвага ўқишга кетиб... биринчи сув инженери бўлиб қайтганлар». Булар барчаси Шомуродовни — Инсонни тоблаган суронли давр ҳодисалари.

Шомуродов кўп хотирлайди. Баъзан тамомила ўтмишига «ўтиб олиб» ҳар бир қадамни кўздан кечиради. Инсон умрнинг қайси палласида номувофиқ шароитга тушса, унда ички драматизм, муҳитни тушунишга ҳаракат кучаяди. Бу ўринда шахснинг ҳаётий маслағи

доимий ўзгаришдаги турмуш шароити билан мос келиш-келмаслиги масаланинг, жумладан Шомуродов характеридаги зиддиятнинг асосини ташкил қилади.

Шомуродов ҳаётга кўп нарса берди: кўз очиб, қулоқлар билан қонли жангларга киришидан кўз юмаётиб ҳам замондошларини диёнатга чақирishi... умр мазмунини ташкил этади. Илми манфаати йўлидаги бир восита деб биладиган Миробидов унинг кўз ўнгига «фан доктори»га айланади. «Урушда қон кечиб юрган» ўғли Жабборнинг севгилисини йўлдан урган, бинобарин умрига зомин бўлган Жамол Бўрибоев эса фронтдан «кўкси орден-медалларга тўлиб, эсон-омон қайтиб келди! «Бу одам келиб-келиб, Шомуродов ишлайдиган соҳага министр муовини» бўлди.

Хуллас, шароит таъзики шуни тақозо этдики, Шомуродов ё атрофидаги кимсалардан ажралаб бўлса-да, ўз принциплариға содиқ қолади ёки эътиқодини қурбон қилиш эвазига нопоклар билан келишиб яшайди.

Эътиқоддан воз кечиш Шомуродовнинг табиатиға зид. Қаҳрамоннинг фикрлаш тарзи — маънавият мезони шуни тақозо этади. Эътиқодға собитлик эса олимнинг аҳволини янада оғирлаштиради. Илмий кенгашда Ҳайдарнинг кандидатлик ишидаги камчилики рўй-рост айтиб, жияни Отақўзи билан кескин тўқнашди. Нодон Отақўзи тарафида тургани учун хаста Гулсара аяга мушт ўқталиб таҳдид қилди, оқибатда сўнги таянчи — умр йўлдошидан ҳам ажралди. Фожиа зарбаси Шомуродовни ўйлар, хотиралар гирдобига улоқтирди. Қаҳрамон руҳий тушкунлиги фақат шу қайғу оқибатигина эмас, балки нобоп шароит доирасига сиғиша олмаганликдан, фожияларнинг асосий сабабини топиш истаги туну кун безовта қилиши-дандир.

Қани у — «неча тўфон ва довуллардан эсон-омон» олиб ўтган метин ирода? Хўш, нега Шомуродов «ёшини яшаб, ошини ошаганини кўп гапирадиган» бўлиб қолади?

Инсон табиати мураккаб. Кишида маълум бир пайтгача такомиллашган интеллектуал хусусиятлар ўша давр шароитининг маъсули. Ҳаётда алам, ситам қуриш, риёзат чекиш шахс табиатида ғайри одатий хислатларни шакллантирганда эди, юксак инсоний фазилатлар борасида гапириш ортиқча бўларди.

Шомуродов умр интиҳосида бир мунча маънос, ҳорғин. Бироқ катта ҳаёт оқими суронли: бунда яшаш, яратиш иштиёқининг залворли гулдуриси буткул ўзгача. Шу гулдуросли оқимнинг олдинги сафида унинг жияни Отақўзи «миллионер раисларға хос виқор ва дабдаба билан» бормоқда. «Виқор ва дабдаба» сифатлари Отақўзига адибнинг кинояси эмас, балки қаҳрамон характерида, унинг жисмидаги бир аъзо янглиғ, ўзи учун ҳам, ўзгалар назарида ҳам табиийлик касб этган хусусиятлар.

Отақўзида шуҳратнинг ноҳуш шамолидан яллиғланган шахсиятпарастлик яраси кун сайин газакланади. Колхоз раиси район раҳбарлариға кўл силтаб, обком, ҳатто министрлик билан алоқа ўрнатади; коллективнинг ишбилармон йўлбошчиси унинг хўжайини қиёфасини олади. Шахсий «тажриба»сини оилаға, хусусан ўғли Ҳайдарға сингдиришни бурч деб тушунади.

Ҳаётда барча хоҳиш-истаклар силлиқ кўчавермайди — Отақўзи иродасига терс воқеалар рўй берди. Илмий кенгашда Шомуродов битта савол билан Ҳайдарнинг «ишини бузади». Отақўзи бунинг сабабини йўқ жойдан «топади»: гўё тоғаси Миробидовға аччиқ қилиб, ўз жияниға тўсиқ бўляпти! Унинг адолатсиз таънаси кеска олимни хун қилиши табиий. Шу боис Шомуродов: «Нодон! — деди қандайдир аламли товушда. — Нодон!..» Товушнинг «аламли» чиқишида маъно бор. Шомуродов Отақўзини жияни бўлгани учун эмас, буюк ўзгаришлар давомчиси, йирик хўжалиқнинг йўлбошчиси бўла туриб, ўзи сезмаган ҳолда, тор оилавий манфаатлар йўлида диёнатини қурбон қилаётганидан изтироб чекади...

Романдаги образлар типиклигини инкор этмасак, воқеалар тасвири — ҳаётий ҳодисаларнинг бадиий инъикоси деб қарасак, ҳурматли олимларимиздан бири айтган «микро муҳит» — турмушдаги айрим расмиятчилик, кўзбўямачилик каби иллатлар, назаримизда, «макро»лашишға интилаётгандек. Буни қалбдан туйган Шомуродов чуқур ташвиш чекади, қийналади. Тобора мураккаблашаётган муносабатлар унинг курашчан руҳини сўндиргандек бўлади.

Миробидовлар-чи? Ҳаётда қийинчиликларға чап бериб, оқимға мослашиб «сузиш» бу тоифа фаолиятининг мезони. Улар онги турмуш мураккабликларидан йироқда. Миробидовлар тафаккури, фаолият доираси майда-чуйда манфаатлар билан чегараланиб қолган. Бу каби кимсалар учун «фаолият» имкониятлари гоҳо пайдо бўлиб қолади.

Миробидов дейди: Шомуродов «таёқдай тўғри бўламан, деб ҳаётда жуда-жуда чақилиб» қолган, бироқ «ҳаётнинг сабоқларидан тузук бир хулоса чиқара олмаган». Шомуродовни эслаш Миробидовда ташвиш туғдиради, у ҳадиксирайди. Мана шу ташвиш, ҳадик замирида Шомуродов эътиқодининг қудратини ҳис этамиз.

Ҳайдарнинг диссертацияси ҳимосида Шомуродов билан Миробидов сўнги марта тўқнашади. Сўнги марта Миробидов «ўзлиги»ни тасдиқлайди: Диссертантға машаққатли, аммо тўғри йўл кўрсатилган бир пайтда у сўз олиб, устамонлик қилади — илмий жамоатчиликни чалғитиб, оқова сувлар масаласида «Ғарбға қараб иш туттишға» қарши фикр билдириб, аудитория диққатини Шомуродов саволидан узоқлаштиради. Суханбозлик билан у ўтирганларни «маъв» этади, «тантана» қилади. Шомуродовни «на биров зиёфатға таклиф қилди, на кузатиб қўйди», якка ўзи «букчайганча автобус бекатиға кетди...»

Бу каби ҳодисалардан сўн у қай ҳолатда бўлмоғи кёрак? Денгиз тўлқинлари узоқ йиллар давомида қояни емиргандек ҳаёт машаққатлари ҳам, шубҳасиз, инсон бардошиға ўз таъсирини ўтказади. Айримлар машаққатнинг илк ҳамласидаёқ ўқаланиб, асов тўлқинлар қомида қолиб кетишса, Шомуродовлар унға басма-бас келиб, узлуксиз олишадилар. Бироқ тинимсиз кураш метин иродали кишиларни ҳам гоҳо толдиради. Лекин мағлуб этолмайди. Эришиш лозим бўлган идеалнинг маёқдай ярқираб туриши, унинг муқаддаслиги Шомуродовларни доимо руҳлантириб турадиган омилдир.

Агар Шомуродов пессимист бўлганда, назаримизда, у ҳақидаги ҳикоя романинг

биринчи қисмидаёқ тугарди. Умр йўлдошининг ўлимида ўз «улуш»ини ҳис этиш Нормурод ота тақдирга сўнгги нуқта қўймоғи мумкин эди. Бироқ-у фожиянинг туб моҳиятини англаб етати. Дарҳақиқат, нодон Отақўзининг оёқларида топталаётган диёнат, инсонлар қалбидаги инсофу имонни тождор турна каби йўқотишга шай Бўрибоевлар-у, Миробидовларнинг қилмишлари, бу нобоб муҳитнинг Шомуродов тилига тутқазган алам тийғ Ая фожиясининг асосий сабабчиси. Шомуродов бу қайғу зуридан борлиққа қўл силтамайди, тарки дунёчиликка берилмайди. Адиб шунчаки тенденциозлик оқибатида уни «салкам ўн минг жилд китоб» билан қишлоққа «кўчиртириб» келгани йўқ. Бунинг табиийлиги, ҳаётийлиги Шомуродов қалбида тугаб битмас курашчанлик, келажакка ишонч туғайлидир. Қаҳрамон интилишлари, ирода қудрати тасвирининг реаллиги турмушимизда соф туйғулар мардона курашининг мавжудлигидан. Шомуродовнинг: «салкам ўн минг жилд китоб!.. ёшларга улаш. Ўқишин. Баҳраманда бўлишин!» каби ўз-ўзига далда бераётгандай туюлувчи фикрлари қаҳрамон характеридаги енгилмас пафоснинг аниқ, ёрқин ифодасидир.

Хотираларнинг аччиқ изтиробида қоврилган, қалби келажакка ишонч, эзгу-ният билан тўлуғ Шомуродов қишлоққа келади. Қишлоқ ва унинг серташвиш одамлари яшаш, яратиш билан банд. Отақўзи ўғлини уйлантириш, қизини чиқариш, ўғит, қурилиш материалларига доир можароларни тинчлиш билан овора. Хатти-ҳаракатлар оқибати йўлида гўё жарлик пайдо этган «қил кўприк»дан ўтишнинг мушкуллиги эса қалбида афсус-надомат, тушқун кайфият уйғотган...

Асар воқеалари давомида Шомуродовнинг Қудратхўжа билан олишуви, Қудратхўжа нутқидаги надоматнинг («Ана инсоф-у, ана адолат!.. Адолат қачон бўптики, энди бўлсин!») аслида нотўриклигига қарамай, айни вазият учун ҳақлиги, ҳовли можаролари юзасидан тоғажиянинг кескин тўқнашувлари тасвири характерларга сингдирилган гоғани ёрига боради.

Бу каби ситуациялардан англаймизки, «ҳамма ҳақиқат ҳам дегули эмас»лигига амал қилмовчи Шомуродовнинг ҳақиқатчилиги қаҳрамон характерида тошдай қотган аллақандай принципларнинг кўриниши эмас. Биз моҳиятни характернинг чапанилигидан эмас, кишилар психологиясида кескин зиддият туғдирувчи тафовутдан изламоғимиз лозим.

Отақўзи Шомуродовни қисман бўлса-да тушуниб, масалалар бафуржа киришиш учун муайян шароит яратма олмайди, ҳатто буни истаган тақдирда ҳам.

Шомуродов турмушнинг «майда» камчиликларидан ўзини четга олиб, «улуғ орзуси» — маърифатчилиги билан шуғулланса бўлмасмиди? Агар характер мантиғидан келиб чиқадиган бўлса, қаҳрамон фаолияти кўламини бу тарзда чегаралаб бўлмайди. Маърифатчилик унинг ички эҳтиёжини қониқтирмайди. Шу сабабли, қаҳрамон айрим ҳолларда ҳаракатсиз; истақлари ҳаёлда кечади ва бу табиий.

Адиб ҳаётдаги қарама-қаршиликларни бошқа бир образ — Шукуров характеридаги диалектик ривожини қаҳрамон руҳига таъсир этган факторларнинг ҳаёлидаги ифодасида акс эттиради. Миробидов Шомуродовни эслаб: «Замондан орқада қолган, ўта кўрс, ўта бадфеъл одам», дейди. «Қайнатасининг оғзидан чиққан «бадфеъл» сўзи домла Шомуродовнинг бояғи мағрур хитоби олдидан шундай хунук эшитилдики, Аброр Шукуровичнинг юзи буришиб, ерга қаради...»

Китобхон асар давомида Шукуров Шомуродов билан биргаликда, ҳамфикр бўлиб ҳаракат қилишини орзиқиб қутиши табиий, албатта. Кекса коммунистнинг тўқнашувлар зарбидан омон қолишини истаган киши қалбида шундай самимий туйғу кечиси аниқ.

Мана уларнинг сўнгги учрашуви: «Шукуров қайнатасини чиқариб юбориб, ёлғиз қолиши, ўйчан нигоҳи, овозидаги мулойимлик — бунинг ҳаммаси унинг самимий гаплашгиси (Шомуродов билан — А. О.) келаётганидан далолат берарди. Бироқ... домла унга нима дейди? Отақўзини ёмонлайдими? Миробидовни илм даргоҳидан оқ қилиш чорасини гаплашадими? Гуноҳларини зиғирча ўйламайдиган Бўрибоевга сиртдан ҳукм чиқаришга чақирсинми?»

«Домла индамади». Улар бир-бирларининг дардини чуқур ҳис қилишади. Шукуровнинг нажот истаб келган қайнатасига «ўттизинчи йиллар ўрталарида» қилган тўхмати учун Шомуродов номидан берган маънавий зарбаси («Ҳар ким экканини ўрсинда, эндиликда!») курашининг мантиқий давомидир.

Шомуродовнинг Отақўзига айтган сўнгги сўзларини эсланг: «О, жиян, жиян!.. Бўлиб ўтган шунча ҳангомалар сен учун бир сабоқ бўлур, деб ўйловдим. Надоматлар бўлғайким, сабоқ бўлмабди!» «Шунча ҳангомалар»нинг Отақўзига сабоқ бўлгани, қолаверса, кишиларимиз дунёқаршидаги, хулқ-атворидаги тузалувчанликнинг қийин кечаётганини чуқур ҳис қилиш Шомуродов характеридаги бош йўналишини таинлайди.

Шомуродовнинг Аброр Шукуровичга, Отақўзи ва Ҳайдарга ёзган хатларидан англашиладики, кекса коммунист ижтимоий турмушимиздаги мураккабликлар, зиддиятлардан қатъий назар, келажақ ҳақида ёрқин хулоса чиқаради, бу қувонарли ҳолдир. Чала қолган ишларини барча интилиш ва орзуларини рўёбга чиқарадиган кишилар борлигига ишонч руҳи билан сўғорилган хатлар Шомуродов характеридаги улкан оптимистик қудратдан далолат беради.

Яхшилик қуроли — диёнат! Диёнатли шахс кураши, интилишлари бесамар кетмайди. Шомуродов, энг аввало, Отақўзининг табиатидаги ўзгаришга замин ҳозирлади. Отақўзи «эндиликда инсофу адолат, диёнат, ҳалоллик ва яхшилик тўғрисидаги ўйларини рўёбга чиқариши лозим»лигига китобхон ишонади. Бу — мушкул, аммо рўёбга чиқиши шарт бўлган инсоний бурчни «Отақўзининг ўз виждони ҳам тақозо» этишига етарли асос бор.

Адибимиз Нормурод Шомуродов образига қисман намунавий сифатлар сингдиргани характернинг ҳаётийлиги, типиклигига путур етказмаган. Қаҳрамон типиклигининг ижтимоий моҳияти, реаллиги шундаки, жамиятимиз бугунги тараққиёт босқичида — ички қарама-қаршиликлар даврида ўзининг юксак эътиқодли, содиқ фарзандларига эга.

Нормурод Шомуродов тақдири олдидан, унинг ўстидан ўқилган «ҳаётнинг раҳмсиз ҳукми олдидан ҳалоллик, диёнатни ўйлаш» минглаб ватандошларимизнинг гражданилик бурчидир.

«ИНСОН фалсафий ШАХС тушунчасидан кенг, — деб ёзади таниқли адабиётшунос С. М. Петров. — Бироқ адабиётнинг иши индивидуал инсон, жамиятнинг аъзоси сифатидаги шахс билан боғлиқ. Бадиий асардаги инсон тақдири шахс ва жамият муносабатлари тарзида гавдаланади». Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романида мураккаб шароитдаги чигал қисмат тасвирланган.

Асар диалектик фикрлайдиган тирик онгнинг янги ғоя йўлида догмага қарши кураши ҳақида. Воқеалар Салтанат ҳақидаги ҳикоялардан бошланади. Китобхон илк сифафалардан Салтанатдаги шахсизлик аломатларини илғаб ола бошлайди: «Ози сажин, кўзлари киртайган, юраги торлиги шундоқ афтидан маълум; ўрта бўй, бир қараса — лўпигина, бир қараса — ушоқ болаларникидек нозик ниҳол...» Характердаги нотайинлиқнинг бу дастлабки кўринишлари унинг Азиз билан жанжалларида кенгроқ очилади. Жанжалларга сабаб — оиладаги айрим етишмовчиликлар, бироқ муҳтожлик эмас. Жанжаллар илдизи бошқа ёқда, асосий омил — Салтанатнинг «қиз пайтларидаги орзулари». «Орзулар» туфайли ўша чоғлардаёқ унинг онгида молпарастлик, худбинлик иллатлари томир отган.

Салтанатнинг ҳеч қачон ҳеч бир аниқ маслаги бўлмаган. Қизлигида ўйлайди: «Қайси институтга десаям — барибир: киравераман!» Оқибатда, фикрий субутсизлик, турмушга ўзгалар («опалари, акалари, кеннойилари») кўзи билан қараш, «хаёт неъматларидан тўйиб фойдаланишнинг қанчалар сурурли эканлигини» билиш — бор ақидаси. Шу боис, ҳеч нима билан ҳисоблашишни истамайди.

Салтанат характерини шакллантирган шароит Йўлдошга, Шорасулга ҳам хос.

Азиз оилада, институтда мана шундай кишилар билан муносабатда бўлишга мажбур. Биз институт ҳаёти тасвирдан англаймизки, бу даргоҳда қандайдир лоқайдлик, тўнглик ҳукмрон: коллективчилик, биродарлик, ҳамкорлик ўрнини «катталар»нинг шахсиятпарастлиги эгаллаган. Институт «портретиёқ» бундан далолат беради: «деразалари катта-қатта, туноқа томли, кираверишда қабарик гербли баҳайбат кунгураси ҳам бор. Аввал герб зарҳал рангга бўялган шекилли, ҳозирги сидирға оҳаклари қўчиб, олачалпоқ бўлиб, герблиги ҳам унча билинмайди». Бу деталлар институт ичидаги аҳволга — муҳитга ишора. Ичкарида ҳаммаси «тўртбурчак» — чегараланган, тўхтаган: «қаёққа қарасанг чегара, ҳошия. Анави ойнаванд кўргазмаларга қўйилган янги пахта навлари ҳам ҳошияланган. Ўтирган хона кенг бўлса-да, тўртбурчак. Қаёққа қарама, тўртбурчак».

Бу «тўғон» бошида Муҳиддин Жабборович ва Расул Оллоёрович ўтиришибди. Шу туфайли «оқимга қарши сузиш қийин...» Бир қарашда Муҳиддин Жабборович ҳануз фан йўлида заҳмат чекаётгандек кўринади, аслида-чи? Аслида аллақачоноқ фаолиятдан тўхтаган. Муҳиддин Жабборовичдаги шахсизлик унинг нутқида, айниқса, фикрлаш тарзида яхши очиб берилади; дастлаб у Азизнинг тахминларига ишонмади, чуқур ўйлаб кўрмай ноўрин хулосага келади. Азизнинг илмий гипотезасини муҳокама қилиш ўрнига ўзининг яроқсиз фикрини тикиштиради: «Сиз бу биздай тажрибали, суяги пахтада қотган одамларнинг сўзига кираверинг...» Бахтсизлик шундаки, Муҳиддин Жабборовичда ғоя ҳам қотган. Унинг учун энг оғири — эскирган ғоядан воз кечиш.

Догматиклик — жуда оғир иллат. Догматикларнинг энг хавфли томони ғояларнинг ўзгариши, ривожланиб бориши, тараққиёт таъқоси туфайли ҳатто инкор этилиши мумкинлигини тушунмаслик. Бунинг оқибатида улар безотиёр янгиликнинг душмани бўлиб чиқадилар.

Догматикларнинг қуроли — маддоҳ тил. «Илм аҳли, тафаккур кишининг ақл ишлатиб туриб янглишиши — кечирилмас ҳол. Бундай хатони тузатиш керак», — дейди Муҳиддин Жабборович.

У пайдо бўлаётган янги ғояни инкор қилмоқчи бўлади-ю, масалага теран илмий ёндошмайди, аксинча, ўз мавқеига таянади. Ва яна бир қуроли дўқ-пўписа: «Ахир, чўпчак айтаётганингиз йўқ-ку, бу — фан! Халқ хўжалигига, ваҳоланки, чиройли орзу эмас; дағал бўлса ҳам конкрет иш керак...» Муҳиддин Жабборовичнинг зўравонлиги Азизни эсанкиратади, чунки «уч йил давомида йиққан қиёсий маълумотлари, йилт этган умид уйғотувчи дастлабки натижалари» чиппакака чиқиш эҳтимолидан ҳоли эмас.

Шахсизликнинг зарарли кўринишлари Расул Оллоёрович ва Шорасуллар характерида намоён бўлади. Мўаллиф уларни тилидан «илдиради»: «Сиз ақали йигитсиз-ку, бунга тушунишингиз керак. Биласизми? — Шу ерда Расул Оллоёрович яна Азизга самимий кулиб боқди. — Яхши бузоқ икки онани эмади. Сиздан нима кетди! Чолга «хўп» денг-у, кейин ишингизни билиб қилаверинг-да!» Бироқ «икки онани» ҳам фақат Шорасуллар эма олиши мумкин. Зотан, улар ҳаёт деганда шахсий ҳузур-ҳаловатини тушунадилар, холос. Фаолият «тинч яшашда», бунинг учун Шорасул айтгандай: «қурт-қумурсқа билан ҳам мурсо қилишинг керак». Шорасул шундай қилади. Расул Оллоёрович ҳам. Улар «фалсафаси»нинг мағзи шундан иборат. Уларга фақат лаганбардорлик, хабаркашликка эмас, балки таниш-билишчилик, тарафкашлик, маҳаллийчилик ҳам хосдир.

«Гирдоб» романининг муваффақияти умум ва шахс манфаатлари муштараклигини бадиий тасдиқлаш, инсон ўзлигини англаш йўлидан бораётганини реал ёритилганлигидадир.

Азизнинг ўтмишига доир қисқа ҳикоялар унинг онги шаклланган шароит ҳақида яхши тасаввур беради. «Сергей Матвеевичга эса Азизнинг бошқа студентлардан ажралиб турадиган бир хислати — назарий қондаларни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки уларнинг ҳар бирига ҳаётидан бевосита изоҳ излашга бўлган интилиши ёқиб қолган». Азиздаги бу фаол муносабат унда шахсга хос хусусиятларни шакллантирган.

Қаҳрамон характеридagi етакчи жиҳат — прогрессив шахсларга хос хусусиятлар диалектик фикрлаш тарзида кўринади: «у таваккал қилаётгани йўқ! Тўғри, ирсият қонунига мувофиқ бир организмнинг айрим белги-хусусиятлари наслдан наслга ўзгармаган ҳолда ўтади... Лекин ташқи шароит таъсирида, бир ёки бир неча нисбий зарраларнинг ўзгариши билан ўша белги хусусиятлар бошқа хоссага айланиши ҳам мумкин!»

Шахсга хос хусусиятлардан яна бири — ўзгалар ноғорасига ўйнамаслик. Мана, Азизга Салтанат кўрсатган йўриқ: «Кечагина келган Шорасуллар ҳам ҳадемай ишини битириб



кетади! Бу авлиё «сувдан тиниқман», деб қуруқ ўтиб кетаверади». Муҳиддин Жабборович маслаги: «...Азизхон, қайсарлик қилмай, хаёлпарастлигингизни йиғиштириб, ваҳоланки, бўладиган ишга қўл уринг. Ёввойи пуштан ҳеч қачон натижа чиқмайди».

Азиз бу «таълимот»ларни қабул қила олмаганидек, ўз ақидасидан ҳам воз кечолмайди. Икки ҳолат ҳам шахссизликка — ўзлигини йўқотишга олиб келади. Ваҳоланки, Азиз эр, ота сифатида ҳам яшаши керак...

Муаллиф умр моҳиятини шундай тушунади: инсон ўзи учун эмас, ўзгалар учун яшамоғи керак. Бу фикрдан, киши ўзлигидан воз кечиши керак экан-да, деган маъно чиқмайди. Ўз бахтини таъминлайдиган имкониятдан ўзгалар саодатини таъминлашга интилиш, фидойи бўлиш асар қаҳрамонининг юксак гражданлик позициясини англатади. «Ўз фаразимни, қолаверса, ўзимни синаб кўраман. Турган-битганим, эътиқодим шу менинг! Ё донғим чиқар, ё чангим!» дейди Азиз.

Турмуш тарзимиздан келиб чиқадиган бўлсак, Азиз фаолиятида жамият манфаатига зид нарсаси йўқ. Аксинча, жамият минглаб Азизларнинг манфаатини кўзлайди. Романдаги конфликт, унинг ечилиши масаласини танқидчиларимиз турли хил изоҳладилар. Бироқ, адибнинг энг қимматли «ечими» ҳам мавжуд. Бу — шахс ва жамият орасидаги муносабат масаласидир.

Азиз ўзидаги инсоний сиймони шахсий бахтсизликлари эвазига сақлаб қолади. «Азиз ўзини дадил тутишга ҳар қанча уринмасин, бари бир бу иш қўлидан келмасди». У соғлиғини, оиласини йўқотди, фожиага учради. Ҳузур-ҳаловати ва оилавий бахтини шароит қолига ташлади. Унинг имкониятида инсоний сиймосини асрашнинг бирдан бир йўли шу.

Адибнинг шароит ва характер диалектикаси тасвирида тутган позицияси шундай: Азиз ўз-ўзича яшамади. Шу боис бу образ талқини китобхонларни маънавий баркамол бўлишга чорлайди. Китобхон Азизнинг бардошига ишонади, унинг жасоратини ҳаммадан ҳам талаб қилиш мумкинми? Бугунги шароитда ҳар бир киши Азиз забт этган юксакликка интилоғи керак. Шундай ижтимоий-тарбиявий мазмун романнынг актуаллигини таъминлаган. Зотан, шахс-адиб тушунчасида — жамият қадрлаши, ўз муҳофазасига олиши керак бўлган зурриёд. Шахс яшаётган шароит кўпроқ шахссизларга мослиги тасвири бизда шубҳа уйғотмайди. Азизлар кўрсатган қаҳрамонликни шарафлар эканмиз, бу — улар фожиаси эвазига келаётганлигини чуқур англаб етамиз.

Адабиётимиздаги йирик асарлар ҳаётни бор мураккабликлари билан тасвирлаётган экан, ҳулосалари билан замонавий буржуа адабиётининг фалсафий-эстетик принципларига тамомила қарама-қаршидир.

Демак, ҳар иккала асардаги шахс фожиаси моҳият эътиборига кўра фидойиликнинг, курашчанликнинг теран гуманистик талқинидир.



## Туташ соҳиллар



Какимбек Салиқов. Жезкийик. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил.

Тоғу тош, дашту далаларда ёлғизоёқ сўқмоқларни кўргансиз. \* Сабр-тоқат измидан бориб, катта равон йўлга чиқиб ҳам олгансиз. Гоҳо шундай бўладики, улар тоғу тошлар бағрига хаёл янглиғ сингиб кетадилар. Изни йўқотасиз. Шавкатли Ирода тоқатни қайта оёққа турғизади...

Умр йўллари ҳам ёлғизоёқ сўқмоқларга ўхшайди. Ибтидо ва интиҳоси бор. Йўллар ҳамиша бир-бирига туташ, инсонлар эса ўзаро мулоқотсиз яшай олмайди.

Какимбек Салиқовнинг яқинда Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Жезкийик» китобидаги «Кўприклар» шеърини ўқиганингизда шу фикр хаёлингиздан ўтади. Шоир кўприкка фақат йўллар соҳилларни эмас, эллар ва юртларни, инсонлар қалбини боғловчи рамзий маъно юклайди. Бу рамзий образ совет халқининг бунёдкорлик ишлари, тинчлик, дўстлик ва меҳнат асосига қурилган турмуш тарзини равшан ифодалайди.

Кўприклар қурдик биз кўркам, муҳташам,  
Туташтириб не-не соҳил-сарҳадни,  
Бизлар мамлакатлар аро мустаҳкам  
Ишонч кўприкларини ўрнатдик.

Ғурурли авлодларнинг шарафли меҳнати Сибирь сийнасини очди. Бепоён Ватанимиз йил сайин кўркамлашиб, гўзаллашиб бормоқда.

Уларнинг толен бутун, нақд бўлур,  
Кўприк курамаклар улар самога —

дейди шоир келажак авлодлар ҳақида ишонч билан.

Қувончли кунларда инсон оғир дамларни ҳам эслайди. Донишмандлардан бири айтганидек, «севинч эздан чиқади, қайғу унутилмайди». Шоирнинг лирик қаҳрамони табиий ҳолда «уфқларда оташ ловиллаб», чор-атрофни «кулфат» қоплаган кезларда портлатилган кўприкларни эслайди. Уларнинг кўпи тикланди. Соҳиллардан сарҳадларгача, манзиллардан мамлакатларгача яна беҳисоб кўприклар билан боғланди. Лекин қалблар — юраклар орасидаги кўприклар-чи?! Уларни ҳам беистисно тиклаш мумкинми? Шеър ўйга толдиради...

Бинобарин, шеърнинг ўзи нима? Шоирлик-чи?

Боғбон боғ яратади. Ундаги ҳар гулнинг гунчасию япроғида қанча мазмун, қанча мақсад яширинган. Боғнинг ҳосили — гул билан мевани кўрганингизда кўзингиз қувнайди, кўнглингиз яшнаб кетади. Боғ, бу — гўзаллик, тароват. Шунингдек, у гуллар, шарбату мевалар ҳамдир. Демак, у — ризқ.

Гуллар ва мевалар шифобахшлик хусусиятига ҳам эгадирлар. Демак, инсон меҳнатидан яралган боғ шу инсоннинг ўз ҳаёт-маишати, роҳат-фароғати, соғлиқ-саломатлиги учундир. Шу маънода шеърят боғу шоир боғбондир. Тўпламдаги «Боғбон манзумаси» шеъриси ана шундай теран маъноли поэтик фикр шоирона ифодаланган.

Шоирнинг ақлу заковати, ҳис ва тафаккури, ор-номуси ўзга мамлакатларга юборган мухтор вакиллари дидир. Муаллифнинг «Авезовга ташаккурим» шеърисидаги ибратли воқеа шу фикр асосига қурилган. Ҳар қандай ҳолда ҳам у ўз оламини «сўз, хаёл рангидан» яратади («Абайга»). Тўғри, у ҳам ҳамма қатори оддий одам. У севади, қувонади. У ҳам хафа бўлади, қийналади. Лекин у севса, бутун борлиғи, вужуди билан севади. Ёнса — тутмайди, ловуллаб ёнади. Нафрати ҳам севгиси сингари буюк. Ҳар қандай разолатни, ҳар қандай хиёнатни бошқа кишига қараганда равшанроқ, теранроқ англайди. Энг муҳими, ўзгаларнинг бахти ва бахтсизлиги, қувончи ва дарди унга ўзиникидан қура юз чандон яқинроқ, тушунарлироқдир. Шунинг учун ҳам шоир ҳақиқат йўлидаги узлуксиз курашининг доимо олдинги сафида. Унга бошқача тақдирнинг кераги ҳам йўқ. К. Салиқов ўз шеърларидан бирида шоирлиқни шундай теран талқин қилган эди. «Жезкийик»даги шеър ва дostonларни ўқир экансиз, қозоқ далаларидаги кенглик ру-

ҳингизга ингандек бўлади. Дўмбиранинг жанранг овози кулоғингиз остида эшитилиб кетгандек. Оҳангдор сатрлардаги жайдари, деярли бепардоз ифода эса самимиятга чорлайди. Шоир ўз халқининг мухтор вакили эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шоир она диёрининг кўрку тароватини завқу шавқ билан куйлайди. Қалбида бир умр муҳрланиб қолган ёшлик хотираларидан сўзлайди. Қалбининг аллақайларида хануз сақланиб келаётган кўшни қизни ёдга олади...

Бу — Ватан тушунчасини англатиш учун бир чизги. Ватан ҳеч қачон мужмал, ноаниқ тушунча бўлган эмас. У ҳамisha муъйян. Шоирона чизгилардан олис келажак сари салобатли одим ташлаб бораётган карвон — Социалистик Ватанимиз намоён бўлади.

Шоир яшаган, ишлаган Жезқазған ва унга келиб туташадиган Бойқўнғир ХХ асрнинг заковати ва жасорати бўлмиш буюк космик парвозларга гувоҳ. Бу номи шоир айрича эътиқод билан тилга олади. Жезқазған йигитларини «Прометей»га қиёслайди («Жезқазған»). «Фазогирлар ва кончилар» шеърида эса бири осмон устида, бири замин остида меҳнат қилаётган бу икки касбни кўнглига яқин тутайди. Илҳом манбаини уларнинг қалбидан излаш лозимлигини айтади.

«Чўпоннинг жавоби» шеърида космонавтлар Артюхин ва Попович парвоздан сўнг овулга меҳмон бўладилар. Кекса чўпон уларга қимиз тутайди. Ҳазил-мутойиба авжига чиқади. Қаҳқаҳа узилмайди. Космонавтлар чолга миннатдорчилик билдириб, қозоқлар одатича, оқсоқолга таъзим қилиб хайрлашадилар. Чол соқолини силаганча ўйга толади. Чўлга, сўнг шаҳарга кўз ташлайди. Хаёли бир армонга фарқ бўлади:

**«Э, буларни кўрса эди бир бор Ленин.»**

Тўпلامда доҳий Ленин ҳақидаги шеърлар анчагина. Лекин уларда доҳий шунчаки таъриф қилинмайди. У бирор жой, тарих муносабати билан тилга олинади. Баъзан номи айтилмаса-да, гап у ҳақда кетаётганини англаб турасиз.

Шоир шеърларида хос яна бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш лозим. У ифода, услубда ҳам миллий заминдан узоқлашмайди. Хусусан, «Айналайин»даги энгил мутойиба, «Жезкийик»даги феъл-қофияларга кенг ўрин бериш (таржимон буни сақлаб жуда яхши иш қилган), «Дўмбира» достонидаги термаларга яқинлик буни яққол намоён этади.

К. Салиқов шеърларида дўстлик мавзуи мумтоз ўринини ишғол этади. Қондош-қариндош, тақдирдош ўзбек ва қозоқ халқининг қадим дўстлиги ҳаммага аён: «Бир саҳрода яшаб, бир дарёдан сув ичган» (Ғафур Ғулום) бу икки халқнинг дўстлик тарихини титкилашга зарурат йўқ:

**Тарих кавламоқнинг зарурати йўқ,  
Бир майизни бўлиб еган эллармиз.  
Бобом ҳар кун ўзбек дўстига муштоқ —  
Илиниб асраган энг ўткир қимиз.**

Инқилоб ҳар икки халқни аввалгидан ҳам яқинлаштирди. Боболар орзуси ушалди.

Дўстлик ўзанлари мангу бирлашди. Шоирнинг «Тошкент ҳаяжонлари», «Тошкент», «Буюк карвоннинг бир қисми», «Боғбон манзумаси» каби қатор шеърларида, «Хонатлас» поэмасида шулар ҳақида фикр юритилади. Муаллиф совет халқлари оиласида туғилган порлоқ Ватанга ҳавас билан боқади. Тошкентни қайноқ илҳом билан таъриф этади. Шаҳар четидаги тақир, ўйдим-чуқур бир жойда илоҳий бўстон — Шредер боғининг яшнаб турганини кўриб, ундан катта ибрат ва маъно топади. Шуларга кўра «Жезкийик»даги бу туркум шеърлар икки қардош халқ дўстлигига, икки қардош адабиёт ҳамкорлигига самарали хизмат қилди. Бу жиҳатдан тўпلامдаги «Хонатлас» достони алоҳида эътиборга эга.

Достонда атлас ўлкамиз табиатининг, халқимиз ақлу заковатининг рамзи сифатида талқин қилинади. У мазмун ва оҳангига кўра ҳам рангдор, оҳангдор бўлиб, «Ҳақиқат» ва «Ҳикоят» аталган ихчам икки бобдан ташкил толган. Шоир дастлабки бобда Тошкентга келиб айланганини ифода этади ва сўзни зилзила таассуротларига буради. Шундай офатни энгиб, шаҳарни янгидан бунёд этган халқни, дўстликни улуғлайди. «Бир ғўзада ўн беш кўсақдай яқдил» ўн беш республикани шарафлайди. Сўнг Тошкент меъморидан изн сўраб, хонатласни куйламоқчи эканлигини айтиб мақсадга ўтади. Дарҳақиқат, шоир айтганидек:

**Хонатлас, бу мағриб-машрикқа машҳур,  
Ўзбек қизин**

**хонатлас  
кийганда кўр!**

Ўзбек қизининг хонатласни бу қадар эъзозлаши сабаби нимада? Шоир шундай изоҳлайди:

**Қотиб қолган куй бу  
турфа ранг ичра,  
Нақши ёнар  
ранг ичра, оҳанг ичра...  
Бу афсундир,  
бу сеҳрдир,  
бу сирдир...**

Унинг нақшлари мумтоз, беназир — унда Улуғбек хандасаси зухур этилган. Рангларида навбахор ранг талашади. Негаки, улар бағридаги ҳаяжонлар Навоий ғазалидаги эҳтирослар тўлқинидан кўнган. Йўқ, у мато эмас, у — достон, у — ғазал. У парқув булутлар узра сузаётган шоирлар, олимлар армони. Гап яна ранглар, оҳанглар ўйинига кўчади. Навоийнинг «Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил, Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг яшил» матлабгаи машҳур ғазали эсга тушади. Хонатласдаги турфа ранг дарду аламдан, меҳнат, машаққатдан вужудга келган. «Ҳикоят» шунга ишора қилади:

Етти пушти атлас тўқши билан ўтиб, ўз иши билан машҳури замон бўлган Аббос номли бир киши бор эди. Бир кун хон унинг хузурига хомуш кириб келибди. Матоларни секин кўздан кечирар экан, нигоҳи Аббоснинг қизи Хурсанойга тушибди. Кўрибди-ю, тенгсиз гўзаллик олдида хаёли сочилиб, кўнглига ёвуз ўйлар келибди. Лекин Хурсаной хонга дадил боқибди. Бундан хон бир лаҳза довдираб қолибди. Сўнг ўзини қўлга олиб Аббосга атлас тўқишни буюрибди. Шундоқ атласки, унақасини дунё кўрмаган бўлсин. Хон гаровга

Хурсанойни олиб кетибди. Аббос ранг излай-излай ҳолдан тойибди. Ногаҳон Тошлоқ отлик кўл устидан чиқиб қолибди. Кўлда сулув хон-балиқ сузиб юрарди. Унинг атрофида нафис кумуш шўълалар жилоланади. Тўлқинларнинг қиличи ўйнайди. Сув юзида қирмиз булут сояси акс этади. Ажиб суврат ва чизгилар жонланади. Аббос маҳлиё бўлиб қолибди. Кўзига ажабтовур нақшлар кўриниб кетибди... Ниҳоят, тўқувчи икки кеча икки кундуз деганда хонатласни хон олдига келтирибди.


Ўзбек атласининг поэтик образини ўзига хос бир усулда чизиб берувчи мазкур дoston шундай сатрлар билан яқунланади:

Таъзимим қабул этгил, ўзбек оға,  
Бу дostonим бўлсин сенга садоға.  
Хонатлас — мато эмас, бу қўшиқдир,  
Куйладим мен қозоқча шўх навода.

Босилиб чиқадиған ҳар бир шеър у китоб ҳам, шоир ташбеҳидан фойдаланадиған бўл-сак, муаллифнинг ўқувчилар қалби томон соладиған йўли, кўприғидир. Шунга кўр-иستهъодли қозоқ шоирининг мазкур китоби-даги теран, мазмундор шеърлар, дostonлар ўз самимияти билан минглаб ўзбек ўқувчилар-и қалбини забт этади.

Бегали ҚОСИМОВ

## Қизил Бухоро



Березиков Евгений. Қизил Бухоро. Биринчи китоб, «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент — 1983.

«Биз бугунни тушуниш ва келажакни кўра билиш учун ўтмишни сўроқлаймиз.» Буюк рус мунаққиди Белинский ўтган асрда ана шундай деган. Бу беҳуда айтилган фикр эмас, албатта. Ижод аҳли, ўтмиш мавзуга қўл уришда ана шундай мақсадни кўзлаши табиий.

Адабиётимиз тарихий мавзуда ёзилган бадий асарлар билан бойиб бормоқда. Бу соҳада серқирра ижодкор Евгений Березиков асарлари ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди. «Қизил Бухоро» романи шу жиҳатдан эътиборга лойиқ. Муаллиф ушбу асарда ўз кўлами ва аҳамияти билан ижодкорга юксак масъулият юкловчи мавзуга қўл урган. Асримиз бошидаги Бухоро амирлиги ва чор Россияси таркибидаги Туркистон ўлкаси халқлари ҳаётининг мураккаб қирраларини бадий акс эттиришга интилган.

Мазкур мавзуда устод Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Комил Яшин, Ақсад Мухтор каби ёзувчилар яратган асарлар унга тегишли ижодий озиқ берган, албатта. Евгений Березиков Бухоро амирлигидаги миллий уйғо-

ниш ва революцион жараённинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий заминларини бадий умумлашма образлар воситасида кўрсатишга ҳаракат қилади.

Романининг бош қаҳрамони ўзбек йигити Абдулла Асадўллаҳўжаев ва рус инқилобчилари вакили Владимир Нашчекиндр. Барча воқеалар ана шу икки образ ҳаракатига сингдирилган.

Қарши муфтийсининг ўғли Абдулла Петербургда ўқиб, ўша ерда университет студенти Владимир билан танишади. Улар дўстлашиб, ўз халқларининг тақдирини ҳақида ўйлаб бошлашади. Яширин марксистик тўғарак аъзоси Владимир полиция томонидан сургун қилинган Абдулла ҳам у билан она юртига қайтади.

Роман воқеалари 1910 йил атрофида ривожланади. Уша вақтда биринчи рус революцияси мағлубиятидан сўнг бошланган оғир реакция йилларида Туркистон ўлкасида ҳам полиция таъқиби кучайган. Амир Бухоросида ҳам мустабид тузум зулми авж олган. Бош министр лавозимидаги қушбеги Остонақул ва унинг амалдорлари меҳнаткаш халққа кўрсатётган жабр-ситамдан омманнинг сабр косаси тўлган. Бир уқун кўринса кифоя. Шиа ва сунна мазҳабидаги кишилар ўртасидаги тўқнашув шундай уқун вазиғасини бажарди. Бу диний можаро асли Остонақул қушбегига қарши бошқа ҳукмрон доиралар томонидан уюштирилиб, оқибати қонли фожиага олиб келади. Остонақул 1885 йилда амир Музаффар ўлимидан сўнг Абдулаҳадхонга Бухоро тахтини эгаллашида яқиндан ёрдам берган, у Ҳисор беги ҳамда қушбеги вазиғасида йигирма беш йил давр суради. У ўша 1885 йили Балжувон беклигида камбағал деҳқон Восе бошчилигидаги кўзғолонни бостирганидан сўнг мавқеи кўтарилиб, амир Абдулаҳаднинг ишончини тўла қозонади ва Бухоронинг ҳақиқий ҳукмдорига айланади. Олий табақага мансуб кўпгина амалдорлар ундан норози бўлиб, қулай фурсат кутишади. 1910 йилги қиргиннинг илдизи шу тариқа анча чуқур заминга тақалган эди.

Муаллиф Бухоро қирғини мавзунини бирмунча торроқ ҳажмда акс эттирса ҳам унинг асосий ижрочилари ҳақида маълум тасаввур беради. Абдулла ва Владимир Самарқандда бу қонли фожиани эшитишади. Шу ўринда муаллиф чор амалдорларининг Бухоро халқига муносабатини ҳам кўрсатиб ўтади. Маълумки, ўша вақтда Бухоро амирлиги чор Россиясининг протекторати остида бўлиб, бу ҳол 1868 ва 1873 йилги шартномаларда ўз аксини топганди. Амир фаолиятини назорат

этиш учун ташкил этилган Россия императорлиги сиёсий агентлиги (1885—1917) Бухоро халқининг амир ва унинг амалдорлари томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинишига бефарқ қараган, тўғрироғи, бу зулмни қувватлаган. Самарқанд область ҳарбий губернатори Григорьев тили билан айтганда, бу халқ «ёввойи», «ваҳший». Шунинг учун ҳам Владимир Бухоро халқининг меҳнатқашлигини, лекин жаҳолатда сақланишини айтганда Григорьев дарҳол тўнини тескари кияди. Владимир сиймосида рус халқи, Григорьев шахсида чор амалдори мужассамлашганини муаллиф қисқа, лекин лўнда тўқнашувда ўринли ифодалади. Роман қаҳрамонлари Самарқандда бўлган қисқа мuddатда ҳам шундай икки Россия билан танишадилар. Николай Черневский, унинг рафиқаси Наталья, қизи Кира, штабс-капитан Федоркин, большевик Морозов, археолог Вяткин илғор Россияни ўзларида гавдалантирадилар. Бу жиҳатдан Николай Черневский уйдаги суҳбат диққатга сазовордир. Самарқанд губернатори ҳақида Николай Черневский кескин танқидий фикр билдиради: «Шундай жоҳил мутаассибларга қараб, — дейди Черневский, — рус миллати ҳақида нотўғри тасаввурга боришади.»

Бухородаги фожиа ҳақида большевик Морозов ҳақоний фикрини айтиди, уни синфий курашини ўзи деб таъкидлайди: «Бухоро аввалгидек эмас, дунё ҳам ўзгарган. Ҳуқуқсизлик мамлакатни асрий жаҳолат уйқусидан уйғонмоқда.» Уз вақтида рус публицисти Д. Логофет Бухоро амирлигини «Ҳуқуқсизлик мамлакатини» деб атаб, шу номда китоб нашр қилган эди. Морозов шуни назарда тутган. Муаллиф Морозов билан археолог Вяткин ўртасидаги мунозара давомида чор Россияси ва Бухоро амирлиги, рус халқи ва ўзбек халқи ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритади.

Езувчи худди шу икки образ ўртасидаги мунозара руҳини асар сюжетининг охиригача давом эттиради. Икки Россия ва икки Бухоро ўртасидаги кескин ҳамда муросасиз кураш романнинг ғоявий мазмунини ташкил этади десак, янглишмаймиз.

Адиб Владимир назари билан Амир Бухоро-сида ҳукм сурган адолатсизлик, жоҳиллик ва жаҳолатни фош этади. Абдулла, Асадулла-хўжа, Арслон, Эргаш, Чори табиб образлари воситасида эса нурга, маърифатга ва озодликка интилаётган тараққийпарвар Бухоро халқини муҳаббат билан тасвирлайди.

Евгений Березиков асримиз бошидаги Бухоро амирлиги ва Туркистон ўлкасида мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни пухта ҳамда атрофлича тушунибгина қолмай, уни қалбдан чуқур ҳис этади. Меҳнат аҳли ва унинг яратувчилик даҳосига катта муҳаббат билан қарайди. Шунингдек, ўлкани зулукдек сўриб, жаҳолат оғушида сақлашга интилган ҳукмрон табақанинг жирканч башарасини аёвсиз очиб ташлайди.

Ана шундай салбий образлар орасида валиаҳд шаҳзода — Қарши беги Мир Олим марказий ўринни эгаллайди. Муаллиф унинг ички дунёси ва фаолияти ўртасидаги узвий бирлигини очишга интилади. Мангитлар сулоласининг қонхўр, мунофиқ ва калтабин бу сўнгги вакили шахсида инкирозга юз тутган феодал Бухоро гавдаланади. Гарчанд валиаҳд Петербургда ўқиб, дунёвий билимлардан хабардор бўлиб, унча-мунча чет тилларни билса-да, аммо у аслида ўша-ўша — мустабид феодал. Муаллиф буни Мир Олимнинг Қарши

беги сифатида косонлик бегуноҳ деҳқонларни ўлимга маҳкум этиши манзарасида кўрсатади. Шаҳзоданинг кўрқоқлиги, хурофотга берилгани ва сиркаси сув кўтармас инжиқ табиати айниқса Сўфи мунажжим билан суҳбатида яққол кўзга ташланади. Мир Олимнинг эрқ душмани эканлиги, худбинлиги ва беқарорлиги содиқ мулозимни Ҳамрога бўлган муносабатида рўй-рост гавдаланади. Шаҳзодани ўлимдан қутқарган фидоий йғит — Мир Олимнинг шахсий соқчиси Ҳамро бир марта ўзини ҳукмдор олдида қўл эмас, балки инсон сифатида намоён этгани учун бошидан жудо бўлади. Романдаги воқеалар ривожиди Бухоронинг бўлғуси ҳукмдори табиатидаги барча иллатлар ўқувчига равшанлашиб боради.

Езувчи Мир Олим атрофидаги амалдорларнинг руҳий дунёсини ҳам очиб беришга интилган. Лаганбардор беклар, жоҳил руҳонийлар, мутаассиб дарвишлар образлари орасида Боймирза Саидқул ажралиб туради. У бош қаҳрамон Абдулланнинг тенгдоши ва ашаадий душмани. Боймирза янги типдаги амалдор. Русчани яхши гапиради, замон руҳини тушунади. Лекин у барча янгилик ва маърифатнинг хавфли душмани. Боймирза истибод таянчи — амирлик тузумининг тарафдоридир. У ғоят кучли ғоявий душман. Амир шикори манзарасида ўқувчи Боймирзанинг ўз мақсади йўлида ғоят усталик билан иш кўришини, ҳар қандай жиноятдан тап тортмаслигини ҳис этади. Боймирза ўзининг ғоявий душмани Абдуллани ов пайтида хоинона отади. Боймирза шахсий манфаат йўлида қотилликдан ташқари жосуслик ва хонликдан ҳам қайтмаслигини муаллиф экспедиция материаллари ўғирланиши лавҳасида кўрсатади. Шундай хонлик, хурофот ва золимлик дарвеш Даврон образида ҳам ўзининг ифодасини топган. Шу билан бир қаторда, муаллиф Мир Олим ва унинг тўдасига ҳомийлик қилувчи чор Россияси вакиллари — императорнинг сиёсий агенти Решетов, поручик Смолич каби амалдорлар фаолиятини ҳам назардан қочирмайдди. Уларга рус халқининг илғор фикрли тараққийпарвар кишиларини қарама-қарши қўяди. Бу, айниқса, штабс-капитан Федоркин, оддий солдат Семён каби қаҳрамонларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари мисолида кўзга ташланади.

Романда муаллифнинг Урта Осиё табиати, тарихи ва халқлари оғзаки ижодини чуқур билиши, тушуниши, уларга меҳр-муҳаббати намоён бўлиб туради. Ана шундай ҳис-туйғусиз бундай ёрқин лавҳалар, қизиқарли эпизодлар тўғилмас эди, албатта. Аммо бу романдаги камчиликлардан кўз юмиш деган фикрга олиб келмаслиги керак. Боз устига асар ҳали якунланган эмас. Образларнинг барчаси ҳали тасвир қиёмига етмаган. Қизил Бухоро вакиллари баёнига ҳали вақт эрта. Биз фақат ўша 1910 йилги Россия империяси ва Бухоро ҳаёти тасвирига оид айрим мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз.

Назаримизда Владимирнинг Қарши беклигига сургун қилиниши сиёсий жиҳатдан мунозарали. Чунки одатда чор ҳукумати Бухоро хонлигининг ички ишларига аралашмаган ва унинг таркибидаги вилоятларга сиёсий «жиноятчи»ларни юбормаган. Қарши беклиги амирликнинг муҳим вилояти, ички райони. Буни Россия империяси ички ишлар министрлиги амалдорлари яхши биларди. Лекин уларни янги Бухоро — Когонга, рус посёлкаси мавжуд жойга юбориши мумкин эди. Фақат амир

ҳукумати сураган, илтимос қилган кишиларгина Бухоро ичида яшаши мумкинлиги назарда тутилса, бу бошқа гап.

Тошкент кўчаларидан бирида ўзбек йигитининг паранжи ёпинган аёлни қамчилаши ва Владимирнинг бу ишга аралашуви эътирозли. Биринчидан, эркак киши кўчада аёлни, гарчанд у хотини бўлса ҳам, уриши эҳтимолдан зот.

Грек тарихчиси Арианнинг Александр Македонскийнинг Урта Осиёни истило этиши воқеасига доир ҳикояси жуда эркин талқин қилинган. Муаллиф Спитамен ва унинг сафдоши, сўғд зодағони Оксартнинг Македонскийга кўрсатган қаршилигини ҳикоя қила туриб, машҳур «Оксарт чўққиси» мудофаачиларини греклар ёқиб юборган ва унда Оксартнинг қизи гўзал Роксана ҳалок бўлган дейди. Аслида эса греклар чўққига чиққан ва шиддатли жанг бўлган. Бу жангда Роксана асирга олинган. Эллада подшоши унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, никоҳига олган. Александр Роксанага уйланган, фарзанд кўрган. Қайнотаси Оксартни Бақтрия сатрапи — ҳокими мансабига кўтарган. Оксарт ва унга ўхшаш зодагонлар хиёнати туфайли Спитамен ўлдирилган.

Мир Олим тахтга чиққанида, муаллиф ёзишича, унга чор армиясининг генерал-лейтенанти унвони берилган. Бу унвон аслида Мир Олимга 1916 йилда, рус армиясига фронт эҳтиёжи учун 1 миллион олтин сўм ҳадя қилгани эвазига Николай II томонидан эҳсон қилинган. 1910 йилда эса у генерал-майор бўлган. Мир Олимнинг отаси Абдулаҳад бўлса ўша вақтда Туркистон генерал-губернатори Самсонов билан тенг генерал (кавалерия генерали) унвонида эди.

Истак тариқасида шуни айтиш лозимки, романда Бухоро вилоятида йирик халқ ҳаракати — 1885 йилги Восе қўзғолони ва у билан боғлиқ воқеалар кенгроқ акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ушанда амир чор ҳукуматидан 1000 дона милтиқ олган ва кейин ҳам Россиядан қурол-яроғ сўраб турган. Ҳатто амир армиясига рус офицерларидан инструкторлар таклиф этган. Подшо ҳукумати унинг илтимосларини бажариб, амир армиясига маслаҳатчи — инструкторлар юборган. Яна 1905—1907 йилларда Бухоро территориясининг Зиёвуддин беклигида Намоз Пиримқулов отряди иш кўрганини ҳам эслатиш мақсадга мувофиқдир. Намоз амир сарбозларини бир неча бор мағлуб қилиб Бухорога шундай таҳдид солганки, қўшбеги Остонақул ёрдам сўраб Самарқанд ҳарбий губернаторига хат

билан мурожаат қилган. Намоз йигитларига қарши операцияда чор аскарлари ва амир сарбозлари иштирок этганлиги архив ҳужжатларида учрайди.

Асарда яна бир неча эътирозли ўринлар учрайди. Хусусан, муаллиф кўҳна Бухородаги сўғориш иншоотларининг ночор аҳволини кўрсатиш ниятида, ўзбек деҳқонларининг қир этагидаги ерларга сув чиқаролмай турган пайтини тасвирлайди. Ана шу пайтда тасодифан Владимир, ҳали бу ишларда тажрибасиз ёш йигит келиб, ўзбек деҳқонига тез орада сув келтириш йўлини ўргатади ва масалани бир зумда «ҳал қилиб» беради. Қадимий сўғориш анъаналарига эга бўлган ўзбек деҳқонларини бу даражада билимсиз қилиб тасвирлаш ҳақиқатга унчалик мувофиқ эмас. Бундан ташқари, асарнинг яна айрим ўринларида (айниқса, табиб ва бемор саҳнасида) шарқ халқлари жаҳолати ортиқча муболаға билан тасвирланадики, бундай арзон баҳо бўёқлар асарнинг қимматини оширмайди.

Учинчидан, келажакда йирик бадий асарлар ижод этишни мўлжаллаган адиб тил ва тасвирнинг нозик, нафислиги, рангдорлиги ва оҳангдорлиги устида янада қаттиқроқ меҳнат қилиши, янада жиддийроқ ижодий изланиши зарур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Евгений Березиков муҳим ва долзарб мавзуга дадил қўл урган. Унинг Туркистон ва Бухоро хонлигида етилиб келаётган озодлик ҳаракати заминларини бадий шаклда акс эттиришга ҳаракат қилгани ва бунга муайян даражада муваффақ бўлгани табрикка лойиқдир.

Асарда большевиклар партиясининг чоризмга қарши кураши миллий озодлик ҳаракати билан боғлиқлиги, умумроссия революцион ҳаракатининг мазлум Шарққа илҳомбахш таъсирини тарихий фонда ишонарли кўрсатилиши ҳам диққатга сазовордир.

Евгений Березиков худди ана шу йўсинда кудратли оқимнинг бошланишини, яъни буюк Ленин ғояларининг Туркистонга, шу жумладан, мазлум Бухорога кириб келиши жараёнини бадий воситаларда янада чуқурроқ ва янада ёрқинроқ ёритишини умид қиламиз.

**Отабой ЭШОНОВ,**  
Ўзбекистон Фанлар академияси  
муҳбир аъзоси,

**Маҳкам МАҲМУДОВ,**  
филология фанлари кандидати,  
**Ҳамдам СОДИҚОВ,**  
тарих фанлари кандидати.



Саид  
Равшанов

## ЧОР ДОҚДАН ОТИЛГАН ЎҚ

Қисса

Чакка сочларига оқ оралаган милиция майори Зафар Каримов ҳали анча чалкаш бир жинойи иш ҳақидаги ҳужжатларни титкилаб ўқиб ўтирган эди, телефон жиринглаб қолди.

— Уртоқ майор, навбатчи гапиряпти, — трубкадан ташвишли овоз эшитилди. — Ҳозиргина Марказий универсал магазиндан хабар қилишди. Кассани талаб кетишибди. Визга маълум қилиниши биланоқ оператив қидирув группаси тревога билан қўзғалди.

— Ҳозир етиб бораман.

\* \* \*

Зафар Каримов магазин директорининг хонасига кирганида, прокурор, терговчи, икки оператив ходим ва яна бир неча киши узун стол атрофида туришарди. Ранг-қути қув ўчган бағбақадор бош кассир узук-юлуқ гапирар, йиғилганлар унинг сўзини диққат ва эътибор билан тинглашарди.

— Иш чалкашга ўхшайди, — деди прокурор Санжар Сайфиев. — Қидирувга оператив раҳбарликни зиммангизга олинг.

Майор, тушундим, деган маънода бош силкиди. Кассир рўмолчаси билан пешонаси, бағбақасидаги терларни артди.

— Пул қанча эди? — деб сўради терговчи.

Кассир тутила-тутила катта суммани айтди.

— Темир сандиқда эдими?

— Ҳа.

— Сандиқ очиқмиди?

— Йўқ, ёпиқ, лекин калити ўзида, қулфлогли эмасди. Трикотаж бўлимидан келган пулни қайта санаб ўтирган эдим.

— Инкассаторман, деб кирган кишини олдин танирмидингиз?

— Йўқ, ҳеч қачон кўрмаганман... Қора кўзойнақ таққан, мўйловли, бўйдор... Тўсатдан кириб тўппонча ўқталди. Енимга келиб, бўйнимга шарақлатиб ургани ёдимда... — У калта бўйнини уқалаб қўйди.

Майор Каримов шаҳар ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими

бошлиғи, миқти гавдали милиция капитани Вафо Акрамовга савол назари билан қаради. Капитан майорнинг қарашидан унинг нимани сўрамоқчи эканлигини дарҳол фаҳмлаб:

— Қидирув давом эттириляпти,— деди.— Участка инспекторлари, ходимларимиз бутун шаҳар бўйлаб ҳаракатда.

— ГАИ ходимларига хабар қилиндими?

— Ҳа. Шаҳар четидаги барча йўллар кузатиляпти.

— Яхши! Тезда инкассаторларнинг бугунги ҳаракат маршрутини аниқлан! Улар белгиланган график асосида юрганми, йўқми, шунга алоҳида эътибор беринг! ЦУМга келишдан олдин қайси магазинда бўлган? Вақти, минути, секундигача суриштиринг!

Майор ОБХ СС бошлиғи Ҳикмат Жўраевга ҳам кўрсатма берди:

— Магазиннинг барча бўлим мудирларидан бош кассирга қанча пул топширишганини аниқланг! Сиз, ўртоқ терговчи,— майор прокурорнинг ўнг томонидаги стулга ўтириб, протокол тўлғазаётган ялпоқ юзли терговчи, милиция капитани Фармон Зайниевга юзланди,— воқеанинг барча тафсилотини ёзинг! Бирорта ҳам деталь эътибордан четда қолмасин! Бир соатдан кейин ҳаммамиз бошқармада, оператив кенгашда учрашамиз.

\* \* \*

Сочлари сийраклаша бошлаган, ўрта бўйли эксперт-криминалист милиция катта лейтенанти Қилич Қўчқоров қўлидаги лупа орқали бош кассир хонасини, эшик тутқичини, пўлат сандиқнинг ичу сиртини синчковлик билан ўрганиб бўлгач, Зафар Каримовичга юзланди:

— Ҳеч қандай из йўқ. Жиноятчи қўлқоп кийиб иш тутган.

Эшик очилиб, хонага милиция лейтенанти формасидаги инспектор-кинолог Юсуф Турғунов ит етаклаб кирди.

— Ўртоқ майор, из катта йўлга боргач, йўқолди.— деди у.— Изга порошок сепилган.

— Йўлгача тахминан неча метр?

— Ўтгиз-ўтгиз беш метрдан ошмайди.

— Демак, сохта инкассаторни йўлда машина кутиб турган,— деди майор.— Орадан ўн минут ўтар-ўтмас, бу ерга ҳақиқий инкассатор келган. Жиноятчи талончиликни ниҳоятда усталик ва тезкорлик билан амалга оширган. У ёлғиз эмас.— Майор экспертга юзланиб сўради:— Протектор<sup>1</sup> изидан қандай машинада кетганини аниқлаш мумкинми?

— Мумкин,— деди эксперт Қўчқоров.

— «Водовоз» машинаси яқиндагина йўлга сув сепган,— деди кинолог унинг ҳафсаласини пир қилиб.

Майор яна директор хонасига ўтди. У ерда терговчи кассирни сўроққа тутиб, жиноятнинг содир бўлиш тафсилотини аниқламоқда эди. Бош кассир Шоди Фозиловнинг кўзлари бежо чақнар, чап қўли билан бўйнини тез-тез уқалаб қўярди. Дудуқланишидан ҳали ўзини бутунлай ўнглаб ололмагани билиниб турарди.

— Жиноят очилмай қолса уйим куяди. Жавобгарлик бўйнимга тушади. Утиниб сўрайман, ака, қандай бўлмасин, бу ишни тезроқ аниқланглар,— деди у хонага кирган майорга қараб.

Зафар Каримович дераза ёнида тик турган ҳолда бош кассирни синчковлик билан кузатди. «Анойига ўхшамайди. Бордию, ўзининг ҳам алоқаси бўлсачи?» Майор энгашиб, терговчининг қулоғига шивирлади:

— Тезда уни суд-медицина экспертизасидан ўтказиш керак. Бўйнига берилган зарба ростдан ҳам кучли, ҳушдан кетиш даражасида бўлганми ёки?.. Бу жуда муҳим. Жиноят содир бўлганидан сўнг кассирнинг хонасига биринчи бўлиб ким кирган? Ҳамшира унга ёрдам кўрсатган пайтида у ростакамига ҳушсиз бўлганми, йўқми? Пухта аниқланг! Жиноят рўй бергандан кейин етиб келган ҳақиқий инкассаторни ҳам чақиртириб, у билан суҳбат қилинг!

— Тушундим, ўртоқ майор,— деди терговчи Фармон Зайниев.

\* \* \*

Дам-бадам бурқситиб сигарет тутатаётган Зафар Каримович директор хонасида у ёқдан-бу ёққа юрибди. У дераза олдида тўхтаб, кўчага тикилди. «Жиноятчи бемалол ҳаракат қилганига қараганда, олдиндан бу жойни,

<sup>1</sup>Машина шинаси.



одамларни кузатиб юрган. Кейин пайт пойлаб мақсадни амалга оширган. Наҳотки, бу ишда магазин ходимларидан биронтасининг қўли бўлса? Кассир нима учун ўз коллективидаги кишилардан хавфсирамаяпти? Айтишича, ҳеч бир ходимнинг унга шахсий ғарази бўлмаган. Унинг ўзи-чи? Тўғри одамми? Пулни бирорта ишончли кишиси билан қочириб, бизни атайлаб чалғитаётган, лақиллатаётган бўлса-чи? Бундай маккорона қаллоблик унинг қўлидан келармикан? Барзанги башара нусха ким бўлди экан?..»

Пухталиқ билан амалга оширилган бу жиноят майор учун сирли бир жумбоққа айланганди. Жиноят сабабларини талқин қилгани сари фикрлари баттар чувалашиб борарди.

Хонага область ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, бақувват гавдали милиция полковниги Файзи Сайфуллаев шошилиқ кириб келди, Зафар Каримович дарҳол ўрнидан турди. Полковник иш юзасидан ходимларга нисбатан жуда талабчан ва қаттиққўл эди. У майорга савол назари билан қарагач:

— Хўш, иш қандай боряпти? Бирор натижа борми? Кўринишингиздан унчалик мамнун эмаслигингиз билиниб турибди,— деди.

— Ҳозирча ҳеч гап йўқ,— ҳорғин жавоб қилди майор.— Тахминимча, жиноятчи тажрибали, талончиликка устаси фаранг кўринади.

— Эҳтимол!.. Ундан бирор белги, из қолганми?

— Ҳамма гап шунда-да! У ҳеч қандай из қолдирмай, ишни худди хамирдан қил суғургандек силлиқина амалга ошириб, ғойиб бўлган.

Майор юз берган жиноят тафсилотини билганича тасвирлаб берди. Полковник ўйчанлик билан чеккасини қашиди ва хиёл жим тургач:

— Гапингизга қараганда, жиноятчининг бугун-эрта топилишига умид боғламасак ҳам бўлар экан-да,— деди.— Вазиятга қараб дастлабки кўрилган тадбирлар менга маъқул. Қолганини оператив кенгашда гаплашамиз...

\* \* \*

Оператив кенгаш полковник Сайфуллаевнинг кенг, ёруғ хонасида ўтказилди. Биринчи бўлиб шаҳар ички ишлар жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи капитан Акрамов гапирди. У жиноятни очиш юзасидан амалга оширган тадбирлари ҳақида батафсил ахборот берди:

— Бизга маълум бўлган ва бундан аввал ўғирлик билан шуғулланган кишиларнинг бу жиноятга умуман алоқаси йўққа ўхшайди.

Жиноят содир бўлган пайтда бизнинг ҳисобдаги собиқ ўғриларнинг барчаси ўз корхонасида ишлаб турганини, ҳечқеқа бормаганлигини аниқладик. Шубҳа остига олинган, шу территорияда яшовчи собиқ икки ўғрининг ҳам бу ишга аралашмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилдик... Инкассаторларга келсак, белгиланган график асосида иш тутишган. Ун минут кам тўртда ўн учинчи магазиндан чиқишган. Тўртдан беш минут ўтганда эса бу ерда бўлишган. Қидирув ишлари давом этипти.

— Инспектор-кинолог Турғунов ахборот бермаса ҳам бўлади,— деди майор полковникка қараб.— Ит асфальт йўлга чиққач, изни йўқотди. Изга порошок сепилган. Экспертиза натижалари билан таништиринг!— Зафар Каримович чўзинчоқ юзли катта лейтенант Қўчқоровга, гапиринг, маъносида ишора қилди. Эксперт бошиқ овозда сўз бошлади:

— Бош кассир хонасида қолган ёлғиз бир из эътиборга молик. Бу «платформа» туфлининг изи. Қирқ учинчи размерга тўғри келади. Аниқлаб чиқдик. Кассир хонасида бўлган кишиларнинг бирортаси ҳам бу размерда туфли кийишмас экан. Жиноятчи оёғида шундай туфли бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Изни чалғитиш учун сепилган нарса порошок эмас, тамаки кукуни экан. Нос билан аралаштириб сепилган. Турини ҳам аниқладик. «Космос» сигарети тамакисидан фойдаланилган. Жиноятчи иш тутишидан олдин сигаретни эзгилаб, нос билан қўшиб, қўлбола порошок ҳозирлаб қўйган. Жиноятчи шу турдаги сигарет чекса, ажаб эмас. Бу, албатта, тахмин.

— Бошқа қўшимчангиз йўқми?— сўради майор.

— Йўқ.

— Тушунарли, ўтиринг! ОБХСС бошлиғидан эшитамиз.

Ҳикмат Жўраев қўлидаги қоғозларни титкилаб туриб, гапга кўчди:

— Магазин бўлимлари ва филиалларидан кассирга топширилган пул миқдорини аниқладик. Кассир айтган суммага тўғри келади. Директорнинг ўринбосари эса жиноят рўй беришидан бир соат олдин иш билан шаҳар ижрокомининг савдо бўлими мудирини қабулида бўлган. У ердан чиққач, тўғри касалхонага, директорни кўришга боради. Жиноят юз берган пайтда у директор

билан суҳбатлашиб турган экан. Буни навбатчи врач билан ҳамширалар тасдиқлашди.

ОБХСС бошлиғидан кейин терговчи Фармон Зайниев жиноят юзасидан дастлаб аниқлаб, тўпланган маълумотлар натижасини билдирди:

— Кассир Шоди Фозиловнинг айтишича, жиноятчи жуда эпчил, остки лабининг четида кичкина тиртиғи, эғнида кулранг кремплэн костюми бўлган. Жиноятчи қора кўзойнак таққани сабабли жабранувчи унинг кўз тузилишини аниқ тасвирлаб бера олмади. Трикотаж бўлимининг мудири пулни кассирга топшириб, харидорлар кутиб қоляпти, тезроқ санаб олинг, деб шошилтирган. Кассир одатда пулни икки марта санаб оларкан, буни бошқа бўлим мудирлари ҳам тасдиқлашди. Трикотаж бўлими мудири кассир пулни бир марта санаб олиши биланоқ чиқиб кетган. Кассир пулни иккинчи бор санашга тушган пайтда... ҳалиги воқеа... Ҳақиқий инкассатор хона эшигини очиб, энди ичкари кирмоқчи бўлганида, манзарани кўриб дарҳол изига қайтган ва баланд овозда хизматчиларни ёрдамга чақирган. Хонага фақат ҳамшира Қодирова кирган. Кассир ҳушсиз ҳолда хириллаб нафас олиб ётган бўлган. У ўзига келгач, дод солган. Суд-медицина экспертизаси врач берган хулосага қараганда, талончи кассирнинг бўйнига қаттиқ жисм билан, чамаси, тўппонча қўндоғи билан урган. Бундай зарбдан киши ўн-ўн беш минут ичида ўзига кела олмаслиги табиий. Инкассатор магазинга кириб, коридорда ҳеч кимни учратмаган. Маълумки, эшикдан кираверишда, ўнг тарафда директор хонаси, кейин бухгалтерия ва ундан сўнг кассир хонаси жойлашган. Инкассатор, ҳар сафаргидек, тўғри бориб кассир хонаси эшигини очган ва...

— Бу ёғи тушунарли, — дея унинг сўзини бўлди ёндафтарига нималарнидир ёзиб ўтирган полковник Файзи Сайфуллаев. — Дастлабки оператив маълумотлар, фикримча, ҳеч биримизни қаноатлантирмаяпти. Ўғри ҳам йўқ, ўғирланган пул ҳам. Жиноятчи ўзидан бирор-бир далили ашё қолдирмаган. Шунинг учун жиноятчи ҳақида ҳозирча муайян бир хулосага келиб бўлмайди. У осмонга учганми, ерга кирганми, қандай қилиб бўлмасин, мумкин қадар тезроқ қўлга туширишимиз зарур. Биринчи галдаги вазифамиз шу. Жиноятнинг ниҳоятда жиддийлиги, мураккаблиги назарда тутиб, бу иш юзасидан кучли оператив группа тузишни маъқул кўраман. Группа раҳбари қилиб обхаст жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи майор Каримовни тайинлайман, — полковник шундай деб, Зафар Каримовичга маъноли қаради. — Тезда жиноятни фош этиш юзасидан оператив план тузинг! Группа составида шахар жиноят-қидирув бўлими инспектори Умид Йўлдошев, терговчи Фармон Зайниев, ўринбосарингиз Очил Мирзаев ва тажрибали оператив ходимингиз Одил Сатторовларнинг бўлишини лозим топаман. Зарурат сезилганда, ихтиёримиздаги ҳар қандай мутахассисни, ходимни шу иш юзасидан хоҳлагани пайтингизда жалб этишингизга рухсат берилади. Ишнинг қандай бораётганини ҳар куни кечқурун менга билдириб туринг!

\* \* \*

Зафар Каримович собиқ ўғриларнинг фотосуратлари ёпиштирилган альбомни бир неча марта варақлаб чиқди. Аммо суратлардаги шахсларнинг ҳеч қайсиси илгари бундай йирик жиноятга қўл урмаган. Фақат майорга кўпдан таниш ғилайкўз, бадбашара одам сурати бундан мустасно. Майорнинг диққатини жалб этган бу киши Чори Барзанги деган собиқ ўғрибоши эди.

«Ҳар қандай тажрибали жиноятчи ҳам ишидан кичик бир из қолдиради. Бу жиноятчи эса бор-йўғи уч-тўрт минут ичида «каромат»ини кўрсатиб, исиз гойиб бўлган. Кассирнинг кўрсатмалари эса контроль текшириш натижаларига тўғри келяпти. Мен билган ўғрилардан бундай талончиликни удалай оладигани йўқ. Чори Барзанги-чи? Қила олиши мумкинми?.. Дарвоқе, ўғрининг кўриниши барзангинамо... Лекин Чори баланд бўйли эмас, пакана. Остки лабида эса ҳеч қандай тиртиғи йўқ. Яна унинг қўли эгрилик ҳунарини ташлаганига бир неча йил бўлди. Балки, ўрганган кўнгили, ўртанса қўймас, деганларидек...»

Бир қафталик қидирув жиноят изини ойдинлаштирувчи бирор-бир натижа бермади. Оператив қидирув группаси кеча-кундуз тиним билмай ишлар, аммо арзирли бир далилга эришилганича йўқ эди. Майор довдиртабиат, тутилиб-тутилиб гапирувчи трикотаж бўлими мудири Моҳиранинг жиноятга алоқаси бор, деб ўйлаган эди. У билан кеча суҳбат қилди. Бир қарашда кишининг юз-кўзидан қандай одамлигини, характерини тез илғаб олувчи майорнинг тузоқли саволларига Моҳира ниҳоятда хотиржамлик билан жавоб қилди:

— Бўлимимизнинг бир сотувчиси яқиндагина ишга келган, ҳали тажрибасиз. Савдо пайтида янглишяпти. Аксига олиб, ўша куни камёб молларни сотаётган эдик, харидорлар кўп эди. Унга кўнглим тўлмаганидан бўлимга тезроқ қайтиш ниятида кассир Шоди акани қистаган эдим.

Унинг кассирни пулни тез қабул қилиб олишга қисташи, шошириши асосли, ўринли бўлиб чиқди.

\* \* \*

Зафар Каримович бугун ишдан пиёда қайтди. Йўлқадан оҳиста қадам ташлаб борар экан, кўча шовқини қулоғига кирмас, хаёли ҳамон қидирувга оид фикрлар билан банд эди. Шу пайт ён томондан аллакимнинг овози эшитилди.

— Салом, гражданин Начальник!

Зафар Каримович ўнг томонига қараб, илжайиб турган эски таниши — ўтгиз беш ёшлардаги миқти Чори Барзангини кўрди. Зафар Каримович уни кўпдан бери учратмаган эди. Барзанги ҳам майорни учратганидан мамнун кўринарди.

— Саломат бормисиз, гражданин, э, э, ўртоқ майор! Куни кеча сизни ўйловдим-а!..

Майор эски «ошна»сига синовчан қараб, ҳол сўради:

— Аҳволлар қалай? Болаларинг дурустми?

— Раҳмат. Бугун меҳмоним бўласиз. Сабаби бор: иш жойимдан янги квартира беришди. Узоқ эмас, мана шу муюлишнинг ортида, тўрт қаватли уй.

...Улар бетон пиллапояларни бир-бир босиб, учинчи қаватга кўтарилишди. Чори Барзанги ўн еттинчи квартиранинг кўнгироқ тугмасини босди. Эшикни бошига яшил қийиқ танғиб олган ўн уч ёшлардаги қиз очди.

Мезбон Зафар Каримовичнинг шляпасини олиб илгакка илди.

— Қани, марҳамат... — дея мулозамат кўрсатиб, меҳмонни хонага бошлади. — Қизим, дарров чой қўйвор. Болалик уй бозор, деганлари тўғри экан. Ҳамиша тўполон, вағир-вуғур, гапни гапга қўшишмайди.

Дастурхон ёзилди. Мезбон битта «Экстра»ни очмоқчи бўлган эди, меҳмон қатъий эътироз билдирди. Чори оёғи остида уймаланиб юрган икки боласини алдаб-сулдаб хонадан чиқариб юборди-да, эшикни ёпди.

— Эмин-эркин чақчақлашиб ўтирайлик, — деди у. — Сизнинг мен бебошга қилган яхшиликларингизни доим эслаб тураман. Уч бор қора курсида ўтирган киши, мана энди туппа-тузук ишчиман. Қилмишларимни эсласам, бир қават этим шилиниб тушгандай бўлади. Бир йилгача одамлардан ўзимни опқочиб юрдим. Улар тўғри гапиришса, дўстона ҳазиллашишса ҳам менга кесатик қилишаётгандек, ўтмишимни юзимга солишаётгандек туюларди. Энди камина — моҳир гишт терувчи. Бу обрў-эътиборнинг ҳаммаси сиз туфайли, Зафар Каримович.

— Бу гапинг учун раҳмат, — майор унга тикилди. — Лекин ичишни ҳалигача ташламабсан, деб эшитдим.

— Ғирт ёлгон, ўртоқ начальник! Сизга нотўғри айтишибди, — деди Чори ўктам овозда. — Ҳар куни ишдан қайтишим билан саккиз жуфт куралай кўз қўлимга тикилади... Болани жон-дилимдан яхши кўришимни биласиз. Жужуқларимнинг ризқини қирққанимдан кўра ўлганми маъқул. Лекин баъзан оз-моз отаман. Ўрни келганда. Нега бунча ажабланиб, тикилиб қолдингиз? Ишонмаяпсизми?

— Йўк, Чорибой! Кўнглимдагини топа билмадинг! — деди майор мамнун жилмайиб. — Ростини айтсам, сенга ҳавасим келяпти.

— Сиз мени яхши тушунасиз, — деди Чори, — шунинг учун ҳам сизга очиқчасига гапираман. Аммо, билиб қўйинг, ваъдам қатъий, эски «ҳунар»га қайтиш йўқ энди. Қинғир иш қилиб, сизлардан қочиб қутулиб бўладими? Ҳорғин, ташвишли кўринасиз? Айтганча, қулоғимга чалингандай бўлди. Марказий универсал магазинга ўғри тушганмиш. Шу гап ростми?

— Ҳа, — деди Зафар Каримович. — Менга қара, Чори чаққон, сен ҳам бир пайтлар ўғрилар, жиноятчилар билан кўп ош-қатиқ бўлгансан. Айтолмайсанми, бу эски улфатларингдан қайси бирининг иши бўлиши мумкин.

— Нима, ўғри қуён бўлганми? Эҳ, ўринсиз саволимни қаранг, — деди у хотиржам. — Ўғирлик қандай рўй берганини билмай туриб бир нима дейишим қийин.

Майор содир бўлган жиноят ҳақида ҳамсуҳбатига қисқача гапириб берди.

— Ҳм-м... — деди Чори калласини чайқаб. — Бунақа жиноятни эплаш, бу шаҳарда ҳатто менинг қўлимдан ҳам келмасди. Эсингиздами, фабрика кассирини қандай қилиб шилиб қочганим? Шунда ҳам бир ҳафтада тутган эдинглар.

- Едимда. Янглишмасам, у сенинг энг охирги жиноятинг эди.
- Тўғри айтдингиз.
- Утган ишга салават! Хўш, айт-чи, сенингча, жиноятчи бу шаҳардан эмасми?
- Йўқ. Бу яқин оранинг одами эмас.

— Ҳазир ҳам худди шундай тахминга борувдим.

— Ҳазирдан қолар гап йўқ. Бунақанги катта жиноятни олдиндан махсус тайёрларлик кўрмасдан туриб қилиб бўлмайди. Чамамда, бу Гладияторнинг иши.

— Гладияторнинг? Қанақа Гладияторнинг?— дея қизиқсинди майор.

— Нима, шу пайтгача уни эшитмаганмисиз?— деди мийғида кулиб Чори.— Мен у билан биринчи марта ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида танишганман. Даҳшатли одам, ашаддий ўғрибоши. Кўпчилик унинг номини эшитиб қириларди. Фақат мен унга итоат этиб, бўйин эгмадим. Тўғриси, унинг афт-ангорини кўрмасимдан туриб, қуруқ ваҳимасидан чўчидиган анқовлардан эмасдим. У билан ўчакишиб қолдик. Тўқнашувимизга сабаб: менга хат ёзиб шарт қўйди... Тутақиб кетдим. Бундан бурун ётиб чиқиб, дийдам қотиб кетган эмасми, хатга қисқача жавоб қилдим: «Майдонга туш!..» Бир куни кечаси барак бурчагидаги кичкина чекиш хонасига чиққан эдим. Ҳозирга аёллар капрон пайпоғини кийиб олган уч киши устимга ташланишди. Уч-тўрт тепгини «ҳазм» қилганимдан кейин мен ҳам ҳунаримни кўрсатиб қўйдим: бири ҳушидан кетди, бирининг қўли чиқди, пакана бўйлиси эса қочиб қолди.

Гладияторнинг югурдаклари кўп эди. Ҳозир ҳеч ким кўрмас, нуқул югурдаклари орқали ҳукм юритарди. Гладиятор номидан буюрилган ишдан бош тортган киши ғазабга учрарди. Жазони ҳам унинг лайчалари амалга оширарди. Гладиятор одатда Атаман номи билан ҳукм юритарди. Учтинчи лақаби — Азроил. Лекин маҳбусларнинг кўпчилигига таниш бўлган лақаби — Гладиятор. Азроиллигини эса унинг уч-тўрт ишончли шериги ва мен билардим, холос. Унинг бу лақабини менга ўнг қўл лайчаси — Пакана айтган эди. Гладияторнинг қабиҳ ишлари ниҳоятда кўплигини ҳам шу лайчаси айтган. Биринчи марта ўн етти ёшида қотилликда айбланган экан. Ҳақиқатдан кейин Гладиятор менинг ҳам ўзига ўхшашлардан бири эканимга тўла ишонч ҳосил қилди. Лекин мен яқка эдим. Уч кунча хавотирда яшадим. Чунки Гладиятор жим юрмасди. Албатта ўч олиб, аламидан чиқарди... Шунинг учун низога чек қўйиб, мураса билан тинч яшашни маъқул кўрдим. Гладиятор билан юзма-юз учрашдим. Кечирди...

— Кўринишидан қандай одам?— дея қизиқсиниб сўради майор.— Қиёфасини тасвирлаб беролмайсанми?

— У пича найновроқ, афт-ангори заҳил, бўтакўз, қарашлари ўткир. Қирқ ёшларда эди ўшанда. Кўрган киши уни жиноят ишларида мутлақо ўқуви йўқ, деб ўйлайди. Кўп гапирмасди, хотиржам юради. Ҳамсуҳбатларига ҳамиша хушмуомалада бўлади. Уни ҳеч ким Гладиятор деб ўйламасди. Хумпар ўзининг Гладияторлигини сездирмасди ҳам. Раҳм-шафқат нималигини билмасди. Гладияторга кимнинг қандай арзи бўлса, фақат Пакана орқали хабар етказиларди. Аҳён-аҳёнда у Гладияторни кўпчилик ичиди олифта, лапашанг, деб масҳара қиларди. Кейин англасам, кимлигини сездириб қўймаслик учун атайлаб шундай ҳийла ишлатар экан. Гладияторни бир гал ёлғондакам дўппослаш вазифаси менинг ҳам зиммамга тушган эди. Ҳай агар, ўзи кўринмас, лекин довруғи ваҳимали Атаманга биринчи марта дуч келишим эди.

— Эслай оласанми, унинг остки лабини пастроғида кичкина тиртиғи борми?

Чори бир лаҳза ўйланиб тургач:

— Аниқ биламан, ҳозир ҳеч қандай тиртиғи йўқ эди,— деди ишонч билан.— Балки тиртиқ кейинроқ бўлгандир? Бирор олишувда...

— Тушунарли, гапингда жон бор!— деди майор.— Сенинг фикрингча, магазиндаги жиноятда шу Гладияторнинг қўли борми? Ундан асоссиз шубҳаланаётган бўлма тагин?

— Балки бу талончиликни у қилмаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин у бундай жиноятни қилишга қодир. Ҳазирликнинг шунақанги усулларини биладики, қандай ўйлаб топганига кишининг ақли бовар қилмайди.

— У сенга ўзининг қаерданлигини, яшаётган жойини айтганми?

— Йўқ! Боя айтдим-ку, у сиз ўйлаганчалик аноий эмас. Шошманг, шошманг,— дея у муҳим бир гап эсига келгандек севишиб кетди. Гладиятор бир ўйнашининг қаерда яшашини мақтаниб айтган эди. Аниқ эсимда. Когон

шаҳрида. Кетворган офатижон, малласоч, деган эди. Суратини ҳам кўрсатган эди. Гердайиб, «Саъва» гинам кўришга келди, деганди. Уни топишга ёрдамим зарур бўлса, бажонидил... Сиз учун қўлимдан келганча...

— Нима, ўйлаб гапиряпсанми?

— Ҳозир отпусказдаман, вақтим бемалол...

— Ҳмм... Хавфли иш. Дарвоқе, Саъвани кўрсанг таний оласанми?

— Танисам керак. Яна ким билади, дейсиз? Мен фақат унинг суратини кўрганман. Орадан анча йил ўтди... Лекин уриниб кўрсам бўлармиди...

— Сени бу ишга мажбур этишга ҳаққимиз йўқ. Узинг ихтиёр эдинг. Яна пухта ўйлаб кўр!

Чори остки лабини тишлаб, бир муддат ўйга толди.

«Ажойиб одам-да. Бир ўзи яшайди. На оиласи бор, на бола-чақаси. Унгаям оғир. Бундан беш йил бурун аварияда хотиним, болам ўлди, деган эди. Узгаларга меҳрибонлиги, жонкуярлиги ёлғизлигиданмикан? Қамокда бўлган пайтимда оиламга моддий ёрдам бериб турган... Онам қазо қилганда маҳалла оқсоқолларини йиғиб, иззат-икром билан тупроққа топширибди. Мен шу яхшиликлар эвазига бир палидни туттиш учун ёрдам бермасам, инсофдан бўлмас. У жоҳил очикда юрса, яна қанчадан-қанча кишиларни қон қақшатиши аён-ку! Едимда, майорга ваъда ҳам берганман: қачон кўмагим керак бўлиб қолса, хизматингизга тайёрман, деб. Айни пайти... Ахир улар туфайли мен ҳам тўғри йўлга қайтдим, ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечиряпман. Шунинг учун...»

— Аҳдим қатъий, уриниб кўраман, — деди Чори ниҳоят. — Лекин Гладиятор ниятимни сезиб қолса, Чори Барзангининг қабрига гулчамбар қўйдим, деяверинг.

— Буёғини бизга қўйиб бер. Одамларимизнинг кўзатуви остида бўласан. Лекин, бари бир, ниҳоятда эҳтиёт бўлишинг шарт...

\* \* \*

Бошқарма навбатчиси Зафар Каримовичнинг уйига шошилишча телефон қилганда майор ухлаб ётган эди. Езув столининг бир чеккасида турган телефон трубкасини кўтариб, чап қўли билан ёноқларини уқалаганча хийла ҳорғин товушда:

— Эшитаман, — деди.

— Ўртоқ майор, ҳозиргина ҳалокат юз берди! — майор фавқулодда ноҳуш воқеа рўй берганини ҳис этди ва унга қисқа жавоб қилди:

— Тушунарли, тезда етиб бораман.

Бир неча дақиқалардан сўнгра Зафар Каримович ўз кабинетида ҳозир бўлди. Маълум бўлишича, эрталаб соат тўртдан етти минут ўтганда, «Баҳор» кўчасида бахтсизлик юз берган.

— Бу ёзма ахборот, — дея навбатчи бошликқа воқеа тафсилоти ёзилган бир варақ қоғозни узатди.

— Эксперт, кинолог, прокуратура терговчисига билдирилдими?

— Ҳа, бизга воқеани хабар қилишгани ҳамано уларга маълум қилдик.

— Яхши, мен ўша ёққа кетдим.

\* \* \*

«Баҳор» кўчасидаги тўрт қаватли уй. Учинчи қаватдаги йигирма саккизинчи квартирада жиноят-қидирув бўлими ходимлари уй эгаси Мария Михайлованинг ўлими сабабларини синчковлик билан текширишмоқда. Хонага Зафар Каримович кириб келди.

— Келганингиз жуда яхши бўлди, ўртоқ майор, — дея гап бошлади капитан Очил Мирзаев, — Шубҳали бирорта из, белги топилмади. Бу аёл уйига маст ҳолда келиб, шамоллаш учун балконга чиқиб йиқилиб тушганига унчалик ишонгим келмаяпти. У қасддан пастга улоқтириб ташланганга ўхшайди.

— Шундай деб ҳулосалашга етарли асос бўлиши керак.

— Асосим йўқ, лекин ҳалокат шундай содир бўлган, деб фараз қиялман. Бошлиғи билан телефон орқали боғланиб, шахсиятини суриштирдим. Марҳума 1935 йили туғилган. Болалар уйда тарбия топган, маълумоти ўрта. Алоқа бўлимига ишга кирганига бир йилу уч ой бўлган. У кеча ишдан қайтгач, балкондан йиқилиб ҳалок бўлган. Тахминимча, унинг ўлимида бир сир борга ўхшайди...

Майор хиёл ўйланиб тургач:

— Бу эҳтимолдан холи эмас, — деди. — Марҳума танасида жароҳат излари борми?

— Бор, йиқилиб тушгани оқибатида... Лекин анча-мунча коньяк ичган. Яна уйқу дориси қабул қилганлиги аниқланди. Қўшнилари­нинг айтишича, марҳума квартирасига онда-сонда нотаниш одамлар келиб турар экан. Чўтир бир кишини эса тез-тез келиб-кетарди, деб гувоҳлик беришди. Лекин кеча у уйига қай пайтда келгани, ҳалокат қай тарзда рўй берганини ҳеч ким пайқаман.

— Марҳуманинг ишхонасидаги фаолияти билан чуқурроқ танишинг! Узи­ку коньякдан кўп истеъмол қилган экан, яна уйқу дорисини ичишга нима мажбур қилди уни? Чиндан ҳам шубҳали... Ҳалокат сабабларини пухта аниқламоқ керак. Энг асосийси — уникига қатнаб юрувчи Чўтирни топишимиз зарур. У қандай шахс? Марҳуманинг кими бўлади? Қариндошими ёки ўйнашими? Уни марҳуманинг ишхонасидаги кишилардан, таниш-би­ишларидан суриштиринг! Фожа пухта ўйлаб амалга оширилган қотилликми ё тасодифми, аниқлашимиз шарт.

Капитан Мирзаев, тушунарли, деган маънода бош ирғади.

\* \* \*

Сўнги кунларда Зафар Каримовичнинг на ейишида ҳаловати бор, на ётиш-туришида. Жамики қидиришлар натижасиз. Шу боисдан кейинги пайтлар у хиёл ўйчан, индамас бўлиб қолди. Эрталаб борган ери — Мария Михайлованинг квартирасидан бу гал ҳам ҳеч бир нарсани аниқлаёлмай, яна ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. ЦУМдаги жиноят ҳамда бу қотилликни фош этиш осон иш эмаслигига ишонч ҳосил этди. Муаммонинг ниҳоятда му­раккаблиги уни баттар ташвишга солиб қўйди. Чунки қисқа вақт ичида уч марта оператив кенгаш ўтказилди. Содир бўлган иккала жиноят юзасидан тўпланган маълумотлар тингланиб, оператив қидирув группаси ходимлари­нинг таклиф, мулоҳазалари эшитилди. Фожиали ўлимнинг ҳам ЦУМдаги ўғирликка алоқаси бор, деб тахмин қилинди. Бу ишни текшириш ҳам майор бошлиқ оператив қидирув группасининг зиммасига юклатилди. Лекин ҳануз калаванинг учи топилмаётир.

У ҳар бир иш юзасидан муфассал мулоҳаза юритар, то муайян бир қарорга келмагунча, ўйлаган фикрини мутлақо сир сақларди. Унинг иш услубидаги хислатлардан яна бири — ҳеч қачон шошқалоқлик, пала-партишликка йўл қўймасди. Воқеа содир бўлган жойни мукамал ўрганиб чиқмагунча-қўнгли жойига тушмасди. Иш юзасидан ўз далиллари, фикр-мулоҳазаларини бошқа ходимлар фикри билан таққослаб кўрар, шундагина қатъий бир қарорга келиб, қандай тадбир қўллашни белгиларди.

Майор ўз хонасида Мария Михайлованинг альбомидаги суратларни бирма-бир кўздан кечи­раётган эди, кутилмаганда бир сурат остидан бир парча қоғоз чиқиб қолди. Қоғозда кейинги бир ой ичида Душанбе, Рига, Киев, Ашхобод шаҳарларидаги Бош почта­мтлари кўрсатилган, ҳар бир почта­мт рўпарасида «1000», «2000» рақамлари ёзиб қўйилган эди. Чамаси, рақамлар пул миқдори­ни кўрсатади. Лекин бу пуллар кимнинг номига, ким томонидан юборилган?..

Экспертизада қоғоздаги дастхат марҳуманики эканлиги аниқланди. Шошилинч равишда марҳума ишлаган алоқа бўли­мидан мазкур шаҳарларга пул жўнатмалари юборилган-юборилмагани текширилди. Марҳума тузган рўйхатларда бундай катта суммадаги бирорта ҳам пул пере­води қайд этилмаган экан.

Майор хатда зикр этилган шаҳарларнинг ички ишлар бошқармаларига тезда қўнги­роқ қилди. Бир неча соатдан сўнг теле­фонограммалар кела бошлади. Маълум бўлишича, ўн еттинчи алоқа бўли­мидан Душанбега, Тоиров Шоди номига минг сўм миқ­дорда пул юборилган. Ашхобод шаҳри Марказий алоқа бўлими адресига ҳам худди шу шахс номига икки ярим минг сўм пул ўтказилган. Пул Қаҳҳорова Саломат деган аёл номидан юборилган. Киев, Рига почта­мтларига жўнатилган йирик миқдордаги пул Жамилов Бақо деган шахс номига борган. Бу жўнатмалар Семёнова Татьяна номидан йўлланган. Республика Алоқа министри­нинг пул жўнатмаларини назорат қилиш бошқармаси бу ишга аниқлик киритди. Марҳума томонидан юборилган пуллар давлат кассасига ки­рим қилинган-қилинмагани ҳақида ҳеч қандай қвитанция ёзилмаган экан. Фирибгарлик йўли билан юборилган жўнатмалардаги пуллар ўзлаштирилган бўлиб чиқди.

Текширувда яна шу нарса аён бўлдики, пулни олган икки шахснинг паспорти ҳам қалбаки экан.

Қотилликда номаълум шу икки шахснинг қўли бор, деган тахминга келинди.

\* \* \*

Зафар Каримович бошини чангаллаганча чуқур ўйга чўмган. Михайлованинг ўлими тасодиф эмаслигига энди ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади. «Қотил ғоятда маккорона иш тутган,— дея номаълум жиноятчини хаёлида таъкиб этарди у.— Ҳаракат режаларини олдиндан пухта ўйлаган. Нега ўлдирган?.. Тагин ЦУМ кассасини талаган ўғри шунинг ўзи бўлмасин? Биз бўлсак ҳамон номаълум қотилнинг изига тушиб юрибмиз... Эртагаёқ прокуратура терговчисига билдиришим керак...»

Эшик очилиб, Очил Мирзаев кўринди. Майор ташвишли нигоҳини унга қадаб, босиқ товушда:

— Янгилик борми?— дея сўради.

— Ҳа бор. Шаҳар ижрокомининг ички ишлар бошқармаси билан боғландим. Мария Михайлова сохта шахс бўлиб чиқди.

— Сохта?!— таажжуби ошганидан майорнинг кўзлари йириклашди.— Давом этинг-чи?!.

— Ҳақиқий Мария Михайлова бундан етти йил бурун вафот этган. Улимидан бир йил бурун паспорти йўқолган бўлиб, уни тополмагач, бошқа паспорт олган экан. Йўқолган паспорт эса сохта Мария Михайлованики.

— Ажаб! Кутилмаган жумбоқлар пайдо бўляпти. Марҳума ким унда? Паспорт унинг қўлига қандай қилиб ўтиб қолган?

— Ҳа, ниҳоятда чигал масала,— деди Очил Мирзаев.

— Лекин, қандай бўлмасин, бу жиноятни очишимиз керак,— деди босиқ товушда бошлиқ.— Мен «Баҳор» кўчасида бўламан. Фожиа қандай рўй берганлиги ҳақида ҳали сизга айтмаган баъзи тахминларим бор. Шуларга жавоб излашим керак. Сиз марҳуманинг қўшнилари чакиртириб, яна бир марта гаплашинг, Чўтирнинг кимлигини тезроқ аниқланг.

\* \* \*

Зафар Каримович қотиллик содир бўлган кўча фарроши Юсуф отани излаб топди.

— Сўрасам, айбга буюрмассиз, ука,— деди чол чийилдоқ овозда,— граждан кийимидаги узун бўйли, қотма майорга шубҳа аралаш синчков тикилиб,— нега мендан суриштиряпсиз буни?

— Одатда сиз эрта тонг билан кўча супуришга киришасиз. Марҳума балқондан йиқилиб ўлган тонг эндигина ёришаётган пайт экан. Суриштириб чиқдим, квартираларнинг ҳаммасида чироқ ўчиқ бўлган. Қўшнилари ҳам ғафлатда экан, хабарсиз қолишибди. Уша пайтда мабодо сиз кўча супураётган бўлсангиз, бирор кимсани учратмадингизми? Шунинг сиздан билмоқчи эдим.

— Бўлди, энди тушундим,— деди чол афсуслангандек бош чайқаб,— Чоршанба кунимиди, сешанбамиди, куни аниқ эсимда йўқ, тонг отар-отмас кўчани супуриб, нариги кўчага энди қадам қўйган эдим, у кўчадан бир киши ўтди.

— Қайси томонга?..

— Қайси ёққа деяпсизми? Чамамда, у кўл томонга қараб кетди.

— Уша одамни танийсизми?

— Бўлмасам-чи! У отнинг қашқасидек таниш Шариф чўтир-да, парктаги арғимчоқда паттачи. Қайси уйда яшашини билмайман. Лекин ўзи айёрроқ йигит. Паркта ишлаганимда феълени яхши билиб олганман.

Майор қарияга раҳмат айтиб, тезда бошқармага қайтди. Телефонда истироҳат боғи директори билан гаплашди. Узини Шарифнинг қалин оғайни-симан, деб танитди. Афсуски, излаган кишиси боғ маъмуриятининг топшириғи билан икки ҳафта бурун Тошкентга кетган, ҳали қайтмаган экан. «Демак, сохта Мария Михайлованинг ҳалокати даврида Шариф чўтир бу ерда бўлмаган. Лекин, бари бир, ундан марҳума ҳақида кўп маълумотларни билиб олиш мумкин...»

Майор бу сирли ўлимда чўтирнинг қўли бор, деган тахминга бориб, унинг Тошкентда нима иш билан шуғулланаётганини билиб келиш учун лейтенант Сатторовни жўнатди.

\* \* \*

Чори бир неча кундирки, Когон шаҳар кўчаларида тентираб юрибди. Бугун ҳам кун бўйи шаҳар кезди. Аммо излаб юрган кишиси, Гладиаторнинг ўйнаши — Саъвани учрата олмади. Кўп айланиб юрганидан оёқларининг

товонлари зирқираб оғрий бошлади. Узини ҳорғин, ланж ҳис этди. Вокзалдаги сершовқин кафега кириб, қаҳва буюрди... Сигарета тутатди. Тўғриси, иши сира юришмаётганидан кўнгли бир оз ғаш эди. «Тавба! — дея ўйлади дили хира тортиб. — Боя вокзалда олдимга келиб гапга гутган от юзли, турқи совуқ одам ким бўлдийкин-а? Мен галварс унга қайси шаҳардан эканлигимни дарров айтдим-қўйдим. Айтиб нима қилардим-а? Хайрият, бир амаллаб ундан қутулдим. Нега у изимдан анча ергача эргашиб келди? Таажжуб? Еки Гладияторнинг одамими? Шаҳарда санқиб юрганганими кўриб, таниб, орқамдан?.. Унинг ўзи қаерда, қайси қавақда яшайпти экан?...»

Қаҳва ичиб, хаёлот дунёсига чўмиб ўтирган Чори бўш стулга келиб ўтирган қора кўзойнакли бўйдор кишини сезмай қолди.

— Қалай, бу сершовқин ошхона сизни зериктирмадими, улфат? — дея Чорининг фикрини бўлди нотаниш киши ва билагига сочиқ ташлаб, ҳозир бўлган официантга русчалаб буюрди: — Коньяк, закускаси билан!

Чори унга ялт этиб қараб, баттар диққати ошди. «Русчани қийворар экан-ку, бу хумпар», дея дилидан ўтказди. У синчков қараб турган бу хушмуомала нусхани энди сал-пал танигандек бўлди. «Наҳот бу ўша имонсиз Гладиятор!?» У миясида ярқ этган фикрдан ўзи сесканиб кетди. «Мўйлов қўйиб олганини қара!.. Э-э, тўхта-чи! Пастки лабида тиртиғи бор-ку! Майор таърифини қилган нусха-ку бу! Нега кўзойнагини олмаяпти? Таниб қолишларидан қўрқаяптими? Турқи худди Гладияторга ўхшайди...»

— Ишларингиз қалай, дурусти, қадрдон? — яна гап қотди нотаниш киши қўлларини ўтирган стули суянчигига тираб.

— Емон эмас, — дея эринибгина қисқа жавоб қилди Чори. — Кечирасиз, сиз билан қаердадир ҳамсуҳбат бўлгандайман-у, лекин қаердалигини эслай олмай турибман.

— Хотирангга балли-е, Барзанги! Қамоқда бирга бўлган улфатларингни наҳот унутдинг, а? — ҳамсуҳбатини бирдан сенсираб, «илмоқ» ташлади қора кўзойнакли киши хотиржам оҳангда. — Колонияни тарк этганингга етти йилдан ошди, чамамда.

«Уша, ўша ифлоснинг ўзи!..» — Чорининг бадани жимирлаб кетди. Остки лабини қимтиб, устма-уст ютинди. Бир фурсат ҳамсуҳбатига аллақандай ҳайрат билан тикилган кўйи ўй суриб қолди. «Бу аблаҳга асло фириб бериб бўлмайди. У пачакилашиб ўтирадиганлар хилидан эмас. Жигига теккан кишини домига тортмасдан қўймайди». Чори беихтиёр бошини чангаллади.

— С-сен Гладиятор эмасмисан? — сўради у тутилинкаираб.

— Секин... Хотиранг чакки эмас. Янглишмадинг. Худди ўшанинг ўзиман, — деди у паст овозда узун гарданини қашиб туриб. Зўрма-зўраки илжайганча кўзойнагини бир муддат олиб, Чорига маъноли тикилгач, яна тақди. — Гладиятор садоқатли дўстларини ҳеч қачон унутмайди. Чамамда, бундай учрашувни хаёлингга келтирмаган бўлсанг керак?

— Ҳа, топдинг. Ҳеч кутмаган эдим, — дея жавоб қилди Чори.

— Ўтмишни, айниқса, энг яқин улфатингни эслаб юрган бир пайтда уни беҳосдан учратиб қолиш қанчалик яхши! Анча ўзгарибсан.

— Сен ҳам...

— Ҳўш сайра-чи, ишларинг қалай? Вадангми?

— Емон эмас, бинойи... — деди Чори унга разм солганча ва тирсагини столга қўйиб, қўлларини энгагига тиради.

— Эски касбимни қилиб юрибман де, шунча йилдан бери, — деди Гладиятор томдан тараша тушгандек.

— Йўқ, тополмадинг, — деди Чори бош чайқаб. — Омадим юришмай қолган. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув деганларидек, шунчаки кун ўтиши учун чўнтакка тушиб юрибман. Нега десанг, қамоқдан келгунимча шерикларим катта бир ўғирлик устида қўлга тушибди. Яккаланиб қолиш жуда оғир ботаркан кишига.

— Оббо сен-эй! Ҳали ишим пачава, дегин! Эшитмаган эканман. Мен ҳам бўшаб чиққанымдан кейин анча пайт сендек инқирозга учраб юрдим. Тўдамдаги йигитларнинг кўпчилиги омадсизликка учради. Пакана билан Шайтон қолди, холос. Шаҳрингда эски ошнам Қулоқни учратиб қолдим. У ҳам сен каби рухий тушкунликка берилиб, асл касбини унутаёзган экан.

— Менинг изимдан соядек эргашиб юрган қайси бери? — ўсмоқчилаб сўради Барзанги.

— Дарров пайқабсан-да! Уч кун бурун бозорда Пакана айланиб юрганганими кўриб қолибди. Шундан кейин Шайтон изингга тушди. Нима, қиларга иш тополмаяпсанми? Овинг барор олмаётганидан бутунлай бепарво, дайди бўлиб кетибсан. Қуруқдан-қуруқ тентираб юриш жонингга тегмадими?

— Синабсан-да.



— Йўқ, шунчаки...

— Борарга, қўнарга бирор тайинли жойим бўлмаганидан кейин... — дея ёлгонлади у.

— Хафа бўлма, — деб Гладиатор унга далда берди. — Бош омон бўлса, дўппи топилади.

Официант ичимлик ва овқат келтирди. Гладиатор икки қадахга коньяк қуяркан, тиржайиб:

— Учрашувимиз эвазига қиттак-қиттак отсак ёмон бўлмасди, — дедию Чорига қадахни узатди.

Чорининг бошида шу топда турли хаёллар чарх урарди. «Гладиаторнинг бирор муддаоси борга ўхшайди. Ичмасам, кўнглига яна гап келмасин...» У истар-истамас қадахни қўлига олди-да, уни бир ҳўплашдаёқ бўшатди.

Гладиатор асосий мақсадга кўчишдан олдин Чорига бир муддат синчков қараб турди.

— Сен билан учрашишни кўпдан кутардим, — дея мақсадга кўчди у. — Мана ниҳоят мақсадимга етдим. Адресинг эсдан чиқиб кетган экан. Излашим бефойда, деб ўйладим. Қараки, ўз оёғинг билан келиб қолдинг. Сендек синашта қовурғалар керак менга. — У ўзига тобе кишиларни шундай деб атарди. — Гапни чўзиб ўтирмайман. Қисқаси, сени яккалатиб қўймаймиз. Таклифим шуки, тўдамга қўшил! Қисматимизга шерик бўл! Биргаликда иш тутамиз. Яхши биласан, мен фирромликни ёқтирмайман, тантиман. Тушган ўлжа-ўртада арра.

— Қандай иш! — қизиқсинди Чори.

— Албатта, қотиллик эмас!.. Лекин ўрни келганда, зарур бўлиб қолса, энг оғир жиноятга ҳам қўл уришга тўғри келади.

— ЦУМдаги ўғрилик сенинг ишингми?

— Одатимизни биласан-ку, қилинган иш айтиб юрилмайди, — деди норози оҳангда Гладиатор.

— Тушунаман. Шунчаки сўрадим-да. Аммо ўшандан буён кўп ўғрилар таъқиб остида, — деб ёлгон гапирди Чори. Сўнг Гладиаторнинг ишончини қозониш учун яна илова қилди: — Мен ҳам қўрққанымдан бу ёққа қуён бўлдим.

— Ҳали шунақа дегин. Кемага тушганининг жони бир, деб бекорга айтмаган эканлар-да. Ҳечқиси йўқ. Шаҳрингда ҳали шунақанги ғаройиб «томоша»лар кўрсатиб кетамизки, энг тажрибали жиноят қидирувчилар ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолишсин!

«Бу ишимни кечиришмайди, — дея ўйлади Чори. — Эски улфатларга хиёнат қилиб, ўғрилар одатини бузаяпман. Лекин рад қилсам ҳам бўлмайди, булар гумонсираб қолишади. Ҳай, майли, бир бошга — бир ўлим, беллашсам беллашай, барибир энди Гладиатордан қутулиб кетолмайман. Унинг таклифи — буйруқ. Бас шундай экан...»

Чори Гладиаторнинг таклифига рози бўлди. Гладиатор муддаосига эриша олганидан беҳад қувониб, мағрурона товушда деди:

— Тўғриси, Барзанги, сени осонгина гапимга қўндира оламан, деб ҳеч ўйламаган эдим. Сафимиз яна битта синашта, ишончли қовурға билан тўлганидан беҳад хурсандман.

Улар қадах чўқиштирдилар.

\* \* \*

Капитан Очил Мирзаев икки соат ичидаёқ Чўтирнинг ижтимоий аҳволи ҳақида керакли маълумотларни тўплади ва шошилиш равишда бошлиқ ҳузурига кирди.

— Шариф чўтирнинг ижтимоий келиб чиқишини аниқладим, — деб гап бошлади у. — Асли самарқандлик. Ўзбек. Еши қирқ учда. Қўшнилар билан кирди-чиқдиси кам... Биринчи хотини бундан ўн йил бурун оққон касалига чалиниб ўлган. Иккинчиси эса бултур кузда кўзи ёриётганда вафот этган. Ҳозир сўққабош. Меҳнат отпускази даврида қаерда бўлгани номаълум. Турар жойи коммунал хўжаликка қарайди. Икки марта ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида бўлган. Биринчи марта безорилик қилиб, кейин ўғрилик билан ушланиб...

— Ўғрилик билан? Қайси йили?

— Бундан олти йил бурун.

— Суддан делосини олиб, чуқурроқ танишиб чиқинг.

— Ҳамма материаллар билан аллақачон танишиб чиқдим, — деди капитан. — Чўтир, боя айтганимдек, фақат икки бор судланган. Участка

инспекторидан суриштирдим. Қамоқдан қайтгандан бери Чўтирнинг бирор ножўя иш қилгани қайд этилмаган.

— Чиндан ҳам у ўтган давр ичида бирор-бир ножўя ҳаракат қилмаганми-кан? Сиз шунга қандай қарайсиз? Унинг тўғри одамлигига аминмисиз?

— Очиғи, бу ҳақда қатъий бир фикр айтолмайман. Ҳарҳолда, у софдил одам бўлмаса керак.

— Ҳа, балки сиз ҳақдирсиз. Сирли қотилликда унинг қўли борми-йўқми, буни далиллар асосида исботламасимиздан туриб, олдиндан бир нима дейиш қийин.

Майор ўринбосарига алоқа бўлими хизматчиси-сохта Мария Михайлованинг тасодифий ўлими нималар билан боғлиқлигини қисқача айтиб берди.

— У пул юборган, қалбаки паспортлар билан пулни олган кишилар эса ҳозирча номаълум шахслар.

— Иш бутунлай чалкашиб, чувалашиб боряпти.

— Асосий тугун қаерда, шуни тезроқ аниқлашимиз керак.

— Чўтирни қамоққа олсак, шунда масала бирмунча ойдинлашармиди? — дея капитан маслаҳат солди.

— Шундан бошқа чорамиз қолмади. Лекин уни айблашга далилларимиз ҳали етарли эмас. Қотиллик содир бўлган куни Чўтир шаҳарда бўлмаган. Унинг Тошкентда қандай ишлар билан шуғуллангани ҳозирча бизга номаълум. Сатторовнинг қайтишини кутамиз.

\* \* \*

Кечки пайт. Майор Каримов уйда чой ичиб ўтирарди. Телефон жиринглади. У шошилинич трубкани кўтарди.

— Эшитаман!

— Зафар Каримович! Бу мен, — майор Чори Барзангининг овозини дарров таниди. — Когондан гапиряпман.

— Тинчликми ўзи? Нега дом-дараксиз кетдинг? — ранжиган оҳангда гапирди майор. — Бирор янгилик борми?

— Бор... Учратдим.

— Кимни?

— Қушчани.

— Тушунарли. Ҳозир бу ёққа кела олмайсанми?

— Йўқ, мени кузатишяпти. Яхшиси, ўзингиз келинг! Истироҳат боғида, ёзги бильярдхонада кутаман.

— Ҳозир етиб бораман.

Зафар Каримович йўл-йўлакай бошқармага кириб, қуролини олиб чиқди. Кейин «Жигули»сини елдирганча Когон шаҳрига етиб келди. Машинани боғ дарвозаси олдида қолдирди ва тўрт томони очиқ айвонли бильярдхонага яқинлашди. Уйинни кузатиб турган Чори граждан кийимидаги майорни кўриб, секин четга чиқди ва тез-тез юриб, дарвоза томон йўл олди. Майор аста-секин унинг изидан юрди. Чори машина ёнида тўхтамай, ой нури тушиб турган кўчадан ўнг томонга қараб кета бошлади. Унинг фикрини тушунган Зафар Каримович машинага ўтириб, уни шошилмай юргизди. Барзангига етиб олгач, машина эшигини очди:

— Узоққа боряпсизми, йигит? Утиринг, олиб бориб қўяман.

Чори унинг ёнига ўтирди. Майор газни босар экан:

— Омонмисан, шоввоз, ишларинг қалай? Тинчликми? — деди унинг қўлини самимий қисиб.

— Гладиаторни учратдим.

Майор ишонқирамагандек унга бир қур тикилиб олди.

— Наҳот!.. Янглишган бўлма тагин?

— Ҳеч-да. Шериклари билан шаҳарда юрибди.

— Ростданми?

— Ҳа. Мени ҳам тўдасига тортяпти. Сизнинг рухсатингизсиз унинг таклифига кўндим. Лекин менга ҳали унчалик ишонмаяпти.

Чори Гладиатор билан бўлган учрашув тафсилотини қисқача айтиб берди.

— Ҳм-м... Бошланиши ёмон эмас, дуруст. Балли, азамат! — деди майор мамнунлик билан, сўнг Чорининг билагини қисиб қўйди. — Қаерда туришини айтдимми?

— Йўқ... Сир тутяпти.

— Улар кўпчиликми?..

— Озчилик. Лайчаларидан фақат икки киши. — Пакана билан Шайтон деганлари бор. Бошқа шериклари борми-йўқми, билмайман. Сўраш ноқулай,

ўзи айтмайди. Гладиятор эски улфатларидан яна бирини учратибди. У Бухоро шаҳрида тураркан. Лақаби — Қулоқ. У қаерда яшаб, қаерда ишлаётганини айтмади.

— ЦУМдаги ўғирлик уларнинг иши эканми?

— Очиқ айтмади. Лекин сезишимча, Гладияторнинг ишига ўхшайди.

— Ишотсиз бир нима дейиш қийин.

— Биласиз-ку, ўғри ҳеч қачон, «мен ўғирлик қилдим», деб айтмайди.

Гладиятор яқин орада катта бир ўғирликни амалга ошириш режаси билан юрибди, лекин қаерни, қандай қилиб талашини айтмаяпти.

— Ҳм-м... Ҳали шунақа нияти ҳам бор, де!.. Айни муддао-ку, ошна, тузоққа илантириш осон бўлади. Энди ўзингга тааллуқли асосий гапни эшит! Мумкин қадар унинг ишончини қозонишга интил. Бу жуда муҳим. Биз ўғирланган пулнинг кимдалигини аниқ билмоғимиз шарт. Акс ҳолда уринишларимиз беҳуда кетади. Ўзингга маълум, пихини ёрган ўғрини далил-исботсиз айбига иқдор қилиб бўлмайди. Гладияторни жиноят устида қўлга оламиз. Бунда сенинг ёрдамнинг асқотади. Яна қаерда, қачон ўғирликка тушишмоқчи? Буни фақат сен билиб бера олишинг мумкин. Жуда эҳтиёткорлик, ҳушёрлик билан иш тутушингга тўғри келади.

— Уриниб кўраман.

— Ўйингга ҳозирча бормай тур. Қаерда яшашингни, оиланг борлигини гуллаб қўйма. Бизнинг одамимиз хабар қилди: сени бир таъвия кузатиб юрганини сезибди.

— Йўғ-э, наҳотки...

— Ҳа. Энди қаерда бўлишинг, адресинг, нима иш қилаётгангни бизга телефон орқали маълум қилиб турасан! Эсингда бўлсин, сенга ҳамма вақт йўл-йўриқ кўрсатиб туриш имконияти бўлмайди. Мустақил фикр юрийтишингга тўғри келади. Мен билан учрашиш эҳтиёжи жуда зарур пайтидагина олдин овлоқроқ жой танла, кейин жойини, вақтини телефон орқали билдир.

\* \* \*

Лейтенант Сатторов топширилган вазифани ҳамиша ҳушёрлик ва ўта масъулият билан бажарарди. У самолётдан тушиб, тўғри бошқармага келди. Қабулга кириши биланоқ бошлиқ сўради:

— Ҳўш, қандай янгилик бор, ўртоқ лейтенант?

— Чўтир, — деди лейтенант, — арзимаган иш билан, яъни болалар аргимчоғига буюртма бериш учун Тошкентга борган экан. Ишини борган куннинг ўзидаёқ битказибди. Буни Маданият министрлигидан билиб олдим. Чўтирнинг тунаш жойини билиш учун барча меҳмонхоналардан суриштиришга тўғри келди. «Дўстлик» меҳмонхонасидан бир ўринли хонани банд этган экан. Лекин навбатчи хизматчининг гувоҳлик беришича, у фақат уч оқшом тунаган. Хона тумбочкасидан иккита самолёт билети чиқди. Бири Ҳамилов Бақо номига... Билет «Мария Михайлова»нинг ўлиmidан бир кун олдин Тошкент-Бухоро рейсига олинган. Иккинчи билет Тоиров Шоди деган шахс номига ёзилган. Билет марҳуманинг ўлган кунига тўғри келади. Биринчи рейс билан Бухородан Тошкентга училган. Чўтир эса эртасига кетиб қолган. Қаёққа кетгани маълум эмас. Ҳар эҳтимолга кўра билетларни олиб келдим.

У билетларни бошлиққа берди.

— Яша! Ҳаммаси аён! — майор олдиндан бир сирдан воқиф бўлгандай тунд чехраси бирдан ёришиб, лабларида табассум ўйнади. Шошилич равишда телефон қила бошлади: — Очил Мардонович, бир минутга...

Орадан сал фурсат ўтар-ўтмас капитан кириб келди.

— Қотил топилди, — деди майор ишонч билан. — Агар биз ўйлаган қотил чиндан ҳам шу шахс бўлиб чиқса, билингки, калаванинг учи қўлимизда.

— Бацорат қилиясизми!? Наҳот?! Ким экан қотил? — дея ҳовлиқиб сўради ўринбосар.

— Чўтир! Ҳа, худди ўша! ЦУМдаги ўғирликка ҳам алоқаси бўлса ажаб эмас.

— Йўғ-э? — дея ҳайратланганидан қошлари чимирилиб кетди капитаннинг. — Ахир, у... Қандай қилиб?..

— Таажжубингиз ўринли, — майор столи устидаги иккита билетни олиб, уни ўринбосари кўрсатганича гапида давом этди, — жумбоқни ана шу икки билет ечиб беради. Лейтенантнинг Чўтир изидан Тошкентга бориб келгани яхши бўлди.

Лейтенант майорнинг сўзларини ҳам ҳайрат, ҳам ҳаяжон билан тинглаб

турарди. Топшириқни мақтовга лойиқ даражада ўринлатиб келганини эшитгач, унинг кўнгли кўтарилиб кетди.

— Иш ўта пухталиқ билан амалга оширилган, — деди майор. — Фараз қилайлик, Чўтир «Мария Михайлова»нинг ўлими куни учиб келган. Сўнгра унинг ишдан қайтишини кутган. Биргаликда овқатланишган. Уйга жуда кеч қайтишган. Чўтир унга уйқу дориси ичирган. Қотил оёқ изларини қолдирмаслик йўлини яхши билган. Марҳума ҳамиша эшикни ичкаридан қулфлаб ётган. Чўтир бу ҳолни илгаридан билган. Унда шу эшик қулфига тушадиган калит бўлган. Жазманини аранг юргизиб, балконга чиқарган-да, кейин пастга улоқтириб юборган. Ўзи бўлса эшикни қулфлаб, тезда ғойиб бўлган ва самолётда биринчи рейс билан Тошкентга учган. Ит из тополмасин деб йўлакка маҳорка сепган. Шубҳа туғдирмаслик учун билет олишда ўз номига ёзилган қалбаки паспортлардан фойдаланган. Мана, бу икки билетда номлари кўрсатилган шахсларнинг ҳаётда умуман йўқлиги бизга маълум. Чўтир отпускази пайтида ана шу қалбаки паспортлардан фойдаланган. Марҳума томонидан фирибгарлик йўли билан жўнатилган пул масаласида иккиси олдиндан келишиб қўйган. Лекин пул тақсимоти пайтида ўртада низо чиққан...

— Ғалати-ку! — дея бош чайқади Очил Мирзаев. — Изни йўқотиш ниятида қўллаган найрангини қаранг-а. Ахир, у марҳума хонасида авваллари ҳам бўлиб турган-ку. Веҳудага ўзини шубҳа остига қўяётганини наҳотки фаҳламаса?

— У қотилликни амалга оширгач, ўзини шубҳа остида қолдирмаслик учун ҳам худди ана шу режасини қўллашни маъқул топган. Марҳума хонасидаги ашёларда унинг бармоқ излари йўқ эмас, истаганча топилади. Лекин бу унга, сен айбдорсан, деб айтишга асосий далил бўлмайди. Ҳа, илгари аҳён-аҳёнда уникага бориб турардим, жазмани эдим, деб гапни бошқа ёққа буриб юбориши ҳам мумкин эди.

— Энди нима қиламиз?

— Одатда билет рўйхатдан ўтказилаётган пайтда контроль талони йиртиб олинади. Контроль талоннинг орқа қисмига билет олган йўловчининг кимлиги, ҳужжатининг номери ёзилган бўлади. Лекин кўп ҳолларда кассирлар эриниб ёзишмайди. Йўловчининг ўзи ёзишга тўғри келади. Билетнинг йиртиб олинган контроль талонида Чўтирнинг дастхати бўлиши мумкин. Очил Мардонович, сиз бугуноқ аэропортга боринг. Ростдан ҳам кассир ёзмаган бўлса, унда дарҳол анализга беринг, Чўтирнинг дастхатими, йўқми, аниқлашсин! Сиз, лейтенант Сатторов, бугунчалик дам олинг! Эртадан бошлаб Чўтирни кузатасиз. У аллақачон Тошкентдан қайтган. Истироҳат боғидаги арғимчоқда ишлапти. Энг муҳими, кузатаётганингизни пайқамасин. Ким билан қандай мулоқотда бўлади, ҳаммасини ҳисобга олинг. Ҳар кунги кузатиш натижасини менга билдириб турасиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ майор, — дея қўлини чаккасига теккизиб, честь берди лейтенант Сатторов. — Кетишга рухсат этинг!

— Бўшсиз.

\* \* \*

Самарқанд шаҳри. Серҳашам уйнинг чўғдек ясатилган хонаси. Бири башанг, бири одми кийинган икки кимса юмшоқ креслода ястаниб олганча суҳбатлашапти. Булардан бири — уй эгаси, юзи серажин, ўта совуққон Толиб. У таксимотор паркида хизмат қилган пайтида пихини ёрган ўғрибошилардан бири бўлган. Боцман лақаби билан машҳур эди. Рус тилида бурро сўзлаша олади. Боцман ҳозир ҳам ҳунарини ташламаган. Енгил автомашиналарни ремонт қилиш станциясида ишлайди. Пул, бойлик учун қатто ҳаётини тикишдан ҳам тоймайди. Ҳозир арзон-гаровга машина олиб, қимматга сотиш билан шуғулланади. Гладияторга эски кадрдон, у билан олди-бердиси бор. Иккинчи киши мезбоннинг тамоман акси, миқти гавдали Пакана эди. У бугун Бухородан «муҳим иш» билан учиб келди. Боцман ҳам анойилардан эмасди. У ўз оёғи билан кириб келган дўзахи ошнасида манфаатдор бўлишдан умидвор.

Хонага атлас кўйлакли ёш бир келинчак кириб, чойни янгилаб кетди.

— Боцман, анча лақиллашдик. Энди асосий мақсадга кўчсак ҳам бўларди, — деди Пакана хирилдоқ товушда.

— Қулоғим сенда, Пакана, — деди мезбон хотиржамлик билан ва чекиб турган сигарети тутунини оғзидан ҳалқа-ҳалқа қилиб чиқара бошлади.

— Буюртманинг бажарилиш муддатини аниқроқ билишга келдим. Гладиятор шоширяпти.

— Ошна, яхши биласанку, бу ишда шошиб бўлмайди, — дея эринчоқлик билан сўз бошлади Боцман. — Еки буюртма учун тиккан «малах»ига ачинапгими шефинг?

— Йўқ, асло, мени тўғри тушун, — деди Пакана. — Гладиатор бу ишнинг ўнгидан келишига унча ишонмаяпти. Илгари ҳам бир танишига таклиф этиб кўрган, лекин бир натижа чиқмади...

— Хотиринг жам бўлсин, Пакана, — деди илжайиб Боцман. — Мен сенга ҳозироқ ажойиб янгилек айтишим мумкин.

— Хўш, эшитайлик-чи, — унга маъноли қаради меҳмон.

— Менинг дастёрларим ёмон ишламаяпти. Буюртмаларинг тайёр. Энди бу нарсани шефинг айтган тусда бўяш қолди, холос. Танлаган «йўрға» миз ҳам чакана эмас... У тез орада қўлларингга тегади, — у оёқлари увушиб қолган кишидек зўр-базўр ўрндан қўзғалди. Бориб китоб жавони устидаги биллур идишда сузиб юрган олтин балиқчаларга бир муддат тикилиб турди, сўнгра идиш ёнидаги кичик қутгичадан озуқа олди-да, бармоқлари билан эзгилаб, балиқчаларга ташлай бошлади.

— Тўғрисини айтсам, Боцман, буюртманинг битаёзганини билдириб, мени анча хурсанд этдинг, — деди Пакана. — Шефим қувонадиган бўлди. Ҳа, дарвоқе, эслатиб қўяй, келишувга кўра белгиланган «соқол»<sup>2</sup>нинг қолган қисмини буюртма қўлга теккан пайтдаёқ олсан.

— Мен розиман, Пакана.

— Энди менга рухсат.

— Шошиляпсанми?

— Ҳа, бугуноқ қайтишим керак. Гладиатор бетоқатлик билан кутиб тургандир.

— Кузатиб қўяйми?

— Узим кетаман, — деди у кулиб.

Боцман Пакананинг тирсагидан ушлаганча, то эшиккача мулозамат билан кузатди. Паканани йўлнинг нариги томонидаги дарахтлар соясида Чори кутиб турар эди.

— Бунча ҳаяллаб кетдинг, — дея ўпкаланди Чори.

— Боцман билан келишиш осон деб ўйлайсанми? Лекин иш ҳал бўлди.

— Ким у Боцманинг? Нима ҳал бўлди?

— Бир гапни эшитдингми, то мағзини чақмагунингча қўймайсан-а! У эски кифтлардан. — Пакана шерикларини «кифт» деб атарди. — Бир янгироқ энгил машина керак эди. Шуни ҳал қиляпти.

Иккиси шаҳар маркази томон кетишди.

— Энди қайтамизми?

— Йўқ, яна бир зарур иш бор ҳали.

— Қанақа?..

— Ҳу анави ошхонада кутиб тур, тезда қайтаман. Ўша ерда тушлик қиламиз, — Пакана муюлишга етганларида Чорига йўлнинг нариги томонидаги ошхона биносини кўрсатди ва ўзи йўлак бўйлаб илдам кетди.

Пакана ярим соатлардан кейин қайтиб келганда ҳамроҳи бир чеккадаги столда пиво ичиб ўтирарди.

— Овқат буюрдингми?

— Ҳа. Қовурма лағмон. Нима бўлди, кайфиятинг чатоқроқ.

— Қуён бўлибди, энағар. Қўшнисига телефон қилдим. Кетиб қолган, бу ерда яшамайди, дейди.

— Ким? — Барзанги чап қўли тирсагини столга тираб, иягини ушлади.

— Шайкамиздан чура<sup>3</sup> бўлганлардан бири. Тўра кулол деганинг ўғли Жўра писмиқ. Шу ерлик. Лақаби «Каламуш». Сал хаёлпарастроқ эди. Лекин ўғирлик қилишда бало эди. Тайинланган ерда бирдан пайдо бўлиб қоларди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, пайқамай қолардиқ. Ёмон кифтлардан эмасди. Бирдан айниб қолганига ҳеч ишонгим келмаяпти. У дафъа келганимда, деразасидан сиртмоқ қилинган арқонни ташлаб кетган эдим. Гладиатор буйруғи шу эди. Жон ширинлик қилиб қочибди.

— Айби нима эди? — деб сўради Чори.

— Қопчиқ эди у, тушундингми, яъни казиначи, — деди Пакана бурнини жийриб. — Ана шу кифт бор пулни йўқотиб қўйибди. Шеф ишонмаяпти. Атайлаб қилган, деяпти. У бўлса қўрқанидан тутқич бермай юрибди. Каламуш катагида бўлганида уни тинчитиш сенинг зиммангга тушарди. Шефнинг топшириғи шундай эди. Омадли экансан, кифт!

«Хайрият, Каламушга «Тезроқ қуён бўл», деган эканман, — дилидан

<sup>1, 2</sup> Пул.  
<sup>3</sup> Қочиб

кечирди Чори, — шерикларига қараганда у юз чандон инсофли, диёнатли. Хайрли ишга қўл урдими, албатта, қалбида эзгулик нияти бор... Гладиатор у ҳақда аллақачон қатъий ҳукм чиқарган экан-да. Вой, иблис-эй!..»

— Ҳа, Барзанги, нега жим бўлиб қолдинг? — деди Пакана ҳамроҳига беписанд қараб. — Нима, гапимга ишонмаяпсанми, кифт. Ростини айтсам, омадинг чопди. Бўлмаса...

— Хабарим бор... — деди Чори хотиржамлик билан. — Утган ҳафта келиб кетган эдим. Ушанда катагида бўлганида борми... Гладиатор, қопчиқни топиб бермагунча дўппосла, майиб қилсанг ҳам майли, кечдим унақа қовурғадан, деган эди.

— Шеф айтди менга келиб кетганингни. Қуён бўлибди, дебсан-у ишонмабди шеф. Каламушнинг қайси катакдалигини Боцман билдирган экан. Бари бир у шефнинг чангалидан қочиб қутулолмайди.

Пакана устма-уст пиво қуйиб ичгач, оёғи остига тупуриб пўнғиллади.

— Шуям ичимлик бўлди-ю... Қиттак-қиттак оқидан отсак бўлмайдими? Энди-ку бошқа қиладиган ишимиз қолмади. Қоринни тўйғизгач, қайтамиз.

— Бўпти, буюр, битта «Экстра» олиб келсин!

Қадаҳларни тўлдириб, бир кўтаришдаёқ симиришди. Иккинчи қадахни омад учун кўтаришди. Чори шуни жон-дилидан истаб ўтирган эди. Кўп ўтмай, Пакананинг ёноқлари қизарди, кўзлари сузилиб, «шеф» ини мақтай бошлади:

— Ана шунақа гаплар, қадрдон кифтим! Гладиатор деганича бор. Қажри ёмон. Истаса юз мақомда йўрғалатади, ўтда ёқади... Гинг деб кўр-чи, ўзингни асфаласофилинда кўрасан!

— Кўпдан танийсанми шефни? Унинг ўзи асли қаерлик?

— Ҳали кимлигини айтмадими сенга?

— Тўғриси, сўраб ўтирмадим. Билишнинг унча қизиғи ҳам йўқ, шунчаки сўраб қолдим-да.

— Яхшимас, шефнингнинг кимлигини билишинг керак, — дея Пакана, нодон, гўл экансан-ку, дегандек, Чорига ғалати қаради. — Айтайми кимлигини? Унинг исми — Луқмон. Аслида конибодомлик. Ёшлигидаёқ безориларга қўшилган экан. Кейинчалик қотилликда айбланган, лекин қўлга тушмаган. Қочиб аллақайси бир шаҳарга борибди. Чўнтакка тушибди. Умарган қопчигидан бир даста пул билан паспорт йўқолгани тўғрисидаги справка чиқибди. Орадан кўп ўтмай, Гладиатор бошқа бир шаҳарда яна жиноят устида ушланган экан. Шунда қопчиқдан чиққан справка унга асқотибди. Гладиатор бировга берилган ўша справкадаги исм-фамилияни ўзимники, дебди. Шеф Бутуниттифоқ қидирувидаги шахс. Тўғрисини айтсам, хавfli рецидивист. У бўлса, бошқа фамилияда яна бир неча марта ётиб чиққан.

— Қойил!.. Сен у билан кўпдан бери биргамисан? Сенга худди ўзига ишонгандай ишонади-я!

— Ҳм-м... — деб юзини буриштирганча лабларини чапиллатиб олди Пакана. — Ишониши рост, менинг инон-ихтиёрим унинг қўлида.

— Тушунмадим.

— Аламимни қўзғаб нима қиласан, кифт, — деб хўрсинди у ва бурнини устма-уст тортиб қўйди. — Мен ўзимни гаровга югқизганман унга. Шайтон ҳам... Карта ўйинида. Ана шунақа гаплар, қадрдон кифтим. Карманалик Карим етимчанинг куни қора. Нуроталик Насим Шайтоннинг қисмати меникидан баттар. Иложимиз қанча... Сенинг турмушинг ҳам бизникидан қолишмаса керак? Пул бор, маишат йўқ, ҳаётдан лаззатланиш йўқ. Гладиаторга эса маза! Уч-тўрт шаҳарда жазмани бор. Когондаги Саъваси худди арчилган тухумдай... Биз эса, сичқоннинг ини минг танга, ҳамма вақт писиб, яшириниб юрибмиз. Минг лаънат бундай ҳаётга! Баъзан узоқроқ жойга йўқолай дейман-у, лекин юрагим дов бермайди, қўрқаман. Топиб олса ўлдириши мумкин.

— Бир умр шу тахлитда яшайвериш ҳам ахир жонга тегади-ку! — деди Чори пакананинг ҳолига ачинган бўлиб. Мақсади — унинг кўнглига қўл солиш, асл ниятини билиш эди. — Ҳалиям бардошимизга балли! Ит ётишу мирза туришга чидаб келяпмиз!..

— Иложимиз қанча, кифтим? Шефдан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Бир изинга тушмасин, тушса... Кейин тамом! Тавбангга таянтирмасдан қўймайди. Шошмай тур, шефнинг ногорасига ҳали сен ҳам ўйнаб қоласан. Бирга бўлсак, қуллуқ қилиб салом бераман.

— Нимагадир шеф менга унчалик ишонмаяпти. Тўдаларингда худди ортиқча кишидекман.

— Сенга шундай туюлаётган бўлса керак. У, авваламбор, ишончсиз кишини яқинига йўлатмайди. Ўзи зўрга етишдию сенга. Билиб қўй, сен шефга жуда кераксан. Ўзингдан ҳам кўпроқ хунаринг керак унга. Истаган муҳрни

айнан ўзидай қилиб ясай билиш ҳазилакам иш эмас. Гладиатор менинг ҳам қулф, сейфларни оппа-осонгина оча билиш қобилиятимни қадрлайди. Парво қилма, Барзанги, шефнинг феъли шунақа, тунд юради. Ниятига, мақсадига тушуниш қийин. Бирор иш қилмоқчи бўлса, бирдан ҳаракат бошлайди. Ишига жуда пишиқ. Одамнинг ниятини бир қарашдаёқ кўзидан билади. Лекин бир ерда узоқ туриб қололмайди. Мўлжаллаб юрган ишини амалга оширдими, тамом, дарвор бошқа шаҳарга жуфтакни ростлаб қолади. Бизлар унинг думимиз, қаёққа бурса, кетидан судралиб кетаверамиз.

— Бу маъқул одат. Хавф-хатардан узоқда бўлиб, тинчгина яшайди.

— Ҳаётимиз ана шунақа кечяпти, дўстим. Бирга бўлсак, ҳали кўп нарсани кўрасан, кўникиб ҳам қоласан...

\* \* \*

Оқшом. Истироҳат боғи байрам либосида. Турли рангдаги чироқлар ёз оқшомига ўзгача латофат бахш этган. Анъанавий санъат байрами авжида. Ҳавога узлуксиз мушаклар отилмоқда. Бир томонда концерт, бир томонда полвонлар беллашишяпти, яна бир томонда дорбоз ўйини...

Граждан кийимидаги лейтенант Сатторов аргимчоқ майдончаси атрофида айланиб юрибди. Ташқи кўринишидан у оператив ходимга ҳеч ўхшамайди. Аҳён-аҳёнда бир кишига назар солиб қўяди. У кимса чап қўлига қизил лента боғлаган Шариф чўтир. Унинг бу оқшом омади келган кўринади. Аргимчоқ учувчилар кўп. Боғ ўртасидаги фонтан атрофида ҳам одамлар гавжум. Бўйнига қўш фотоаппарат осиб олган баланд бўйли кишининг қўли-қўлига тегмайди. Ишқибозларнинг кети узилмайди. У суратга тушувчиларга қанча масофада, қай тартибда туриш кераклигини уқтиради. Сўнг чироқли фотоаппаратини ишга солиб сурат олади. Бир оз ўтиб, лентаси тугаб қолди шекилли. Исмоил Сомоний мақбарасидан сал чеккароқдаги эшиги пештоқида «Фотография» деб ёзилган мўъжазгина хона томон юриб кетди. Ичкарига кириб чироқни ёқди. Фотоаппаратини темир қутичага саранжомлади. Қутини беркитгач, ташқарига чиқиб, эшикни қулфлади. Ниҳоят, илдам одимлаб аргимчоқ майдончасига келди-да, Шариф чўтиргга гап қотди:

— Ҳой, Чўтир, ҳорма, ишинг беш-ку. Илтимос, қоровул келса айтиб қўй, мен кетдим.

— Суратга олсангиз айтаман, — дея тегишди унга Чўтир.

— Бунчаям суратга тушишга ўчсан. Бошқа пайт. Мен кетдим. Эсингдан чиқмасин...

— Бўпти, айтаман.

У боғнинг шимол томони чеккасида жойлашган Чашмаи Аюб мақбараси томон илдам юриб кетди. Шариф чўтирни кузатиб турган лейтенант фотографнинг хатти-ҳаракатидан хавфсираб: «Бу нусха ким бўлди экан? Шерикларидан бири бўлмасин тагин...» деган хайлга бориб, тезда унинг изига тушди. Фотограф Чашмаи Аюб мақбарасига яқинлашди. Кун ботиш томонга ўтди. Атроф қоронғи, у кўзга аранг чалинарди. Лейтенант фотографни кузатишда давом этди. Уни кўздан қочирмай, муҳими, у сезиб қолмасин учун ўттиз-қирқ қадамча ортдан кузатди. Фотограф қоровулхонага кирди. Кимгадир телефон қила бошлади. Аммо жавоб бўлмадими, яна қайта номер терди.

Лейтенант зудлик билан изига қайтиб, шаҳар марказий автомат телефон станцияси навбатчисига кўнғироқ қилди. Парк қоровулхонасидаги телефон аппаратидан қаёққа телефон қилинаётганини билиб беришни сўради. Навбатчи Когон шахрининг қайси номери билан гаплашилганини айтди. У фотографнинг «Мукофот эгасига мунтазир» деган гапини эшитишга улгурибди, холос.

\* \* \*

Шинам жиҳозли хона. Стол устидаги магнитофондан эстрада куйи таралаяпти. Гладиатор диванда оёқларини чалиштирганча коньяк ичиб ўтирибди. Эғнида майка, кўкраги, қўлларининг қалин мўйлари уни янада вазожатли қилиб кўрсатади. Кўп ичганиданми, кўзлари қип-қизил.

Эшик очилиб, остонада хипчабел аёл кўринди. У ноз-фироқ билан Гладиаторга гап қотди:

— Жоним, сени Пакана сўраяпти.

— Айт, кирсин.

Сал фурсатдан сўнг Пакана Гладиатор ҳузурида ҳозир бўлди.

— Салом шеф! Мана, айтган пайтингизда етиб келдим.

— Утир! Ичасанми?

— Агар ҳиммат қилсалар...

— Узинг қуйиб ич!..

Пакана чаққонлик билан кафтларини бир-бирига ишқаб, коньяк шишасини қўлига олди, қирралари ялтироқ қадаҳга қуйиб, бир кўтаришдаёқ бўшатди.

— Хўш, сайра-чи. Буюртма тайёр эканми? — қош-қовоғини уйиб, босиқ овозда сўради Гладиатор. — Барзанги билан нима хусусла гаплашдинглар?

— Буюртмамиз тез кунда қўлимизда бўлади, — Пакана ҳукмдорига норози тарзда қараб, «Дарров чақибди-да, энағар Барзанги...» дея хаёлидан ўтказди. — Буюртма аллақачон тайёрлаб қўйилган экан. Боцман бир ҳафта ичида оласизлар, деди. Уни олиб келиш учун ҳаммол жўнатилса бўлди.

— Қойилман сенга, — деди мамнунлик билан кулмусираб Гладиатор. — Яша, ёмон ишламаяпсан. Буюртмани ким олиб келади — буни аллақачон планлаштириб қўйганман. Каламушни тинчитдиларингми?

— Йўқ, шеф! У ростдан ҳам қочиб кетган экан.

— Қутулиб бўпти! Хўш, Барзангидан гапир-чи, уни синаяпсанми? Бу қовурғадан кўнглинг тўқми?

— Нима, сиз ҳали ҳам у кифтдан шубҳаланяпсизми, шеф?

— Шуни унутмаки, Пакана, биз орттираётган ҳар қандай қовурғага ҳам шубҳа билан қарамоғимиз шарт. Узингга маълум. Жўра писмиқ... Шунинг учунми, бошлаган ишимиз ҳамма вақт ҳам ўйлаганимиздек чиқмаяпти. Ютуқ гоҳ бизники бўляпти, гоҳ бой бериб доғда қоляпмиз... Синашта қовурғалар керак... Хўш, Барзангига ишонса бўладими?

Пакана Барзангининг ҳушёрлиги, эпчиллиги, тантилигини мақтаб:

— Умуман, чакки кифт эмас, — деди. — У бизга аввалгидай содиқ.

— Суриштирдингми, уй-пуйи, бола-чақаси бор эканми?

— Қизиқсиз, шеф. Турарга бошпанаси йўғ-у, қанақасига... Ҳатто жазмани ҳам йўқ экан. Хотинбозликни жиним суймайди, дейди.

Гладиатор бир муддат жим бўлиб, ўйга толди. «Демак, Барзанги алдамабди... Шофёрлик гувоҳномасини топиб келишни ҳам қойиллатди. Қалбаки муҳр ясашни эса қотирди. Қандай иш бўлмасин, бўйин эгиб бажаряпти. Пакана унинг ҳар бир қадамини кузатиб юрибди. Ножўя ҳаракатини пайқамабди. Мен бўлсам ундан ҳануз шубҳаланиб юрибман... У пасткаш қовурғалардан эмас, ғурурли. Суянадиган бошқа қовурғаси, борадиган тайинли жойи бўлмаса... Менга хиёнат қилса, оқибати нима билан тугаши-ни яхши билади. Шундай экан, уни синаганим етар».

— Эсингда бўлсин, борди-ю, у сотқинлик қилса, терингни шилиб оламан, — деб уқтирди Гладиатор.

— Бизга қарши ножўя ҳаракатини сезсам, ўша заҳотиёқ суробини ўзим тўғрилаб қўяман, шеф.

— Ҳушёрлик зарар қилмайди. Кўз-қулоқ бўлиб тур!..

— Хўп бўлади, шеф! Лекин айтиб қўяй, Барзангидан-ку, гумоним йўқ, аммо Қулоққа негадир ишонгим йўқроқ. Каламушдай лақиллатиб, бошлаб тузлаб кетмасайди ҳали бизни. Танлаб-танлаб ғирт тозига учраган бўлмагн тагин? У кифтни ўзингиз танлагансиз, яна унга ишониб...

— Ундан хавфсирамасанг ҳам бўлади. Ишончли. Уни кутилмаганда учратиб қолганимни айтмайсанми? Тўғриси айтсам, аввалига уни яхши танимадим. Анча ўзгариб кетибди. Қулоқ эмасмикан, дея тахмин қилдим. Кун бўйи кузатдим. Хуллас, қулай пайт пойлаб у билан гаплашиб ҳам олдим. Ҳунари суратчилик эмасми, елкасига фотоаппаратини осиб олиб, қишлоқма-қишлоқ юрарди. Уйма-уй кириб одамларни суратга туширарди. Суратга олиш баҳонаси, қайси бир хонадонда арзирли мол-мулк кўп, шуни кўриб-билиб қайтарди. Бу бизга жуда қўл келарди. Э-ҳе, кўп йиллар бўлди бу ишларга.

— У қандай қилиб дарров бўйин эга қолди сизга, шеф? — қизиқсинди Пакана.

— Тўғриси, бу қовурғани осонгина тузоққа илинтираман, деб сира ўйламаган эдим, — деди Гладиатор сигарет кулини эринчоқлик билан кулдонга қоқа туриб. — Иккинчи марта у билан овлоқроқ жойда учрашдик. Аввалига таклифимга кўнмади. Кейин уни кўрқитишга ўтдим. «Биласанми, Қулоқ, дедим, чамамда, хавфли жиноятчилардан бири эканингни унутибсан. Мен билан шерикликда қилган анча-мунча қонун кечирмайдиган жиноятларингга нима дейсан? Бир гал бўйин товлаганингда омбир билан шалпанг қулоғингни қисиб, додлагганимиз эсингдан чиққан эканда». Ушандан кейин ўнг қулоғи чиноқ бўлиб қолган унинг. Шундан бери лақаби — Қулоқ. У азалдан юраксиз, кўрқоқ, ҳалиги гапимдан кейин ранги бўз бўлиб кетди. Лаблари тинимсиз



қалтирайди. Мен яна нозик жойидан олдим. «Милиционерни гумдон қилиб, тўппончали бўлганинг ёдиндан чиқдим, дедим. Янглишмасам, ўша тўппонча хануз ўзингда сақланаётган бўлса керак. Жазосиз қолган гуноҳ ишларинг оз эмас, нодон, милиция хабар топса, ҳолинг нима кечишини биласанми?» «Мендан нима истайсиз?» деди довдираб. «Мана бу бошқа гап. Биз бир-биримизни энди тушундик», дедим мен. Кўриб турибсанки, бу эски қовурғамиз яна бўйин эгиб, бизга хизмат қиляпти. Унга бир ишни ундоқ қил, бундоқ қил, деб кўрсатма бериб туриш шарт эмас. Мияси зўр, эшитдими, мустақил иш тутаверади. Сувдан қуруқ чиқадиғанлар тоифасидан.

— Бунчалар пишиқ одамлигини эшитмагандим-да, шеф! — деди Пакана тиззасига шапатилаб. — Қулоқ сиз айтгандай бўлса, унда ишимиз «беш» экан!

\* \* \*

Бошқарма бошлиғи ўринбосари Файзи Сайфуллаевнинг хонасида навбатдаги оператив кенгаш давом этарди.

— Тўғриси айтсам, Зафар Каримович, — босиқ овозда сўзлади полковник, — группанинг бугунга қадар олиб борган иши мени қаноатлантirmаяпти. Вақт ўтиб бoryапти. Қидирув ишларингда эса сезиларли бурилиш кўринмайди.

— Сиз ҳақсиз, ўртоқ полковник, — унинг сўзини қувватлади терговчи Фармон Зайниев. — Фурсат борида Шариф Чўтирни қамоққа олиб, терговни бошласак, масала бирмунча ойдинлашармиди?

Терговчининг гапи «етти ўлчаб, бир кес» қабилида иш тутишга одатланган Зафар Каримовичга малол келди.

— Таваккал қилишни афзал кўряпсиз, Фармон Зайниевич, — деди у. — Ҳолбуки, бу билан иш битмайди. Айблагша етарли асослар, далиллар бўлмасдан туриб, ҳибсга оламизми? Бизнинг ишимизда таваккалчилик, шошқалоқлик кетмайди.

— Фикрингизга қарши эмасман, ўртоқ майор, — деди полковник. — Хўш, Чўтирни ҳибсга олишга етарли асослар бор-ку. Ўзлаштирилган пул масаласи, қотиллик, сохта паспортлар... Фақат кузатиш билан иш битмайди ахир. Тергов жараёнида кўпроқ нарса аён бўлиши мумкин.

— Биз унга қўймоқчи бўлган айблардан тонса-чи?

— Унда нимани афзал кўрасиз, ўртоқ майор? — деди қатъий овозда полковник. — Мўлжалимча, сиз қидирувни яна давом эттириш ниятидасиз, янглишмадимми?

— Кўнглимдагини топдингиз, — деди майор дадил. — Менимча, қидирувни давом эттириш жуда зарур. Бунга ҳозир ишонч ҳосил қиласиз. Очил Мардонович, кеча кечаси юз берган воқеа тафсилоти билан таништиринг.

Очил Мирзаев томоқ қириб йўталиб олгач, Чўтир билан суратчининг учрашганини, суратчи телефонда аллаким билан гаплашганини айтиб берди.

— Кимга телефон қилганини аниқладингизми? — деди полковник.

— Когон шаҳридаги чойхонага. Чойхоначи ҳеч иккиланмай, шундай гувоҳлик берди, — деди у ва ёнидаги папкани очди. — Ундан бир хатни олиб, ўқишга тушди: «... Кимдир қўнғироқ қилиб, Омонов деган киши чой ичиб ўтирибди, уни бир минутга телефонга чақириб юборинг, дея илтимос қилди. Мен, Омонов ким, телефонда сўрашяпти, дедим. Бир гавдали, мўйловли киши мен, деб тез-тез юриб келиб, телефонда сўзлашди. Кейин чойхонадан чиқиб кетди...»

Капитан хатни ўқиб бўлгач, яна шундай қўшимча қилди:

— Когон шаҳрида эса тўртта Омонов яшар экан. Суриштирдик, кеча улардан бирортаси ҳам чойхонада бўлмабди. Суратчининг қандай шахслиги аниқланди. Чимкент шаҳридан экан, исми-фамилияси — Содиқбек Самиев. «Навбахор» кўчасида яшаган. Икки марта ахлоқ тузатиш меҳнат муассасасида бўлган. Биринчи марта ўн тўрт йил бурун уч ярим йилга, иккинчи марта бундан беш йил олдин уч йил муддатга қамалган. Икки марта ҳам ўғирлик билан қўлга тушган.

— «Мукофот эгасига мунтазир...» Қандай мукофот? Эгаси ким... — деди полковник ўйчан.

— Мукофот ЦУМ кассасидан ўмарилган пулдир, балки...

— Бу фикрингизда жон бор, — майорнинг сўзини қувватлади полковник ва ўз билгисича таъбирлашга тушди: — Мукофот! Демак, у — кўзланган нарса. Эгаси Азроил, яъни Гладиатор бўлса ажаб эмас. Қулоқ алоқачини кутяпти. Алоқачи қандай келади? Қулоқ билан қай йўсинда учрашади? Ё Чўтир билан учрашадими?

Оператив кенгаш бирдан мунозара тусини олди.

— Мўлжалимча, жиноятчилар ниҳоятда эқтиёткорлик билан иш тутяпти,— деди ўйчанлик билан терговчи.— Бизни чалғитишлари мумкин...

— Жиноятчиларнинг муҳим бир ишни амалга ошириш ниятидалиги билиниб турибди-ку,— ўз фикрини айтди Очил Мирзаев ҳам.— Қулоқ ниманидир кўлга киритган. Энди уни шерикларига оширмақчи. Мукофотнинг қандай нарсалиги эса ҳозирча бизга номаълум. Энг аввало ана шуларни аниқлашимиз зарур. Мукофот мабодо биз тахмин қилган пул бўлмай, бошқа бир нарса бўлса-чи?

— Бу тахминни ҳам тўғри, деб фараз қилайлик,— деди терговчи.— Унда мукофот нима ахир?

— Ҳм... Яна жумбоқ,— деди дераза олдида туриб, бурқситиб сигарета тутаётган Файзи Сайфиевич хаёлга толганча.— Тахминлар кўп, масала эса тобора мураккаблашиб борапти. Қулоқ билан Чўтирни кузатиб, алоқачи билан учрашишни кутиш зарурга ўхшаб қолди. Майли, суратчини ҳозирча ўз ҳолига қўйиб турайлик. Уртоқлар, биз шундай иш тутишимиз керакки, мукофот ҳам, унинг эгаси ҳам манзилга етай-етай деганда тузоққа илинсин. Қулоқни, Чўтирни ҳушёрлик билан кузатиш давом эттирилсин!

Чоршанба. Уфқ гира-шира ёришаётган пайт. Кўплар ҳали уйқуда. Автобуслар қатнови бошланмаган. Тонгги сукунатни аҳён-аҳёнда паровозларнинг кичқириғи бузиб турарди. Темир йўл станциясининг жануб томонидаги уйларнинг бирдан Пакана чиқди. Эғнида кулранг свитер. У темир йўл изларидан тез-тез ўтиб, вокзал томонга кетди. Вокзалга етгач, кутиш залига кирди. Скамейкаларда беш-олти киши мудраб ўтирарди. Пакана дераза олдидаги скамейкада похол шляпасини пешонасига тушириб мизғийган қотма кишига кўзи тушиши билан секингина орқасига тисарилди. Остки лабини қимтиганича шитоб билан бурилиб, зал бурчагидаги телефон будқасига кирди, автоматга икки тийинлик чақани ташладида, бурнини тортганча шоша-пиша номер тортди.

— Ким керак? — дея трубкадан аёл кишининг майин товуши ва ҳомуза тортгани эшитилди. Пакана Саъванинг овозини таниди.

— Мен кифтман. Трубкани акамга бер, гап бор! — деди.

— Нима гап? — дўриллаган дағал товуш эшитилди. — Қулоғим сенда, ковурга.

— Шеф, Шайтон сафардан қайтди. Буюртмани олиб келди.

— Яхши, бошқа гапинг йўқми?

— Именно бор, шеф!

— Айтақол тезроқ! Фақат қисқа қил!..

— Каламуш шу ерда, вокзалда мудраб ўтирибди. Поезд келишини кутяпти, шекилли.

— Бу бошқа гап. Сени пайқамадими?

— Йўқ, мудраяпти, дедим-ку!

— Кут! Етиб боргунимча уни қочирворсанг терингни шилиб оламан. Орадан ўн-ўн беш минут ўтар-ўтмас вокзалда қўлида сумкачаси билан Саъва кўринди. Пакана унга пешвоз чиқди.

— Қани у? — сўради Саъва.

Пакана имо-ишора билан кутиш залининг қайси скамейкасида Каламуш ўтирганини деразадан кўрсатди.

— Гладиатор сени кутяпти... — деди Саъва ва мастона юриш билан кутиш залига кириб кетди. У бориб Каламушнинг ёнига ўтирди. Уйқусизлик, чарчоқдан мудраб ўтирган Каламуш ҳушёр тортди. Ёнида оқ-сарикдан келган жувонни кўргач, ёқасини тартибга келтирди, шляпасини кўтариброқ қўйди.

— Айтинг-чи, Ашхабод томонга қачон поезд кетар экан, — деб сўради Саъва русчалаб. — Тонгда поезд бўлади, деб эшитгандим, шошиб таксида келдим.

Каламуш соатига қараб олгач:

— Ҳали эрта, — деди. — Соат саккиз яримда бўлади. Яна камида уч ярим соат кутасиз.

— Вой-бўй, шунча вақтли келибманми? Э, айтганча, шу шаҳарда бир дугонам яшайди. Ёзиллаганча уникага бирров кириб чиқсам, поезддан кечикиб қолмасмикинман-а? Боши осмонга етарди...

— Узингиз қаерликсиз? — деб қизиксинди Каламуш. «Бунча диркиллама, дилкаш, лаққа тушадиганлар тоифасидан чоғи. Хавф-хатардан-ку анча йироқдаман. Бир гапга солиб кўрай-чи?» дея хаёлидан кечирди у.

— Газли шахриданман. Туғишганларим Ашхабодда яшашади. Сиз ҳам ўша поездни кутяпсизми?

— Ҳа. Истасангиз дугонангизникига бирга бориб келамиз, — деб секин илмоқ ташлади Каламуш. — Мен ҳам ўтиравериб зерикиб кетдим. Узоқда турадим дугонангиз?

— Унчалик эмас, уйи шу атрофда. Паркнинг нариги томонида. — Саъва унга шубҳа туғдирмаслик учун бир лаҳза ўйга толган бўлди, кейин:

— Ихтиёрингиз! Хоҳишингиз бўлса, майли, юринг, — деди.

Ташқарига чиқишгач, Саъва олдинда кўриниб турган истироҳат боғига ишора қилди.

— Боғ оралаб ўтақолайлик, яқин. Қўрқмасиз?..

Каламуш Саъванинг ноз-истигносига ишвали сўзларига тамоман асир бўлди.

Боғнинг дарахтлари қалин жойига етишганда, қўққисдан уларнинг рўпарасида Гладиатор пайдо бўлди. Каламуш унинг дарахт панасидан қандай отилиб чиққанини, шарақлаб очилган пичоқнинг кекирдагига тиралганини ҳатто сезмай қолди. Саъва эса бир зумда ғойиб бўлди. Каламуш ҳатто қимирлашга ҳам улгурмади.

— Қандай ажойиб учрашув-а? Кутмаганмидилар? Кўнгил ёзишни тусаб қолибдилар-да, писмиқвой! — деди масхараомуз товушда Гладиатор. — Йўл бўлсин, ғирромо?

— Сен маккордан қутулиб бўлмаслигини билардим, — ранги бўзариб, тутилиңқираб гудранди Каламуш. — Азроил ҳам сендан ҳазар қилса керак! Сен ифлосга эргашиб, беҳуда ўтган умримга ачинаман. Нега қараб турибсан, палид! Ўлди, сен ютдинг!..

— Қочиб қутуламан, деб ўйлаганмидинг, туллак! — деди кескин оҳангда Гладиатор. — Хўш, бефаҳм Каламуш, қандай жазога лойиқ деб биладилар ўзларини? Биқинларидан дарча очилишини хоҳлайдиларми ёки... Ажаб, бирдан тилтишлаб, ювош тортиб қолдилар-ку! Қани, Пакана, қурол-пуролини ол!..

Каламушнинг орқа томонига шарпасиз билинтирмай ўтиб олиб, худди куйдирилган калладай тиржайганча ҳамлага шайланиб турган Пакана чакқонлик билан Каламушнинг чўнтақларини бир зумда шипшийдам қилди. Пичоқ, ҳужжатлари, паспорти қатидан бир даста ўн сўмлик пул чиқди. Чорасиз қолган Каламуш миқ этмади. Гладиаторга нафратли тикилиб тураверди.

— Ақчанинг қолгани қани? Қопчиқ қаерда? Агар яхшиликча қайтарсанг, жазосиз қолсан, тўрт томонинг қибла! Унамасан, унда ўзингдан кўр!

— Мармалахжо-жойига қайтган, — деди у хирилдоқ овозда тутилиңқираб. — Мард бўлсанг, гапиришга имкон бер! Пичоқни ол, томоғимдан!

— Сайрайвер, суллоҳ! Пичоқ халал бермайди, қайтага сайратади, — баттар жазаваси кўзиди Гладиаторнинг. — Қулогим сенда, Каламуш, хўш?

— Биз ўша ногирон, сўқирлардан ҳам баттармидик, шеф? Охирги пайтлар бутунлай тубанлашиб кетдинг! Ўша корхона кассасини талаш шартмиди? Кўзи ожизлар ишлайдиган жой-ку у ер. Ўта пасткашлик қилдик, уялмай-нетмай ўшаларнинг ҳақиға чанг солдик. Бу кунимиздан ўлганимиз тузук эмасмиди? Умарилган пулни ўз жойига, ўша корхона ҳисобига қайтардим. Ишончли қопчиғингнинг қилган гуноҳи шу.

— Рост гапир, туллак! — деди яна ўдағайлаб Гладиатор ва пичоқ учи билан Каламуш иягини юқори кўтариб, кўзларига қаради. — Дангал гапни айт, малахни қаерга яширдинг? Жонингдан умидинг бўлса гапир?

— Ишонмасанг, суриштириб бил! Сенга бор гапни айтдим. Энди кўлингдан келганини қил!

— Вой, каллаварам, раҳмдил суллоҳ-эй! — деб ўшқирди Гладиатор. — Қачондан бери сен Каламуш кўнгилчан бўлиб, эзгулик йўлига ўтиб қолдинг-а? Йт азобида қўлга киритган бир сумка малахга сув қуйдингми, энағар!

— Мен виждоним буюрганини қилдим, шеф! — деди Каламуш Гладиаторнинг аччиғини баттар кўзгаб.

— Ҳе, ўша виждон-пиждонинг билан... — Гладиатор шундай дея унинг кекирдагидан пичоқни олиб, кўкрагига мушт туширди. Каламуш чалқанча йиқилди.

— Сотқиннинг жазоси қанақалигини кўрасан энди!

Гладиатор уни ёқасидан ушлаб турғизди-да, қалин буталар орасига тортиди...

Ўша кун пешинга бориб, Когон шаҳридаги истироҳат боғида номаълум бир кишининг маст ҳолда ариқчага тушиб ўлгани ҳақида ички ишлар бўлимига хабар етди.

Зафар Каримовичнинг олдида Гладиаторнинг асл ниятини тезроқ билиб олиш ва вазиятга қараб иш тутиш муаммоси кўндаланг турарди. Шу сабабдан у Чўтирни ҳибсга олишни мақсадга мувофиқ деб топди ва фавқулудда оператив кенгаш чақирди. Унда полковник Файзи Сайфуллаев ҳам иштирок этди. Майор сўнгги кунларда Гладиатор тўдаси кўпдан мўлжаллаб юрган катта бир операцияни амалга ошириш ҳаракатида эканлигини билдирди.

— Барзангининг хабаридан сўнг, Боцманга кўз-қулоқ бўлиб туришни

самарқандлик ҳамкасларимизга топширган эдик, — деди майор. — Аммо Боцман уларни чалғитибди. Аниқ маълумот олинди: буюртма аллақачон Гладиатор қўлига теккан.

— Боцман ўзини кузатишаётганини сезибдими? — деб сўради полковник. — Унда ишлар пачава-ку! Мабодо у Гладиаторни огоҳлантирган бўлса...

— Бугун сўраб билдим. Боцман ҳеч нарсани сезгани йўқ, дейишди. Бунинг устига, Когон шаҳридаги бугунги қотиллик...

— Нима, қотиллик рўй берган демоқчимисиз? — диққати ошиб сўради полковник. — Суд-медицина экспертизаси бошқача хулоса чиқарибди-ку?

— Афсуски, янглишибди, — деди майор. — Чори ҳозир Когон шаҳрида ҳеч хавотирсиз юрган Паканани кузатяпти. У Гладиатор рақибини калтаклаш билан кифояланар, деб ўйлаган. Афсус Чори бизга сал кечикиб хабар етказди. Ўлдирилган киши эса ўша мен сизга айтиб берган Жўра писмиқ, лақаби — Каламуш. Гладиатор тўдасидан.

— Гладиатор билан Шайтоннинг турар жойи аниқландими?

— Ҳозирча билолганимиз йўқ, — жавоб қилди майор. — Лекин уларнинг алоҳида-алоҳида ерда ижарада туриши, бир-бири билан фақатгина телефон орқали алоқа қилаётганини билдик.

— Саъва — Светлананинг яшаш жойини-чи?

— Когон шаҳрида Светлана исмли беш аёл, икки қиз яшайди. Ҳаммасининг номаи аъмолини пухта ўрганиб чиқдим. Мазкур шахсларнинг паспорт бўлимидаги суратларидан нусха олиб, Барзангига кўрсатдик. Афсуски, у суратлардаги аёлларнинг бирортасини ҳам Саъвага ўхшатмади. Светлана Саъванинг иккинчи лақаби эканига ҳеч шубҳа қолмади...

— Гладиатор тўдаси эса шошилаётганга ўхшайди, — деди полковник.

— Фаҳмлаб турибмиз, — деди майор. — Чўтирни ҳибсга олсак, менимча, жумбоқни ечиш бирмунча енгил кўчармиди?

Бу таклифни эшитган полковник бир лаҳза уйланиб қолди, сўнг:

— Таклифингиз жуда қалтис, — деди. — Шериклари билиб қолишса, ҳозиргача қилган барча ҳаракатларимиз чиппакка чиқди, деяверинг.

— Узга чорамиз йўқ, ўртоқ полковник, — деди майор. — Уларнинг мақсадини олдиндан билишимиз зарур. Шундай бир йўл тутиш керакки, Қулоқ, оғайниси қўлга олинганидан тамоман хабарсиз қолсин.

— Менда бир таклиф бор, — деди капитан Очил Мирзаев. — Паркка ўз кишимиздан юборамиз У арғимчоқ, уча туриб атай йиқилади. Ўзини оғир жароҳатланган қилиб кўрсатади. «Тез ёрдам» чақиртирилади. Чўтирга ўз ишига совуққон, эътиборсиз қараган, деган айб қўйилади. Бу вазифани участка инспектори бемалол эплайверади. Арғимчоқдан йиқилиш эса дружиначи қизимизга тан.

— Бу усулда суратчи Қулоқни ошкора қўрқитиб юборган бўламиз, — деди майор. — У, баҳона билан тўрга илинтиришмайдами, Чўтир сирни фош этиб қўймасмикан, деган ўйга бориши турган гап.

— Бошқачароқ, шубҳа уйғотмайдиган бир тадбир ўйлаб топиш керак. Полковник сигарета тутатиб, бир зум чуқур ўйга толди. Сўнг ўрнидан қўзғалиб, хонанинг у бошидан бу бошига бориб кела бошлади.

— Шариф чўтир қўлга олинishi билан Тошкентга телефон қилиб, унинг номидан ишхонасига телеграмма уюштирсак-чи? — деди бошлиқ вазмин оҳангда. — У телеграммага яқин бир дўстининг тўсатдан қаттиқ оғриб қолганини ёки аварияга учраганини билдиради. Шу боисдан бир неча кунга ушланиб қолинишини, агар иложи бўлса, унга ўз ҳисобидан бирор ҳафталик отпуска берилишини сўрайди.

— Бу тадбир шубҳадан холироқ, — деди Зафар Каримович. — Уни қачон қўлга олайлик?

— Шу бугуноқ!..

\* \* \*

Шариф Чўтирни биринчи куни терговчи Фармон Зайниев сўроқ қилди. Чўтир миқ этмади. Иккинчи куни турли хил важларни рўқач қилиб, найранг-бозлик йўлига ўтди. Майор ишни тезлатиш ниятида Чўтирни ўзи сўроқ қилмоқчи бўлди.

Кўзлари ўйноқлаб турган Чўтир Зафар Каримовичнинг кабинетига келтирилди. Унинг авзойи бузилган, қорамағиз юзи ниҳоятда тунд эди. У қамоққа олинishi сабабини аллақачон фаҳмлаган, лекин иқрор бўлгиси келмасди. Полга тикилганича жим ўтирарди.

Майор Чўтирга юзланиб, бирдан кескин овозда:

— Гражданин Шариф Ғозиев! Марҳамат қилиб жазманингиз Мария Михайлованинг ўлими ҳақида гапириб берсангиз, — деди. — Огоҳлантириб қўйай, айбингизга иқрор бўлсангиз, ўзингизга яхши.



Расми Х. Лутфуллаев чизган

Чўтир ўрнидан сапчиб турди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Лекин тезда ҳушёр тортиб, курсига қайтиб ўтирдию талмовсирашга тушди:

— Нималар деяпсиз, ўртоқ начайлик? Кеча ҳам, ўтган куни ҳам мендан нуқул шуни сўрашди. Қулоқни танийсизми, дейишди. Ҳеч нарсага тушунма-япман. Менинг бу ишлардан хабарим йўқ!

— Аксинча, ҳаммасидан хабарингиз бор! — деди Зафар Каримович яна кескин оҳангда. — Қани, гапиринг!

— Ҳеч нарсага тушунолмапман, начайлик. Сиз айтган аёлнинг ўлимига тасодиф сабаб бўлган, деб эшитдим, холос, — титраб-қақшаб жавоб қилди Чўтир. — Бекордан-бекорга суриштиряпсиз. Ишот қани, гувоҳ қани?

— Гапни кўп чалғитманг, фойдаси йўқ. Унинг қотили — сиз! — деди майор. — «Дўстлик» меҳмонхонасида тунаганингизни инкор этмассиз?

Чўтир ялт этиб Зафар Каримовичга қаради, лабларини асабий қимтиб, югинди. Яна индамай бошини қуйи солди.

— Нима, икром бўлишни истамаяпсизми? Унда эшитинг! Марҳуманинг ўлиmidан бир кун олдин Жамиллов фамилиясида Тошкентдан Бухорога учиб келгансиз. Игирма еттинчи рейс билан. Сўнг Мариянинг ишдан қайтишини кутиб, йўлини пойлагансиз. Уни йўлда учратиб, ресторанга олиб киргансиз. Ресторанда бўлганингиз ҳақида официант гувоҳлик берди. Иккингишни ҳам суратингиздан таниди... Биргаликда овқатланиб, унга роса коньяк ичиргансиз. Марияни чалғитиб, усталик билан қадаҳига уйқу дориси солгансиз. Сўнг ярим тунда уникига боргансизлар. Кўзлаган мудҳиш мақсадингизни амалга оширгач, эрталаб самолётда биринчи рейс билан Тоиров фамилиясида яна Тошкентга қайтгансиз. Қисқаси, қотилликни олдиндан пухта ўйлаб, амалга оширгансиз.

Чўтир танг аҳволда қолганини, бу аҳволдан қутулишнинг сира иложи йўқлигини чуқур фаҳмлаган эди. Лекин, бари бир сир бой бермади. Уйдирма гапларни тўқиб, ўзини минг мақомга сола бошлади.

— Гапимга ишонинг, ғирт туҳмат, бўҳтон...

— Яна қайтараман, бекорга тоняпсиз! — унинг ёлғон-яшиқ гапини бўлди майор. — Қотиллик сабаблари бизга аён. Мана бу икки билетда, — дея стол тортмасидан билетларни олиб кўрсатди, — ўз дастхатингиз бор. Учиш олдида билетнинг йиртиб олинадиган контроль талон қисми ортида «кимлигингиз» ни, сохта паспорт номерини ўз дастхатингиз билан ёзиб қолдиргансиз. Бу далилларни инкор этмассиз?

— Иш расво! Шунчалик бўларини билганимда у билан дон олишармидим, — деди Шариф чўтир тутақиб. — Ишонинг, қотил эмасман. Эҳ, бунчалик шўрпешана бўлмасам... — У узук-юлуқ гапириб, инграганча бошини столга ура бошлади.

— Узингизни босинг! — деди майор. — Гуноҳ қилишдан олдин бошни ишлатиш керак. Пулни нима мақсадда ўзлаштирдиглар? Қалбаки паспортларни қаердан олгансиз? Сохта Мария Михайлова билан қандай та-нишдинглар? У аслида ким? Гладиатор ва Содикбек билан қандай алоқангиз бор?

Шариф чўтир майорга ваҳима билан бақрайганча қараб қолди. Худди мурдадек оқариб кетди. Унинг оғиз очишга ҳам мажоли йўқ эди. Инкор этиб бўлмас далиллар олдида тамомила эсанкираб қолди.

Дастлабки тергов жараёнида унинг Қулоқ билан мутлақо алоқаси йўқлиги, иккиси шунчаки дўст эканлиги аниқланиб, бунга ишонч ҳосил қилинди. Чўтирнинг ишга келмаётганидан Қулоқ заррача шубҳага бормади. Сўроқ даврида яна бир нарсa — сохта Мария Михайлова қидирувдаги шахс экани аён бўлди. У асли саратовлик, исм-шарифи Чуприна Клавдия Мироновна экан. Эрининг ўлимида айбланиб, беш йилдан бери яшириниб юрган экан. Чўтир унга сохта паспорт тўғрилаб берибди. Бошқа шаҳарга узоқ муддатга командировкага кетаётган бир аёл билан келишиб, унинг бир хоналик квартирасига Чупринани вақтинча прописка қилдирибди. У паспортларни топиб олганман, деб ваз кўрсатди. Ўзлаштирилган пул тақсимотида иккиси келишолмабди. Чўтир пулни ўғирлатдим, дебди. Клавдия «ёлғон, тенг ярмини берасан», деб туриб олибди. Бунинг устига квартирадан жазманининг қиммат-баҳо безаклари йўқолиб қолибди. Иккиси келишолмагач, Клавдия, бошқа паспорт топдим, энди бу шаҳарда ортиқча қоломайман, агар ўзлаштирилган пулнинг тенг ярмини бермасанг, устингдан милицияга хабар бериб, ўзим қочиб қоламан, деб қўрқитибди.

Оқибати не бўлган маълум эди.

Давоми келгуси сонда

Йўлдош Солижонов

## ПАРОДИЯЛАР

Егинг, сим-сим ёгинг, ёмғирлар,  
Қуримасдан боғим, ёмғирлар.  
Муҳаббатим чаманларида,  
Бақаларга тўла сарқовуз...  
Оқ гулларнинг шабнамларида  
Титраб-титраб турарман ёлғиз...

Султон Акбарий. «Емғирлардан илтижо» шеъридан

*Егинг, сим-сим ёгинг, ёмғирлар,  
Ариқларда оқинг, ёмғирлар.  
Бу кенг дунё ўргилсин сиздан,  
Ёғиш сиздан, шеър ёзиш биздан.  
Бақа тўла ҳовуздами,  
Баҳорми, ёз ё куздами,  
Зерикмай дала — туздами,  
Ноҳорангиз қоқинг, ёмғирлар.  
Шеърларим ҳам худди сиз каби,  
Оқ қоғозда титраб асабий.  
Бир офтоблик ҳоли бор, кейин —  
Юлдуз кўрмай гезарар лаби.  
Мен оғзига томизай сиздан,  
Ургилайин ёғишингиздан...*

Вақт келиб, тарк айлагай  
Сени ёшлик онлари.  
Тарк айлар йигитликнинг  
Шўх ва шан давронлари.  
Белингдан кетар қувват,

Кўзлар ҳам тортар хира.  
Интилиш билан уни  
Қайтариб бўлмас сира...

Ҳамроқул Ризо. «Хаёл» шеъридан

*Вақт келиб қуриб қолар  
Шарқираган сойлар ҳам.  
Узлашиб кетар дўнглик,  
Сен ўтирган жойлар ҳам.  
Кесилиб кетар бир кун  
Сурнай ясалган толлар.  
Ўтиб кетар «э, воҳ!» деб,*

*Қариб-қартайган чоллар.  
Ҳаёт эмас абадий,  
Қайтариб бўлмас уни.  
Сен яхшиси, хаёл сур  
Хоҳ кундузи, хоҳ туни.  
Хаёл — яшнаган еринг,  
Хаёл — энг яхши шеъринг...*

# МУНАҚҚИДЛАРГА ҲАЗИЛЛАР КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАР ЭДИ?

МАТЕКУБ ҚУШЖОНОВ

Мана, қўлингизда ёзувчи Хуррамининг «Гирром» китоби. Сиз уни яхши умидлар билан сотиб олдингиз: ўқисам, маънавий дунёимни ўстирсам, деб ўйлайсиз.


Китобни Абдулла Қаҳҳор айтгандай дўппингизни хидлаб-хидлаб ўқиб чиққач, олган таассуротларингизни чамалаб кўргингиз келади. Сюжет, композиция, конфликт, характер нуқтаи-назаридан адиб қандай муваффақиятларни кўлга киритган экан, дея ўйлай бошлайсиз.

Асарнинг қисқача сюжети шундай: пахтачилик бўйича шуғулланадиган илмий текшириш институтларидан бирининг бўлим бошлиғи гирром олим. Унинг бутун орузи — докторлигини ёқлаб, янада юқорироқ мансабга кўтарилиш. Докторлиқни ҳақиқий меҳнати, манглай тери ҳисобига қилишга бўйни ёр бермайди. Қўл остида ишлаётган аспирант ва лаборантларга «Пахтачиликда вильт касаллиги», «Гўзанинг баргини туширишининг янги методлари», «Биометод ва келажак» сингари асосий бобларини ҳашар йўли билан ёздирди... Хуллас, диссертация тайёр бўлади... Тантанали равишда диссертация ёқлаётган бўлим мудирининг шўрига шўрва тўкилади. Ҳақберди исмли аспирант ўзи ёзиб берган қисмининг фотокопиясини илмий совет аъзоларига кўрсатади. Охир-оқибат ҳақиқат ғалаба қилади.


Асарнинг асосий сюжети шу. Аммо муаллиф асар композициясини мақсадга мувофиқ усулда қурганми? Ифодаламоқчи бўлган гоёвий-бадий ниятини ҳаётий образлар, жонли характерлар орқали ифодалай олганми?

Асарга шу жиҳатдан қарасак, унда баъзи муваффақиятлар билан бирга анча-мунча камчиликлар ҳам борлигини кўрамыз. Муаллиф маъно учун хизмат қиладиган асосий линияси қолиб кетиб, қаҳрамони — Лутфилланинг ёшлик йиллари баёнига ўтиб кетади. Ёшлигида катта домлалар ёнида югурдак бўлиб юришлари, уларнинг қаватида юриб, амал-тақал қилиб кандидатлиқни ёқлашлари, майда-чуйда тафсилотларига баён этиб берилади. Асарнинг учдан икки қисмини эгаллаган бу тафсилотларнинг кимга кераги бор? Агар шу хил қаҳрамонга ўтмишини эслатиш йўлидан бориш керак бўлса, нега унинг болалигини эслатиш керак эмас?!

Хуллас, асарнинг учдан икки қисми қисқартириб ташланса ҳам унда ифодаланмоқчи маънога путур етмайди. Умуман муаллиф асардан оқиб чиқадиган гоёвий-бадий маъно ҳақида ўйлаб, бутун қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисаларни шу асосга қурса ёмон бўлмасди. Зеро маъно — маҳоратнинг бош масаласи.



## ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ



Менимча асарда аввало ҳақиқий маънодаги замон руҳи бор деб бўлмайди. Зеро замонавийлик адабиётнинггина эмас, ҳар бир асарнинг ҳам қалбидир. Ана шу қалб бўлмаса асар ўлик сармоёга айланади.


Асар қаҳрамонининг хатти-ҳаракатлари кишини танг қолдиради. У ўз диссертациясини бировлар кучидан фойдаланиб тайёрлатади. Междупрочим, бундай ҳодисалар ҳаётда ҳам бўлиб туради. Уларга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда.

Албатта, асарда ана шу кураш бор мураккаблиги, ёрқинлиги билан акс этган дея олмаймиз. Шунингдек, асарда диссертация воқеаси билан боғланиб кетадиган бошқа ҳодисалар акс этмаган. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Институт катта даргоҳ бўлса, балки у ерда кўплаб проблемалар бордир. Негадир адиб бу масалаларни четлаб ўтади.

Бундан ташқари асарнинг тилида ҳам анча-мунча ғализликлар учрайди. Масалан бош қаҳрамон уйига маст ҳолда келганда, ёзувчи уни «эшиқни тентираб топди», дейди. Холбуки, «тимирскилаб топди», дейилса, маст кишининг ҳолатига жуда мос бўларди. Яна бир жойда (асар охирларида) бош қаҳрамон диссертациясига нисбатан «ёзайлик» деган сўзни эслатади. Ёзувчининг аввалги сўзларидан маълум бўлгунча, диссертация ёзилган, уни фақат таҳрир этиш лозим.



Умуман асарда тилга олинган воқеа-ҳодисалар ҳаётий бўлса-да, асар бизни келажакка чорлайди, излаган мўъжиза ва гўзалликларни топишимизда илҳом бахш этади, деб бўлмайди.




## БЕРДИАЛИ ИМОМОВ

Ҳозирги адабий ҳаракатга алоҳида диққат билан қарамоқ лозим. Таҳлил этилаётган «Ғирром» асари шаҳар темасида ёзилган. Шаҳар темаси эса худди бошқа мавзулар каби анча муҳим мавзу. Бу хил мавзуларда ёзганда алоҳида моҳирлик ва эҳтиёт лозим. Конфликт проблемасини ҳам жиддий ўйлаб ҳал қилмоқ керак.

Бу асарда ёзилишича бир аспирант ўз домласининг ишига кўмак бериб, сўнг ўзи ҳам уни фош этади. Наҳотки, аспирант уни аввал фош этмади? Бу ҳаётийми? Наҳотки, бундай бўлмаслигини таъминлайдиган илғор куч бўлмаса? Бундай илғор куч илмий муассасаларда тўлиб-тошиб ётибди.

Ёзувчи бунинг аксини қилади, у қаҳрамонини аспирант билан жанжаллаштишга юборади. Муаллиф ҳозирги замонда олимнинг жамиятдаги ролини тунунмайди. Унинг маданиятсиз ва уришқоқлигини тасвирлагани ҳолда унга танқидий муносабатда бўлмайди, ўз позициясини сир сақлайди. Ҳолбуки олим ҳақ.

Умуман олганда, шу маънода мен, гапни чийратма қилиб айлантирмай лўнда қилиб айтганда, бу ерда асарнинг замонавийлиги ҳақидаги гапларга унчалик қўшилгим келмайди.



## САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ

Давр шамолига пешвоз чиққан ҳозирги носирларимиз ижодида замонавий тематика кенг ишланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кейинги йилларда Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романлари, Уткир Ҳошимовнинг «Квазарлар», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш», Ғаффор Ҳотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой» қиссаси сингари замонавий мавзудаги асарлар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилигида ҳақ ва ноҳақликнинг қарама қарши томонлари турли хил ҳаётий материал асосида акс этирилади.

«Ғирром» ҳам шу хил асарлардан бири. Ундаги воқеалар эпик кўлами билан ранг-баранг воситаларда акс этирилади. Асарнинг учинчи қисми эса ниҳоятда актуал масала — фанда ҳалоллик ва ноҳалоллик

проблемасига бағишланади. Бу мавзунинг муҳим эканлиги икки қарра икки тўртдай маълум. Ушбу китобда ўйчанлик, лирик мушоҳада, қайноқ таассурот жўш уриб туради... Умуман олганда Хуррамининг «Ғирром» асари адабиётимизга қўшилган ҳисса бўлди.



## УМАРАЛИ НОРМАТОВ

Назаримда, ҳар бир ёзувчининг асарига унинг талант даражаси ва имкониятларига қараб баҳо бермоқ керак. Тўғри, замонамиз қудратли ракетага ракета, космос асридир. Бироқ шу ракетага ракета билан биргаликда от арава ҳам яшайпти. Бу ҳам давр, замон тақозоси.

Асарда шаҳарда туғилиб ўсган, яшаётган фан кандидати ва аспирантларнинг оддий турмуши тасвирланади. Улар илм, ижод кишилари. Илмнинг ададсиз заҳмати энг яхши қаҳрамонларнинг қалбига, руҳига сингишиб кетган. Бу хил ақлий камолотга етишга интилаётган одамлар ҳаётида ҳам ўзига хос бахт ва жиддий фожиалар бор. Агар автор қаҳрамонлари қалбига қулоқ тутганда, руҳига чуқурроқ кира олганда уларнинг ҳаётини бутун дилкашлиги, жозибаси ва фожиаси билан очиб бериши, асар бундан ҳам мусиқий,

бундан ҳам жонлироқ чиқиши мумкин эди. Бироқ мен асар финалида ижобий қаҳрамоннинг осонгина енгиб чиққанига ишонмайман. Бу рус ва жаҳон адабиётидаги илғор тенденцияларга тўғри келмайди.

Аммо ёзувчининг имкониятларини ҳисобга олиб қараганда, унинг аввалги китобларига бу асарни солиштирганда, менимча, ижобий баҳолаш ҳам мумкин.



Баъзан қайси мавзу адабиётда кам ёки нотугал тасвирланган бўлса, ўша мавзуга ўзларини урадилар. Гўё шундай қилса иши юришиб қетадигандай...


Ҳолбуки, ёзувчи ўзи ифодаламоқчи бўлган материалини чуқур билмаса, ҳис қилмаса, яхши асар ёза олиши қийин. Аммо бу фикрдан фалон мавзу муҳим-у, фалон мавзу номуҳим деган хулоса чиқармаслик керак. Қайси мавзу чуқур ифодаланса, ҳаққоний образлар орқали бадий тадқиқ этилса ўша мавзу муҳимдир.

Бироқ таҳлил этилаётган асарни бадий тадқиқ этилган, кашфиёт даражасига етган деб бўлмайди. Биринчидан, асарда муаллифнинг нима демоқчи эканлигини англаб бўлмайди. Хўш, бир раҳбар ўз қўл остидагилар меҳнатидан фойдаланмоқчи бўлибди... Биттаси уни фош этибди. Бу билан адиб нима демоқчи?

Ёзувчи бир ўринда шундай дейди: «Қоронғи тун. Атрофда жимлик ҳукмрон. Япроқларда ой нури мудрайди. Шу вақт атрофда ит ҳургани эшитилди. Лутфилла қоронғида тентираб ўз қовлиси эшигини зўрға топди. Ичкари кирса хотини уқлаб ётар, кичкина қизчаси унга қараб кўзларини мўлтиллапти ётарди». Қизиқ, бу сўзлар нега битилляпти? У нимани оқлаб, нимани қоралайди? Қоронғи тун бўлса-ю, япроқларда ой нури мудраса, қизчанинг милтиллаб турган кўзлари кўринса? Қоронғида япроқларда мудраган ой нури қандай бўларкан?!

Бундан ташқари асар қаҳрамони, воқеалар давомида ўз характери мантиқига кўра эмас, муаллиф буйруғига кўра ҳаракат қилади. Ҳақберди исмли аспирант аввал диссертациясининг бир бобини ёзишга оппа-осон кўнади, аммо вақт ўтиб характерида, руҳий оламида биронта ўзгариш юз бергани айтимайди. Шунга қарамасдан диссертация ҳимоясида лоп этиб чиқиб, домласини фош қилади. Бу ҳодиса характер мантиқига эмас, муаллифнинг талаби, тўғрироғи, буйруғи асосида юз беради.

## ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ



«Битта қалдирғочнинг келиши ҳали баҳор эмас, — деб ёзади бир китобхон дўстимиз ўз хатида. — Баъзи бир асарларни ўқиб кўрагимизга илиқ бир шабада теккандай, булоқ сувларила юз ювиб, жонлангандай бўламиз». Бироқ баъзан бу покланиш алдоқчи умидларнинг нашъу намосидан тароват топган ҳиссиётнинг нозик шамоли туфайли ҳалок бўлади. Улуғликка бир дебоча бўлган, тонг туққан ҳиссиётлар шу тариқа ўзининг мунгли ибтидосини топади.

Хуррабийнинг «Ғирром» асарида ҳажвгўйликнинг киши ҳид билиш органларига туюлган қалампир каби таъсир этадиган жойлари бор. Аммо у қўшалок бўлиб ўсган қовун ёки ғалати, букри тарвузга ҳам ўхшашлиги билан иштибоқ тўла андуҳ уйғотади. Улар, менинг нозик фаҳми ожизимча, кенг далаларда ўсган сершарбат

қовундан кўра теплицанинг дим хонасида ўсган ўпқасиз неъматларни эслатади. Шунинг учун ҳам бу ердаги баъзи қаҳрамонларнинг кўнгли темирчининг босқонидай кенг эмас.

Хуррабий деган ёзувчимиз излаган сўз ҳали тоғу тошларда сарсон бўлиб, уни кутиб, ҳижрон кунларининг аламли ҳислари билан ўртаниб ёнмоқда бўлмиш дақиқаларни бошидан кечиряпти. Аввало бу сўзни топиш, сўнгра унинг бошини силаб юпатиш бахтига муяссар бўлмоқ талаб этилур. Ана шунда теплицанинг дим ҳавосидан қутилиш, ёзиб берилган бир диссертация, сарғайган ва узилиб тушишга ноил бўлган бир барг учун йиғлаб ўтириш шарафи сизнинг елкангиздаги бошингизни озод этса, не ажаб. Ушандагина Хуррабийнинг сўзлари ҳам «ёмон» мультфильмлардаги қуёнлар, айиқчалар ва мусичалар каби ўмбалоқ ошиш ҳунарини тарк этади. Сўзлар бу орада ўзимизнинг ён бағрини ажриқзор босган, чиннигуллар ўсиб турган ариқчалардан эмас, даққионусдан қолган, ириб-чириган темир новлардан оқиши кишини ажабланиш дарёсига ғарқ этади.

## БЕГАЛИ ҚОСИМОВ



Хуррамининг «Гирром» асари классик адабиётимиз, хусусан, 1905-1917 йилларда ижод қилган Ҳамза, Авлоний, Сўфизода, Ажзий сингари қатор адибларнинг анъаналари таъсирида юзага келганлиги ҳақидаги баъзи фикрларга қўшилгим келади. Зеро, ўзининг баъзи камчиликларга мурасасизлиги, танқидий руҳи билан ушбу асар асримиз бошида битилган бир турли шеърӣй ва насрий асарларни аслатади. Айни замонда асарда, озми-кўпми, замон руҳи ҳам акс этган...

Айниқса, менга Ҳақберди исмли аспирантнинг куюнчақлиги, хатти-ҳаракатлари ёқди. Қандай фидойи, ҳақиқатпараст аспирантларимиз, илмий ходимларимиз бор-а! Улар кунни-тунга улаб архивларда ўтирадилар, инқилоб йиллари ва ундан олдинги чиққан арабча, лотинча имлодаги газета-журналлардан материал излайдилар. Ва ниҳоят «излай излай топганим шу», деб нашриётга обкеладилар. Баъзи гирромлар бўлса китоб, газета чанги нима эканлигини билишмайди, сиз билан биз ўлиб-тирилиб йиққан материалдан фойдаланишади. «Гирром» асарида бу сезилиб турибди.

Албатта, асарда бадий жиҳатдан айрим камчиликлар бўлиши, тилида баъзи ғализликлар учраши мумкин. Вақт келиб ёш муаллиф бу қусурлардан қутилади, деб ўйлаймиз. Зеро, 1905-1917 йилларда ижод қилган кўплаб шоир ва носирларнинг ижодида ҳам шундай ҳоллар юз берган.

Ҳазиллар муаллифи  
Ботир НОРБОВЕВ

Расмларни Алижон ҲОЛИҚОВ чизган

«СУРХОН»  
МУКОФОТИ  
ЛАУРЕАТЛАРИ

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози меҳнаткашларининг ташаббуси билан «Сурхон» номли мукофот ташкил этилди. Бу мукофот ҳар йили бир марта «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида эълон қилинган энг яхши асарлар учун берилади.  
1984 йили журналда ёритилган қуйидаги асарлар ана шу мукофот билан тақдирланди:

**Муроджон МАНСУРОВ**  
Мангу жанг. Роман, 8-9-10-сонлар.

**Эркин САМАНДАР**  
Эрк садолари. Достон, 11-сон.

**Анвар ЭШОНОВ**  
Абдуваҳоб Қўчқоровнинг ёзилмаган достони. Поэма, 5-сон.

**Азиз ҚАЮМОВ**  
Абу Али ибн Сино. Эссе, 11-12-сонлар.

**Суннатулла АНОРБОЕВ**  
Фидойилар. Очерк, 12-сон.

**Умарали НОРМАТОВ**  
Бадиий баркамоллик — давр талаби. Адабий-танқидий мақола, 11-сон.

**Шокирали НУРАЛИЕВ**  
Бозор. Социологик очерк, 5-сон.

## ЛАУРЕАТЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

На узбекском языке  
«Шарқ юлдузи»  
(Звезда Востока)  
№ 2

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного  
Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана.  
Ташкент — 1985.

Редакцияга келган бир босма  
табоқча бўлган материаллар  
авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга  
«Шарқ юлдузи» дан олинди»,  
деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 6.12.84 й.  
Босишга ружсат этилди 5.02.85 й.  
Қоғоз формати 70×108 /14.  
Фотонабор. Офсет босма усули.  
Физ. листи 13.  
Шартли босма листи 18,55.  
Нашриёт ҳисоб листи 20,2.  
Тиражи 156126.  
Заказ 5038.  
P-09065

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ орденли босмахонаси.  
Тошкент — 700029,  
«Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Рассом Х. Лутфуллаев  
Техник редактор М. Аҳмедов  
Корректор А. Билолов

© «Шарқ юлдузи». 1985

### Келгуси сонда:

**Зулфия**  
Дилдан бир япроғи  
бежиз йўқолмас  
Шеърлар.

**Асқад Мухтор**  
Чорраҳа  
Роман. Бошланиши.

**Уильям Шекспир**  
Макбет  
Беш пардали фожиа.  
Бошланиши.

Қизлар дафтари  
Шеърлар